

29(2-2)  
449

Муҳаммад Али

УДИВ САЛТАНАТ

# Мироншох Мирзо



**МУҲАММАД АЛИ**

**УЛУҒ САЛТАНАТ**  
*(роман-эпопея)*

**Учинчи китоб  
МИРОНШОҲ МИРЗО**

*“Наврӯз”*

**Тошкент – 2019**

**УЎК: 821.512.133-5**

**КБК: 84. (5Ўзб)10**

**A-54**

**Муҳаммад Али.** «Улуғ салтанат» / роман-эпопея / Учинчи китоб:  
Мироншоҳ Мирзо / – Т.: “Наврӯз”, 2019. – 464 б.

**Масъул муҳаррир  
Тўлқин Ҳайит**

**Нашрга тайёрловчи  
Тўлқин ЭШБЕК**

**Иқтибослар ва изоҳларни тайёрловчи:  
Эргашбай МАТЯКУБОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 13-сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чоратадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онг-у тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва ҳалқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Муҳаммад Алиниң «Улуғ салтанат» эпопеясини мутолаа қилган ёш китобхонларнинг маънавий олами шунга яраша бўлади. Ушбу нашрнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда бугунги ёш китобхонларга айрим сўз ҳамда иборалар янада тушунарли бўлмоги учун тегишли ва зарур изоҳлар ҳам берилган.

**УЎК: 821.512.133-5**

**КБК: 84. (5Ўзб)10**

**ISBN: 978-9943-562-91-2**

© Муҳаммад Али.  
© “Наврӯз”. 2019 йил.

## УЛУФ САЛТАНАТ ВА УЛУФВОР АЖДОДЛАРИМИЗ ТАРАННУМ ЭТИЛГАН АСАР

Мустақиллик шарофати билан Амир Темур шахси халқимиз учун яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Соҳибқироннинг номи, сиймоси халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, миллий-тариҳий ва маданий-маърифий илдизларимизни чуқур англашда, буюк келажагимизни қуришда бизга янгидан-янги куч-кувват бағишламоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, Биринчи Президентимизнинг узокни кўзлаган сиёсати ва бемисл шиҷоати Амир Темур бобомизни халқимизга қайтариб берганини эътироф этиш ҳам фарз, ҳам қарздир. Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки даврида, 1993-йилда бир гурух ёзувчилар билан бўлиб ўтган учрашувда: “**Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим**<sup>1</sup>” дея таъкидлаб, ижод ахли олдига катта вазифалар қўйганди.

Юртимиз ёзувчи ва олимлари, шоир ва драматургларининг ана шу адолатли даъватга таяниб, Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш, бу мавзуга тамоман янгича миллий истиқлол мафкураси ва адабий-тариҳий нуқтаи назардан ёндашиш борасидаги кенг кўламли ҳамда самарали ижодий изланишларини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати, ўттизга яқин шеърий, насрый, публицистик ва таржима китоблар муаллифи, атоқли адаби Мухаммад Али шу мавзуда кўп йиллар давомида қалам тебратётган ижодкорлар орасида алоҳида мавқега эга.

Айниқса, кейинги даврда Мухаммад Али адабиётимиз тарихида илк бор Амир Темур бобомизнинг тўртта фарзандига бағишенган тўртта роман ёзди ва ана шу романларни ўзида мужассам этган “**Улуф салтанат**” тетралогиясини яратиб, адабиёт мухлислари-ю мутахассисларининг юксак эътирофини қозонди.

Мухаммад Алининг “**Улуф салтанат**” тетралогияси

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мафкура. Т. 1 – Т., “Ўзбекистон”, 1996. 198-бет.

таркибидаги илк китоблар бирма-бир нашр этила бошлаганидан буён ўтган ўн йилдан ортиқ қисқа даврда бир қатор адабиётшунослар томонидан ушбу тарихий асар роман-эпопеяниң барча асосий талабларига жавоб берадиган ва **ўзбек адабиёти тарихидаги том маънодаги биринчи тетралогия** сифатида баҳоланди. Табиийки, бундай баҳо – ушбу асар адаб ижодидаги жуда катта ютуқ, миллий адабиётимизда эса ғоят муҳим янгилик эканидан далолатдир.

Ҳақиқатан ҳам, “Улуғ салтанат” эпопеяси – марказида Соҳибқирон Амир Темур ҳамда Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳ Мирзолар турган йигирмадан ортиқ етакчи қаҳрамонларни, юздан зиёд персонажларни, уч юз атрофидаги турли даражадаги эпизодик образларни қамраб олган, ғояси ҳам, мазмуни ҳам бир хил тўрт романдан иборат яхлит тарихий-бадиий асардир.

“Улуғ салтанат” эпопеяси наинки жуда кўп сонли образлар талқинидан иборат экани, айни чоғда, катта бир тарихий даврни, яъни жаҳон тарихшунослари эътироф этган Темурийлар Уйгониш даврини қамраб олгани билан ҳам эътиборни тортади. Асада Амир Темур салтанат бошига келган 1370 йилдан бошлаб, то ўн беш ёшли Мирзо Улуғбек Турон тахтига чиққан 1409-йилга қадар бўлган салкам 40 йиллик шон-шавкатга йўғрилган ва ташвишу ғалаёнларга тўла давр мохирона бадиий ифодалаб берилган.

Даставвал, Муҳаммад Али томонидан Соҳибқирон ва унинг суронли даврига бағишилаб, 1999-йилда ёзилган **“Жаҳонгир Мирзо”** ва 2004-йилда битилган **“Умаршайх Мирзо”** романларини ўзида қамровчи **тарихий дилогия** яратилган эди. Биринчи китобда 1370-1376-йиллардаги воқеалар, иккинчи китобда эса 1391-йилгача кечган шонли тарихимиз бадиий талқин этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ, Муҳаммад Алиниңг “Улуғ салтанат” деб номланган ана шу **дилогияси** 2007 йилда Давлат мукофоти билан тақдирланди. Бундай юксак эътибор ва рағбатдан руҳланган адабимиз кейинчалик “Улуғ салтанат” туркумига кирувчи учинчи романи – **“Мироншоҳ Мирзо”** китобини чоп этди. Асосан 1392-1399-йиллар воқеалари ҳакида сўз борган ушбу



жўшқин асар ҳам мухлисларда катта таассурот қолдирганини айтиб ўтиш лозим.

Шундан сўнг 2013-йилда таникли адабнинг айни туркумдаги тўртинчи романи – “Шоҳрух Мирзо” асари нашрдан чиқди. Унда 1400-йилдан 1409-йилгача бўлган суронли воқеалар акс этган.

Шу тарика буюк Соҳибқирон бобомизнинг тўрт нафар фарзанди аржуманди – Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзо ҳаёти ҳамда фаолиятига бағищланган кенг қамровли тетралогия дунёга келди.

Бу ҳақда адабнинг ўзи “Шоҳрух Мирзо” романи эпилогида шундай қайд этади: “Соҳибқирон ҳақида асар ёзишига киришар эканман, ишни нимадан бошлишини билмай, узоқ ўйларга ботдим. Бу улкан осмонупар тоз бўлиб, у чамага сизмас, ақлга буй бермасди. Бунда табиатнинг ўзи ёрдамга келди: унда тўрт фасл бор эди, баҳор, ёз, куз, қиши. Дунё ҳам тўрт томонга эга – шарқ, гарб, шимол, жануб. Коинотнинг тожи бўлган Инсон ҳам тўрт унсурдан яралган, инсон умрининг ҳам тўрт фасли маълум – болалик, йигитлик, етуклик, кексалик. Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”си ҳам тўрт девондан иборат...”

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам тўрт ўғли бўлган экан – Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзо... Бас, Соҳибқирон ҳақидаги китоб тетралогия-эпопея бўлиши ва тўрт китобнинг ҳар бири рамзий маънода бир ўғил исми билан аталиши лозим, номи “Улуғ салтанат” деб қўйилсин, деган қарорга келдим. Эпопеяниң бош қаҳрамони Амир Темурдир<sup>1</sup>”.

Академик Б.Назаров ушбу эпопеяга ёзган “Барҳаёт асар” номли сўзбошисида қайд этганидек, “Улуғ салтанат”ни янгидан чоп этиш кенг микёсдаги китобхонлар эҳтиёжини қондириш баробарида тўлиқ тўрт жилдан иборат узвий аҳамиятликдаги нашрига эга бўлиш бу асар ихлосмандларининг ҳамда ўсиб келаётган янги

<sup>1</sup> Али, Мухаммад. Улуғ салтанат. Эпопея. Тўртинчи китоб. “Шоҳрух Мирзо”. – Т.: “Шарқ”, 2014. – 548-бет.

**авлод китобхонларининг орзуси эди<sup>1</sup>.**

Муҳаммад Али ўз тетралогиясида халқимизнинг бундан қарийб етти аср олдинги ҳаёти, ўша давр ижтимоий жараёнларини ёрқин бадиий бўёклар ва аниқ тарихий фактлар асосида маҳорат билан тасвирлайди. Энг муҳими, адаб Амир Темур образида тарихий ҳодисалар оқимида тадрижий ўсиб, юксак камолот даражасига эришган шавкатли зот, адолатпарвар ва ҳалол, мард ва ватанпарвар буюк сиймо тимсолини моҳирлик билан кўрсата олган.

Бу асарларда, шунингдек, марказлашган буюк давлат барпо этиш машаққатлари, кенг кўламдаги бунёдкорлик манзаралари тараннум этилган. Аслида ҳам, Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган марказлашган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқе тутмайди. Соҳибқирон ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам маданий ва илмий марказларидан бирига айлантириди. Бу улуғ зот қурдирган меъморчилик ва ҳалқ санъатининг жавоҳирлари янглиғ бугунгача қад кўтариб турган осори атикалар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб келяпти.

Тетралогияда шу каби буюк ҳақиқатлар бадиий бўёклар ва тарихий фактлар омухталигида ўз тасдигини топган. Адаб романдан романга ўтар экан, ҳар гал бадиий санъатининг турли усусларини маҳорат билан қўллаб, ўша даврнинг зиддиятли ҳаётини ҳаққоний акс эттиришга, бор бўйи билан очиб беришга муваффак бўлган.

Бинобарин, адаб Амир Темур образини Соҳибқирон бобомиз сурати ва сийратига хос бўлган барча кирралари – мураккабликлари, зиддиятлари, маҳобати, даҳосини лиризм билан уйғун яхлитликда кўрсатишни доимий диққат марказида тутиб турган ва бу вазифани маҳорат билан уддалаган. Бу ютуқ, ҳеч шубҳасиз, муаллифнинг бой ижодий тажрибаси ва асардан асарга ўткирлашиб бораётган илҳомбахш қалами кучи билан бевосита боғлиkdir.

Тетралогия ўз ўқувчисида тарихий-миллий ғурурифтихор туйғусини юксалтириш аҳамиятига эга экани билан

<sup>1</sup> Али, Муҳаммад. Улуғ салтанат. Эпопея. Биринчи китоб. “Жаҳонгир Мирзо”. Сўзбоши муаллифи Б.Назаров. – Т.: “Шарқ”, 2014. – 20-бет.

янада қимматлидир. Б.Назаров таъбири билан айтганда, бу асар ўзбекнинг ғурурига ғурур, сурурига сурур кўшибгина қолмай, ирқи ва миллати, қайси мамлакатга мансублигидан қатъи назар, ўзини хурмат қилган ҳар бир киши қалбida адолатга, ҳақиқатга, инсонпарварлик ва бунёдкорликка меҳр уйготади. Тарихда шундай салтанат, унинг Соҳибқирони бўлган халққа ҳамда уларнинг ҳозирги ворисларига ҳавасни, наинки олис, ҳатто Ватан ичидаги турган кишиларда ҳам Ватан согинчини мустаҳкамлайди.

Шу маънода, “Улуғ салтанат” тетралогияси асосида келгусида фильмлар яратиш лозим, деб ўйлаймиз. Ушбу эпопеяга таникли рассом, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Алишер Аликуловнинг асар мазмунига мос мохирона чизилган рангли иллюстрациялари илова қилингани, албатта, муҳим аҳамиятга эга. Бу ижодий анъана, ўз навбатида, навқирон адиб ва рассомларимизни янги изланишларга руҳлантириши тайин.

“Улуғ салтанат” тетралогиясини Биринчи Президентимизнинг ёзувчиларимизга мурожаат қилиб: “жонкуяр ва фидойи адибларимиз ўзбек адабиётининг муқаддас анъаналарига садоқатли бўлиб, уларни муносиб давом эттирган ҳолда ижод қиласилар ва янги-янги гўзал асарлар билан халқимизни хушнуд этадилар, деб ишонаман”<sup>1</sup>, деган даъватига таникли адиб Мухаммад Алининг муносиб амалий жавоби сифатида қабул қилиш айни муддаодир.

Умид қиласизки, бугунги нозиктаъб ва талабчан китобхон кўнглига аллақачон йўл топган “Улуғ салтанат” тетралогияси кейинги неча-неча китобхон авлодларимизнинг ҳам севимли асарларидан бўлиб қолади. Бинобарин, адибнинг бу муҳташам эпопеяси миллий адабиётимизда Соҳибқирон Амир Темур ва темурий шахзодалар образини яратиш йўлида қўйилган ўзига хос кутлуг қадамдир.

Акмал САЙДОВ,  
профессор

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17 – Т., “Ўзбекистон”, 2009. – 269-бет.

## БИРИНЧИ БОБ

### I

Кишининг баҳри дилини очадиган ёруғ тонг отиб келарди.

Борлик уйқунинг энг ширин паллаларини бошдан кечирмокдайди. Осмонда ёмби олтиндай яраклаган тўлин ой нурлари кесила бошлаганидан хиралашиб борар, милт-милт қилган яккам-дуккам юлдузларгина уйғок эди. Онда-сонда чириллаган чигирткалар овози олам тинчлигини бузишга бенаф тиришарди.

Олисда, адир тепасида худди отаётган тонг бағридан отилиб чиқкандай елаётган уч суворийнинг қораси кўринди. Бири қолганларидан анча ўзиб кетганди. Улар вазият тақозосидан кечаси йўлга чиқишга мажбур бўлганга ўхшардилар. Икки довоннинг биринчиси босиб ўтилганди.

Кечанинг оромбахш уйқусидан қўз юмиб, шиддат билан от қўйиб бораётганлар кимлар экан? Шошилинч хабарни етказишга бел боғлаган чопарлармикин? Хушхабар бўлсанку, бир нави. Чопарлар, кўпинча пойтахт Самарқанд ёқса юришади, лекин бу отликлар ғарб-у шимолга – Бухоро томонга қараб йўл тутгандилар.

Худди шу паллаларда салтанат пойтахти Самарқанди фирдавсмонандда ҳам ҳаммани безовталик қамраб олди. Маҳди улё Сароймулхоним бу хабарни эшитиб, даҳшатдан қотиб қолди. Сабри-тоқати чидамай, дарҳол қирқларга борган, уддабуррон-у чакқон бош мулозим Сафарберганин чорлаб, тездан йўлга чиқилажагини билдириди. Мулозимлардан бирини Боги Биҳиштга, малика Туман оқага жўнат-

ди. Амирзода Халил Султон ўтган куни амакиси Пир Мұхаммад Мирзо олдига, ўша боққа кетген. Ҳар иккисини яхши кийинтиришларини уқтирди. Иккінчи мұлозим Әғе Нәкши жақонга йұналды. У ерда Амир Сулейменшохға узатилгандан кейин, Сохибқироннинг қизи бегойим Султон Баҳт бегим истиқомат қиласы. Умаршайх Мирзонинг фарзандлари ўн бирни түлдірган Рустам Мирзо ва саккиз ёшли Искандар Мирзолар ҳам мазкур боғда яшардилар. Оқа бегимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзо Орзумулк оқа қўлида тарбияланарди.

Ўн яшар Султон Ҳусайн Мирзо ўзбошимча ва қулоқсиз ўсар, гапга кирмас, текканга тегиб, тегмаганга кесак отар, ҳаммани жонидан тўйғизар, бувиси Орзумулк оқа ундан дод дерди.

Мироншоҳ Мирзонинг фарзандлари ўн яшар Абу Бақр Мирзо, ундан бир ёш кичик Умар Мирзолар бошқа маликалар тарбиясида. Бари Сароймулхоним назоратида эди. Мұлозимларга, маликалар ва амирзодалар Кўксарой олдида тайёр турсинлар, тонг-эртан сахарлаб йўлга чиқиладур, деган топшириқни етказиш буюрилди.

Ҳаммаси хуфтонга яқин юз берди.

Ўн беш ёшли, босик ва ўйчан Шоҳруҳ Мирzonинг, Сохибқирон уни Ҳурсон-у Форс юришига олиб кетмаганидан ҳануз кўнгли ўксуклиги сезиларди. Шахзода Мұхаммад Султонни сафга кўшдилар, унинг устига, набира нуфузли лашкарга манглай бошлиғи этиб тайинланди, ҳолбуки, Шоҳруҳ Мирзодан бир ёшгина катта, холос. У эса – Сохибқироннинг ўғли! – сафга олинмади...

Сароймулхоним амирзоданинг дили чўкиб қолганини, сафарга жўналмасдан илгариёқ фаҳмлаганди.

– Амирзодам! – деди Сароймулхоним мулойим овозда.  
– Ҳали олдингизда кўп сафарлар бордур, Оллоҳ буюрса...  
Жанг майдонлари қадамингизга мунтазир кутиб турибдур,  
ҳа... Ортиқча куйинмангиз...

Катта малика билан амирзода нохуш хабар келмасидан аввал, оқшомда Боги Чинордаги зилол сувли ҳовуз бўйида ўймакор нақшлар билан безатилган сўрида сұхбатлашиб

ўлтиришарди. Кечки салқинда bog яна ҳам сўлимлашиб кетганди. Катта малика амирзодани овутиш билан овора-ю лекин нечундир безовта кўнглини аллақандай ғашлик сирқиратарди.

Шоҳрух Мирзо дуркун, қадди қомати расо, кенг пешонали, қошлари қуюқ, қовоклари қалинлигидан тўнг феълидай бўлиб кўринадиган, кўзлари катта-катта, илк мўйлаби сабза урган, мулоҳазалари ёшига қараганда теран, йигитлик мақомига эришиб бораётган бир паллада, ўғиллар ичида уни кўпроқ Соҳибқиронга тортган, дейишарди.

Сафар овозаси чиқди деғунча, барча амирзодалар-у амирлар кимлар танланиши билан жуда қизикишар, барча хушёр кулоқ солиб туради. Ҳамма қатори Шоҳрух Мирзо ҳам сафардан умидворлигини яширмасди. Афсуски, иш у кутгандай чиқмади.

– Шак йўқ, валинеъмат Соҳибқиронга яхшироқ аёндур, хонимойим ҳазрати олиялари.. – сўзланди амирзода. – Аммо сафардан аввал ҳамманинг бирма-бир номини айтдилар. Фақат каминадан сўз очмадилар. Ахир шавкатли оғаларим Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзолар не-не фавжларни жангга олиб кирганларида менинг ёшимда эдилар-ку! Мен ҳам ўн олти ёшдамен, ахир...

– Кўнгилга олмангиз... Амир Соҳибқирон барча фарзандларини бирдай кўрадилар, ҳа... Ахир Банокатнинг харобалари ўрнида кўркам шахар бунёд этдирдилар-у Умаршайх Мирзо ёки Мироншоҳ Мирзо номига қўймадилар, балки “Шоҳрухия” деб атадилар... Буни фаҳмига борғайсиз, албатта. Сиз, фарзанди аржумандини ардоқлағонлари учунда... Икки йил олдин Тошкандан Даشت Қипчоқ савашига жўнаётиб, ўзингизни ва амирзода Пир Мухаммадни юртни бошқариб туриш учун Самарқандга қайтариб юбордилар-ку. Тўғрими? Нима учун? Яна сизга қаттиқ ишонғонлари сабабидан-да... – мийифида кулди Сароймулхоним. – Энди... сизни пойтахтда менга ҳамроҳ сифатида қолдирдилар-да... Хонимойим ёлғиз бўлмасун, ёнида юрсун дедилар...

Бош экканча ерга тикилиб ўлтирган Шоҳрух Мирзо жилмайишга уринди.

Шу палла яқингинада Эронга отланган Амир Темур Кўрагондан чопар етганини айтдилар. Сароймулкхоним аллақандай ҳадик аралаш умид ва таважжухда<sup>1</sup> яқинлашаётган чопар томонга қаради: қандай хабар олиб келдийкин? Ҳамиша яхши мұждамикин, йўқмикин, деб юрагинг такапука, жонинг ҳалак... Чопар раҳматли Муайяд арлот ўғли, ўттизларга бориб-бормаган дўнгпешона, босик Мирзо Алибек экан.

.. Суворийлар иккинчи довонга яқинлашиб қолдилар.

– Жаҳон шаҳзодаси Мұхаммад Султон адашмадиларму эркан, Амир Аллоҳдод жаноблари? – сўради отликлардан бири иккинчисидан, анчагина олдинда от чоптириб бораётган суворийга ишора қилиб. – Бу ерларда ҳеч юрганман...

– Йўғ-е, Айбож ўғлон жаноблари! – жавоб берди Амир Аллоҳдод. Калта қирқилган соқол-мўйлабли, гирдигум келбатли, бировга боққанда ҳамиша жаҳли чиққандек қуюқ қошлари чимирилиб кетадиган ўттизлардан ошган бу киши Амир Сайфиддин некўзнинг иниси эди. – Шахзодамнинг бу ерларни беш қўлдай билишларига шубҳа йўқ! Кўп бор ўтганлар!

Тўхтамишхон киличини чопган, асли Жўжи наслидан, ўттиз бешлардаги Айбож ўғлон Кундузча ёнидаги жангда Турун қўшинига асир тушиб қолди. Унинг Олтин Ўрда лашкари сафида мардона саваш кургани тафтишда қалқиб чиқди...

Асирни қўлларига киshan солиб, Амир Темур хузурига олиб кирдилар. Ҳеч ким тиз чўккан Тўхтамишхон сардорининг қисмати қандай тугашини билмасди. Номай аъмолини эшитгандан кейин, Амир Темур сийрак чап қошида каттагина чандиғи бор асирнинг кўзларига қаради: рўбарўда йўлбарсникидек қисилган кўзлар унга тикилиб турарди. “Йўқ, бу қисилган эмас... асли қисик кўзлардир...” – хаёлидан кечирди Соҳибқирон.

– Бизларга қарши қаттиқ саваш курди, дегин?.. босик сўради Амир Темур Мұхаммад Чуроға додхондан. Барча

<sup>1</sup> Таважжух (арабча) – хайриҳоҳлик билан юзланиш, қараш.

Соҳибқирон ғазаб отига минди, деб ўйлади. – Қаттиқ саваш қурдими...

– Қўрқмай саваш қурган, Амир Соҳибқирон. Оти қоқиниб кетиб, йиқилибди... Шундан асир тушган. – тушунтириди Муҳаммад Чуроға додхо..

Айбож ўғлон аллақачон ҳаётдан умидини узиб қўйганди. Орага жимлик чўкди... Атрофдагилар саросимада дам Соҳибқиронга, дам асирга қаардилар.

– Қаттиқ саваш қурди, дегин?.. – тақрорлади яна Амир Темур таҳтдан туриб асирнинг ёнига келар экан. Кейин кутилмаганда дона-дона қилиб давом этди. – Йиқилғонда асир тушиб қолғон, ҳм – м... Йиқилғонда... Ғаним лашкари бизга қарши қилич кўтарса, жон-жаҳди билан ёпишса, ўз юртининг тузини ҳалоллаган деб хисобласунлар! Ғанимнинг қайси навкарики, жон ҳузурини ўйлаб, жанг жадал пайтида ўз бегига хиёнатга борса, туз ҳакини, бек ҳурматини, навкарлик бурчини унутса, ўз беги душманига ён босса, бундай кимсани хизматга йўлатмасунлар. Салтанатда шундок тартибни қаттиқ тутсунлар. Яна. Сипоҳийлардан кимки астойдил қилич чопса, маошини оширсунлар. Қайси сипоҳий урушдан юз ўгириб қочса, уни илтифотимиздан маҳрум этсунлар. Агар мажбуран чекинғон бўлса узрини қабул айласунлар. Агар уни вахима босғон бўлса, изза қилсунлар... Яна. Душман қаршисида қилич чопиб яраланғон навкарга инъом бериб сийласунлар. Борди-ю, яраланғондан кейин қочгон бўлса, унга таҳсин ўқиб, яраланғонини эътиборга олсунлар. Чунки у ғанимга ҳужум қилмағон тақдирда ҳам, ёв ҳамаси вақтида жароҳатланғондир, яраси бунинг гувоҳидир... Айбож ўғлон мард йигит экан, юртининг тузини ҳалоллабдур! Иззат-у икром кўргизилсун!

Амир Темурнинг сўзларидан барча ҳайраттга тушди. Инсоф-у адолат ҳам, олийжаноблик ҳам щунинг ичиди мужассам эди. Айбож ўғлон ўзини Соҳибқирон оёғига ташлади: – Оллоҳ умрингизни зиёда қилсун!.. Зиёда қилсун!

Шундай дер экан, Жўжизоданинг қисиқ кўзларидан қувонч ёшлари куйилиб келарди. Ўша-ўша, Айбож ўғлон Соҳибқироннинг садоқатли мулозимига айланди.

Кундузча жангиди Тўхтамишхоннинг сардорларидан бири Соткин баҳодир қизғин савашиш пайтида вазиятни чамалаб, Турон кўшини тарафига қочиб ўтди. Пойини ўпib турган баҳодирга ижирганиб қааркан, Соҳибқирон: “Ўз бегига вафосиз, душман бегига вафо қилармиди!.. Мана шундоғлардан худо сақласун!”, – дея ўлимга буюрди. Бирорта ҳам одам хоинга ачинмади.

Шаҳзода Муҳаммад Султон амирларнинг гапларини эшитмас, тезроқ Жўйи Зар сойига етиб боришни, суюкли бобосининг оёқларига бош уриб, Оллоҳдан шифолар тилашни ўйларди. Кеча чопар Ҳумоюн ўрдудан, валинеъматнинг мизожлари бирдан сустлашганини, аллақачон Жайхундан ўтиб кетган шаҳзода, кўшинини ўша ерда қолдириб, ўзи шитоб келсун, деган хабарни етказди. Соҳибқироннинг ҳозирги сихҳати, ҳол-аҳволи ҳақида сўраб-сuriштирганди, чопар “Валлоҳи алам биссавоб” дея олди холос...

Олдинда яна бир довон турарди.

.. – Амир Соҳибқирон... тўсатдан... касалликка чалин-дилар... – Мирзо Алибек катта маликанинг кўзларига тик қаролмай таъзим бажо айлади. Унинг кенг бурун катаклари билинар-билинмас кенгайиб тораярди.

– Нима-нима?! Нима дединг?..

Қирмизи оқ юzlари бўғриққан, бежирим ёқут лаблари кимтинган Сароймулхоним ўрнидан сапчиб туриб кетди! У доимо шундай бемаҳал келган балодан кўрқади.

Ажабо, Амир Соҳибқироннинг бетобланишлари ҳам жуда осон: соппа-соғ юрган одам бирданига оғрийди-қолади! Шундай одатлари бор-да... Бундан икки йил аввал ҳам кўққисдан қаттиқ ҳолсизликка тушдилар. Тўхтамишхон муҳорабасига бораётуб, Тошкандда кирқ кун ёстиқдан бош кўтармадилар. Катта малика худонинг зорини қилиб юриб, суянган тоғини согайтириб олди. Аввали бари худодан-ку. Мана энди катта сафарга отланиб, Самарқанддан чиқканларига бор-йўғи ўн кун бўлди, яна тоблари йўқ... Ўзинг сақлагил, эй парвардигор!

Шоҳруҳ Мирзонинг катта-катта кўзларида кўркув аломатлари кўринди. Валинеъмат Соҳибқирон дардга

чалинибдилар! Хунук хабарни эшилди-ю бирдан падари бузрукворидан ўпкалаб, ўксиб юрганлари ўзига эриш туюлди. Ичиде хонимойим олдида изо тортди... Ҳатто Амир Соҳибқироннинг бетобликларига ушбу кераксиз гапларим, ношуқрлигим сабаб, шекилли, деган ўйга бориб, дили ғашланди. Ҳамиша оёқда тик юрадиган, чарчаши нима билмайдиган чинордай валинеъмат Соҳибқироннинг энди чорасиз азиз бошларини ёстиқка қўйиб, азобланиб ётгандарини бир зум кўз олдига келтирди. “Оллоҳ ўзинг кечиргил, зинҳор падари бузрукворимдан хафа эмасдурмен! Ўзинг шифо бергил!..” – пичирлади амирзода...

– Бухорои шарифда қаттиқ беҳаловат бўлдилар... – ҳали йиғлашга тайёр турган Мирзо Алибек энди ўзини ўнглаб олди. – Аммо ҳазрат амирлар-у акобирларнинг илтижоларига бокмай, сафарни давом этдирдилар. Ўзим гувоҳман. Катта қишлоқлар орасидан оқиб ўтадиган Жўйи Зар сойи бўйидаги хушманзара бир боғ бор экан, ҳазрат шу ерда ётиб қолдилар... Иссиғлари бор. Кўп турк-у тожик ҳозиқ табиблар шифо излаш ила машғуллар... Амир Соҳибқирон маликалар-у шаҳзодаларни, ўғлон-ушоқларни хузурларига чорлатдилар. Амирзода Мироншоҳдан бошқа барча фарзандларни чақиртиридилар. Чагониён ёққа шаҳзода Мухаммад Султон жанобларига чопар юборгандарини ўз кўзим билан кўрдим. Баридан ҳам, сиз маҳди улё ҳазрати олияларини тезрок етиб келишларини буюрдилар. Жўйи Зарда отга қамчи босганимни биламан, холос, ҳозир ҳузурингизда турибман...

Мирзо Алибек маъюс бош эгди.

Ҳамма боғларга бесаранжомлик соя солди...

Тонг отар-отмас, барча Кўксарой олдида йиғила бошлади. Сунбуланинг салқин саҳаридағи ёқимли тоза ҳаво ҳам кўнгилларга татимасди. Сароймулхоним, Туман оқа, Султон Баҳт бегимлар ўз мулозимлари ва хос лашкарлари билан шай эдилар. Бирор бирордан гап сўрамас, гоҳ-гоҳда туяларнинг пишқиришлари, отларнинг бесабр ер тепинишлари эшитилар, ҳамма жўнаш онларини кутарди.

Соҳибқироннинг набиралари – шаддод амирзодаларнинг тоқатсизлиги отларницидан қолишмасди. Айникса,

эгнига заррин авра түнча кийган, бошига яркираган тожнамо саллача ўраган етти яшар истараси иссиқ Халил Султон бир жойда жим туролмас, гайрати жўшиб, гоҳ у амирзодага бориб қулоғига нимадир шивирлар, гоҳ бу амирзодани туртиб ўтарди. Унинг бу қилиги қулоқсизлик ва тўполончилик мартабасини муқим эгаллаган ўн яшар Султон Ҳусайн Мирзога ёқмади, ғаши келиб, Халил Султонни итариб юборди. Катталар аралашмаганларида жанжал бўлиши мукаррар эди.

Нихоят йўлга чиқилди. Юкоридан караган одам шундай манзарани кўрарди: олдинда катта малика Сароймулхоним пешонасига нақшинкор қўнғироқ осилган түя устида яшил тахтиравонда ўлтирас, кейинги пушти ранглисида Туман оқа, сарик ранглисида эса Соҳибқироннинг қизи Султон Баҳт бегимлар борарадилар. Шоҳруҳ Мирзо бошлиқ амирзодалар ҳар бири ўз аткалари билан ёнма-ён отлар жиловидан маҳкам тутиб олгандилар. Карвон хос лашкар кузатувида “Қайдасан, Жўйи Зар！”, деб йўлга чиқди.

## П

Ушбу воқеалардан уч ой аввал йигирма олти ёшли Мироншоҳ Мирзо тўққиз минг отлик аскардан иборат лашкарни ва уғрукни бошлаб, йўлларда азият чекиб Озарбайжоннинг Султония шаҳрига етиб келди. Пойтахтда лашкарга хазинадан ялпи бир йиллик улуфа ундирилганидан амирзоданинг қўнгли тўқ, оз фурсатда Соҳибқирон унга топширган вазифани уddaрай олишига ва бу салтанат тахти сари кўтарилишида пиллапоялардан бири вазифасини бажаришига аниқ ишонарди.

Кўксаройдаги машваратда Форс томонларга юриш хақида сўз борганда, Ҳулокухон мулкида бузғунчи кароқчилар кўпайиб кетганлиги, манзиллар нотинчлиги, ҳожи ва савдогарлар хатарларга қолишаётгани, Ҳумоюн ўрду томонидан ўрнатилган тартиб-у низомларга путур ета бошлаганлиги қайд этилди.

– Катта карвон йўллари устида жойлашғон Султония

ҳозир хароб ахволда... У шаҳардан бу шаҳарга кўчиб юрадигон корақўюнлилар қабиласи сардори Амир Қора Юсуф тагин уни эгаллабдур... Раиятнинг азият чекаётгони хусусинда хабарлар келиб турибди. Султония илгимиздан чиқмаслиги даркор! – деди Амир Темур ва кейин фармон килди: – Улут сафар бошланмасдан, амирзода Мироншоҳ Мирзо қўшин бошида Султония шаҳрига қараб отлансун! Биз изидан етиб боргайбиз!..

– Амир Соҳибқирон! – мурожаат қилди Муҳаммад Чуроға доддоҳ. У кўпдан бир кенгаш беришни дилга тушиб юрарди, ҳозир шу фурсат келганини сезди. – Агар ижозат этсалар, Амир Қора Юсуфга инсофга чакириб элчи юборилса... демакчи эдим.

Турон султони бироз ўйланиб турди, кейин норози оҳангда доддоҳга каради:

– Йўқ... Ундоғ йўл тутсак, у ҳам одам каторига кириб қолади... У бунга муносиб эмас.

Ҳеч ким сўз қўшишга журъат этмади.

Амир Қора Юсуф Мироншоҳ Мирзонинг шиддатли қадамларидан хабар топди. Жангари амирзода билан тўқнашишни хушламай, ҳали пайт борида шимолга, Маранд шаҳри ёқларга жўнади.

Мироншоҳ Мирзо масъуд кунларни бошдан кечираётганидан хушбахт эди. Бир нарса аёнки, валинеъмат Соҳибқирон уни ардоқлайди, йўқса номи чиққан Хоразм маликасини Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин, ёши улут оғаси Умаршайх Мирзога никоҳласалар муносиб эди, лекин, Оллоҳга шукрки, уни ортиқ кўрдилар. Демак, келажакда амирзодадан умидлари катта...

Хонзода хонимга уйлангандан кейин амирзода ўзини “Кўрагон” санаб, пинҳона бемисл ғурурланадиган одат чикарди. “Ана энди келдук мақсадга!..” – такрорлаб кўйди ичиди ўзининг яхши кўрган сўзларини.

У аввалдан ҳам ўзини ака-укалар ўрамида Жаҳонгир Мирзодан кейин “кўрагон” лақабига муносиб кўриб юрар, бу кўнглида яшриниб ётган, ҳукмдорлар фарзандлари учун табиий саналадиган туйгуларни аллалаб келарди.

Амирзода ҳам Турон тахти ҳақида кўпдан ҳаёл суради. Тахтга минаман, демаган амирзодани киши санамайди. Ҳар бир меросхўр ўғил расамади-ю фурсати билан мамлакат тахтига ўлтиргомги керак. Шунга интилиши ҳам зарур, интилиш айб эмас. Бу – азал қонуни...

Мироншоҳ Мирзо ҳам шунга риоя қилади. Лекин бир нарса уни қийнайди. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин ҳамма, ёшига кўра валиаҳдлик Умаршайх Мирзога ўтади, деб турганда, лоп этиб, ўғиллар эмас, набира Муҳаммад Султон бунга лойиқ топилди. Нега шундай, деб Амир Соҳибқирондан сўрашга киши ботинмайди.

Амирзоданинг ёдида: болалик пайтлари, қиссанон Мавлоно Убайд Соҳибқиронга кўп китоблар ўқиб берарди, бу Мироншоҳ Мирзога жуда ҳам ёқарди. Ўшанда турк хоқонлари, Эрон шаҳаншоҳлари, Рум қайсарлари, Ҳинд рожалари<sup>1</sup>, Чин фағфурлари<sup>2</sup> ҳақида тинглаган кўп ривоятлар бари унинг хаёлида... Соҳибқирон барча ўғиллари-ю набираларини йифиб, келажакда шубҳасиз нафи тегади, деган умидда кечмиш эртакларини тинглашга ундарди. Валиаҳдлиг-у тахтга миниш борасидаги кўп ғаройиб нақллар, ажойиб қиссалар, орзулар бошқалар қатори амирзоданинг ҳам хаёlinи ўғирларди. Оҳ, қачон келар экан ўша паллалар!..

Қайси замондадир яшаган қандайдир шаҳзоданинг воқеасини эшитар экан, унинг ўрнига дарҳол ўзини қўйиб кўрарди. Ўз ажали билан оламдан ўтган оталаридан сўнг ҳалол тахтга минган шаҳзодалар амирзодада хавас уйғотарди, ҳа, хавасланарди, лекин шундан кейин бирдан ҳушёр тортарди: майлига, амирзода тахтга минмаса ҳам, минг марта розидур, худо умр берсун, Амир Соҳибқирон, падари бузрукворлари юз йил, ундан ҳам кўп яшасунлар, дунё тургунча турсунлар, илоҳи.

Тавба деб гапирмак керак. Падаркушлар тўғрисидаги ҳикояларни эшитганда, беихтиёр ўрнидан қўзғолар, ноқобил фарзандларни лаънатлар, кўкрагига туфлаб: “Мумкинму?

<sup>1</sup> Рожа (санскритча; подшоҳ, ҳукмдор) – Ҳиндистондаги ҳокимлар унвони.

<sup>2</sup> Чин фагфури – Хитой хоқонлари, императорлари.

Мумкинму?.. Худо сақласун! Худо сақласун!.. Мен бўлганимдами, таъзирини бериб қўярдим!” – деб юборарди.

Мироншоҳ Мирзо ўшандай сухбатлардан бирида “Гулшани хазойин” деган, бус-бутун бир олам яширган сирли сандик ҳақида Соҳибқирондан ғаройиб нақл эшитди...

Аммо Соҳибқирон ҳали излаб бу сандиқни тополган эмаслар, чамаси. Ҳар қалай, Мироншоҳ Мирзога бу борада ҳеч нарса маълум эмас. Сехрли сандик амирзодани ҳам дилдилидан ўзига асир этди! Балки у ҳам қидирар, топар?..

Ўн икки йил аввал Амир Темур зафаркарин қўшин бериб, ўн тўрт ёшли Мироншоҳ Мирзони Хуросон ҳокими килиб юборди. Ўшандаёқ ёш амирзода Боги Чинорнинг каттагина майдончасида ҳарбий машқ сирларини ўргатган устози, сирдошга айланган Ахий Жаббор баҳодирни ўзи билан олиб кетмокчи бўлди. Бирок баҳодир раҳматли Жаҳонгир Мирzonинг ўнбошиси эди, Хонзода хоним хизматида бандлигидан, амирзода истиҳола<sup>1</sup> бориб бир нима дейишга ийманди.

Кутилмаганда, такдир Мироншоҳ Мирзо билан етти йилдан бери тул ўтирган Хоразм маликасини бир-бирига боғлаб қўйди... Шу-шу, Ахий Жаббор баҳодир ҳам ёстиқдоши Оққиз билан Хуросон ёқларда яшайди. Баҳодирнинг амирзода олдида мартабаси баланд эди. Шоп мўйловига доим калта қирқилиб юриладиган мөшбиринч бежирим соқоли ҳам қўшилиб элликни қоралай деб қолган баҳодир кўзга тағин-да, салобатлироқ қўринарди.

Чошгоҳ маҳали амирзода чопари шаҳарнинг шимолидаги Чаманбоққа кириб келди ва Ахий Жаббор баҳодирни саройга чорлаётганлари хабарини етказди. У Учқора билан Яналтекинларни ёнига олиб, йўлга отланди.

Баҳодир Султонияга илк бор келган бўлса-да, унинг тарихини аввал синчиклаб сўраб-суриштириб билиб олган, маълум тасаввурга эга эди. Бир пайтлар ҳулокуий хонларининг шавкатли пойтахти сифатида донг таратган, тевараги ўттиз минг қадамча чиқадиган Султониянинг аввалги шуку-

<sup>1</sup> Истиҳола (арабча; бир ҳолатдан бошқасига ўтиш, ўзгариш; мумкин эмаслик) – андиша, мuloҳаза ҳисси; тортиниш.

ҳидан асар йўқ. Қайсиdir хон девор билан ўрашга кириш-ганча қолиб кетган бу шаҳар юз йиллар мұқаддам мұғул хукмдорлари Султон Аргун ва Султон Мұхаммад Худобанда замонида бунёд этилган экан. Агар шаҳар узук бўлса, беш бурчакли ҳашаматли саройни узукнинг ярқироқ кўзи дейиш жоиз.

Султон Худобанданинг ҳамма жойдан кўринадиган, атрофида саккиз минора қад кўтарган, улкан гумбазли, мусамман шаклидаги маҳобатли мақбарасига яқинлашганларида, Учкора сўради:

– Ўтган куни бир одамнинг бу ердан ўтаётib: “Эй шоҳи Худобанд, зулмкунанда” деганини эшиздим... Ўша ҳукмдор зулмкунанда эканму, баҳодир жаноблари?

– Ол-а! – деди Яналтекин. – Доим ёмонликни кавлайсан-а, отангни арвойи!

Учкора индамади.

– Пайғамбаримиз ҳадисларида, ўтганларнинг фақат яхши хислатлари эсланади, деганлар... – тушунтириди Ахий Жаббор баҳодир. – Бу ердан ўтаётib, шу шаҳарни бунёд айлаган султон экан, жойи жаннатда бўлсун, дейиш лозим...

Тиз чўкишиб фотиҳа ўқиганларидан кейин, яна йўлда давом этдилар. Шаҳардан ўнг тарафда бор кўрки-бисоти қишин-ёзин аримайдиган қорлардан иборат баланд шийдам чўққилар бўй чўзган. Балоғатга етган сарвқомат, оқбадан қизнинг сийнасини эслатадиган, оппоқ қорга чулғанган энг баланд гўзал чўққи алоҳида ажралиб туради. Гоҳида уни “Қиз сийнаси” деб ҳам қўядилар.

Чапдаги тоғларда эса, умуман қор йўқ, қоялари доим чўғдай қизиб ётади, Хазар денгизининг яқинлиги сезилмайди, ҳавоси иссиқ. Тўрт томони шамолларга ланг очик бу шаҳар ҳали ҳам музофотнинг гавжум савдо марказларидан ҳисобланади. Барча йўллар Султонияда кесишиади.

Чорраҳага борганларида, кўз олдиларида тўртта катта кўча пайдо бўлди.

– Зўр кўчалар экан, отангни арвойи! Худди шаҳар тўрт-

та қўлини тўрт томонга чўзиб ёйилиб ётгандек... – чиройли ўхшатиш қилганидан ўзича мамнун деди Янал-текин. – Каерларга боради, баҳодир жаноблари?

– Шахардаям қўл бўладиму, дастингдан кетай? У сенга, нима, одамму?.. Яна тўртта эмиш! Хо-хо-хо!..

– Ол-а! Вей, ҳамиша олдингда оғизни очса қопасан-а, отангни арвойи!

– Мана бу чапдагиси Шоҳроҳи жануби, Ҳамадон орқали Бағдод, ундан Маккаи мукаррамага олиб боради. – тушунтириди гапни кесиб Ахий Жаббор баҳодир. – Ўнгдагиси Шоҳроҳи шимоли, Зинжондан кейин Ардабил, ундан Кофқоз мамлакатларига уланади, рўбарӯдагиси Шоҳроҳи гарби – Зинжон-у Табриз ва Рум элига боғланади, турган кўчамиз Шоҳроҳи шарки, Қазвиндан ўтиб Хуросонга элтади. Ҳов наридан яна бир йўл билан Исфаҳон, Шероз орқали Хурмузга чиқиб олиш мумкин.

– Маккаи мукаррамагача қанча йўл экан, баҳодир жаноблари? – сўради Учкора.

– Бу ердан қанча йўл эканини билмайман, – жавоб қилди Ахий Жаббор баҳодир. – Аммо бир куни Амир Шоҳмалик жанобларидан сўраганимда шундай деганди: “Самарқандан Маккаи мукаррамага саккиз юз олтмиш тош йўлдир. Бир тош – ўн икки минг газдан иборат, бир газ – йигирма тўрт бармоққа, бир бармоқ – олти арпа донасига, бир арпа донаси – от қўйруғи қилининг еттитасига тенгдур...”

– Ол-а! – деб юборди Яналтекин ҳайратда. – От қилининг еттитасига тенг-а!

– Оҳ, Шоҳроҳи жанубидан тош-тош йўл босиб кетаверсанг, кетаверсанг-да, Маккаи мукаррамадан чиқсанг!.. – деди Учкора кўзлари ёшланиб.

– Худо хоҳласа, ҳажга ҳам боргаймиз! – йигитлар кўнглини кўтарди Ахий Жаббор баҳодир.

Одам кўплигидан кўчалар тирсиллайди. Дам ўтмай Ҳиндистондан, Суриядан, Табриз, Шамоҳа, Дамашқ, Шероз, Хурмуз, Самарқанд ва Бухородан моллар ортилган тия карвонлари маржондай тизилиб шаҳарга кириб келади. Султония бозори машҳур шаҳар, фуқаронинг ўндан тўққизи

савдо билан шуғулланади, күча бўйларидағи кичик-кичик дўконлар, айвончалар атрофларида одамлар уймалашгани уймалашган.

Узокдан шукуҳли саройнинг қораси кўринди. Рангортнинг кошинлар билан безатилган миноралари кўкка бош қўйган, тош деворлари нақшинланган бу кошона чиндан ҳам Султониянинг кўрки ҳисобланарди, ҳар бир минорага биттадан кичик манжаниқ ўрнатиб қўйилган. Йироқлардан боқсан кишининг энг аввал ана шу минораларга кўзи тушади.

Чап томонда дараҳтзор ичидағи бостиримадай паст томли майхонада дунё ташвишларидан холи бир кўп одамлар чақ-чақлашиб, бақириб-чақиришиб ўтиришарди. Ахий Жаббор баҳодирнинг уларга ҳаваси келди, олисда қолган Самарқанд ёдига тушди, дўстлар, давралар, дилкаш гурунглар, ҳамиша мана шундай шовқин-суронга тўла Устанинг такяхонаси хаёлидан ўтди, кўнгли орзикди.

Унинг такяхонага кирмаганига ҳам етти-саккиз йилдан ошди. Балки, ҳали ҳам такяхонани ўша паҳлавон сифат, қайғу-ғамдан кейинроқ туғилган, хушчақчақ Уста Шунқор бошқараётгандир... Эсон бувалар тинч юриптими, бир гапи юз одамнинг ичагини узадиган Ориқ билан Паканалар соғсаломатмикин?.. Энди Самарқандга йўли тушса, дўстларини иғиб албатта такяхонага боради.

– Қани энди, бир кириб шакаргуфтторлик айласанг! – деди оғзидан сўлаги оқиб Учкора.

– Бўздан тортсанг!.. – тамшанди Яналтекин.

Баҳодир йигитларнинг сўзларини эшитмади ҳам, хаёли Самарқандда эди. Ох, Қаландархона кўчасидаги шайх Абулмаолий Термизий пирлик киладиган ахийлар ва жавонмардлар<sup>1</sup> хонадони... ундаги гурунглар аклингнинг ганжинасига айланиб, рухингнинг қат-қатларига сингиб кетади. Узок вакт ширин тушдай ўзига жалб этади кишини.

Улар катта майдонга чиқиб бордилар. Майдонда одамлар кўп, кекса-ю ёш, хотин-халаж тўпланган, “Нима қипти?”, “Вой, нима қипти?..”, “Вой, бечора!..”, “Шўрлик-

<sup>1</sup> Жавонмард (форсча) – баланд химматли, олий химматли, саховатпеша.

лар!..” деган овозлар эшитиларди. “Кимгадир жазо бериш-макда!” – хаёлидан кечирди баҳодир.

Одатда, гуноҳкорларни жазолаш, одамларни қўрқитиш учун гавжум жойлар, майдонлар танланар, байрам, маърака кунлари белгиланарди. Ахий Жаббор баҳодир шериклари билан одамлар халқасини ёриб ўта бошлади.

Ўртада эни йигирма қадамча доира ажратилган, унда эса... қўкракларигача ерга кўмилган, сокол-мўйлаби қириб ташланган кирқлардаги эркак билан йигирма беш ёшлардаги, бир тутам қора сочи тўзиб пешонасига тушиб қолганидан хижолат чиройли жувон кўзларини жавдиратишганча атрофга, ҳеч нарсани тушунишни истамай телбалардай ҳайқира ётган оломонга нажот истаб боқишарди. Ахий Жаббор баҳодир нима гаплигини энди бирордан сўрайман, деб турганди, беихтиёр ёнидаги икки одамнинг суҳбати кулогига чалинди:

–... Ана бу эркак мана бу хотинни ватий қилган...<sup>1</sup>

– Нима-нима?.. Нима дединг?.. Нима у? Тушунтириброк гапирсанг-чи! Роса айлантириб гапирасан-а!

– Э-э... Гаранглигинг қолмади қолмади-да! Хўroz товуқни босгандай босган, деяпман, кар қулок!

– А-а-а... Ҳм-м... Босса, нима бўпти?.. – сўради иккинчи одам ҳалиям гап нимадалигини тушунмай. – Топилмас мато эканми?..

– Зино бу, билдингми?

Учқора Яналтекинг шивирлади:

– Ҳали зино нималигини билмайдиганлар бор, қара!

– Йўғ-е! Ол-а!..

Биринчи одам астойдил тушунтира бошлади:

– Кулок сол! Агар эркак бегона, номаҳрам хотин билан қовушса зино дегани шу... Бу катта гуноҳ...

– А-а, билдим... Гуноҳ, гуноҳ.... – ўйланди иккинчи одам. – Энди бу ёғи нима бўлади?

– Ҳамма гап анови қозида. Қози: “Фалончи зино қилди”, деб гувоҳлик берган одамлардан, у нима, қандай, каерда, қачон, ким билан қилди, деб сўрайди. Агар гувоҳлар: “Зино

<sup>1</sup> Ватий – жимоъ қилмок, яъни қўшилмок (муалл).

қилғонини кўрдик”, – десалар, уларнинг гапларига ишонсалар, қозининг ҳукмига кўра, ҳар иккиси тошбўрон қилиб ўлдирилади...

– Ўлдирилади?.. Йўғ-е! Булар ҳам шунақаларданми? – сўради яна иккинчи одам.

– Шунака экан... Бу уйланган одам, униси эри бор хотин... Иккиси ҳам бир-бири билан дон олишиб юрган, айблари бўйнида...

– У ёги нима бўлади, деяпман, гапира қолсанг-чи! Бир чўздинг е! – сабрсизланиб сўради яна иккинчи одам...

– Дард бўлади, мана нима бўлади! Айтдим-ку, ҳаммаси шариат пешвоси ана бу қози қўлида, деб! – нигоҳи билан имо қилди биринчи одам. – Ўша қози билади. Бас, энди, сўрайверма, у ёкка қара!

Учкора билан Яналтекинлар анграйиб қолишиди. Ахий Жаббор баҳодирнинг эти жунжикди. Шу лаҳза атроф музофотларда тарқалиб кетган Алинжак қалъаси доруғаси Алтунбий деган шиҷоатли, мард киши ва унинг фосиқ укаси воқеасини эслади. Алтунбий Ирок ҳукмдори Султон Аҳмад жалойирнинг суюнган одамларидан эди. Амир Темурнинг уч йиллик юриши вактида унга дуч келишдан ҳайиққан Ирок ҳукмдори, эҳтиёт чорасини кўриб бор хазинаси-ю ҳарамини ўн етти яшар ўғли Султон Тоҳир етовида Алинжак қалъасига яширди.

Ахий Жаббор баҳодир қалъа таърифини эшитиб нақ ёқасини ушлаганди. Баланд қалъани ой худди қандилдек тепадан ёритиб туарар экан, девор кунгурулари офтобда душманлар кўзига олтин қалқондай ялтираб қўринаркан, кўкка санчилган тош минораларнинг учлари бамисли найзадек ғанимларга таҳдид қиласкан.

Шу қалъада туғилган Алтунбий, тун-кечаларда баланд чўққидан пастга тушиб, эпкиндай душманлар ичига борар, қирғин солар, талончилик қилиб қайтар, хеч ким уни тута олмасди. Кутилмаганда биргина зино Алинжак қалъаси пурвиқорлиги тимсоли, ёвларга енгилмас паҳлавон сифатида даҳшатлар солгувчи баҳодирнинг ҳаёт шамини сўндириди.

Алтунбийнинг фосиқ ва бузуки бир укаси бўлиб, у ножинс, Султон Аҳмад жалойирнинг хотини, яъни пошшозда Султон Тоҳирнинг онаси билан дон олишиб қолди... Хабар топган Султон Тоҳир ишни қозига ҳам топширмади, тошбўрон ҳам қилдирмади, шармандаликка чидолмай онаси билан Алтунбийнинг укасини тутдирди ва дарҳол қатл этдирди. Барибир, фисқ-у фужур, майда-чўйда гаплар ёйилиб кетди. Бутун қалъя аҳли ғазаб отига минди.

Иттифоқо, бу пайт, одатича, қалъадан пастга тушган Алтунбий бойлиг-у ўлжалар билан мамнун қайтганида ғаройиб воқеа юз берди: доруғага дарвозани очмадилар!

Қалъадан: – Фосиқ укангни олиб кет!.. – дея қичкирди кимдир. – Зинокорларга бизда ўрин йўқ!

– Қорангни ўчир! Йўқол!

– Уканг бузуқчилик қилди! Бор, уканг билан қўшмозор бўл!

Алтунбий ҳайратдан ёқа ушлаб турганда, қандайдир нарсани девордан ошириб шалпиллатиб пастга ташладилар. Ғира-ширада у аввал яхши илғамади, кейин не кўз билан кўрсинки, оёғининг тагида укасининг жасади ётарди!

– Ортиқ сени ҳеч қачон қалъага қўймаймиз!

– Агар қалъага кираман десанг, жонингдан умидингни узавер!

– Йўқол, ланъати! – каби таҳдидлар эшитилди...

Алтунбий чора тополмай кигиздан либос кийиб, паноҳ истаб Амир Темур салтанати ҳимоясидаги Маранд ҳокими ҳузурига борди. Ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган қўрқок ҳоким ашаддий душманини аскарларсиз ёлғиз кўргач, хусумати тинч қўймай, дарҳол унинг калласини кесишни буюрди ва Қорабоғда турган Амир Темурга юборди.

Ҳумоюн ўрдудан инъом-у мукофотлар кутиб ўлтирган Маранд ҳокими, аксинча, худонинг ғазабига учради. Амир Темур дўстлиги ёки душманлигидан қатъи назар, мард ва шиҷоатли инсонларни тан олар, эъзозлар, душманни дўстга айлантиришга, дўстларни эса садоқат ва ҳиммат иплари билан яна ҳам маҳкамроқ боғлаб ташлашга тиришарди. Алтунбий ҳақида Соҳибқирон эшиятган, мард-у қўрқмас-

лигини билиб, кўнглида ғойибдан унга нисбатан илиқ туйгулар уйғонганди. Шундай кишиларни дўстга айлантириш керак!

Каллани кўрсатиб: “Бу Алтунбийнинг боши!”, деганларида, Амир Темур ўрнида бир кўзголиб қўйди! “Ким буни ўлдирсин, деди?.. – изтиробда сўради Сохибкирон. – Шундай мард одам увол бўлди-я! Мардлик ҳам – Оллоҳнинг инояти! Мард одам ҳар қадамда учрайвермайдир!”

Амир Темурнинг қўли иягида чўзилди, шу заҳоти Маранд ҳокимини қатлга буюриб, мол-мулкини мусодара этишга фармон берди.

Ҳеч нарсада айби йўқ, аммо зинокор укасининг бузукчилиги туфайли киндик қони тўкилган жойидан айрилган Алтунбийни эсларкан, Ахий Жаббор баҳодирнинг тили: “Астагфурилло! Астагфурилло! “дан нарига ўтмади. Ахийлик, жавонмардликнинг ҳам рукнларидан бири – фахш-у зинони тарк этишдир.

Ахий Жаббор баҳодир майдонда издиҳомни бошқариб, унга-бунга иш буюриб юрган қотма, мўйлаби йўқ, аммо қуюқ соқол қўйган баланд бўйли одамга қаради. Султония қозиси кўринишдан кўй оғзидан чўп ҳам олмайдиган, ювош, мўъмин-қобил, бирорвга асло ёмонлик тиламайдиган беозор кишига ўҳшарди. Унга қараб, бироздан кейин бу “беозор одам” нинг қўлига қайдандир тошлар олишини ва гуноҳкорларга отиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эди. У халойиққа қараб босиқ деди:

– Шариат йўлларида, Куръони каримда, Ҳадиси муборакда муайян азоб ва жазога лойик гуноҳкор бандага Оллоҳ таолонинг ҳақи собит ва вожиб этиб қўйилмишдур... Бас, бари бандаси учун амри вожибдур...

Қози зинонинг машъум жиноят эканлиги, шариатда бокир-бокираларга юз дарра уриш, уйланганларга эса тошбўрон қилишгача жазо борлиги ҳақида гапирди ва жумла мўъмин-мусулмонларни ҳаром-ҳаришдан қўл тортишга даъват этди.

– Оллоҳу акбар! – қичқирди қози ва қўлидаги тошлардан бирини эркакка қараб отди, иккинчисини хотинга йўллади...

Тўлқинланган оломон жунбушга келди. Бақириқ-чақириклар остида қозининг ишораси билан энди ҳамма қўлига тош олди... Сурон ичидаги шўрликларнинг инграган овозлари эшитилмай кетди.

Ахий Жаббор баҳодир ҳанг-манг, қонга бўялиб, қипқизил гўштга айланган, аллақачон омонатини эгасига топширган бечораларга куйинди, тошлар ул баҳти қароларга эмас, худди ўзига томон отилгандай туюлиб кетди, аммо бирон кўмак беришдан мутлақо ожизлигини хис қилди. Қани энди ўртага тушиб, гуноҳкорлар жонига оро кирса!.. Аммо... кира оладими? Унинг устига ҳалқ билгани – Ҳақ билгани, деган гап бор. Ҳалқ бирон нимани билмаса, бундай бешафқатликка бормайди. Гуноҳкор шариатда белгиланган жазоларни олиши керак...

Шу палла Самарқандда кечган воқеа ёдига тушди. Хос йигитлари Учкора, Яналтекинлар билан бирга Уста Шунқор нинг такъхонасига бораётгандарида, бозор йўлида кўйлаги белигача тушириб қўйилган ўн икки ёшлардаги бир боланинг яланғоч елкасига хипчин билан роса савалаганларини кузатган, дили оғриган, аммо қўра-била туриб бирон ёрдам беролмай чорасиз қолганди. Ох, бандаси қанчалар ожиз!.. Наҳотки, шу “томошабин” лар ичидаги ҳеч кимнинг шўрликларга ичи ачимайди, деган саволга у жавоб топа олмасди...

Мироншоҳ Мирзо сарой ичидаги жаннатнамо боғда салқин ховуз бўйидаги нақшиннинг сўрида Соҳибқирон каби ёстиққа ястаниб, ёнбошлаб ётарди. Шунда ҳамиша бўғинлари зирқираб оғрийдиган қўл-оёғи бироз ором оларди. У пинҳона ҳар қадамида падари бузрукворига ўхшашга тиришишини Ахий Жаббор баҳодир биларди.

Хушсурат, тиник юзли, қошлири қуюқ, бежирим мўйлаби ўзига ярашган, бўйдор амирзода шафқатсиз, тобора ўйинкулгига, майхўрликка ружу қўйиб борар, буни яширай ҳам демасди. Ҳар куни саройда базм, майшат, дарё-

дарё майи ноблар оқади. Шами шабистон бўлгувчи хурилиқолар беадад...

Бошига ёқутли тож кўндирган Мироншоҳ Мирзо тўлишиб бораётганидан яктаги торлик қилиб, ўтирганда шоҳи белбоғи тагидан қорнига чукур ботган киндиги кўриниб турганини сезмасди.

– Баҳодир жаноблари! – деди Мироншоҳ Мирзо кескин.  
– Ана энди келдук мақсадға!.. Хийла фурсат кечдиким, шикорни фаромуш айладук. Шикорга чиқмак – ҳукмдорлар одати. Ёдимизда турсун... Ўзларida шикорбекилик вазифаси ҳам бордур. Шикорбоп мавзе қидирсунлар!

Амирзода ов деса томдан ташлайдиганлар хилидан эди, Соҳибқирон шикорларининг барчасида бехато қатнашарди. Чунки шикор кишига бутун салтанат аҳли олдида ўзини кўрсатиш имконини берар, шу важдан амирзодалар-у амирлар, лашкарбошилар, навкарлар аъён-у акобирлар бу издиҳомга интилишгани интилишганди. Мироншоҳ Мирзо Қаросмонда<sup>1</sup> иккита бўрини отиб, терисини шилиб елкасига солганча, амирлар-у акобирлар кўз ўнгида ғолибона юриб Амир Темур хузурига олиб келганини яхши эслайди. Ўшанда ўн беш ёшли амирзода шижоати валинеъмат Соҳибқироннинг олқишиларига сазовор бўлди.

Шоҳкўча майдонидаги фожиали воқеадан ҳали ўзига келолмай турган Ахий Жаббор баҳодирга амирзода сўзлари эриш туюлди, ҳаво иссик, шикорбоп мавзени қайдан топиш мумкин? Лекин амр – вожиб, адо этмак керак.

Бирдан Самарқанддан Султонияга келишда Қазвин шаҳрига етмасдан бир шикорбоп жой учрагани эсига тушди. Сўл тарафи ёмғир суви тўпланавериб қўллаган ва хийла катта тўқайзорга айланиб кетган, бошқа ёғи кенглик, ов учун кулагай... Аммо илvasин бормикин?

– Амирзодам... Фармонлари кўзимиз устига, қиличимиз қаратилган ғаним қасдига... Аммо... – тўхтади Ахий Жаббор баҳодир.

– Сўзлангиз!

– Ҳозир шикор вақтимикин, борди-ю...

<sup>1</sup> Қаросмон – Ўтрор якинидаги бир мавзе (*муалл*).

— Англадим... Ҳукмимни ўзгартирмаймен! — қатъий сўзни кесди Мироншоҳ Мирзо. У бировнинг гапини охиригача эшитиш насибасидан бебаҳра эди. — Султон Маҳмуд Фазнавийни билармусиз? Доим Амир Соҳибқирон айтадурлар... Султон Фазна шахри майдонига катта тошни келтириб қўйишни буюрибдур. От-уловлар ўта олмай хуркар экан. Тошни йўл бўйидан олиб ташланишини истаб одамлар султонга ялиниб-ёлворибдилар. Султон: “Айтғонимдан қайтмасмен! Ҳукмимга қарши биронта иш ҳам қилмасмен！”, деб туриб олғон экан... Камина Султон Маҳмуд Фазнавий эрмасмен, аммо Амир Темур Кўрагоннинг фарзанди аржу-манидурмен! Айтғонимдан қайтмасмен!..

— Бош устига, амирзода жаноблари! – таъзим бажо келтирди Ахий Жаббор баҳодир. – Багоят тўғри сўйладилар, салтанатни ўйладилар. Айтғонида турмоқлик, вафоға юз бурмоқлик одил султонлар қисматидур, сифатидур, иззатидур!

— Амир-у умарога, ўнбоши, юзбоши, мингбошиларга<sup>1</sup>, тўққиз минг лашкарга айтилсун, ки бир ҳафтадан сўнг чоршанбай муродбахшда шикорга чиққоймиз! У ерларда кийик ва ёввойи қора қўчкорларни кўп деб эшитғонмен... – ёнбошлаган жойидан тикланиб ўлтиаркан, амирзода ҳар бир сўзни чертиб-чertiб давом этди: – Амир Соҳибқироннинг Улутовдаги<sup>2</sup> шикори жуда зўр бўлғон эрди... Зўр бўлғон эрди! Ана буни шикор деса бўлади! Шикор ўз йўлига, лашкарга машқдур, аммо биз шикор баҳона Хуло-кухон мулки соҳибига айланган амирзода Мироншоҳ Мирзо Кўрагон қўшинларининг шахт-у шижаоти, маҳобатини дўсту душманларга намоён этиб қўймоғимиз лозимдур! Душман попугини пасайтиришнинг бундан ортиқ қулай йўли йўқдур! Узок-яқиндаги бузғунчи қароқчиларга, Қора Юсуф томонларга овоза айлангизким, токим улар қудратимизни билиб қўйсунлар!..

Мироншоҳ Мирзонинг сўнгги сўзларни Амир Темурни-кига ўхшатиб залварли айтишга тиришгани сезилди. Унинг

<sup>1</sup> Мингбоши – мингта отлиқ аскарга қўмондонлик килувчи ҳарбий бошлиқ.

<sup>2</sup> Улутов – Козоғистондаги Жезқазғон шимоли-гарбида жойлашган тог (муал).

гапларида кучли мантиқ бор эди. Ахий Жаббор баҳодир тушуниб етди. Ҳа, шикор шунчаки күнгил очар ўйин, эрмак эмас. Умуман, пошшоликда эрмак йўқ, оддий эрмакда ҳам катта маъно яшириниб ётади...

Ахий Жаббор баҳодир ҳукмдор хузуридан чиқар экан, шошилинч кирган мулозимнинг:

– Ҳашматмаоб<sup>1</sup> Хонзода хоним жаноби олиялари Чаманбоғдан ташриф буюрмакдала-а-ар! – деган сўзларини эшитди.

## ИККИНЧИ БОБ

### I

.. Чағониён тарафдан йўлга чиққан уч отлиқ ниҳоят иккинчи довондан ҳам ошиб үтди, энди адир куйи томон эниб борарди. Отлар худди аробага қўшилган-у, ўша ароба залвари пастга қаттиқроқ йўрттириб кетаётгандай чопарди.

Шаҳзода Мұҳаммад Султоннинг тахминича, пастга тушганларидан кейин, олдиларидан зилол сувли тиниқ булоқ чиқиши керак. Шу палла: “Бу отлиқлар сахарлаб қаерга шошилишяпти экан, қарай-чи...” дегандай, тоғ ортидан бош кўтарган қуёш аста мўралади. Атроф, суворийлар босиб ўтишган адирнинг бошидан то куйида ястаниб ётган қишлоқлар-у чўлларгача ёришиб кетди. Мұҳаммад Султон тикилиб, олис чўлдаги қуёш нурида сарғиш гиштлари товланиб кўзга чалинган баланд минорани илғади.

Кўп ўтмай, айқириб ётган булоқ кўринди. Шаҳзода жиловни тортди, адирликда қийналиброк чопган, текис ерда шиддатига шиддат қўшган жийрон баъзур тўхтади. Амир Аллоҳдод билан Айбож ўғлонлар ҳам етиб келишди. Терга ботган отлардан осмонга ҳовур кўтарилади.

– Мўлжалдан адашмадикму, шаҳзодам?.. – сўради Амир Аллоҳдод отдан тушар экан. У йўлни баҳона қилиб,

<sup>1</sup> Ҳашматмаоб – олий хурматга сазовор (муалл.)

бобосининг бетоблигидан изтироб чекаётган Мұҳаммад Султонни бироз қалғитмоқ ниятида эди.

Айбож ўғлон ҳам шаҳзодага қисиқ кўзларини тикди, унинг чап қошидаги чандиққа тўлган бир томчи тер ерга тушай-тушай деб илҳақ бўлиб турарди.

– Мана шу булоқни айтғондим... – шаҳзода булоқ сувига юзларини чаяди. – Ўша Тиниқбулоқ шулдур. Энди сой кўпригига борғаймиз. Якин қолди. Кўприкка етдик, мақсудга етдик деганидур, жаноблар!

– Тулпорингиз машхур Хонўғлон зотидан, шекилли, шаҳзодам, сира етқизмади... Ўзлариям бирам елиб-чопдиларки!..

– Отим ёмон эмас, Мохон отларидан... – деб қўйди шаҳзода. Амир Аллоҳдод от ҳақидаги сўзлар Мұҳаммад Султонга хуш ёққанини сезди ва деди:

– Амир Соҳибқирон ҳамиша: “От – йигитнинг дўстидур”, – дейдилар... Дўстингиз экан!

Мұҳаммад Султон эндиғина ўн олтини қоралаган, лаблари устини ўсмирлик мўйлаби сабзадай безаган, кўзлари катта-катта, ок-сариқ юзли, нозик табиатли, ҳиссиётли, билимга интиқ, ҳозирданоқ довюраклиги, мулоҳазакорлиги билан тилга тушган чақмоқдай йигит эди. Соҳибқирон уни валиаҳд, яъни тахт вориси, деб атаган.

Бошқа амирзодалардан унинг ўқи ўзган жойи бор, буни Соҳибқироннинг ўзи ҳам тан олган ва шу сабабдан ортиқроқ кўрарди. Валиаҳд Мұҳаммад Султон туғма истеъоддога эга, келажақда китобат санъатининг устаси бўлгулиқ, хаттотлиқда нодири замон янглиф вояга етмоқдайди, ана шуниси Соҳибқиронни бағоят қувонтиради.

Асли саройда барча амирзодалар кичиқликдан давлат бошқариш, ҳарб-у жанг йўллари, риёзиёт-у мусиқа, шоирлиг-у китобхонлик, чапдастлиг-у күштигирилик ва ҳоказо турфа санъатлар сирларини ўрганишарди.

Шаҳзоданинг устози Мавлоно Убайд оҳиста патак соқолини силаркан, сурурдан ёшланган, ҳамиша кулиб турадиган кўзларини қисганча ҳар сўзида: “Шогирдим алла-қачон каминани ҳам ортда қолдирдилар! Шаҳзода Му-

ҳаммад Султон бешак султон ул-хаттотин<sup>1</sup> бўлғайлар!  
Валлоҳи аълам, биссавоб...” деб қўярди.

– Хаттотликни ҳам худо кўнгилга соладур, Амир

Соҳибқирон! – ёйилиб кетди Мавлоно Убайд бир куни.

– Ўрганиш билан бу даражага эришиш мушкулдур... Асли зувалада бор-да, зувалада...

– Ҳа, ҳа, Оллоҳнинг илтифоти!.. – деди Амир Темур ҳам мамнун.

Муҳаммад Султон Кўксарой кутубхонасига тез-тез қадам ранжида қилар, у ердаги кўхна китобларни вараклашни ёқтиради. “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, Ал-Хоразмийнинг “Сурат ал-арз”, Ал-Берунийнинг “Осор ул-боқия”, Ибн Синонинг “Китоб аш-шифо”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билик” китоблари, аллома Саъдуддин Тафтазоний<sup>2</sup> ўқиб берган “Авесто” нинг тахтачалар орасига олиниб, тизимчалар билан боғланган варақ тахламалари, сұғдий тилда битилган “Вессантарақа жатака” асарининг сақланиб қолган, гўзал безатилган бир неча саҳифаларини кўздан кечирап, ёзувларнинг шакл-шамойилига дикқатни қаратар, сирларини ўрганаrdi.

Амир Темур қай юртга борса, нодир китобларни излатиб топдирап, бошқа аъёнларга ҳам шундай қилишни тайинларди. Кўксарой кутубхонаси ана шундай бойиб борарди.

Соҳибқирон набирасининг китобат санъатига меҳр кўйганидан мамнунлик туйгусини тыйди, чунки илмга, санъатга ошно қалб ҳамиша ёруғ ниятларга йўлдош бўлғу-сидур! Уни хаттотликдай санъатни нозик эгаллаган кўлнинг қилич тутишга ҳам моҳир экани ҳайратга соларди.

Мавлоно Убайд яқинда Муҳаммад Султон кўчирган Абулайс ас-Самарқандийнинг “Бўстон ул-орифин” рисоласини намойиш қилди. Унинг шогирдидан беҳад ғуурланаётгани сезилиб турарди. Хаттот, мусаввир, зарҳал

<sup>1</sup> Султон ул-хаттотин (*арабча*) – хаттотлар султони (*муали*).

<sup>2</sup> Умар Саъдиддин ат-Тафтазоний (1322-1392) – Қомусий олим. У қарийб 30 йил давомида Ҳирот ва Мовароуннахрнинг турли шаҳарларидағи мадрасаларда фалсафа ва мантиқдан дарё берган.

килувчи музахҳиб<sup>1</sup>, сахҳоф<sup>2</sup>, қофозрез<sup>3</sup> сингари ҳунармандлар меҳнатидан яралган санъат эди бу, лекин хаттот заҳмати алоҳида эҳтиромга сазовор. Ҳа, заҳматнинг тожи кўз нурини ҳар бир ҳарф-у зеру забарга берган хаттот насибасидир!

Кувониб кетган Амир Темур рисолани олиб вараклар экан, набирасига табассум ила боқди:

– Кутубхонадаги “Сурат ал-арз” китобидан бизлар учун бир нусха кўчурсунлар, кўпдан ернинг суратини<sup>4</sup> кўришга орзумандурбиз...

– Бош устига, Амир Соҳибқирон! – ҳаяжон чулғаган шогирди ўрнига жавоб беришга шошилди Мавлоно Убайд, оппоқ оқарган патак соқолини силаганча. – Валлоҳу аълам биссавоб...

– Муродим шулки, – давом этди Амир Темур. – Худо хоҳласа, камол топиб, “Қуръони карим” ни ҳам мукаммал ҳусниҳатда битиб, китобат айлаб бергайсиз, шаҳзодам! ...

Соҳибқирон набирасининг манглайидан суюб ўпди.

– Куллук! Куллук! Тилаклари камина учун фармон ўрнидадур! – одоб билан таъзим айлади Муҳаммад Султон. ва Соҳибқирон сўзларини юрагининг туб-тубига жойлади.

Мавлоно Убайддан бир куни, Муҳаммад Хоразмшоҳ ўғли шаҳзода Рукниддин Ғурсжантыйнинг хатни ниҳоятда чиройли ёзишини, ёшлигидаёқ падари бузруквори учун Куръони каримни кўчириб чикқанини эшитган ва жуда ҳаваси келганди.

Ҳозир шаҳзода кўнглидан: “Худо хоҳласа, айтғонингизни бажо қиласхакмен, бобожон!” – деган сўзлар кечди.

Гарчи мусаннифликка<sup>5</sup> сира даъвоси йўқ, шаҳзода бир яширин дафтар тутиб, кўрган-билганларини тушириб боришни одат қилди. Бу мақбул нарса экан, вакти-вақти билан вараклаб олдинги қунларни хотирлайсан киши, келажак қунларни ўйлайсан. Унинг устига, бу машқ ўрнини босарди,

<sup>1</sup> Музахҳиб (арабча) – зархалловчи, ҳал берувчи уста.

<sup>2</sup> Сахҳоф (арабча) – сахифаловчи, муковачи.

<sup>3</sup> Қофозрез – қофоз тайёрловчи.

<sup>4</sup> Ер сурати – ҳарита (муалл).

<sup>5</sup> Мусаннифлик – китоб ёзиш (муалл).

устозининг сабоғига кўра, шаҳзода хат ҳавосини олиши, кўлни қаламга ўргатиб бориши лозим. У араб ёзувининг насх<sup>1</sup>, куфий, муҳаққақ<sup>2</sup>, тавқеъ<sup>3</sup>, сулс, таълик, девоний, арзи, руқъа<sup>4</sup> ва ҳоказо услубларида ёзишга тиришар, устозидан уларнинг сирларини сўраб оларди.

– Насх ёзувида кўпроқ Оллоҳнинг каломи

Куръони карим кўчирилур, тавқеъда фармонлар, руқъада мактублар, арзи ихлос хатлари битилур... – тушунтириди Мавлоно Убайд. – Хатга кўркамлик бермак учун сулсада “алиф”, “лом” ҳарфлари гажакли ёзилур, “вов”, “дол” ҳарфлари нафис буралма, яъни шамра билан якунланур...

– Агар “ҳо” сўз охирида келса-чи?

– Чўзик кўриниш олур.

– Куфий хати-чи?..

– Куфий энди ўзгача, мураккаброқ, бунда ҳарфлар тўғри ва доира чизиклар асосида битилур. Унли товушлар турли ранглардаги белгилар билан ифода қилинур. Табаррук Усмон Куръони шу услугуда терига битилгон эрди. Аммо ул мўътабар китобни ўпиди кўзга суртмак, кўнгилга завқ-у шавқ солмак ҳали каминага насиб этмади, шаҳзодам...

– Иншооллоҳ, насиб этгай, устоз... – деди шаҳзода.

– Қуллуғ, қуллуғ... Тагин айтсан... Улкан иморатларнинг девор ва пештоқларида ҳам куфийдан фойдаланурлар.

Шаҳзода ширин хўрсинди. Унга, айниқса, ҳарф шакллари рапхон баргларига ўхшаб кетадиган рапхоний услугуда қалам тебратиш кўпроқ ёкарди. Ҳар гал хотира дафтаридағи ёзувини тугатар экан, охирида туғро<sup>5</sup> усулида имзо чекиб қўярди.

Мана, ҳижрий 793-ражаб<sup>6</sup> ойида<sup>7</sup> ёзгани:

<sup>1</sup> Насх (арабча; ёзиши; бекор қилиш; хат (ёзув) тури) – хаттотлик услуби.

<sup>2</sup> Муҳаққақ (арабча) – хаттотлик услуби.

<sup>3</sup> Тавқе (арабча; шоҳ ёрлиғи, фармони, муҳри) – хаттотлик услуби.

<sup>4</sup> Руқъа (арабча; мактуб) – хаттотлик услуби.

<sup>5</sup> Туғро – маҳсус безакли белги, шартли сўз, расм (муалл).

<sup>6</sup> Ражаб (арабча) – камария йил ҳисобида 30 кундан иборат етинчи ойнинг арабча номи.

<sup>7</sup> Ҳижрий 793-ражаб ойи – милодий 1391-йил май ойи.

“...Уч ойдирки, бийдай чүлда кетиб борадурбиз. Олам чүлдан иборат эркан. Чүл, чүл... Жазира маиссиқдан, тиллар осиладур. Ичмакка сув анқога шафе... Ҳали бадбахт Тұхтамишхон лашкари қорасини құрсатғони йүқ... Фикри ожизимча, құрсатмас ҳам. Биз билан дуч келмакка ҳайиқ-қани аниқдур. Боз Турон құшинини ҳолдан тойдирмоқчи эканлыги аёндур. Бизларни содда фаҳмлайдур. Бошқа амирлар ҳам, қулогимга тушди, шундог дейдирлар. Аммо Амир Соҳибқироннинг йўлдан чекинмасликлари ҳам муҳаққақдур. Ул зот бир юмуши бошини тутсалар, охирига етмасдан қўймаслар. Ана шунга қойилмен. Ушибу одатларини бағоят хуш кўрамен. Ўзим ҳам шундай бўлмакни кўнглимга тугуб юрамен.

Оллоҳга шукрки, тақдир менга Амир Соҳибқирон, Абулмансур Абулмузаффар Амир Темур Кўрагон набираси мартабасини насиб этибдур. Кўриб турибмен, тарихда улуғ ва безавол сулола пойдеворини қўйган улуглардан улуғ Зот силсиласида авлодларни авлодларга улаш йўлида ўзни бир ҳалқачадек ҳис айламак, боз устига, расман валиаҳд мақомида (чунки, амирзодалар барчаси ўз кўнгилларида валиаҳдурлар!), маълум этилмак менинг бебаҳо толеимдур... Ақли қосирим<sup>1</sup> дерки, Амир Соҳибқирон Ер юзида монанди йўқ бир сиймодурларким, ул Зотни англаб етмак ва таърифларини қилмак биз эрмас, иншиооллоҳ, келажак авлодлар зиммасига тушадур.

Ўтган оқшом ўрдугоҳда улуғ бобомлар, бутун аркони давлат ҳузурида, босиқлик бирлан: “Тутунғон ўғлимиз бироз ҳаддидан ошиб, чегарадан ташқари қадам қўйди. У билан юзма-юз туриб, гапни бир жойга қўйиб олмогимиз лозим. Дунёning нариги четига бўлса ҳам, борадурбиз! Мақсад отини тутғон ортга қайтмагай!”, – дедилар.

Дашти Қипчоқнинг Улутов деган жойига етдик. Кеча улкан битигтошни ўрнатдилар ва тоштароилар Амир Соҳибқирон сўзларини ўйиб ёздилар. Тоша ӯзларини “Турон

<sup>1</sup> Қосир (арабча) – чек(чегара)ланувчи; камчиликли, киска, калта; кучсиз, ожиз. Бу ерда ожиз маъносида келган.

султони”, деб ёздирибдурлар. Ҳа, ул зот Турон мамлакати султонидурлар. (Сиз эса валиаҳдисиз... Турон салтанати валиаҳди... бас, бас, бу ҳақда ортиқ ёзишдан қўрқамен!) Бобомлар битигтошга узоқ тикилдилар. Лашкар олга силжир экан, худди бир нарсаси қолиб кетаётгандай, битигтошга қайрилиб-қайрилиб қарагонларини кўрдим...”

Амир Аллоҳдод назарида, шаҳзоданинг бўйи-басти, туриши, сурату сийрати раҳматли отаси Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи. Аммо унинг бир нарсага акли етмайди: нима сабабдан, Турон султони олдида шаддод ўғиллари Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шоҳруҳ Мирзолар борлигига қарамай, набирасини валиаҳд деб атадилар? Бу нарса амирзодаларга ёқмас эмиш...

Ҳар қалай, ҳар хил миш-мишлар юради, кавлаштиришни яхши кўрадиганларга бир дунё гап топилади. Амир Аллоҳдоднинг эсида бор, бир куни Самарқандда катта бозор яқинида такяхонадаги гурунгда шу ҳақда гап кетди. Амirlардан бири сўз олди: – Амир Соҳибқирон тўнғич ўғиллари валиаҳд Жаҳонгир Мирзони багоят севардилар ва унга катта умидлар боғлардилар. Ногаҳонда олам шаҳзодаси дардга чалиниб, дунёдан кўз юмганларида, ҳазрат бемаҳал кетган ўғлининг руҳини шод этмоқ учун унинг фарзандини валиаҳдликка тайинлаб юборганлар...

– Йўқ, шаҳзодамнинг Олтин Ўрда хони Султон Мухаммад Ўзбекхон набирасидан туғилганлигини эслайлик, – сўзга қўшилди кимдир. – Машҳур чингизийзода эвараси эканлиги бунга сабабдур.

Учинчи бир амир бунга эътиroz билдириди:

– Жаҳонгир Мирзо шаръий никоҳдаги завжалари мухтарама Турмиш оқадан таваллуд топғонлар. Шаҳзода Мухаммад Султон – набира... Ўзга ўғиллари Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ...

– Сизларнинг хабарларингиз йўқ, шекилли... – деб хотиржам гап бошлади ўзининг билимдонлигини кўрсатмоқчи бўлгандай тўртинчи амир. – Гап асли бундай...

Амирнинг сўзи оғзида қолди, даврада ўлтирган бошқарётган Амир Шоҳмалик шартта гапни кесиб ташлади:

– Бас қилингиз! Нималар деб алжираисиз? Сўзни чувалтирасиз? Жавонмардликда ғийбат, ёлғон ва бўхтонлардан тилни тийиш олий фазилат саналадур. Маҳмадоначилиқдан не наф? Бошқа гап йўқму?.. Оллоҳга шукр этиб, олдингиздагини еб, гаштагингизни суриб ўлтира бермайсизму?.. Ёки ажалингиздан беш кун бурун жувонмарг бўлмокчимусиз? Салтанатмаоб<sup>1</sup> подшоҳнинг сирларини ўзларига қўйингиз! Бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмасун! Ўзим бошингизни оламен! Уқдингизму?..

Шундан кейин, чақчақлашиб ўлтирилган гаштакдан ҳам файз кўтарилиб, барча тездагина тарқаб кетганди.

Ўша-ўша, Амир Аллоҳдод, нафақат у, балки бошка амирлар ҳам бу ҳақда ўйлашга ботинмайдилар. Вақт келиб, эҳтимол, оғаси Амир Сайфиддин некўздан сўраб билиб олар... Улар Жўйи Зар кўпригига келганларида нохуш манзаранинг устидан чиқдилар. Эни эллик қадамларча бор сой кечаси тошиб, кўприкни ювига кетибди.

Асов сойнинг авваллардан шунаقا “бебош”лиги бор экан. Сойнинг нариги томонидаги сайхонлиқда беш-олти эшак арава кўринар, яқин-ўртада кўприк битишидан умид узган, бундай аҳволларга ўрганиб кетган кекса аравакаш эса аллақачон арава шотисини осмонга тираб, эшагини ўтлашга қўйиб юборганди.

Пешонасига қизил дурра танғиган уста бошчилигида бир неча киши, кўприкни тузатиш умидида, нишаб оқаётган сой ичиди пойи патак юрарди. Атрофда уймалашган аравакашлар эса бирор сўрамаса ҳам, хай-ҳайлаб, сувдагиларга:

– Ҳой! У ёқка тортинглар!

– Йўқ, унақамас! Чапроққа суринглар! Ҳа-а, ана!..

– Тагидан кўтаринглар! Тагидан!.. – дейишиб маслаҳатлар берардилар.

Уста гапларга қулоқ солмас, бошқалар кўмагида кўприк қозикларини тиклашга уринар, тўсинни энди қўяман, деган-

<sup>1</sup> Салтанатмаоб (арабча) – салтанат эгаси, маъносида (муалл).

да ўзи мувозанатни йўқотиб, қозик устига минг азоб билан чиқарилган харини тушириб юборар, қиргокда турганлар “Ах, аттанг!”, “Айтдим-а!..”, “Сув нишаб-да!..” деб кўйишар, иш яна янгидан бошланарди.

Амирлар кўнгли хира тортган Муҳаммад Султонни, ҳозир чорасини топгаймиз, шаҳзодам, деб юпатдилар-да, дарҳол ишга киришдилар. Айниқса, Айбож ўғлонга жон кирди. У Тўхтамишхон қўшинида юрганда, жуда кўп кўпrikлар куришда бош-қош бўлган, бундай ҳолатларнинг анча-мунчасини бошдан кечирган. Барини отасидан ўрганган...

Айбож ўғлон дарҳол йўғон арқонлар топиб келишни буюрди, тўсинга ярайдиган хариларни боғлаб сойнинг икки томонидаги одамларга тутқазиб, маҳкам тортиб туришни тайинлади. Иккита мустаҳкам қозик қоқилди. “Ушлангиз!”, “Ҳа, ҳа!..”, “Қани, тортде-е-ек!..” қабилида сўзлар янгарди атрофда. Сойнинг бериги томонида арқонни тутганлардан бири Амир Аллоҳдод эди.

Икки ош пишарлик вақт ўтганда, нихоят кўприк тепасига вассажуфт ёғочларини қоқа бошладилар.

Шаҳзода ўзини игнанинг учida тургандай сезар, сойга от солишини эп кўрмас, ортида кўприкни бузук ҳолида қолдириб кетишдан ҳам орланарди. Бу ердан валиаҳд шаҳзода ўтганлар, дейишади кейин. Ҳатто оғзига кучи етмаганлар, кўприкни атай бузибди, деган гап ҳам тарқатишлари мумкин. Кўприкни тиклаб қўйганлари маъкул.

Кўприк битай деганда, кизик ҳодиса рўй берди.

Кундуз тарафдан хос лашкар кузатувида беш-олти тuya ва отлардан иборат кичик уғруқ келиб қолди. Хаёлларга چулғанган шаҳзода беихтиёр ўша ёққа ўгирилди. Кумуш югани ялтираган биринчи туйнинг пешонасида Соҳибқирон набираси Пир Муҳаммад Жаҳонгир хос амирларидан Жаҳоншоҳ ибн Жоқунинг туғроси осиб қўйилганди.

Шу палла аллақачон сойнинг у томонига ўтиб олган Айбож ўғлоннинг кучли овози эшитилди:

– Шаҳзодам! Кўприк қадамингизга мунтазирдур!  
Ўтсунлар! Ўтсунлар!..

Ҳали бу сўзлар айтилмасдан бир неча лаҳза аввал туғро-га алаҳсиган Мұхаммад Султон, иттифоқо, бир балойи оғат гўзал чехранинг кирмизиранг тахтиравондан ним табассум или қиё боқиб турганини кўрди! Шаҳзоданинг ақли шошди... Бутун вужуди аллақандай ёқимли туйғудан титраб кетди! Балойи оғат деганимиз, балоғатга етишишга илҳак, сурати сифати-ю сийрати каби бетимсол, туйғун, соҳиб фитрат бир пари пайкар... эди!

Бу соҳибжамол ким экан? Уғруқ-ку, Жаҳоншоҳ ибн Жоку жанобларига тегишли, аммо шаҳло кўзлари ўтдай ёнган қиз... ким бўлди? Номдор амирнинг дилбандими, қариндошими ёки... канизагими?

Шаҳзода шундай хаёлларга чўмиб турганда Айбож ўғлоннинг юқоридаги сўзларини эшилди, балки эшилмади...

Тахтиравонга яқинлашган Амир Аллоҳдод у қизни таниди, шекилли: – Лаълчечак бика?.. Онангиз Оппоғойим билан биргамусизлар? Сиҳнатлари тузукми? – деб сўради қуюқ қошлари чимирилганча.

– Вой, Аллоҳдод амаки! – фавқулодда учрашувдан қувониб кетди қиз. – Озгина носоғлар... Ҳов анови отларда ака-укаларим келишмакда. Амир Соҳибқирон бироз хасталанибдурлар, Оллоҳ асрасун! Кўнглимиз чўқди эшитиб. Падари бузрукворимиз чақиртирибдурлар... Жўйи Зарга бораётибмиз. Кўприк қидириб юрибмиз.

– Кўп яхши, Лаълчечак бика... Бизлар ҳам ўша ёққа отланганмиз.... – Амир Аллоҳдод мамнун эди. – Машқингиз тўхтамадиму?..

– Асло, устод! Айтғон машқларингизни тўхтатмадим. Ёдимда сакладум...

– Тўхтатганлари йўқ... – қўшимча қилди канизак Сарвиноз жилмайиб. – Ҳатто мени ҳам тинч қўймай, йигитча кийинтиришга уринмоқдалар.

Шаҳзоданинг ҳаяжондан юраги тарс ёрилиб кетай деди. Демак, у Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг ожизаси экан!.. Лаълчечак бика!.. Шу сўзларни эшилди-ю аммо Амир Аллоҳдоднинг қиздан қандай машқлар ҳақида сўраганига эътибор бермади.

Кизнинг ширави овози хиёл отасиникига менгзар<sup>1</sup>, қизларникига нисбатан бирозгина йўғон эса-да, майин ёқимили эди. Шаҳзода овозда қатъият, шиддат ҳис этди. Бу қизда қандайдир беркиниб ётган куч, шижаат, шаддодлик хислатлари мужассам, унинг бир бало эканлиги шундокқина билиниб турибди, ёки шаҳзодага шундай туюлдими...

Кани энди, Амир Аллоҳдодга худо инсоф берса-ю, яна нималарнидир сўраса, сўрайверса, қиз сўзга оғиз очаверса, шаҳзода у овозни қайта-қайта эшитаверса!

Табиатан камгап Амир Аллоҳдод жавобдан кифояланди, шекилли, бошқа индамади. Эҳтимол, шаҳзода олдида гапни чўзиб ўлтиришни истамагандир.

– Амир жаноблари! – иложининг борича сўзига расмий тус беришга, уғруқдагиларга бефарқ эканини кўрсатишга тиришди шаҳзода. – Бу уғруқ кимники экан? Қаерга боришмақда? Уларга ёрдам керакму?..

– Дўстимиз Жаҳоншоҳ ибн Жоку уғруқидур, шаҳзодам!  
– Амир Аллоҳдод Муҳаммад Султоннинг Лаълечек билага қараб қолганини пайқади. Ҳа, шогирди гўзал, балки Оллоҳ танҳо қилиб яратган... Ҳам гўзал, ҳам ақлли, ҳам ботир қиз! Нихолдай нозик вужудда шунча куч, гайрат!.. У ҳеч нарсани сезмагандай давом этди: – Дўстимиз уғруқни Жўйи Зарга чорлабурлар. Ўзи бир ой олдин Кундузда эрди.

– Ўтиб олишларига кўмак берингиз, амир жаноблари!

Муҳаммад Султон шундай дер экан, тахтиравон томонга қарамаса ҳам, уни ўша маҳлиқо зимдан кузатиб турганини туяр, бундан юзлари ёнар, безовта юраги гупиллаб урап, гоҳгоҳ ўғринча нигоҳ ташлашдан ўзини тия олмасди...

## II

Лаълечек бика – эндигина ўн бешга кирайми, кирмайми деб турган, ҳали болаларча кизикувчанлиги сусаймаган бир ёшда эса-да, кўрганинг кўнглига кутқу соладиган сехру жозибага эга, харакатлари ўзига ярашган диркиллаган, кув,

<sup>1</sup> Менгзамоқ – ўхшамоқ.

шаддод, жасур киз... Кувлигини яширишга уринмасди ҳам. Гоҳ даврани қиздириш учун, қизиқчиликка йигитлардай кийиниб олиб, чарх уриб ўйнаб барчани кулдирап, қизлар сўйишиб беихтиёр уни қучоқлаб олганларини билмай қолардилар.

Отасидан кўра онасиға кўпроқ ўхшаган қизнинг (“Худди онасини қоплаб қўйгандай!” деган гап машхур) хиёл чўзинчоқ оқ юзлари тип-тиник, қошлари қора, маъноли қарашларида ноз-у карашмаси яширин... Пешонасдининг чап томонида лом янглиғ чиройли гажаги кўриниб турар, кулганида бир текис оппоқ тишлари кўзга ташланарди. Хиёл жилмайиб қўйса, икки юзидағи кулгичлари чиройли ўймоқчалар ҳосил қилас, бу унинг кўркига яна кўрк қўшарди. Соҳибжамол қиз офтобни ўзига номаҳрам билар, шамолни бегона ҳисоблар, гулзорга кирса, қўллари гул япроғидан озор топар эди.

Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг қизига меҳри ўғилларига қараганда ҳам ортикроқ. Қиз фарзанд туғилишини кутиб жуда согинганларидан, уни “Софинч бика бу, Соғинч бика! Бизни согинтириб туғилган қиз!” дерди. “Лаълчечак бика” сўзининг талаффузи қийинроқлигиданми, исми бора-бора ўз-ўзидан “Софинч бика” га айланниб кетди, ҳамма шундай атарди. Ёлғиз онасигина гоҳ-гоҳда “Лаълчечак бика”, “Лаъл!..”, “Лаъл тинчимагур!...” деб чақиради. Согинч бика ота-онасини қувонтириб, согинса соғинадиган бир қиз бўлиб ўсмоқдайди.

Софинч бика ўзини ожизаларнинг эркаклардан кам эмасликларини, довюрак ва мардликларини амалда исбот қилишга бел боғлаган қизлардан, деб ҳисобларди, онаси Оппоғойим маъқуллаганидан кейин, падари бузрукворига ҳарб майдони сирларини ўрганмоқчи эканини айтди. Ота бу ишни ўзининг дўсти моҳир жангчи Амир Аллоҳдодга топширди. Иттифоко, Амир Аллоҳдоднинг ҳам қизи йўқ эди, шу важдан Соғинч бикага ўз жигарбандидай қаради.

Шаддод қиз қўймаганидан кейин, Кўксаройнинг биринчи ошёнасида қурол-аслача, совутлар ясаларди, лекин у ерга боришга тортинди-ю шогирди учун қуролсозлар қишлоғи

Камонгароннинг ўзида, яхши устага маҳсус совуту дубулға, камон, букилмас пўлатдан қалқон буюртириб келди. Кейин бошқа қизлар ҳам ундан гула қўтариб, Камонгаронга одам юбора бошладилар.

Аслида, заифа-ю ожизаларнинг ҳам қилич тутишни, от минишни ўрганишлари жуда кераклигини Жаҳоншоҳ ибн Жоку ичида қўллаб-кувватларди, чунки жанг-жадалларда турли ҳолатлар рўй беради, уғруқдаги аёллар лозим топилса, ўзларини ўзлари ҳимоя қила олишлари зарур, гоҳида эса жангга ҳам кирадилар. Амир Соҳибқирон лашкарга уч хил – оқ, кора ва қизил – рангларда кийимлар тикириадилар. Бунинг сабаби, танг аҳволларда уғруқдаги аёллар ҳам бу кийимларга чулғанадилар ва лашкар чўғини оширадилар, душман қўнглига эса қўрқув тушади.

– Согинч бикада аллақандай шиддат бор, Жаҳоншоҳ жаноблари... – Амир Аллоҳдод жилмайди.. – Уни баҳодир киз дейиш керак. Ҳа, у баҳодир киз! Қайтмас, қўрқмас... бутун юриш-туришида отасининг шиҷоати намоён!

– Соғиниб топғанмиз-да, дўстим, бир балойи азим дессангиз-чи... – ўйланиб деди Жаҳоншоҳ ибн Жоку. – Ҳай... Умрини берсун, илоҳи....

Кизи олти-етти яшар вақтида массагетлар маликаси Тўмарис момо қиссаси ва бошқа эртаг-у чўпчакларни чиройли кўзларини катта-катта очиб, ютоқиб тинглаганлари Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг эсида.

Бир куни муҳтарама Ўлжой Туркон оқанинг Темурбек ортидан кун демай, тун демай жангларда от йўрттириб юрганларини эслаб қолди.

– Ўша Ўлжой Туркон оқа момо ҳақида гапириб берингиз, отажон! – қистаб қўймади киз.

– Бағоят эҳтиромга сазовор жасур аёлдур! Жанг-жадалларда, сафар-у саёҳатларда ҳамиша Соҳибқирон ёнида юрган, аччик-чучугига доим шерик, жуда мард ва шаддод аёл эди! Амир Жоку барлос бобонг шоҳид бўлган эканлар, танг аҳволда Хоразмдан қайтаётганларида, дегин, орқала-ридан душман кувиб келаётганмиш, олдинда эса Жайхун....

Амир Сохибқирон Улжой Туркон оқага қараб: “Изимдан от сол!” деб кичкирибди ва дарё устига от қўйибди!..

– Ўлжой момо-чи?.. – сабри чидамай сўради Соғинч бика. – Дарёдан кўркмабдиму?..

– Каёқда! Ўлжой ойим эркаклардай Жайхунга от солиб ўтиб кетибди! Кейин-чи, душман қўлига тушмай деб, қудук-қа яшриниб жон сақлабди!

– Кандай танишган эканлар?

– Ўлжой ойим қизлик вактида бошига бўрк кийиб, ҳалқа-ҳалқа соchlарини элдан яшириб, йигитчасига кийиниб газот узра юрар эркан...

– Йигитчасига кийиниб-а?.. – сўради қиз.

– Ҳа, бирорга билдиринарсан. Шундай жанглардан бирида, Сохибқирон қарасалар, душманлардан бир баҳодир ҳеч кимга омонлик бермайдур. Йигирма уч ёшли Темурбек рўбарў бўладур. Ўлжой ойим:

“Қадим паҳлавонлардек масоф<sup>1</sup> қилурбиз. Ўқ отиш йўқ, таки ўзгаларга тегмасун, гуноҳга ботиб юрмайлук. Найзангни ол!” – буюрадур беписандлик билан.

“Маъқул!” – дейдир Темурбек.

Йигит қизнинг найзасини бир ҳамлада синдурадур. Бундан кўнгли олинган қизнинг аччиқда солғон қиличи совутдан ўтиб, амир елкасини сал яралайдур. Энди Сохибқирон қиличини яраклатадур, бошидан бир-икки айлантирадур-да, аммо урмасдан туширадур... Ўлжой ойим сўрайдир:

“Нечун урмадинг?”

Сохибқирон шивирлаб айтадур:

“Сен авратдаги қизсен. Қилич тегса, сочинг ёйилиб кетишидан орландим. Билгилки: ҳақиқий эркакларнинг яроғи заифалар кони бирлан бўялмағай!..”

Кейин қиличларни ташлаб курашадурлар. Охири, Ўлжой ойим ёш шаддод амирнинг ўткир зеҳн-у идрокига, фаҳм-у фасоҳати, куч-қувватига тан бериб, қўлини ўпиб, дейдир: “Ўзимни сен мардга бағишиладум!”

<sup>1</sup> Масоф қилмок – жанг қилурмиз (муалл).

Темурбек жавоб этибдур:

“Уйингга борғил, сени түй-томуша бирлан олурмен!...”

Бизлар бола эдик, Үлжой ойимнинг мардлигига қойил қолиб юрганмиз. Түйларини кўрганман. Эҳ-хе... Шаддод Султон Бахт бегимни биласан-а, ана ўша, онасига тортган...

Жаҳоншоҳ ибн Жоку тин олди ва хаёлидан: “Қизинг бўлса шундай бўлса! Балки Соғинч бика ҳам ўша оғага ҳавасдан дунёга келгандир...” – деган ўй кечди. Албатта, бу ёлғиз Оллоҳга аён.

Рост, Соҳибқирон лашкарида аёллар ҳам баъзан саваш қурадилар. Лекин Жаҳоншоҳ ибн Жоку заифаларнинг расмана жангчи бўлишларига қарши. Жанг – эрлар иши. Нафсилемрини айтганда, Амир Темур саройида жами маликалар ҳарб сирларини, от минишни, қилич тутишни астойдил ўрганадилар, машқини оладилар. Ожизаларга чавгон ўйини жуда ярашади. Бунда ҳам отни бошқариш, ҳам чавгонни маҳкам тутиш ҳавоси олинади, бахш этган завқнинг эса баҳоси йўқ, диллар яйрайди... Шу сабабдан, маликалар орасида чавгоннинг қадри баланд.

Ўша-ўша Соғинч бика хаёлидан йигитчасига кийиниб олган Үлжой ойим сиймоси кетмайди. Машқнинг оғир паллаларида, танг шароитларда кўзлари чақнаб отга қамчи босиб, Соҳибқиронга кўмакка шошилаётган маликани ўйлар, руҳланар, унинг ўрнига бир лаҳза ўзини кўйиб кўрарди... Жангларнинг бирида Амир Хусайннинг отига ўқ тегибди. Шу ондаёқ унинг завжаси Дилшод оқа ўзи пиёда қолиб, от жиловини амирга тутқазибди...

Соғинч бика барини жасорат намуналари хисоблар, ёш дили қанотланар, гоҳ-гоҳда онаси билан канизак Сарвиназорларга ҳам завқи ошиб-тошиб сўзлаб берарди.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку қизининг тутумидан ажабланмасди, фақат Соғинч биканинг ҳарбий юришларга, савишишларга қизикиши, қилич тутиш, жанг русумини ўрганишга интилиши кучли эканини ўйлаб, ичida нимадандир қўрқарди. Қизи қиличбозликда, ажабо, ўғилларидан ҳам мохирроқ чиқди. Икки яшар эканида ким биландир жанжаллашиб, муштласини кўрсатганини ҳали ҳануз кулиб эслаша-

ди. Ун икки ёшлигига от миниб эртадан-кечгача отасининг яйловдаги уч юзта қўйига ёлғиз ўзи қараган эди.

Соғинч бика подшолик осмонининг ёруғ юлдузи шаҳзода Муҳаммад Султон билан учрашувдан кейин кўнглида тушунксиз туйғулар уйғонганини сеза бошлади...

Суюкли ва шукухли шаҳзода, аслида, аллақачон аркони давлат арбоблари, салтанат амирлари қизларининг мажлисларида бош қаҳрамонга айланиб улгурган эди. Бундай сұхбатларда ўлтирганингда ўзинг истамасанг ҳам айтилаётган гаплар қулоғингга киради. Қизлар тўйлар ҳақида сўзлашишар, ҳали ундан, ҳали бундан ўзларига куёв танлашар, кимнидир кимга узатишар, ҳамманинг тўйини килиб чиқишаради.

Бир куни Шайх Нуридин баҳодирнинг икки сўзнинг бирида “вой” деб гапирадиган бўлагина қизи Зубайдабону – дугоналари ҳазиллашишиб унга “Войвойхон” деб от қўйиб олишганди, – Соғинч бикага тегажоғликданми ёки чинданми, бирдан:

– Вой, сени ўзим акамга олиб бераман! Вой, биласанму, акам сени жуда ёқтирадилар, жуда!.. Мехрлари тушиб қопти-да, дегин. Яқинда совчи боради!.. Вой, кеча падари бузрукворим айтдилар!.. – деб юборди.

Унинг ёлғон гапирадиган одати йўқ. Соғинч бика индамади, дарров кўз олдига дугонасининг шалпангқулоқ акаси келди, кўнглидан: “Соғинч бика кўчада тушиб қоптими!..” деган фикр ўтди.

Ҳамиша Зубайдабону билан ўчакишиб юрадиган Амир Шоҳмаликнинг жигаргўшаси Робия бегим жим турмади:

– Ҳо-о-о... Битта сенда бор эканму ака?.. Мунча войвойлайсан? Сен эмас, мен келин қиласман! Сени битта шалпангқулоқ аканг бўлса, мени биттамас, иккита паҳлавон акам бор! Ёққанини танлаб олади! Ҳа-а!... Билдингму? – дея гапни кесиб ташлади.

– Вой! Оғзингга қараб гапир! Ановини қаранглар! Сен эмас, мен!

– Сен эмас, мен!..

– Мен!

Узок тортишдилар.

– Вой! Мени акам олади! Мени акам олади! – дерди нукул Зубайдабону.

Қизлар уларни тинчтишга уринишарди.

Софинч бика ҳам гапни чалғитиш маңносида, ҳам Зубайдабонуни чандиб олиш ниятида кулиб сүз бошлади:

– Кешда бир одамнинг қизи бор экан, доим Зубайда ўлгурга ўхшаб “вой” деяверар экан. Салом-аликда ҳам: “Вой, ассалому алайкум!” деркан. Тўйда қизлар ўйинга тортса: “Вой, ўйинга тушайми..”, дадаси: “Аянгизни чақиринг!” деса, “Вой, аямларни чақирайми...” дермиш-да. Дадаси бир куни аясининг олдида қизини огоҳлантирибди: “Кизим, ҳар гапда “вой” дейсан, ахир бу сўзни ишлатишнинг ҳам ўз ўрни, жойи бор. Ортиқ бундай қилма! Агар яна бир марта “вой” десанг, дарҳол эрга бервораман!” Буни эшитган қиз шошиб қолиб: “Вой-вой-вой!..” деб юборибди!

Гурр этиб кулги кўтарили. Кулги садолари орасида дўриллоқ овозли Зубайдабонунинг астойдил ўпкаланиб айтган: “Вой-вой-вой! “сўzlари аниқ кулокларга чалинарди.

Ниҳоят Робия бегим деди:

– Аввали худо билади, балки Соғинч мени акамга насиб этмас, аммо аниқ биламанки, ҳеч қачон сени акангга тегмайди! Сени акангга ким ҳам тегарди? Менга авлиё Робия отини қўйганлар-а, дадамларнинг тўртинчи суюкли қизиман, гапларимда ҳикмат бор, буни унутма! Айтганимни ёдингда сақла!

Робия бегим Соғинч бикага сук билан қаради-да:

– Ростдан ҳам гўзалсан, Соғинч! Қадди-коматингни қара! Дадангни эркасисан, эркатойлигиндан сени “Авбош бика – бевош бика” деб ҳам аташади, а? Зуптагина қайликсан-да ўзиям, авбош бика! Агар эркак бўлиб туғлганимдами... авбош деб ўтирамай ўзимоқ сенга уйланардим!.. – дея қаҳ-қаҳ урди ва аллақандай завқ билан Соғинч бикани кучоқлади. Нафис қўйлаклар ичидаги икки хуррак диркиллоқ сийналар бир-бирига майин уриндилар.

– Вой, манови беҳаёга карангиз! – кулди Соғинч бика ўзини тортишга тиришиб.

Баҳорнинг охирлари, қизлар Конигилда чавгон ўйнадилар, ҳар галгидек Соғинч бика рақиблар дарвозасига энг кўп тўп урди, улар ғолиб чиқдилар. Ўйиндан сўнг майдон четидаги фир-фир шабада эсиб турган рангоранг айвонда ўлтиридилар, одатдагидек ҳазил-хузуллар бошланди.

Кимнинг оти кимни билан тўқнашиб кетгани, йиқилишига оз қолгани, Зубайдабону чавгонининг дастаси чўрт узилиб тушгани, Робия бегим отган тўп дарвозага бормай, анча нарида ўтлаб юрган Билқис бегим отининг пешонасига теккани, отнинг сапчиб жойида бир айланиб олгани, бундан қизлар ўйинни ҳам тўхтатиб роса хаҳоаб кулишгани, Соғинч биканинг жарима тўпини қойилмақом киритгани ва яна бошқа алланималар ҳақида чақчақлашиб ўтиришди.

Шунда аталадан суяқ чикиб, раҳматли Давлатшоҳ бахши уйғурнинг шартаки қизи Билқис бегим ҳеч кимга гап бермай қўйди. Юзлари япалоқдан келган, паст бўйликкина тиқмачоқдай бу қизнинг бор кўрк-у ҳусни орқасини тўлдириб турган бўлиқ икки ўрим узун социдан иборат эди. Чавгон ҳақида гапни шаҳзода Мухаммад Султон ва унинг кимга уйланишига буриб юборди-да, бирдан уялмай-нетмай деди:

– Ҳали қараб туринглар, ҳаммангизни қўзингизни куйдириб, валламат шаҳзодага ўзим тегиб оламан!..

Қизлар кий-чув кўтаришди. Гўё Билқис бегим уларнинг насибасини тортиб олиб қўяётгандай: – Ие-е!

– Вой-вой!..

– Уни қаранглар!.. – дея норизолик билдира бошлишди.

– Унга қўчкордай ўғил ҳам туғиб бераман! – тарсиллатди яна Билқис бегим. – Кўзингиз куяди! У ёқ-бу ёққа йўқолиб қолмангизлар тағин! Якинда тўйимизга айтаман! Мени тушириб борасизлар-а!..

Соғинч бика тап тортмай айтилган бу сўзларни эшишиб хижолат чекди, бундай гапларни айтиш эмас, ҳатто ўйлашга уялади. Кўчкордай ўғил туғиб берармиш! Соғинч биканинг юзлари қизариб кетди...

Билқис бегимнинг ҳазил билан бошланган гаплари жанжалга олиб келди. Ҳалигина ашаддий рақиблардай торти-

шишган Зубайдабону билан Робия бегимлар энди бир-биниң күллаб-куватлашиб, жаврашарди:

- Бекорларни айтибдурсан!
- Ўла қол, қақажон бўмай!
- Сени олмайдурлар!
- Нима қиладур сендей лаппосни!
- Бошларига урадурму?..
- Ёстиқ қили-и-и-иб ётадурлар! Ёстиққа ярайсан! Хо-хо-хо!
- Вой, бора қол! Бора қол!.. Жудаям кўзлари учиб ту-рибди-да!..

Шовкинда бирор бирорга кулок солмасди. Нарирокда боғланган отлар қулокларини чимириб, қизлар томонга қараб-қараб кўйишарди.

Қизлар чувуллашиб: “Кўйингизлар! Тегиб кўрсин! Тегиб кўрсин!”, “Яна нималарни истайдилар?..”, “Вой, қиз бўмай ўл, уятсиз!..” деб кесатишарди.

Билқис бегим ҳам вайсашдан тўхтамас, аммо унинг овози бошқалар ичида кўмилиб кетарди.

– Соғинч! Соғинч! Анови бети қаттиққа бир нима де!.. Гапингни олади!.. – куйинишарди қизлар барини ҳайрон кузатиб ўлтирган Соғинч бикага. Овозлар ичида Зубайдабонунинг овози ажралиб туради.

Қизларнинг айтишича, шаҳзода Мұхаммад Султон Юсуф алайхиссаломдай гўзал сумбатли, тенги йўқ, чақмокдай йигит эмиш. Гулзорга қадам қўйса, гуллар ўша томонга қараб анграйишармиш. Ариқ ёнидан ўтса, окиб бораётган сув ҳам тўхтаб орқасига қайрилиб, “Ким экан? Бир қарай-чи!” дея, унга мафтун бοқармиш. Еллар изини ўпиб парвона эмиш. Офтоб суюкли шаҳзода умидидагина ҳар куни фалак саҳнига йўл олар эмиш. Ой кечалари унга бир назар ташлаш орзусида булутлар аро саргашта кезар экан... Шаҳзодага Соғинч биканинг узокроқ тикилгани сабаби ҳам шу: довруғи достон, қизлар мажлисларининг доимий қаҳрамонини яхшироқ бοкиб, дийдорига тўйиб олмокчи эди. “Узокроқ тикилди” десак, ёлғон бўлар, очиги, қиз офтобдай балқиган йигитдан кўзини узолмай қолди...

Мұхаммад Султон дарҳол нарида ўтлаб юрган жиіронни келтиришларини буюрди, күпrikдан ўтиб, Жүйи Зар та-рафға от қўйди. Ортига, Лаълчечак бика томонга қарашиб жуда-жуда истади-ю, бироқ Амир Аллоҳдоддан уялиб ўзини тийди. Чунки нуфузли амирнинг уни зимдан кузатаетганини сезди. Изма-из икки амир ҳам тулпорларига қамчи босдилар.

## УЧИНЧИ БОБ

### I

Бухоро шаҳрига етганда Амир Темур бутун аъзои баданида қандайдир ҳоргинлик сезди. Ўнг оёғи яна зирқирай бошлади. Гўё оёқнинг ичида қилдеккина сим бор-у кимдир уни дам-бадам тортиб-тортиб ўйнар, шундан ёқимсиз оғриқ бехузур қиласади. Паҳлавон жуссали, бақувват, танаси пишиқ Соҳибқирон эътибор бериб ўтирмади. Волидаи мухтарамаси Тегина Хотун туғилган Бухоро шаҳрини багоят эъзозлар, она маконим дер, ҳар сафар ташриф буюрганда ҳурмат-у эҳтиром, фавқулодда ҳаяжон, аллақандай жондошлик туйғулари қалбига руҳ бағишларди.

Одатга кўра, шаҳарнинг азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилди, Сомонийлар мақбарасига борди, хижрий 522-йилда қорахоний подшо Арслонхон қурдирган, бир юз олтмиш йилдан бери кўкка бўй чўзиб турган минорага неchanчи бордир, эсида йўқ, ғуурур-ла бокди, завқланди.

Ўсмирик пайтларида минора ичидағи айланма зиналардан тепадаги ўн олти равоқли қафаса-кўшкка чиқишини ва чор атрофга завқ билан боқишини ёқтиради. Бир кунда икки мартадан ҳам чиқиб тушган. Лекин қизиқ жойи, зиналарни диққат билан кўп марта санаб чиққан эса-да, нечталигини ҳозиргача ҳам аниқ билмайди. Улар гоҳ бир юз-у тўртта, гоҳ эса бир юз-у учта чиқади...

Минорада туриб узок-узокларга боқар, Турон юртининг кенглиги ва улуғворлигини юракдан туяр, бутун олам пойида ястаниб ётарди. Аммо ўнг оёғи ногирон бўлиб қолгандан сўнг, чиққани йўқ... Ҳозир минорага тикиларкан, баланд-

лигига тан берди: “Кешда курилаётган улут Оқсарой довруғи, худо хоҳласа, бариникидан ўтади... Бўйи ундан ҳам баланд бўлади, нақ юз газдан<sup>1</sup> ошади!” – деб қўйди ичиди Амир Темур. Арслонхоннинг Чагониёнда тиклаган, ғиштдан эмас, худди ипакдан тўқилгандек нақшинкор, гўзал кўрина-диган бошқа бир минораси ҳам унга жуда ёқади.

Соҳибқирон, чиндан-да, Бухорони азиз-авлиёлар макони деб эъзозлайди. Аввалроқ, шайх Сайфиддин Бохарзий даҳмаси атрофида мақбара ва хонақоҳ тиклаш, гулзор қилиш ҳақида фармон берганди. Ҳазрати Нажмиддин Кубронинг шогирди, машхури оғоқ бу зот овозаси бошқа мамлакатларга ҳам ёйилган.

Тарих ҳижрий 658-йилда Чингизхон набираси Жўжи улуси хони Беркахон Бухорога келиб шайх фатвоси билан мусулмонликка кирди ва мурид мақомига эришди. Энди уни Беркахон эмас, Баракахон деб атай бошладилар. Ушбу воқеадан кейин, Сайфиддин Бохарзий “шайх ул-олам” даражасига ноил бўлди, шаҳарга эса “Бухоройи шариф” унвони раво кўрилди.

Соҳибқирон обод ва ораста мақбара-ю хонақоҳ зиёратидан кўнгли таскин топди, ёнма-ён катта зиёратхона куришларини буюрди. Шаҳар доругасига яқинда оламдан ўтган қудратли шайх Баҳоваддин Нақшбанд мозорини обод этишни топширди, факир-у мискинларга хайр-у эҳсонлар улашди.

Кунларнинг жуда иссиқлигидан саҳар салқинида Бухородан йўлга чиқишига қарор қилинди.

– Амир Соҳибқирон мизожларида дард аломатлари пайдо бўлибдур. Йўлга чиқиши хатарли...

– Батамом соғайиб кетсунлар, кейин жўнайлик!

Ўрамдаги амирлар шундай дея, ўз андишаларини ҳазратга етказиши Амир Сайфиддин некӯз билан Муҳаммад Чуроға доддоҳдан ўтиндилар. Жаҳоншоҳ ибн Жоку уларга кўшилди. Аммо жони оғриб турганига қарамай, Амир Темур ўз сўзида қатъий эди:

<sup>1</sup> Газ – 0, 71 метрга тенг узунлик ўлчови (муалл).

— Киши катта сафар измини тутғонда, йўлнинг бошидаёқ касалланиб ётиб олмоғи худоға ҳам, бандасига ҳам номақбул ишдур. Сафарга чикғондан сўнг фақат олға юрмак керак!

Амирлар Соҳибқироннинг битта-иккита оқ оралаган қуюқ қошлари чимирилганини кўришиб, орага бошқа гап сиймаслигини англадилар.

Фиждувондан ўтиб, Жўйи Зар мавзеига етганларида, Амир Темур ҳолсизликдан отда ўлтира олмай қолди. Жилла курса, бир лаҳза ёстиққа бош кўйиб, оёғини узатиб ётмоқ Соҳибқироннинг ягона орзусига айланди. Ҳамма тараддуға тушди. Сойнинг ёқасидаги хушманзара бир боғда тўхтадилар. Соҳибқиронни катта тол тагида тикилган шоҳчодир ичига ётқиздилар. Атрофда катта-катта қишлоқлар кўзга ташланарди. Ахволи тобора оғирлашаётганини сезган Соҳибқирон Мұхаммад Чуроға доддохга қаради:

— Мамат... — Амир Темур ҳарсиллаб нафас олди. — Дардининг келиши хунукроқ. Оёқнинг оғриғи кучайғон. Аъзои баданим эзилғон. Таом тиламасмен. Томогимда қуруқ йўтал бор, йўталсан нафас кисадур. Кунларим тугаб боряптиму... билмаймен...

Кейин Жаҳоншоҳ ибн Жокуга кўзи тушди-ю, негадир беҳол деди: — Падари бузрукворинг ҳам худди менга ўхшаб дардга чалинғонди, амирзода...

Соҳибқирон юзини тескари ўғирди.

Мұхаммад Чуроға доддох ҳеч қачон Соҳибқиронни бундай умидсиз алпозда кўрмаганди, кўзларидан чирт этиб ёш чиқиб кетди:

— Жоним сизга курбон, Амир Соҳибқирон! Нималар деяпсиз, ҳазрат? Қўркитмангиз!.. Ҳар хил сўзни ҳам гапирмоқ жоиз эрмас! Зинҳор сизга ярашмас! Худо сакласун! Худо поишшо эгам, деганлар...

— Худо шифо берсун... Шифо бергай, илохи... — сўз кўшди Амир Сайфиддин некўз.

— Шифо берсун! Ўзи асрасун! — тилак билдириди Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

Шу палла чодирга кирган малика Чүлпон Мулк оқанинг бу гапларни эшитиб юраги қои бўлди, индамай Соҳибқирон оёқларини уқалар экан, қоп-кора қийиқ кўзларидан қуйилган ёшлар нақшин олмадай гўзал чехрасини бетиним юварди...

Соҳибқирон бир неча йил аввал Олтин Ўрда хоқони Тўхтамишхон билан савашга борганда, малика Чүлпон Мулк оқа унга ҳамроҳ бўлди. Кутимагандада Амир Темур Тошканда касалликка чалиниб, кирқ кун ётиб қолди. Самарқанддан маҳди улё Сароймулхоним пешволигида барча маликалар етиб келдилар.

Малика Туман оқа негадир ёнма-ён кундошликлари-данми, Чүлпон Мулк оқани доим ғаш олиб юради, уни Соҳибқиронга рашк қиласди. Агар Соҳибқирон Боги Баландга ўтсалар ҳам, бунга ўша ерда яшайдиган Чүлпон Мулк оқа айбор, сафарларга боргани учун ҳам, ишқилиб, ҳамма-ҳаммасига гуноҳкор шу кичик малика... Бирордан ишоратсиз Чүлпон Мулк оқа нафас ҳам олмайди-ку, наҳотки муҳтарама малика шуни тушунмасалар?

Туман оқа ҳақида ҳам шундай гап юради, Чүлпон Мулк оқа буни эшитган. Туман оқа ҳарамга қадам қўйган паллалар уни малика Дилшод оқа ҳеч тинчитмас экан. Дилшод оқа, умидли дунё деганларидаи, Туман оқадан олдинроқ фарзанди туғилишини истаркан. Ҳеч ким йўғида ёш келинчакка заҳарини сочиб-сочиб оларкан. Кўп марта шундок такрорланибди. Охири гап Сароймулхонимга етибди ва барҳам топибди.

Кейин Оллоҳнинг карами билан, чиндан ҳам, барча маликаларнинг кўзини куйдириб, Дилшод оқанинг бўйида бўлипти, бироқ чақалоқ жуда қийинчилик билан туғилибди-ю, малика оламдан ўтибди. Чақалоққа Султон Иброҳим деб ном қўйибдилар, умри билан бермаган экан, чақалоқ ҳам уч ойгина яшабди, холос...

Энди Туман оқанинг ўзи Дилшод оқага айланиб қолди. У ҳам Чүлпон Мулк оқадан аввал фарзанд кўрсам, дейди, шекилли...

Тошканда Туман оқа ўз иддаосини очиқдан очик Чүлпон Мулк оқанинг бетига солди:

– Ирим-сириминг билан валинеъматни ўзингга иситиб олдинг-а, беҳаё! Касринг тегди! Ҳазратимни сен касал килдинг! Ҳа!

Бу гапни эшитган Чўлпон Мулк оқанинг оқ юзи бадтар оқариб кетди! Тили боғланганидан ҳеч нарса деяолмай бирлаҳза каловланиб турди. Мулойим ва назокатли Туман оқадан чикқан ғалати гаплардан қаттиқ таажжубга тушди, кейин ўзини ўнглашга тиришди:

– Ие... Вой... Бу нима деганингиз, аяжон... маликам? Мен... Мен...

– Ҳа. сен! Сен!.. Тағин “Мен!”, “Мен!” дейди... Сен бўлмай ким? Йўқ, деб кўр-чи! Илгари Амир Соҳибқирон ҳеч оғримасдилар... – Туман оқа “Боғи Биҳиштда яшаганларида...” демоқчи эди, аммо ўзини тийди. – Сен келдинг-у, ул зот дам-бадам оғрийдурғон одат чиқардилар... Не қилмақдасен ўзи? Мақсадинг не? Ҳе, касринг тегмай ўл! Илохи, ўзингга урсун!

– Касалга чалинсалар, Оллоҳнинг буюргони... – жигибийрони чиқди Чўлпон Мулк оқанинг. – Ўзи шифосини берсун! Беради, худо хоҳласа! Ҳеч қанақа мақсадим йўқ! Ҳеч қачон хасталанишларини истамасмен! Нега истар эканмен? Суянган тогимни-я? Нима мен телба эканманму? Худо сакласун! Инсоф билан гапирсунлар... Илохи, хизматларини қиласилук, дуоларини олиб юрайлук! Кўлим доимо дуои жонларида, доимо сиҳҳатларини тилаймен... Ҳазратим учун жонимни беришга ҳам тайёрмен, билсангиз, аяжон!..

– Ҳе, жонингни бермай ўл! Берадурғонингни бериб бўлдинг, жонинг бошингдан қолгур!.. – жеркиб ташлади яна Туман оқа...

Чўлпон Мулк оқанинг ўпкаси тўлиб кетди. Кейинги сўзлари йиғи аралаш чиқди. У барини тушуниб туради. Охирги пайтларда Соҳибқирон сафарга чикканларида, фақат ёш дўндиқ малика Чўлпон Мулк оқага назарлари тушади. Лекин сафарлар олдидан маликалар ўртасида куръя ташлаганларида ҳам, негадир бориш, кўпинча, Чўлпон Мулк оқа чеки бўлиб чиқади. Хос канизаклардан Дурсултон оқа билан Нигор оқаларнинг ҳам омадлари чопади. Туман оқага эъти-

бор сусайгандек...

Ўшанда Амир Соҳибқирон соғайгач, яна кичик маликадан бошқа барчани, жумладан, Туман оқани ҳам, Самарқандга қайтариб юбордилар. Ҳазрат агар уни кўпроқ тиласалар, маликанинг не чораси бор? Чўлпон Мулк оқа Соҳибқирон кўзларига тик қарашга уялади-ю, сафарга мени олмангиз, малика Туман оқа ўксимоқдалар, уни олиб кетингиз, деб қандай айта олади?

Энди унинг ҳадиксираб турган жойи бор. Беш йиллик сафарга бораётуб, ҳазратнинг Чўлпон Мулк оқа олдида тагин тоблари қочиб қолди... Тағин малика Туман оқага гап топилди, яна сен касал қилдинг, касринг тегди, дейишлари аниқ... Шўрлик маликани намунча маломатларга қўймасанг, эй парвардигор!

Маликанинг хаёли бўлинди.

– Майли, Мамат... Оллоҳга зоримиз бор, зўримиз йўқ... – Амир Темурнинг беҳоллиги билиниб туради.. – Бирор билмасун... Ҳожи Сайфиддинни чорла. Жаҳоншоҳни ҳам.

– Бизлар шу ердамиз, Соҳибқирон ҳазратлари! – сас берди шоҳходир эшигига, ичкарига киролмай турган Амир Сайфиддин некўз.

Соҳибқиронга кўп гапириш ҳам малол келарди. Дорудармонлар жобажо<sup>1</sup> этилди. Бироқ доруларнинг унчалар таъсири сезилмаётгандек туюларди. У шитобан шаҳзода Муҳаммад Султонни чақиришни, Самарқандга чопарлар юборишни, Биби ва бошқа маликаларни, ўғлон-ушоқларни олиб келишларини буюрди. Лекин хабарни етказгандарида, қаттиқ кўрқитиб юбормасунлар, деб тайинлади.

Амир Сайфиддин некўз Соҳибқиронга қааркан, ўйланиб, ўзи сезмаган ҳолда, ўрганган “Хў-ўш...” сўзини такрорлар, ҳозик-у табибларга иш буюрар, ора-орада енгилгина томоқ қириб қўярди. Муҳаммад Чурога додхоҳ билан Жаҳоншоҳ ибн Жоку буйруқларни адo этиш ҳаракатида ташқарига чиқдилар. Нихоят, Амир Темур сал ором олгандай туни билан юмилмаган кўзларига уйқу инди...

Қадрдон дўстига тикилиб ўлтиаркан, Амир Сайфид-

<sup>1</sup> Жобажо (форсча) – жойлашмок, ўрин олмок.

дин некўзнинг хаёли узокларга кетди. У Темурбекни қадимдан билади, фикри ожизича, унча-мунчага қадди букилмайдиган зот. Соҳибқирон болалигидәқ фавқулодда ақли теран, шижаатли ва довюрак эди, ниятни катта қиласарди, катталарникига ўхшаган, вазмин, жўяли фикрлашлари барчани ҳайрон қолдиради. “Ёпирай! Бу гап шу боладан чиқдими?”, дейишарди ҳайратда. Ҳамиша тенгкурлари ичида сардорликка интилган ўн икки ёшли Темурбек бир куни “пошибо-вазир” ўйинини бошлаб юборди.

– Мен пошибомен, сен вазир! – амр этди Темурбек Сайфиддинга. Ёши каттароқ Жокуни – лашкарбошиликка кўйди, Довудни – шаҳар ҳокимлигига, Маҳмудшоҳ Бухорийни – амирликка, Муайядни яна бир мансабга...

Ўйин давом этарди.

– Вақтлар келади, жўралар, мен пошиболик тахтини оламен! – деб юборди бирдан Темурбек катталарга хос салобат билан. Унинг узокларга тикилган кўzlари ажабтовур чақнаб ёнарди.

Болалар, ҳазиллашаяптими, дегандай Темурбекка ялт этиб қарадилар. У жиддий боқарди.

– Агар пошибо бўлсам, қандай мансабларни тилайсизлар? Истағонингизни тилангиз! Айтингиз! Мўлжаллаб кўямен... – сўради Темурбек.

Маҳмудшоҳ масхаралагандай кулиб кўйди. У Темурбекнинг ўзини шундай тутишини, ҳаммани оғзига қаратиб гердайиб юришини ҳеч ёқтирмас, фаши келарди.

– Пошибо? Осон эканми?.. Пошибо эмиш-а!.. Хо-хо-хо! Пошиболик хонлар авлодиники!

– Амир ул-умароликдан бошқасини олмайман! – чўрт кесди Жоку. – Лашкарларни жангларга олиб киришни яхши кўраман!

– Менга Самарқанд ҳокимлиги! – деди Довуд.

– Вазир бўлсам қанийди... – тилак билдириди Сайфиддин.

– Сен-чи? Сен нима истайсен? – қарашди Маҳмудшоҳга.

– Менми?.. Хо-хо-хо... – Маҳмудшоҳнинг қисиқ кўзла-

рида истехзо учкунлари чақнади. – Менга... менга ҳаммомни гўлахилигини берсун!..

Унинг ичиқоралиги, иложи борича Темурбекнинг “пошшо” лигини камситишга урингани аниқ билинди. Подшодан гўлахиликни сўраш Маҳмудшохнинг ўзига жуда ҳам нодир топилдиқ каби туюлди ва ичида ўзини эмас, балки пошшони ниҳоят даражада ерга урганидан мамнунлик хиссини туйди.

– Гарданингга бир туширайми сен писмиқди!.. – мушт ўқталди Жоку Маҳмудшоҳга. – Урадиму, қилтириқдексан, ўлдириб қўяман, деб қўрқаман! Ҳамиша тирноқ тагидан кир кидириб юрасан, галварс!

Темурбек ўзини сезмагандай тутди, ҳеч нарса демади. Яна ўйинга киришиб кетдилар.

Йиллар ўтиб, юрт бошига келганда, Темурбекнинг ваъдаси эсида турган экан, – Амир Сайфиддин некўз бунга ҳайрон қолди, – чиндан ҳам, ўща айтганини қилди: Жоку – амир ул-умаро, Довуд – Самарқанд ҳокими, Сайфиддин – мамлакат ва раият вазири мансабларига тайинландилар. Аммо Маҳмудшоҳга Бухоро ҳокимлигираво кўрилди. Ҳеч ким унга, Маҳмудшоҳ гўлахиликни сўраган эди-ку, гўлахилик ўрнига ҳокимликми, демади. Амир Сайфиддин некўз бунга таажжубланиб ўлтирумади, чунки Темурбекнинг болаликдаги дўстларини унутмайдиган одати борлигини, барчасининг ҳам кўнглини чўқтирмаслигини, кечиримлилигини яхши биларди.

Кек, хусумат Маҳмудшоҳни тинч қўймади, мухолифатчилар сафига кўшилиб, Хоразм волийси ва Тўхтамишхонлар билан фитнангиз ишларга қўл урди. Бир оёги Гурганжда, бир оёғи Сарой-Беркада. Ҳозир Бухорода экан... ростдан ҳам ҳаммомда гўлахи эмиш! Ё раббий! Амир Сайфиддин некўз болаликдаги орзуларнинг канчалар соғ ва покиза туйғуларга йўғрилишини, фаришталар омин дейишини, ниятни катта килиш кераклигини терандан теран англаб етди...

Амир Сайфиддин некўз ўз ўйларига андармон бўлиб сезмабди, аллақачон уйғонган Соҳибқирон қовоклари оғирлик қилаётганига қарамай, катта-катта кўзларини очганча,

чодир шифтига қараб ётарди. Қўл-оёклари худди боғлаб ташлангандек зил-замбил, ўнг оёги сиркираб азоб бермоқда. Амир Сайфиддин некўзнинг ёнида эканини билса-да, гаплашгиси келмайди.

Беихтиёр машъум хаёллар Соҳибқиронни қамраб олди. Балки Бухорода амирларнинг илтижоларига қулоқ солганда, дарди бунчалар кучаймасми... Йўқ, касаллиги туфайли йўлга чикмаганда, ўзининг ожизлигини аниқ билдириб кўярди. Бунинг катта сафарга отланган лашкар руҳиятига нохуш таъсир этиши бор нарса. Энди эса... Пайғамбар ёшига етаман, омон-эсон ўтиб ҳам кетаман, деб худодан умидвор юрувди...

“Наҳотки ёруғ дунё билан хайрлашиш онлари якин қолди? Ҳали юмушларим кўп эди-ку? – хаёлидан кечирди Амир Темур. – Чин мамлакатига бориш ана шулардан бири... Неча асрлардирки, турк хоқонлари Чин мамлакатига ўлпон тўлаб келадилар. Чин подшоси ўзи ёш туриб, турк хоқонларига элчи йўллаб мактуб ёзганда, андишасизларча ҳамиша “ўғлим” сўзига урғу беради. Албатта, бу камситилишдур. Ҳалигача Турон подшоларидан ҳеч ким бу муаммони ораочик этолгани йўқ. Буни дилимга тутиб қўйгонмен... Адо этажакмен, иншооллоҳ!

Ҳамон Тўхтамишхон муаммоси олдинда турибди. Жўжи улуси бақувват, шаҳарлари гуркирафон... Истағон пайтда салтанатнинг ё у бурчагидан, ё бу бурчагидан тажовуз ўюштиришлари мумкин.

Фарзандлар, набиралар камолидан қувонмак умиди... Бибидан фарзанд... кутишди. Дилшод оқа ўғил туғди, лекин она ҳам, ўғил ҳам бирин-кетин оламдан ўтишди... Суйгани Туман оқага уйланганидан сўнг, ўн тўрт йил ўтди, ҳозиргacha бирор нишона дараги йўқ.. Айрим малика ва жориялардан кўрган фарзандлари чақалоқлигига нобуд бўлдилар. Энди умид гўзал малика Чўлпон Мулк оқадан...”

Ҳа, пошшолик ҳам бандасига яратганинг бир синови экан! Соҳибқирон ҳар сафар шу ҳақда ўйлаганда, Оллоҳнинг bemисл чеварлигига тан беради... Кошкийди, имкон топилса-ю юртда факат боғ-роғлар қилиш, каср-у иморатлар қуриш,

йўллар солиш, тижорату зироат ишларига ривож бериш, тўйлар ўтказиш, етим-есирлар бошини силаш, хайр-у садакалар улашиш каби эзгу юмушлар этагидан тутса киши!.. Шундай замонлар келармикин?..

Мана, Кешда маҳобатли Оқсарой курилиши давом этяпти... Қани энди, Амир Темур ўша ерда иш тепасида турса, салтанатнинг энг катта биноси бўй-бастини кўриб кувониб, боши қўкка етса... Сарой ҳам тезроқ битарди. Тошканда, Андижон ва Марғинонда тикланаётган мадрасалар... Чиноз яқинида Сирдарё устига курилаётган кўпприк... Самарқанд атрофида ҳозирча тўққизта боғ гуркираб турибди, “Боги Биҳишт”, “Боги Чинор”, “Боги Давлатобод”, “Боги Баланд”, “Боги Нақши жаҳон” ва бошқалар...

Ҳали давлат бошига келмасдан бурун қайсиdir жангдан кейинги машваратда бўлажак салтанат ҳақида айтган сўзлари худди ҳозиргидек нафақат ўзи, балки бошқаларнинг ҳам ёдида турибди:

“Билсунларким, биз ўз салтанатимизни раиятга, одамларга эътибор бериш ва ҳимояга олиш асосида барпо этажамиз! – деган эди Темурбек. – Шу сабабли ҳамма жойда одамларни юпантириб, хотиржам айлаш йўлидан борғаймиз...” Шундай деган эди, ҳа. Ҳамма қийқириклар билан олқишлиб, чапак чалганди ўшанда...

Раиятга эътибор бериш, ҳимояга олиш, хотиржам айлаш... Нечоғлик ажойиб, бебаҳо сўзлар! Аммо Соҳибқироннинг ўзи гувоҳ, мана, йигирма икки йил ўтаётир, ана ўша хотиржамликка эришиш мушкул кечмакда.

Эндинина нафас ростлаб турганингда, кимнингдир қайдадир мухолифат изҳор этиб тут кўтариб чиққанини, қандайдир гурухнинг қароқчиликни касб айлаб олиб, Ҳижоз йўлларида бечораларни қақшатаётганини, айрим кўрпасига қараб оёқ узатмаганларнинг ҳатто юртга бостириб кириб, раият бошига кулфатлар колаётганини, мусулмонларни азобларга гирифтор этаётганини эшитасен...

Турли юртларни бошқараётган фарзандларим ҳам ташвиш орттириб турадилар. Яна машварату кенгашлар чақириш лозим, черик чорлаш керак, ўзингни зинҳор ожиз-

у нотавон кўрсатмаслигинг даркор, агар шуни сезсалар, душманлар ҳар тарафдан ёприладилар ва бўлишиб ейдилар... Рост, ўзингни ҳимоя қилмоқ учун майдонга отилмофинг, қиличингни маҳкам тутмофинг шарт! Рўзи азалдан шундоқ... бу таомил ўзгармайди. Афтидан, Оллоҳ таоло ўз бандаларига осмондан китоб ва тарози каторида темирни ҳам бекорга туширмаган, темирга ҳеч қачон эҳтиёж камаймайди, шекилли, қиличсиз замонлар, чамаси, олисдаги сароб...

## II

Бирдан хаёл шодалари узилди, у чодирга кимнингdir кирганини сезди. Бу шаҳзода Мұхаммад Султон эди. Амир Темур ҳеч нарса демай, суюкли набирасини жон мисоли бағрига тортди-да, узок тутиб турди. Гўёки шаҳзодадан унинг дармонсиз вужудига куч-қувват оқиб кирмоқдайди. Амир Сайфиддин некўз дард илашгандан бери, Соҳибқироннинг заъфарон юзига ilk марта ҳолсиз табассум юрганини кўрди ва хотиржам оҳиста ташқарига йўналди.

– Келдиларму, шаҳзодам?.. – сўради оҳиста Соҳибқирон.

– Келдим, валинеъмат Соҳибқирон, келдим! Не бўлди, бобожон? Тоблари кочдиму?Faflatda қолибмен. Мана, ёнларидурмен!.. – йиғлашдан ўзини баъзўр тийди шаҳзода.

– Оллоҳга шукр... Халлоқи безаволга салламно!

Шу палла хонимлар ва оғаларнинг хабари етди.

Кўп ўтмай, Сароймулхоним, малика Туман оқа, Султон Баҳт бегим, уларнинг изидан бирин-кетин Шоҳруҳ Мирзо ва бошқа амирзодалар кириб келишди. Маҳди улё кўзларида ёш лимиллаб, оҳиста Соҳибқироннинг бошини силай бошлади, Амир Темур таниш ва меҳрибон кўлтафтини дил-дилидан сезди...

Туман оқа билан Султон Баҳт бегимлар ўқсишганча, беморнинг оёқларини уқалашга тушдилар. Туман оқа маликалар ташрифидан ўзини четга тортиб, бегонасираб турган, қийик кўзлари йиғидан қизариб кетган Чўлпон Мулк оқага бир караб қўйди, аммо ҳеч нарса демади.

Мехрибон-у оромижонларининг ташрифидан Соҳибқироннинг чехраси ёриша бошлади. Хуфтонга борганда, бостириб келган сеҳрли уйқу уни элитди. Муолажалар таъсириданми ёки ҳаётбахш туйғулар сеҳриданми, ҳар қалай, эрталаб туриб, беморликка чалингандан буён биринчи марта сал тўйиброк ухлаганини билди.

– Факир-у мискинларга хайр-у садақа қилингизлар...

– деди Амир Темур Сароймулкхонимга. – Пайғамбар саллалоҳи алайҳи ва салламнинг ҳадисларида айтилмишши, бетобларингизни садақа бериб даволангизлар... Зеро, Оллоҳу латифун биибодиҳи<sup>1</sup>. Ростдан-да, Оллоҳ бандаларига лутф этгувчидир, меҳрибондир...

Сароймулкхоним қўллари кўксида, оҳиста бош эгди. У жуда яхши билади, Амир Соҳибқироннинг қоим эътиқоди ҳазрати Ҳаққа боғлангандир. Азиз-авлиёларни кўз устида тутадилар. Хайр-у эҳсонга қўллари очик. Маҳду улё барча маликалар-у амирзодаларни хайр-у садақа юмушларига бош қўшишга чорлади. Туман оқа бир қишлоққа, Султон Бахт бегим иккинчисига, Чўлпон Мулк оқа учинчисига йўл олдилар. Факир-у музтарларга, оч-юпунларга, ожиз-у нотавонларга садақа улашишлар бошланди.

Бу кувончли, серзавқ юмуш нафақат маликаларни, балки бошқа амирлар-у лашкарбошилар хотинлари ва фарзандларини ҳам оҳанрабодай ўзига тортди. Олмокдан кўра бермоқ яхшироқдир, деган қадимий ҳикмат яна иззат-у икромда эди. Барча ҳоли қудрат эҳсон айлашга, шу билан Оллоҳдан Соҳибқиронга сихҳат тилашга тиришарди.

Сароймулкхоним мулозимлари билан каттагина қишлоққа кириб келди, соғинганидан шаҳзода Муҳаммад Султонни ёнидан қўйиб юбормади.

– Агар ўzlари хайр-эҳсон қилсалар, Амир Соҳибқиронга савоби қўпроқ тегади, шаҳзодам! – деди катта малика.

– Бош устига! – жавоб берди шаҳзода...

Бирма-бир қўп хонадонларга кириб ярмоклар сочдилар. Садақа олган кекса-ю ёш сидқидилдан дуога қўл очар,

<sup>1</sup> Куръони карим, 42 – Шўро сураси, 19-оят.

болакайлар эса хўрозқандларини кўз-кўзлаб, у ёқдан-бу ёқка чопардилар. Катта малика суюб уларнинг бошини силаб-силаб кўярди. Бир ҳовлидан чиққанларида, иттифоқо, му-лозимлари кўмагида садака улашиб юрган Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг қизи Соғинч бика билан Сарвинозларни учратиб қолдилар. Онаси Оппогойим ҳали ҳам носоғланиб ётган-миш. Қиз ва канизак чиройли эгилганларича, маҳди улё кўй-лагининг пешини ўпиб тавоф этдилар.

— Кам бўлмангиз, қизим, кам бўлмангиз! Ўсиб камолга еtingиз!.. — деди ҳавас билан Сароймулхоним, Соғинч бикани бағрига олиб манглайидан ўпар экан. Қиздан ажойиб ёкимли муаттар бўй маҳди улёнинг димоғига урилди. — Волидангиз яхшимилар?... Шифо берсун. Аммо Оппогойим шундай барно ва зебо қизи борлигини бизга айтмағон эрдилар...

Юз, қулокларигача қизарib кетган қиз изо тортиб ерга қаради. У суюкли шаҳзодани, — тағин катта малика олдида! — кўраман деб асло ўйламаганди.

Жўйи Зардаги воқеадан сўнг, Муҳаммад Султоннинг кўз ўнгига бир нотаниш сирли олам юз очди. Ёш кўнгил саҳнида ғаройиб ва ёрқин малак сиймоси намоён бўлди. Бошқачароқ айтганда, нозик ниҳол Соғинч бика андишага бормай, сўроқсиз унинг қалбига бостириб кириб, баҳодир йигитнинг буткул эс-хушини олди-кўйди.

Фавқулодда дийдорлашувдан шаҳзода Муҳаммад Султон алланечук ҳолга тушди. Худди сир-асрорларидан Сароймулхонимнинг хабари бордай, ўнғайсизлана бошлиди. Бирон нарса баҳонасида нарироқ кетиши зарурлигини англади, аммо оёқлари боғлангандек жойидан жилмас, кўзлари унга бўйсунишни хоҳламасди.

Соғинч бика ҳам қандай харакат қилишни билмай Сарвинозга жавдираб қаради. Шартта ортига қайтсинму? Ё... шаҳзода билан саломлашиш лозимму? Қиз бош эгиб саломлашса, одобсизликка кирмайдирму? Балки, шаҳзоданинг ўзлари сўз очарлар?..

Бироқ Сарвиноз ҳам лол эди, шаҳзодадан эса садо чиқмади. Қиз катта маликани тавоф айлагандан сўнг,

кўприкнинг олдидағидек, шаҳзодага ним табассум ила бир бокиб, худди тўйнинг эртаси куни эрталаб куёвига салом берган янги келинчақдай, беихтиёр ўнг кўлини кўксига кўйиб, таъзим бажо этди ва аста ортига чекина бошлади. Икки юзидағи кулгичлари шаҳзодага хуш ёқадиган чиройли ўймоқчалар ҳосил қилди... Қизнинг харакати шу қадар табиий эдик, бу нафақат йигитни ўргат юборди, балки катта маликанинг борлиғини ҳам енгил титратиб ўтди...

Сароймулхоним доимо амирлар-у аркони давлат хона-донларидағи мажлисларда, тўйларда амирзодаларга қайлик излаб, пинҳона қизларга бир-бир назар ташлар, бунисини бу амирзодага, унисини унисига чўтлаб, кўнгли сув ичган хусндорларини кўз остига олиб қўярди. Орқаваратдан эшитиб, Соғинч бикани ҳам мўлжаллаб қўйган... Аммо қизнинг бу қадар сулувлигини яқиндан илк бор қўриши.

Ҳозир шаҳзода билан қизни ёнма-ён турганини кузатаркан, кутилмаганда хаёлига бир фикр келди: “Бир-бирларига жудаям мос эканми!..” Соғинч бика ниҳоятда сулув, Мухаммад Султон бағоят кўркам, башанг йигит эди! Бундай фикрдан ўзи ҳам қувониб кетди. Чунки яқинда Султониядан келганида Боги Чинорда малика Хонзода хоним билан шу ҳақда сұхбатлашишган, ўзларича, шаҳзодага келин излашаётганларини бир-бирларига билдиришганди. Маҳди улё назарида, Соғинч бика Хонзода хонимга ҳам ёқиши керак...

– Шу ожизани шаҳзодамга... унаштириб қўйсаммик?.. – сўзланди бирдан катта малика ўз-ўзига дегандек, Мухаммад Султонга атай эшиittiриб. Бу пайт қиз улардан йироқлашиб ўз мулозимлари ёнига етай деб қолганди, аммо орқароқда бораётган Сарвиноз бу сўзларни қулоқларига жойлаб олди. – Жуда келишган, соҳибжамол қиз эканми!..

Шаҳзоданинг кўнгли кўкламдай яйраб-яшнади, аммо билдиримасликка уринди. Нимадир қилиши кераклигини фаҳмлади. Шу пайт кўчадан бир мискин одам оҳиста ўтиб бораради. Қувонганидан уни шартта ўзининг отига миндириб юборди! Мулозимга қишлоқ мозорига сидқ-у ихлос билан икки қўй ҳадя қилишларини буюорди. Қий-чув кўтариб кўча-

ни тўлдириб юрган болаларни ёнига чорлаб, ҳамёнидан тангалар олиб: “Мана сенга!”, “Мана!..”, “Ол!..” дея улаша бошлади...

Сароймулхоним, бирдан шаҳзоданинг ҳаракатлари чақ-қонлашиб кетганидан ниманидир англагандай, мийифида қулиб қўйди. Ҳамиша келинликка номзод топиш мушкул, хайрият, топилди, шекили... Ҳа, шаҳзода Соғинч бикани ёқтиради, ожиза ҳам бефарқ эмас... Шундай бекусур-у бетимсол йигитни севмай бўларканми!

Бошқа маликалар, амирзодалар қайтиб келишганда, бир неча қишлоқда бева-бечоралар, азиз-авлиёлар мозорларига кўп хайр-у садақалар берилгани ошкор этилди. Жумла мўмин-мусулмонлар дуога кўл кўтариб, Амир Темур Кўрагон ҳақларига Оллоҳдан шифо тиладилар.

Садака ва эҳсонлар ўз хосиятини кўргизмай қолмади. Амир Сайфиддин некўз Соҳибқироннинг кун сайин соғайиб, мизожи тетиклашиб бораётганини сезди. “Амман южибу-л-муэттарра изо даъоҳу<sup>1</sup>?.. – деди ичиди у Қуръон қаломларини такрорлаб. – Оллоҳга шукр!..”

Кутлуғ шаъбон<sup>2</sup> ойининг ўн беши – Оллоҳ “энг пастки осмонга тушиб”, гуноҳкорлар илтижосини қабул этадиган барот<sup>3</sup> кечаси бир олам қувонч олиб келди: Тангри таолонинг каромати билан хайр-у эҳсонлар-у дору-дармонлар дардга мувофик тушиб, Амир Темур соғайиб оёққа турди!

Энди Соҳибқироннинг ўзи мискин-у бечораларга эҳсонлар қилишга киришди.

<sup>1</sup> Қуръони карим. 27-Намл сураси. 62-оят.“Музтар-ночорлар дуо-илтижо айлаганларида ижобат килгувчи ким?..”

<sup>2</sup> Шаъбон (арабча) – камария йили хисобида 29 кундан иборат саккизинчи ойнинг номи.

<sup>3</sup> Барот (арабча) – шаъбон ойининг 15-куни. Бу кунда Мухаммад алайхиссаломга пайтамбарлик хабари нозил қилинган; 2) камарий саккизинчи ой – шаъбоннинг халқ орасидаги иккинчи номи.

## ТУРТИНЧИ БОБ

### I

Бир салтанат қўшини иккинчи мамлакатга курол кўтариб борар экан, авом, халойиқ ҳамиша бунинг тагида қандай сабаблар ётганини билишга қизиқади. Ҳар кимнинг калласида турлича фикрлар туғилади, ҳатто бошқа бирор билан гаплашганда, ўз фикрини мутлақ ҳақиқат санаб, оғиз кўпиртиришдан чарчамайди. Фаройиб жойини кўрингки, шундай одам дунёда ўзининг доно фикридан бошқа мулоҳазалар ҳам бўлиши мумкинлигини билиб, астойдил ҳайратга тушади. Борди-ю, бирон жўяли фикр бўлмаса, у фикрни йўқ жойдан ўзи кидириб топади ва унга чин ҳақиқатдай ишониб қолади. Бахсга киришса, унинг аслида ҳеч кимга кераксиз фикри дунёning тақдирни учун бағоят мухимдай, жон-жаҳди билан куюниб гаплашади.

Бирори дейди: “Нариги подшо бу подшо ҳақида нохуш гап айтган экан, бунисининг жаҳли чиқибди. Шундан уруш бошланай деб турганмиш....” Иккинчиси бошқа фикр билдиради: “У мамлакатда олтин кўп. Бу подшо мол-дунё, зар учун бораётир”. Учинчиси: “Бунинг бари жаҳонгирлик ҳавасидан. Жаҳон подшоларининг энг эзгу орзузи жаҳонгирлик рутбасини<sup>1</sup> олмоқдир..” дейди. Тўртингчиси: “Буюк Ипак йўлини қўлга киритиш асосий мақсаддир...” Бешинчиси...

Хуллас, бундай қараашлар ҳар қадамда учрайди, баҳс-у муноқашалар тўхтамайди, кишилар бир-бирлари билан беҳуда тортишадилар, ўзларининг ишларини унутиб, калаванинг учини баттарчувалтирадилар, ҳатто “сен-мен” га ҳам борадилар. Аммо, оқибатда, ҳар ким фикрларнинг энг тўғриси, қаймоғи ва теран мазмунлиси барibir ўзиники эканига имон келтириб қолаверади.

Дунёning иши эса барчасига парвосиз, ўз ўзанида оқади, ҳеч нарса унга таъсир кўргиза олмайди. Тақдирни азалдан қандай белгиланганса, амал шундай давом этади, юз

<sup>1</sup> Рутба (арабча; унвон, обрў; лавозим; яхши хислат) – унвон, даражা, мартаба.

берадиган нарса юз беради, унадигани – унади, синадигани – синади... Сўнг тарихчилар бу воқеа бундай кечган, у воқеа ундей, деб шарҳлайдилар, турлича, ҳатто бир-бирига зид таҳлиллардан ўтказадилар. Қандай ёзганларидан қатъи назар, тарих ўз улуғворлигини йўқотмайди.

Урушлар эса ҳали-хануз давом этмоқда... Урушлар гўё жамият тараккиётини белгилайдиган бир ҳаракатдек, дунёнинг ривожи учун шарт ҳодисадек туюлади. Ҳиндлар фалса-фасида яздон<sup>1</sup> Шива<sup>2</sup> номи билан боғлиқ яратмоқ учун аввал бузмоқ керак, деган ҳикмат машҳур. Ростдан-да, оқил-у донолар фикрича, қуриши учун бўлса, бузиш оқланади, фақат бузиб ташлаш эса қораланади...

Тарихга баҳо беришда, биздан жуда қадим замонларда кечган воқеалар ҳақида фикр юритишимизга тўғри келади. Баҳойимиз қандайлигидан қатъи назар тарих сира ўзгар-маслигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Бунда, албатта, тарихий мантиқ йўлидан бормоқ шарт. Тарихий мантиқ – жуда муҳим тушунча. У – тарих қонуниятларидан бири. Тарихни ўз “хизматкор” ига айлантириб олишни истаган айрим тарихчилар, тарихий мантиқни унутиб, замон ва маконни ҳисобга олмай фикр юритадилар. Лекин бу фикрлари билан тарих қадамларига бирон таъсир ўтказа оладиларми йўқми, буниси неча асрлардирки, номаълум қолиб келмоқда...

Милодий 1391-йилда Қундузча мавзеида Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон енгилиб, ҳарб майдонидан қочганидан сўнг, Амир Темур Турон юртига қайтар экан, Ўтрорга келгандаридан Мухаммад Чуроға додҳоҳ билан Амир Сайфиддин некўзга буюрди: – Бир ҳафтадан кейин Жадий<sup>3</sup> ойи бошланади. Тошкандда қишлоқ қилғайбиз. Тадориги кўрилсун!

– Бош устига, Амир Соҳибқирон! – таъзим қилишди амирлар ва хос кишиларни Тошкандга юбориш ташвишини

<sup>1</sup> Яздон (форсча) – Оллоҳ, Тангри, Худо.

<sup>2</sup> Шива – ҳиндуийликдаги уч олий худо – тримуртининг бири.

<sup>3</sup> Жадий – Жад(и)й (арабча; эчки боласи) – ўн икки буржнинг бири. Шамсия йил ҳисобида ўнинчи ойнинг арабча номи (22-декабрь – 21-январь даврия тўғри келади).

чекдилар. Иттифоқо, амирлар ҳам ўзаро сұхбатда худди шу ҳақда сўзлашгандилар.

“Биласиз, некўз жаноблари, Ҳазрат Тошкандни таянч қалъам менинг, дейдилар. Тўхтамай ўтмасалар керак...” – фикр билдириди Муҳаммад Чуроға додхох.

“Хўй-ў-ш... Рост дедилар, доддоҳ жаноблари. Зиёратгоҳ жойлар бор. Унинг устига, Соҳибқирон, киш фаслида Тошканднинг жанубидаги Илоқ водийсида шикор солишини ёқтирадилар...”

... Қиш фаслини Тошканда ўтказган Соҳибқирон офтоб Ҳамал буржига келгандагина, яъни наврӯз куни пойтахтга қайтди.

Амир Темур Кўрагон, гарчи барча шодмон, галаба нашъасини сурса ҳам, сафардан мамнун эмасди. У жангнинг оқибати ғалаба билан безалган эса-да, бу ҳали мутлақ музafferият эмаслигини яхши биларди. Жанг ҳамиша мутлақ зафар билан тугасун! Ният охиригача амалга ошсун, муродмақсад сўнгги нуқтасигача етсун! Йўқ эса, Хоразмга беш марта юришдай ёки амир Қамариддинга, мўгулларга қарши қайта-қайта от суришдек ҳолга тушилиши аниқ.

Йигирма йилдирки, дуғлат амири Қамариддин муаммоси Соҳибқирон бошини қотиради. Хоразмга сўнгги юришдан кейин икки йил ўтиб, Соҳибқирон Гурганжни қайтадан барпо этишга буюрди. Бугун шаҳар гуркираб турибди. Наҳотки, мутлақ зафар учун Гурганждагидай ёлгиз Аркни бузиб, кейин бутун Хоразм вайрон бўлди, деб хавосат қилиниши керак? Бу кишининг орига тегадиган нарса. Ростдан ҳам, эплай олмаганликдан бир ишга икки-уч марта уриниш зарурати туғилади, вақт кетади. Оллоҳнинг сийлаган умри эса саноқли...

Тарих милодий 1382-йилда Тўхтамишхон Московияни ёндириган паллаларда Миср сultonлигини эгаллаган черкас мамлуклари кейинчалик “Малик аз-Зоҳир” номини олган серғайрат Барқуқни ҳокимлик мартабасига кўтардилар. Сурия, Ироқ ва Ҳижоз ерлари қўшиб олинганидан, Миср куч-кудратда бекиёс, кудратли давлатга айланди. Шу важ-

дан ҳам, кўп ҳукмдорлар Малик аз-Зоҳир Барқуқ билан яқинлашишга интилишар, қатор мамлакатлар ундан ҳимоя, кўмак сўрашарди. Қоракўюнлилар қабиласи сардори Амир Қора Юсуф ҳатто уч йил аввал Табризни босиб олганда, хутбани<sup>1</sup> атайлаб Миср султони номига ўқитди, атай зарб килинган дирҳамларни Қоҳирага жўнатди. Бу нарса нуфузи ортиб бораётган Миср султони кибрига кибр кўшгани аён. Тўхтамишхоннинг ҳам Малик аз-Зоҳир Барқуқ билан яна тил топишгани бежиз эмас...

Амир Темур аниқ билади: тутинган бетавфиқ “ўғил” Тўхтамишхон букилган наизасини излаб юрибди, қиличини синдириб улоқтириб ташлаганини ҳали бирор кўргани йўқ, у қилич қуёшда яна яраклаб майдонларни ёритмакка орзуманд. Тулпорини қантариб қўйгани маълум эмас, гижинглаб, елиб учмоққа тайёрлиги рост. Куч йифмак пайдада, тагин пайт пойлаб салтанатга хуруж этса, ажабланмаслик керак.

Тўхтамишхон Буюк Литва князи, Полша қироли Ягай билан жуда ош-қатиқ эмиш. Агарда Соҳибқирон билан саваш қуриб енгилса, йиқилмаслик учун унга суюнч лозим... Князъ Ягайло жанубий кўшни музофотларга чопкунлар ясад, ўз мамлакати ҳудудини хийла кенгайтириб олган, Европадаги құдратли ҳукмдорлардан бири хисобланади. Бу гапларнинг барини раият вазирлиги хабаргирлар шўъбаси сардори Мубашир баходир тингчилари айтиб келади. Хийла йиллар муқаддам, кишиниң охирлари эди, Самарканнанда Боги Баланд меҳмонхонасида бўлган машваратлардан бирида, Амир Темур мамлакат низом-интизоми ҳақида юз-хотирга бориб ўтирамай, аркони давлат вакиллари шаънига аччиқ-аччиқ сўзлар айтди, кейин хос мунший Мавлоно Убайдга шундай буюрди:

– “Тузуклар” га киритиб кўйсунлар! Ҳар ерда, вилоят-у шаҳар ва ўрдуда кундалик воқеаларни ёзғувчи хабарнависларни тайин этсунларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўз лашкари

<sup>1</sup> Хутба (арабча; ваъз, нутқ; панд-насиҳат) – тахтга чиқкан ҳукмдорнинг номини намолдан кейинги дуода тилга.

ва ёт лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор айласунлар. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган-у, четга чиққан ёт кишилар, карвонлар, салтанатлар ҳақидаги хабарлар, қўшни подшохлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ҳамда узоқ ўлкалардан даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилик билан менга ёзиб турсунлар...

Мавлоно Убайд айтилганларни шошилганча дафтарга туширади.

– Салтанат ҳудуди кенгайиб бораётгани, турли музофотлар, қўшни ҳукмдорлар ният-мақсадларидан огох бўлиш мақсадида, Мубашшир баҳодирга Хуросон-у Ироқ, Миср, Жўжи улуси мамлакатларига мингта йўртоқ түя билан мингта учқур отга моҳир кишиларни миндириб, яна минг одамни шайлаб пиёда жўнатиш тобшурилсин. Бундай чопарлар бирор шубҳаланмайдиган сўфийлар, чоллар, момолар, аёллар, дарвеш, сайёҳ ва ҳоказо кишилардан танлансан...

Амир Темур тўхтади-да, Мубашшир баҳодирга қаради:

– Уқдингму? Тўғрилик билан ёзсанлар!

– Уқдим! Уқдим, Амир Соҳибқирон! – жавоб берди хабаргирлар шўъбаси сардори.

– Амир Соҳибқирон! Борди-ю, бунга хилоф иш тутсалар-чи?.. – сўради мулизимлардан бири.

– Агар бунга хилоф иш тутсалар, воқеаларни аник ёз-масалар, ёзғувчининг бармоқлари кесилсан. Агар хабар ёзғувчи бирор амлокдор<sup>1</sup> ёки сипоҳийнинг хизматини яширса ёхуд хабарга бошқа либос кийинтириб ёлғон ёзса, у ҳолда унинг кўлини кессунлар. Шундай хабар ёзишга ундағон, ришваҳӯр<sup>2</sup> амлокдорнинг бармоқлари узиб олин-сан. Агар ёлғон хабарни тухмат ёки ғараз билан етказса, уни қатл этсанлар ва яна амр қилдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказсанлар!

– Бош устига, Амир Соҳибқирон! – деди ўшандада Мубашшир баҳодир...

<sup>1</sup> Амлокдор (амлок (арабча) – мулклар) – катта ер-мулк эгаси.

<sup>2</sup> Ришваҳӯр (арабча+форсча) – порахӯр.

Юртда Наврӯз байрами ҳукм сурарди. Соҳибқироннинг Дашиби Кипчоқ сафаридан кутлуг айёмага Самарқанди фидавсмонандга етиб келганлари байрамнинг шукуҳига яна шукуҳ кўшди. Фуқаро-ю мискин Конигилга оқди.

Наврӯзниң иккинчи куни чошгоҳда, Андхойга жұнашдан олдин пири муршид Соҳибқиронни байрам айёми билан кутламоққа Боги Чинорга ташриф буюрди. Мехмонхонада Амир Темур ва Мир Сайид Барака ўртасида дилкаш сұхбат кечди. Уч ойдан ортиқ вакт кўришишмаган муршид-у мурид кўнгилларида хийла гаплар йигилиб қолган экан.

Бир пайт мулозим кириб, тингчилар дарагини етказди. Бу тоифа кишиларнинг хизмат юзасидан кутиб туришга фурсатлари бўлмас, уларга ҳамиша Ҳумоюн ўрдуга йўл очиқ қилиб кўйилганди.

– Навбат билан киришсун! – ижозат берди Соҳибқирон.

Остонада Мубашир баходир етагида бошидаги кулохининг уни қийшайган, эгнига эскириб кетган дарвишлик хирқасини ташлаган, ҳасса тутган ўрта ёшлардаги қаландар кўринди.

Амир Темур кечагина чақмоқдай йигит бўлган, қулоқлари катта-катта, миқти, чайир Мубашир баходирнинг йиллар ўтиб, сал елкалари чиқиб қолганлигига, бежирим кирқилган соқол-мўйлабига оқ оралаганига эътибор берди-ю, дили орзиқди. Ҳа, умр елдай учиб ўтаётган экан!..

– Парвардигор салтанатингизни, илохи, пойдор қилсун!  
– одатдагидек таъзимдан кейин дуодан бошлади сўзини каландар. – Миср мамлакатидан келдим, Амир Соҳибқирон... Рум сultonи Йилдирим Боязид, Миср сultonи Барқуқ, Олтин Ўрда хони Тўхтамишон ва Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад жалойирлар, донғи дунёга таралиб бораётган даҳшатли рақиб Амир Темур Кўрагонга қарши иттифок тузмоқчи эмишлар. Мақсад Турон салтанатини ер юзидан супуриб ташламоқдан иборат экан...

Иккинчи тингчи – Ироқдан қайтган ўттиз бешлардаги сайдоҳ, йигит ҳам айни шу гапни такрорлади, кейин кўшиб қўйди:

– Кунчикишда қандайдир номаълум амирнинг ўғли Турон таҳтини эгаллаб олиб, ўз ҳудудларини кенгайтириб, бир таҳт соҳиби бўлишдан ортиқрок мартабаларга интилаётганини очиқдан очиқ намойиш этмоқда, дейдилар улар. Уларнинг фикрича, иттифоқ аъзолари Амир Темурнинг бундан тўрт йил олдинги Эрон-у Хуросон, Озарбайжонга юришларига эътибор бермадилар, бари ҳеч қачон давлат маснадида ўлтиргмаган ва бирданига нуфузи ошиб, босартусарини билмай қолган шошқалоқ амирнинг оқибатини ўйламай ташлаган қадамлари, деб баҳоладилар, холос...

Ҳар икки тинғчи бир-биридан бехабар, икки мамлакатдан бир хил маълумот олиб келишганди.

“Хом сут эмган банданинг кўнгли нималарни тусамайди... – хаёлидан кечирди Амир Темур. – Тўхтамишхон ҳам ана шундай бандалардан бири, бу ишларнинг бари ўшанинг ношуқрчилиги, иғвосидан, сувни лойқалатган, ҳамманинг кўнглига кутқу солган, аслида, ўша... Бу иттифоқни ҳали илдиз ёзиб улгурмай туриб, ўз маконида парчалаб юбориш зарур, душманни ўз уясида янчиб ташлаш керак. Йўқса кучайишиб Турон юртига бостириб киришлари мумкин. Бари Тўхтамишхон кирдикорларининг оқибати...”

Соҳибқироннинг кўли беихтиёр иягига чўзилди. Мир Сайийд Барака ҳам дикқатни ҳудди шунга қаратди.

– Ҳали ҳануз савдогарларнинг карвонлари қароқчилар, йўлтўсарлар томонидан андишасизларча таланмакда эмиш, Амир Соҳибқирон! – деди пири муршид. – Ҳатто ҳажга бораётғон мўъмин-мусулмонлар ҳам азоб тортишмакда. Қутқу солаётғонлар Тўхтамишхон одамлари эрмиш. Амир Соҳибқирон, айтишга журъатим етмағонди, асли Кўксаройда, ҳузурингизда унга илк бор назар ташлағонимдаёқ негадир кўнглимга ноҳуш гумон шарпаси оралағон эрди... Ҳа, оралағон эрди...

– Нечун дарҳол билдурмадилар, пиrim? – сўради Амир Темур.

– Оре, рост... Демакка чоғландум. Бироқ ўзлари шавкатли шахзода мусибатида бағирлари увалғон паллалар

эрди, орога бир сўз сиғадурму? Подшоҳзодадан бироз кўнгуллари ёриши... Ўзимизни тийдук. Раҳматли Суюргатмишхон жаноблари ҳам каминага кейин: “Қордай оқ банот тўн кийғон Амир Соҳибқирон бирлан мумдай қоп-кора чакмон кийғон Тўхтамиш ўғлоннинг ёнма-ён туришини кўрингиз! Бамисли, Амир Темур қўйинларига қора илон кириб олгандай...” деб афсуслангон эрди.

– Шундоқ бўлғон эрди... Бўлғон эрди... – маъюс бош тебратди Амир Темур.

– Қароқчилар бор ерда тижорат ишлари тўхтағувсидур. Ипак йўлининг донғил-у<sup>1</sup> дориломонлиғи ҳамиша шубҳа остида қолғувсидур. Дунёning русуми шундокдур...

– Рост сўзладилар, пиrim! – Амир Темур меҳмонхона ичида у ёқдан-бу ёқка юра бошлади – Кундузча муҳорабасидан қайтаётғондаёқ, йўлда шу ҳақда хаёллар борлигими ни чулғаб олганди. Қандайдир ички шуур дерки, яна ўша томонларга бормоқ зарурати туғилгай. Йўқса тижоратга путур етгай. Дунё даставвал тижорат билан ободдур, салтанат хазинаси ҳам ўшандан бойигай... Қофқоздаги Дарбанддан Чағониёндаги Дарбандгача йўл бизнинг тасарруфимизда. Ипак йўлини ўз қўлида саклаш Турон салтанатининг улуғ мақсадларидан биридур, пиrim...

Форс-у Ироқда даврон суроғтган музafferийлар сулласи вакиллари уч йиллик юриш даврида Соҳибқирон ниятларини тўғри англа, мулозамат камарини белларига маҳкам боғла, Ҳумоюн ўрдуда гилам ўпиш шарафига етишдилар. Ҳатто музafferийлар ҳукмдори Шоҳ Шужоъ ва Соҳибқирон хонадони қудачилик ришталари ила боғланди.

Ўшанда Амир Темур ҳар бири ўз бошига ҳоким музafferийлар тарихи билан қизиқиб, улар орасидаги тахт учун курашлар, андишасизлик, аканинг укага, ўғилнинг отага, амакининг жиянга қўл кўтаришидай инсон шаънига ярашмайдиган хатти-харакатларни билиб, бағоят ранжиган ва нафратланган, ҳайратдан: “Ё раббий!..” дея олганди, холос.

<sup>1</sup> Донғил – кенг ва равон.

Тинғчиларнинг хабарлари ҳали ҳануз Хурросон-у Форс мамлакатлари дориломонликдан йироқ эканини кўрсатар, мухолифат гоҳ унда, гоҳ бунда бош кўтариб, нотинчилклар юз бериб турарди. Чиндан ҳам, Форсда ҳукм сурган Оли Музаффар ёки музafferийлар деб аталадиган сулола тарихи кўп аянчли эди.

## II

Ўн тўртинчи аср бошларида ҳулокуийлар салтанатида Музаффар ибн Мансур деган амир Майбул шахрида, унинг ўғли Муборизиддин Муҳаммад Яздда ҳокимлик қилишарди. Милодий 1314-йилда отаси вафотидан сўнг унинг мулкини ҳам ўзига қўшиб олган серғайрат ўғил, ҳулокуийлар давлати парчаланиб кетгач, бутун Форс вилоятига кўз тикди. Кирмонга<sup>1</sup> кадам қўйди, муazzам Шерозни мамлакат пойтахтига айлантирди, Ироқ-у Ажамни ўз тасарруфига киритиб, Озарбайжонга иддао айлаб, жалойирийларга таҳдид сола бошлади. Мамлакатни бирлаштириш йўлида кўп саъи-ҳаракатлар қилган ана шу амир туфайли қудратли сулолага айланган музafferийлар узок йиллар Форс-у Ироқдагина эмас, балки дунёда ҳам довруқ таратдилар.

Бағоят заковатли, ҳушёр, замонни чамалай оладиган фаросати ўткир Амир Муборизиддин Муҳаммад салтанатни ёлғиз ўзи бошқарди. Унинг ақлли хотини, ҳулокуийлар сўнгиси Султон Абусайд Баходирхон вазирининг қизи Зайнаб Хотун энг ишончли маслаҳатчиси эди, гарчи бу аёли бефарзанд эса-да, фаросатли ва закий эканидан амир жуда ардокларди.

Шероздан то Исфаҳон-у Рейгача, бу томони Абаркух, Язд-у Кирмонгача унга бас кела оладиган бирон куч топилмасди. Тўғри, Султон Увайс сингари ва бошқа ҳоким-у волийлар билан ўзаро жанглар узлуксиз давом этарди. Окибатда Ироқи Ажам, Шероз, Кирмон, Язд, Исфаҳон, Шуштар, Рафсанжон, Тус, Рей каби шаҳарлар аста-аста музafferийлар кўлига ўтиб борди, бу шаҳарларнинг ҳар бирида

<sup>1</sup> Кермон – Эроннинг жанубий-шарқидаги шаҳар.

сулоланинг бир вакили ҳокимлик таҳтида қарор топди.

Ташқи душманларни сиёsat майдонидан супуриб ташлаган Амир Муборизиддин асосий ёв ўз ичидан чиқини сира кутмасди. Музаффарийлар сулоласини тарих майдонига олиб чиккан амир, “Ташқи душманимни ўзим даф қиласман, ичкисидан худо ўзинг асра!” деган ҳикмат унинг қисматига мос келишини зинҳор билмасди.

Амирнинг оналари бошқа уч ўғлидан тўнғичи ақлли ва оқибатли Шоҳ Шарафиддин, – Амир Муборизиддин уни жуда яхши кўрарди – умри қисқа экан, отаси ҳаётлик вақтидаёқ оламдан ўтди, ўрнида Шоҳ Мансур деган ўғли қолди. Иккинчиси, тарих милодий 1333-йилда туғилган Шоҳ Шужоъ, учинчиси ундан уч ёш кичик Шоҳ Маҳмуд эдилар. Чапдаст ўғиллар савашлар пайтида оталари ёнида юришар, майдонларда от суришар, олқишилар олишар, Исфаҳондами, Бумда ёки бошқа шаҳарда ҳокимлар ва уларнинг авлодларини дорга осишда, қатл-у қатронларда, нақб-у ғоратларда иштирок этишарди.

Йигирма ёшли Шоҳ Маҳмуд Шибанкарни босиб олди, бу пайт Шоҳ Шужоъ Исфаҳонни қамалда тутиб турарди. Ўзини икки қаноти ўсиб чиққандай бақувват сезган Амир Муборизиддин ўғилларининг шиҷоатидан ичидаги ғуур турарди.

– Хайрият, – мамнунлигини яширмади қартайиб қолган сulton бир кун ўғиллари йигилганларида. – Мендан кейин салтанатни забардаст ўғилларим бошқарадур, иншооллоҳ! Мамлакатни бирлаштириш йўлида озмунча тер тўқдимму! Отангизга муносиб ўсиб вояга етмоқдасизлар, ўғилларим!... Юрт тузай деб, чеккан азоб-укубатларимни эсдан чиқармагайсиз, деган умидим бор... Илоҳи, музаффарийлар довруғини олис замонларга ҳам етказурсиз, жаҳонга таратурсиз! Зеро музаффарийлар ўз исмларига яраша музаффариятларга ҳамиша ошно бўлсунлар! Сизлардан розиман!

– Яхши фарзандлар факат падари бузруквор умрига эмас, мамлакат-у салтанат умрига ҳам пошибурлар, пошибойим... – сўз қўшди бешафқат йиллар чиройли чеҳра-

сига ажинлар сола бошлаган Зайнаб Хотун.

– Куллук, эй падари бузруквор! – таъзим бажо келтириди Шоҳ Шужоъ, калласи катта, пешонаси кенг, исми жисмига мос шижаатли, паҳлавон йигит.

– Худо ўзи ёрлақасун, эй отажоним! – қўлини кўксига қўйди Шоҳ Маҳмуд...

Зайнаб Хотун: “Айланайин, умрларингизни берсун!” деганча, ҳар иккисининг манглайидан ўпид қўйди.

Музаффарийлар подшоси нурсиз кўзларини астойдил садоқат кўргизиб, қошида таъзимда турган бургутдай икки ўғлига тикаркан, ўзини агар дунёда энг баҳтиёр оталар иккита бўлса, ўшаларнинг бири; борди-ю, битта бўлса, ўзидай мамнун-у мағрур ҳис этди...

Тахт ҳой-у ҳаваси, ҳокимлик нияти Шоҳ Шужоъ билан Шоҳ Маҳмудни оҳанрабодай ўзига тортиб, ўй-хаёлларини чунонам қамраб олдики, кечаларни пинҳона бедор ўтка-зишадиган бўлиб қолди. Бирдан, Шоҳ Шужоъга оталаридан кутулишнинг... осонгина йўли топилгандай туюлди. Укасига хотиржам сўз очди: – Падари бузрукворни... халал бермасликлари учун, орадан кўтариб ташлаш... керак...

Шоҳ Маҳмуднинг кўзлари катта-катта очилиб кетди:

– Нима-нима?! Орадан... кўтариб ташлаш керак? Отамизни-я?! Қандай?.. Йўғ-е! Тушунмадим, оға...

– Агар рози эрсанг... аммо бу гапни сир тутасан. Ҳм-м.... Кўриб турибмиз, отамиз кексардилар... Тахтда қокилиб ўлтиришдек ортиқча ташвишдан халос этайлик қўяйлик. Энди фароғатда яшасунлар... – Шоҳ Шужоъ пинак бузмай давом қиларкан, укасига қарамас, худди арзимас бир нарса ҳакида гапираётгандек, эснаб-эснаб қўярди. – Отамизни нариги дунёга жўнатиш зарур...

Шоҳ Маҳмуд даҳшатдан ортига тисарилди:

– Йўқ!!! Йўқ, оға!!!.. Нималар деяпсиз? Худо берган умрини яшасунлар! Падаркушлик энг ёмон гуноҳлардан саналади! Йў-ў-ўқ! Йў-ў-ўқ...

Шоҳ Маҳмуд олимтабиат оғасининг бунчалар бағритош ва ибосиз эканлигини илк марта кўргандай донг қотди.

Отасига қўл кўтаришга шай турган Шоҳ Шужоъ охирги сўзи сустрок эшитилган укасига қараб бир жилмайиб қўйди-ю деди: – Ҳазиллашдим... ҳазил. Ҳазилни ҳам тушунмайсан-а! Шунга ишониб ўлтирибсанму?..

Шоҳ Шужоъ бошқа ҳеч нарса демади.

Бироз ўтиб, барибир, султонни таҳтдан мосуво қилиш чораси топилди: тарих милодий 1358-йил акраб<sup>1</sup> ойида, боғлар зъфарон гиламларини ерларга тўшаган кезлар, икки ўғил қора никоб кийишиб, билдиримай тунда қари оталари ухлаб ётган саройга бостириб кирдилар.

Қартайган султоннинг ҳайратдан тили қалимага келмади, кейин апил-тапил: “Соқчилар! Ясовул! Қайдасан?!!!” – деб қичкирди, шамнинг ғира-шира ёруғида дарҳол доим ёнига қўядиган қиличини топишга уринди, лекин топа олмади.

– Кимсизлар?! Ким бўласиз?!!!.. – жон ҳолатда қичқириб юборди Зайнаб Хотун никоб кийган номаълум одамларга қараб. – Тўхтангиз! Султон худо паноҳида! Ортингизга қайтингиз!!! Соқчилар қаерда? Ҳой, ким бор? Ким бор?.. Қоровул!!!

Маликанинг ўткир овози саройдан ўтиб ташқариларга ҳам эшитилди, аммо ҳеч ким келмади. Ниқобдорлардан бири шартта Зайнаб Хотуннинг оғзига рўмол тикиди.

– Кўрқманг! Кўрқманг! – тинчлантириди Шоҳ Маҳмуд...

Зайнаб Хотун қандайdir хиёнатни англағандай, ниқобдорларни овозларидан таниғандай бўлди, гапирай дерди-ю, иложини тополмасди.

Овозини ўзгартирган Шоҳ Шужоънинг сўzlари буйрук оҳангиди чиқди: – Ташвиш чекмангиз, маликам! Бизлар Шоҳ Шужоъ билан Шоҳ Маҳмуднинг ишонган ясовулларимиз. Сарбадорлар<sup>2</sup> пошшоси баттол Паҳлавон Ҳайдар Қассоб юртимизга катта қўшин тортибди! Шаҳар остонасида эмиш! Султонзодалар мудофаа савдосида юрибдилар!.. Яхшики,

<sup>1</sup> Акраб (арабча) – ўн икки буржнинг бири. Шамсия йил ҳисобида саккизинчи ойнинг арабча номи (22-октябрь – 21-ноябрь кунларига тўғри келади).

<sup>2</sup> Сарбадорлар – 1337-1386 – ийларда Эроннинг Сабзавор шаҳрида вужудга келган давлат. Бу давлат кариб 50 йил мавжуд бўлган.

улар бор, эмаса ҳаммамиз аллақачон душман қўлига тушардик! Ҳазратларини яширин бир жойга элтиш ҳақида фармон олинди!.. Хатарсиз томонга боргаймиз!..

Зайнаб Хотун минг азобда оғзини рўмолдан бўшатишга эришди ва бақириб юборди:

– Рози бўлмангиз, сultonим!!!.. Рози...

У сўзини тугата олмади, “Ҳик!”, “Ҳик!” деди-ю, шилқ этиб, Шоҳ Маҳмуд қўлида осилиб қолди.

– Фитна оралабди, фитна! Тўхта!!! Тўхта!!! – ўрнидан тураг экан, Амир Муборизиддин хотинига томон талпинди.

– Зайнаб!.. Зайнаб!!!! Нега жимсан?.. Гапирсанг-чи!..

Зайнаб Хотун бемахалда келган балодан қаттиқ қўркиб кетди, юраги кўтаролмай, жон таслим қилди.

Шу палла Шоҳ Шужоъ, “Ҳай-ҳай!..” деганига қарамай, шартта отасининг кўзларини боғлади-ю, олам-жаҳонни зимистонга айлантирди. Амир Муборизиддин бир умрга ёруғ дунёни кўришдан маҳрум бўлганини кейин билди. Султонни саройнинг тагида жойлашган, бир пайтлар ўзи салтанат ганимларини қамайдиган зиндонга ташладилар, бу ҳам етмагандай, андишасизларча кўзларига мил тортилар...

– Ҳали ўғилларим олдида жавоб берасанлар, эй малъунлар! Туз кўр қилгурлар! Бағритошлар!.. Нобакорлар! Пахлавон ўғилларим Шоҳ Шужоъ билан Шоҳ Маҳмудлар буни эшитсунлар, ўшанда баринг таъзиiringни ейсан! Тавбангга таянасан! Қандай зўр ўғилларим бор-а! Оҳ, суюкли ўғилларим! Қайдасизлар? Отангизни шундай душманлар қўлига топшириб қўйдингизму? Қаердасизлар?.. Қаердасизлар?... – деб мунгсиради бечора музafferийлар ҳукмдори.

Ўғиллар аллақачон чиқиб кетган эдилар.

Форс-у Ирок аҳли ноқобил фарзандлар кирдикорларига нафрат билан қарапарди.

Оға-инилар орасидаги пинҳоналик пардаси йиртилди... Ҳали ҳам таҳтга ким чиқади, деган кўхна ва содда жумбок ака-укалар ўртасида кўндаланг туарди. Гарчи ука акадан илдамроқ чиқиб, тарафдорлари ёрдамида таҳтни эгаллаган, Шоҳ Шужоъ Шероз ва Язд орасидаги кичик Абаркух

вилояти билангина кифояланган бўлса-да, барча мамлакатда икки ҳоким борлигини, юрт ҳали осойишталиқдан йирок эканлигини сезарди.

Чоралар излар экан, бир куни Шоҳ Шужоъ отасининг содик мулозими ва жомадорларидан бири ҳисобланадиган, кейинчалик “Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон” асарини иншо этган муаррих Фиёсиддин Алини хузурига чорлатди.

– Ёш эрсангиз ҳам Форс-у Ироқда сўзи барчага ўтадиган аллома, нуфузли кадхудо мақомидадурсиз, фикҳда тенгингиз кам... – деди Шоҳ Шужоъ. – Падари бузрукворингиз шайх Жамол ал-Ислом отамизнинг пирларидан эрдилар. Қайсар укамиз Шоҳ Маҳмудни иттифоққа чорлаб элчиликка боргайсиз, бор фасоҳатингизни ишга солиб сулҳга чорлагайсиз, инъом тариқасида хусравона сарпо кийдургайсиз. Токи бирлашиш таклифи ўртага қўйилсун!

Йигирма бешларга борган юмшоққўнгил, юзлари япалоқдан келган, ўsic қошлари қоп-қора, барваста Фиёсиддин Али, қартайган оталари бошига кулфатлар соглан бетавфиқ акага ҳам, бемеҳр укага ҳам ҳеч рағбати йўқ, ичиди улардан нафрат килса ҳам, фуқаролик мақомига бўйсунишдан ўзга чора топа олмади. Уни ҳайратга соглан нарса Шоҳ Шужоъдай таъби назми бор, жоруллоҳ Маҳмуд аз-Замахшарийнинг машҳур “Ал-Кашшоф” ини тўла таҳлил айлашга қодир фозил кишининг бу қадар бешафқат ва беандиша бўла олиши эди. Кошкийди, иложи топилса, кўнглидагининг барини юзига айтиб, тўкиб солса!..

– Бош устига, пошшойим! – дея олди фақат таъзим бажо келтириб.

Қайсар ва айёр душманини пинҳона қўлга тушириш умидида сулҳга розилик билдирган Шоҳ Маҳмуд оғасининг қаттиқ уринишларини кўриб: “Сиз тутаман деб қувиб юрган товуқнинг думини аллақачон юлиб қўйганман!.. Беҳудага уринибсиз!..” – дегандай масхараомуз мийифида кулиб қўйди. Шу заҳотиёқ, Шоҳ Шужоъдан Шерозни қайтариб олиш ниятида, музafferийларнинг ашаддий душмани ҳисоблан-

ган жалойирийлар вакили Султон Увайсдан ёрдам сўраб, Табризга чопар йўллади.

Жанг бошланди, аммо ҳеч ким енгиб чиқмади, тарози паллалари teng келди. Кутимаганда, Кирмонда Шоҳ Шужоъга қарши исён кўтарилигани ҳақида хабар етгачгина, тинка-мадорлари қуриган оға-инилар сулҳ тузишга аҳдлашдилар. Сулҳга кўра, Шоҳ Шужоъ Шерозни тарк этиб, ўзининг суюрғол шахри Абаркухга чекинади, Шоҳ Маҳмуд Шероз қамалини тўхтатади...

Кўп вақт ўтмай, кирқ тўрт йил Форс-у Ироқда давр-у даврон сурган, Шоҳ Шужоъ билан Шоҳ Маҳмуд хабар олмаганларидан ҳайрон, охир оқибат – ҳамма бало ўзи ардоклаб вояга етказган суюкли ўғилларидан келгани етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, дунёдан бехабар Амир Муборизиддин зинданда, азоб-у уқубатлар чангалида бандаликни бажо келтириди...

Шоҳ Шужоънинг нуфузи тобора ортиб, музофотда кучли ҳукмдорга айланиб борарди. Шоҳ Маҳмуднинг қўлидан бирон нарса келмасди, аммо ожизлигини тан олиб, жим қараб ҳам ўлтиромасди. Худди шу палла Язд ҳокими, жияни Шоҳ Яҳё ибн Шоҳ Шарафиддин нуфузли кишиларидан бирини юбориб, жума кунларида амакиси Шоҳ Шужоънинг кутлуғ номини хутбага қўштириб айттираётганини, тангаларга зарб қилдираётганини, бу қадамлар инсоф-у адолат юзасидан қўйилаётганини фаҳмлайдурлар, дея умид билдириди. Шуштарда ҳокимлик мансабида турган күёви Шоҳ Мансур ҳам шундай чопар юборди...

Орадан бир неча йил ўтиб, Шоҳ Маҳмуд оламдан кўз юмгандан кейингина, Шоҳ Шужоъ ўзини ягона ҳоким сезди... Унинг назарида, олам кенгайиб кетгандай туюлди. Бирдан салкам уч юз йил муқаддам подшоҳлик маснадида давр сурган салжукий султон Масъуд ибн Маликшоҳ эсига тушди. У тахт учун тарафгузарликда ракиби, ўз оғаси Маҳмуд ибн Маликшоҳ ўлганда мамнунликдан ашъор тўкиб юборган экан. Шоҳ Шужоъ ҳам инисининг вафотини

эшитибок, шундай рубоий иншо этди ва кейинлари роҳатланиб айтиб юрди:

*Укам Маҳмудиоҳ мисли қафасга тушган арслон,  
Қилди бисёр фитналар таҳт-у узукни дебон.  
Ўлди-ю тинчиди эл, шоҳ бўлди Ер остига,  
Мен эсам Ер устида бўлдим подшоий жаҳон!*

Бир ой ичиди Шоҳ Шужоъ эски душманларидан Табриз ҳокими Султон Увайс билан қариндошлиқ ришталарини боғлади: катта ўғли Султон Зайналобиддинга унинг, кўпларнинг эс-хушини олган кўрк-у хуснда танҳо, бутун Форс-у Ироққа, Озарбайжонга довруғи кетган қизи хурилиқо Дилшод Хотунни унаштирди. Ҳокимнинг нуфузли ўғли Султон Аҳмад жалойир, тиш-тирноғи билан қаршилик қиласа-да, бу никоҳни йўққа чиқара олмади. Қизга ғойибона ошиқ Шоҳ Мансурнинг эса дарди ичиди қолди. Ўз вақтида Шоҳ Маҳмуд ҳам бу дурри яктоға оғиз очиб совчилар юборган, аммо Султон Увайс қизини раво кўрмаганди.

Муаррих Гиёсиддин Али саройга қадам қўйганда, Шоҳ Шужоъ эндиғина пешин намозини ўқиб турган экан. Муаррихнинг сўзга оғиз очишдан олдин қоп-қора ўсиқ қошларини бир кўтариб қўйиш одати бор эди:

– Подшоий! Табриздан ноҳуш хабар етди.

Соҳиби эҳтиром кудангиз Султон Увайс жаноблари ўлим тўшагида ётган эмишлар. Иёдатга бормаклик, ҳол сўрмаклик мусулмоннинг одати...

– Рост дегайлар, мусулмоннинг одати... – ўйланиб деди Шоҳ Шужоъ. – Ҳол сўрмакка боргаймиз!

Аммо сафар иёдатга асло ўҳшамади. Шоҳ Шужоъ кўпдан кўнглини банд этган Табризни ўз салтанатига қўшиб олиш нияти амалга ошадиган пайт етганини англади. Табризга очиқдан очиқ улкан қўшинни бошлаб борди.

Султон Аҳмад жалойир отасини доим мана шундан огоҳлантириб келарди.

– Юзингизга солиб ўлтирумайман, эй падари бузруквор! Бўлар иш бўлди! Бундан наф йўқ! – Султон Аҳмад жалойир ғазабини зўрга тийди. – Шоҳ Шужоънинг шундай разил-у

номард эканини билардим!.. Билардим! Падаркуш-ку у! Мана, қудачиликнинг оқибати!.. Шунчалар ғофилман-а мен галварс!!!.. Хонавайрон бўлдук! Хонавайрон бўлдук!

– Астағфурилло... Беномус!.. Юзиз!.. Оқибатсиз!.. Мурдор!.. – инграб юборди аламдан Табриз ҳокими, шу лахзадаёқ “Пу-уф!..” деди-ю, жон омонатини ўз эгасига топшириди...

Шоҳ Шужоъ тантанавор юришини тўхтатмади, Табризга бориб қудасининг маъракасида қатнашди, кейин Қазвени олди ва Исфаҳонга қараб от сурди. У отаси Амир Муборизиддинга ўхшаб, бутун Форс-у Ироқ-у Ажамни идора этмоқни кўнглига тукканди. Ўлимидан икки йил олдин, душманлар билан тил бириктирдинг, дея шубҳага бориб, йигирма тўрт ёшли шижаотли ўғли Мужоҳиддин Шиблининг кўзларига мил тортиргани хақидаги гаплар мамлакатга ёйилиб кетди. Шоҳ Шужоънинг мана шу қилмиши, айниқса, Соҳибқироннинг кўнглига қаттиқ ботди.

Юрт ичида қишлоғ-у шаҳарларда пинҳона, гоҳ эса ошкора шундай сўзлар юарди:

“Беш кунлик ўтар дунё, таҳт-у салтанат учун гуноҳидан кўркмай, падари бузруквори кўзига мил тортишдан кўркмади-я!”

“Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ўз жигарбандини кўр қилишдан тортинмади-я!”

“Кўлини отасига кўтарди-я, кўлинг сингур!”

“Кудасининг ўлимига бостириб борган ноинсоф!..”

“Шундай бераҳм, ёвуз одамга ҳам худонинг жазоси бормикин?..”

Султон Увайс вафотидан беш йил ўтар-ўтмас, Шоҳ Шужоъ ғаройиб бир касалга йўлиқди. Саройдагилар буни эрталаб нонушта вактида билиб қолдилар. Подшо дастурхондаги ноз-неъматларга очофатдай ёпишли. Иссиқ өвқатни ҳам, куюқ таомни ҳам бирпасда еб битирди.

– Ҳеч ейдиган нарса кўяссанларми ўзи? Курук дастурхонни еб бўладиму?.. – бакирди у ҳайратда қараб турган

чошнигир<sup>1</sup> билан баковулга. Чиройли юзли подшонинг кўзлари чақчайди. – Очдан ўлдирасанлар, шекилли!.. Бирон овқат-повқат тайёрламадингларму? Каллангни оламан! Тез овқат олиб кел! Ҳамма бир-бирларига ҳайратда қаради. Му-лозимлар емак олиб келишга шошилдилар... Мамлакатнинг ҳозиқ та-библари подшо “жавъ ал-бақар”<sup>2</sup> деган касалга чалинибди-лар, дейишди. Бундай одамлар тўйганини билишмайди, очо-фатдай ташланиб овқат ейишса ҳам, доим коринлари оч юради, рўза тутишдан бенасиб яшашади...

Бедаво дард подшонинг гирибонидан тутганди. Номдор табиблар шифойи малҳам қидириб, ҳар томонга елиб-югурдилар. Шоҳ Шужоъ милодий 1384-йилда худонинг бу балосига чора тополмай азоб-уқубатда оламдан ўтди. Падари бузрукворининг дили оғриган, ўғлининг гуноҳи тутган-да, – дерди авомуннос, эл, улус...

Вафотидан ўн беш кун аввал Шоҳ Шужоъ хеш-у акраболарини ёнига чорлатди. Бир пайтлар уларга қарши тинимсиз савашлар қурган, подшо қариндошларидан тортиб олган шаҳарлар-у вилоятларни қайтадан ўзларига улашиб чиқди. Фиёсиiddин Али барини ўз кўзи билан кўрди.

– Васиятимни шоҳлик дафтарига битилсун ва олий мажлисда барчага ўқиб берилсун! – буюрди Шоҳ Шужоъ ҳолсиз. – Инъомларимни қабул айлангиз! Ўғлим Султон Зайналобиддинга... Шерозни ишониб топшираман. Шероз – салтанатимнинг пойтахти, салобати, кўрки, ҳамманинг иқи суядиган шаҳар...

Подшонинг сўзни тугатишга қурби етмади, чарчаб қолди. Васиятга кўра, бир укасига Кирмон вилояти икто<sup>3</sup> этилди. Акасининг ўғли Шоҳ Яҳёга Язд шахри тегди. Шоҳ Мансур эса Исфаҳон шаҳрини бошқаради.

– Вилоятларни қабрга ортмоқлаб кетишининг иложи йўқда! – деди заҳархандалик билан Шоҳ Мансур акаси Шоҳ Яҳёга шивирлаб. – Иложи топилганд-ю, қайнатам бизларга

<sup>1</sup> Чошнигир (форсча) – подшо саройи ошхонасининг бошлиги (муалл).

<sup>2</sup> Жавъ ал-бақар – очкўзлик касаллиги.

<sup>3</sup> Икто (форсча) – ўрта асрларда катта, алоҳида хизматлар учун хукмдор инъом килинган чек ер.

бир қарич ҳам ер бермай, ҳаммасини қабрида күчокълаб ётарди...

Бошқалар ҳам инъомлар ҳақида ҳар хил фикрлар билдиришар, кимнингдир рози, кимнингдирдир норозилиги пичирлашиб гапирганларидан билиниб турарди.

Эртаси куни дунёдан кўнглини узмаган Шоҳ Шужоъузок ўйлаб Ғиёсиддин Алини ёнига чорлатди:

– Амир Темур Кўрагон аллома-ю муаррихларни, аҳли илмни бағоят ҳурматлар эмишлар. Аларни сўзларига қулоқ солар эмишлар. Сухбатлашганимда ўзим ҳам кўргандим. Ҳолни баён айлаб, илтижоларга тўла мактуб ёзилсан... – фармон килди Шоҳ Шужоъ. – Сиз мамлакатда машҳур фақихдурсиз, Яздга бориб Амир Темур олдида обрўмизга обрў кўшиб бергайсиз, деган умиддаман...

Ғиёсиддин Алидан бунга розими, рози эмасми, деб бирор сўрамади...

Мактубда даромаддан сўнг шундай сўзлар битилган эди:

“... Олий ҳазрат, мамлакатпеноҳ, бузурги комкор, салотини гардуни даввор<sup>1</sup>, иқтидори акобири замин-у замон, қутб ул-Ҳаққ вад-дунё вад-дин, Абулмансур Абулмузаффар Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон, ҳалладаоллоҳу мулкуҳу ва султонҳу<sup>2</sup>, ҳаққи дуолари кўнглимизнинг туб-тубинدادур... Сиз Ҳазратнинг адл-у инсофини ва лутф-у карамини эшишиб, жон бирла белимизни маҳкам боғлаб, эътиқод айлаб, давлатхоҳлигимизни билурдук. Рўзи азалда битилмушики, ҳар нимаким дунё ичинда мавжуд турур, анга фонийлик воҗисиб турур... Ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло эҳсонидин мусассар бўлдиким, биз – ожиз қуллари Шоҳ Шужоъ ибн Амир Муборизиддин Музаффар бу эллик уч йилдаким туфроқ ичинда манзил тутуб эрдук, ҳар муродким тиладук, шукриллаҳ, ато этди... Бу мужсадага жон бермак армондур, чунки у осойиши жон ӯрнидадур... Яратганга

<sup>1</sup> Даввор (арабча; давра ясовчи) – давра ҳосил килиб айланувчи, чархпалак. Бу ерда фоний дунё маъносида келган.

<sup>2</sup> Амир Темур Кўрагон, ҳалладаоллоҳу мулкуҳу ва султонҳу (арабча) – Оллоҳ Амир Темур Кўрагон мулкини ва подшоҳлигини абадий килсан.

*шукрки, Сиз Соҳибқирон даргоҳига юз қўйдук. Ва ҳар наким бизга ҳазрат Ҳаққдин тегса, агарчи заҳматдур, ани марҳамат билурбиз...*

*Ҳазрат Соҳибқироннинг умрига, илоҳи, бақо бўлсун. Фарзанди ожизамизни қутлугманглай набиралари шавкатли амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга тилагонлари бошимизни кўкларга еткурди... Улуғ сулола бирлан уланмак саодати бизга насиб этди. Эмди ул ҳазрат била сидқ-у муҳаббат бор жиҳатидин вожисиб кўруб, фарзанди дилбандимиз Зайналобиддинни – Оллоҳу умруҳу фи зилли иноятиқум<sup>1</sup>, – Ҳазрати олийларига тобишурдум... Ул ҳазратнинг лутфидин нечук лойиқ турур (умидимиз ҳам улдурким), шафқат ва марҳамат кўланкаларини булар устига солгайлар ... Токи улуғ-кичик рўзгор ичинда бу маънини билгайлар, ҳасадгўйлар мажсол топмагайларким, элик чиқаролгайлар... Ва бу дўсти маҳсуским, дўстлук ва аҳд тавфиқин топгойлар, фотиҳа ва дуо бирла ёд қилгойлар...”*

Фиёсиддин Али мактубни олиб Яздга жўнаган куни пешиндан кейин, подшонинг аҳволи оғирлашди. Кулоги том битиб, ёстиқдан бош кўтаролмай ётар экан, хеш-у акраболарга қилган сахийликларим, савоб ишларим дардимни енгиллатади деб умидвор эди, бироқ аксинча мудхиш ўйлар исканжаси уни тобора чор атрофдан қаттиқ қисиб келарди.

Кейинги кунларда отаси Амир Муборизиддиннинг ҳорғин чехраси хаёлидан кетмай қолди. Ҳозир ҳам ўйилган кўзлари билан унга қараб турибди... Ўтган куни тушига ҳам кирган экан.

Укаси Шоҳ Маҳмуд билан иккиси оталарига қанчалар жабр-у жафоларни раво кўрдилар-а! Мана энди, ота ҳам дунёдан ўтди, бемахалда дайди ўққа учраган ука ҳам...

Ҳа, Шоҳ Шужоъ оламга йикилмас-йитмас устунман, деб ўйлаганди, барча нарсанинг ўткинчи эканига ақли етмаган экан ўшанда... Ўғлининг эмас, ўзининг кўзи кўр экан! Пайғамбар саллалоҳи алайҳи ва салламнинг “Ман ла ярҳам,

<sup>1</sup> Оллоҳу умруҳу фи зилли иноятиқум (арабча) – сизнинг иноятингиз соясида Оллоҳ унинг умрини узун килсун.

ла йурхам”<sup>1</sup> деган ҳадисларини унугиб қўйган экан-да. Ҳай, афсус! Афсус!..

Сарой аҳли орасида: “Худо шифосидан дариғ тутмасун!”, “Шифосини ўзи берсун!” деб йиглаганлар ҳам, ичида: “Гумдон бўлсанг, бўл-а!” деганлар ҳам учрарди. Шоҳ Шужоънинг вужудига қалтироқ кирди. Бу ўлим қалтироғи эканлигини сезаркан, ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, хаста овозда бундай деди: – Барчангиз бебаҳра қолмадингиз, ўз вилоятингиз, шаҳрингиз бор энди... Мендан кейин бир-бiringиздан айрилмангиз, инок яшангиз. Зинҳор низо-ю фитналарга йўл очилмасун. Темурбек, Малик аз-Зоҳир Барқуқ, Ибн Усмон деган қудратли подшолар бор, Султон Аҳмад жалойир билан гапга кирмас Амир Қора Юсуфга ўхшаганлар бор, ёлғиз ҳеч бирига бас келолмайсиз... Энди Форс-у Ироқи Ажам сизиникидур. Музafferийлар сулоласи узок йиллар давр-у даврон сурсин, илоҳи!..

Ҳамма ўзи умри давомида ҳозирги айтган сўзларининг бутунлай тескарисини қилиб келган, энди тўшакка михланиб қолган ожиз-у нотавон подшога ҳам ачиниш, ҳам нафрат билан қаарди. ...Амир Муборизиддиннинг авлодлари, тахт-у мулк талашишни бемор ётган Шоҳ Шужоъ тўхтатиб тургандек, унинг вафотидан сўнг баттар авжига чиқардилар, ҳеч ким ҳеч кимга кулоқ солмай қўйди. Форс-у Ироқи Ажамда қир-ғин-у қатағон авж олиб кетди.

Амир Темур, одати бўйича, даставвал қадам қўйган мамлакатининг азиз авлиёлари, фозил-у фузалоси билан қизиқар, сўраб суриштирас, шу йўсинда кимнинг ким эканлигини билиб оларди. Фиёсиддин Али ҳақида ҳам эшигтганди, номи чикқан алломани очик чехра билан каршилади.

– Раҳматли Шоҳ Шужоънинг зор-у таваллосига дил қулоғини тутмоғимиз лозим, бу мусулмончилик бурчидур... – деди Амир Темур алломага. – Шерознинг янги ҳокими Султон Зайнабиддинга киши юборғоймиз, жаноблари ҳамроҳ бўлгойлар. Мактубга жавоб элтғойлар...

<sup>1</sup> Ҳадис: “Раҳм килмаган, раҳм кўрмайди”.

Ғиёсиддин Али қошларини бир құтариб құяркан, Соҳибқирон күнглиниң, даргохининг кенглигига тан берди.

Жавоб мактубида шундай сұзлар ёзилғанды:

“... Шерознинг янги ҳокими Султон Зайналобиддинга...

Барча олам йироқ ва яқындан эшиятгай ва билгайларким, дүстликни нечук құлмоқ керак ва сенга яқын келиб, тушиб турубытурбиз. Оллоқ раҳматига олгур падари бузрукворинг нома битиб, сендаі фарзанд-у дилбандни ихтиёримизга тобышурғон эрди. Отанғни руҳи шод бұлсун, таваққуфға<sup>1</sup> бормай бот келгіл, то иноят ва шафқаттаримизни құруп қайтгайсенким, дүстлар шод күлгайлар, душманлар малул<sup>2</sup> үлгайлар...”

Аммо Султон Зайналобиддин фитначилар иғвосиданми, Соҳибқироннинг зафарқарин лашкари ҳайбатидан құрқибми, сұзга қулоқ солмади. Амир Темур Шероз билан Язд ҳокимлигини Шоҳ Яҳёга топширишдан бошқа чора тополмади. Шерозни ташлаб Шуштарга ошиққан Султон Зайналобиддин, уни бу ерда Шоҳ Мансур кутаёганидан бехабар эди, келди-ю қызиган құмдан қочиб, үтдан паноқ тилагандай, үзини зиндонда қўрди... Кейинроқ минг укубатда Исфаҳонга қочиб жон сақлади.

## БЕШИНЧИ БОБ

### I

Форс-у Ироқи Ажамдан Амир Темур хузурига юборилған элчилар сардори милодий 1392-йилнинг баҳори ўрталарида Самарқандга етиб келди. Унинг қўлида мамлакатнинг нуфузли кишилари – содот ва құззот<sup>3</sup> вакиллари номидан битилған мактуб бор эди. Кўксаройда Амир Темур уни қабул этаркан:

– Ие! Бу ўзимизнинг муаррих-ку! – деди ва күнглига қан-

<sup>1</sup> Таваққуф (арабча) – тұхтамок (муалл).

<sup>2</sup> Малул (арабча; зерикувчи, қарчаган, сабрсиз) – хафа, дилтанг.

<sup>3</sup> Содот ва құззот – яъни, сайдиллар ва козилар (муалл).

дайдир илиқлик югурди.

Саккиз йил аввал Шерозда Шоҳ Шужоънинг сўнгги илтижоларини Соҳибқиронга шу одам етказганди.

Мактуб жуда нохуш бўлиб, унда мамлакатдаги бесаранжомликлар, бошбошдоқликлар, музafferийларнинг нохуш кирдикорлари тафсилотларидан кейин, бундок дейилганди:

*“... Парвардигорнинг ўзи олий ҳакамидур. Арзи-додимизни тинглагайсиз, бешак-шубҳа ноумид қўймагайсиз. Кишваримизга, иншиооллоҳ, муборак қадамлари тақрор етгусидур. Қанчалар тез етса, шунчалар кўнгиллар йўлига мувофиқ бўлур. Ҳоло, баъд: музafferийлардин бошимизга бало-офатлар ёғилди... Мусулмончиликка тўғри келмайдур-ген ишлардан авомуннос эл, фақир-у мискин дили озурда, ҳоли ҳароббдур. Умидимиз улки, музafferийларни ортиқ вилоятларда қолдирмагайсиз... Кишваримизга қадам ранжида этсалар, номаи аъмолимизни холисанилло ўзларига сўйламоқ баҳтини Тангри бизларга насиб айласа, деган умиддадурмиз...”*

– Мактубни ким битди?.. – синчков назар ташлади Амир Темур.

– Камина қофозга тушурмиш эрди... – ҳали оқ орала-маган қоп-кора ўсиқ қошлирини бир кўтариб қўйиб жавоб берди Фиёсиддин Али. – Ҳоли қудрат юмшатиброқ ёзилди, Амир Соҳибқирон...

Соҳибқирон ўзига-ўзи дегандай сўзланди: – Ҳа, энди Шоҳ Шужоъ йўқ... Шербаччалар эса дунёда ягонамен, деб бир-бирларини еб қўйгудай алпозда таҳт талашадурлар, тишлашадурлар...

Амир Темур валиаҳд Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг дунё ишларидан кўнгли қолиб, ҳажга йўл олган мамлакат ва раият вазири Амир Сайфиддин некўзнинг Шероздан юборган мактубини эслади. Зукко таъб амир ўз мактубида, хукмдорлар орасида иноқлик йўқлиги, раоё ва бароёга зулмлари чегара билмаслиги, ҳажга боргувчиларга чопқун ясашларини таъкидлаб, улар илдизини қирқмак лозимлигига

диққатни қаратганди. Ушандан кейин ҳам ўн беш йил ўтди. Орада Эронга бир сафар қилинди...

Ғиёсiddин Али олиб келган мактуб ҳам сабаб бўлди-ю аркони давлат билан кенгашиб олиш мақсадида ҳамал ойи ўрталарида Кўксаройда машварат чақирилди. Шахзода-ю амирзодалар, беклар-у баҳодирлар, вазирлар, саркардалар, пири муршид, шайхулислом, қози ул-күззот, туманбегилар, лашкарбошилар, тавочилар<sup>1</sup>, ясовулбошилар, муҳрдор, қўрчи-ю доруғалар, вилоятлар ҳокимлари жам бўлдилар. Бир четда қиссаҳон Мавлоно Убайднинг қироати бағоят ёқимли, билимдонлиги билан танилган қирқларга борган ўғли Мавлоно Ҳайбатуллоҳ кўк дафтари очиб ёзишга тутиндиган.

Мункайиб қолган қиссаҳон муқимроқ жойда ўлтирасам, яъни Кўксарой кутубхонасида хизмат қўргизсам, эски рисолаларни китобат қилиш, безаклаш, сақлаш ишларини амалга оширасам, хаттот-у наққош, музахҳиб-у сахҳофлар заҳматини биргалашиб тортишсам, деган истак билдириди ва ўз ўрнига ўғлини тавсия этди. Соҳибқирон рози бўлди, чунки машҳур Бағдодникидан ҳам нуфузлироқ Кўксарой кутубхонасига Мавлоно Убайд сингари сохиби илмлар жуда зарур. Машҳур алломалар Саъдуддин ат-Тафтазоний билан Муҳаммад Журжонийлар шу ерда хизматда эдилар. Кутубхонага ҳали дунёнинг турли музофотларидан китоблар келтирилиши керак... Хурросон юришидан кейин уч мингга якин китоб кутубхона қабатларини безади.

Машваратни бошқарган хон Султон Маҳмудхон содот ва күззот вакиллари мактубидан бағоят таъсирланганини айтиб ўтгач, бундай деди:

– Амир Соҳибқирон, қутлуғ ишга қадам қўйиш олдидан ҳамиша машварат чақириб, кенгаш аҳлидан маслаҳат олмак удумимиздур... Кенгашли тўй тарқамас... Фурсат етди, энди фурсатни қўлдан бермаслик керак, дарҳол йўлга отланмак лозим, деган фикрдаман, Амир Соҳибқирон!

– Пайғамбар расулуллоҳ ҳам доим саҳобалардан кенгаш сўрар эканлар... Алҳамду лиллаҳир раббил оламин! – Оқ ри-

<sup>1</sup> Тавочи (мўғулча) – олий харбий мансабдорлардан бири.

до кийиб олган, дастор салласининг печи чап елкасига тушиб турган пири муршид Мир Саййид Бараканинг овози залварли жаранглади. – Номадин кўринурки, музafferийлар мартабаси тебраниб қолибдур...

– Хў-ў-ўш... – деб қўйди раият вазири Амир Сайфиддин некўз одатича томок қириб... Ичиди ҳали шимол ёқлар нотинч эканини, Гўхтамишхон муаммоси томокқа тиқилган суюкдек ҳал бўлмай турганини, у баттолнинг Сохибқирон йўклигидан фойдаланиб, тағин босқин уюштириши эҳтимоли борлигини, юртни шу алпозда қолдириб кетиш хатарлилигини ўйлар, Араб-у Ажам томонларга чиқишга ҳали фурсат бор, деб ҳисобларди. “Шимолий сарҳадлардан тобакай хотиржам бўлинмас экан, ўзга ҳаракатлар салтанатга фақат ортиқча ташвиш келтирадур!..” – деб ўйлади ичиди, аммо индамай тинглашда давом этди.

– Амир Сохибқирон! Хуросон-у Форсга юриш салтанат учун бенихоя муҳимдир! – Мухаммад Чуроға доддохнинг йўғон овози баланд шифтга бориб теккандай туюлди. – Юрт тинчлиги, айникса, хазинани бойитишда жуда қўл келгай, лашкарни қурч, мулкни устувор қилгай, бу уч нарсанинг салтанат пойдевори эканини ўзлари “Тузуклар” га киритишни ҳам уқдирганлар.

– Жаҳонгирлик бобида қўйилажак катта қадамдир бу, бунга асло шубҳа йўқ!.. – деди қўлида чиройли гулдор тасбеҳини оҳиста ўгирар экан, шайхулислом Хожа Абдулмалик. – Форс йўли, иншооллоҳ, очилиб турибдир. Жаҳонгирлик юришлари ҳам хожаи коинотнинг амри билан бўладир.

Мироншоҳ Мирзо қизикқонларча сўз олди:

– Валинеъмат Сохибқирон! Маъзур тутадилар...

Ироқ ҳокими Султон Аҳмад жалойирнинг бадбахтлиги барчанинг хотираиде турғондир? Ҳали ҳануз буни ўйлаб кечалари қўзимга уйқу келмайдур. Ҳазратлари юборғон кутлуғ қадам элчиларни қандай қабул этди? Элчиларнинг ўзини ҳам, муборак мактубни ҳам оёқ ости қилди-ку ул нобакор! Элчига ўлим йўқ... Аммо Султон Аҳмад жалойир валинеъмат Сохибқирон элчилари сардорларини, бу ким-

нинг элчиси, деб ўлтирумай, эл кўзида бошларини кестирди, кейин ўлганларининг бошларини тирикларининг бўйнига осиб, хор қилиб бир гуруҳини Миср султони Барқуққа, иккинчисини Рум султони Боязид Йилдиримга жўнатди... Ёнида ўшанда Амир Қора Юсуф бор экан, унинг ҳам кенгашини олғон экан. Ниятлари недур? Барқуқдай, Боязид Йилдиримдай суюнчиқларимиз бор, кўриб қўй, демокчимулар? Бунга ҳеч чидаб бўладирму? Нафақат Эронга, балки Ироқка ҳам, Шом-у Мисрга ҳам юриш лозимдур!

Ҳаяжонга тушган, кўзларидан ўт чақнаган Мироншоҳ Мирзо “Қойиллатдимму?..” дегандай атрофдагиларга бир-бир қараб қўйди.

Мұхаммад Султон, Умаршайх Мирзо, Шоҳрух Мирзо, Жаҳоншоҳ ибн Жокулар гапларга жим кулоқ солиб ўлтирадилар. Бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа вафотидан кейин сирқовланадиган одат чиқарган Амир Довуд дуғлат салтанат ишларидан илик тортди.

Энди машваратларда унинг ўғли, Соҳибқирон жияни ва кўёви, нуфузи ортган Амир Сулаймоншоҳ қатнашарди. У дам-бадам жойида қимиirlab қўяр, нимадир дейишни истарди-ю, аммо журъат этмас, энди бошлай деганда, бошқа ёқдан кимнингдир овози янгаради. Кузатаркан, Мұхаммад Чуроға доддоҳ ҳали замон даврада Султон Баҳт бегим шавҳарининг<sup>1</sup> дўриллок овози ана янграб қолади, мана янграб қолади, деб кутарди.

Янги тайинланган вазири аъзам Мұхаммад Жалд, ўзининг борлигини билдиримоқчи бўлгандай, дарҳол сўз олди. У гапирганда у ёқ-бу ёкка қараб қўяр эди:

– Ижозат берсалар, Амир Соҳибқирон... Ақли қосирим дерки, Эрон-у Ироқ ҳукмдорларига зинҳор инонмаслик лозим, жаҳон амирзодаси сўзлари бағоят ўринлидир. Айнан дилимиздаги гапни айтдилар, деб ўйлайман. – Мироншоҳ Мирзони қўллаб-куватлаб деди вазири аъзам Мұхаммад Жалд. – Улар ишончинингизни оқламадилар, йўқ эса уч йиллик юриш пайтида барчасини тиғдан ўтказиш лозим эрди ва бу

<sup>1</sup> Шавҳар (форсча) – эр (муалл).

бошқаларга, шубҳасиз, сабоқ вазифасини ўтагай эрди. Амир Соҳибқирон такрор олий ҳимматликларини намоён айладилар, барчасига омонлик бағишладилар, мансабларини тортиб олмадилар. Бирок улар парвардигори эгамга шукр қилмадилар. Ушмундоқ демакка журъат этурманки, улар ўрнига амирзодаларимиз тайинланғонларида ҳозир бу ташвиш Амир Соҳибқироннинг азиз бошларини тагин оғритиб ўлтирумасди. Адолатнинг қарор топмоғи учун қарор адолатли бўлмоғи шарт, шу важдан ҳазратнинг муборак қадамлари Эрон-у Ироқ заминига тушмоғи лозим ва лобидур...

Амир Темур индамай тинглар, эшигтан сари ғазаби ортгандан ортиб бораради.

Асли жалойир, Шайх Нуридин баҳодирнинг узоқ хешларидан ҳисобланадиган Муҳаммад Жалд эллик бешлардаги пакана бўйли, ўтқир ақлли, ўзини самимий кўрсатишга уринадиган, ясама ҳаракатларини никоблашга кодир, кўзлари қисик, бурни катта, пилдираб юрувчи чаққон одам бўлиб, сўлқиллоқ қўлларини кўз-кўз қилишни истагандай доим енглари калта кийим кийиб юрар, гаплашганда ҳам қўлларини бўш қўймас, бир-бирига ишқаб, силаб-силаб қўярди. Кўпинча асқияларда уни бурундан олардилар.

Бир куни давра қизиб кетди-ю, одатдагидек, бурундан асқия бошланиб қолди. Шайх Нуридин баҳодир сўз олди:

– Муҳаммад Жалдга ўхшаган бурни катта бир одам уйланмоқ ниятида чиройли хотин олдида мақтана бошлабди:

“Мен оғир юкларни ҳам чимчилоги билан чирпиратиб юборадиган Рустами достондек паҳлавонман! Ундан ҳам ортиқроқдурман!”

– Қўриниб турибди, – дебди хотин. – Агар паҳлавон бўлмаганингда, қирқ йилдан буён бундай бурунни кўтариб юра олмас эдинг!..”

Ҳамма қотиб-қотиб кулган, Муҳаммад Жалдинг эса катта бурни қизариб кетганди ўшанда.

Яқин дўстларидан ҳисобланган Муҳаммад Чуроға додхоҳ унинг эпчил, қандай вазифа топширилмасин, чорасини топиб адо этгувчи уддабурронлигини назарда тутиб: “Отларини ҳам билиб қўйишган экан-да!..”, деди бир куни, “жалд”

сўзининг арабчада чаккон, абжир-у эпчил, чапдаст каби маъноларига ишора қилиб. “Ислом тортар экан-да, додхоҳ жаноблари!..” – ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Самарқанд мадрасаларидан бирининг мутаваллиси<sup>1</sup>, у ёқ-бу ёкка қараб кўяр экан. Додхоҳ ногаҳон “Бирор киши гапирган пайтда, у ёқ-бу ёкка қараб кўйса, демак шу омонатдир...” – деган ҳадис сўзларини эслади-ю, аммо унчалар эътибор бермади.

Мутавалли Мухаммад Чуроға додхоҳга ялиниб-ёлвориб вазирлик мартабасига эришганди.

Соҳибқирон вазири аъзамнинг чечанлик билан айтган гаплари кўнглига хуш ёққанини сезди, хаёли вазирларга кетди. “Вазирлардан тўрт сифатни талаб этилиши лозим. – ўйлади у. – Асилик, тоза насллик, акл фаросатлилик, сипоҳ лашкар ахволидан боҳабарлик, сабр-чидамлилик, раият-парварлик – бари чинакам вазирнинг хос фазилатлари. Шундай вазирга имтиёзлар раво кўрилсун, ишонч билдирилсун, ихтиёр топширилсун. Шубҳасиз, у инсоф эгасидир, мулкий ва молиявий ишларда олгулик жойидан олиб бергулик жойга берадур, бирордан ёмонлик ахтармайдур, айтсалар эшитмайдур, хоҳ сипоҳдан, хоҳ раиятдан – ҳар кимнинг номини яхши сўзлар билан тилга оладур... Чиндан ҳам, салтанат уч нарса: мулк, хазина ва лашкар билан тирик, доно вазир эса ҳар учковини саранжом тутмоғи жоиз...”

Амир Темур вазирлар ҳақидаги тузукка ушбу фикрларни Мавлоно Ҳайбатуллоҳга айтиб, кўк дафтарга тушириб қўйиш лозимлигини ўйлаб қўйди.

Ҳа, вазири аъзам жуда билиб айтди: адолатнинг қарор топмоғи учун қарор адолатли бўлмоғи керак!

Синчковлик билан кузатиб турган Мухаммад Жалд Соҳибқирон чехрасида ранжиш аломатларини илғамаганидан мамнун, кўлларини бир-бирига ишқаганча жилмайиб қўйди.

– Комил киши ўз жисмида икки хатарли дардни сезса, аввал энг хатарлисига даво топмоғи мақбулдур... – сўз котди пири муршид ҳам. – Бу ерда эса бир томирда икки дард жўш

<sup>1</sup> Мутавалли (арабча; мудир) – диний муассасаларнинг хўжалик нозири.

урмақда... Оре, рост. Борди-ю Эрон мамлакати Тўхтамишхон тасарруфига ўтса, Ирок-у Миср бирлан бирлашса, у ҳолда Турон салтанатига катта хавф туғилмаги аёндур. Тулпорлар қадами эмин-эркин Жайхундан нарига ўта олмай қоладур, Ипак йўли жилови ҳам қўлдан чиқадур...

Амир Темур, одатича, машваратларда хоннинг ўнг томонидан жой оларди. У ўрнидан туриб, оҳиста хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ногирон оёғи ҳам бироз яйрагандай бўлди. Амир Сайфиддин некўз ўзи эшитарли даражада оҳистагина: “Хў-ў-ўш...” деб кўйди. Барча Соҳибқироннинг сўз айтишини кутарди.

Ўртага чўккан жимликни шаҳарнинг кунботар томонидан эштилган қандайдир тўйга чалинган карнайнинг мардона овози бузди.

– Гарчи ўзимизнинг ташвишларимиз етарликдур, Кешда Оксарой қуриладур. Салтанатнинг улкан биноси. Кошкийди, ўзим ўша ерда юрсам... кўмаклашсам, барини кузатсам... – салмоқли деди Соҳибқирон юришда давом этиб. – Олти йил муқаддам Тўхтамишхон Эроннинг шимолий-ғарбий музофотларига боскин уюштириди, бу шунчаки юриш эмас, балки унда чукурроқ маъно яширган, жаноблар. Кўрнамакнинг иддаоси каттадур... Чингизхон авлоди тасарруфидаги Эронни бутунича ўз салтанатига қўшиб олмакчи! Табризни талон-торож қилгонларида бу яққол кўринди. Душман ҳеч қачон ухламайдур. Биз бефарқ туришимиз зинхор мумкин эмас! Яна бир гап бор, Мамат...

– Бош устига, Амир Соҳибқирон! – ўрнидан туриб қўл қовуштириди Мухаммад Чуроға додхоҳ.

– Тўхтамишхон муҳорабаси бирлан банд эрконимизда, Исфаҳонда бадфеъл кимсалар доруғамизни қатл этибдурлар, Шероз ахли эса ношуқрчиликка бориб, исёнга ружу қўйибдур. Бу бошқа вилоятларга ўрнак эрмас... Бунинг барчаси бизларга дашномдур. Сониян, музофарийларнинг кирди-корлари, юрт тузишга лаёқатсизликлари оқибатларини ўйламоқ жоиздур. Мусоғирлар, хусусан, уммулмадойин<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Умм ул-мадойин (арабча) – шахарлар онаси, маъносида (муалл).

Маккан мұкарамага бораётғон тақводор ҳожилар тортган азоб-у үқубатлар кишининг газабини қўзғайдур. Буни қандоғ тушунмак керак? Раият Оллоҳ таборака ва таолонинг бизга тобшургон омонатидур. Оллоҳнинг ердаги халифасига равомидурки, мамлакат ўртасида ушмундоқ бузғунчи галамис жамоалар эмин-эркин юрса-ю, уларни илдиз-илдизидан қўпоришга қодир эса-да, бепарво қараб турса... Тонгла қиёматда ундан сўралса не деб жавоб берғай?.. Хон ҳазрати олийлари ҳақ сўзни айтдилар, фурсат етибдур, бас, бузуқиларнинг жазосини бермак, мамлакат-у музофотни бадкирдорлардан қатрон айламак бизларга амри вожиб саналур!

- Рост айтдилар, Амир Соҳибкирон!
- Бизларга амри вожибдур!
- Вожиб! Вожиб!
- Бузуқиларни даф этиш кони савобдур!
- Савобдур! Савобдур! – деган бошқа овозлар ҳам янгради.

Машварат ахли Хуросон-у Форс-у Ироқи Ажам, Озарбайжонга бориши мураккаб вазиятнинг кечикириб бўлмайдиган заруратига айланганини англади. Бундай вазиятда Амир Темур жаҳонгирлик ҳимматидан ўзини хотиржам, тинч сеза олмасди.

Турон хони Султон Маҳмудхоннинг олий фармони асад ойи<sup>1</sup> бошида Эрон томонларга юриш бошланганидан хабар берди. Улкан қўшин яна қўзғолди.

## П

Бешафқатлиги билан ном чиқарган, мард ва қўрқмас Шоҳ Мансур қўшин тўплаб Шуштардан Шерозга, акасига қарши отланди. Шаҳарнинг Шоҳ Яхёдан норизо нуфузли саййидларидан бир жамоа пинҳона мактуб йўллаб, уни Шерозга таклиф қилиш асносида қўллаб-қувватлашларини, тобе ва тарафдор эканларини билдирилар. Чиндан ҳам, Шуштар ҳокимига шаҳарнинг катта Салим дарвозаси ланг очиб қўйилди. Мамнунлигини яширмаган Шоҳ Мансур қайнатаси

<sup>1</sup> Асад (арабча; арслон, шер) – ўн икки буржнинг бири. Шамсия йил хисобида бешинчи ой. (22-июль-21-август). 1392-йил август бошлари (*муалл*).

Шоҳ Шужоънинг тахтига ўлтиришдан орланмади...

Жума куни катта жомеъ масжидида Амир Темур тайинлаган Шоҳ Яхё ўрнига Шероз ҳокими сифатида Шоҳ Мансурнинг номи хутбага қўшиб ўқилди. Шоҳ Яхё бағри тош укасидан қўркиб, шу лаҳзалардаёқ шаҳарнинг бошқа – Саодат дарвозасидан чиқиб, Яздга қараб қочди.

Исфаҳонда черик йигиб юрган Султон Зайналобиддин воқеалардан хабар топиб: “Шерозни отамиз бизга тобшурғонлар, унда ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!” деди ва Шоҳ Мансур устига бостириб келди. Отаси Шоҳ Шужоъ тарбиятини олган шерозлик амирлар туз ҳақи ҳурмати, албатта, менга ён босадилар, дея унинг қўнгли тўқ эди. Аммо ҳеч ким унга кўмак қўлини чўзмади. Ҳатто Султон Зайналобиддиннинг муруватини қўрган, унинг қўлидан Абаркух ҳокимлигини олган Паҳлавон Мухаззабдай амир ҳам чеккада қараб турди.

– Танг пайтларингда бошингни силағондим... – ўпка қилди Султон Зайналобиддин Паҳлавон Мухаззабга тикилиб. – Яхшиликка ёмонлик экан-да. Валинеъматингта нонқўрлик-ку бу! Майли, худонинг ўзига солдум...

Паҳлавон Мухаззаб индамади. У сўнгги вақтларда Шоҳ Мансурнинг нуфузи ошиб бораётганидан ҳайикар, ёлғизланиб қолишдан қўркиб юради, шу сабабдан, ошиғич Шоҳ Яхё билан дўстлашишни қўнглига тугди. Иттифоко, Шоҳ Яхё укаси Шоҳ Мансурдан қочиб Яздга кетаётганда, Абаркуҳда тўхтади. Паҳлавон Мухаззаб яқинларининг огохлантиришларига қулоқ солмай, узокни ўйлаб ўтирмай, қўришгани қальсадан чиқди... Аҳд-у паймонлар қилинди.

Бироқ Шоҳ Яхё фосиқ ва фитначи одамларнинг гапига кириб, шубҳага бориб, дунёдан бехабар Паҳлавон Мухаззабни шартта хисбга олдирди ва зиндонга ташлатди. Султон Зайналобиддиннинг дуоибадига учрадими, кўп ўтмай ўша ерда қатл этдилар...

Қўнгли тинчиган Шоҳ Яхё Яздга қараб йўналди, аммо укаси Шоҳ Мансурнинг ҳам ўша ёққа қўшин торtgанидан мутлақо бехабар эди. Шоҳ Мансур икки катта черик билан Язд остонасига етганда ясовуллардан бири от чоптириб пешвоз чиқди-да, хабар берди: – Подшойи олам! Шоҳ Яхё

лашкари билан шаҳар ичкарисидаги мустаҳкам қалъага беркиниб олибди! Шаҳар дарвозаси қаттиқ ёпилган!

Шоҳ Мансур қалъа томонга қаҳрли кўзларини қадади:

– Турли пучмоқлардан ёриб кирилсун! – буюрди лашкарбошиларига. – Дарвозани ўзим итобга<sup>1</sup> олурман! Манжаниклар дарвоза рўпарасига қўйилсан!.. Оғам Шоҳ Яхё тирик ушлансанун!

Қамал бошланишига саноқли дақиқалар қолди. Ана, ўз манжанигини яхшилаб ўрнатган навкар ичига тош (“ўқ”) солди, буюришлари билан шартта тортиш учун арқонни ростлаб кўйди. Ёнида тош тўлдирилган коп, қўл етадиган жойда, бир навкар яна ичига тут ёғочидан майда-майда кесилиб “тош” қилиб тайёрланган сувда ивитилган ғўлакларга тўла қопни орқалаб келмоқда. Йигирма чоғли сипоҳ шотиларни қалъа деворига тираб, ошиб ўтишга шайланар, айримлари эса чарх уриб югуришаркан, ўзларига қулай жой излашарди. Йироқдан бир гуруҳ жангчи устига раъд камонлари<sup>2</sup> ортилган беш-ўнта аравани шитоб юргизганча, қалъага яқинлашарди. Ясовулбошилар фармонни кутиб, Шоҳ Мансурдан кўз узмасдилар.

Шоҳ Мансур навкарларга: “Отилсан!” демоқчи эди, бирдан Шоҳ Яхё ўғиллари кузатувида оппок лиbosга бурканган қандайдир аёлнинг шаҳар дарвозасидан аста-аста юриб чиқаётганига кўзи тушди! Ва... таниди – у онаизори эди! Ҳеч қачон ҳаворанг тахтиравондан тушмайдиган етмишларга борган волида яёв юриб келарди!

Бақувват, қурч танли Шоҳ Мансурнинг занг босган темирдай қорамтири юзлари баттар қорайиб кетди. Зўриққанидан ўнг қулоғи орқасидаги каттагина холи ҳам йириклишгандай туюлди.

У шафқатсизлиги, айни пайтда мардлиги билан ҳамма ака-укаларидан ажralиб турар, болалигига темиратки касали билан оғриганиданми, бошининг тепасида бир дона ҳам сочи йўқ эди. Ёқтирганлар “Кал Шоҳ Мансур!” деб масхара қилишарди. “Калларнинг ниҳоятда ақлли эканликларини

<sup>1</sup> Итоб (арабча) – каҳр ғазаб.

<sup>2</sup> Раъд камони – тўп, ўтли ўқларни отишга мослашган ҳарбий аслала (муалл).

оддий улус, фуқаро қайдан билсун, ҳатто халифалардан Усмон, Умар, Али ва Марвон каби мухтарам зотлар ҳам каллик мартабасига ноилликларини эшиитмаганлар, шекили. Халифа Умар ибн Абдулазиз эса фирт ярғоқ кал экан...” – деб овуттарди ўзини Форс ҳукмдори. Шоҳ Мансур каллигини ошкор этмас, билдириналик учун ёзин-кишин доим кундузи телпакни бостириб кийиб юради.

Шоҳ Мансур онасига ич-ичидан ачинди, табиатан ланж Шоҳ Яхё шундай танг ҳолларда доим ёш боладай йўл тутарди – муштипар онаизорни ишга соларди. Ўн йиллар олдин отасини қаттиқ ранжитиб қўйганида ҳам онаси ўргага тушиб, уни жазодан саклаб қолганди. Оғасининг бу галги тутумидан тутокиб кетди. Мункуллаган аёлни овора қилиш на ҳожат? Шоҳ Мансур отдан тушди-да, онасининг истиқболига караб юрди.

– Ўғлим!.. Сизларни не умидларда ўстирганмиз... Сени эса энагаларга ҳам ишонмай, ўз кўкрагимдан сут бериб вояга еткиздим, ўғлим... Оталарингиз худо раҳмати Шоҳ Шарафиддин ҳазратлари ҳар бирингизни бўйингизга қаарди, айникса, сенга бокиб ғурурланарди...

Она ўғилларининг ичидаги Шоҳ Мансурнинг феъли чарсрөб бўлиб ўсганини яхши биларди, жаҳли чиқсан пайтда важоҳати хунуклашиб, ҳеч кимни танимай қоларди. Лекин катта ўғлининг noctur ахволига қараб, она жим ўтиrolмади. Қовоғи солик Шоҳ Мансур онасининг хиралашган шахло кўзларига ёш тўлганини кўрди.

– Шоҳ Яхё – оғанг, ёши сендан улуғ... Бир ёш катта ахир. Иккингизни ҳам оғир касалдан соғайганимдан сўнг худо берган. Шундан сизларни бошқа болаларимдан ортиқ кўраман... – деди волидаи зор. – Оғанг икки ўғлини ёнига олиб шу вилоят бирлан чекланган. Форс ила Ироки Ажам сенга мусалламдур<sup>1</sup>. Яздга ҳам оғиз очсанг, уят эмасму, ўғлим?.. Ёки сизларни оқ сутимни оқка, кўк сутимни кўкка соғдим, деб дуоибад этайнму? Айб бўлмайдиму? Ақлисан, инсоф этагини тутгин, bemuruvvatлилик сенга яраш-

<sup>1</sup> Мусаллам (арабча) – сенга топширилган (муҳалл).

майдир! Ҳак эгам яхшилигингни унутмайдир, болам...

“Болам” сўзи айтилган чоғда она кўзларидан бир томчи ёш ерга думалади.

Шоҳ Мансур акаси Шоҳ Яхёнинг жуда беюз ва оқибатсиз эканини, гоҳ ўз укасининг оёғини лойда қолдириб душмани Султон Зайналобиддин тарафига ўтиб кетишини, гоҳ эса пинҳона фитналар уюштиришини, шамолдай бу одамга суюниб ҳам, ишониб ҳам бўлмаслигини шартта-шартта гапириб ташлагиси, бир хумордан чиққиси келди...

Бироқ шу ондаёқ негадир онаизорига тик қараб, ҳеч нарса дея олмаслигини англади, айтганда ҳам, бундан бирон наф чиқармиди! Бекорга ўзининг дили оғрийди, онасининг юрагини лахта қон қиласди. Фарзандларининг низолашиб, бир-бирига қўл кўтарганларини кўриш ҳеч қандай онага насиб қилмасин...

– Розиман, онажон... – бош эгди Шоҳ Мансур оғринганини билдиrmай ерга қараганча. Кейин Шоҳ Яхёнинг новча, дўнг пешонали ўғлига тайинлади:

– Онаизоримни эҳтиёт этасанлар, хўпми?..

Она ўғлининг қорамтири юзларини силар экан: “Ишонардим! Ишонардим, сенга! Униб-ўсгин, болам!..”, дея дуога қўл очди.

Шоҳ Мансур онаси учун тезда тахтиравон буюрди, кейин Язд қамалини тўхтатиб, лашкарни Шероз томонга бурди... Мамлакат ана шундай бесаранжомлик, нотинчлик пардасига чулғанганд, музafferийлар ўртасида аҳиллик, тутувлик мутлоқ йўқолганди. Эл-халқ, авомуннос очиқдан очиқ “Бир мамлакатда ўн подшо”, деб масхара қилишдан тап тортмай қўйди.

Ироқда эса ўн йилдан бери Султон Увайснинг чапдаст ва зийрак ўғли Султон Аҳмад жалойир ҳокимлик қиласди, кўнглида музafferийлар тугул, Миср султонига ҳам, Рум қайсари Йилдирим Боязидга ҳам, Тўхтамишхонга ҳам бўйсунишни истамас, эмин-эркин сиёsat юритишга мойил, аммо буни пинҳон тутарди. Амир Темур Озарбайжонга юриш пайтида, кўплар қатори уни ҳам ҳузурига чорлади. Музafferийлар йифилдилар, аммо ўжар Султон Аҳмад

жалойир корасини күрсатмади. Бунинг устига, Багдодга чекинар экан, Амир Темурга охирини ўйламай, бундай байт юборишга ҳам журъат этди:

*Майдонда құлим шол бұлса ҳам, бироқ  
Кочганда оёғим эмасдир чүлөк...*

Амирлар ва беклар бу беадабона айтилған байт Соҳиб-қиронга қандай таъсир қилди экан, билолмай қолдилар. Шу орада, нуфузли коракүюнлилар қабиласи сардори Амир Қора Юсуфнинг Табриз шаҳрини ташлаб қочгани ҳақида хабарлар тарқалди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### I

Үн уч йил аввал, тарих милодий 1379-йил, Хоразмга түртінчи юриш охирлаб қолғанда, Ҳумоюн үрдудан Гурғанжнинг донишманд кишилари-ю құли гул ҳунармандарини күчириб Кешга элтиш ҳақида олий фармон берилди. Бу вазифа Амир Сайфиддин некүз, Умаршайх Мирзо ва Жаҳоншоҳ ибн Жокулар зыммасига юклатилди.

Ұшанда Амир Сайфиддин некүз илк бор Уста Матпано билан танишиди.

У афсус билан эслайди. Барига Хоразм волийси Юсуф Сүфи сабабчи... Аввал душманлар қутқусига учыб Соҳиб-қиронни яккама-якка жангга чакирди, кейин құркиб чикмай, дүст-у душман олдида уялиб қолди. Соҳибқирон кейинлари ҳам буни эслаб, қудаси учун ичиде хижолат чекиб юрди. Афсуски, Амир Темур олтин тобоқда юборған қовунни ариққа улоқтириб, тобокни писандсизлик билан коровулларга ташлатди, ярашишга қулай имкон бой берилди.

Амир Сайфиддин некүз чунон уриндики, қуда-карининдошлар үртасида можаро чиқмасин, құшин шаҳарға кирмасун, деб. Эшитган қулокқа уят-да. Ҳали Самарқандда эканларидаәк буни Соҳибқиронга айтганди. Машваратда ҳам бу таклифини тақрорлади. Аммо Амир Темур ғазаб отига минганди.

– Барча узрхохликлар, раҳм-у шафқат, саховат-у ҳим-

мат чегараларидан ўтиб кетилди, амир жаноблари... Ахир бизнинг Хоразмдан ўзга ҳам юмушларимиз бор, – деди босик Сохибқирон. – Биз давлат ишларининг тўққиз улушини кенгашга, муросага қўйиб, бир улушкини қиличга ажратғон эрдик. На иложки, Юсуф Сўфи қудамиз тескарисини қилибдур, бир улушкини кенгашга, тўққизини қиличга бағишилабдур. Бари худодан...

Хоразм ҳукмдори саройига юрувчи қалъа деб атала-диган даббаба, манжаниклардан тошлар отилиши бир дам тўхтамади. Қамал уч ойга чўзилди. Кейин ғазаб либосига чулғанган қўшин ўз эркига қўйиб юборилган подадай шаҳарга ёприлиб кирди... Қиёмат қойим бўлди. Кимdir боласининг қўлидан етаклаганча чопиб боради, бирор қоп орқалаб қайгадир қочиш пайида, эгасиз колган итлар вовуллайди, бўшалиб кетган отлар ҳеч кимга тутқич бермайди, қайга борарини билмай, кўчани чангитиб у ёқдан бу ёққа чопади. Йифи-сигилар эшитилади. Қутлуг Темур минораси эса фалокатни кўрмайин ҳам, куймайнин ҳам дегандек бошини булувлар ичига олган...

Амир Темур алоҳида тайинлаган, Кешга қўчирилиши лозим одамларнинг биринчиси қўли гул, машхури замон меъмор Уста Матпано эди. Даставвал Жаҳоншоҳ ибн Жоку йўллаган кишилар меъморни топиша олмай қайтишди. Бир кундан кейин Кешга қўчадиган одамлар рўйхатини Сохибқиронга тақдим этишлари керак...

Сабрлари чидамаган Амир Сайфиддин некўз билан Умаршайх Мирзо ўzlари шаҳар айланишга чиқишиди. Кўп ўтмай, бозор олдида бир неча одам билан гаплашиб турган Жаҳоншоҳ ибн Жокуни учратдилар.

– Топилмадиму?.. – Амир Сайфиддин некўз саволи ким хақидалиги англашиларли эди.

– Йўқ, некўз жаноблари... Айримлар, Уста Сарой-Беркага кочган, дейишиди... – Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг жавоби шу бўлди.

Султон Такаш мақбарасидан беридаги каттагина Қайсария майдонида, карвонсарой атрофларида, бозорда, Гурганждан чиқаверишда Шайх Нажмиддин Кубро хонако-

ҳи ёқларда, Тұрабика хоним мақбараси тарафларда – ҳамма ёқда худога ёлвориш-у ёзғиришдан бошқа чора тополмаган одамлар ини бузилган аридай уймалашиб юришар, ит эгасига бокмасди...

Уста Матпано ҳеч қаерда йўқ эди. Умидсизликка туша бошлаган амирлар от бошини буриб, эртага Ҳумоюн үрдуга бериладиган рўйхатни яна синчилаб назардан ўтказиш учун, некўз чодирига қайтиш тараддудига тушдилар.

– Хў-ўш... Оллоҳ буюриб турган эса, албатта, топамиз, – деб кўйди ўзига ўзи дегандек Амир Сайфиддин некўз. – Ноумид шайтон, дейдилар.

Иттифоқо, накшинкор пештоғи қулаб тушган Ҳоразм волийси саройи олдида, ҳассага таяниб букилиб қолган бир одам Амир Сайфиддин некўзнинг дикқатини ўзига тортди. Атрофда ҳамма жон сақлаб, ўзини ҳар ёққа урап, унинг эса ҳеч ким билан иши йўқ, гоҳ маҳобатли пештокқа, гоҳ тошлар текканидан ўйиклар ҳосил қилган, афсонавий Моний чизган расмдай гўзал гулчин дарвозага жим қараб туаркан, кисик кўзларидан ёш окарди.

– Фарзандингиз шундоқкина олдингизда нобуд бўлса, қандай чидамок мумкин? – деб кўярди у ўзига ўзи гапиргандай. – Ҳалиям бандаси чидайди...

Амир Сайфиддин некўз яқинлашаркан, у одамдан сўради: – Фарзандим, дейсиз... Қани фарзандингиз?

– Ана! – дея ловуллаб ёнаётган, ҳаробага айланган қасрни кўрсатди ҳалиги одам. – Бу сарой азиз фарзандим эди...

Амир Сайфиддин некўз хижолатда қолди. Шуури, сен кидирган одам – шу, деб туарди.

– Сиз... Уста Матпано эмасмисиз? – сўради ҳайратда. – Хў-ў-ўш... Уйингизга кидириб бориб, тополмадик. Хайрият, шу ерда экансиз, ёшули...

Амирзода билан Жаҳоншоҳ ибн Жоку меъморни қўлтиғидан олиш учун талпиндилар.

Гурганж қамалидан олдин Уста Матпано хотини, икки кичик ўғлини оиласлари билан Сарой-Беркага катта ўғлининг олдига жўнатди. Ўғли – сарой меъмори, Олтин Ўрда пойтахтидаги муҳташам бинолар унинг тарҳи билан курилган.

Узини доим ўша ёққа чақирсалар ҳам, Гурганж-даги бунёд этган, юрагининг, умрининг бир парчаси бўлган бинолари-ни, айниқса, муҳташам шоҳ саройини ташлаб кетолмади.

– Ҳовва... Қидириб юрган бўлсангиз... Майли, қўлимни боғлангизлар, жазонгизни берингизлар... – мени тутишга келишди, деб ўйлади Уста Матпано, унинг сўзлари самимий чиқди. – Шу ердаман, қочганим йўқ.

– Бизлар жазолагувчи эмасмиз, ёшулли... – жилмайишга тиришди Амир Сайфиддин некўз.

– Асло, сизга жазо йўқ, Уста бобо! – тинчлантириди Умаршайх Мирзо, Соҳибқироннинг бу одам ҳакида иззат-у икром билан гапирганини эсларкан.

– Жазо... Бундан ортиқ жазо бормукин? – сал қаддини кўтариб нотаниш одамларга қаради Уста Матпано. – Не-не машакқатлар билан тиклаган саройим қаён кетди? Нечоғлик заҳматлар чекдим... Агар жонимни олиб, саройни бузманларида минг бор рози эрдим!..

– Уруш экан-да, унинг кўзи йўқ, тарозиси барчага бирдай... Худо умрингизни узок килсун, ёшулли! – деди Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

Уста Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи ҳузурида худди мана шу саройдаги мажлисда мамлакат остонасидағи душман билан сулҳ тузилишини ёклаб гапирмоқчи эди, аммо бошқалар: “Ўзингиз яккама-якка курашга чиқингиз!”, “Енгасиз душманни, енгасиз!”, “Ногирон одам, сизни кўриб кўркиб қочади!...” дея ҳукмдор хаёлини ўғирладилар. Саройни сурон коплади. Ёв қочса, мард кўпаяди, дегандаридай, ҳар ким шовкин солиб, ўзининг фавқулодда шижаатини намоён эта бошлади. Бироннинг гапини бирор эшигадиган палла эмасди.

Кимда қандай, аммо Уста Матпанонинг битта душмани бор, бу – уруш, саваш, боскин... Оти ўчсин урушнинг! У қуради, уруш эса вайрон қиласди... Унинг даҳшатли қонунияти шундок. Бало-қазодай ёприлганда, хўл-у қуруқ баравар ёнади. Ловуллаб турганда ичига ўзни урмай илож йўқ... Четлаб ўтиш мушкул.

Яшаш маъноси эса курмоқ, бунёд этмоқдир. Бандаси худонинг ерини обод қилиш, гуллатиш учун дунёга келади. Бу – ҳар куни отаётган тонг мисоли ҳакиқат. У ҳатто Амир Темурнинг Гурганж ёнида катта қаср қураётганини эшишиб, беихтиёр ичидагандайри мамнунлик ҳиссини туйди. Бузмоқдан курмоқ ҳамиша яхшидур... Амир Темур қурганини кўчириб ўзи билан олиб кетмайди-ку, сарой Хоразмда қолади.

У Сохибқироннинг меъморларга, ҳунармандларга жуда ҳавасманд эканини, шундай кўли гул кишиларни Хурросон-у Озарбайжон томонлардан Туронга кўчирганлигидан, Самарқандда маҳобатли бинолар барпо этдираётганидан хабардор эди. Уста Матпано туғилибдик, ҳар нечук, қураман деган одамнинг ёмон бўлганини эшитган эмас.

– Кўлимни боғламайсизларму? – сўради Уста Матпано.

– Йўқ, кўлингизни боғламаймиз. Ёшули, сиз улуғ одамсиз... Эҳтиромларга муносибдурсиз... – Амир Сайфиддин некўз устани юпатадиган сўзлар излади. – Бандаси пешонада борини кўрар экан, начора... Оллоҳ ҳамиша ҳақ! Ташвиш чекмангиз, вақти соати билан сарой яна тиклангай!

Уста қаддини кўтариб амирга термилди. Ҳассага таяниб букилиб қолган Уста Матпано, фалокатлардан дили озурда, ўйлайвериб ҳориб-толганидан шу кўйга тушибди. Аслида ҳётнинг аччиқ-чучугини тотган иродали, дилкаш одам экан. Агар кўнглини топсанг, очилиб-сочилиб гаплашади, йўқ эса “ховва” дан нарига ўтмайди. Буни Амир Сайфиддин некўз кейин билди. Улар тездагина яқин сирдошга айландилар.

– Кўй йилида қўйдек ҳайдалдик, ватандан мосуводурмиз энди... – деб қўйди Уста Матпано Самарқандга йўл олганларида.

– Ундоғ демасунлар... Хў-ў-ўш... – эътиroz билдириди Амир Сайфиддин некўз. – Бандасига бино қурган жойи ватандир... Иншооллоҳ, зўр бинолар қургайсиз Кешда ҳали.

Ўшанда Уста Матпано то Кешгача очилиб-сочилиб гаплашмади...

Сохибқирон ўзининг она шахрида маҳобатли, дунёда

ягона саналадиган бир иморат барпо этишни кўпдан ўйлаб юрарди. Гарчи табризлик, шерозлик, хиротлик, марғинонлик қўли гул усталар, номи чикқан меъморлар бор эса-да, Оқсарой курилишини кимга топширишда аниқ бир қарори йўқ эди. Шундай паллада, аждодлари моҳир меъморлар бўлган Уста Матпано довругини эшитди.

Меъмор билан Соҳибқироннинг ilk учрашуви баҳор оҳирларида, Кешнинг шимолидаги Оқсарой бунёд этилиши мўлжалланган эни юз эллик, узунлиги уч юз қадамлар чиқадиган каттагина майдонда рўй берди. Икки ой аввал Ҳумоюн ўрдудан Уста Матпанога, ўз шогирдлари билан Термиз, Фазни, Марви Шоҳижон ва Табризларга саёҳат килиш, ҳашаматли иморатлар ҳавосини олиш вазифаси топширилганди.

Амир Темур ўшанда майдон четида отдан тушди, Жаҳоншоҳ ибн Жоку ва мулоғимлар кузатувида узун гилам ташланган йўлқадан ўртага қараб юрди. Амир Сайфиддин некўз ёнида турган Уста Матпано Соҳибқирон-нинг оҳиста қадам ташлаётганидан оксоқлиги қарийб сезилмаслигини пайқади.

Офтобнинг беҳол нурлари кишига хуш ёқарди.

– Машҳур меъмор Уста Матпано бўладилар! – танишириаркан, деди Амир Сайфиддин некўз.

Соҳибқирон рўбарўсида элликлардан ошиб-ошмаган, юмaloқ юзли, бургутнигiga ўхшаган бурни ўзига ярашган, адл қадли, ўрта бўйли, курч жуссали, юлиб ташлангандай соқоллари сийрак одам туарди. Устанинг қисиқ кўзларида чакноқ шижаот учқунлари ёнарди.

– Эшитғонмен, эшитғонмен! – Амир Темур кўришаркан, жилмайди. – Бу кишининг номини Уста Матпано эрмас, аллақачон Уста Хоразмий деб атаб кўйғонмен! Уста Хоразмий! Меъморлар ҳам яратганинг суюкли бандаларидурлар. Ишбилармон, мард ва шижаот соҳиби, азми қатъий, тадбиркор-у хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир, деган ҳикмат хукмдор-у саркардаларгагина эмас, меъморларга ҳам хосдир. Улар ҳам Оллоҳ томонидан халифа қилиб яратил-ғонлар. “Инна жаалнока хали-

фатан фил-арз”, яъни, сизларни ер юзида халифа<sup>1</sup> килдук, ояти уларга ҳам тегишилдиур, улар ҳам теп-текис жойда, йўқ ерда муҳташам иморат, саройлар, шаҳарлар қурадурлар, бу мўъжиза худди мамлакат тиклағондек бир гапдур...

– Рост айтдилар, Амир Сохибқирон, рост! – деди Амир Сайфиддин некўз бу чиройли ўхшатиш ёкқанини билдириб.

– Подшоҳона тафаккур меваси бу!

– Чиндан ҳам мўъжиза, Амир Сохибқирон! – мақтov сўзини аямади Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

Уста оҳиста “Ховва!” деб қўйди. Даставвал подшонинг зукколик билан меъморларга берган баҳосига қойил қолди, ўзи меъмор бўла туриб, касби ҳақида шундай ўйламаган экан. Сониян, Амир Темур мамлакатларга даҳшат солган, бадковоқ, жаҳлдор, қаҳри кўзларидан ёғиладиган бир саркарда эмас, балки очиқ чеҳрали, баланд бўйли, ўзини йигитлардай тутган, кошлари қуюқ, кенг пешонасига ҳали ажин из солмаган, соддаваш бир киши эканлигини кўриб ҳайратланди. Сохибқироннинг қарashi одамни сухбатлашишга чорлар, ўзига мойил қила олиш кучига эга эди. Унинг “Уста Хоразмий” деб ардоклаб лақаб бериши меъморни ичida мамнун этди, аммо шундай номга ўзини ҳали номуносиб ҳисоблаганидан ичida хижолат чекди.

– Кеш менинг она шаҳрим... – давом этди Амир Темур.

– Оналик ҳаққини узишнинг ҳеч иложи йўқ, аммо бандаси бунга ҳоли қудрат интилмоғи лозимдур. Муҳтарама онаизорим Тегина Хотун азиз умрларининг ўттиз етти йилини мана шу шаҳарда ўткардилар... Куддиса сирруху<sup>2</sup> бобом Садр аш-Шариъа Убайдуллоҳ ибн Тож ал-Бухорий етти ёшдалик пайтимда, жуда шўх эканмен, худди шу ерларда қўлимдан ушлаб, айланиб юрдилар. Манглайимдан ўпид, болажоним, шўхлигингда хикмат бор, шўх бўл, шўхдан чиқади, албатта она шаҳрингни гулга кўмажаксен, дедилар... Ҳамон ёдимда турибдур. Кошкиди, онамга хизмат этолсам! Минг пушаймонларким, қўлингдан бир нарса келиб, хизмат даражасиға етғонингда, ўшал азиз инсонларни ёнингдан тополмас экан-

<sup>1</sup> Халифа (арабча) – ўринбосар (муалл).

<sup>2</sup> Куддиса сирруху (арабча) – сири муқаддас, эзгу бўлсин, маъносида (муалл).

сен! Ун еттимда онам кетди, йигирма тўртимда – отам... На онаизоримнинг оғирини енгиллатиб фарзандлик бурчини ўринлатдим, на падари бузрукворимнинг қўлига сув қўйиб, дуосини олдим... Дунёни забт айлаймен, юрт тузамен, худонинг бандаларини бахтиёр қиласмен, деб тиним нима билмабмен, дилимга яқин зотлар бахтини эса ўйламабмен... Ҳа, Оллоҳнинг паноҳида орқа-олдига қарамай юраверғон фирт бир етим банда эканмен, етим!..

Соҳибқироннинг кўнгли бирдан тўлкинланиб кетди.

– Амир Соҳибқирон! Амир Соҳибқирон... – юпатмоқчи бўлди шошилиб қолган Амир Сайфиддин некўз, сўнг енгил томоқ қирди-да, қўшиб қўйди: – Хў-ў-ўш... Оталари ва оналарига мақбара тикладилар мана...

– Падари бузрукворлари ва пирлари учун ҳар куни бир жонлик сўйдириб, қозон қайнатиб барчани баҳраманд айлайдилар... Элнинг дуоси барига тегади... – деди Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

– Ҳовва... Ҳаммамиз ҳам фирт етиммиз, ҳазрати олийлари... – сўзга қўшилди таъсирланиб Уста Матпано.

Соҳибқирон ачиниш назари билан меъморга қаради. Улар секин майдонни айланба бошладилар.

– Бандасининг қисмати шундоқ эркан... Курби етғон ишлар билан машгул бўлса тузук, ундан ортиғи ақлсизлик нишонасидур. Оллоҳ буюрса, онаизоримнинг муборак хотиралирига атаб худди шу майдонда Оқсарой кошонаси бунёд этдурмак мақсадимдур. Иншооллоҳ, ўзингиз бунга бош меъморлик қилғайсиз, Уста Хоразмий жаноблари!

Соҳибқироннинг донишмандларча содда ва ҳаётӣ, теран мазмунли сўzlари Уста Хоразмийни тобора ром этиб бормоқдайди.

– Қуллуқ, Амир Соҳибқирон! Бироқ “Хоразмий” деб бизга баланд баҳо бериб юбордилар... – қўлини кўксига қўйди меъмор.

Амир Темур бу сўзларга эътибор бермади. Оҳиста қадам ташлар экан, ҳаёлидаги Оқсаройдан хикоя қилас, қайси бино қаерда бўлиши кераклиги, ховуз, йўлак, боғлар ўрни, девор-у пештоқлар, дарвозалар, ғишталар, кошинлар,

безаклар, муқарнаслар, ислимий гирихли нақшлар ва ҳоказолар ҳақида худди бориб турган меъмордай завқ-шавқ билан гапиради. Уста берилиб тинглар, тинглагани сари, ҳали курилажак маҳобатли сарой кўз олдида жонланиб бораради.

... Икки ёнида икки баланд минора қад кўтарган, бўйи юз газдан баланд, данғиллама сарой дарвозасидан эни уч юз қадам чиқадиган, сахни, қарасангиз, аксингиз кўринадиган оппоқ мармар тахтачалар ётқизилган ҳайхотдай ҳовлига кирилади.

Ўртада туби феруза лаппакчалар билан қопланган зилол, тиник сувли каттагина ҳовуз... Кун чиқиш томонида боғ кўзга ташланади. Ҳовлидан ўтилса, саройнинг энг улкан маҳобатли дарвозали биносига қадам ранжида қилинади. Тепасига офтоб юзида шер сурати чизилган дарвозадан деворлари тилларанг ложувард нақш билан безатилган, шифти бошдан оёқ олтин суви юритилган мурабба шаклидаги кўринишхонага<sup>1</sup> кириб борилади...

– Термиз ҳокимлари саройида бўлдиларму? – сўради бирдан Амир Темур сўз орасида. – Марви Шоҳижондаги Шаҳриёр қасри, Фазнидаги Султон Маҳмуд Фазнавий ямин уд-давла ва сайф уд-давланинг “Лашкаргоҳ” саройи, Табриздаги “Давлатхона”... Лекин Оқсарой баридан улкан, маҳобатли, доврукли қурилмоғи лозимдур!

Хаёли бўлинган меъмор беихтиёр “Ҳовва!” деб юборди.

– Бўлдим, подшойим! Айтганларингизнинг барини бориб кўрдим!.. – дадил деди Уста Хоразмий. – Иншооллоҳ, Оқсарой баридан улуғвор бўлгувсидур! Аммо... бир шарт бор...

– Қандай шарт экан?.. – синчков тикилди Амир Темур ва Амир Сайфиддин некўзга ўгирилди, Соҳибқирон қарашида “Меъмор нима демоқчи?” қабилида маъно яширин эди.

– Агар бир қошиқ қонимдан кечсалар... Бир одатим бор эди... – дадил давом этди Уста Хоразмий.

– Сўзласунлар!

<sup>1</sup> Кўринишхона, саломхона – амир, хон, подшо саройидаги маҳсус ҳашаматли қабулхона.

– Аввал салтанат хазинасига борсак, шартимни ўша ерда айтсан, деб эрдим...

Уста Хоразмийнинг қисик кўзлари жиддий боқарди.

Амир Темур ҳеч эътиroz билдиrmай, дарҳол хазинага караб йўналди. Амир Сайфиддин некўз билан Жаҳоншоҳ ибн Жоку Уста Хоразмий тутумидан ҳайрон, хазинада нима килар экан, дея ўйлаб ўйларига етишолмасди. Хазинада кўрганлари эса уларни бадтар таажжублантириди.

Киришлари биланок, Уста Хоразмий гўё атрофида ҳеч ким йўқдай, эллик ёшлардаги ғазначига тиллаларга тўла саноқсиз тусандиклардан бирини очишни сўради. Ҳовучховуч тилла олди-да, ём биларини ажратиб чиқиб, хотиржам лойга қоришири бошлади, кейин шошилмай чиройли ғиштлар ясади ва катор қилиб териб қўйди, лой орасидаги тиллалар ялтираб жилоланаарди. Амир Темур лом-мим демас, меъморнинг нафис ҳаракатларини бамайлихотир кузатар, унда қандайдир норизолик аломатлари сезилмасди.

– Амир Соҳибқирон! – деди ниҳоят Уста Хоразмий кўксига кўлини қўйиб. – Маъзур тутгайлар, ижозат берсалар, бу ғиштларни Оқсаройнинг пойдеворига ишлатсам... Сиз айтган иморат улуғдир, шаъни ўзидан ҳам кўра баланддур, хийла кўп тилла кетадур...

– Халлоқи безаволга салламно! Оқсарой чиндан улуғвор бўладур! Хайриятки, шундок меъмор топилди!.. Шундоғини тилағон эрдим!.. – деб юборди мамнун Амир Темур.

Атрофдагилар меъморнинг ҳам, Соҳибқироннинг ҳам тутумларидан ҳайратланиб туришарди. Меъморнинг кейинги ҳаракати яна ҳам ғаройиб чиқди. Соҳибқироннинг тиллалар исроф этилаётганига хотиржам қараб турганини кўрган Уста Хоразмий бирдан ҳалигина ўзи қунт билан ясаган ғиштларни олиб бирма-бир синдира бошлади ва тиллаларни ажратиб, битта ҳам колдирмай ғазначига қайтарди.

– Нима сабабдан бундай килдилар? – сўради Амир Темур, унда ҳеч қандай ўзгариш билинмади. – Тилламиз кўп. Ишлата берсунлар эди...

– Амир Соҳибқирон! – жилмайди Уста Хоразмий.

– Мұхтарама волидаларига атаб улкан ва күркам сарой бунёд этдирмөк истаги күнгилларида неchoғлик кучли ва қойим эканини билмоқ муродим эрди. Бундай шукухли сарой учун жуда катта харажатлар зарурлигини англатмоқ ва ўзларининг сабр-тоқатларини билмоқчи эдим... Ёмби тиллаларни лойга қораётганимда зимдан кузатдимки, бир мўйингиз хам қимирамади, Амир Соҳибқирон! Шижоатларига офарин! Мақсадингиз Оллоҳдан эканига батамом иймон келтирдим, шунга муносиб шижоатни хам Оллоҳ ато этибдур! Бу зукко ва донишманд одамнинг сўзлари эканига ҳамма ишонч ҳосил қилди.

## П

Амир Темур Оқсарой қурилишидан тез-тез хабар олиб турар, ёдида тутар, узоклардан эса, киши юборарди. Уч йил деганда, Оқсарой аста-аста бўй кўргиза бошлади.

Соҳибқирон осмонўпар қасрга бокиб жуда кувониб кетди, фақат том устидаги ҳовуз ва ундан ҳовлига тушадиган сув йўллари устида иш борарди. У ичкариларни айланди, ичкихона, кўринишхоналар, бўлмаларни кўздан кечирди ва Уста Хоразмийга деди:

– Халлоқи безаволга салламно! Салтанатимиз қудрати-нинг тимсоли бўлажак муҳташам иморатдир бу! Турон-у Эронда, рубъи маскунда унга ўхшashi топилмас! Уста Хоразмий жаноблари! Шитоб деворлари сиркор парчинлар, кошинлар билан қоплансун, безак юмушлари бошлансун! Анинг асили бўй-бастини тезроқ кўрайлик!

– Ҳовва... – деб кўйди Уста Хоразмий негадир шахти паст. У умуман бино қурилаётгандан шошилишни ёқтирасди. Аммо бу ишда ошиқишлик ҳамиша хукмдорлар одатидур...

– Назорати сизнинг зиммангиздадур, некўз жаноблари!  
– қатъий топширди Амир Темур.

– Бош устига, Амир Соҳибқирон! – қўл кўкракда таъзим этди Амир Сайфиддин некўз.

Амир Темур уч йиллик юриш вақтида ҳам хаёлининг бир четида Оқсарой бўлди. Мозандаронда экан, Кешдан келган чопардан энг аввало Оқсаройни сўради:

– Деворлари сувалиб дейман, нофармон-у ферузаранг кошинлардан, сиркор парчинлардан ярқираб турибдиму, а?..

Аммо чопарнинг етти ухлаб тушга кирмаган жавобидан жаҳли чиқиб кетди:

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз, Амир Соҳибқирон... – юкунганча деди чопар.

– Хўш?...

– Оқсаройда иш тўхтаб ётибдур. Сувалмаган, ферузаранг кошинлар билан ҳам қопланмаган...

– Нималар деяпсен? Нега қопланмағон? Нега иш тўхтайдур? Ким тўхтатди?..

– Бош меъмор Уста Хоразмий қаёққадир кетиб қолибдур, ҳеч қаерда йўқ эмиш. Бирор дейди, Хоразмга кетган, бошқа дейди, Сарой-Беркага қочган. Меъмор халқи ҳам ахли ижоддурлар, андак дарвешфеъллиқлари бор эди, дейишмакда...

– Бирор унинг кўнглини оғритдиму?

– Йўқ, Амир Соҳибқирон...

– Некўз жаноблари нима дейдир?

– Некўз жаноблари сўзларини айтдим, Амир Соҳибқирон! Ўзимдан бир сўз ҳам қўшмадим, маъзур тутсунлар...

Ҳалигача бундай ҳодисани учратмаган Соҳибқирон меъморнинг ғалати тутумидан баоят ғазабланди, ўзининг ғофил қолганидан, бепарволигидан қаттиқ ранжиди. Жаҳл отига мингандা бир неча лаҳза йироқларга жим тикилардида, шайтонга ҳай берарди.

– Астагфурилло! – деб қўйди ниҳоят...

Чунон уринсалар ҳамки, Уста Хоразмийни қидириб ҳеч ердан тополмадилар. Унинг тақдири сирли пардага ўралганди. Дунёдан кўз юмдими, дардга чалиндими – замин-у фалакда йўқ эди.

Бир ишни бошласа, охирига етказмай қўймайдиган Амир Темурнинг сабри чидамади, шитобан юртлардан Оқсаройдай маҳобатли курилишни уddyалай оладиган меъ-

мор излашларини буюрди.

.. Бари Амир Сайфиддин некўз кўз ўнгига рўй берди ўшандা. Уста Хоразмий Соҳибқирон фармонини эшитиб, “Ховва” дан бошқа сўз демади.

Соҳибқиронни кузатганларидан кейин, у энг катта гумбазли хонага йўналди. Қисиқ кўзлари баттар қисилиб, гўёки ҳар бир ғиштин парчанинг бир-бирига қанчалик киришишганини, мустаҳкам-мустахкам эмаслигини аник-ламоқчидай, юкорига узоқ тикилди. “Ферузаранг ишловлардан сўнг, нақ фалак тоқининг ўзиdek жамол кўргизадур ҳали...” – ўйлади ичида. Кўнглида мамнунлик ҳиссини туйган Уста Хоразмий улкан гумбазнинг шифтига ерга тўрт қаричча тегмайдиган килиб, бир занжир осиб кўйди.

– Ирими шунаقا... – деб кўйди оҳиста меъмор, Амир Сайфиддин некўз сўрамаса ҳам.

Кейин саройдан чиқдилар. Амир Сайфиддин некўз бозор ёқса жўнади, Уста Хоразмий эса ҳовлидаги кичик ҳужрасига бурилди. Охирги кўришганлари – шу...

Ўша-ўша, Уста Хоразмийнинг қаердалигини ҳеч ким билолмади, уринишлар бенаф кетди. Соҳибқирон дилгир бўлди. Лекин меъморнинг: “Оқсаройсиз туролмайман, умримнинг мазмунига айланиб қолди, чунки бундай улкан иморатни ҳали қурмаганман...” – деган сўzlари Соҳибқирон умидининг сўнишига йўл қўймасди.

Орадан икки йил ўтгач, Амир Темур, одатдагидек, падари бузруквори Амир Тарагай билан пири муршид Шайх Шамсиддин Кулол мақбаралари зиёратига отланди. Бутун Кеш ахли ёғилиб келди. Курбон ҳайитига жонликлар сўйилиб, худойига қозонлар осилди. Барча Жомеъ масжиди ҳовлисида ёзилган дастурхон атрофига чўқди. Ўтганларнинг ҳақига куръон ўқилди. Ҳаётбахш ва шифобахш каломлар жарангি масжид оша яқин атроф маҳаллаларга ҳам таралди.

Ўтирганлар орасида беш кундан бери Кешда яшаётган табризлик машҳур меъмор Муҳаммад Юсуф Табризий ҳам бор эди. уни Соҳибқиронга Султония марҳасияси<sup>1</sup> Иоанн

<sup>1</sup> Марҳасия (сурёний) – архиепископ.

роҳиб тавсия қилганди. Унинг айтишича, Муҳаммад Юсуф Табризий жалойирийлар давлати ҳукмдори Султон Увайснинг Табризда бунёд этдирган машҳур “Давлатхона” саройи тарҳини чизган экан...

Худойи охирилаб қолди. Амир Сайфиддин некӯзни нечундир ҳаяжон чулғаган, чамаси нимадандир мамнун, Соҳибқиронга ёндашиб алланенидир айтмоқ нияти бордай...

– Некӯз жаноблари! – мурожаат қилди бирдан Амир Темур, худди шуни сезгандай. – Энди Оқсарой қурилиши давом этадур!

– Давом этадур, Амир Соҳибқирон! – деди Амир Сайфиддин некӯз, ичида қувониб: “Амир Темур Кўрагон бағоят сезгирдурлар... Ҳеч бир янгиликни Соҳибқиронга айтиб улгурмайсан киши. Сен айтгунингча, ул зот аллақачон хабар топган бўлурлар. Мана, Уста Хоразмийнинг қайтиб келгани ҳам қулоқларига етиби...” – деган сўзлар кечди.

Аммо Соҳибқирон мутлақо бошқа нарсадан гап очди:

– Султониядан машҳур меъмор Муҳаммад Юсуф Табризий ташриф буюрди! Табриздаги “Давлатхона” ни курғон меъмор! Энди Оқсаройнинг иши юришгай!

– Муборак бўлсун! Муборак бўлсун! Хў-ў-ўш... – ҳайратини яширмади Амир Сайфиддин некӯз. – Филҳақ, Оқсаройнинг иши юришадиган кун экан... Бир қошиқ қонимиздан ўтадилар, Амир Соҳибқирон!

– Бунга қандай зарурат туғилдики, узр сўрайдурсиз?

– Уста Хоразмий жаноблари... қайтиб келдилар!

– Нима, нима?.. Қани, қаерда? Ишни тўхтатиб, икки йил дом-дараксиз кетган Уста Хоразмий... му?

Рўпарадаги одамлар орасида юмалоқ юзли, бургутбурун, юлиб ташлангандай сийрак соқолли Уста Хоразмий бўй кўрсатди. Кўплар кўнглидан: “Икки йил олдин қочиб кетган бу меъмор жонидан тўйғанму? Сенга нима эди, кетдингму, кетдинг-да! Жонингни сақлаб юравермайсанму? Вой бечора! Амир Темур бундай қилиғингни асло кечирмайди!...” – қабилида фикрлар ўтди.

Соҳибқироннинг буғдойранг юзи хиёл қорайди, кўзла-

ри катта-катта очилди. Унинг ғазаблангани ҳам, ғазабланмагани ҳам билинмасди. Амир Сайфиддин некўз сўз айтишга шошилди:

– Амир Соҳибқирон! Ёшулли Уста Хоразмий сиз ҳазратга ҳурматлари бағоят баландлигидан кўзга кўринмай турай, дебдурлар... Четроқда бўлай, дебдурлар. Узри бор...

Соҳибқироннинг пешонасида аллақандай тиришлар йигила бошлаганди, баъзўр ғазабини тийди ва Уста Хоразмийга ҳайратомуз бокди:

– Оллоҳнинг улуғ айёми сени балодан асрари... Шундай мўътабар кунда кўринғонингга ҳам шукр... Йўқ эса, жазойингни олардинг. Бари худодан. Худонинг суйғон бандаси экансен... Тан олмоқ керак. – Салтанат шаъншавкатини оламга кўз-кўз этадиган улкан сарой курилишини ўлда-жўлда қолдириб кетган меъморга нега жазо берилмаётганига раият имон келтирсинг, деган маънода гапирди Амир Темур, ичиди жўяли сабаб топганига қувониб кўйди. У Амир Сайфиддин некўзга ўгирилди. – Аммо ҳурматлари юзасидан кўзга кўринмай турай, деган сўзлар маъносини англамадим...

Уста Хоразмий сўзга аралашиб вакти етганини сезди ва оҳиста таъзим бажо келтириди: – Ҳовва, Амир Соҳибқирон! Гуноҳкорман, минг бор гуноҳкорман... Иноят этсалар, саволларига Оқсарой гумба-зининг остида жавоб берсам...

Ўйга чўмган Амир Темур меъморнинг ғаройиб одатлари борлигини билганидан, кутилмаган таклифдан таажжубланмади, устига устак, ўзи ҳам табризлик меъморни олиб Оқсаройга бормоқ ниятида эди: – Маъкул!

Барча Оқсарой томонга йўналди.

Оқсарой худди либоссиз одамни эслатарди, чиройли терилган ғиштларнинг сувоқ остида қолиб кетадиган чоклари, кам-кўстлари шундоккина кўриниб турарди. Улар саройнинг баланд дарвозасидан ўтиб, узун долонга кирдилар. Ўнг ва чап томонда безалса ярк-ярк ёнадиган, ҳозирча қок суюк, яланғоч ғиштин арклар кўзга ташланарди. Эни уч юз қадамлар чикадиган тўғри бурчакли ҳовли сахнида турфа хил курилиш ашёлари очилиб-сочилиб ётарди. Осмонга бўй

чўзган сарой бамисли у ёқ-бу ёғига қарашга улгурмаган, энди уйкудан уйғонай деганда, бетартиб хонага кириб келган нотаниш одамларни кўриб, хижолат тортган гўзалдай ўзини ноқулай сезди...

Уста Хоразмий меҳмонларни энг баланд гумбазли бинога бошлади. Хона каттагина, ҳар тарафи йигирма қадам келадиган мурабба шаклида эди. Маҳобатли гумбаз марказига бир занжир осиб қўйилган, икки йилдан бери шундай аҳволда турарди.

Амир Темур Оқсаройга кирганидан кейин Уста Хоразмийнинг ҳаракатлари чакқонлашиб кетганини пайқади. У худди узоқ ҳижратдан сўнғ уйига қайтган одамга ўхшарди. “Ха, меъмор Оқсаройни согинибди...” деган фикр ўтди унинг хаёлидан.

Улар занжирга яқинлашдилар.

– Амир Соҳибқирон! – деди Уста Хоразмий. – Табаррук волидаларига атаб улуғ сарой курмоқни ният қилибдурлар, бунга беадад аҳсанталар деймиз. Кутлуғ ният бизни ҳам манглайдан ҳалол тер тўкиб, савоб деган улуғ хикматнинг бир улушига ҳақдор айласин, илоҳи. Оқсарой салтанатдаги биноларнинг сарваридур, у узоқ йиллар тоглардек қурч-у мустаҳкам турмоғи керак...

– Умидимиз шулдир! – тасдиқлади Амир Темур.

– Иншооллоҳ, лойиҳани, жаноби олийлари, ўzlари тасдиқладилар, деворларини тикладук. Ўzlари тез кошинлар-у парчинлар билан безасунлар, дея буюрдилар. Оқсарой залварли иморатдур, бир палла у чўкиб-тиниши, жойлашиб олиши керак. Йўқса тезда деворлар дарз кетиб, безаклар ўз хуснини йўқотадур, гумбаз заифлашадур... Бир иш икки бўладур. Бу ерда қолганимда ҳазратнинг фармонларини адо этмагим вожиб эрди... Мана буни, – деди занжирни кўрсатиб. – бинонинг чўккан-чўкмаганини текшириш учун осиб қўйгандик...

– Хўш... текширдингизму?

– Ҳовва. Бино кераклича чўкиб, ўрнашиб олибдур. Энди ўzlари айтғон сувоқ ва безак ишларини бошласак, пайтидур...

– Устод жуда түғри айтдилар, – сүзга қўшилди Муҳаммад Юсуф Табризий. – Оқсаройнинг тарҳи жуда ажойиб чизилибдур. Маҳобатда унга тенг келадиган иморат рубъи маскунда йўқ!

– Мамлакатдан излаб топа олмадик... – сўради Жаҳоншоҳ ибн Жоку мавзуни ўзгартириш маъносида. – Қаерда эдилар?

Уста Хоразмий жилмайишга уринди:

– Амир Соҳибқироннинг оқилона маслаҳатларини кўзимиз устига қўйиб, кўп жойларни зиёрат қилдик. Сафар чоғида Термиз ҳокимлари саройини ҳам кўрдик... Термиз ота мақбараси зиёратига борганда, кўнглимга бир ниятни туғиб қўйгандим: токи икки йилни шу ерда ўтказай, худо йўлида хизмат қиласай, ҳовли супуриб, боғчага қараб Термиз ота руҳларини шод этай деб... Қургон биноларимни шундок икки йиллаб ташлаб қўйиш одатимдур. Хоразм ҳукмдорлари қасрини тиклаганимда ҳам шундай йўл тутгандим. Нажмиддин Кубро хонақосида истиқомат айлагандим...

– Икки ой олдин Хурросондан қайтаётib, одатга кўра, Термиз отани зиёрат айладук, нечундир ўзларини учратмадик?.. – сўради Амир Темур ҳовли томон йўналаркан. – Ҳеч кимса шу ердалигинизни ҳам айтмадилар.

– Ҳовва... Гарчандки, сизни жуда кўргимиз келса ҳам, кўринмайин деб, камина чиллахонага кириб кетдим, мени айтмасликларини ўтиндим, Амир Соҳибқирон. Икки йилни Термиз ота ҳаққиларига дуолар қилиб, илоҳи, битгандан сўнг Оқсаройни бутун кўрк-у ҳусни бирлан тамошо этиш насибасидан дариф тутма, дея Оллоҳга илтижолар айлаб ўткардим...

– Ўтган ишга ўқинмаймен, ютуқлардан шодланмаймен!  
– деди Амир Темур босик. Ичида Уста Хоразмийнинг фидокорона тутумларидан ҳайратланар эди. – Эртаги кунни ўйлайлик. Меъмор Муҳаммад Юсуф Табризий бирлан ишни давом қилдирсунлар. Салтанатимда ҳар бир шаҳр-у қасабада<sup>1</sup> масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар бунёд этиш-

<sup>1</sup> Қасаба (мӯгулча) – шаҳар, шаҳарча, калъя; қўргон.

ни, мусофир йўловчиларга йўл устида работлар тиклашни, дарёларга кўприклар солиши буюрдим. Лекин жаноблар, билиб кўйсунларким, Оқсарой – барининг пошшосидур!

– Барининг пошшосидур! – кўллаб-куватлади Уста Хоразмий.

“Пошшосидур!”, “Пошшосидур!” садолари янгради. Саройнинг икки ёнида хали гулдастага айланиб улгурмаган яланғоч миноралар: “Бу гап тўғри!” дегандай мағрур кўкка бош тираб турарди.

– Мухтарам Уста Хоразмий жанобларига шогирд тушмоқ каминага худонинг илтифотидур, Амир Соҳибқирон!.. – сўз кўшди Муҳаммад Юсуф Табризий. У қирк бешлардаги ўрта бўйли, бурни япасқидан келган, ҳамиша табассуми юзида, очиқ чеҳрали одам эди.

– Давлатхонани кўрганман, Амир Соҳибқирон. Аҳсан-у аҳсан! Бизлар мезбон... Лозим топсалар, бош меъморликни кўли гул меҳмонимизга тобшурсалар... – таъзим қилди Уста Хоразмий.

– Йўқ-йўқ. Камина шогирддурбиз... – кўл қовуштириди Муҳаммад Юсуф Табризий. – Йўқ-йўқ...

– Меҳмонимизга тобшурсалар...

– Қуллуқ... камина шогирддурбиз...

– Тобшурсалар...

– Шогирддурбиз...

Икки меъмор аро камтарлик, синиқлик бобидаги самимий тортишув барчани лол этиб қўйди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### I

Хумоюн ўрдудан ўзини Форс хукмдори мансабига тайинланиши ҳакидаги кутлуг фармонни қачон олар эканман, деган умидда юрган Умаршайх Мирзо, хали фурсат етмаганини ҳис қиласади. Соҳибқироннинг шундай нияти

борлигини унга мунис ва мушфик маҳди улё Сарой-мулкхоним шипшитиб қўйди.

Бир куни Боғи Чинорда амирзодалар одатий ҳарбий машқларидан қайтган эдилар, катта малика Умаршайх Мирзони ёнига чорлаб, зилол сувли ҳовуз бўйига бошлади:

– Бир яхши мужда бор, амирзодам... – сўзга лаб очди паст овозда. – Амир Соҳибқирон кўнгилларида бир улуғ ният япроқ ёзмок ҳарақатида... Умаршайх Мирзо, кўзимнинг нури, Андижон ҳокими, ўғилларим ичидаги энг кўзи пишгани шу. Энди Форс вилоятини унга тақдим этурмен, дедиларда...

– Оллоҳ-таоло валинеъмат Соҳибқироннинг умрларини узок, салтанатларини пойидор айласун! – таъзим этди амирзода. Унинг чехрасида аслида маъқул, лекин буни ошкора қилишни истамаган одам ифодаси пайдо бўлди. – Бирор юртни бошқаргандан кўра, азиз падари бузрукворимиз ёнларида юрмоқ каминага баҳт-у саодатдур, хонимойим ҳазрати олиялари!

– Ҳамиша ҳазрат ёнидасизлар, сиздек фарзандларига суюнғонларидан Амир Соҳибқирон забардаст йигитлардай от жиловини тутғонлар-да! – Сароймулкхоним шундай дер экан, унинг айтган “яхши гап” и амирзодага ёкиб тушганини сезди.

– Менга түққан онамдан ҳам ортиқ меҳрибондурлар, хонимойим ҳазрати олиялари! Бу ҳам қисмат... Худога шукр...

“Бу фикр катта маликанинг ўзларидан чиққанлиги аниқдур... – деб ўйлади амирзода. – Шундай эканига асло шубҳам йўқ...”.

Ҳамиша фарзандлар камолини, салтанат иқболини ўйлаган Сароймулкхоним Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин бутун меҳр нурини амирзода Муҳаммад Султонга ва катта ўғилга айланиб қолган Умаршайх Мирзога қаратди. Шоҳруҳ Мирзо-ку ёнгинасида...

Мироншоҳ Мирзо ҳам кўнглининг бир четида... Бироқ тақдир тақозоси-ю Ҳумоюн ўрду фармони билан амирзодага Самарқанддан йироқларда яшашга тўғри келади. Унинг

ҳовли-ҳаётидан, афсуски, ҳар доим ҳам бохабар бўлиб туриш мушкул. Мироншоҳ Мирзо саройи, турмуши ҳакида фақат салтанат чопарлари хабарларидан, шунингдек, Хонзода хоним юбораётган мактублардан билиб олади.

Хоразм маликасининг мактублари Сароймулхоним учун ҳамиша тансиқ. Илгарилари Ҳиротдан мактублар юборарди, энди эса олис Султониядан мактублар келади. Икки нуфузли малика бир боғдамас, жилла курса, бир шаҳарда яшасалар кошкийди. Катта маликанинг суюкли келини билан ўзи хоҳлаган вақтда дийдорлашишга имкони йўқ. Илгарилари Боги Чинордан Боги Нақши жаҳонгacha бориб келишга ҳеч қанча вақт кетмасди. Энди эса у олисларда...

Яқинда мулозим Сафарберган кўкарчиннинг<sup>1</sup> Султониядан мактуб келтирганини айтганда, Хоразм маликасини жуда соғинган эканми, худди қоронғилиқдан ёруғликка чиқкан кишидай кувониб кетди, кўзлари қамашиб, мактубни ўқишга киришди.

Хонзода хоним Султониядаги ягона ҳашаматли саройда яшаётганлари ҳакида, сўнг подшоҳлик бўстонининг гули Мироншоҳ Мирзо соғлиги тўғрисида бироз хабар бериб, давом этганди:

“... Саккиз йилдирки, мана, ўзларидан, Ҳазрат Соҳибқирондан йироқдадурмен. Аввал амирзодам Ҳуросон волийси бўлиб тургонларида сал кам түққиз йил Ҳиротда истикомат қилдик. Ёдингиздаму, Ҳалил Султон икки ойлик чақалоқ эрди, Амир Соҳибқирон билан ўзларини Мургоб дарёси бўйига бориб зиёрат қилдик. Хонимойим бизни шарафлаб тўйлар қилиб бердилар.

Мана, бир йил бўлмоқда, ҳозир Султониядамиз. Кунлар ўтиб турибдур... Маҳди улё жсаноби олияларини жуда кўргим келадур. Оллоҳ азиз қилғон чеҳрага назар солмак кони савоббдур, дерлар ахир. Пешонамнинг шундог эканлиги, албатта, ёлғиз худодандур ва балки ўзим ҳам сабаб-

<sup>1</sup> Кўкарчин – хат ташувчи капитарнинг эски ўзбекча номи (муали).

чибурмен... *Худо раҳмат қилгур волидам Шакар бика жсаноби олиялари улуг бобомлар Султон Мұхаммад Үзбекхон ҳазратларидан сүйлаб, яхши юмушларим худонинг илтифотидур, ёмон ишларимга ўзим сабабчидурман, деганларини кўп айтар эрдилар. Оллоҳ таоло мени бир томондан сийлаб (яъни ҳасаб<sup>1</sup> йўли билан – шарафлаб, кўрк-у ҳусн ато этиб), иккинчи ёқдан қисди (яъни ёш туриб, суюкли ёримни Жаҳонгир Мирзони бағримдан тортиб олди). Мени ёлгиз ўзингиз анлагойсиз.*

*Хонимойим ҳазрати олиялари, яқинда Султония бозорига чиқдум. Оққиз ва бошқа канизаклар ёнимда. Диққатимни фақат дурлар ўзига тортди... Вой-бў, оламни дур босибдур, дедим. Бамисли дур-инжулар имтиҳони кечар эрди. Турли юртлардан дур-у марваридлар ташир эрканлар, Адандан, Хурмуздан... Бебаҳо дурларки, ундоғларини кам учратгонмен. Гурганж бозорига боргонимда, бир бор шундай манзарани кўргон эрдим. Ўзларига атаб ажсойиб бир шода йирик шоҳона дур сотиб олдим. Сарандиб соҳилларида терилгон эркан, мозор босиб келгон, маҳди улё худди шундогига ҳамиша орзуманд эрдилар, дедим. Иниоаллоҳ, етказадурмен...*

*Ҳайратланадургон ери бошқа ёқдадир. Дур сотадургон киши дедики: “Маликам! Агар истасалар, сизга ноёб бир дур кўрсатурман... Кечагина қўлимга келиб тушди. Балки сотиб олгойлар. Жуда қиммат, фақат ўзлари сотиб олишлари мумкин.” Буюрдим. Қарасам, бир чиганоқ (кўргонларимиз фақат дурнинг ўзи, лекин чиганоқдан ажсалмагон дурни энди учратишм!)... ичида эса жуда катта чиройли дур ёпишгон... Чиганоқнинг ўзи ҳам нафис, дурга айланиб кетибдур, садаф тароқ каби бағоят шуъладор товланадур. Дур чиганоқнинг бир бурчагида жони озриб қисилганча турадур. Бешафқат чархи фалак шўрликни ўша ёққа отибдур....*

*Кўлга олсангиз, ҳоли харобимни кўряпсенму, дегандек маъюс боқадур. У худди ёргулиқча чиқмоқчи бўладир, аммо кўймайдурлар. Чиганоқни ёриб чиқиб кетмоқни орзу қила-*

<sup>1</sup> Ҳасаб (арабча) – шахсан қозонилган донг-довруқ, фазилат (муалл).

дур, аммо қачон? Фикри ожизимча, ҳеч қачон! И-е, нималар деяпмен? Нималарни ёзяпмен ўзи? Узримни қабул айлангиз...

Аммо күнглим эзилиб кетди. Ўша чиганоқ гардуни дундир, дур эса – маликангиз... Дилимни ёрай десам, меҳрибон-у мушифиқ бонуийи кубро Кутлуғ Туркон оқа жаноби олиялари энді йүқлар, оламдан ўтгонлар, ўзлари эса йироқдадурлар.

Нетайким, ўшал дурдурмен... Кўксимда гам гириҳлари тугун-тугун, юрагимни сиқадур. Билиб туриб чиганоқда яшашга розилик бердим. Ўзимни ўзим тутуб бердим. Султонияда вужуди оғочга айланғон Хонзода хоним юрибдир, холос... Ҳа-ҳа, амирзодам учун одам шаклидаги бир шамшоддурмен! Жаҳонгир Мирзо ўтсалар ҳам, мен улар заифасимен!.. Бошқа эмасдурмен!

Расулоллоҳ ҳадисларида: “Агар бирор кишини бирор кишиига сажда құлмакка буюришим мүмкин эрса, аёлларни эрларига сажда құлмакка буюргай эрдим”, дейилгендор. Ҳа, мен суюклигимга сажда қылғонмен, холос! Ҳаёлимда фақат суюклигим, ўглим Мұхаммад Султоннинг падари бузруквори улуг шаҳзодам Жаҳонгир Мирзодурлар... Ҳали-ҳануз шаҳзодам ҳозир эшикдан кириб келадурлар, деган умидда яшаймен. Ҳали-ҳануз одаттурки, қабрларини тавоф айлаймен, күрамен, шу ерда ётибдурлар, аммо Боги Нақши жаҳонга қайтиб яна шаҳзодам қадамларига илҳақ бўлаётгонимни сезамен, бори вужудим қақшайдир...”

Сароймулхоним шу ерда ўзини тутиб туролмади, мактуб қўлига оғирлик қилгандай, аста олдидаги гулдор курсичага қўйди, хўрсиниб нафас олганча, боққа тикилди. Куз охирлаб бораарди. Аллақандай мажхул туйғулардан унинг кўнгли тинчини йўқотди, беихтиёр нозик ияги титради, чап юзидаги кичкина чиройли холи хомушланди...

Хонзода хоним рухиятими, ё буткул заъфарон тусга чулғанган Боги Чинор манзараси таъсир этдими, билолмади. Турли хаёллар бостириб келди... Мироншоҳ Мирзо билан муносабатлар ҳакида лом-мим дейилмаган эса-да, Сароймулхоним мактуб оҳангি-ю сўзлар ортидаги пинҳон маънолардан вазият таранглигини илғади. Хонзода хонимнинг

бесаранжомлиги бутун салтанатга сезиладур, дер эди Соҳибқирон, катта малика ана шундан чўчирди.

Катта малика мактубни яна кўлига олди:

“... Парвардигор иноят айлаб бир ўғил берib эрди, хонимойим ҳазрати олиялари, Мұхаммад Қосим отлиг. Жуда ҳам қувонган эрдим, оғаларига шерик тугилди, деб. Бирам ширинтой, бирам ширинтой эдики! Жаҳонгир Мирзо шаҳзодам мисолида худои таоло кўрсатиб қўйгонди-ку ўзи, тагин билмай қаттиқ қувониб юборибмен, шекилли, икки ойлигигда оламдан ўтди... Не дердим? Оллоҳга шукр, Амир Соҳибқирон бордурлар, ўзлари бордурлар, ўғилларим бор, қизим бор, Бика Султон, муҳтарама-ю мукаррама малика Туман оқа тарбиясидадур, – деб давом этганди Хонзода хоним. – Шул сабабдан яшагим келадур, яшашига маҳкуммен.... Мұхаммад Султон билан Ҳалил Султонлар ўзларининг кўз қарогларида эмин-эркин вояга етишимакда. Амир Соҳибқирон Мұхаммад Султонни валиаҳд деб атабдурлар. Шукрлар қиласилен... ва қўрқамен. Кўз тегмасин, деб қўрқамен...

Хонимойим ҳазрати олиялари, шаҳзодам, ҳисоблаб юрибмен, ўн олтини тўлдирдилар. Кўнглимни унинг тўйида қувониш умиди забт айлагондир. Яқинда туши кўрдим, ўғилжонимнинг тўйида эмишмиз... У ёгини эслолмадим. Илтимос-у илтижоим шулки, Амир Соҳибқирондан ҳам мадад-у ҳам маслаҳат олсалар, тўй тадоригига киришсалар...

Бир андишани айтмакка журъат этадурмен, маъзур тутгайлар. Яқинда подшоҳлик сандигининг дури Мирониоҳ Мирзо Марви Шоҳижсаёнга меҳмонга бордилар ва ҳиммат айладилар, биз ҳам ҳамроҳ бўлдук... Раъим бўлмаса ҳам, журъат этдим. Марв ҳокими Амир Алибек Жониқурбонийнинг чаман богида истироҳат қиласилен. Аммо мени боғнинг кўрк-у таровати ёки меҳмондорчилик шукуҳи эмас, балки... боғдаги бир гул – амирнинг қизи Ҳон Султон оқа мафтун қиласи! Эшигден эрдимки, амирзодамнинг волидалари ҳам Жониқурбонийлардан эрканлар, балки шунинг учун низоний қариндошлиқ ришиналари боғлаб олиб келдими Марвга... Та-

гени билгувчи яратганинг ўзи. Агар шул гўзал қизни келинликка чоғласак, не дер эдилар?..

Вой, нималар деяпмен? Ахир келинимиз-ку ўзи! Ёдингиздаму, шаҳзодам тўрт ёшда эрканларида валинеъмат Соҳибқирон Амир Алибек Жониқурбонийнинг қизини Мұҳаммад Султонга қалинлиқ қылғон эрдилар? Неча кун тўйлар тортиб, амирга отлар миндуруб, хильъатлар кийдурдилар! Энди бу ёги Амир Соҳибқирон бирлан ўзла-рининг теран ақл-у тиник идрокларига ҳаволадур... Бор шахт-у шиижсатимизни жам алаб турубдурбиз, пойтахти фирмавсмонанддан эсгувчи сабога мунтазирдурбиз...

Кўллари дуода-ю, тили санода маликангиз  
Хонзода хоним.

Султония. Етти юз тўқсон тўрт ҳижрий, шавволнинг ўн еттиси.”

Сароймулкхоним Хоразм маликасининг мактуб баҳона бир кўнглини бўшатиб олганини кўриб юраги беҳол увалди ва дарҳол жавоб ёзишга киришди:

“Ассалому алайкум ва баракотух. Суюкли ва ардоқли маликаи даврон Севин бика жсаноби олияларига, нурли узорларига тикилиб-тикилиб ўлтириши баҳтидан умидвор хонимойимдан деб билгайлар. Худонинг бемисл марҳаматидай туюлғон муборак мактубингиз қўлимизга етди, бошимиз эса нақ – осмонга... Хатингизнинг қорасидан дилларимиз ёришиди... Бемеҳр замона зайли билан, бир юртда туриб, кўришмагонимизга хийла йиллар бўлди.

Парвардигорнинг паноҳида омон-эсон юргонингизни билиб, синиқ кўнгуллар таскин топди. Шукрлар қиласмен, деб тўғри ёзибдурсиз. Фаромуш бўлинмасунким, парвардигор даставвал тупроқдан Одам Ато алайҳиссаломни ўзининг Ердаги халифаси сифатида яратмишдур ва ўз руҳидан жон ато этмишдур... Момо Ҳаво онамиз эса Одам Ато қобиргеларидан яратилгендор. Расулуллоҳ ҳадисларида: “Аёл киши эркакнинг чап қовургасидан яратилгендор. Агар сен эгри қовургани тўгрилайман десанг, синдириб қўясен.

*Бас, у билан муроса қил, авайла, шунда бирга яшай оласен!”  
қабилида ривоят бордур. Бу биз заифаларга тегишилидур.*

*Куроъни каримда: “Эркаклар хотинлари устидан раҳбардурлар.” – дейилгени ёдингиздаму? Нечоғлик ҳиддат айласак ҳам, барибир биз заифалар, биронинг хасми эканимизни унумоққа уринмогимиз бенафдур, жоним маликам!*

*Аммо баш: чиганоқдаги дур буткул эс-хушиимни олиб қўйди... Айтгандай, бир шода Сарандиб дуридан бизга илингонингиз учун миннатдорчилигимни қабул айлангиз.  
Илгимдаги дурлар ичida энг аълоси-ю зебоси бўлгувсидур!*

*Бир нарсага дилим оғрийдур, маликам. Икки подишо бирбири билан саваш қурадур, бириси голиб чиқадур. Голиб подишо мағлубнинг ҳарамини ўз измига оладур. Подишо малика ва канизакларни ўзи учун танлайдур, лашкар бошиларига тарқатадур. Бечора заифаларда забон йўқ, лом-мим дея олмайдурлар. Жангларда навкарларнинг таламон пайти қўлга киритгон асиirlари эркаги қул, аёли чўрига айланурлар. Ана ўша чўрилар тақдирчи? “Уруш-жсангларда эга бўлган чўриларингиз ҳалолдур”, деган оятни ўқигонмен “Нисо” сурасида... Магар сиздек нодираи салтнамат, олий мартаба малика ўзларини чиганоқда яшаётгондек туйсалар, у ҳолда ана бу бечора чўрилар не чора қилгойлар эркан, деб ўйларга ботамен... Шукр этмак лозим, маликам.*

*Аммо сўз келиб қолди, айтамен, Амир Соҳибқиронимиз ўзга подишоҳларга сира менгзамайдурлар. Ҳарбий сафарлар вақтида, даставвал уруши олдини олиб, қариндошлиликни йўлга қўшишини ўйлайдурлар ва ўша мамлакат подишосига элчи юбориб, ё сен қизингни ўғлимга бер ёки набирамни сенга келин қилиб узатай, кел, жсангни оти ўчсун, деб совчи юборадурлар. Бунинг сабабчиларидан бири, албатта, хонимойингиздур... Аммо... аммо... Санаб чиқдум, ўн бешдан ортиқ юртни мусаххар айлабдурлар. Лекин голиб эрсаларда, биронта подишо қизига кўз ташламабдурлар, ҳарамидан бирон маликани ўзлари учун ташламабдурлар!*

*Наҳотки ўшал ҳарамларда гўзал, ақлни ўғирлашга қодир ҳурилиқолар бўлмаса?.. Бандасининг нафси ўз хоҳишини ўйлаб, уни татиб кўрсам, буни ҳидласам, деган ҳой-ҳавасга*

ҳамиша тайёр тураладур. Ҳазрат Соҳибқироннинг улугликлари беҳаддурки, ҳар жойга, ҳар нимарсага қўл узотсалар етмоги муқаррар ҳолда, ҳамиша инсоф этагини тутурлар, меъёрга қаттиқ риоя этурлар, нафсларини жисловлашга қодирдурлар, ҳатто ўз вақтларини аяб, айш-у ишрат билан ўтказишга қизгонадурлар!..

Эрон сафарига бораётуб, Амир Соҳибқирон Жўйи Зарда барчамизни қўрқитиб юбордилар, Оллоҳга шукр, шифосини берди ўшанда. Барча амирзодалар-у маликаларни чорлатдилар, сизларни йироқдалигингишни ўйлаб, аядилар, шекилини. Ортиқ заҳмат чекмасунлар, дедиларми... Машҳур ҳозик-табиблар шифо излаб тун-у кун уйқу нималигини билмадилар. Ўзим гувоҳмен, шаҳзодам Мұхаммад Султонни кўргонларидан сўнггина, қувват олдиларми дейман, оёққа турдилар.

Ростдан ҳам, ҳазрат шаҳзодамни жуда яхши суюдилар, жами фарзандлари бошқа-ю, жаҳон шаҳзодаси бошқа... Беҳад меҳр қўйиш ҳам бехосият нарса, нафсиларни айтсан, ўзим ҳам қўрқамен. Ҳамма нарсада меъёрни қаттиқ тутғон ҳазрат, Мұхаммад Султонга қолгонда ожиздурлар, меҳрларини тия олмайдурлар...

Дунё аҳлининг шаҳзодаси Мұхаммад Султон балогат ёшига етмишлар. Кошки эди, унинг тўйини биргаликда шодумон ўтказсак! Ўша кунларга етказсун. Сизга айтсан, мен ҳам бир келин топиб қўйдум! Бошқа юртлардан эрмас, ўзимиздан, бир гаройиб дурри якто, моҳиталъат<sup>1</sup> қиз! Мұхтарам раҳматли Амир Жоку барлос ўғли Жаҳоншоҳ ибн Жоку қизлари эркан.

Амир Соҳибқиронга шарт қўйгонменки, шаҳзодам қайлиги ўзимиздан танлансун, тегли-тахти хонадондан олинсун деб... Ҳазратнинг ўзлари ҳам, бу борада қаттиқ тураладурлар, валиаҳдлар оналари хорижликми, бас, ўша ёққа тортадур, келажакда салтанатга хавф келтирадур, юртни пароканда қиласадур, деб... Бироқ ҳали ул зотга муносиб қиз топгоним ҳақида сўз дея олгоним йўқ. Бу фақат дийдорлаши-

<sup>1</sup> Моҳиталъат – юзи ой каби.

*гонда айтиладургон гапдур.*

Хон Султон оқа ростдан ҳам шаҳзодамга қалинлиқ қилингон, келинумиздур, эслатиб қўйғонингиз қўнглимиз-дагидек иш бўлибдур. Ул ожиза сизга ёққан бўлса, у ҳақда баҳслашиб ўлтириши маънисизликдур, деган фикрдамен, зеро бизга ҳам мақбул бўлиши ҳар қандай гумонлардан холидур.

Алқисса, Оллоҳ иноят айлаб турибди, Амир Соҳибқирон Наврӯз айёмига сарой-у ҳарам аҳлини Мозандаронда жамулжасам этмоқчи эрканлар, чопар шундай хушхабар олиб келди. Иниооллоҳ, яқин кунларда кўришгоймиз.

3  
*Боқий дуои салом ила*

**Сароймулкхоним**

*Самарқанд. Ҳижрий етти юз тўқсон тўрт, зулқаъда бошлари<sup>1</sup>”*

Маҳди улё Сафарберганни чақиртириб, мактубни зудлик билан Султонияга етказдиришни буюрди-ю, хаёли Мухаммад Султонга кетди.

Шаҳзода эндингина ўн тўрт ёшга тўлган паллалар... Сароймулкхоним бу гал салтанат юмушлари ҳақида эмас, фарзандлар парвариши ва уларга иззат, эътибор ҳақида, хусусан амирзодалар тўғрисида Соҳибқирон билан яна кенгашиб олиш заруратини сезди. “Доим амирзодалар қўнглини авайлаш даркор, – дерди ўзича катта малика, – уларга бепарво қарамаслик лозим. Улар салтанат давомчилари-дурлар. Иложи йўқ эрса-да, барчасига бирдай қарашга тиришмок керак, токи ҳеч бирининг кўнгли чўкиб колмасин. Эсидан чиқаролмай юради.”

Ёзнинг бошлари, Соҳибқирон Боғи Чинорга ташриф буюрадиган сирли пайшанба оқшомларининг бири. Самарқанднинг гир-ғир шабадаси боғни оралаб эсар, меҳр истаб гулларнинг пинжига киришга уринар, суйкалар, эркаланиб чинор баргларини силар, шохларига осилар, енгилгина шовуллатиб, юксакларга ўрларди.

---

<sup>1</sup>Милодий 1392-йил ноябрь бошларига тўғри келади.

Маҳди улё Амир Темурнинг руҳи тетик, қайфияти аъло эканини кўрди. Хобхонанинг рўбарўдаги деворига ўн беш йиллар муқаддам чизилган, ҳали ранглари тиниқ каттагина суратдан ҳам Соҳибқирон буни тасдиқлагандай жилмайиб қарайди.

Сароймулхоним доим интиқ кутади, Соҳибқирон унинг хонасига кириши биланоқ, атроф аллақандай жаннатий бир муаттар бўйга тўлади. Бу мушки Хўтган эмас, ўзгача ифор, дилтортар ҳид, Соҳибқироннинг бўйи... Маҳди улё Соҳибқирондан тараладиган, табиат ато этган бу ёқимли ва бетакрор ҳиддан ҳамиша сархуш бўлади... Кешда юз берган илк никоҳ кечаси ҳануз эсида. Парвардигор бандасини висол баҳтига ҳақдор яратган, Сароймулхонимни ҳам ана ўша толедан баҳраманд қилди, сурурдан ўзини йўқотар даражага етди. Ўшанда ҳам уни маст-у сархуш айлаган Соҳибқироннинг бўйи ва эҳтироси бўлганди.

Тун сехрли эди, дийдорлашув лаҳзалари завқиёб кечди, хоҳиш ва эҳтирос йўллари бир-бирига туташиб кетди. Ҳатто деворлар ҳам ҳазрат билан катта маликани оташин соғинч ўз забтига олганини ҳис этгандай, кўз узолмас, лол, лом-мим демасдилар...

Кейин, одатдагидек, уйқу қочди, султон билан маликада кўнгилдан бир сўзлашиб истаги туғилгани билинди. Сидирга ҳарир кўк ипак кўйлак кийиб олган, юzlари ажабтовур қирмизи рангга кирган Сароймулхоним Соҳибқирон кўзига яна ҳам гўзал, некужамол ва латофатли кўриниб кетди. Улар меҳмонхонага ўтдилар, малика зарурат йўқ эса-да, ёзиқлик саккиз қават ипак тўшакларни меҳр билан бир-бир олиб қайтадан солиб чиқди, четларини тўғрилади. Ўлтирилар.

Деразадаги пуштиранг шоҳи дарпарда назокат билан қадалган зумрад ва бошқа ақиқ тошлардан мафтункор тарзда жилоланиб кўринар, пардани ўйнаган енгил шабада нафаси гоҳ-гоҳ бурчакдаги шамларга ҳам тегиб оҳиста лопиллатар, чинор баргларининг шитир-шитири охири йўқ мангулик кўшиғидай қулоққа ёқимли эшитиларди.

– Ҳазратим...

Сароймулхоним оҳиста шундай деди-ю заррин тўшак-

нинг фавқулодда лов-лов ёниб турган қип-қизил жиягига тикилганча, тұхтаб қолди. Унинг гаплари күп, лекин қайси биридан бошлаш лозимлиги маликани қийнарди. Қувончли янгиликлар ҳам бор, ташвишли хабарлар ҳам йўқ эмас....

Мироншоҳ Мирзо Хурросон волийлигига тайинланғандан сўнг, амирзодага узатилган Хонзода хоним, вазиятга қараб, гоҳ Марвда, гоҳ Сабзаворда, гоҳ эса Қазвинда истиқомат қиласарди. Гапнинг сираси, ҳар гал Хонзода хонимни, ўзини ўйласа, Сароймулхонимнинг ўпкаси тўлиб кетади. Бу қандай адолатсизликки, салтанатда энг ардокли маликалар эканликлари сабаблими, шунисини билмайди, парвардигор турли мусибат-у мashaққатларни уларнинг шўрлик бошларига ёғдиради? Биттасини бир томондан қисади, иккинчисини бошқа томондан...

Хонзода хоним ўн етти ёшида тул қолди. Дунёдан танҳо ўтамен, ёр ҳам, ошиқ ҳам керак эмасдур, деб турганда, Соҳибқирон билан худо раҳмати эгачи Кутлуғ Туркон оқанинг раъйларига қараб, бор дардини ичига ютди, ўзи ёқтиргмаган, ўзидан етти ёш кичик амирзода Мироншоҳ Мирзо ҳарамига қадам қўйишга розилик берди...

Сароймулхонимнинг ўзи ҳам ёш маликанинг заминида шафқатсиз ҳақиқат ётган сўзларини тан олса-да, Мироншоҳ Мирзога эрга чиқишига ундали ўшандади. Бошқа йўл кўринмади.

Маҳди улё, аёл зотининг, айниқса, Хонзода хонимдай ўз қадр-кимматини ерга урмайдиган дурри якто-ю зебойи оғатижон, нозиктаъб гўзал ойимчанинг сўймаган одам билан бир ёстиққа бош қўйиши қанчалар адолатсизлик эканини жуда чукур англайди. Ёлғиз ўтиш эса ундан-да оғир...

Катта маликанинг ўзи-чи? Йигирма икки йилдирки, у Амир Темур Кўрагон ҳарами... Соҳибқирон меҳридан тобора қулфи-дили очилиб, кўрк-у ҳусн афлокининг офтоби-ю, зехн-у идрок самосининг юлдузига айланди. Уни зукко аёл сифатида ҳарамда ардоқлаб “Бибихоним” деб атайдилар. Аммо бир фарзанд илинжида не-не ойлар, не-не йиллар бенаф кечди. Тангрига ёлбориб чиққан тунларининг саноғи

йўқ. Ҳали ҳануз кўнгиллар интизор, кўзлар эса нигорон... Аёл зоти фарзанд кўриши мумкин бўлган қизик паллалар ҳам, афсуски, ўтиб кетаётир...

Буни кейин Муҳаммад Чуроға додхонинг ўзи катта маликага айтиб берди. “Бири кам дунё деб шуни айтсалар керак, Мамат... – деган эмишлар Соҳибқирон. – Афсус, ҳай афсус!.. Бибидай дурри якто маликадан бир ўғил туғилса, салтанатим валиахдлиги ўшаники эди-ку! Унинг томирида Соҳибқирони аъзам Чингизхон билан Амир Темур Кўрагон қони бирга оқарди!..”

Эшитибоқ яраси янгиланган Сароймулхоним ўзини тута олмай қолди, туни билан хобхонада ёлғиз йифидан ўчини олди, кўз ёшларини ўзи-ю ёстиқдан бошқа ҳеч ким кўрмади... Юрагининг туб-тубидан армонлар нолага йўғрилиб отилиб чиқди:

“Эй, худойим! Бандаларингнинг раъйига доим ҳам қарайвермас экансен-да! – деб юборди инграганча Сароймулхоним. – Зор-у таваллоларимизга бокмай, бизлардан бир тирноқни аядинг... Анчайин чор-ночор бандаларингга ҳам қатор-қатор ўғиллар бериб турибсен-ку! Фақат валинеъмат жаҳонгир Амир Темур Кўрагон билан маҳди улё Сароймулхонимлар бундан мустаснолар!..

Оҳ, эл, улус мени улуғлаб маҳди улё – “олий бешик” эгаси дейдилар, қани ўша бешик?.. Қани?.. Қайси гуноҳим учун мени аёл зотининг ёруғ орзуси – бешикдан, бешик кучоқлашдан бенасиб этдинг? Ё раббий! Ўзим ўғил туғмаганим учун эмас, балки азизу мукаррам валийнеъматимнинг, Соҳибқиронимнинг фарзандга интиқликлари-ю шунга эриша олмаганларини, аъён-у акобир, раият-у авомуннос олдида пинҳона кўнгиллари чўкканларини ўйласам, алам жон-жонимдан ўтиб кетадур, юрак-юрагимни сирқиратадур, раҳмим келадур. Эвоҳ! Эркак киши асло ўксуб, боши эгилиб қолмасун, илоҳи! Хайриятки, Соҳибқироннинг мендан бошқа завжалари бор, фарзандларининг бўйларига боқиб кувониб юрамен, шунисига ҳам шукр қиласмен... Шукр... Шукр...”

Сароймулхоним ўзини яна ёстиқка отди ва яна хўнграб

йиғлаб юборди...

Маҳди улёning фаҳмича, худои таоло нечундир Соҳибқиронни фарзандлардан камситгандек туюлади. Балки, бу гап ҳам унчалар түғри эмас, малика билади, ул зот умуман саккиз ўғил, тўққизта қиз кўрганлар. Тўрт ўғилнинг биттаси шаръий никоҳдан туғилган, у ҳам оламдан кўз юмган, учтаси хос канизаг-у жориялардан дунёга келган. Худойим яна тўрт ўғил ато этди-ю уларга умр бермади. Жаҳоншоҳ Мирзо деган ўғил беш ёшда, яна иккитаси чақалоқлигида, Иброҳим Мирзо эса етти ёшда қазо килдилар. Кизлардан иккита-сигина ўсиб катта бўлиб вояга етди.

Катта ўғил Умаршайх Мирзо мард, бироз тезлиги-ю қўрслиги, шартаки, жizzакилиги ҳам бор, покдил, хушсурат йигитнинг меҳр-у муруватга ташналиги шундокқина кўзла-рида намоён. Сароймулхоним амирзоданинг кейинги пайтларда маъюсланиб юрганини ўзича, онаси Тўлин оқа-нинг Соҳибқирон жорияларидан эканлигига йўяди.

Қандайдир қадимлардан қолган таомилга кўра, – буни ким ўйлаб чиқарганини бирор билмайди, – канизакнинг, жориянинг боласи амирзода, хонзода саналади, аммо тахтга ворис ҳисобланмайди... Йўқса Жаҳонгир Мирзодан кейин катта ўғил сифатида уни валиаҳд деб аташлари керак эди, бироқ бу ҳақда ҳеч қандай сўз кечмади. Ўғиллар туриб, набира Мухаммад Султон валиаҳдликка лойик кўрилди... Бу Умаршайх Мирзога қаттиқ ботгани аён. Кейинроқ канизак Менгли бика оқа фарзанди Мироншоҳ Мирзога ҳам ёқма-ганини эшилди, кўнглига жуда оғир олган эмиш. Мироншоҳ Мирзода қизиққонлик, яшираман дейди-ю уддасидан чиқа олмайдиган қувлик бор, маккорлиқдан ҳам тап тортмайди, жасур, Сароймулхоним буни билади, бироқ унинг шафқат-сизроқ эканидан бирон ножӯя юмушга қўл уриб кўймасин-да, деб хавотирда юради.

Сароймулхоним хаёлларни нари қувди:

– Ҳазратим...

Амир Темур суюкли хотинига тикилди, унда қандайдир саросималик аломатларини пайқаб ташвишланганча сўради:

– Биби... нима бўлди?

Маҳди улё муҳим гапни айтишдан олдин ўрганган одатига кўра ўнг чеккасидаги чиройли гажагини силаб кўйди. Кўнглининг тубида кўпчиб ётган Хоразм маликаси ва ўзининг дардларини бир четга сурди-ю ерга тикилганча оҳиста сўзланди:

– Азиз фарзандларимизни ўйлаймен...

Маликанинг сўзларида сира сунъийлик сезилмади. Бошқаларнинг болаларини ўзиники деб туймоқ учун катта ирода, инсоф кераклигини Соҳибқирон теран тушунди, ичида Сароймулхонимга яна бир карра тан берди ва эҳтироми ортди. Жуда чиройли сўзлар айтди, малика! Барно сўз ҳам инсоннинг кўркига кўрк қўшади...

– Фарзандларимизни ўйласак, ўзимизни ўйлағонимиз шулдир, Биби! Адолатли йўл тутубдурсиз...

Амир Темур беихтиёр ўзини тортиброқ турган маликанинг елкасидан қучди-да, чап юзидағи кичкина чиройли қора холидан ўпиб кўйди. Малика ёш кизлардай уялиб кетди.

Орага жимлик чўқди.

– Англайдурмен, ҳазратим... – деди аста катта малика.

– Нима учун учта расидабўй ўғиллар туриб, набиралари шахзода Муҳаммад Султонни валиаҳд атагонингизга фаҳмим етадур...

Сароймулхоним Соҳибқиронни ранжитиб кўймаслик учун сўзларни териб-териб гапиради. Чунки у фарзандлар ҳақидаги сўзларнинг ҳаммаси ҳам Амир Темурга унчалар ёқавермаслигини биларди. Жаҳонгир Мирзо вафот этгандан кейин бир кун фарзандлар ҳақида сухбатлашганларида, Соҳибқироннинг айтган мана бу сўзлари маликанинг ҳозиргидек эсида:

– Муҳаммад Хоразмшоҳ шавкатли ўғли Султон Жалолиддиннинг қадрига етмади, Чингизхон юртга бостириб кирғондан кейингина, унга подшоликни тобшурди. Султон Жалолиддин Чингизхонга бош эгмади. У ана шундоқ баҳодир ва жасур эди. Синд дарёси бўйида душманни доғда қолдириб, дарёга от солдириб ўтиб кетди. Чингизхон караб: “Эҳ, тўрт ўғлимнинг ўrniga битта шундай ўғлим

бўлганда бас эди, дунёни олардим!..” – деган экан!

– Худо хоҳласа, Муҳаммад Султон набирамиз Чингизхоннинг ҳавасини келтурғон Султон Жалолиддин сингари жасурлик мартабасига минғай, дунёларга сурон солғай!.. Отини ҳам ўша баҳодирга ҳавас қилиб атағондилар, шекили, ўзлари... – деганди ўшанда катта малика.

Сароймулхоним оҳиста Соҳибқироннинг ногирон ўнг оёғини уқалай бошлади.

– Барига ақлингиз етадур, Биби, бунга асло шубҳам йўқ... – жилмайганча тикилди оғриган оёғи ором олаётган Амир Темур.

– Амир Соҳибқирон! Шак йўқ, айтмакчи сўзларим ҳақида аллақачон ўзлари ўйлаб қўйғонлар. Ичим куйгонидан, ёдингизга солурмен, холос. Амирзодалар бекор қолмасунлар, бекордан худо безор деганлар ахир, улар юртга эгалик қилсунлар, токи салтанат бошқаришни ўргансунлар...

– Катта малика бироз тин олгач, давом этди. – Умаршайх Мирзонинг Андижонда юрт бошқарғонлари кўп фойдали юмуш бўлди. Унга Форс вилоятини лойик кўрсалар, дейман... Хайрият, Мироншоҳ Мирзо Хуросон волийлигидан Хулокухон мулкига ўтиб бугун Мағрибда қўрғон бўлиб турибдирлар. Шоҳруҳ Мирзога Хуросонни иноят қилсунлар, дер эдим. Жуда кўнгли нозик... Токи фарзандларимиз ўз ишлари билан машғул бўлсунлар, турфа фитна-ю фисқ-у фасод йўллари беркилсун, илоҳи... Фарзандларимизни йўлдан ургувчи, ҳар хил ножӯя фикрларни уларнинг барадай покиза, нозик кўнгилларига жойлашни истагувчилар йўқ дайсизму? Худонинг ўзи сақласун... Султон Ҳусайн Мирзо, Пир Муҳаммад Мирзолар, Умар Мирзо, Абу Бақр Мирзо, Халил Султон... Оллоҳга шукр, улар, худога шукр, кўп, барини кўздан қочирмаслик лозим.

Сароймулхоним Орзумулк оқа қўлида тарбияланадиган Султон Ҳусайн Мирзо ҳакида ўзининг хавотирларини айтмоқчи эди, аммо хозир пайти эмаслигини билиб индамади. Оқа бегимнинг ўнга кирган ўғли жуда писмиқ, тунд, “ичимдагини топ” хилидан чиқиб қолди. Баликникига ўхшаган иргиб чиқкан кўзларида ҳамиша норозилик аломат-

лари сезилади. Шу пайтгача катта малика бир марта ҳам амирзоданинг кулиб қараганини кўрмаган. Ҳамиша нимадандир хафа, хўмрайиб юради.

– Мен юрт бермаймен, Биби... Мен кимдурмен?

– Худди ўз-ўзидан сўрагандай деди Амир Темур. – Бир бандамен, холос. Фарзандларимизга юртни Оллоҳ берадур, бари эгамнинг мулкидур. Ишқилиб, уларни юртни, улусни ияртишга кифоя ақл-идроқдан, фаросатдан қисмасун. Инсофдан қисмасун. Йўқса фитналар чиқмоғи аёндур...

– Худодан умидимиз бор ахир. Ноумид шайтон, деганлар... Фарзандларимиз фаросатли, ҳеч нарсага даъвогарлик айламайдурлар...

Амир Темур кўзларини юмганча, хаёлга чўмди, кейин сўзга оғиз очди:

– Ҳа, фарзандлар вояга етишмакда, Биби...

Кеча кўк дафтарга салтанатда интизом сақлаш борасида бир тузук ёздириб қўйдум. Зарурат туғилди. Дедимки, агар ўғилларимдан бирори салтанат мартабасига даъвогарлик ниятида бош кўтарса, уни ўлдиришга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга журъат қилмасунлар, деб... Тобакай ўз даъвосидан кечмас экан, асирикда сақласунлар, чўби ясокқа етказсунлар. Башарти, набиралар ёки қавм-у қариндошлардан бири салтанатга қарши чикса, бор мол-мулки тортиб олинсун. Мурод улким, худонинг мулкида уруш чиқмасун...

– Иншооллоҳ, фарзандларимиз асло ундоғ одобсизликларга юз бурмагайлар, барчаси ақлли, ўткир зехнли, андишали... Валинеъматлари ким ахир? Худонинг ўзи инсоф берсун, – қувониб кетди малика. – Тузук ёздириб қўиб, бағоят адолатли иш қилибдурлар, Амир Соҳибқирон! Рост сўзладилар, салтанат худонинг мулкидур, лекин унинг ердаги сояси ўзлари эканларини ҳам ёдда тутсунлар...

Амир Темур хиёл бош тебратди.

– Биби, фарзандлардан, набиралардан умидим катта...

– Иншооллоҳ, умидларингиз рўёбга чиққай, ҳазратим...

Султон ва малика хаёллар оғушига чўмганча, жим қолдилар. Сароймулхоним нозик кўллари билан оёқ уқалашда давом

этди.

Деразадан чинор баргларининг сирли шитир-шитирлари охиста меҳмонхонага эшитилиб турар, Самарқанд кечасининг бағоят сўлим ва ёқимли эканини янада бўртириб кўрсатарди.

Бироз вакт ўтиб, Ҳумоюн ўрдудан Умаршайх Мирзога Форс вилояти хокимлиги берилгани ҳақида фармон қулоқларга етди. Айниқса фармондаги: "... Форсда муким бўлмак, теварак атроф мамлакатлар орасида жавоҳир тасбеҳдаги боғловчи бир дурдона мисол муҳташам диёр идораси ва ихтиёри жаҳон амирзодасининг олисларни чамалай олгувчи ўткир зехни-идрокига, машакқатларни енгиб ўтувчи раъи-рағбатига ҳавола этилсун", деган сўзлар Умаршайх Мирзога жуда ҳам хуш келди...

## П

Соғинч бика эс-хушини фавқулодда ишқ туйғуларига олдириб, ғаройиб ҳолатда Самарқандга қайтди...

Бир қараганда, кандай воқеа юз берганини ўзи ҳам билмай қолди, шекилли. Қизнинг назарида, бирдан олам кенгайиб кетди, ҳамма нарса кўзига гўзал туюла бошлади. Кунчикишда саф тортган Ургут тоғлари яна ҳам салобатлироқдек...

Ховлиларидан шундоккина кўриниб турадиган муҳташам Оҳанин дарвозаси ҳам ажабо, бугун кечагидан бошқачароқдек... Кўп марта бу ердан ўтган-у, яхши қарамабди, жуда баланд экан, ўн икки газча бор, эни саккиз газга якин. Шунчалар нақшиннигорки, боқиб тўймайсан киши. Икки табакадаги тилла суви юритилган, чақалоқнинг боши сиғар даражада иккита катта ҳалқаси узоклардан яраклаб кўзга ташланади.

Уч йил олдин Соҳибқирон Тошканд томонлардан қайтганларида, бутун Самарқанд ахли қўчани тўлдириб, шу дарвозадан истиқболга чиқиб борганди. Соғинч бика ҳам дугоналари билан Конигилга йўл олсалар шу ердан ўтадилар.

Қизнинг бу дарвозани эслаганига бир туш ҳам сабабчи.

У бир неча кун аввал тонгсаҳар чоги тушида шаҳзодани кўрибди... Ёпирай! Ўша олам шаҳзодаси... Тошканд тарафлардан келаётган эмишлар. Қиз уйдан чиқиб дарвоза томон йўналибди. Чорсу майдонига олиб борадиган равон ва донгил Богкўча бўм-бўш, кимсасиз, ҳеч ким йўқ эмиш. Дарвозанинг у ёғида, юз қадамлар нарида шаҳзоданинг шиддат билан отда яқинлашаётгани сезилармиш. Шу палла шаҳарда фақат икки одам – парвойи фалак шаҳзода билан қалби ўрганган кизгина бордек гўё...

Ниҳоят, дарвоза ўз-ўзидан очилибди... қизнинг кўз олдида шаҳзоданинг суюкли, хушбичим ва кўркам бўйбости намоён бўлибди. Ўша шаҳзода, чакмоқдай келишган йигит... Қиз ўзи сезмаган ҳолда ўша ёқка талпинаётганини билмай қолибди. Бироқ қараса... шаҳзода ортида... тиқмачоқдай Билқис бегим жилмайганча икки ўрим сочини ўйнаб ўтирганимиш! Қўлида гўдаги ҳам бор эмиш!!! Ё, тавба!.. Алам қиласидан жойи, шаҳзода шундоккина рўпарада салом берай деб, қимтиниб бораётган Согинч бикага назар ҳам солмай ўтиб кетибди! Билқис бегим Согинч бикага ишора қилиб хандон отармиш...

Кўнгли хуфтон қиз кўрганлари туш эканини билса-да, шаҳзодани кўришнинг иложи бордай, дарҳол Богкўчага отилди! Аммо Оҳанин дарвозаси тақа-тақ берк эди... Биринкита ўйнаб юрган болалардан бошқа ҳеч ким йўқ, зоғ учмайди. Дарвозанинг бўйи ҳам пастроқдек туюлди.

Тушга нималар кирмайди, деб ҳар канча ўзини овутсада, қизнинг ҳаяжони кўпчиб, қандайдир ўкинч ҳисси товсилмасди. Ўша куни дугоналаридан бирининг тўйи эди, қизлар мажлисида қандай ўтирганини ҳам билмади. Унинг устига, Зубайдабону ўлгур яна эски иддаосини эсга солиб: “Вой, акамга олиб бераман” ини қўймади. Билқис бегим ҳам унга негадир бошқачароқ кўз билан қаради, назарида.

Ҳали ўттиз бешларга бормаган зийрак онаси Оппойим қизининг кўнглида қандайдир безовталик борлигини Жўйи Зардалигидаёқ сезди. Ўзгариб қолди қизи. Ўшанда дарди қўзиб тахтиравондан тушолмади, тўшакдан бош кўтара олмай ётди. Эрининг ёнида бориб, Амир Сохиб-

қирондан кўнгил сўрашни, маҳди улё Сароймулхоним билан дийдорлашишни ўйлаганди...

Ўн олти йил аввал Жаҳоншоҳ ибн Жокуга тушган Андижон бегининг ожизаси, ҳалимтабиат, соҳибжамол Оппоғойим ўтган баҳорда бир дардга чалинди. “Юрагимни пасти оғрийди”, дерди у дард кучайганда.

Софинч бикага энг сирдош одамлар – меҳрибон онаси, кейин отаси. Сўнгги вақтларда Оппоғойим ўзининг соғлиғини ўйлабми: “Кўзимнинг тиригига қизимизни узатсак...” деган гапни кўп қайтарарди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку бу заифасини ниҳоятда аъло кўрарди. “Албатта, онаси, албатта!.. Қизингни тўйини қилурмиз!” – дерди юпатиб.

Анқо Тўра қўшини Андижонга бостириб келганда қаттиқ жанг кечди, майдонда ҳар икки томондан ҳам каллалар сапчадай узилди, кўп талофатларга учраган ғаним қочиб кутиди.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку заифалар ва жорияларни танлашда таъбининг ўта нозиклиги билан машхур, ҳамма аёл ҳам унга ёқавермайди, ҳарамини гўзал ҳурилиқолар тўлдирган... Андижон бегининг уйидаги меҳмондорчиликдан чиқаётуб, фавқулодда бир париваш қизга кўзи тушди... ва ўша ондаёқ юрагини ишқ-муҳаббат ўки тифи паррон бўлиб тешиб ўтди! Бек қизининг исми Оппоғойим эди.

– Жуда хаёлчансан-а, қизим, – сўради бир куни Оппоғойим. – Сенда сир бор...

Қаттиқ сўраб қўймаганидан кейин, қизи онасига уяла-уяла бор гапни айтиб берди.

– Ожизалар қисмати ҳамиша шундоқ, севмок, аммо уни ҳеч кимга билдирамай, гавҳардай дил тубида сақламоқ, ўз ёғингга ўзинг қоврилиб куйиб, жизғанагинг чиқиб яшамоқдир, қизалогим. Бу нарса баҳтли инсонларга насиб этадир. – юпатди она қизининг бошини силаб. – Билсанг, гарчи пешонамга отанг билан яшаш битилғон эркан, шукр, сен туғилдинг... ўзим ҳам, тавба деб гапирай, бирорвинг хасми-ман, Андижонда бир валламат йигитни пинҳона севар эрдим, аммо буни худодан бошқа ҳеч ким билган эмас. Йигитнинг ўзи тугул, ҳатто Сарвинозга ҳам айтмаганман...

Якка-ю ёлғиз жигарпорасининг изтиробларидан онаизорнинг қалби титрарди. Бу дард ўзникidan ҳам кўра мушкулроқ туюлди..

– Ўксинма, Лаълечагим!.. Ўзим отажонингга йўлини топиб айтгайман. Шахрисабздан келсунлар... – сўз очди охири онаизор бир куни. – Яширмайман. Отажонинг яхши тушунадилар... Маслаҳат берадилар.

Она сўзларининг орасида инграб-инграбниб қўяр, чиройли кўзлари изтиробдан ортиқ гўзаллашар эди. Мамнун Соғинч бика онасининг бағрига ўзини отди.

Хумоюн ўрдудан раият вазири Амир Сайфиддин некўзга Оксарой курилишидан боҳбар бўлиб турмок вазифаси юклатилганди, йигирма кун аввал Жаҳоншоҳ ибн Жокуни ҳам бирга олиб Шахрисабзга кетган, бугун-эрта қайтишлари кутиларди. Саройнинг курилиши ўн уч йил аввал бошланган, битишига ҳам, жилла курса, шунча йиллар керак эмиш. Дарвоза олдидаги минора бир юз эллик зинали қилиб курилармиш. Жуда ҳам баланд... Соҳибқирон иморатлари ичida энг олиймақоми бўлармиш. Амир Сайфиддин некўз Оксарой ташвишларини Жаҳоншоҳ ибн Жокуга топширап-мишлар. Аллақандай умиддан онанинг ҳам, қизнинг ҳам чехраларига нур эниб ранг-рўйи тиниқлаша бошлади.

Бирок...

Шамолларда эгилиб-букилган гул энди қаддини кўтариб оламга бокаман, деганда, бошига даҳшатли бало-офат ёприлди: иттифоқо, Шахрисабздан ошиқиб қайтаётган Жаҳоншоҳ ибн Жоку шаҳарнинг у четида Ферузда дарвозасидан эндиғина қадам кўйган паллада... шаҳарнинг бу четида Оппоғойим оламдан кўз юмди! Замин тўнкарилиб, нак осмон қулаб тушди! Шўрлик Соғинч биканинг фигони фалакка чиқди, ўзини ўтга урди, ерга отди, қани уни юпатадиган бир киши топилса!.. Онасининг канизаги Сарвиноздан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўгай акалари бошида парвона, аммо юпатадиган кишиси Шоҳизинда мозорида ётарди.

Сароймулхоним бошлиқ ҳарам маликалари ҳам дағн маросимиға келдилар. Катта малика қорага чулғанган, кўзлари қизарган, фавқулодда чиройи ортиб кетган мунис-у

мушфиқ Соғинч биканинг пешонасидан ўпид, бағрига босди: – Кўнглингизни чўқтирмангиз, қизим... Онасизмен, деб ўксинмангиз!

Шаҳзода Муҳаммад Султоннинг хонимойими Соғинч бикага қандайдир якин одам эди, шунданми, кўнгли бўшашиб, худди онасининг бағрига бош қўйгандай ҳўрси-ниб-хўрсиниб йиғлади.

Чўпдай озиб кетган қиз бехудликдан уч кун ўзига келмади. Сарвиноз унинг бошида парвона... Шўрлик ота эс-хушини йўқотай деди. Жудолик алами пасайсин, овунсин деб Шоҳизинда мозорига олиб борди, ўзи Кусам ибн Аббос, Амир Жоку барлос, Кутлуғ Туркон оқа турбатлари зиёратига йўналди, мунгсираган қиз билан канизак Оппоғойимнинг қабри бошида узок қолиб кетишиди.

– Жасур қизсан-ку! Йигитлардан кам эмассан! – Соғинч бика кўнглини қўтариб деди Амир Аллоҳдод. – Жасур қизлар ҳеч қачон эгилиб қолмайдурлар...

Қиз маъюс ерга тикилди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

### I

– Кепқолинг, ас-с-с-ал!..

– Сомбўса! Сомбўса!.. Ёғ ейсиз, ёғ!..

– Татиб кўринг! Ақчангиз ўзингизда!..

– Адашманг! Адашманг! Кўй гўштидан асил шишкабоб бизда-ку!..

Овозлар тинмайди, балки кучайиб боради. Бамисли дудай оҳанрабо кучга эга бу сўзлар одамларни ўзига тортади, эл шу томонга қараб оқади. Жизза бўлиб пишаётган зирали гўштнинг ёқимли ҳиди эса узокданоқ димоғларга урилиб иштаҳаларни баттар қитиқлаб, чорловлар жозибасига жозиба қўшади.

Табризда ҳар куни аҳвол шу.

Озарбайжон музофотида жойлашган Табриз рубъи маскуннинг сўлим шаҳарларидан бири саналади. Чап ва ўнг томонда савлат тўқкан тақир тошли тоғлар текислиқдаги шаҳарни худди авайлаб, шамол-у бўронлардан, ғанимлар босқинидан сақлаб тургандай туюлади. Ўнг томондаги чўққиларида қор аримайдиган тоғдан бир дарё пастга оқиб тушар-тушмас, ирмоқларга бўлиниб, шаҳар атрофидаги кишлоклар-у боғ-роғларга таралади.

Ҳашаматли бинолар, мадраса-ю масжидлар ва карвон-саройлар ўзларининг маҳобати билан кўнгилларни ҳайратга солади. Бирок иморатларнинг энг аълоси, шубҳасиз, нақшин панжарапалар билан ўралган, тўрт томонида баланд миноралари осмонга тиralган заррин дарвозали олиймақом сарой-дир. Мингдан ортиқ бўлмалар, бир-бири билан кўрк талашадиган рангбаранг кўшкларга бой чаман-боғли бу қасрни, ким-ким, жалойирлар ҳукмдори қудратли Султон Увайснинг нак ўзи қурдирган, дейишади.

Подшонинг мағриб мамлакатларидан келтирган қуллари бу ерда ўн йилдан ортиқ меҳнат қилишган, ганчкорлик ишларини моҳир юонон усталари дўндиришган экан. “Давлатхона” деб аталган бу кошона жалойирлар салтанатини тан олган Бобил султонининг бир йиллик хирожи эвазига бунёд этилибди. Минораларни тиклаш жуда қийин кечибди. Кунботиш томондаги миноралардан бири энди тикланганда, беш-олти ҳовли устига қулаб тушиб, кўпларнинг ёстигини қуритган экан. Одамлар ҳозир ҳам ўша ердан, янги тикланган минора ёнидан ҳайикиб ўтишади.

Марказий майдондан турли томонларга равон кўчалар тараалган. Турфа дўконлар тонгсаҳардан мўъжаз эшикларини очиб, харидорларни кутади. Майдоннинг жануб томонида ястанган улкан тимга кирсангиз, тирикчилик кўйида ғимирлашиб юрган одамларга кўзингиз тушади, бу ерда ҳар хил газмоллар, кийим-кечаклар, ипаклар, дур-у марваридлар, исирға узуг-у тақинчоқлар, қоқи-ю майизлар, қанд-у новвот, парварда-ю пашмаклар сотилади. Айниқса, Самарқанд томонлардан келтириладиган сифатли Қатвон туршакларининг қадри жуда баланд.

Майдон эртадир, кечдир, ҳамиша гавжум. Куннинг иссиғида кабобларга қўшилиб ўзлари ҳам куйиб-пишаётган моҳир кабобпазлар, пешонасини танғиб, ловуллаган тандир ичига кириб чиқишаётган сомсапазлар, баковул-у ошпазлар мазали қайлалар ва зираворлар билан тайёрланган гўштили таомлар, кабобу сомсалар сотишади, ҳар бири оғзидан бол томиб, юқоридагидек, қичқириб хўрандаларни ёнларига чорлашади.

Тимнинг охиррогоида сотиладиган атторларнинг турли мамлакатлардан келтирган атир-упа, мушк-у анбар дегандек, муаттар нарсалари ва хушбўй малҳам-у бўёқлари хотин-халажнинг жони-дили эди. Бошдан оёқ оқقا ўралган, юзларини чиммат билан тўсиб олган, сирлиликка чулғангандаридан ажабтовур гўзал туюладиган аёллар дўконга яқинлашиб, нодир бўёқлар-у атирлардан танлашади ва четга чиқишиб, чиммат ичидаёқ ороланишга киришиб кетишади. Ўзларини у-бу нарса излаётган қилиб кўрсатадиган эркаклар, атторлар билан астойдил савдолашишиб талашишади, аслида кўплари гўзал аёллар, хурилиқо қизлар томошаси учунгина ўралашиб юришади.

Майдон четидаги чинорлардан бирининг тагида кўк рўмolini бошига кажава сифат ўраган бир момо олдига иккита сомса кўйиб еб ўлтирап, дунё билан иши йўқ, чап кўлидаги гулдор тасбехни силкитиб, ўзича гоҳ-гоҳда нималарнидир пичирлар, гоҳ эса овозини чиқариб азиз-авлиёларга илтижо этар, ҳар оғзини очганда иягининг икки четидаги узоқдан қараганда холга ўхшаб кетадиган бир чимдим-бир чимдим оқ туклар ҳам баравар чиқиб-тушарди:

– Эй Ҳазрати Момо Ҳаво, эй Ҳазрати Мушкулкушо, эй Биби Хадича-ю Кубаро, эй Биби Фотима, эй Биби Робия, эй Қўхи Қофи пари сиймо, эй Шалпар момо<sup>1</sup>, Пок момо, Кора момо, Сувчи момо, эй шахиди Даشتি Карбало<sup>2</sup>, илохи, мадад беринг! Ўзинг қўлла, илохи, Ином Аъзам, Fav sul Аъзам, Хожа Аҳмад пирларим...

<sup>1</sup> Шалпар момо – ривоятларда айтилишича, инсоний куч-куввати тортиб олувчи ёнуз рух.

<sup>2</sup> Даشتти Карбало – шиаларда халифа Алиининг ўғли Ҳусайн ҳалокбўлган жой.

Шу палла күчада беш отлиқ күринди. Улар танасидан ҳовур күтарилиб турган отларини дараҳтзор ичига боғладилар. Сўнг худди ўз уйига келган одамлардай хеч кимга қарамай бамайлихотир дастурхон ёздилар. Момо кийимларига қараб уларни мусофиirlар деб ўйлади.

– Хой, бўғирсок! Олтитадан сомса ол, кабоб айт! Уқдингма? Олтитадан! Яна буюриб кўй! Тухум баракни опке, қовурдоқдан кейин... Шаробдан бир кўза бўсун, индаллосига... Яна бир нималар олдир! – бақирди тинимсиз елпинаётган миқти, тажанг, биткўз одам, уларнинг ичидагаттаси, шекилли, паст бўйли юмалоқдан келган семиз йигитга. – Табризда бизни бирор танийма, а, гушна? Таниса, бизларни дабдаба билан кутиб олмайма? Ҳулокуҳон мулкидамиз-ку, етти ёт бегоналармиз. Хо-хо-хо! Соҳибқирони муazzам Чингизхон зурриёти улуғ Тўхтамишхон элчилари эсак-да, ўзинг учун ўл етимдай ўтирибмиз, ўз ғамимизни ўзимиз еб... Шу яхшима? Бу жойлар яна Олтин Ўрда мулкига айланмоғи керакмасма?...

– Керак, амир Тармочук жаноблари, худо хоҳласа!.. Шу қутлуг ишнинг бошида ўзингиз турибсиз, амиrim! Ўзингиз!.. – ялтоқилик қилди “гушна” деганлари – нозик қоматли дароз йигит.

– А, Кўка? Сенга маъқулма, Кўка? – сўради бит кўзларини қисиб Тармочук, хаёл сурганча бурнининг учидаги қалин тук билан қопланган нўхатдай жигарранг холини силаб ўтирган Кўкамандан. Тармочук Кўкаманинг бурнидаги жигарранг холи ўн беш йил ўтса ҳам каттармай бир хилда турганига ёки йўқолиб кетмаганига ҳайрон қоларди.

Кўкаман Идику мангит хизматидан чикканидан кейин, уни Тармочук ҳар хил ваъдалар билан йўлдан оздирган ва ўзининг сафига қўшиб олганди.

– Салтанатга садоқат бундан ортиқ бўлмас! Хоразмга ҳам ўзингиз бош кўшдингиз-ку! – деди Кўкаман.

– А, гушна?.. Сенга-чи?

– Адолатни сўйладингиз, амиrim! Бу ерлар ҳам Олтин Ўрда мулки-да, асли!

Яқинда Тўхтамишхон химматидан амирлик мартабаси-

га күтарилигандын, гунгурсдай семириб кетгандын Тармочукнинг авжи баланд эди:

– Эх, Табриз Сарой-Берканинг иниси даражасига күтарилиб дунёга донг таратмайма?.. Таратмайма?.. Хоқонимиз чангал солган жойларини ўпиреб оладилар! Эти билан чикади! Улуғ хоқон ярим йилга қомай бу ерларга келадилар. Озарбайжон-у Гуржистон-у Табриз бирданига олий назарга тушди. Жуда тез фурсатда... Ироқ ҳам... – Амир бирдан салтанат сирларини айтиб юбораётганини сезиб қолди-да, ўзини ўнглашга тиришди: – Ҳи-ҳи-ҳи... Корин очибди. Чүл ошиб Табризга етиб келгунча, нақ ўлай дедик. Корин очганда кўзингга ҳеч нарса кўринмайди. Корин-да бу... Оч кориндан шунақа гаплар чикади... Хо-хо-хо! Қани, бўғирсок, тез қимила! Бас, ҳозир яхши тўйиб омасак, бўлама? Сал ўтмай қорин тағин очиб қомайма?..

– Очади, Амир Тармочук жаноблари! Олдинда хатарларга тўла Карбало дашти турибди! Шомгача узоқ... Йўлга ҳам ғамлаб олиш керак! – огохлантириди гушна.

– Гушна, тўғри айтасан! Калланг бор! – Тасдиқлади меҳмонлардан учинчиси. – Тўрт ой олдин Карбало даштидан ўтдим. Вой-баёв! Уч-кети йўқ чўл, мен сенга айтсан... Бизди Қипчоқ дашти уни олдида ип эшолмайди. Ўшанда офтоб ёндирворди, дегин. Қовурворди! Сув йўқ, бир култум сув минг динор, мен сенга айтсан...

– Бу ерларни яхши билмайман, биринчи келишим.... – деб қўйди Кўкаман, бирор ундан сўрамаса ҳам.

– Мунча чўзасила!.. Корин пиёз пўсти бўб кетди-ку! – сабри чидамай гапни кесди бошқаси.

– Ўзларингиз биласизлар... – сўз қўшди бепарво яна бири.

– Ёрдам керакма, бўғирсок?.. – сўради амир. – Ё ўзим борайма?... Зўрларини танлаб бераман-да, ўзим! Танлашни биласанма?

– Билам, билам! – бидирлади бўғирсок. – Ҳозир опкелам! Ҳозир!..

“Бўғирсок” чаккон бозорга югурди, у, афтидан, баковул вазифасини адо этарди.

Шу пайт Тармочук саннаб<sup>1</sup> ўтирган момонинг ғингшиб: “Темурлангни асфаласофилинга юбор!..”, “Аспалосопинга юбор! Юзини тескари қил!..” деяётганини эшилди. “Ёлғиз моманинг болалари, чамаси, Темурланг қўшинлари босқинида ўлиб кетишган, шекилли...” – ўйлади амир.

– Темурланг, нима, арпангни хом ўрдимики, ёзғирасан, мома?..

Момо сомса ейишдан тўхтаб, Тармочукқа каради:

– Ў-ў-в, болам-а... Қайси бирини айтайн... Беш йил олдин бизнинг қишлоғимизни таг-томири билан кўчириб Туронга жўнатди. Балочук қальласи харобага айланди... Кўп қариндош-уруғларим ё ўлди, ё сарсон-саргардон, билмайман, қаерларда юрибди. Ҳаммасини ўша килди... Сизлар кимсизлар, болаларим? Тағин Темурлангни одамларимасмисилар?..

Момо тасбеҳни қўйди-да, дастрўмолини олиб ёшланган кўзларини артди.

Амир Тармочук Балочук деган қальани эшилмаган эди, (аслида Алочук, момо атайлаб чалкаштириб айтганди) сўрашга ийманди.

Кўп ўтмай қўйни-қўнжини тўлдириб “Бўғирсок” кўринди. Ҳамма дастурхонга ташланди. Тармочук шерикларидан бирига момога емакдан беришни буюрди. Унинг негадир момога қайишгиси келди. Кейин деди:

– Эсинг жойидама, мома? Дунёдан умидинг йўқма? Билиб қўй, бизлар Темурлангни одамларимасмиз, баҳтингга, ашаддий ғанимларимиз... Билиб қўй! Хоқонимиз Тўхтамишхонни дунёда битта душмани бор, уям Темурланг! Хо-хо-хо!..

– Шунақами?.. Тутинган ўғли деб эшигандим-ку? Душмани отаси экан-да? Худодан қўрқмайдими? Вой, болаларим-ей! Жудаям шум экансизлар... – таажжублангандай тикилди момо. – Шоҳнинг душмани шоҳ, гадонинг душмани гадо-да, рост...

– Ҳа, душмани – отаси! Хо-хо-хо!.. Худодан ҳам қўрқ-

<sup>1</sup> Саннамоқ – 1) инс-жинсларни қайтариш, кишиларни даволаш учун дуо ўқимок.

майди! Шунақа баҳодир Тўхтамишхон! Хо-хо-хо!

Сұхбат қизий бошлади. Тездагина дастурхондаги таомларнинг кути ўчишга турди. Қорин қўйган сопол кўза, машваратда ўлтирган подшодай мутлақ ҳокимликни қўлга олди, майкоса худди чопардай давра айланишда чапсонлик кўргиза бошлади. Исиған димоғлар бошларга ҳам ҳарорат улашди. Момо зимдан боқиб, гоҳ-гоҳда Амир Темур ва унинг кирдикорлари ҳақида Тармочуқнинг қулфи-дилини очувчи илмоқли саволлар ташлаб қўярди.

Тиллар ечилиб, орадан сир пардаси кўтарилиб, Амир Тармочуқ мақтанишга тушди. Ҳар косадан сўнг унинг тили ечилгандан ечилиб борарди. Амир Темурга қарши иттифок тузилмоқчи экан, бунга Полша мамлакати ҳукмдори Ягайло, Рум қайсари Боязид Йилдирим, Миср султони Барқуқ, Ирок подшоси Султон Аҳмад жалойир ва Олтин Ўрда хоқони Тўхтамишхоннинг бошлари қовушишлари лозим, кенгашмоқ даркор, Тармочуқларнинг шу ниятда учинчи бор сафарга чиқишилари... Хоқони муazzзам Тўхтамишхон барча подшоларга мактублар йўллаганлар...

– Ў-ў-в-в... ўлганакан... Темурлангни Тўхтамишхонни ўзи гум киб қўя қомайдими? Овора бўб юрмай... Ҳамма тинчирди... – жаворди момо.

– Қовурдоқни опкемайсанма, бўғирсоқ? Бир имилладинг-е! Тез опке!.. – буюрди Тармочуқ баковулга, кейин момога ўтирилди: – Момам-а, содда момам-а!.. Темурлангга бир одам бас келиши қийин-да... Унинг лашкари лашкармас, тўфон! Тўфон...

– Тўфон дегин? Ҳм-м... Ҳозир қаерга борасизлар? Агар Султон Аҳмад жалойир керак эса...

– Билдик, билдик... Билмай бўлама! Бизлар-а! Бизни содда памлама-а, мома-а... – Амир Тармочуқ ширакайф эди, унинг сўzlари тобора шувалиб борарди. – Султон Аҳмадни Табризда демоқчисиз. Биламиз... Биламиз... Лекин дуч кемаймиз. Султон Аҳмад билан Бағдодда кўришурмиз, қайтаётib... Ҳозир йўл Шомга... Шомда бизни Миср султони Барқуқ аъёнлари кутиб олади! Кейин базм... зиёфат...

Иигитлар алжираши авж олди. Биروف биревга қулоқ солмас, кимдир бошқалар билан иши йўқ, ўзича ғингшиб аллақандай қўшикни хиргойи қиласарди.

Амир Тармочук хуррак отганча пинакка кетди, гушна пайтдан фойдаланиб аста ёнбошлади, “Бўғирсок” ҳам вазифасини бажарганидан мамнун, бирозгина чўзилиш истагида эканини яширмас, ўтирган жойида гоҳ тирсагига таянар, гоҳ ўнгланарди.

Кун қайтиб қолди.

Кўп ўтмай бошига кўк рўмолини кажава қилиб ўраб олган сирли момо ўрнидан турди. Уни Сўфий момо дердилар: “Хожа Аҳмад пири, ўзинг мадад бер!.. Fav sul Аъзам пири, ўзинг мадад бер!..” дея яна азиз-авлиёларга илтижо қилганча, жойидан қўзғолди.

Эмин-эркин яйраб ўлтиришган Тўхтамишон элчилари ўзлари билан ўзлари овораликларидан момонинг кетганини ҳам сезишмади.

## П

Хумоюн ўрдудан келган чопар, Жаҳоншоҳ ибн Жоку жаноблари бошига тушган мусибатдан қайғуга чўмган Амир Соҳибқирон ҳазратларининг дил сўраб юборганини билдириб, таъзия изҳор қилди. Айни пайтда, унинг қўлида қутлуғ фармон бор эди. Соҳибқирони комкор Амир Темур Кўрагоннинг узоқ муддат сафарда эканлари, шимолий сарҳадлар ишонччили-имонли киши қўлига топширилиши лозимлиги ҳамда мамлакат дориломонлиги назарда тутилиб, Жаҳоншоҳ ибн Жоку Тошкандга ҳоким этиб тайинланибди. Уч ҳалқа тасвирланган, “rosti-ю rusti” сўzlари ўйилган тамға босилган фармонда Жаҳоншоҳ ибн Жокуга шимолий сарҳадлар муҳофазаси топширилиши ёзилганди.

Соғинч бикалар Тошкандга кўчдилар. Ҳаммадан ҳам кўра бу, кизга ёкиб тушди. Зубайдабону ўлгур, уч кун аввал отаси Шайх Нуриддиннинг Жаҳоншоҳ ибн Жоку билан қуда бўлиш ҳакида гаплашганларини ва розилик олганларини (балки, бу ёлғондир!), яқин ўртада совчи боришини ҳамма-

нинг ичида мақтангандай шартта айтиб юборди! Ростми, ёлғонми, Соғинч бика у ёғини билмайды. Ҳар калай, Зубайдабонудан узоклашгани, Самарқанддан йироклашгани сабаб, түй масаласи ҳам унтилгандай ўзини хотиржам сезди.

Аммо айрилиқ ҳасрати, күнглида ниш урган ўтли муҳаббат, соғинч ҳисси бари құшилиб қизни қаттиқ исканжага олди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку сүррайибгина қолган қизини чалгисин, шу билан жудолик онларини тезрок үнүтсін, деган мақсадда ҳар куни ўзининг севган ҳарбий машқларини такрорлаб туришни тайинлади.

— Машқларингни тұхтатмагин, қизим! – деди бир куни Соғинч бикага, у ҳеч қачон овозини күтариб гапирмасди. — Багоят тұғри, ҳар бир ожиза жанг русумини ўрганмаги, килич тутмакни билмаги керак. Умр ҳам, хоҳ эрқақдир, хоҳ аёлдир, кишига бир марта берилгай. Қадрига етмак керак. Жанги жадалларда, худо күрсатмасин, нималар бошга тушмайди дейсан. Ожизаман, деб қараб ўлтириш ярашмас. Тұмарис маликани қара... Ёвни ўлдириб, бошини кесиб қон тұла чукурга ботириб: “Яхшилаб түйиб ол, эй конхұр!” – деган экан. Пайғамбаримиз ғазотта чиққанларыда Биби Ойша разияллоху анху ҳамроҳ бұларканлар. Саҳобалар билан бирга дин-у шариат масалалари баҳсіда қатнашарканлар. Ғанимларига қарши олиб борилған жангда Биби Ойша онамиз ўzlари саркардалик мәқомида әдилар. Ҳа, саркардалик мәқомида! Улғи ол, қизим! Сен шаддод қизимсан...

Қиз отасининг юмшок феъллилигини, меҳрибонлигини, ҳамиша одамни авайлаб, тушунишга тайёр туришини, айникса, сабр-тоқатли эканини яхши биларди.

— Куллук, отажон... Куллук...

Онасининг мусибатидан анча уриниб кетган Соғинч бика аста-секин ўзига кела бошлади. Уйда ёлғизлигіда, ўзини имтиҳондан ўтказди: бағалток<sup>1</sup> устидан чопон кийди, йигитдай бўлди, совутга ўралиб у ёқдан-бу ёкқа шахдам одим отиб юриб кўрди. Сал оғирликни демаса, бошқа

<sup>1</sup> Бағалток – совут остидан кийиладиган енги калта қамзулча (муалл).

нокулайликни сезмади. Эртасига дадил салтанат қўшини сафида якингинада бунёд этилган Шоҳрухия шахри ёнидаги машкларда қатнашди. Синамоққа сочларини яшириб, дубулгани бостириб кийиб, лабининг тепасига хушбичимгина мўйлов ёпишириб олди... Совутда уни ҳеч ким таниманига таажжубланди. Кувониб кетди, айнан шуни истар эди-да, ўзи.

Икки йил олдин ясатган совути чопон устидан кийилганда, торлиги билинди. “Янги совут буюргиришим керак!..” – хаёлидан кечди қизнинг. Кўнглида шаҳзода тимсоли тобора яраклаб бораркан, илгари шунчаки ҳавас туолган нарса, энди ҳақлика даъво қилаёганини сезди. Ошиқ-маъшуқлар бир-биридан жисман қанча йироқлашсалар, руҳан шунча яқинлашадилар.

Софинч бика ўзига ўзи деди: “Сен шаҳзодани ўйлаганинг ўйлаган... Уни... севиб қолдингму?” Энди аниқ ишонди: ҳа, у ўз бошига бало орттириб, баланд дорга осилибди – шаҳзода Мухаммад Султонни севиб қолибди!.. Лекин бу ҳақда раҳматли онасидан бошқа ҳеч кимга ёрилгани йўқ, кимга ҳам ёрила оларди! Шаҳзода Эрон томонларда юрганишлар, гоҳ Шуштарда, гоҳ Исфаҳонда, кўпроқ Яздда бўлармишлар. Падари бузруквори Жаҳоншоҳ ибн Жокуга Хумоюн ўрдудан келган хабарлардан билиб оларди барини. Соҳибирон гарчи тез қайтамен, деган эсалар-да, отасининг фикрича, ҳали бу сафар хийла чўзилармиш....

Софинч бика машқларга қаттиқ берилиб кетди. Худди кимгадир ўчакишгандай, жаҳд билан ишга ёпишган қиз кун қандай ўтганини билмас, чавандозлик, қиличбозлик, найза-бозлик ва бошқа хунарларни ўрганиб, қиёмига етказарди.

Кеча шопмўйлов лашкарбоши Олтин Ўрда, Мўгулистан ёқлардан душман ҳужум қилиши эҳтимоли борлигини айтиб, машклардан кўнгли тўлмаётганини билдириди, сўнг эртага Шоҳрухияда Сайхундан сузиб ўтиш машқлари ўtkазилсин, деб буюрди.

Тонг отар-отмас, бутун сипоҳлар калапатра бўлишиб соҳил бўйида тўплана бошладилар. Мингбошининг “Сафма-

саф!” сўзлари янграши биланок, юзбоши ва ўнбошилар у ёқдан-бу ёкка ғизиллаб қолишиди.

Баланд бўйли ўнбоши ўз сипоҳларини бир жойга жамлади. Ёш ўсмир аскарлар ичидаги бошига дубулғани бостириб кийган, ўқ ўтмас совутга чулғанганди хушбичим сипоҳ қандайдир ажралиб турарди. Битта аскар унинг отини сўраганди, шошилиб нима дейишини билмай, тилига келган “Аргуншоҳ” деган исмни айтиб юборди.

Кўкда куёш чараклаб турар, ҳар ёқда шовқин-сурон кучайиб борар, тепадан қараган одам, дарё бўйида худди ўсмир лабидаги мўйлабга ўхшаб, бодраб чиккандай уймалашиб юрган, соҳилни тутган сипоҳийларга кўзи тушарди.

– Дарёга от кўйилсан!!! Нариги қирғоққа душман яқинлашмоқда! Ёвни нарги қирғоқда қарши олгаймиз! – ҳайқирди ўнбоши. – Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар!!!

– Оллоҳу акбар!!! – илиб кетишиди навкарлар.

Дарёга от солишини жасур ўнбошининг ўзи бошлаб берди. Изма-из Соғинч биканинг оти сакради! Айкириб оқаётган сувга парво қилмай, қирғоқ сари интилар экан, Жайхунга от солган Ўлжой Туркон оқа қизнинг ёдига тушди. Ўшанда Амир Темур завжасига осон бўлмаган экан: шамол кутқусига учиб хезланган оқ ўркачли тўлқинлар отнинг ўмганига қаттиқ урилар, суриб юборар, олға силжишга кўймасди.

Сипоҳлар “Аргуншоҳ” нинг чаққон-у чапдаст эканидан рухланиб кетдилар. Биринчи сипоҳ Сайхуннинг чақирса овоз етар нариги қирғоғига бир қараб кўйди-да, “Ё Оллоҳ!” деб отига қамчи босди...

Шоҳрухиядан қайтгач, пинҳона совутини ечиб, кийимларини алмаштиаркан, онаси вафотидан кейин яна ҳам яқин сирдошига айланган гўзал канизак Сарвиноз кирди-ю чидомай ёрилди:

– Вой, ўлайн-еъ! Шунчалар азоб чекиб юриш сизга нега даркор-а, Соғинч? Зилдай сипоҳ кийимини кийиб юрасиз? Мана сувгаям тушибисиз, оғир бўб кетгандир. Хурилиқо маликалардай юрсангиз, ярашади-ку, маликалардай!..

— Менга шуниси ёқади, опажон! Узимни кучли сезамен!

— Жонингиз оғримайдирму? Аммо совуту дубулға сизга хўпам ярашибди! Вой, ўлайин-ей, мўйловчангиз ҳам ўзингизники-я! Ё тавба! Ҳай, менга қаранг, киз бола эканингизни билишмаяптими? Ўлсин, бари гўл, анқов-да. Шунга ҳайронман...

— Билишмайди, отам билан лашкарбоши-ю сиздан бошка ҳеч ким билмайди... Йигитдай юрибмен-ку! Беш ойдан бери бирор мени таниғони йўқ!

— Вой ўлайин-ей! Йигитимдан ўзим айланайин-а! Кечаям уйда овозингизни йигитчасига қилиб гапираёт-ганингизни эшитиб ҳайрон қолувдим... Билишмасин, дер экансиз-да.

Канизак “йигит” ни меҳр билан кучоклаб олди. Роҳатланиб кулишдилар.

Киз ичида валиаҳд шаҳзодадан ғойибона ўпкалаб қўяди, чунки кейинги пайтларда, Мухаммад Султон, ажабо, ўша Оханин дарвозаси ёнида кўрингандаридан бери, тушига ҳам кирмай қўйдилар. Эслай деса, Жўйи Зар кўприги бўйидаги учрашув, кўчада Сароймулхоним олдидағи кутилмаган бир неча лаҳзалик дийдорлашув... тамом, бошқа ҳеч нарса йўқ. Уларнинг ҳар бир сонияси ёдида...

“Шаҳзода ҳам... мени севармикин? — Қаттиқ ўйланиб қолди Соғинч бика кунлардан бир кун. — Мен-ку, куйиб-ёниб юрибмен, у-чи? Севармикин?.. Ўйлармикин? Куйиб-ёнармикин? Балки, эсида ҳам йўқдирмен. Агар севса, шу пайтгача изламасмиди?.. Шу нарса қалбгинамни тирнайди. Шаҳзода кўнглида ҳам шундай туйгулар жўш урсайди, дастлари узун, эркак киши, албатта хабар олардилар... Демак, севмайдилар, ўйламайдилар, Соғинч бика билан ишлари ҳам йўқ...”

Ногахон хаёлида ярқ этган фикрдан қизнинг кўзлари чақнаб кетди! Қараса, унинг олдида икки йўл турибди экан: биринчиси – тақдирга тан бериб, Зубайдабонунинг акасига узатилиб, парда ортида гўзал келинчакдай нозланиб, сузилиб ўлтириш... Иккинчиси – тезда Самарқандга қайтиш. Яна Самарқандга кўчишар экан, ундан Шаҳрисабзга боришар-

кан, Ҳумоюн ўрдудан шундай хабар олинди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку Оқсарой қурилиши билан шуғулланишлари лозим эмиш. Куролсозлар қишлоғи Камонгаронга бориб янги совут ясаттириш... Кейин, кейин... ҳеч кимга айтмай... Қўлидан келармикин?

Қиз у ёғини ўйлашга қўрқар, шундай қила олишига ўзи ҳам ишонар, ҳам ишонмасди. Жуда мушкул вазифани ўз зиммасига олаётир, адо этиш осон эмас... Борди-ю сир очилиб қолса-чи... Аммо ўйлаган йўлидан қайтиши ҳам мумкинмас, йўқса анови шалпангқулоққа узатиб юбориша-ди.

“Йигит бўлиб туғилмағон экансен-да, Согинч! Энди ўзингни йигитдай тутасен! – деди шу палла ички бир овоз. – Бахтингни ўзинг қидиришинг, ўзинг излаб топишинг керак! Бахт сандик ичиди, қалити осмонда... Онаизоринг, ишқ қанчалар кучли эса, шунчалар ожиз, у ҳимояга муҳтождир, деган эдилар. Раҳматли онажонимнинг сўzlари ҳамон ёдимда: “Юсуф-Зулайҳо” қиссасини эслайсенму?.. Отажонингни ҳажга бораётғонларида Ҳиндистонда эшитган бир ривоятларини-чи?.. Жуда машхур экан. Эсингдаму?

Ҳиндистоннинг Панжоб деган ерида Засси деган бир балойи азим, қўрқмас қиз яшаган экан, қаттиқ ишқ гирдо-бida қолибди. Севгилисими излаб машаққатлардан ҳайик-май, азоб-уқубатлардан кўркмай, йўлга чиққани ҳақида гапириб, уни “Ожиза эмас, асил йигит экан!” дегандилар. Ўшанда қизнинг маҳбубини излаб саҳролардан ёлгиз ўтиб бориши, тоғлар кезиши, дараҳтларга тирмашиб чикиши, муҳаббат оловида жизғанак вужудини қаерга қўйишини билмай, ишқ йўлида ҳалок бўлғони хаёлингни ўғирламағон-миди? Узок ойлар хаёл суриб юрмағонмидинг, бу қандай қиз экан деб?.. Мен ҳам шундай қила оламанми, деганинг эсингдами?..

Яна. Сен ҳатто уйқунгда ҳам “Муҳаммад Султон”, “шахзода” деб гапириб юборадиган одат чиқардинг. Бир куни эшитиб қолдим. Зулайҳо ҳам тинимсиз: “Юсуф! Юсуф!” – дер эмиш. Унга ўқ тегиб яраланган экан, оккан кон ерда: “Юсуф, Юсуф” сўzlарини пайдо килибдур!. Агар

сенга ҳам ўқ тегса-ю, қон оқса “Мұхаммад! Мұхаммад!”  
каломлари ёзилиши аниктур!..”

– Бекачим менга айтиб кетгандар... – деди бир куни  
Сарвиноз ҳам. – Ичингиздагини биламан...

– Нима-нима?.. – кулимсирашга уринди қиз.

Канизак унинг сұхбатлашишга мойил эканини сезди.

– Вой, ўлайин-еїй... Биламан-да...

– Нимани биласиз?.. – жавдираң боқаркан,

Софинч биканинг икки юзидағи кулгичи сезилар-сезил-  
мас ўймоқчалар ҳосил этди.

– Оппоғ бекачим дунёдан күз юмаётіб, менга шундай  
тайинладилар, бекам, – йиғламсираганча сўз бошлади  
Сарвиноз. – Менинг бор давлатим – Соғинч, дедилар. Унга  
худо илохий бир неъмат берган – бу ишқ неъмати. У валиаҳд  
шаҳзода Мұхаммад Султонни каттиқ севиб қолибди!  
Кўнгил-да бу. Насиҳатга сира кўнмайди. Ҳаммаси худодан.  
Уни сенга топшираман. Назардан қочирмагин. Водариғо,  
оталари Шаҳрисабздан қайтмадилар, айтмакчи эрдим ўзим.  
Дийдор энди маҳшарда<sup>1</sup>... дедилар кўзлари мўлтираб.

Қиз билан канизак иккиси ҳам ўзларини тута олмай  
йиғлаб юбордилар.

– Соғинчга қарагин, унинг ҳолидан ҳамиша хабар ол-  
гин, суйганига, илохи, етишсун қизим... Худодан тилаганим  
шу, бирдан бир ёлғизим, у жуда жасур ва бир сўзли қиз,  
бахтли, тегли-тахтли бўлишини истайман, дедилар яна... –  
Сарвиноз кўз ўшларини артаркан, қизни юпатди: – Энди ту-  
шундим, нимага овозингизни йигитчасига машқ қилгани-  
нгизни. Маслаҳатчингизман, бекам. Ёнингиздаман... Ҳа,  
сизга айтганим йўқ, билдириб қўяй. Маҳди улё Сароймулк-  
хоним ҳам сизни Мұхаммад Султонга лойик кўрганлар,  
хатто: “Шу қизни шаҳзодамга олиб берайми?.. Оппоғойим  
шундай барно ва зебо қизи борлигини айтмағон эрдилар...”  
деганлар. Ўз қулогим билан эшигтанман Жўйи Зарда...  
Эсимда турибди.

– Шундоғ деганмулар? А-а?.. Деганмулар?

<sup>1</sup> Махшар – киёмат куни.

Наҳотки!.. Демак... демак... шаҳзодам ҳам... йўғ-е... Вой опажоним-ей!

Соғинч бика қувончдан канизакни қучоқлаб олди, Сарвиноз қизнинг ҳаёдан юзлари ловуллаётганини сезди.

Канизак қизни бўлмага бошлаб кирди. Ичкарида кўнгил занжирлари узилиб кетди-ю, хур икки мушфик дил марジョン доналаридай сочилиб кетган хотираларни бир-бир йиғай деб, дунёни айланиб чиқди. Сирлар бир-бирларига очилдилар.

Зубайдабонунинг гаплари ёлғон эмас экан, эрта-индин кўчамиз деб турғанларида, Самарқанддан Шайх Нуриддин баҳодир хонадонидан бир карвонда чиндан ҳам Соғинч бика кўлини сўраб совчилар кириб келишди!

Қиз ўзини йўқотиб қўймади, аксинча, ўчирай деб пуфлаганларида олов бадтар алангалангандек, бу унинг кўнглида қулф урган ниятини яна ҳам тезроқ амалга оширишга унади. Икки йўл ўртасида Тўмарис-у Зулайҳо, Засси ва Ўлжой Туркон оқалар уни ўраб олишиб: : “Бахтингни маҳкам тут! Бор! Бор!” – дейишарди. “Ростдан ҳам, менинг қаерим кам?.. Борамен-у шаҳзодамни бир қўриб, қайтамен...” – такрорлади қиз ичидаги ва ҳар галгидан ҳам ўзини кучли сезди. Шартта иккинчи қалтис йўлни танлади, у қўрқмай таваккалчилик қиласиган бир ёшда эди. Бу фаслда кишига икки дунё бир қадамдир.

“Соҳибқироннинг қўшинида жангчи аёллар ҳам бор-ку ахир, бу ҳақда отажоним гапириб берғонлар.” – деб ўз ҳаракатларини оқлашга уринарди қиз. Аммо бирон фалокат юз бериб нобуд бўлиши мумкинлигини асло ўйламасди.

Соғинч бика шундай чора топди: у ожизамас, балки йигит монанд жангларга киради, панжоблик Зассига ўҳшаб қиз эмас, Сухроб<sup>1</sup> билан саваш қурган шаддод қиз Гурдофариддай<sup>2</sup>, Темурбек билан жанг қилган Ўлжой ойимдай йигитчасига кийиниб олади! Ожизалигини билдирамайди, қаттиқ сир тутади, ўзини эронлик бир амир авлоди-

<sup>1</sup> Сухроб – “Шоҳнома” асарининг бош қаҳрамонларидан бири.

<sup>2</sup> Гурдофарид – “Шоҳнома” асарининг қаҳрамони. Сухробдан енгилиб унга рафиқа бўлади.

ман, деб таниширади. Фақат сабр керак, бардош керак... Фақат узоқлардан ўғринча қараб-қараб олади, асло яқин бормайди, боролмайди ҳам. Мавқеи баланд валиаҳд, жаҳон шаҳзодаси ёнига яқинлашишга оддий сипоҳга йўл бўлсин! Сездирмай боқиб, жамолидан насибадор бўлолса кифоя... Ишқ нашъаси ўша ёқда, умид ўша ёқда, баҳт ўша ёқда!..

– Бормангиз!.. – деб юборди ўзи ҳам севиб, баҳт топмаган, кўнгли армонларга тўла гўзал Сарвиноз. – Вой ўлайнин-ей... Аммо... Аммо... Баҳтингиз ўша ёқда!.. Аммо сирингиз очилиб қолмасайди, деб қўрқаман, холос!..

– Эҳтимол, мени телба дерсиз, балки телбадурмен, билмаймен, лекин шу йўлни танладим... Оллоҳ буюрса, ўзимни танитмаймен, йигитдай юрамен! Сирим очилмайди. Бу кўлимдан келади! Шаҳзодам жамолига бир тўйиб оламен... Борамен-у қўрамен – мени севадирму йўкми, – билиб оламен, муҳаббати борлигини кўрсам, бу бешак-шубҳа баҳтим бўлур, опажон! Билдирмай қайтиб келамен... Тезда қайтамен! Ҳам совчилардан йироқ бўламен. – Согинч бика сўзлари қатъий эди. Кейин ўзи ҳам ўзига ишона бошлади. – Мана кўрасиз! Қирқ кунга қолмаймен, қайтиб келамен!

– Қирқ кунда қайтиб келасиз!.. – деди канизак, бироқ чиройли кўзларига шубҳалар соя ташлаганди. – Оҳ, мен ҳам сиздай шаддод бўлганимдами, бўлганимдами... Қўрқок эдим, кўрқоқ! Ҳа, энди бари ўтди, ўтди-кетди...

Хаёлида уфқлар балқиб ётган Соғинч бика Сарвинознинг сўзларини эшитмас, кўз олдида Тўмарис момонинг ғанимларга қарши от қўйганлари, малика Ўлжой Туркон оқанинг жиловни йигитлардай маҳкам тутиб, майдонларда елиб чопғанлари, дарёлардан кечиб ўтганлари, Султон Баҳт бегимнинг душман узра қилич ўйнатиб сурон солғанлари жонланарди. Бошқа ёқда Зулайҳо изтироблари, Зассининг роҳатли укубатлари солланиб турарди.

Ниятини... отасига қандай билдиради? Билдирмай қандай кетади?.. Йўқ, тезда бориб қайтади-ку...

Соғинч биканинг ҳозир, зарур гапини айтишга улгурмай ошиқиб отига қамчи босиб юборган чавандоздай, фурсати йўқ, тулпор эса аллақачон елиб борарди...

Сарвиноз йиглай-йиглай қола берди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### I

Шерозга отланган Турон лашкарининг йўлдан чалғиб, Мозандаронга юришига музофот аҳли орасида мусулмончилик қоидаларига путур етганлиги сабаб бўлди. Вилоятнинг маркази Сори шаҳрида Мозандарон шайхларидан нуфузли Сайид Камолиддин деган одам ҳоким мақомида эди. У ерда, ажабо, суннатга, балки фарзга ҳам амал қилмаслар, сахарлар аzon айтилмас, жума намози масжидда адо этилмас, жамоат йигилмас... эмиш.

Буни эшитган Соҳибқироннинг ғазаб томирлари кўзғолди. Уламо аҳли ҳисобланадиган шайхларга нисбатан кескин чоралар кўриш тақдир тақозосига айланганини сезди.

Лашкар кунчиқишида Соридан тўрт чақиримлик масофа-да тўхтади.

– Тавба, минг бор тавба демак, бундоғ иллатлардан фориғ бўлмак лозимдур. Номақбул бидъатларни улар қайдан олмишлар? Уларнинг устодлари кимдур? – сўради Амир Темур пири муршиддан, кўли беихтиёр ияигига чўзилар экан.

– Шаккокликнинг ўзи-ку! Мусулмонларга... шу муносибму?

– Эсли-хушли одамларнинг бундоғ беадаб тутуми, албатта, ҳайрон қоларликдур, Амир Соҳибқирон! – афсусланди Мир Сайид Барака.

Сўзга шайхулислом Хожа Абдулмалик аралашибди:

– Шундоғ шаккоклар билан бир заминда яшамоқ гуноҳдур! Яна, тавба деб гапирайлик! Аммо ақли қосирим дерки, улар жазога мустаҳикдурлар<sup>1</sup>!

Соҳибқироннинг қўли ияидан тушмасди.

<sup>1</sup> Мустаҳик (арабча) – муносиб, сазовор, лойик.

– Фарз-у суннатга риоя килмаслик ширкка баробар дур... – деди пири муршид. У Соҳибқирон шундоқ ғазаб отига минган паллаларда, қаҳр алангасига бироз сув сепиш ниятида, одатдагидек, суйған усулини қўллади, – пайғамбар ривоятларидан сўз юритди:

– Мұхаммад алайҳиссаломнинг шарафга чулғонган ҳаётлари, сўз-амаллари, тақрири, ул зотнинг муборак вужудларига оид маълумотлар, ҳилм, яъни ҳалим табиатлари сабр, шижаот ва саховатлари каби сифатлар барι суннатдур, умматлари учун бемисл ибрату мактабдур, Амир Соҳибқирон... Алҳамду лиллоҳир раббил оламин!

Пири муршид ҳаёлга ботгандай атай озгина сукут сақлади.

– Чиндан ҳам пайғамбаримизнинг донғи достон умрлари умматлари учун бемисл ибрат мактабидур! Хожай коинотнинг чеварлигига офарин! – қўллаб-кувватлари шайхулислом Хожа Абдулмалик.

– Аммо баъд.. – давом этди сўнг пири муршид. – Ҳадис деган мўъжизага боқсунларким: ҳадис маъноси Оллоҳдан, лафзи расулуллоҳдан бўлғон ваҳийдур. Дин-у диёнат, шариат аҳкомларида пайғамбаримиз ўз фикрларини айтмайдурлар, балки Оллоҳнинг ваҳийсини ўз таърифлари бирлан тақдим этадурлар. Фарз эса бандаи мусулмон бажариши лозим амаллардур. Бир хилларини “фарзи айн” дерлар, барча мусулмонлар учун вожибдур, ҳисоби кирқ атрофида... Ҳалол яшамак, таомни зарур микдорда емак, аниг қувватини эзгу ишларга сарфламак, таом бергувчи Оллоҳга шукр айламак... Амри маъруф<sup>1</sup>, нахий мункар<sup>2</sup>, илм олмак ҳам фарзи айнга кирадур...

Соҳибқирон бирдан аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” китобида банда учун Ватан ҳимоясини адo этиш “фарзи айн” деб ҳисобланишини

<sup>1</sup> Амри маъруф (арабча; яхшиликка буюриш) – 1) савоб ишларга, бажарилиши исломий амалларга даъват этиш; 2) шундай ишга бағишланган маросим, маърака.

<sup>2</sup> Нахий мункар – (арабча; ёмонликдан қайтариш) – гуноҳ ишларни килмасликка даъват этиш; 2) шундай даъватларга бағишланган маросим, маърака.

эслади-ю, кўнгли ёришди. “Ха, ха, бу чиндан-да вожиб амалдур! “- деб қўйди ичида.

– Жаноби олийларининг, салтанат ишларида машваратга қўйғон тўққиз улушдан бирини... мурувват айлаб Мозандарон шайхларига раво қўрсалар, адолат қарор топғой эрди...

– Рост сўйладингиз, пиrim. Сайийдларни инсофга чақирмак лозим ва лобиддур, токи муқаррар урушнинг олди олинсун! – Амир Темурнинг хийла ғазабидан тушгани сезилди. – Пири муршиднинг ўзлари мазкур шайхлар ҳузурига ташриф буюрсалар, улар қилмишини инсоф-у адолат тарозисига қўйиб хукм этсалар, бандасига ҳам, худога ҳам ёқадурғон қадам бўлурди. Шайхлар нозикмизож эмишлар...

– Бош устига, Амир Соҳибқирон!

Ҳумоюн ўрдудан билдирилган ҳоҳиш Мир Сайийд Баракага ўринли туюлди. У пешин намозига қолмай, Сори шаҳрига кириб келди. Чорсудаги кичиккина масжидга яқинлашаркан, бир мулозимни Мозандарон ҳокими Сайийд Камолиддинга юборди-да, бошқа одамлари билан намоз ўқишга киришди. Кўп фурсат ўтмай шайхлар ҳам ҳозир бўлдилар ва намозга кўшилдилар.

Таранглик бироз бўшашибандай туюлди.

Жўяли насиҳатлар, такаллуфларга ўралган, лекин андеша чегарасидан чиқмаган баҳс узоқ чўзилди.

– Бокингиз, Машҳадда сунний мазҳабга мансуб Амир Соҳибқирон шиаларнинг<sup>1</sup> саккизинчи имоми Али ибн Мусо ал-Ризо мақбараси зиёратига бордилар... Бу ул зотнинг бағрикенг эканликлари нишонаси эмасму? – деди Мир Сайийд Барака сўзининг охирида Сайийд Камолиддинга таънаомиз. – Пайғамбаримиз умматларига ҳамиша кенглик ярашади. Ҳаммамиз мусулмонмиз-ку. Мусулмонлигимизни қиласайлик...

– Иншооллоҳ, мусулмонмиз... – розилик билдириди ўзини ўнғайсиз сезган Мозандарон ҳокими. У катта каллали, чўзинчоқ ялпок юзли, йирик гавдали одам эди.

<sup>1</sup> Шиа (арабча; гурух, фирқа; солик; кишилар, эргашувчилар; мазхаб) – тан олмайдиган оқим, ислом динидаги икки асосий мазхаблардан бири.

Мубоҳаса хийла давом этди. Нихоят Сайид Камолиддин баҳсга якун ясагандай деди:

– Филҳақ, ўзимиздан кўра ҳам мўъминлар умри азиз! Ишончим комил бўлди, тақсир. Розиман... Ўглим тухфа-ю тансуқотлар олиб сиз бирлан Соҳибқирон ҳузурига борсун...

Нуктадон пири муршиднинг муроса-ю мадора йўлини тутиб, гаров сифатида Мозандарон ҳокими ўғли Сайид Фиёсиддинни бирга олиб қайтгани қутлуг қадам сифатида баҳоланди.

Кўнгиллар таскин топди.

Бироқ уринишлар зое кетгани кейин билинди. Пири муршидни кузатганларидан сўнг, Сайид Камолиддин фурсатни ўтказмай, аллақандай шайтон васвасасида Омул шахридан шимолда Кулзум<sup>1</sup> денгизи бўйида жойлашган мустаҳкам қалъага чекинишга буюрди. Ҳали манзилига етиб келиб улгурмаган Мир Сайид Барака буни эшитиб хижолат чекди, аммо “Инсоннинг табиатига ана шундай бекарорлик хосдир”, деб ўйлаган Соҳибқирон, воқеани пирнинг юзига солиб ўлтирумади...

Тўкнашув муқаррар эди.

Мозандарон ўрмонлари чангальзор ва ботқоқ ерлардан иборат эканини Соҳибқирон яхши биларди. У Муҳаммад Султонга ишониб, шу ишни топширап экан:

– Ўрмонларни кавак-кандигигача биладиган одам топсунлар, барини синчиклаб кўриб чиксунлар, шаҳзодам... Чакалакзорларни кесиб, йўл очсунлар! – деди Амир Темур.  
– Йўлнинг кенглигига бир ўқ отимча ер қолдирсалар, кифоя килур! Чунки ундан черик ўтадур.

– Бош устига, валинеъмат Соҳибқирон!

“Яна эгри қиличга суюниш керак...” – деб қўйди ичида Амир Темур.

Улкан қўшин чангальзорларга тўла ўрмонда ёғочларни кесиб, ботқоқларни қуритиб, йўл солиш ишига бало-қазодай ёпишиди.

Сурон қўпди...

<sup>1</sup> Кулзум – Каспий денгизи (муалл).

Ҳамма нарса қўлдан кетиб, мағлубият аник бўлиб қолганда гурух-гурӯҳ саййидлар ўрмон ичкарисидан бош эгиб чиқа бошладилар. Шоҳчодир олдидағи супада ўлтирган Соҳибқирон жим баридан кўз узмасди. Оқилона маслаҳатларга қулок солмаган, ўз бошига бало орттирган ўзбошимча муҳолифатчилар унинг қаҳрини қўзгаб, ғазабини келтирди. Аммо буни сездирмади, нафратини оёқда туриб гаплашиш билан ифода қилди:

– Барчангиз ёмон мазҳаблар йўлини тутубдурсиз! Худонинг бандаларини қаён бошламоқдасиз? Бегуноҳ тўкилган қонлар кимнинг бўйнига тушадир энди?..

– Мен Ҳазрат Али наслидантурман, Соҳибқирон жаноби олийлари... – Сайид Камолиддин бесўнақай гавдасини тик тутишга уринарди. – Унинг ғанимларига дўст бўлмоқ қўлдан келмайдур...

– Ҳазрат Али шери даргоҳ жанобларининг ғанимлари кимлар экан?.. – забтига олди катта-катта кўзлари қисилганча Амир Темур. – Аён бўлсунким, Ҳазрат Али ло фатонинг ғанимларига биз ҳам ғанимдурбиз. Сизлар суннатга, фарзга амал қилмайсиз, – нечун? Жума намози ўқимайсиз, жамоат йиғилмас, – нечун? Мусулмонлар қулоғи сахарлар аzon овозидан бебахра... – нечун? Ё, алҳазар!.. Каломуллода айтилғон сўзлар ёдингиздаму? “Ағар намозга аzon айтилғайдурсиз, мушриклар масхара қилгайдурлар, чунким улар Оллоҳга баҳшида ибодатға ақли етмайдурғон қавм-дур”. Ана, сизнинг баҳоингиз! Уқдингизму?.. Каломуллога қулок тутмак керак. Сиз саййидлар – пайғамбар авлодидандурсизлар. Дин-у иймон айвонининг пуркуч устунлари... Авомунносга сизларда ўзга ибрат топилмайдиму? Сизларга муносибму?.. Буни англамак лозим! Шикоятни шукрға айлантиրмак фурсати аллақачон етмишдур! Солих йўлга қайtingиз!

– Бош устига, подшойи олам! – таъзим айлаган Сайид Камолиддиннинг изо тортгани сезилди. У Соҳибқироннинг рисолатпаноҳ расулуллоҳ авлодларига ҳамиша шафқат қилишини билар, ичидаги шундан умидвор эди.

– Айб иш килиб қўйдик....

– Солиҳ йўлга қайтгаймиз! – қўшилишиди бошқа саййидлар ҳам.

Жимлик чўкди. Пири муршид Соҳибқироннинг хийла шаштидан тушганини кўриб кўнгли тинчиidi.

– Сайидларга омонлик берилсун! Ўз сўзига вафосиз Мозандарон ҳокими Сайид Камолиддин... қаттиқ жазога мустаҳиқ эрса-да, гуноҳидан ўтилсун, хотинлари-ю ўғлон-ушоқлари билан Хоразмга жўнатилсун! Бузғунчи бадмазҳаб сипоҳийлар битта ҳам қўймай қатл этилсун! – буюрди Амир Темур хотиржам.

## II

Мозандарон тасхир<sup>1</sup> этилгани ҳакида турли ўлкаларга фатҳномалар юборилди.

Соҳибқирон соғинган оға ва хонимларни, саодатнишон ўғилларини ўз ёнига чорлади. Эрондаги фарзандлар-у болабақраларни йиғиб олиб келиш Умаршайх Мирзога юклатилди. Самарқандга бораётган чопарга, барча Наврӯз байрамидан кеч қолмасунлар, деган фармон берилди. Бу хабардан бағоят қувонганлардан бири, балки биринчиси шаҳзода Мухаммад Султон бўлди.

Шаҳзода ҳали Машҳадда эканидаёқ, Согинч бикадан пинҳона хабар олмоқ учун Самарқандга чопар юбормоқни кўнглига тукканди. Соғинч бикага қисқа муштоқона мактуб битишга ўтирди. Мактубни настаълиқда ёзади, ҳошияларида гул-у нақшлардан чаман яратади. Токи суюклиси унинг кўнгли пўртанааларини сезсин...

“Эй қалби ўтлуғ, манглайи қутлуғ, соҳир-у ҳур, тишлиари дур қиз! Эй, қадам босган ерларида қирқ кунгача уфор иси анқийдиган қиз! Қочқоқ кийигини излаб юрган аммо қўлидан келмаган бир бечоранинг ушибу мактубдин муроди, муборак сиҳҳатларини Тангридан тиламаги, кўнгиллари осмони бегубор эканлигини билмаги ва бундан ўзининг

<sup>1</sup> Тасхир – забт этиш (муалл).

*шикаста күнгли осмонини қоплаган булутларни қувмакдин иборатдур... ”*

Дадил бошлаган шаҳзода шу ерда тўхтаб қолди. Жуда кўп нарсаларни ёзишни ўйлаганди, чиройли сўзлар, нозик иборалар қуилиб, “Мана, мени ёз!”, “Мени ёз!” деб ҳолжонига қўймаганди. Ёзишга ўтириши билан, ажабо, бари қаттиқ овоздан хуркиб қочган қушлардек қаёкларгадир учди-кетди...

Шаҳзода мактуб битиш ниятидан воз кечди. Ўйласа, ҳали у мактуб ёзиш ҳаққи-хуқуқига эга эмас экан. Яхшиси, чопарга яхшилаб тайинлади, Муҳаммад Султон юборганини ҳеч кимга айтма, дейди, вазиятни билиб кел, холос, деб жўнатади.

Софинч биканинг онаси қазо қилибди. Чопар Тошканда гача борибди. Аммо Софинч бикани топиш унга насиб этмабди... Хабарнинг бори шу эди.

Йигит қалбida кўп туғёнлар, хаяжонли туйғулар чаппар уради. Жўйи Зар кўпригидаги юз берган ногаҳоний учрашув ҳали ҳануз эсида. Эсида эмас, бутун борлиғида, вужудида, юрак-юрагининг тубида... Ўйлайверганидан, Жаҳоншоҳ ибн Жоқуннинг ожизаси Софинч бика, нотаниши қиз, унинг жуда яқин меҳрибон-у мушфик кишиси бўлиб қолди. Ажабо, гарчанд қиз билан бир оғиз ҳам сўзлашмаган эса-да, гўё узок йиллардан бери таниш-у кўп бор мирикиб сухбатлар кургандек сезади ўзини.

Ул санамнинг сиймоси кўз ўнгига шундай муҳрланган: хиёл чўзинчоқ оқ юзлари тип-тиник, қошлири кора, карашларида ноз-у карашмаси яширин, – ана щуниси йигитга жуда ёқади, – кулганида бир текис оппоқ тишлари кўзга ташланади. Ўзига ярашиб турадиган кувлиги ҳам бор, жилмайса, икки юзидаги кулгичи ўймоқчалар ҳосил қиласи. Шаддод, қўрқмас... Ўзи уғруқ бошида, акалари эса орқада... Қишлоқда хайр-у эҳсонлар улашишда ҳам у бош-қош...

Ичи сирга тўлиб кетган шаҳзоданинг кимгадир ёрилгиси, кўнглини бўшатгиси келарди. Онаси Хонзода хоним йироқда... У хонимойим Сароймулхонимдан эшигтан эди, отаси Жаҳонгир Мирзо билан онаси Хонзода хоним ўрта-

ларидаги ғойибона мұхаббатни асраб-авайлаб вояга етказған Сохиққирон әгачиси бонуи кубро Күтлүғ Түркон оқа бұлған эканлар. Жаҳонгир Мирзо Күтлүғ Түркон оқани она ўрида күрарканлар. Жаҳон амирзодаси билан Хоразм маликаси қиссаси, уларнинг тўйлари, фараҳли айёмлари, қувонч-у қайғулари ҳақида Мұхаммад Султоннинг тасаввури бор. Хонзода хонимни Жаҳонгир Мирзога унаштирганларидан кейин икки йилча вақт Самарқанд билан Хоразм ўртасида борди-келди тортишувларда ўтган экан. У отасига ўхшаб кетмоқда, ажабо, унинг мұхаббати ҳам ғойибона, ярим йилдирки, севганининг дийдоридан бебахра...

У сирини Сароймұлхонимга очиши мүмкін. Маҳди улёнинг вазиятни тушуна олишларига ишонади. Жўйи Зардаги қишлоқда кутылмаганды күчада учрашдилар, ҳар икки ёш ҳам ҳаяжонларини яшиrolмай, бир-бирларига бефарқ эмасликларини билдириб кўйдилар. Ёш кўнгилларнинг бу ҳолатлари нозикфаҳм маҳди улё назаридан қочмади, гумонлари тасдиқлангандай туюлди. Йигитга ҳам шу керак эди, хонимойим шаҳзоданинг Соғинч бикага озгина иши тушиб турганини англаб етган эса, кифоя...

Худо хоҳласа, Наврӯз байрамида Мұхаммад Султонга катта малика билан ҳам, онаси Хонзода хоним билан ҳам дийдорлашиш насиб этади.

Қишининг охирлари эканига қарамай, хонимойим Сароймұлхоним ва Туман оқа етакчилигидаги уғрук Журжон<sup>1</sup> вилоятининг Шосмон деган мавзеига қийналмай етиб келди. Султониядан Хонзода хоним, Балхдан Султон Баҳт бегимлар аллақачон шу ерда ҳозир-у нозир эканлар. Мунис ва мунглиғ аёллар қувончларига чек йўқ эса-да, йиғлаб кўришардилар. Маликалар иморати олий – янги саройга жойлашдилар.

Саройнинг тарих милодий 1392-йилнинг кеч кузидаги Кулзум дәңгизига яқин Шосмонда бунёд этилишига маҳди улё сабабчи бўлганди. Амир Темур қаерга қадами тегса, бир

<sup>1</sup> Журжон, Журжония (Гургон, Гиркания) – ўрта асрлардаги вилоят ва шахар. Каспий дәңгизининг жанубий-шарқида, Эроннинг шимолида жойлашган.

из қолдириш одатини тарк этмасди. Ният, асли, Жүйи Зарда туғилди.

– Амир Соҳибқирон, – мурожаат қилди ўшанда Сароймулхоним – Хонзода хоним келинимизни ўйлаймен. Мабодо лозим топсалар, дengiz яқинида хушманзара ўрмонда бир қаср курдирсалар... Ўзлари шундай жой ҳакида сўйлағондилар. “Келиним ўксик, ёдингизда турсун!” дегандилар. Малика шаънига базм-у зиёфатни янги саройда ўткарсам, деган орзуда эрдим.

– Жуда соз, Биби...

Эндиғина соғайған Амир Темур кенг шоҳчодирнинг ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Чодир эшигидан кунботишда, Жүйи Зардан узок-узокларда чети осмонга уланиб кетганлиги сезилар-сезилмас чўл кўринарди.

– Ҳа, дунёда энг гаройиб нарса инсон қисмати экан, – деди Соҳибқирон күш учса қаноти куядиган бедаво чўлдан кўз узмай. – Пешонага тортилғон кичиккина чизиқни ўзгартириш ёки салгина четга суришдан ҳам ожиз экан бандаси... Қаерда юрмайин, хаёлимнинг бир учи Султонияда. Фарзандим, ўғлим ўрнида ўғлим Хонзода хоним тақдирини ўйлағонимда, кўнглим япроқдай титраб туради. Ҳовли-ҳаёти тутув эрмас. Биламен, биламен... Ҳар доим хабар олингиз, Биби... Қасрни, албатта, курғоймиз! Мироншоҳ Мирзо сал бетакаллуфроқ ўси, кибр-у ҳаволи, зулм ўтказмасун, ундан ҳар нарсани кутиш мумкин... Фарзандингдан қаёққа қочиб кутуласен? Эвоҳ!

Маҳди улё Сароймулхоним ана шу Наврӯз арафасида куриб битказилган янги ҳашаматли саройда Хонзода хонимга атаб тўйлар берди. Хоразм маликасининг олиб келган турфа хил қимматбаҳо пешкашларидан бошқалар ҳайратдан ёқа тутиб қолдилар...

Бир-бирларини соғинишиб қолган сарой маликалари – оға ва хонимлар мушкулкүшод ўтқазиб, азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат этдилар, наврӯзга сумалак пиширдилар. Кулзум дengизи бўйидаги кичик яриморолда ўтган Наврӯз айёми жуда ҳам файзли кечди.

Кўклам мўъжизалари ўз кўркини кўз-кўз қилган орол кўм-кўк либосга бурканиб улгурганди. Шимол ёқда вужудида баҳорий кўтарилиш авжларидан тўлқинлана бошлаган безовта мовий денгиз уфқа бош қўйиб ястаниб ётарди. Оқ, қизил, сарик, ҳаворанг ва ҳоказо ранглардаги катта-кичик олачипор чодирлар атрофни тутиб кетди.

Хумоюн ўрду чорловига кўра, Соҳибқироннинг хотин ва хос жориялари, фарзанд ва набиралари, жиянлари йигилдилар. Соҳибқироннинг кўнгли таскин топди – ҳамма қариндош-уруғлар тўпланибди. Чодирлардан мамнун-у масур болакайлар қайнаб чиқарди. Хипчинни от қилиб миниб олган болалар дунёни бошга қўтариб сурон солиб ўйнашар, бошларига толбаргак кийган, йиллар ўтиб оламни куйдирадиган хурилиқо маликалар бўлиб етишадиган қизалоклар у ёқдан-бу ёққа чопишар, шовқин қилишда болалардан қолишмас, тўп-тўп очилган лолалардан дасталар теришарди. “Темурийлар!..” – деб ғуурланди Соҳибқирон ичида. У мамнун давраларни оралаб юrar, юзларида табассум барчани муборакбод этар, набира-жиянларнинг пешонала-ридан суюб ўпиб кўярди. Ҳар дастурхондан унга малика-ю жориялар, келинлар тайёрлаган байрам таомларидан ту-тишганида, атай иштаҳа кўргизиб татиб кўрар: “О!.. О!.. Жу-да ширин!”, “Тотли чикибди!”, “Баракалла!” деб мақташдан толмасди.

Яшил қабо<sup>1</sup> кийиб олган маликалардан бири ёлғиз ўзи ўйнаб, денгизга яқин бориб қолган калтагина соchlарига толкучук боғланган қизалоғини йиглатганча қайтариб келарди.

– Болани йиглатма, тез юпантир! – уқтириди Соҳибқирон.

Бирдан Мұхаммад Чуроға додхоҳнинг баланд овози эшитилди:

– Амир Соҳибқирон! Мужда муборак! Йил бошланди! Дехқон бобо далага омоч олиб чиқди! Бўғирсоқ ёғида ҳўқизларнинг шохини-ю бўйинин мойлаб қўшга қўшдила-ап!.. Ерга дон тушди-и-и!.. Энди барака ёғилади-и-и!..

<sup>1</sup> Қабо (арабча) – узун ва кенг устки кийим (муалл).

– Хўқизларга биринчи марта бўйинтуруқ солиниши-да, момоқиз! Шунга мойлашади. Иримларимиз шунаقا... – деб кўйди Орзумулк оқа дугонаси Сароймулхонимга. Катта малика жилмайганча бош иргади. Уларнинг чодирлари ёнма-ён эди.

“Йил бошланди！”, “Кўшга қўшдила-а-р！”, “Ерга дон тушди-и-и！..”, “Барака ёгилади-и-и！..” – дея қичқиришарди бола-бакрадан тортиб катталаргача.

Дастурхонларга хилма-хил таомлар тортилган. Лаганларга терилган етти хил кўк сомса иштаҳаларни қўзғар, сумалак, одатдагидек, алоҳида иззат-икромда... Ўйин-кулги авжида... Денгиз томондаги ясама супада кўр тўкишган хушваз мутриб<sup>1</sup>-у<sup>1</sup> хонандалар соҳир куйлар чалишар, Наврўз кўшиқлари тараларди. Жанубдан гала-гала қайтаётган кушлар тепада бироз тўхташар, кейин, чамаси, сўз-у соз сеҳрига маҳлиёликданми, тиниқ осмонни тўлдириб, айланайлана, ғужғон ўйнашарди... Дилтортар “Тўрт зарб” таронасига навбат етди. Машҳури замон бастакор Хожа Абдулқодир Мароғийнинг куйларини чалганларида бошқалар тугул, машшоқларнинг ўзлари ҳам масрурликдан яйраб кетардилар. Бастакор кўпроқ Хожа Мароғий номи билан танилганди.

Шодиёна авжга чиқиб борарди.

Хонзода хонимнинг омади чопди – икки ўғли Мухаммад Султон билан тўқиз яшар Халил Султонни бир пайтда дийдорларига тўйиш насиб этди. Парвардигорнинг бундай илтифотидан ўзини қайга қўйишни билмаган онаизор юраги увалиб турса ҳам, кўз тегмасин деб кўрққанидан, одамлар олдида уларни суюб эркалашдан ўзини тийди. Ёлғиз қолганларида эса, тили боғланиб ҳеч сўз айта олмади, гоҳ у ўғлига, гоҳ бу ўғлига қараб, меҳр билан:

– Ўғлим... Ўғилжонларим!.. – дея олди, холос.

Мухаммад Султоннинг балоғат ёшига етаётганини ўйлаганида, онанинг кўнгли ҳаприқиб-ҳаприқиб кетарди. Ўзи мард, келишган, заковатли ўғли нафақат китобат

<sup>1</sup> Мутриб (арабча; шодлантирувчи, завклантирувчи; ашулачи; чолгучи) – созанда ва ашулачи.

санъатида, балки турмушнинг барча жабҳасида ҳам таъби нозик... Уни уйлантиrmок лозимдур, аммо ҳамма ожиза ҳам ёқавермаслиги аён. Шу сабабдан, тўйга розилик бермай келадур. Хонзода хоним қулоғига етди, бир неча номзодларни рад этавергандан сўнг, Соҳибқирондан кўмаг-у кенгаш сўрабдилар. Амир Темур: “Валиаҳд шаҳзоданинг хоҳишларига қарамок жоиздур... Мен мамлакатларни бирлаштира олурмен, бунга кучим етадур, аммо зўрлик билан икки кўнгилни бир-бирига боғлашдан ожиздурмен...” – деган эмишлар.

Маҳди улё Сароймулхоним мактубларидан бирида, бошқа амирзодалар қатори Мухаммад Султонга ажойиб бир келин топиб қўйгани, йигит ҳам, қиз ҳам бир-бирларига жуда муносиб эканлари, айниқса, уларнинг интилишлари ҳам борлигини ўз кўзи билан кўрганини ёзиб юборибдилар. Хонзода хоним худди эрта-индин тўй бошланадигандай, бирам шошилдики ўшанда. Ақлли ва гўзал қиз эмиш Соғинч бика, зукко ва оқил Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг ожизаси... Агар ўғли ёнида бўлганида-ку, мактубни олиши биланоқ, бу ҳақда дарҳол сўз очиб тўйга даъват қилиши шубҳасиз эди. Бироқ ўғли узокда эди...

Хонзода хоним яхши билади, замоннинг тақозоси, вазиятлар ҳолати, тақдир ҳукмфармолиги ва тушунксиз сабаблар окибатида бечора маликалар ўз фарзандлари дийдорларига зор яшайдилар. Бундай таомил факат Турон салтанатида эмас, балки барча подшоликларда, жумладан, Хоразмда ҳам ҳукмрон. Бобоси Султон Мухаммад Ўзбекхон саройида ҳам тартиб шундай экан. Ҳатто баъзан, бир валиаҳддан бошқа барча меросхўр шаҳзодаларни болалигидаёқ ўлдириб юборишарканлар.

Ворис шаҳзодалар тақдири жуда қизик. Чақалоқ туғилиши билан, уни энагалар олиб эмизишиади, катта малика Сароймулхоним назорат қиласи. Вояга етган сари, амирзодалар мадрасада таҳсил оладилар, одоб-ахлоқ, инсоф-у адолат сабоқларини тинглайдилар, давлатдорлик йўлларини ўрганадилар, отабек жанг майдони сирлари, муомала коидалари, шикор русумлари билан таништиради...

Амирзодаларни асраб-авайлаш салтанат даражасидаги вазифадир, улар тор оила доирасида эмас, балки болалик-лариданоқ ҳашаматли кенг сарой ҳавосидан нафас олиб вояга етсунлар, токи келажакда юрт бошқариш бахти насиб этганда, қийналиб, ўзларини ожиз сезмасунлар...

Алқисса. Онаизор – кўпинча у бошқа шаҳарда яшайди – ўзи истаган вактида жигаргўшасини кўра олмайди. Қандайдир конунга айланган бу одатга ҳеч ким таажжубланмайди, нега шундай, деб сўрамайди ҳам. Онанинг фарзандга муҳаббати, фарзанднинг онага меҳри, садоқат каби, гоҳида эса бошқа самимий инсоний туйфулар ҳам давлат юки, салтанат аҳлларига хос расмий мулозамат-у муомалалар соясида бир четга сурилиб қолади...

Бирдан Хонзода хоним хаёли жонланди: “Шаҳзодаларнинг ота-онасидан йироқда яшағони, ота-она меҳрини тўймағони бағритош-у бешафқат ўсишларига сабабчи эмасмикин? Қадимда, дейдилар, сосоний шаҳзода Шеруя ўз падари бузруквори Қуббодни ўлдирғон экан, ўн беш-йигирма йил аввал эса музafferий шаҳзода Шоҳ Шужоъ отасининг кўзини кўр қилиб, зиндонга солибди. Балки, улар ҳам ўз оналари қўлида тарбия топмағондирлар, шундан ота-оналарига меҳрлари йўқдир...” Муҳаммад Султон туғилганда, отаси Жаҳонгир Мирзо оғир бетоб ҳолда ётарди. Бари ҳамон Хонзода хонимнинг кўз олдида турибди – жони узилолмай кутиб ётган эканми, чақалокни кўрсатганларида, қўлига олай деб талпинди, аммо шу ондаёқ боши шилқ этиб ёстиқка тушди. Кувонганидан тўлиқиб кетгани юрагига оғир ботдими...

Бева маликага ўғилчаси яхши овунчоқ эди-ку, парваришида машақкат чекмасин, дедиларми, негадир чақалокни маҳди улё назоратида энага Холдона бибига бердилар. Мотамзода келинчак маофага<sup>1</sup> тушиб, бутун шаҳарни кесиб, кун ора Боги Накши Жаҳондан Боги Чинорга бориб келарди. Етти йилги умр икки боф ўртасида кезиш билан ўтди.

<sup>1</sup> Маофа (форсча; тахтиравон; замбил) – отга ўрнатиладиган, одам ўтирадиган, соябонли бир хил кажава.

Ҳиротда Халил Султон туғилган пайтда, Соҳибқироннинг Мозандаронга черик тортганлари хабари етди. Чақалоқнинг чилласи чиққақ, Мироншоҳ Мирзо уғруки билан Мурғоб дарёси бўйига падари бузруквори истиқболига ошиқди. Ҳамманинг қувончи чексиз. Сароймулхоним ипак тўшакчага ўралган, ёқимли гўдак ҳиди анқиб турган икки ойлик Халил Султонни кўтариб қўлидан қўймас, ҳайратланганча дерди:

– Кошларига қарангиз, Амир Соҳибқирон! – мақтанаради Амир Темурга катта малика. – Қоп-қора! Ўзларининг қошлари, ҳазратим!.. Улуғ боболарига тортибдур... Жуда хушсурат йигит бўладур амирзодам ҳали!

Эндиғина саккизга кирган Муҳаммад Султон, мен ҳам кўраман, деб сабри чидамай харҳаша киларди. Кўзлари ёшланган Амир Темур чақалоқни кўлига олиб манглайидан ўпib қўйди, хийла вақт бировга бермади, кейин эгилиб, типирчилаётган Муҳаммад Султонга тутди. Сароймулхоним Хоразм маликасига қараб:

– Сафарларда юрасизлар, хавотир кўп, ҳар қадамда хатар... Болажонларимга қийин бўлади. Худо сакласун! – деди. – Амирзодам иззатли оғаси Муҳаммад Султон каби бизнинг кўз олдимиизда жумла мўъминлар қатори басаломат ўсиб камолга етсунлар. Бизларни қувонтириб юрсунлар... Соғиниб қолмайлик...

– Соғиниб қолмайлик... Ҳа-а... Ўғилдан кўра набира ширин, ота-боболар удуми-да... Амирзодалар бирга юрсунлар! Салтанат улар қўлида бўладур. Кичикликдан бирбирига меҳр қўйсунлар, хурмат қилишни, оқибатни ўргансунлар!.. – катта малика сўзларини тасдиқлади Амир Темур.

Хоразм маликаси шундай ҳолат юз беришини билар ва бунга тайёр ҳам эди. Чунки амирзодалар шунчаки фарзандлар эмас, балки даставвал салтанат кишилари дурлар, буни малика яхши фахмлайди.

Бир жихати, ўғлининг Соҳибқирон ҳузурида вояга етгани ҳам тузук. Борди-ю, Халил Султонни ўзи билан олиб кетганда ҳам, у ерда Мироншоҳ Мирзонинг эрка-талтанг қиликлари, файриоддий тутумлари амирзодани эмин-эркин

юришга кўймасди. У бошқа ўғиллари Абу Бакр Мирзо билан Умар Мирзоларни кўпроқ сурди, кўпроқ кўз олдида юрганлари учунми, улар билан овора, Халил Султонни эса худди бирорвонинг боласидай, аҳён-аҳён бир эслаб кўйса кўяр, эсламаса йўқ... Кўздан нари, ўздан нари...

Чамаси, бари ўғиллар туриб, набира Муҳаммад Султоннинг валиаҳд этиб тайинланганига Мироншоҳ Мирзо кек билан қарайди, буни яширмайди ҳам. Саройда олиб қолинган Халил Султон, бир томондан, ўша валиаҳднинг укаси, иккинчи томондан – жилов, Соҳибқиронга Мироншоҳ Мирзони ўз ҳаддидаги тутиб туришга ярайди. Бу нарса, Хонзода хоним фикрича, Мироншоҳ Мирзога сира ҳам ёқмайди. Лекин онаизорга боласи қаерда юрса-да, тинч, омон-эсон ўсиб вояга етса, бас.

– Шубҳасиз, валийнеъмат Соҳибқирон!..

– таъзим қилди кўзи ёриганидан кейин ҳали ўзига келиб улгурмаган беҳолгина Хоразм маликаси.

Сароймулхоним меҳр билан Хонзода хонимни елкасидан кучди-да, кулоғига секин шивирлади:

– Сиз туфайли дилбандингиз ҳам бизга азиз-да, маликам...

Хонзода хоним жилмайганча бош эгди.

Ийлар оқими шитобли, мана, ҳаш-паш дегунча тўққиз ийл ўтиб кетибди...

Муҳаммад Султон ўн еттига қадам кўйган, хушсурат ўсаётган Халил Султон эса тўққизга кирмоқда. Хонзода хоним жилмайганча дам у ўғлига, дам бу ўғлига кўнгли ийиб қарап, бағрига босар, пешоналаридан ўпар, бошларини силяр, аммо ҳеч нарса демас, бутун сўзлари ўша эркалашларда мужассам эди. Муҳаммад Султон укаси Халил Султонни яхши кўриб суряр, кичик амирзода ҳам валиаҳд оғасига талпинар, бу нарса онаизорни беҳад ғуурлантиради.

Шахзодага аясининг ранги синикқандай туюлди. Шахло кўзларида мунг борлиги аёндек... Дийдорлашганларидан хафамидурлар?.. Ҳозир сўраб билиб олади, кўнглини кўтарили. Муҳаммад Султон беихтиёр шимолга, охири йўқдай туюладиган Кулзум томонга қаради: лимиллаб турган де-

нгизнинг дилни кувнатадиган мовий ҳаётбахш ранги кўзларини яшнатди.

Наврўз издиҳоми давом этарди.

Шу палла Халил Султон бир неча мулозимлар кузатувида давраларни оралаб юрган Соҳибқиронни кўрди-ю, қичкирганча ўша ёкка югурди. Нарироқда ўн бирга кирган Султон Ҳусайн Мирзо Орзумулк оқанинг олдида қовоқ уйганча, Халил Султонга қараб турарди.

– Бор, сен ҳам бор! Халил Султон ўнг кўлларини тутса, сен чап кўлларидан тут! Сенинг ҳам бобонгдурлар! Ёлғиз уларга бериб кўйилганмас! Бора қол, тортинма! – деди Орзумулк оқа атай овозини баландроқ кўтариб, Сароймулхоним тарафга қарамасликка тиришиб. Катта малика эски дугонаси – “момоқиз” нинг тугумини яхши тушунарди. Лекин кўнглида, ҳамиша ожизанинг боласи эканидан, бошқа набираларга қараганда, Султон Ҳусайн Мирзога эътибор камроқ-да деб, ўпкалаб юрадиган Орзумулк оқа иддаолари ни сира қўллаб-кувватламасди.

Султон Ҳусайн Мирзо бироз иккиланиб тургач, чопиб кетди.

Хонзода хоним билан Муҳаммад Султонлар ҳам пешвоз чиқдилар. Назокатли малика оҳиста бориб Соҳибқиронни тавоғ айлаб, заррин чопони пешини кўзларига суртди.

Амир Темур ҳеч нарса демай, Хонзода хонимнинг манглайдидан ўпид бошини силаб кўйди, кейин Муҳаммад Султонни аллақандай меҳр билан бағрига босди! Унинг фақат жаҳли чиққандагина тириш тушадиган кенг манглайи ажинсиз кўринарди. Хоразм маликаси дуркун шаҳзоданинг бўйи улуғ бобосига деярли етиб қолганини кўриб кўнгли бир титраб кўйди...

Машшоқлар шўх мақом куйини тугатаётган эдилар, атрофдан “Фотихий зарб！”, “Фотихий зарб！”, “Фотихий зарб！ “дан бўлсу-у-н！” деган овозлар янгради.

Амир Темур ўзининг Тўхтамишхон устидан қозонган музafferиятига бағишлиланган туркий зарб усулида яратилган бу қуй бастакорини Хожа Марофий деб эшитганди. Уни

сарайга олиб келиши лозимлигини англади Соҳибқирон шу палла...

Куй баланд пардадан бошланди.

Амир Темур бу куйни тинглашни жуда ёқтиарди, эшитганда, ўзини худди завқ-у эхтиросларга тўлиб-тошган жанг майдонларида чарх уриб, елиб-чопгандай сезар, айникинса, ёшлик йиллари, ҳали салтанат тахтига минмаган паллалар, Кеш атрофидаги даштларда жавлон уриб юрганлари, улкан савашишлар кўз олдидан бир-бир ўтарди. Бастакор худди барини ўзи кўриб тургандай аниқ яратганди бу куйни... Ана, қўлига найза тутган навкар шиддат билан ёв сари елиб бормоқда, от туёкларининг бир хил зарбдаги овози киши кўнглига: “Душман яқин! Отга мин!..”, “Душман яқин! Отга мин!..” деяётгандай қутқу солади. Най билан ғижжак-нинг нолишларида олға интилаётган, юганни тортганларидан норози тулпорнинг бетоқат кишинашлари эшитилаётгандай... Кўнгли яйраб тингларкан, Соҳибқирон эрка набира Халил Султон ва Султон Ҳусайн Мирзони етаклаганча йўлида давом этди.

Бобосининг ўзидан кўра Халил Султонга ортиқрок эътибор бераётганидан ғаши келган Султон Ҳусайн Мирзо қовоқлари уюлганча, шавқсиз қадам ташларди.

Нарироқдаги майдонда Умаршайх Мирзо билан Муҳаммад Чуроға доддоҳлар чарх уриб ўйинга тушиб кетдилар. Мироншоҳ Мирзо, Пир Муҳаммад Жаҳонгир, Мирзо Алибек жиян, куёви Муҳаммадбек ибн Мусолар эса тинимсиз кийкириб қарсак чалардилар. Амир Темур Халил Султонни ўйинга қўшиб юборди, Султон Ҳусайн Мирзога эса хеч нарса демади. Кўнгли чўккан амирзода аста сирғалиб, энаси томонга қараб юрди.

– Маъюс қўринадилар, шахзодам?.. – синчков назар ташлади Хонзода хоним Муҳаммад Султонга сал холи бўлишгач. – Сиҳҳатлари тузукму?

– Худога шукр! Ўзингизнинг саломатлигингиз яхшиму, аяжон? Укам ҳам бўй чўзиб қоляпти... Оллоҳга шукр, аяжон.

Хонзода хоним ўғлининг саклаб юрган қандайдир сири борлигини фаҳмлади.

– Маъюсланмангиз... Маъюслиқдан худо сакласун. Хурсанд юрингиз, ўғилжоним! Парвардигор ато этгон ёдгоримиз. Худо хоҳласа, тўйлар қилғоймиз. Тўйлар...

– Қанақа... тўйлар? Аяжон... – Шаҳзоданинг изо тортгани билинди. – Мен... мен... уйланмаймен... Малика Сароймулхонимга тўй ҳақидаги кенгашлари-ю режаларини айтиб бериб, ўглининг рўйхушлигини олишни ўйлаб кўйган, Шосмонга ташрифнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Майли, ҳозирча Хон Султон оқа ҳақида индамай турсинчи... Сароймулхоним ҳоҳишига кўра, Тошкандга совчилар жўнатилган. Демакки, Соҳибқироннинг ҳам ризоликлари бор, деб тушунмак керак.

– Ундоғ демангиз, ундоғ демангиз! Ўғилжоним...  
Вой... Биласизму...

Хоразм маликаси сўзини тугатолмади, Сароймулхонимнинг Оққизни эргаштириб шу томонга келаётганига назари тушди. Дардини онасига айтишдан истиҳола этиб турган шаҳзоданинг юраги бир ҳаприқди! Унинг бор умиди маҳди улё Сароймулхонимдан ва... аясининг канизаги Оққиз холадан! Оққиз хола шаҳзодани жуда ардоқлайди. Уларга, албатта сирини оча олади...

Муҳаммад Султон дарҳол ўрнидан қўзғолиб салом берди. Сароймулхоним шаҳзодани қучоғига олиб эркалаб, юzlаридан ўпиди қўйгач, чикиб, чорпоянинг тўрисига чўқди.

– Шаҳзодами кўрмағонимга хийла бўлди... Согиниб қолдим... – деди кулимсираб Сароймулхоним. – Аммо шаҳзодамнинг жанг майдонларидағи зафарлари довруғи дунёни тутгонини эшишиб турибмен. Мозандарон ўрмонларидағи шиҷоатларини айтсангиз, тилларда достон!.. Бу ёги Хутталон-у, у ёғи – Хўжанд дейсизми. Андижон ёқларгаям бориб етибди, Хоразм ёқларгаям...

– Андижон ёқларгаям денг? – сўради Оққиз. – Ёқантди ушлайсан киши...

– Ҳа-да! Шаҳзодамнинг жасоратлари ҳамманинг оғзида эмиш. Ёлғиз ўзлари қалин ўрмон ичидаги ҳаш-паш дегунча, куличга сифмас йигирма дараҳтни кесиб, арралаб йўл очибдилар-да! Бир йўлбарсни тузокқа тушириб, тумшуғидан ҳал-

қа ўтказиб Соҳибқирон олдига етаклаб келибдилар. Ҳа, ҳа, тумшуғидан!.. Ёпирај, қўрқмағонларини! Ростдан вали-аҳдга муносиб шижаат! Амир Соҳибқирон бирам қувондиларки!.. Бирам қувондиларки!..

– Ҳам Мұхаммад, ҳам Султондурлар шаҳзодам! – самимий мақтади Оққиз. – Ёвқурликлари султонларга муносибда!..

Бир пайтлардаги тиқмачоқдеккина Оққиз ёшига ёш қўшилиб тўлишган, кулча юzlари ширмой тусини олган, хушрўй, истараси иссиқ аёлга айланганди. У севгани Ахий Жаббор баҳодир билан бир ёстиққа бош қўйган эса-да, ҳовли-ҳаёти кемтикроқ... Худо икки фарзанд берди, ҳам ўғил, ҳам қиз. Иккиси ҳам ёшига бормай нобуд бўлди. Икки марта ҳомиласи тушиб кетиб қолди. Энди уч йилдан бери у ҳам йўқ... Эри бошқага уйланишни ўзига эп қўрмайди, канизак ҳам тутмайди, ўзингдан яхвисини қайдан топаман, бандасига бири кифоя, дейди, шу билан шўрлик аёлни юпатаман, деб ўйлади, шекилли... Оққиз юпанармиди-я! Оққиз-а? Ўзи Оққиз, аммо баҳти кора бечора қиз!..

Хонзода хонимнинг оғир-енгил кунларида доим ёнида ҳамроҳ-у сирдош синашта Оққизни катта малика ҳам ҳурмат қиларди. Оққиз Халил Султон чақалоқлигига икки ой қўкрагидан сут бериб эмизган.

– Кўп мақтама, Оқ... – тўхтатди Хонзода хоним. – Қўрқамен! Кўз тегмасин тағин...

– Шуям мақташ бўптими, маликам? – ўпкалади Оққиз.  
– Мақташга тушсам-у, вақт етмасди-я...

– Мақташга сабаб бор... – Катта малика жилмайганча, Хонзода хонимга ўғринча қараб қўйди-да, Мұхаммад Султонга тикилди. – Сабаб бор. Яқинда шаҳзодамни тўйларини бошлайдурмиз. Эл-юрга айтиб ҳам қўйғонмиз... Ҳамма билади. Кўплар, нега шаҳзодамни уйламаяпсизлар, деб сўраб ҳам қўйишади.

Уч аёл худди шаҳзоданинг шу ердалигини сезмагандай гаплашишарди. Катта малика давом этди:

– Оҳ, маликам! Шаҳзодамга бир ожизани номзод қилдимки, таърифлашга тил ожиз!

Мұхаммад Султон гапларға бефарқдай ерга қараб үти-  
пар, бирок юзлари ёнаётганини яширолмасди.

– Түй аллақачон үтармиди... – қүшиб қўйди Сарой-  
мулкхоним. – Лекин бўлажак келинимиз бошига мусибат  
тушди. Онаси бандаликни бажо келтирди... Азалик уй бў-  
либ қолди.

Мұхаммад Султон ялт этиб хонимойимга қаради. Бу  
изтиробли қаравашда: “Онаси дунёдан үтган... ким? Азалик  
уй?.. Мабодо... Соғинч бика ҳақида гапирмаётирларму?..”  
деган савол яширин эди.

– Жойларини жаннатдан қылсун... – Хонзода хоним  
қўлларини юзига тортди ва билмагандай сўради: – Хони-  
мойим, келин ким экан?

– Ким экан?.. – қизиқиб сўради Оққиз ҳам.

– Тегли-тахтли хонадондан! Ҳа, тегли-тахтли хонадон-  
дан... Амир Соҳибқироннинг оқибатли дўстлари муҳтарам  
зот Жаҳоншоҳ ибн Жоку ожизасидурлар... Исмини Соғинч  
бика, дейдилар...

“Ўх-хў!..”, “Ислмарини шириклигини кўрингиз!” деган  
сўзлар эшитилди.

Мұхаммад Султон юраги бир қалқиди! У Сароймулк-  
хонимнинг нозик фахмлиги-ю фаросатига тан берди, демак,  
катта малика унинг кўнглидагини аллақачон сезибдилар-да!  
Рост, ўша Жўйи Зардаги учрашув бунга сабаб. Шаҳзода эса  
ҳали буни Оққиз орқали билдиришни чўтлаб үтирибди. У  
кувончини баъзўр яшиаркан, ичида хонимойимдан миннат-  
дор бўлиб қўйди.

– Совчилар ҳам эрта-индин қайтишади...

– Совчилар юборилган денг?.. – ўсмоқчилаб сўради  
Оққиз.

– Ҳа... Энди шаҳзодам йўқ демайдурлар...

Сароймулхоним пинҳона кузатиб, шаҳзоданинг оқса-  
риқдан келган юзлари худди Жўйи Зардаги қишлоқдагидек  
қизариб кетганини, катта-катта кўзлари ҳайратга тўлганини  
пайқади. “Ие! Ие...” – деб юборди ичида шаҳзода... Не қил-  
син – уялганидан туриб кетсинму, үтираверсинму?.. Шундай

дерди-ю, ажабо, боғлаб қўйилгандай жойидан қимирлай олмасди.

Катта малика безовталана бошлаган шаҳзодага қараб ичида кувонар, Хонзода хоним эса ўзича, совчилар Тошканддан суюнчли хабар олиб келишлари аниқ, деб ўйлар, ҳозирданок тўйни Султонияда маҳобатли саройда қандай ўтказиш ташвишини чекар, режаларини барчага айтишга шошиларди. Даврада ҳар ким ўз ўйлаган ўйи охирига етибетмаган бир пайтда, мулозим икки ойлар чамаси олдин Тошкандга юборилган Сафарберган келганидан хабар берди.

– Шаҳри Тошканддан қайтдик... хонимойим ҳазрати олиялари.... – одоб билан сўз бошлади қовоқлари солик Сафарберган. Унинг маликаларни жамулжам кўриб, саросимага тушиб қолгани сезилди, катта маликанинг ўзларига айтиладиган маҳфий гап эди-ку, буни сезарлар, деган илинжда маҳди улёга кўз кирини ташлади.

– Айта бер... – буюрди Сароймулхоним хотиржам. – Тўй қачонга белгиланиши мумкин экан? Рози бўлдими? Жаҳоншоҳ ибн Жоку жанобларига, тўй иссиқ кунларгача бўлишини уқдирдингму? Ҳазрати олийлари шундай буюрғонлар...

– Йўқ... ҳа... йўқ... Уқтиридим, уқтиридим. Бошлари осмонга етди... – каловланди Сафарберган Муҳаммад Султонга бир қараб қўяр экан. – Бироқ бошқа гап... чиқиб колди...

– Бошқа гап? Қанақа гап?..

Сафарберган ҳали ҳам хонимойим ниманидир айтишга журъят эта олмаётган мулозим ҳолатини фаҳмлайди ва алоҳида гаплашади, деган умидда гарангсиброк турарди.

– Айта бер! Тортинма!

– Маъзур тутадилар... Маъзур тутадилар... Худо раҳмати Амир Довуд дуғлатнинг пайшанбасига етиб борибмиз...

– Ҳа... узоқ бетоб эрдилар. – изоҳ берди Сароймулхоним. – Илоҳи, жойларини жаннатдан қилсун.

Ҳамма дуога кўл кўтарди.

– Борсак, Жаҳоншоҳ ибн Жоку жаноблари Тошканддан Самаркандга кўчиб келибдилар, Оқсарой курилишига боғланганларидан Шахрисабзга отланиб турган эканлар. Фамга

чулғанган Жаҳоншоҳ ибн Жоқу жаноблари...

– Нима, нима?.. Ғамга чулғанган, деганинг нимаси? Худо сақласун... – сўзни кесди Сароймулхоним.

– Ғамга чулғанган Жаҳоншоҳ жаноблари: “Бир эмас, ўн кизимиз бўлса, ўнтасини ҳам шаҳзодага беришга тайёрмиз...” дедилар...

– Кейин-чи?.. Нега ғамга чулғанган, дейсан?

– Кейин: “Шундай кўргилик ҳам бор экан...”, дедилар.

– Ие! Қанақа кўргилик?.. Мунча гапни чўзасен? Бундок одатинг йўқ эди-ку!

– Маъзур тутсунлар, хонимойим, гапни чўздим.... чўздим... Ғалати воқеа... – Сафарберган ҳануз муддаони айтолмай қийналарди. “Сирни ўзларигагина айтсан яхшийди...” – хаёлидан кечди унинг. Катта маликанинг эса сабри чидамасди: – Ғалати воқеа? Нималар деяпсан ўзи?..

Хонзода хонимни қалтиrok тутди. Муҳаммад Султон андишани ҳам унугиб кўзларини катта-катта очганча Сафарберганга тикди.

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз, хонимойим ҳазрати олиялари. Айтишга қандай тилим боради?.. Ҳай... Ҳақ эгамнинг ўзи кечирсун. Маъзур тутгайсиз... Жаҳоншоҳ ибн Жоқу ожизаси муҳтарама Соғинч бика... оналари мусибатидан қаттиқ изтироб чекибдилар, сўнг бир кечада...

– Нима... бир кечада? – ҳаприди Сароймулхоним.

– Бир кечада ғойиб бўлибдилар...

“Вой!”, “Ие!”, “Астағурилло!”, “Ё, тавба!” деган сўзлар эшитилди.

– Қизни кимдир олиб қочдими, дейдилар. Қидириб тополмайдурлар. Ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ эмишлар... Бошқа бирор, онасининг ўлимидан сўнг, хаёлпаратлик дардига чалинганди, жудоликка чидай олмай, ўзини Зарафшонга отгандир, деган гап тарқатиби. – Мулозим дона-дона қилиб давом этди. – Факат... Жаҳоншоҳ ибн Жоқу жаноблари, бу сирни ҳеч кимга айтмаслигинизни сўрадилар... Айникса, Амир Соҳибқирон қулоқларига етмасун, деб ўтиндилар...

Сароймулхоним кутилмаган хабардан донг қотиб қолди! Зулукдай қошлари чимирилди, икки чеккасидағи қора

зулфи аламдан қайрилиб ўзини сочлар орасига урди, чап юзидаги кичкина чиройли холи эса, нима бўляпти ўзи, дегандай атрофга ҳайрон боқарди.

Барча сукутда нима дейишни билмасди.

Яқин-орада тўй қиласиз, деган умидда хотиржам юрган Хонзода хоним бутун орзуларининг саробга айланганидан ўзини қўйгани жой тополмасди. “Ўғилжоним, сиз ўшал қизни жуда яхши кўрап экансиз... Иншооллоҳ, топилғусидур. Сизни уйлашимиз керак... тўй хабари ҳар қаёққа тарқалғон. Амирзодалар ўн тўрт ёшларидан уйланадурлар, сиз ўн етига кирдингиз...” – десинмикан Муҳаммад Султонга?

Ёки Марви Шоҳижон ҳокими Амир Алибек Жоникурбоний ожизаси ўн тўрт ёшли гўзал Хон Султон оқани кўз остига босиб қўйганини секингина шипшитсинмикан?..

Шу палла йироқдан чопар кўринди, – у дубулғасининг учига қизил дурра боғлаб олганди, бу хабарнинг ошиғич эканини билдиради, қоровуллар йўлларда уни ҳуда-бехуда тафтишға тўхтатиб ўтирасдилар, – эллик қадам нарида отдан тушди ва юкинганча, ўртада чарх уриб ўйнаётган Мироншоҳ Мирзо билан Мирзо Алибекларга мамнун чапак чалиб турган Амир Темур олдида тиз чўқди:

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз, Соҳибқирон ҳазратлари! Амир Қора Юсуф билан Султон Аҳмад жалойир биргалиқда, уларга Шоҳ Мансур ҳам қўшилибди, катта қўшин тортиб келишмоқда эмиш!..

Ногаҳонда байрамдан файз кетгандай бўлди.

## ЎНИНЧИ БОБ

### I

Жуда кўп йиллар муқаддам, ҳали йигитлик чоғлари Ахий Жаббор ўзини, гарчи бунга ҳакки йўқ эса-да, ахийлар, жавонмардлар уюшмаси аъзосиман деб, ғуурланиб юради. Марғинонда эканида, бир куни шахар ахийлар уюшмасининг обрўли намояндаларидан мадраса мударриси мўгулбашара Маҳмуд Носириддин Жабборкулга қувончли бир гап

айтиб қолди:

– Эртадан бошлаб ахийлик либосини эгнингга ташлайдурмиз, футувват белбогини белингга боғлайдурмиз! Сен шунга жуда муносибсан. Отинг Жабборқул эмас, энди Ахий Жаббор бўлади, Ахий Жаббор!..

– Куллук, уста! – деди баҳтиёр Жабборқул.

Бироқ, афсуски, ўша куннинг эртасига тонгсаҳарда кекса мударрис кутилмагандан оламдан ўтди. Ниятлар амалга ошмади, либос ҳам кийилмади, белбоғ ҳам боғланмади, фақат номи ўзгаргани қолди, холос...

Юраги сиқилган Ахий Жаббор қадрдон мадрасасини тарк этиб, тириклик кўйига берилиб кетди, Самарқандда Тун салтанати фуқароси бўлди. Кейин тақдир сўқмоклари уни қаерларга элтмади-ю...

Ахийлик, футувватнинг уч мартабаси ҳақида сўйлайдилар. Ахий Жаббор баҳодир буни дилига туғиб олган. Аввало – саховат, яъни ҳеч нарсасини қизғонмаслик, кейин – сафо, яъни кўнгилни такаббурлик, кибр-у ҳаводан холи тутиш ва ниҳоят – вафо, шиҷоат кўргизиш, фидойи қалб соҳиби сифатида ҳамиша эл хизматига тайёр, эзгулик йўлида ўздан кечишга шай туриш. Бу – футувват илмининг, ахийлик ва жавонмардликнинг мағзи.

Ахий Жаббор Турондами, Хурсондами, Султонидами, қаерда бўлмасин, бу ҳақда сўз қотишни одат қилган.

Футувват, ахийлик доим киши жўшиб, завқ билан гапиргиси келадиган бир сеҳрли олам экан. Не-не фозил-у фузалолар, зукко-ю донолар бу ҳақда рисолалар битишган, улар қўлма-қўл юради. Ахий Жабборнинг ўзида ҳам бир нечаси бор. У англаб етдики, “футувват”, ёшлиқ, “фатий” ёш йигит деганидур, ёшидан қатъи назар ёшликка ошно инсонлар жавонмардлар ҳисобланар эканлар.

Футувват аҳлининг хислатлари ўнта, фазилатлари кирқта, шартлари эса етмиш битта, шундан қирқ саккизтаси эзгулик ва комилликка элтгувчи, қолган йигирма учтаси парҳезталаб, тийиладиган, макрух одатлар...

Ахий Жабборга, айникса, ёқадиганлари – нафс таҳорати, нафс покизалиги, кўп билиш-у оз гапириш, инсоф доира-

сидан чиқмаслик, халқ молидан тама қилмаслик, бечораларга ёрдам қўлини чўзиш, жоҳиллар қошида сукут сақлаш.. лар эди.

“Одоб ул-футувват” (“Футувват одоби”) рисоласида ўқидими ёки “Тазкират ул-авлиё” (“Авлиёлар тазкираси”) китобида, эсида йўқ, бир муқояса Ахий Жабборни ҳайратга солди. Футувватни нима билан қиёслаш мумкин, дейилади китобда, кейин ток дарахтига ўхшали айтилади. Дарахтнинг тана, пўстлоқ, томири, шоҳ-у барг ва гул-у меваси бор, жавонмардлик, футувват ҳам ана шундок, унда ҳам тана бор, пўстлоқ бор, илдиз бор, шоҳ бор, мева бор... Илдизи, унга куч бериб, яшнатиб гуллатиб, ғунчалар тугдирадиган илдизи – покиза ишқдур, танаси эса – тавозеъ, шоҳлари сабр-у тоқатни билдиради, япроқлари – парҳез дегани, пўстлоғи – одоб ва ҳаёси, гуллари – очиқчехралилиги ва марҳамат-у химмати, меваси – ҳам карамдур, ҳам саховат...

Футувват ва ахийлик белбоғини белга боғлаш орзусида юрган Ахий Жаббор бундан беш йил аввал, ҳали Хурсонга йўл олмай туриб ниҳоят ўша кунларга етди. Жума куни Самарқанднинг Қаландархона кўчасидаги футувват сохиби, термизлик саййид Абулмаолий муридларидан бирининг каттагина ҳовлисида ахийлар жамоати йифилди.

Чорсу майдонига чиқадиган, сарбадорлар замонидаги торгина кўча Соҳибқирон буйруғига кўра кенгайтирилиб, донғилгина йўлга айланганди. Ахий Жаббор ҳар сафар бу ёкларга келганда, бир пайтлар такяхона вазифасини ўтаган сарбадорлар жамоаси аъзоси морбоз<sup>1</sup> Лакшманнинг ертўладай чуқуртак ҳовлисини эсларди. У ҳовли энди йўқ, сарбадорлар давлати патарат топгач, Лакшман билан унинг ўғли Кумарни ҳам кейин ҳеч қаерда учратмади. Балки, Ҳиндистонга кўчиб кетишгандир?..

Кенггина ҳовлининг четида шогирдлардан бири қўлида мис обдаста, елкасида сочиқ билан хизмат қиласарди. Дарвозадан кирганларни Пир, Устод ва тариқат биродарлари кўл қовуштирганча кутиб олишарди:

<sup>1</sup> Морбоз (форсча) – илон ўргатувчи; илон ўйнатувчи.

– Оллоҳни йўлига! Оллоҳни йўлига... Хуш келибдилар!.. Хуш келибдилар!..

Кўп фурсат ўтмай, ҳовли футувват аҳлига тўлди. Одамларнинг ичида турли ёшдагилари бор эди. Барча ичкарига белбоғ боғлаш мажлиси – ахийлар сафига қабул қилиш маросими ўтадиган каттагина хонага йўналди. Шом ўқилди.

Хонанинг тўрисида эгнига оқ ҳирқа ташлаган шайх Абулмаолий пирлик мартабасида ўлтиарди. Бошига оқ кулоҳ кийиб олган, қўлида, одатдагидек, гулдор тасбех кўзга ташланарди.

Ахий Жаббор кириши билан салом берди. Пир жавонмардликнинг оқ, яшил, зангори, тупроқранг либослари ичидан доим оқ ранглисини танларди. Оқ либос унинг ўртадан пастроқ бўйини узунроқ, юмалоқ гавдасини ихчамроқ қилиб кўрсатарди.

Жавонмардликда барча рангларнинг маъноси бор. Оқ – кундуз куни рангидир, дили ёргу, мунавар жамоаникидир, бу жамоа аъзоларининг қўкси қора ниятлардан холи, гард-у губорлардан покдур. Кулохнинг оқ ранги эса она сутига ишорадир, бундай кулоҳни кийган киши ўзини сут каби покиза сезғай, гўдак янглиғ шаҳвоний ҳирслардан, нопок ҳаваслардан йироқ тутғай...

– Азизлар! – издиҳомга юзланди Пир

Абулмаолий, унинг ингичка овози жаранглаб эшитилди. – Бир ҳафта олдин ушбу мажлисга Пир, Устод ҳамда тарикат биродарлари ҳозир бўлишлари буюрилғон эрди... Ё, Аҳад<sup>1</sup>!

– Қазога тайёр бандадек ҳузурингиздамиз,

пирим! – деди Устод, бўйи пастакдан келган, елкасига оқ ҳирқа ташлаган чўкки соқол одам.

– Бале!

Йигилганлар: “Бале！”, “Бале！”, “Бале-е-е！” – деб юбордилар.

Амир Темурнинг Жетага<sup>2</sup> биринчи юриши даврида Ка-

<sup>1</sup> Аҳад – Оллоҳ ягона, яъни унинг шериги йўқ.

<sup>2</sup> Жета (туркйча; қарокчи) – Моварауннахр хукмдорлари XIV-XV асрларда Мўғлистанни шундай номлашган.

росмон деган жойда шайх Абулмаолий шайтон васвасасига учеб, Шибирғон ҳокими Зиндачашм опардийнинг Хурросон салтанати қураман, деган ҳавои гапларига ишониб, Сохибқиронга қарши фитна яловини тутганлар сафига қўшилиб қолди. Фитначилар Амир Темур жонига қасд қилишни дилга тугдилар, шикор пайтида гўё ғафлатда билмасдан камонга нишон этмоқчи эдилар, бироқ сир очилиб, ҳамма қатнашчилар жазосини олди.

Сохибқирон шайх Абулмаолийга такаллуф кўргизиб ўлтирамди: “Ахли байтга ҳамиша давлатхоҳ эрурмен. Сен сайдисен, бас, бу жиҳатдин гуноҳингдин кечдум. Аммо Турон элида турмагайсен. Юртдан чикиб кет, ёки ҳаж сафари тадорикини қил!..”

Абулмаолий бир йил риёзат чекиб ҳаж сафарини адо этди. Бағдодда яшар экан, ўйлаб-ўйлаб, Мир Сайид Барака жанобларига мактуб битди, унда расулуллоҳ авлодлари атайлаб айб ишга қўл урмайдилар, балки табиатан кенгфеъл эканларидан ҳаммага ишонавергандаридан, нопок кишилар таъсирига билмай тушиб қоладилар, шул сабабдан гуноҳимни Сохибқирондан сўраб, бу йўлда ўзлари каминани кафилликка олсунлар, деб қаттиқ ўтинди. Кечиримли Амир Темур Кўрагондан беадад миннатдорлигини алоҳида таъкидлаб, сайдидлиги туфайли ҳеч қаерда хорликка юз бурмаслигини, ҳар қайда ҳам бандасига ризқни худо беришини, аммо ҳасби ҳол дафтарида, “қувилди”, деган тавқи ланъят битилиши Рисолатпаноҳ авлодлари шаънига номуносиб эканини айтиб, мамлакатга қайтиш ҳоҳиши борлигини, агар қайтса, мутлок салтанат ишларига аралашмаслигини, ҳеч қандай мухолифатга қўшилмаслигини, қолган умрини фақат яратганга ибодатда-ю Сохибқиронга дуода ўтказишини алоҳида урғулади...

Ҳумоюн ўрдудан ижозат олинди, ҳатто мамлакатга қайтган Абулмаолий, келибօқ Хоразм юришида қатнашди ҳам. Зукко кишилар бу қадамни, шайхни олий даргоҳ томонидан кечирилгани қатъий эканини билдиргувчи далил ўрнида, гуноҳлардан батамом фориғ бўлгани аломати сифатида қабул этдилар.

Шундай эса-да, хиёнат-у саргардонликлардан кейин яна Соҳибқирон кўз ўнгидаги ҳеч нарса юз бермагандай юраверишга Абулмаолийнинг бети чидамади, у табиатан андишли одам бўлиб, кейинроқ бутунлай орқа-олдини ўйлаб қадам босадиган одат чикарди.

Яхшиси, тавба-тазарру тожини кийиб, футувват белбогини белига боғлайди-да, пирлик ҳирқасини кияди... Бунинг учун, айрича садоқат кўргизмокчи бўлибми, Шахрисабзни танлади, Шайх Шамсиддин Кулол қабри ёнидаги хонақоҳда истиқомат қила бошлади. У Самарқанд ахийлари йифиладиган кунларда доим Самарқандга ташриф буюарди.

Пирнинг ёнидаги футувват соҳибларидан бири шогирдларга буюрди: – Дарҳол пир учун жойнамоз ҳозирлансун!

Жойнамоз ёзилди. Унинг чап томонига ёнма-ён белбоғ гиламчаси ҳам тўшалди. Ҳар икки жойнамознинг учлари бир-бирига тегиб туради. Пир жойнамозга чиқиб ўтириди, Устод унинг рўбарўсида чўкка тушди. Икки тариқат биродари, аллақачон беллари футувват, яъни вафо белбоғи билан боғланган ахийлар – уларнинг бири Амир Шоҳмалик эди, – Устоднинг чап томонига жойлашдилар.

Кўпдан бери қалбан футувват соҳиби Амир Шоҳмалик ахийлар уюшмасининг аъзоси саналарди, борди-ю уюшмага кирмаганда ҳам, уни чинакам ахий дейиш мумкин, деб ҳисобларди Ахий Жаббор баҳодир. Амир Шоҳмалик саройда ҳам, катта-кичик олдида ҳам ўзининг ҳар бир қадами билан худди шундай инсон эканини, хулқ-у одобда паҳлавонлик аҳд-у вафоси қоидаларини пухта эгаллаганини намоъиши этарди. Ахий Жаббор уни яхши биларди, кўнглида аллақандай фурур туйди. Ҳа, инсон руҳини ўзининг сарчашмаси деб билган ахийлик, жавонмардлик илми ҳар қандай соҳибкарамни ўзига жалб эта олади. Ахир кўнгиллар кўзи бу илмдан ёруғдир, вужуд-у жон боғи унинг билан чаманга айлангусидир.

Баланд бўйли шогирд косада сув билан бир чимдим оқ туз, иккинчиси беш пиликли чироқ келтирди, барини жойнамозга қўйдилар. Пир ичиди кандайдир дуо ўқигач, чироқни ёқишиларини буюрди ва Устодга ишора берди.

Устод нарида турган жавонмардликка кирмокчи шогирд – уни халифа ҳам дейдилар, – елкасига оқ белбоғ ташланган Ахий Жаббор баҳодирга уқтира бошлади:

– Эй, халифа! Эй, фарзанд! Ахдимизни қабул айлаб, ҳалқамизга кирмакчисан... Вафо белбоғини бақувват белингга боғламакчисан! Илохи, ниятларингга еткурсун! Ортиқ шайтон васвасасига қулоқ осмағайсан, макруҳ нарсаларга илик чўзмағайсан!

Баҳодир дадил эди:

– Иншооллоҳ, ҳалқангизга кирдим, макруҳ нарсаларга илик чўзмағайман! Аҳд қилдим, аҳд қилдим!

– Ё, Аҳад! Оллоҳу акбар! – деди Пир мамнун.

– Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар! – қабилида такбир сўзлари хонани тўлдирди.

– Эй футувват соҳиблари! Тариқат аҳдномаси қайсибур, деб сўрасалар, – жамоатга юзланди Пир, – Аҳднома шогирдининг мана шундай шоҳидлик учун йиғилғон ахийлар кўз ўнгидаги фатийлик мақомини олмоғи, яъни жавонмардлар ҳалқасига кирмоғидир, деб жавоб берингизлар!

– Жавонмардлар ҳалқасига кирмоғидир!

– Жавонмардлар ҳалқасига кирмоғидир!

Халифага жавонмардлик шартларини таништиришни Пир Абулмаолий бошлаб берди:

– Фақат ахий ва жавонмардларга эрмас, умуман кимсага баҳиллик ва кибр-у ҳавони, ҳасад ва ёмонликни раво кўрмайсан!

– Алҳамдуиллоҳ, раво кўрмайман! – қўли кўксидаги таъзим этди Ахий Жаббор.

– Омонатга хиёнат қилмағайсан!

– Килмағайман!

– Ҳар нарсада инсоғ чизигидан чиқмағайсан!

– Чиқмағайман!

– Ноқобил кишилар устидан кулмасликка онт ичғайсан!

– Онт ичғайман!

– Ўзгалардан нечоглик озор-у қаттиқлик тортсанг- да, чидағайсан!

– Чидағайман!

“Бале!”, “Бале!” сүzlари янгради.

– Уч сүз айтурман: ҳамиша хизматта тайёр турғайсан, хурмат ила ўлтиргайсан, химмат ила гапирғайсан! – деди Пирдан кейин сүз олган Устод...

– Алҳамдулиллоҳ, ҳамиша хизматта тайёр турғайман, хурмат ила ўлтиргайман, химмат ила гапирғайман! – тақрорлади Ахий Жаббор.

– Мұйтабар китобларда битилмишки, – сүз олди яна Пир. – Футувватда белбоғни боғлаш ва ечишда чуқур маънолар яшириндур. Боғланадиган нарсалардан сүз очаман. Энг аввал күзни гуноҳ нарсалардан юмғил, иккінчи – қулокни эшитиш ножоиз нарсалардан беркитғил, учинчи – күксингни ҳасад ва гина-кудуратдан сақлағил, түртінчи – хотирангни бекінде фикрлардан озод айлағил... Белбоғ ечилғанда очиладиган нарсалар... Энг аввал – эшикни, дастурхонни меҳмон учун очғил, Оллоҳу таоло ҳамдида сүзни равон этғил, одамлар билан мулоқотда очиқчехрали бўлғил, хайр-у савоб ишлар учун қадамингни шахдам этғил...

Ахий Жаббор баҳодир ҳар бир маъно поёнига етганда, “Розиман” дегандай, бош тебратиб кўярди.

– Эй фарзанд! Жавонмардликнинг энг улуғ шартларидан бири даставвал ўзингни эмас, ўзингдан кўра мухтоҗни ўйлаш эканини ёдингда сақлагил... – давом этди Пир. – Шундай кишилар борасинда, каломуллода дейилмишки, ўзларидә эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб ўзгаларни ийсор-ихтиёр килурлар, деб... Бухоролик ҳаким Абу Зайд балхлик бир йигит билан учрашгани ҳакида бундай ҳикоя сўйлаган экан:

“Йигит мендан сўради: “Зуҳд-у тақволарингиздан сўзлангиз!”

“Зуҳд-у тақволаримиз?.. Топсак еймиз, топмасак сабр этагини тутамиз...”

У кулди:

“Бизда Балхнинг итлари шундай қилишади, биз эса топмасак сабр айлаймиз, топсак, ўзимиздан мухтоҷларга берамиз....” Бас, ўзингни эмас, ўзгалар эҳтиёжини азиз тутғил!

– Ўзимни эмас, ўзгалар эҳтиёжини азиз тутғойман! –

каттиқ таъсирланган Ахий Жабборнинг овози баланд чиқди.

Устод ўрнидан турди-да, Ахий Жабборни ўзининг чап томонига ўтказди, шу ҳолатда пирга рўбарў келдилар. Пир Абулмаолий Ахий Жабборнинг қўлини олиб, буюрди:

– Тавбага юз бур!

– Эй парвардигор, билиб-билмай қилган гуноҳларимни ўзинг мағфират айлағайсан! Тавбамни қабул этгайсан!

– Оллоҳ мағфират айласун! – дуога қўл кўтарди Пир.

– Оллоҳ мағфират айласун! Тавбасини қабул килсун! – гувуллади хона...

Пир оқ рангли белбоғни Ахий Жаббор елкасидан тушириб чап қўлига олди, кейин гиламнинг ўртасига қўйдида, хутба ўқишга киришди:

– Аузу биллоҳийна шайтонир-ражийм, бисмиллоҳир раҳмонийр раҳийм... Беадад шукроналар айтмак, адоги йўқ ҳамд-у санолар ўқумак ул раҳмон-у раҳим, жаббор-у ғаффор, кабиру карим зул-жалол абадийсифат ҳазрат шаънигагина шойистадур. У – азалийдур, аммо азалийлигининг поёни йўқ, у – абадийдир, абадийлигига ҳадд-у саноқ қани, у ҳеч кимнинг, ҳеч нарсанинг ёрдамисиз йўқдан бор айлагувчиdir. Дийдалар боқадурлар, бироқ унинг зоти жамолини кўра олмайдурлар, воизлар тили васф айламакка киришурлар, лекин қурби келмай лол қолурлар. Оллоҳ таолодан бошқа илоҳ йўқ! Ло илоҳа илаллоҳу валлоҳу акбар! Коинотнинг тожи сифатида яратилғон бандаси ҳар он бировларга яхшилик қилиб чарчамаслиги, эҳтиёжманларга ёрдам қўлини чўзмоғи, ўзида борини бошқалар билан баҳам кўрмоғи, дўст-у биродарлар ор-номусини, шаънини ҳимоя айламоғи лозим...

Абулмаолий бироз тин олди, кейин давом этди:

– Турон элининг жавонмарлари, иншооллоҳ, ана шу қоидаларга амал қилурлар. Ё, Аҳад!.. Бундан тўрт юз йиллар аввал юртимизга келғон араб алломаси Абулқосим ибн Ҳавқал ўз китобида бундок қақш этибдур: “Мовароуннаҳр ҳалқининг жавонмардлиги даражаси жуда юксакдир, улар ўзларини худди бир ҳовли-боғда яшаётгандай тутурлар. Қай бири бошқаси хонадониға ташриф буюрса, ўзини худди ўз

үйига киргандай хис этур. Бағоят мәхмөндүстүрлар, тунда келадурган мәҳмөндан асло хижолат чекмайдурлар. Мәхмөнни танимасалар да, ҳеч бир түлов-мукофот тиламай, мәхмөннавозлик айлаюрлар...”

Пир Абулмаолий, сүзим атрофдагиларга қандай таъсир қиляпти экан, дегандай теваракка назар ташлади. Барча унинг сўзларини жон-қулоқ бўлиб тинглаётганларига амин бўлгач, яна сўзга сўз улади:

– Ё, Аҳад! Бас, дуога қўл очурмиз, илохи, омин! Етти иқлим шаҳаншохи, хоқонлар хоқони, сарварлар сарвари, Турон султони Абулмансур Абулмузаффар Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари улуғ мамлакат маснадида барқарор-у бардавом даврон сурсунлар! Ҳазратларини Оллоҳ ҳамиша ўз ҳифз-у ҳимоясида сақласун! Жаннатмакон Турон юрти эмин-у омон бўлсун! Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар!

Хутба тугагач, Устод иккала қўлини белбоғ остидан ўтказишдан олдин, ўнг қўли қорамалдоғини<sup>1</sup> шогирд қорамалдоғига теккизди. Фурсатдан истифода айлаб, аллақандай таважжуҳда баҳодир қулоғига лозим-у лобид сўзларни айтди ва белбоғни уч тугунли қилиб шогирд белига боғлай бошлади. Биринчи тугунни шоҳимардон<sup>2</sup> номига багишилади, иккинчи тугун Устод шаънига қаратилди, учинчisi – шогирд номига...

– Уларнинг яна бошқа маъноси – биринчisi – аҳд, иккинчisi – байъат, ваъда, учинчisi – васият, вафо... – тугунларга ишора қиларкан деди Устод ва жойнамоздан учқадам ортга чекинди.

Мажлис аҳлига аввал бир чимдим туз солинган сувдан оз-оз тарқатилди, сўнг ёғ, хурмо ва нондан маҳсус тайёрланган хуфия ҳалводан улашилди. Олганлар: “Насиба!”, “Насиба-да!”, “Етказганига шукр!..” дердилар. Ахий Жаббор баҳодир бу нарсаларнинг ҳар бири чукур маъноларга эга эканлигини дилдан туйрди.

<sup>1</sup> Қорамалдоқ – “курсаткич” бармок номи (*муалл*).

<sup>2</sup> Шоҳимардон – Ҳазрат Али номларидан бири (*муалл*).

Барча уни қутлашга турди.

Мажлисдан сўнг бир неча кун ўтгач, Кўксарой олдида Ахий Жаббор баҳодир Амир Шоҳмаликка дуч келиб қолди ва зиёрат этишга шошилди. Нуфузли амир Хумоюн ўрдудан юкланган вазифани ўринлатгани ҳали ҳам дориломонликқа эришилмаган Хоразмга бориб келиш харакатида юради.

Аввалларданоқ бу амир Ахий Жаббор кўзига негадир бошқача кўринарди. Энди-ку, тушунди, у чиндан ҳам камтар, синиқдил, ўзини эмас ўзгани ўйлагувчи ахий инсон, жавонмард қалб эгаси, суюнса суюнадиган киши экан. Ахий Жаббор сўради:

– Муҳтарам амир жаноблари! Дийдорлашганимиз айни муддао бўлди! Узримни қабул айлангиз... Белбоғ боғлашга доир маъноларни аниқроқ англақ олмоқчи, дилимга солмоқчи эрдим...

– Сўрасунлар, баҳодир жаноблари! – деди самимий амир, қуюқ қошлири қовоқларига ёприлганидан унинг сухбатга дикқат билан қараётибди, деб тушуниш мумкин эди.

– Косада сув билан оқ туз келтирдилар... Маъноси нима экан?

– Ахийлар, жавонмарлар ахлининг ҳамиша сув сингари софдил ва тиниқ идрокли бўлишлари ҳамда туз ҳакига амал қилишларига ишорадур. Ақли қосирим яна дерки, туз билан сув дунё деганларининг тимсолидур, шўрни ичган бирлан қонмайдур киши, боз ташналиги ортадур... Шу сабабдан оз-оз ичмак керак. Дунёга ҳам тўйиш кийин, шу сабабдан озига қаноат макбул йўлдур, деган тушунчага ишорадир, баҳодир жаноблари.

– Маъноси чукур экан... Нега шогирдни ўнг томонга ўтказадурлар?

– Ростлик удуми бу. Токи шогирд белини ҳой-у ҳавасга эмас, балки ростдан ҳам фидойилик йўлида боғлаганини тушуниб етсун.

– Устод жойнамоздан уч қадам ортга чекиндилар...

– Ҳа, уч қадам... Тимсолий қадамлар. Биринчи қадам нафс устига қўйилди, билурсизки, нафсга жиход килмак ахийлик, жавонмардликнинг улуғ шартлариданур, иккин-

чиси – шайтони лаъин юзига ташланди, чунки ақлдан оздирадурган баттолни эзиз ташламак лозим, учинчиси – бойлиг-у мол-у дунёга... Токи дунёниниг ўткинчи моли оёк учида кўринсун, деб... Уларни мағлуб этмак керак, ҳам зоҳирда, ҳам ботинда... – Беш пиликли чироқнинг маъносини тушунолмай қолдим...

– Кўнгил шамчирогини ишқ-у муҳаббат ила ёқишига ишорадур, шуълаларидан токи вужуд олами нурафшон бўлсун...

“Вужуд олами нурафшон бўлсун....” – пицирлайди Ахий Жаббор баҳодир ҳар сафар ўша кунларни эслаганида...

У замонлар келиб, бутун олам жавонмардлар-у ахийлар жамоасига айланади, деб ишонади.

## П

Сўфий момо Тўхтамишхон элчиларига рост айтганди, бир ҳафтадирки, Ироқ хукмдори Султон Аҳмад жалойир Табризни эгаллаб турарди.

Ироки Ажам ва Эрон музофотларида нуфузли хукмдорлардан ҳисобланган жалойирлар подшоси Султон Увайс вафотидан кейин унинг ўғли Султон Ҳусайн – укаси, Басрада бир муддат ҳокимлик қилиб турган Султон Аҳмаднинг кўзини куйдириб салтанат тахтига минди.

Айтишларича, Султон Увайс ўлеми олдидан туш кўрибди, унда оқ ҳирқали одам: “Ёвузлигинг, шафқатсизлигинг, бераҳмлигинг учун тавба қилиб қол, кирк кундан кейин ўласан!..” деганмиш. Даҳшатга тушган подшо Бағдоднинг жомеъ масжида минбарга чиқиб, қилмишлари учун тавба айлаб, жамоадан узр сўраганмиш...

Ўзини жалойирлар давлатининг асил вориси деб ҳисоблаган уддабурро Султон Аҳмад акаси Султон Ҳусайннинг тахти эгаллаб олганидан ичи ёниб кетди, пайт пойлаб, милодий 1382-йилда пинҳона йўллар билан уни қатл этдирди ва комронлик курсисига ўлтирди.

Янги хукмдор таомилга кўра пойтахт шаҳар Бағдодга кўчиб ўтди. Пойтахт пойтахтлик мавқени қўлдан бермасди. Аммо Султон Аҳмад жалойирнинг негадир Бағдоддан

кўнгли совуб, Табризга меҳри ортгандек туюларди. Бир чеккаси, унга отаси Табриз ҳокимлигини берган, ҳукмдор сифатида Табриз унинг “кўз очиб кўргани” эди.

Бир неча кундирки, Давлатхона олий меҳмонлар билан гавжум... Бу ерда баланд мартабали меҳмон шарафига базми жамшид давом этмоқда. Ироқ ҳокими Султон Аҳмад жалойир таклифига биноан Маранддан Қорақўонлилар қабиласи ҳукмдори Амир Қора Юсуф Табризга келган.

Икки қудратли ҳукмдор кунчиқиши томондан ёприлаётган балои оғат – Турон кўшинига қарши бирлашиб курашиш ҳақида кенгашиб олишмоқчи, зарурат туғилса, улуғ давлатларга элчилар юборишмоқчи...

Деворлари бемисл гўзал нақшланган кенг-мўлгина меҳмонхона тўридаги тўкин дастурхон бошида саккиз қават заррин тўшаклар солинганди. Юзларини соқол босган, бақувват бир киши нозик попукли ипак ёстиқларга суюнганча ёнбошлаб ётарди. Бу Амир Қора Юсуф эди. У чимирилиб гапирса, қашқалдоқники сингари қизғиш-кўнғир кўзлари қалин қошлари пинжига яшриниб оларди. Зиёфатнинг олиймақом даражаси, дастурхондаги турфа хил лаззатли таомлар, нозли ва гўзал раққосаларнинг хиромон ўйинлари-ю, муғанийларнинг латиф овозлари ҳам кўнгиллардаги хижилликни ёза олмаётганга ўхшарди.

– Тўғри, тўғри айтасиз... Лекин гапириш ҳам керак-да... Агар эгилиб Темурланг ёнига борсак, хор бўлганимиз шулдир, буни яхши тушуниб олайлик, Юсуфбек жаноблари! – деди сархуш Султон Аҳмад жалойир.

Бундан олти йиллар муқаддам, уч йиллик юриш вақтида Амир Темурдан ҳайиққан Султон Аҳмад жалойир Бағододни ғанимлар қўлида қолдириб, паноҳ истаб, Табриз ҳокими Амир Қора Юсуф ҳузурига қочиб борди. Ҳокимнинг ўзи ҳам энди жуфтакни ростлайман деб турган экан. Ўшанда Султон Аҳмад жалойир Миср султони Барқуқ ҳузурига йўл олди, Амир Қора Юсуф эса Румга Боязид Йилдирим пойтахтига қараб жўнади.

– Йўқ, йўқ, жалойир жаноблари! Кўнглингизни тўқ тутиngиз, ҳеч қачон ўша оқсоқнинг олдига бош эгиб борма-

ғанман, бормайман ҳам! – жавоб қилди Амир Қора Юсуф кескин оҳангда. – Мен-а! Мен!.. Мен, анови Арзинжон ҳокими Таҳуртанга ўхшаб, қиззини с... й, ҳезалак эмасман, бориб душманнинг кетини ялагани! Ёки Ширвон<sup>1</sup> ҳокими Шайх Иброҳим Дарбандий каби қўркоқ, латта эмасманки, ўша оқсоқнинг олдига бориб ер исказгани! Заррин чопонларга ўралиб кимсанинг олдида тикка тургандан қўра, йиритиқ чопонимда ерда ўлтирганим созроқ... Мени Амир Қора Юсуф дейдилар!

Амир Қора Юсуф ўмганини ёстиқдан кўтарди, унча катта бўлмаган кўзларига соя ташлаб турган қалин қошлиарини чимирганча, Султон Аҳмад жалойирга тикилди.

Жалойирийлар билан корақўюнлилар сардорлари тақдир тақозосига қўра, бир-бирига суюнишни исташган айёр, аммо пайт топилса, панд беришга ҳамиша тайёр душманлар эдилар. Бир-бирига ишонишмас, аммо бир-бирига доим мухтож... Ҳар иккиси ҳам пинҳона Форс-у Ирок ва Озарбайжонда ягона кудратли подшо мартабасига эришишни кўнгилга туккандилар. Бирок ногаҳонда катта хавф бостириб келса, ҳар икки хукмдор ҳам ялакат мағиздай<sup>2</sup> бирлашиб кета олардилар. Бунга ҳеч ким ҳайрон қолмас, ажабланмасди ҳам. Уларни кузатган донишмандлар ўзаро сұхбатларда шундай фикрлардилар:

“Битта эрнинг қўл остида икки хотиннинг иттифоқда яشاши камдан кам учрайдиган ҳодисадир, бир кунмас-бир кун ўрталарида албатта фасод иш рўй беради. Ҳадисларда ҳам минглаб бева-бечораларнинг бир қўрпага кириб тинч ухлашлари мумкинлиги-ю аммо икки хукмдорнинг оламга сифаслиги накл қилинади. Ахир ҳеч замонда икки қўчкорнинг боши бир қозонда қайнаганми?..”

Султон Аҳмад жалойир билан Амир Қора Юсуф ана шундай “қўчкор” лар сирасига киради.

Ўрта бўйли, бўла, ясси бурни япалоқ юзига ёйилиб туш-

<sup>1</sup> Ширвон – Шимолий Озарбайжонда, Каспий денгизининг гарбий сохилида жойлашган тарихий вилоят.

<sup>2</sup> Ялакат мағиз – бир данак ичидаги хосил бўладиган иккита мағиз, кўш мағиз.

ган, қовоклари кенг, куюк қошлари бир-бирига туташиб кетган, соқол-мұйлаби ҳамиша калта қирқилганидан ёшига нисбатан навқирон күринадиган, элликлардан ошган Султон Ахмад жалойир, зоҳиран истараси иссик, ботинан фосик ва бешафқат киши эди.

Жалойирлар хукмдори мийигида билинар-билинмас жилмаяр экан, ичида: “Ух-хү, шахтинг баланд-ку, жўра-жон!” деб қўйди. Султон Ахмад жалойир тақдирда пайтлар келиб мана шу қаршисида ўлтирган одамнинг қўлида минг азобда ўлдирилиши ёзилганини хаёлига ҳам келтирмасди. У ўсмокчилаб сўради: – Кўрқок бўлмасалар, нега дам-бадам Румга қараб от сурадилар?

– Кўрқок эмасман, деб яна айтаман! Факат тан олмай илож йўқ, оқсокқа тенг келиш қийин, унинг лашкари кўп, лашкари... Саваш курганда уста бўлиш керак, кутилмаганда шабихун<sup>1</sup> уриб, талофат етказиб шу заҳотиёқ куюндай қочиб қолиш керак... – Амир Қора Юсуфнинг овозида аввалги шиддат сезилмади. – Ёниб турган оловга ўзни урмок нодоннинг иши-ку! Шунинг учун ҳам бирлашайлик, деб куйиб-ёнаман... Бирлашайлик, бир мушт тушадиган жойга икки мушт тушса, тезрок муродимизга етгаймиз... Яқинда Мозандаронда турган Темурланг устига бостириб бормоқчи эдик, овоза ҳам тарқатдик, аммо Шоҳ Мансур ваъдасига вафо қилмади... Келмади.

– Иккимиз, ҳатто Шоҳ Мансур билан бирлашганимизда ҳам иш битмайди, Юсуфбек жаноблари... Ит бўл, куш бўл – кўп бўл, деганлар.... – мазахнамо тиржайганча Амир Қора Юсуфа тикилди Султон Ахмад жалойир.

“Асли сенга ўхшаган, гоҳ Бағдодга ёки Табризга, гоҳ эса Марандга бостириб кирадиган, на давлатга, на пойтахтга эга, бедананинг уйи йўқ, қайга борса – битбилдик, деб юрадиганларга муҳтоҷлигим йўқ-ку, – деган ўй кечди Султон Ахмад жалойир хаёлидан, – чорасизлигимдан сен билан қаймоқлашаман, холос...”

Амир Қора Юсуф ичида ғижиниб қўйди-ю сездирмади:  
– Жалойир жаноблари тўғри дедилар... Тан олмай ило-

<sup>1</sup> Шабихун (форсча) – тунда тўсатдан қилинган хужум (муалл).

жим йўқ... Анови ашаддий душманларимиз музafferийлар, оққўюнли туркмандарни кўрингиз! Ҳаммаси пароканда... Бирлашиш ҳакида сўз йўқ! Лекин барибир, Шоҳ Мансур кал бўлса ҳам боши ишлайди, тўнғизди боласи!.. Сивас ҳокими Қози Бурхониддин-чи, гирт аҳмок, бир қоп гўшт... Э, қозилигингда туравермайсанми! Худди хотинларга ўхшайди, бурнидан нарини кўрмайди, бир гапга кўнмайди. Мозандаронни шериман, деб гердайиб юрган мучали аслида сичқон Астробод ҳокими баччавоз амир Вали-чи, ердан хасни олиб ташлашга қурби етмаслигини билади-ю, тогни кўпориб ташлайман, деб чирангани чиранган... – Амир Қора Юсуф тиржайди. – Аммо бекор ўлтирумаслигимиз керак, жалойир жаноблари, ҳеч бирига ишонмайлик!

Амир Қора Юсуфнинг амир Валини баччавоз дегани Султон Аҳмад жалойирга тегиб кетди. Қорақўюнли сардор буни билиб айтдими, билмай дедими? У ясси бурниннинг тепаси қичишганини сезди, бу жаҳли чиқиб, асабийлаша бошлагани аломати эди.

Ироқ ҳукмдори, ҳарами тўла жононлар, шунга қарамай, Абулшароб деган бежирим бир бачча ҳам тутади, беш юз йиллар олдин яшаган машҳур Ҳалаб подшоси Сайфуддавлага ўхшатиб, ўз баччасини ожиза исми билан “Сомил” деб атаган... Сомил – иккиланиб ҳаракат қилгувчи маъносини берарди – ҳар ҳаракатида иккиланиб куйдириб ёндиради.

Сомилнинг кўрк-у ҳуснidan бошқа, яна бир қанча фазилатлари ҳам бор эди. У арабча, туркча, форсча ва юнонча билар, ҳар тилда бирдай хусравона эртаклар сўйлай олар, ғазаллар ўқир, арабча дилтортар ашуалалар айтар, муқомни қотириб рақста тушар, шу туришида мўъжиза дегулик бир балойи оғатнинг ўзгинасийди. Султон Аҳмад жалойир Сомилга қаттиқ меҳр қўйган, сафарга борганда ҳам, пойтахтда ҳам эрта-ю кеч ундан ажралмасди.

Султон Аҳмад жалойирнинг Табризга келишидан бир ой аввал нохуш ҳодиса юз бериб, Ироқ ҳукмдорининг дунёси қоронғи бўлди.

Кутилмаганда... Сомил йўқолиб қолди! Дажла бўйида жойлашганига қарамай, Бағдодда кишилар жазирама иссик-

дан жон саклаб кечалари эшик-дарчаларни очиб ухлардилар. Ҳарамда ётган Султон Аҳмад жалойир эрталаб уйғониб, одатдагидек, Сомилдан ашула эшитмоқчи эди, суюкли бачасини тополмади. Саройда түполон күтарилди. Каттадан-кичик қидиришга тушди, Сомил ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ эди. Дарёни ёқалаб излаб юрганлар ногаҳон соҳилда оқариб кўринган гулдор жиякли яктак-лозимни топиб олдилар. Дарҳол танидилар: Сомил шундай кийим киярди, иссикка чидамай ечиниб, Дажлада чўмилгани аниқ!.. Бироздан кейин, нам қирғоқда сув томонга тушган оёқ изларини илғашди. Демак, Сомил муздек тўлқинлар бағрида роҳатланишни истаган, бироқ гирдобга тушиб чиқолмай, чўкиб кетган...

Қидириш бефойдалигини билишиб, афсус-надоматда Сомилнинг оппоқ яктак-лозимини олиб, саройга қайтдилар. Султон Аҳмад жалойир чорасиз эди... Дажла дарёсида “ғарқ бўлган” Сомил эса бир неча кундан кейин Сивас ҳокими Қози Бурҳониддин саройида “сузиб чиқди”...

Табиатан фосиқ Сивас ҳокими Қози Бурҳониддин Бағдодда меҳмонда эканида, Султон Аҳмад жалойир бир эҳтиётсиз иш қилиб қўйди – мактаниш учунми, Сомилга дастурхон атрофида ашула айтишни, кейин рақсга тушишни буюрди.

Хушвот-у хушсурат бачча меҳмонга бирам ёқиб тушки, қайтганидан кейин кечалари уйқуси қочди, Сомилнинг ўз саройида завқ-у сафо бағишлаб хиромон айлаб юришларини истаб ҳаприқаркан, бундай дурдонани қандай қўлга киритишни ўйлай бошлади. Хуфиёна юборилган элчи Сомил билан сўзлашиб, кўп совға-ю ҳадялар инъом этди, алдаб-авраб баччани оғдириш бобида кўп уддабурон эканини намойиш қилди. Қачон жўнаш ҳақида битишиб олдилар. Сомил айтилган куни Султон Аҳмад жалойирнинг қаттиқ уйқуда эканига ишонч ҳосил қилгач, охиста саройдан чиқди, дарё ҳам узок эмасди. У чўмилган киши бўлиб, кийимини ечиб дарё бўйига ташлади, лойда атай излар қолдириб, дарёга ўзини урди, шўнғиганча сузиб ўтиб, нариги қирғоқда кутиб турган кишиларга қўшилди...

– Астробод ҳокимини мучали сичқон дейсиз... Гап мучалда эканму?.. – захархандалик билан сүради Султон Ахмад жалойир. – Ана, Темурлангни мучали ҳам сичқон! Ўзлариники йўлбарс, аммо етти йил аввал Табризни ташлаб, орқага ҳам қарамай қўёнмучалдай қочиб қолдилар-ку?.. Йўлбарс эдилар-ку! Бирор мучал суриштирдиму?..

Султон Ахмад жалойир шошилмасдан ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапиради. Амир Қора Юсуф сухбатдоши сўзларида мантик кучлилигини кўриб: “Қочган бир менму?... Қочган бир менму?...” дейишдан нари ўтолмади.

Ироқ ҳокими давом этди:

– Яна бекор ўлтирмаслик ҳақида гапирадилар... Ўзимни ўтга-чўққа урдим, деб лоф урадилар. Бекор ўлтирмаган бир ўзлариму?.. Қаттол душман келаётганини билиб, сизнинг хабарингиз йўқ, Юсуфбек жаноблари, – икки томонга Миср султони Малик Барқуқ билан Рум қайсари Йилдирим Боязидга элчилар жўнатдим, хокисорлик билан мактублар битдим. Кейин Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга алоҳида чопар юбордим. Чунки у ҳам оқсоқдан мушт еган... Мушт еган жойи ҳали ҳам билдириб туради. Хо-хо-хо... Мактубларда Турон хони Султон Маҳмудхон имзоси билан элчилар пўписали хатлар олиб келгани, Султон Маҳмудхон билан Темурланг номини хутбада қўшиб айттиришим кераклиги ҳақида ёздим...

– Нима-нима?! Хутбада Темурланг номини қўшиб айттирилсин?.. Шунга кўндингизму? А, кўндингизму?.. – сўради жон ҳолатда Амир Қора Юсуф, у чимирилган қалин қошлари тагига яшринган кўзларини дам жалойирга тикар, дам ерга қарапди. – Хайрият... Ҳм-м... Аммо қиззини с.... й, Тўхтамишхонга элчи юбориб яхши кибсиз...

–... Тангани ҳам шу номларни қўшиб зарб этилсун, деган... Аввал уларнинг оти ёзилсин, кейин меники... эмиш.

Амир Қора Юсуф энди жойида чўккалаоб олди.

– Уни қаранг! Уни қаранг!.. Ия!.. Ундан кўра, кетимизни қилиб турса қолайлик! Ха-ха-ха!

– Э-э!.. Ўтирсинлар, амир жаноблари! Куруқ гап сотиш-

дан нима фойда?.. – Амир Қора Юсуфни гапиришга қўймади ғижинган Султон Аҳмад жалойир. Унинг сўзларида билинганинг жеркиш оҳанглари сезилди. – Ҳуда-бехуда газабланиш, бир-бировимизга заҳар сочиш не даркор?.. Тўфондай офат бостириб келаётиди ахир!..

– Биламан, жалойир жаноблари, биламан... Бу ерда нега ўлтирибман ахир? – жиғибийрони чиқди Амир Қора Юсуфнинг. – Тўфондай офатлигини ҳеч ким билмаса ҳам, мана мен биламан... Ўн йил аввал Ҳурросон жангига Темурлангга қарши чикқан ёлгиз қаминангиз мен эдим! Ҳамма кўрқиб қочди, ҳамма қочди! Кўп жойда қақшатиб, не-не аскарларини асфаласоғилинга жўнатган мен бўламан!.. Йўқ, дeng-чи? Йўқ, дeng-чи?.. Ажабо, мен бир қабила сардориман, у-чи, у ким? Ким?.. На Чингизхонга алоқаси бор, на бошқа, қабила бошлиғи ҳам эмас, қишлоқи бир амирнинг ўғли, холос! Ҳа-ха-ха!.. Ҳиротда Малик Фиёсiddинни ҳароб этдими... Сал кам юз эллик йил ҳукм сурган давлатни илдизидан куритдими... Тус, Калот, Фўшанж қалъалари вайронага айландими... Озарбайжон билан Гуржистон топталдими... Қазвин, Султонияни...

Амир Қора Юсуф ўзини тўхтата олмасди: – Темурлангнинг қоракўюнлига ҳам, жалойирга ҳам тиш-тироғи билан қарши эканини билурмисиз? – ўдағайлари у. – Сиз билан бизга кун бермайди, билдингизму? Ўша Ҳўжанд ҳокими Амир Боязид жалойирни Туғлук Темурхонга чақиб ўлдиртирган ҳам шу! Сари Буға жалойирни сиғдирмаган, Одилшоҳ жалойирни бадарға этган, Баҳром жалойирни...

– Шайх Нуриддин-чи, Сари Буға ўғли? Самарқандда саройда хизматда юрибди-ку?.. – гапни кесиб сўради Ирок ҳокими. – Нуфузи баланд амирлардан...

– Шайх Нуриддин?.. – қошларини чимирди Амир Қора Юсуф. – Қиззини... Валади зино-ку!.. У отасига яхшилик килмайдир, отасига! Оқсоқ унинг совунига кир ювмабдир! Қўради ҳали... Э-э-э... Ўйлайверсанг, дунёning бевафолигидан куйиб кетасан! Куйиб кетасан!..

Амир Қора Юсуф “Уф-ф!” деди-да, яна ўмганини ёстиқка берди.

– Узларини боссунлар, Юсуфбек жаноблари!.. – пичинг аралаш сўзланди Султон Аҳмад жалойир Амир Қора Юсуфни тинчлантиришга тиришиб. – Ўлган илонларни бошини кўзгашдан нима фойда? Ўтган ишга салавот<sup>1</sup>... Бу ёғидан келинг. Темурланг ҳозир Шероз томонларга йўл олганмиш, деб эшитдим, ундан, албатта, Бағдодга ўтади, кейин Шомга... Ана шуни ўйлайлик.

Чиндан ҳам, икки хукмдор олдинда тўфондай офат билан тўқнашув мукаррарлигини билишарди.

– Лекин бу сафар баттол қуруқ кетмайди, албатта, бизларни туттиради, саккиз нимта қилдиради. Буни эсингизда сақланг! Лекин аввал сизни тутади, кейин бизни...

Ирок ҳокими палағда бир кайфиятда эди. Бир ёқда суюкли баччасидан айрилган, бошқа ёқда балойи қазо тепасида қиличини қайраб турибди...

– Туттиради?.. – бакиргудай сўради Амир Қора Юсуф. – Бу ёқдагилар караб турар эканми? Молга ўхшаб? Қўрқиб-писиб?.. Хо-хо-хо! Йў-ўқ! Ўн минг чақмоқдай йигитим бор, ўн минг! Ер-у осмонни қовураман!.. Сичқон инини минг тангага оладир ҳали! Ўтган куни Рум қайсари Йилдирим Боязиддан элчи келди, у ёнимизда, биз билан бирга! Тўхтамишхондан ҳам хабарлар бор... Биламан, сизнинг ундан ўпкангиз бор... Бо-ор, бор! Йўқ, деманг! Олтин Ўрда хони беш йил аввал Табризни ғорат этган бўлса, бизларнинг-мас, анави балойи офат Темурлангнинг қасидан шундай қилган. Буни англаш керак, жалойир жаноблари!

– Ёки... биз ҳам... – бу гапларни эшитмагандай сўзларди Султон Аҳмад жалойир. – Темурлангга бош эгиб борайликму? Латта Тахуртанга ўхшаб? Мажмағил Шайх Ибронимга ўхшаб?..

Султон Аҳмад жалойирнинг кенг қовоклари катта-катта очилган кўзларнинг тазиқидан йўқолгудай кичрайиб кўринди.

– Нима-нима?.. Нима дедингиз?..

Амир Қора Юсуф “Қиззини.. !” деганча жойида бир кўз-

<sup>1</sup> Салавот (арабча: “салот” сўзининг кўплик шакли) – Оллоҳ томонидан бандаларнинг гуноҳларидан ўтиш; кечириш, кечирим.

ғолиб олди. Шунақа сўзларни ишлатиш, бетакаллуфлик умуман унинг одати эди. Бағдод ҳокими сезмагандай эжи-килайверди: —... Бир йиллик хирож тўлайлик... Йўталсак ҳам Соҳибқирондан ижозат тилайлик. Нафас олсак ҳам валинеъматимиздан сўрайлик... Ғинг демасдан, бўйнидан боғланган сакдай эргашиб юрайлик... Ёт деса ётайлик, тур деса турайлик...

— Тўхтангиз! Нималар деяпсиз?! Ҳазиллашаяпсизму, жалойир жаноблари? Э, ўша... — Амир Қора Юсуф сўкинди.

— Яна айтаман, билиб қўйсунлар, мени Амир Қора Юсуф дейдилар! Ҳеч қачон, ҳеч кимга бош эккан эмасман! Ўлсан ўламан, аммо бу б... ни емасман!..

Қаттиқ ҳаяжонга тушган Амир Қора Юсуф ўзини босолмасди, у жаҳл устида дилларни пора-пора қиласидиган онту қасамларга юз бурди, ҳатто: “Шу ишни қиласам, тўрт хотиним ҳам уч талоқ бўлсин!”, деб юборди...

Мехмонхонада базми жамшид давом этар, гўзал ракқосалар нозик хиром айлар, сехрли қўшиқлар янграп, аммо шу топда икки ҳукмдорга ҳеч қайсиси татимасди. Улар шу палла тор қафасга тушиб чорасизликда қолган, чикишга уринаётган, ҳаракатлари бенаф кетаётганидан аламда бир-бирини тишлиб-тишлиб олаётган наърали қоплонларга ўхшардилар.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

### I

Эрон томонга йўл олган Умаршайх Мирзо вилоятга отланар экан, кўнглида бир армон тинчлик бермасди. Қундузча дарёси бўйида Олтин Ўрда хони Тўхтамишон сичқоннинг ини минг танга деб, жанг майдонидан урра қочиб қолди. Шундоқ ёнгинада турган ашаддий ёвнинг эсономон кутилиб кетиши амирзоданинг катта гуноҳи, кечирилмас гуноҳи! Шу сабабдан, амирлар-у нўёнлар<sup>1</sup> тугул, амирзодалар олдида ҳам юзи шувутдай... Иниси Мироншоҳ Мирзо, Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Мирзо

<sup>1</sup> Нўён – мўғул аслзодаси.

Алибек, Мұхаммадбек ибн Мусо ва бошқа амирлар сұхбат курганларида, имкон топилди дегунча, Умаршайх Мирзонинг Олтин Үрда хонини силлиққина қўлдан чиқариб юборгани ҳақида гап сўқадилар. Айниқса, Мироншоҳ Мирзонинг гаплари ҳаммасидан ошиб тушади.

У шундай сұхбатларнинг бирида орадаги ўн ёшнинг ҳам фарқига бормай, андишасизларча, агар Ҳумоюн үрдудан Тўхтамишхонни тутиш унга топширилганида борми, алла-қачон Олтин Үрда давлати Турон салтанатига қўшиб олинарди, бугун яна ўша нонкўр бизга таҳдид солиб ўлтирумасди, деб юборди. Ақлни бўйининг баландлиги билан ўлчайдиган амирзода бировнинг кўнглини авайлайдиган, оқибатини ўйлаб иш қиласидан эмаслигини Умаршайх Мирзо тагин ўз кўзи билан кўрди. У ўпкалагандай сўз қотди:

– Бу ҳам қисмат... Камина ўн минг отлиқ аскар билан бу ишни эплай олмаганим ҳолда, тўққиз минг отлиққа эга амирзодамнинг қўлидан келишига шубҳам бор...

– Ана, энди келдук мақсудга... – мазахомуз илжайди қўлини кўксига қўйиб, тап тортмай катта-катта қўзларини тик қадаб Мироншоҳ Мирзо. – Амир Соҳибқироннинг, жанг самараси аскарнинг оз-у кўплигига боғлиқ эрмас, деган ўйтларини улуг амирзодам яхши билсалар керак? Бақара сурасида “Қанчадан қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилғон...” каломларини ўқимаганмулар?

Умаршайх Мирзо юпқа лаблари титраганча, жавобга оғиз очмоқчи эди, Мироншоҳ Мирзо қўймади:

– Ҳали тўққиз минг отлиқ билан бу ишни уddeлай олишимга шубҳангиз бор экан-да? – кинояли деди у. – Ёдингиздаму, тўрт йил олдин, Қорабоғ ёнида оз қўшин билан Тўхтамишхонга қарши чиқдим ва қувиб юбордим. Ўшанда, кўз олдингизда Амир Соҳибқироннинг ўzlари каминани алқадилар-ку!.. Бунга нима дейсиз?

Умаршайх Мирзо укасининг беттажопарлиги-ю бетав-фиқлигидан қаттиқ ранжиди, айниқса, сўзига муборак оятни ўринсиз аралаштириб гапирганидан ғазабланди, баданига тиф теккандай бўлди. Дағал жавоб бериб, тиз чўқтириб

күймөкчи эди-ю, бошқалардан уялди. Агар жizzакилиги тутса, ўзини тўхтата олмасди, у ана шундан кўркди:

— Ўз оғасига бундай қўрслик билан муомала қилиш одобданму эркан? Ақлли амирзодага ярашмас дейман... — босик инсофга чакирди Умаршайх Мирзо. “Сенинг ёшинг катта, ўзингни бос. Укаларни билмайсанму, улар кўпинча одобсиз, эрка, тантиқурлар, кечирмай илож йўқ... Шундай укангнинг бўлиши – бу ҳам қисмат...” - қабилида фикр ўтди унинг хаёлидан.

Гапга даврада ўлтирган Жаҳоншоҳ ибн Жоку аралашди. Унинг суйри<sup>1</sup> бурни учи қизарган, учли ияги хиёл титрарди:

— Рост дедилар, улуғ амирзодам! Бу беадабликдур! Айб бўладир!.. Амир Соҳибқирон қулокларига етса... Парвардигорнинг ўзи сақласун! Ҳазрат бундоғ маънисиз муноқашаларни сира ёқтирмайдурлар. Доимо амирзодалар ўртасинда иноклик, тотувликни истаюлар... Ёдингиздаму, бир ой олдин Қаршидаги қурултойда ҳам сўзладилар. Тузукларга ҳам ёздириб кўйибдурларким, мартаба талашишлар қоралансун, ўртада ҳурмат-иззат бўлсун, ўз даъвосидан қайтмаганлар дарвешлик ҳолатига солинсун, асирикда сақлансун, деб! Ёки... салтанатнинг ишонган икки пурвиқор устуни асирик заҳматини тортиб, дарвеш ҳолатига тушмоқни ис-таб қолдиму?.. Эмин-эркин яшаш жонга тегдиму?..

— Маъзур тутасиз, улуғ амирзодам..... — Мироншоҳ Мирзо оғасига бош эгди. — Гап келганда отангни ҳам аяма, деганлар-ку. Улуғ оғамиз ўzlари ҳам шундай насиҳат қилардилар бизга...

“Ҳа, гап келса, чиндан-да, отасини ҳам аямайди бу беадаб!..” – афсус чекди ичиди қизариб-бўзарган Умаршайх Мирзо. Бошқалар олдида хижолат бўлди-ю, ерга тикилганча индамади, факат “Узрингизни қабул этдим...” дегандай, Мироншоҳ Мирзога бир қараб кўйди. Укаси айбини бўйнига олиб турса ҳам, эрта бириси кун яна шундай қилигини такрорламаслигига ёлғиз парвардигоргина кафолат бера олишини яхши биларди. У орқа-олдини баъзан ўйлаб-ӯйламай гапириб юбораверадиган, манмансирашни ёқтира-

<sup>1</sup> Суйри – чўзинчок ясси.

диган шартаки укаси билан пачакилашиб ўтиришни истамади. “Шармандамиз чикадур, дунёга кулги бўламиз, ана шундан худо асрасун!”, деди ичида. Ҳа, ҳар бир ўтган қунинг, эшитган сўзинг сен учун сабок, эй инсон!

Рости, кўп нарсаларга одамнинг ўзи ҳам сабабчи-да. Умаршайх Мирзо буни тан олади. Кундузча жангиде уни фафлат босди, мана энди дашномларга қолиб ўлтирибди, ахир Олтин Ўрда хони билан ўз ҳисоб-китоби бор эди-ку! Унинг фикрича, жанг ниҳоясига етгач, енгилган душман, ўз-ўзидан, табиий, кўлга тушиши лозим эди ва шунда амирзода Чингизийзода билан бемалол орани очиқ қилиб оларди. Мард майдондан кочмайди, деб жуда хом ўйлаган экан, Тўхтамишхоннинг қочиб кетиши мумкинлигини фаромуш этибди.

Амирзода ўзининг ашаддий ғаними қадамларини доим кузатиб туришни қаттиқ кўнглига тугди. Тўхтамишхон қаерда, нима мақсадлари бор, яна қандай фитналар уюштироқчи... – барини билиши керак. Яқинда Мозандаронда Омул шаҳрида ўтган хос мажлисда ҳамма амирзодалар, амирлар, беклар, лашкарбошилар йигилдилар. Мубашшир баҳодирнинг тинғчилари Соҳибқиронга кўп хабарларни айтиб беришди. Тўхтамишхон Озарбайжонга боскин қилибди, Миср подшоси Султон Барқуқ билан борди-келдини йўлга қўйганмиш, Амир Қора Юсуф билан жуда апоқ-чапоқ эмиш, Султон Аҳмад жалойир энг яқин сирдошларидан бирига айланиди...

Ажабо, буларнинг бирортаси ҳам Соҳибқиронга дўст эмас... Умаршайх Мирзо ана шунга дикқатни қаратди ўшандада. Бу гапларнинг кўпи миш-мишдир, эҳтимол. Лекин одамларнинг оғзида юрибди. Баривр қулоқка чалинади.

Эронга уч йиллик юриш пайтида милодий 1387-йилда Арзинжон ва Арзирум ҳукмдори Таҳуртан Амир Темур Кўрагон салтанатини тан олиб, тобелик билдириди ва Исфаҳонга келиб Ҳумоюн ўрду остонасига бош урди. Натижада, унинг давлатига Соҳибқирон салтанати соясидан муносиб жой тегди.

Табриз ҳокими Султон Аҳмад жалойир эса, душманлар

пинжига киришни истаб, жуфтакни ростлаб қолди. Соҳибқироннинг ҳайбатидан қўрқанлиги тўғри. Лекин, барибир, кимгадир суюнмаса, ишонмаса, бундай нотанти қадамлар қўя олармиди! Барининг кўнглига кутқу соглан Тўхтамишхонда, бунга асло шубҳа йўқ....

Умаршайх Мирзо қандай бўлмасин, қачон бўлмасин, хиёнаткор, ортидан бод чиқариб, орқа ўтириб қочган ношукр Тўхтамишхоннинг танобини тортиб қўйиши, лапашанг чингизийзода бурнини ерга ишқаб қонини тупроққа кориши шарт! Бу унинг асосий мақсадидир, ахир кўрнамак жумла жаҳон олдида валинеъмат Соҳибқироннинг юзини ерга қаратди, хиёнатдан торгинмади. Уни зинхор кечириш мумкин эмас! Мумкин эмас!.. Амирзода шу мақсадига етмагунча, шаънига тушган иснодни ювмагунча, қиличини қинига солмайдур!

Соҳибқиронга албатта кўнглидагиларини бирма-бир айтади, фурсатини топиб Форс вилояти хукмдори сифатида ўша баттоли лаъингга қарши шахсан ўзи от суришга тайёр эканини билдириб ҳам қўяди, ижозат сўрайди. Агар Амир Соҳибқирондан ёруғлик чиқмаса, ялиниб-ёлворади, илтижолар килади...

Амирзода ўзича падари бузруквори билан хаёлан сухбатни кўз олдига келтирди:

“Олдингизда бағоят уятлимен, валийнеъмат Соҳибқирон! Бу ҳам кисмат... – дермиш амирзода. – Тўхтамишхонни илгимдан чиқариб юбордим. Ўзимни қаерга қўйишга жой тополмайдурмен. Аламимдан дунёга сифмай кетаётирмен...”

Соҳибқирон тинглармишлар-у индамас эмишлар. Орага жимлик чўкканмиш.

“...Агар ижозат берсалар, ўзим унга қарши қўшин тортсам! – ёлворармиш яна Умаршайх Мирзо. – Гунохимни ювсам! Ўша томонларга от сурсам! Кўл-оёғига занжир солиб қошингизда муҳайё этсам!..”

Нихоят, Амир Темур сўзга оғиз очармишлар:

“Амирзодам, Тўхтамишхон кўп маккор-у доғулидур. Бир ўзингизга мушкул ишдур...”

“Иншооллоҳ, енгурмен, ёнимда ўзлари борлар-ку, ва-

лийнеъмат Соҳибқирон! Қиличим кескирдур, зафар менга ёр бўлур!”

“Музаффариятга ёлғиз қиличнинг кескирлиги кифоя эрмас... – дермиш Амир Темур. – Майдоннинг ҳийласи керак, ақл үйини, қалбнинг қуввати ҳам лозим...”

“Маъзур тутадилар, Амир Соҳибқирон... – дермиш амирзода ўпкалаб. – Каминага иштибоҳлари... борму?”

“Асло! – дермиш Соҳибқирон жилмайганча. – Шижнатингизга асло шубҳам йўқ! Мен мутлақ зафар шартларини айтдим, холос! Сизга, албатта, улкан қўшин бергоймен, амирзодам!..”

Ана шундай хаёлларга гарқ Умаршайх Мирзо Наҳованд ёқларда уя қуриб олган, раиятга озор етказаётган ҳар хил йўлтусар бузуқиларни бартараф этишга отланди. Ундан кейингина лашкарни нотинч Хуррамобод билан Дизфул шаҳри томонларга буришни мақбул деб ҳисоблади.

## П

Ҳали Дизфулга бормай Шоҳ Мансурнинг Шерозда қўзғолон кўтаргани дараги Умаршайх Мирзо қулогига етди. Подшоҳзода Тўхтамишон унинг ҳам эс-хушини ўғирлаган, шекилли... Бутун Форс-у Ироқ тахти сеникидир, деб Шоҳ Мансурнинг қўйини ҳам пуч ёнғокқа тўлдиргани аниқ. Шу сабабданми, Шоҳ Мансур ўзини музаффарийларнинг ягона кудратли ҳукмдори ҳисоблаб, истиклол туғини баланд кўтариб, ишнинг оқибатини ўйламай, отини майдонга солибди...

Салтанат тузукида белгилангандек, улуғ амирзода жиловида ўн минг отлиқ аскар фармонбардорлик қиласарди. Хуррамободдан ўтганларидан сўнг чопар Амир Темур қўшинининг ҳеч қачон ёв забт этолмаган метиндай мустаҳкам Сафид қалъасини ишғол этгани хабарини етказди. Чопарнинг ҳикоя қилишича, қалъанинг олиниши жуда ғаройиб кечибди...

...Эни ва узунлиги тўрт фарсаҳ чиқадиган, баланд тоғ устига бино этилган Сафид қалъаси узокдан худди ҳозир учаман деб, чўққига омонатгина қўнган, улкан қанотларини ёзишга шайланган баҳайбат бургутни эслатарди. Асосан

қуроли тош бўлган қалъа аҳли мухолифат изхор этиб, муросага кўнмай, пастда уймалашиб ётган қўшин устига катта-катта тошларни юмалатишдан тўхтамас, ўнлаб навкарлар тошлар остида қолиб янчилиб нобуд бўларди. Кимдирвой-войлаган, кимдир инраган, бировининг боши янчилган, бошқасининг оёғи мажакланган... Нолалар фалакни тутди. Қиёмат қойим қўпди. Қўшин парокандаликка юз тута бошлади.

Соҳибқирон ғазаб отига минди, вазият тизгинини қўлга олиш учун “ҳай-ҳай” га қарамай, шиддат билан чодирдан ўқдек ташқарига отилди. Чиқар-чиқмас, янгигина қонга бўялган каттагина тош қалъадан гурс этиб унинг оёқлари тагига тушди. Кетма-кет кимнингдир узилган боши юмалаб келди, у Амир Темур аскарларидан бириники эди. “Жойинг жаннатдан бўлсин!...” – пиҷирлади ичиди Соҳибқирон. Унинг қони қайнаб, шижаот томирлари қўзғолди. Атрофда:

– Соҳибқирон чодирдан чиқдилар!

– Соҳибқирон чодирдан чиқди-ла-а-ар!.. – деган садолар янгради.

Навкарлар сурони ногаҳон торгина сўқмоқлардан машаққатлар билан қалъага чиқишига интилаётган шахзода Муҳаммад Султон қулоқларини қовматга келтирди! Шахзоданинг юраги бир қалқди. Соҳибқироннинг чодирдан чиқиши яхшилик аломати эмас!.. Шахзодадай баҳодирлар, амирлар-у паҳлавонлар турганда, қалъанинг забти валинеъмат Соҳибқироннинг ўзларига қолдими? Буни сезган Муҳаммад Султоннинг ори келди, мардлик шукухи қўймай, тушаётган тошларга чап бериб, отилаётган ўқларга ҳам қарамай юқорига интилди! Ёнида сувдан қўрқмас, оловдан қайтмас бир неча чапдаст навкарлар бор эди.

Муҳаммад Султон йигитлари машаққат билан юқорига силжирилар. Пастда ҳам, тепада ҳам шовқин-сурон, қийчув, беомон жанг борарди. Қаёқдандир пайдо бўлган ёш сипоҳ бир тошнинг Муҳаммад Султон устига тушиб келаётганини қўриб қолди! “Шахзодам!..” дея бақириб юборди ва жонҳолатда Муҳаммад Султон бошига қалқонини тутиб улгурди! Залвар билан тушаётган муштдан катта-

роқ тош қалқонга қарсилаб тегди-ю, шувуллаб пастга ўтиб кетди! Бари бир лаҳзада кечди.

Ҳанг-манг шаҳзода хушёр сипоҳнинг эпчиллигига тан берди, унга миннатдорчилик билдиримоқчи эди, аммо бунга фурсат йўқ, унинг устига, талотўп ичидан кўздан ҳам йўқотди. Ичидан унинг атрофида шундай фидойи йигитлар борлигидан қувониб қўйди.

Сипоҳнинг кимлигини кейин суриштириб билди, Аргуншоҳ деган йигит экан. Язд шахрида Муҳаммад Султон лашкарига қўшилибди, аждодлари нақ каёнийларга бориб уланадиган машхур Сардор Некбиншоҳ деган амир ўғли эмиш, шаҳзода унинг таърифини эшитганди, кўнглига негадир илиқлик югорди. “Тегли-тахтли хонадон фарзанди экани шиҷоатидан кўриниб турибди...” – ўйлади Муҳаммад Султон. Соҳибқирон лашкарида хизмат этиш орзузи бор экан, падари бузруквори ҳам унга шуни тайинлаганмиш.

Қалъани Шоҳ Мансур босиб олганди. У душман қайнатаси Шероз ҳокими Султон Зайналобиддинни иккинчи марта зинданга ташлади. Қалъай Сафидда ҳамма Шоҳ Мансурнинг маҳбус кўзига мил тортирганини ланъатлаб гапираварди.

Шу палла қалъада шаҳзоданинг ғолибона туғи ҳилпиди! Бемисл шодликни ифодалаган қийқириқлар борлиқни тутди. Аҳли лашкар шаҳзоданинг уч кишигина сиға оладиган тик сўқмоқдан қандай қилиб чиққанидан ҳайратда эди.

Амир Темурнинг кўзлари яшнади. У Муҳаммад Чурога доддоҳга буюрди:

– Шаҳзодага хазинадан бир дона йирик қимматбаҳо лаъл, тўқилғон тумоға, баҳоси салтанат хирожига тенг марварид инъом этилсун! Бу қалъани шу пайтгача дунёда ҳеч ким ололғон эмасди!

– Бош устига! – таъзим бажо этди доддоҳ...

Балқиган санжоқни<sup>1</sup> кўрган аскарлар худди қанот пайдо этгандай қалъага ёприлиб чиқа бошладилар...

Қалъадан юз эллик қадам нарида катта супага ўхшаган тўртбурчак тепаликда таҳтда ўлтирган Амир Темур ҳузурига

<sup>1</sup> Санжоқ – байрок.

Султон Зайналобиддинни келтирғанларида, Соҳибқирон кўзлари ўйилган шўрлик маҳбусга қаттиқ ачинди, сўнг юпатиб деди:

– Падари бузрукворинг, қудамиз Шоҳ Шужоъ насиҳатини қулоққа олмағонинг учун парвардигор сенга жазо берди, билдингму?.. Бўлар иш бўлди. Кўнглингни чўктирма! Иншооллоҳ, сени шу кўйга солган ёвларингдан қасдингни оламен! Шоҳ Мансур ҳам таъзирини ейди! Ҳеч қайсиси қаҳримдан қочиб кутуломмайдур!..

Шероз ҳокимининг сўкир кўзларида ёш филтиллади.

Изма-из уч юз ҷоғли кишини ҳайдаб келдилар. Гапга кўнмай қилич кўтарган қайсар бу одамларнинг қисмати ўлим билан тугашини ҳамма биларди. Уларнинг ортида беш юздан ортикроқ асиirlар – мунгсираган хотин-қизлар-у болалар кўринди.

Ҳамма Соҳибқиронга кўз тикди.

Амир Темур бундай манзараларни кўриш насиб этмасин, деб доим худога илтижо қилади. Ўзининг айби йўқ, лекин айбдор бўлиб қолган Исфаҳон воқеасида шундай ҳолга тушганди. Узоқ вақтларгача унутолмай юрди...

Соҳибқирон бирорвга ёмонликни истамайди, аммо начораки, хом сут эмган бандалар барини ўзлари ўзларига тилаб оладилар. Жазо берилмаса, энг аввал ўша гуноҳкор одамларнинг ўзи, подшо юмшоқкўнгил, меҳрибон экан, демайди, балки бўш, латта, лапашанг, журъатсиз, жазолашни ҳам билмайди-я, дея, масхаралашга боришади. Бу ҳукмдор шаънига ярашмайди. Зинҳор адолат лат емасун. Подшонинг қаттиқ сиёсати керак. Аммо сиёсатда меҳрнинг ёнида қаҳрга ҳам жой топилсин, меҳр-у қаҳр қоришиқ бўлсин... Ҳақ эгамнинг лутф-у қарами ва қаҳр-у ғазаби ҳамиша ёнма-ён-ку...

Соҳибқирон шулар ҳакида ўйларди.

Кутилмаганда у тахтдан тушди, унинг саройда ёки бошқа мажлисларда шундай одати бор эди – аста тахтдан туриб одамлар сари йўналар, ким биландир сўзлашар, одамларнинг кўзларига бир-бир қараб чиқарди. Кўзлар – кўнгил кўзгуси. Соҳибқирон одамнинг кўзига қараб кўнглидагини билиб оларди. Сирасини айтганда, юрганда тахтда ўтиравер-

ганидан толиққан, сезилар-сезилмас оғрийдиган ногирон оёғи ҳам бироз яйрарди.

Амир Шоҳмалик ва Муҳаммад Чуроға додхоҳ Соҳибқироннинг икки ёнида боришмоқда. Асиirlар олдига ҳар уч қадамда соқчи қўйилган, – улардан бири Арғуншоҳ эди, – бари Айбож ўғлон назоратида.

Амир Темур асиirlарнинг кўзларига қаради. Ола кўз, қисиқ кўз, чағир кўз, қўй кўз, қўнғир кўз, кўк кўз... Ҳаммасида қаҳр-у ғазаб тўлиб-тошган, аммо меҳр-у шафқатга ҳам эҳтиёж сезади... Ҳуш, барини мухолифатга борди, дейлик. Уларнинг бари гуноҳкорми? Гуноҳкор шаксиз жазосини олиши керак! Йўқ эса, ҳозирги бир гуноҳнинг ўrniga, кейинги сафар икки гуноҳ қиласи.

Ногаҳон кўзига қон тўлган, дарғазаб асиirlардан бири шундай тикилдики, Соҳибқироннинг ичини нимадир чақиб олгандай туюлди, қуюқ қошлари чимирилиб, қули беихтиёр соқолига чўзилди. Бироқ ҳеч нима демади, ичиди “Халлоқи безаволга салламно...” деб қўйди-да, олға юрди...

Кейин ёнидаги амирларга ўгириларкан:

– Жаноби амирлар, уларнинг ичиди соҳиби ҳунарлар борму эркан? – деб сўради.

Муҳаммад Чурога додхоҳ билан Амир Шоҳмаликлар бараварига:

– Бор, бор, Амир Соҳибқирон! – деб юбордилар. Қальға чиққан Айбож ўғлоннинг маълумотлари аллақачон улар қўлида турарди.

“Сафдаги ҳунармандлар кўриниш берсунлар!”, деган сўзлар янграганда, Амир Темур оҳиста қадам ташлаб, асиirlарни бир-бир кўздан кечириб бораарди. Аёллар юзларини ярим яшириб олишган, қизлар эса асло ёмонликни хаёлларига ҳам келтирмай, болаларга хос соддалик билан бошларини хиёл эгишиб, маъсум тикилиб турардилар. Ҳа, тоғлик заифа ва ожизалар ранги тоза, соҳибжамолдурлар. Қаттиқроқ тикилиб қолсанг, эс-хушиңгдан айрилишинг аниқ...

Соҳибқирон йўлида давом этарди. Бирдан сипоҳ Арғуншоҳ турган жойга етганда, маъюс тикилган бир қизга кўзи

тушди-ю юраги шиг этиб кетди! Кўринишидан ҳалим табиат, тортичоқ, кўҳликкина бу қизнинг қоп-қора мунчоқдек чиройли кўзлари мунгли боқарди. У... худонинг қудрати балан, эрта хазон бўлган нуридийдаси... Оқа бегимнинг нақ ўзи эди! Оқ сариқдан келган юзлари ҳам, кўзлари ҳам, қошлари ҳам... Одам одамга шунчалар ўхшайдими! Ақл бовар килмайди! Муҳаммад Чуроға додҳоҳ ҳам ҳайратдан бармоғини тишлади ва Турон султонининг вужудига титроқ кирганини фаҳмлади.

Соҳибқирон тўхтади. Қизнинг ғамгин боқиши унинг қалбини ўярди. Беихтиёр қизни ўзига чорлади... Ҳа, бўйи-бости ҳам қизиники! Халлоки безаволга салламно! Бутун атрофда қилт этган товуш эшитилмас, борлик сукунатга чўмган, осмон тип-тиниқ... Амир Темур ҳаммани ҳайратга солиб, қизнинг пешонасидан суюб ўпид қўйди. Ичиди пичирлаб айтган “Қизим...” сўзини ҳеч ким эшитмади. Аммо Соҳибқирон бу сўзни осмони фалакда тангри эшитганини дил-дилидан туйди... Ҳанг-манг қизнинг мунчоқдай кўзлари жавдираб боқарди.

Амир Темур тахтга ўлтиаркан, олдинга чикиб саф тортган юзга яқин одамга ишора қилиб буюрди:

– Соҳиби ҳунарларни жазодан сақласунлар! Улар худонинг суйган қўли гул бандаларидурлар. Барчаси Шахри-сабзга жўнатилсун, Оксарой ишларида қатнашсун! Муҳолифлик қилғон эркаклар барчаси чўби ясоққа етказилсун!.. Асира ожиза-ю заифалар... – Соҳибқирон беихтиёр ҳалиги кўзлари қоп-қора мунчоқдек киз томонга назар ташлади. –... болаларнинг бир мучасига тегилмасун, барчаси озод этилсун!

Гўзал-гўзал чўрилардан умидвор амирлар-у аскарлар кўзлари лўқ куруқ қола бердилар. Бечора аёллар эса йиғлашиб Соҳибқиронни дуо килишарди.

Амир Темур чап кўлига қаради: узук яраклаб турарди! Унинг эсида, пири қуддиса сирриху Шайх Тайободий: “Адолатдан чекинсангиз, узукнинг кўзи хира тортадур...”, – деган эди.

.. Чопар барини худди ўзи кўргандай, балки ундан-да ортиқ тиник таъсирчан ҳикоя қилиб берди. Воқеа Умаршайх Мирзо қалбини титратиб юборди, унинг душманга бешафқат, бечораларга раҳмдил падари бузрукворига яна ҳам меҳри ортди. Рости ҳам, агар душманга жазо бермасанг, душман сени янчиб ташлайди, бечора бегуноҳларга раҳм этмасанг, худо сени кечирмайди... Бу оқил подшоларнинг русумидир. Тарозини баробар тутмоқ мушкул, албатта. Лекин амирзода Соҳибқироннинг жуда кўп душманларга раҳм-у шафқат қопқоларини очиб, сийлагани, ҳатто қўйиб юборганларини ҳам кўп бор кўрган.

Худо раҳмат қилгур оғаси шаҳзода Жаҳонгир Мирзо ҳам доим ёмонлардан эҳтиёт бўлиш керак, деб куйибишиарди... Амирзода ичida ҳеч қачон бундай қадамларни қўллаб-куватламаган, унинг фикрича, душманлар аёвсиз жазосини олиши керак. Бунинг исботи – Шибирғон ҳокими Зиндачашиб опардий қисмати. Тинчгина қочиб кетгани етмагандай, тағин Соҳибқиронга шикаст етказишни ўйлади-я, ножинс!

Чопар, айни шу дамларда Шуштар тупроги Амир Соҳибқироннинг муборак қадамлари билан шарафлангани, амирзода Пир Мухаммад Дарбандан палос ўпишга келаётгани, амирзода Мироншоҳ Мирзога ўз лашкари билан Шуштарга эмас, тўппа-тўғри исён майдонига айланиб қолган Шерознинг ўзига караб юриш буюрилгани ва дийдорлашиш ўша ерда белгилангани ҳақидаги хабарни ҳам етказди.

Бир таом пишарлик вакт ўтар-ўтмас, янги чопар етиб келди: “Ардокли баҳодир, улуғ амирзода Умаршайх Мирзо ўғруқни анда қўйсунлар, лашкарларни жамлаб зудлик бирлан Шероз тарафга йўлга чиқсунлар!..” – сўзлари битилганди Ҳумоюн ўрдудан олинган мактубда...

## УН ИККИНЧИ БОБ

### I

Қалъай Соғиднинг ишғол этилиши хабари яшин тезлигига Форс вилоятигагина эмас, балки Ирокқа, бутун музофотга ҳам ёйилди. Ҳамма бу қалъани ҳатто Искандар Зулқарнайндай подшо ҳам забт этолмаганини эслар, Хулукхоннинг чиқолмай, қалъадагилар билан пастдан туриб музокаралар олиб боришга, сулҳ тузишга мажбур бўлганини ҳайратланиб гапиради. Шов-шувлар ғолиб қўшин довруғига довруқ қўшиб, қудратини элга ошириброк кўрсатар экан, душманлар юрагига беадад қўркув ҳисларини соларди.

Қалъадан олинган бойлиг-у ғанжиналар дафтарини ҳавола қилғанларида, тўртбурчак тепаликдаги шоҳходир ичида ўлтирган Соҳибқирон уни синчиклаб ўқий бошлади, уларнинг ичидан ниманидир пинҳона қидираётгандай тууларди. “Жуда кўҳна қалъя... Искандар Зулқарнайн замонидан ҳам аввал бор эди, – деб ўйлади Амир Темур. – Ёт кадамлар бунга тушмаган. Агар бўлса, шу ерда сақланса, эҳтимол...”

– Мамат! Биласен, бир нарсани излаб юрамен... – деди ҳукмдор. – Пиримнинг айтғонлари эсимда... Ўлжалар ичида “Гулшани ҳазойин” сандиғи... йўқми?

– Йўқ, Амир Соҳибқирон... Жуда кўп турли хил буюмлар орасида, фақат кирқ битта кўҳна китоб хатга олинган. Ўзлари тайинлаган Шайхурраис – Бу Алининг “Дор ушифо”си ҳам бор...

– Бари Кўксарой кутубхонасига юборилсун. – Амир Темур мамнун бош иргади. – Ҳамадондан “Ал-Қонун” ни ҳам Самарқандга олиб кетган эдик.

Соҳибқирон қишини ҳали Мозандаронда ўтказаётган пайтдаёқ, ғаддор душман Шоҳ Мансур қадамларидан огоҳ эди, унинг Исфаҳонни босиб олгани, Яздга бир неча марта босқин уюштиргани, музafferийларни хор-хокисор этгани, алҳосил, ўзини ягонаи замон деб ҳисоблаб юрганини биларди. Шоҳ Мансур билан жанг онлари яқин ва муқарарлигини сезган Соҳибқирон қўшинлар кўригини ўтказиш

зарур, деб ҳисоблади. Қалъаи Сафидда турган вақтида Шох Мансурга шундай мазмунда мактуб йўллади:

*“Куч-қудратимизни таъриф этмакка ҳожат йўқдир...  
Тамойилимиз андоқдурки, кимдаким бизни тан олмаса,  
вилояти талон-торож қилинур. Кимки эл бўлиб олдимизга  
келса, азиз тутиб, ўзларимиз бирлан тенг кўргоймиз,  
вилоятига зиён-заҳмат етказмагоймиз... Жон омон қолгай,  
юрт омон қолгай...”*

Ҳумоюн ўрдудан қўшинларга жўнатилган фармонда Шероз билан Козерун орасидаги ерлар лашкаргоҳ – кўрик майдони этиб белгилангани, ушбу издиҳом уч ҳафтадан кейин, чоршанбаи муродбахшда ўтиши айтилганди.

Умаршайх Мирзо қўшини Дизфул тарафлардан Шерозга етиб келганда, исён кўтариб, музafferий подшолар хазинасини дирҳам-пирҳамигача қўймай супуриб кетган Шоҳ Мансур – ҳар қалай шундай миш-миш тарқалди – улкан лашкар билан бир неча кун аввал кунчиқишига қараб чекинган экан. Султониядан йўлга чиққан Мироншоҳ Мирзо қўшини ҳам Ҳумоюн ўрдуга яқинлашгани маълум бўлди, бу ҳақда ҳировул<sup>1</sup> сардори Ахий Жаббор баҳодир Соҳибқирон қоровулларига билдириб қўйди.

Гарчи Муҳаммад Султон, амирзода Пир Муҳаммад, Шоҳруҳ Мирзо, Мубашир баҳодир, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин баҳодир, Амир Аллоҳдод сингари лашкарбошилар ўз қўшинларини жанговар ҳолатда шайлаб, ўлган-йитганлар ҳисобини қилиб қўйган эсалар-да, вақт тақозоси бу кўрикни ўтказишга имкон бермайдигандай эди: кутилмаганда, тинғчилардан бири чақмоқдай хабар етказди:

– Амир Соҳибқирон! Ҳайбатингиздан кўрқиб жуфтакни ростлаган Шоҳ Мансур ҳийла ишлатиб сездирмай катта қўшин билан Шерозга бостириб келаётган эмиш!

Амир Темур воқеаларнинг шундоқ ўзгариши мумкинлигини ҳам чамалаб қўйганди, ҳайрон қолмади:

– Мубашир баҳодир! Душман қўшини ҳозир қаерда?

– Ҳали Тахти Жамшид шахрига етмағон эрди, Амир Соҳибқирон!

<sup>1</sup> Ҳировул – лашкарнинг олдида боргувчи кисми (муалл).

“Икки кунча бор экан... Саваш Шерозда кечар эканды...” – деб ўйлади Соҳибқирон ва шитоблик билан қўшинлар кўригини ўтказишни буюрди-ю ўзи ўша ёққа отланди.

Аслида, Шоҳ Мансур бу палла ўз лашкарбошиларини йигиб Шероз билан Тахти Жамшид оралиғидаги хушман зара кичик водийда машварат ўтказарди. Йиғилганлар ичиде Шероздан бошқа Абаркух, Язд, Исфаҳон, ҳатто Хуррамободдан ҳам навкарлар кўзга ташланарди.

– Ҳали музafferийлар куёши осмонда порлаб турибди!.. – деди мағур Шоҳ Мансур; унинг қундуз телпаги йироқлардан ёқут қадалмаган тождай кўринар, гапирганда қўлидаги чўқморини гоҳ ерга тирав, гоҳ осмонда ўйнатарди. – Юз йиллардан бери Форсни идора айлаган музafferийлар ҳали тирик! Үлмаган! Ҳа-а... Юрт ғаним оёғи остида... Шаҳарлар ғоратда...

Йироқларга кўз тиккан, занг босган темирдай қорамтири юзлари баттар қорайган Шоҳ Мансур худди бринждан куйилган ҳайкалга ўхшарди. У сўзлари қўпларга ёқмаётганини сезди. Бунинг сабабини ишончли сардорларидан биридан сўраганда, шундай жавоб олди:

– Подшойи олам! Бир қошиқ қонимдан кечасиз. Узункулоқ гапларга қараганда, Шероз ва бошқа шаҳарлар акобирларидан айримлари агар Шоҳ Мансур жангда ахволи танг бўлса, ўз жонини саклаб қочади, кейин душманлар бизни канорага илинган гўшт ҳолига соладилар, кўзимизни очайлик, деган ўйда эмишлар...

– Кимлар... ўша айримлар? – сўради зуғум билан Шоҳ Мансур.

– Билиш мушкул, подшойи олам... Аммо шундай гаплар қанот боғлаб учиб юрибди...

Шоҳ Мансур қаҳрли кўзларини Шероз томонга тикди.

Ногаҳон бошига кўк рўмолни кажава сифат ўраган бир момо қайдандир пайдо бўлди-ю, худди Шоҳ Мансур ўйларини билиб тургандек, хос кўриқчиларнинг “ҳай-ҳай” ларига ҳам қарамай шанғиллай кетди:

– Эй, ҳазрати Момо Ҳаво! Эй Биби Фотима, эй Биби Ро-

бия, эй Шалпар момо, Сузук момо, мадад беринг, илойим! Бу одамга қаранглар, қонимизни ичгандай қилиб борбудимизни олди, Шерозни ташлаб чиқди! Унинг курол кўтаришга мажоли йўқ... Ганимни ҳайдаш ўрнига ўзи қочиб юриди... Шундайларга кунимиз қоляптими ҳали?! Ё Fav sul Аъзам пиrim, ўзинг кўлла!..

Чап ва ўнг томондан кўтарилиган шовкин-сурон ичида овози эшитилмаса ҳам, момо чап қўлидаги гулдор тасбеҳини силкитганча саннашдан тўхтамасди. У Эрон музофотида машхур Сўфий момо эди, ҳамма танирди. Шерозда Жомеъ масжиди олдида ҳам шунга ўхшаган бўлмағур сўзларни вайсаганди, сўфий эканлигидан унга қаттиқ тегишмаганди. Унинг оғзини қандай ёпишни билмаган, аёл киши билан баҳслашишни ўзига эп кўрмаган Шоҳ Мансур саросимага туша бошлаган жамоатга ўгрилиб дарғазаб бақирди:

– Темурланг билан жангда ҳеч қачон қочиб кетмайман! Қочадиғонлар қоча берсунлар! Ўз юртимда туриб қайга қочаман? Қочсан, фақат ўз юртимга қочаман! Шерозни ҳам ташлаб чиққаним йўқ! Ёв кўзини шамғалат этиш учун, гўё кўрқиб қочди, десинлар, деб шундай қилдим. Икки минг сара отликларни жамлаб қўйибман-ку!.. Шерозда юлдузни бехато урадиган паҳлавонлар туриди! Ҳар шаҳарда қўшин бор! Уч кундан сўнг, чақиндай шабихун уриб бораман! Бало-оғатдек ёприлиб бораман!..

Шоҳ Мансур жим қолди. Борликқа сукунат чўккан, фақат момонинг ўзича ғингшиб нималардир деяётганигина эшитиларди.

– Кеча Темурлангдан мактуб олдим... Тан олишимни, бош эгиб боришимни сўрабдилар... Жон-у юрт омон қолар эмиш... Хо-хо-хо! Йў-ў-ўқ! Агар лашкарим қирилса, ёлгиз ўзим, ўзим жанг қилурман! Голиб келмагунча, қиличимни қинга солмасман! Душман билан савашурмен, талашурмен, муштлашурман, юлқишурман, тишлишурман! Кўлим найза, кафтим қалқон бўлур, бармокларим душман баданига ўқдек санчилур! Керак бўлса, тиконли дараҳт пўстини қўлим билан сидиурман, чўзилган ханжар тифини қўлим билан тутурман! Менинг жоним шу ерда! Ҳа-ҳа, шу ерда!.. Шу

ерда!!! – У ўнг қўлини чўқморга қўйиб кўрсатар экан, зуғумли деди: – Билсунларким, кимки ёвдан қўрқиб қочса мана бу алиф онасининг андомида бўлади!..

Ҳеч қандай садо чиқмади. Фақат хос қўриқчилардан икки киши ҳали ҳам вайсаётган момони қўлтиғидан олиб четга чиқдилар-да: “Қорангни ўчир, касофат! Жонингни борида туёгингни шиққиллат!” деганча ҳайдаб юбордилар. Сўфий момо кетар экан, мамнун жилмаярди.

Бу орада шаҳзода Мухаммад Султоннинг лашкари Шерозга киргани ҳақида хабар етди. Шоҳ Мансурнинг шаҳардаги қўшинидан қолган-қутган навкарлар қочиб келдилар ва вазиятни сўзлаб бердилар.

Ғазаби қайнаган, тоқати тоқ Шоҳ Мансур бир қарорга тўхтай олмай, минг хаёлга борди, уйга кирди, ташкарига чиқди. Кейин бирдан мис қозонлар топишни буюрди, жумла мўъмин авомдан мингдан ортиқ қозон тўпланди. Навкарлар шунча қозон нимага керак экан, юз кишига таом пишириш учун бир қозон кифоя-ку, дея бошлари қотди. Шунда Шоҳ Мансур учкур икки минг суворийга отларнинг думига биттадан мис қозон боғлаб олишни амр этди.

Қоқ ярим тунда эл-халқ қаттиқ уйқуда эканида Шерозни аллақандай шовқин-суронлар қамраб олди. Сурон бурғу ва карнай садоларига ўхшамас, сурнай навосидан бошқача, темирни тошга урганда ёки ишқагандан чиқадиган овоздай бир қадар ёқимсиз, муттасил давом этса, кўнгилни бехузур қиласиган айюҳаннос садолар борлиқни тутиб кетди. Донг қотиб ухлаб ётган одамлар, уйгониб, гарангсиб, гап нимадалигини тушунмай, тушми, ўнгми, дерди.

– Тун кечада Шоҳ Мансур шаҳарга бостириб кирмоқда, бари ўшанинг шовқинидур, дедилар... – дея хабар етказди ташвишланган мулоғим шоҳчодирга кириб. У Соҳибқироннинг уйгоқ эканидан ҳайрон бўлмади.

Амир Темурнинг ухлаганини бирор кўрган эмасди. Самарқанддалик вақтларида ҳеч ким унинг Боги Чинорми, Боги Бихиштми, Боги Баландми, балки Кўксаройдадир, – қай ердалигини билмас, у ҳеч қаерда эмас, ҳамма жойда эди.

Соҳибқирон Самарқандда ҳар бир қасрда мавжуд ик-

кинчи ошёнадаги айвонда чараклаган юлдузларга тикилиб, узоқ хаёлларга чўмиб ўтириши ёқтиар, бу паллаларни Оллоҳ билан қалбан сўзлашишга жуда қулай фурсат хисобларди. Юлдузлар яратганинг назар-нигоҳидай унга тикилар, маҳобатли осмон бирубор Оллоҳнинг бандалари учун яратган жиҳод майдонидай туюларди...

Кейин ёнгинадаги “Жавоҳир” хонасига киради. Лопиллаб ёнаётган катта шам ёруғида патқаламни олиб кўнгил лавҳида чақнаган ғаройиб фикрларни қофозга ёзиб қўярди. Эл-юрт ташвиши хаёлини оларди... Яна айвонга чиқар, минг азоб-у укубатда туғилаётган тонг изтиробларига боқар, кўзларига беомон уйқу бостириб келаёттанини сезарди. Шундагина, шу ердаги паркув ёстиққа бош қўйиб күш уйқуси килиб оларди...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ бир куни деди:

– Амир Соҳибқирон, уйқу ҳам Оллоҳнинг буюргон неъмати. Жуда камуйқу эрурлар. Ўзларидай валинеъмат паҳлавон зотга күш уйқуси эмас, паҳлавон уйқуси керак...

Амир Темур додхоҳга маъюс қаради: – Ҳадиси муборакда дейилмишки, жаннатга киришни истагувчилар, ухламайдурлар, деб... Подшо – сокчи, у уйғоклиги учун мамлакат тинч ва осудадур. Агар ухлаб қолса, элда бирон киши ҳам хотиржам кўз юмолмас. Ғафлат уйқусидан худо сакласун. Кимки эрта турса, унинг ризки бутун бўлғай. Бандаси бу дунёга ухлаш учун келғонму? Мангуллик уйқу ҳали олдинда турибди, зарур уйқуни ола билғайбиз, Мамат...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ Соҳибқироннинг хомуш тортганини қўриб кўнгли увишди.

– Шаҳзода Муҳаммад Султон лашкари Шерозда эди. Не бўлдийкин?.. Агар жанг тўхтамаса, Амир Аллоҳдод кўшинини юбориш лозим! Шоҳ Мансур бамисли ўғридек йўл тутибдур... – сўзланди Амир Темур ўз-ўзига дегандек. – Эсингдаму, бир нақл... Искандар Зулкарнайн душман устига отланарди. Лашкарбошилардан бири подшога шипшиди: “Олампаноҳ, жуда фурсати келди, қок ярим кеча, душман ғафлатдадур, унга хозир хужум килмак керак!” Подшо гапни кесиб ташлади: “Мен ўғри эмасмен, саркардамен! Подшоҳ

мен! Уғрилик билан зафар топиш менга уятдур...” Шоҳ Мансур эса уялиб ўлтирумабдур...

Тун-кечада тусмолдан бошланган савашишда Шоҳ Мансур навкарлари апил-тапил уйқудан уйғонган Мұхаммад Султон аскарлари билан аралашиб кетдилар. Ҳеч нарсаны күриб бўлмас, қоп-қоронғи зимиston эди. Навкар ўзини билдириб: “Шу ердаман, шаҳзодам!”, дейиши биланоқ ортдан кимдир ғарчча найза санчар, ёки худди шундоқ Шоҳ Мансур аскарининг хаёт шами сўнар, қоронғида ким кимни отди, дўстми, душманми, фарқлаш мушкул эди. Одамларнинг “Ушла！”, “Тут！” деган овозлари, кўзи боғлаб қўйилгандек савашаётган лашкарнинг чорасиз ҳайқириғи, ур-ҳо ур садолари қулоқларни батанг қиласди. Форс ҳукмдори Шоҳ Мансур шабихун уришнинг ўзи учун ҳам, душман учун бир фалокат бўлганини тушуниб етганда, фурсат қўлдан кетганди.

Тонг ёришмай шаҳзода Мұхаммад Султон қўшинга ортга чекинишга буйруқ берди.

## П

Ўн кун аввал, Шероздан бир неча чакирим жанубдаги баланд тепаликда тикилган шоҳчодирда Соҳибқирон Умаршайх Мирзо ва Мироншоҳ Мирзолар билан Форс-у Озарбайжон, Ироқи Араб ҳақида сўзлашиб ўлтиргандилар, мамлакат ва раият вазири қошидаги хабаргирлар шўъбаси сардори Мубашшир баходир кўк кажава рўмол ўраган Сўфий момони чодирга бошлаб кирди.

– Ассалому алайкум, Амир Соҳибқирон! – салом берди момо...

Соҳибқирон эслади: кўк кажава рўмолли бу сўфий момонинг гаройиб тарихи бор. Бундан беш йил аввал илк Форс юриши даврида, Исфаҳонга яқин бир қишлоқда аллақандай аёлнинг Соҳибқирон ҳузурига кирмоқчи эканини билдиридилар, пири муршид, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддинлар ҳам шу ерда эдилар. Саропардага<sup>1</sup> кириб

<sup>1</sup> Саропарда (форсча) – подшоҳ чодири, кароргохи; харам.

келган момо таъзим ҳам қилиб ўтирмади, кўлидаги гулдор тасбеҳини силкитганча шанғиллай кетди:

– Амир Темур Кўрагонни адолатпарвар подшо деб эшитувдик... Куч адолатда эмас, адолат кучда экан-да, а?.. Кучда экан-да, а?..

Сўфий момонинг ҳар оғзи очилганда иягининг икки четида холга ўхшаб кетадиган бир чимдим-бир чимдим оқ туклар кўтарилиб пастга тушарди.

– Эй момо, бизга тушунтириброк сўйлангиз-чи? – босик сўради Амир Темур.

– Эй подшойи олам! Адолат тилаб келдим, адолат!..

– Сал секинроқ гапиринг, йўқса, бошингиз кетадур... – пўписанамо шивирлади унга яқинлашган Мубашшир баҳодир. “Бу шаллақи момони топиб келиб бошимга бало орттирмасайдим...” – деб қўйди у.

– Бошингиз кетадур? Кетса кетсин бу ёлғиз бош! Кетсин-а!.. Қутуламан қоламан! Ўв-в-в, болам-а!.. Бу бош аллақачон кетиб бўлган! Ҳак эгамга баҳшида, ха! – Ўзини босиб олган момо бироз шахтидан тушди. – Бойим адолатсизликка чидай олмай “пов” этиб ёниб кетарди, ёниб ўтди... Ёлғиз ўғлим ҳам, адолат деб талашиб-тортишиб ҳаққа етишди... Энди якка-ю ёлғизман. Йўқ, йўқ, ёлғиз эмасман, дилимда Оллоҳим бор! Оллоҳни ошиғиман. Пири комила устодим Робия Адавия бандасининг умри Оллоҳни севишдан иборатдур, Оллоҳни севиш ҳар қандай тама, манфаатдан холидур, деганлар...

Амир Темур момода бир сир борлигини фаҳмлади.

– Пири комила Робия Адавия дедингизму? – қизиқиб сўради сўнг, момодан қўпроқ сўз олиш ниятида. – Сўйлангиз, ким экан ул зот?

– Устодим бўладилар. Асли басралиқ Робия художўй сўфий эдилар... Болалигида чўрилилка сотганлар. Бир неча йил сахрова танҳо кун кечирган. – Момога бу ҳақда сўзлаш ёқиши сезилиб туарди. – Бир куни ўнг кўлида челакда сув, чап кўлида машъала тутиб, Басра кўчаларидан югуриб бораётган экан. Таажжубланган одамлар ундан:

“Эй Робия! Сенга не бўлди? Ошиқканча қаерга бораё-

тирсан?” – деб сўрашибди.

“Тамуғдаги<sup>1</sup> ўтни ўчирмоқчиман!” – жавоб берибди Робия қўлидаги чељакка ишора қилиб.

“Астағфурилло! Астағфурилло! – ҳайратдан ёқа тутишибди уни кўрганлар. – Эси жойидаму ўзи?..”

“Машъалани нимага кўтариб олдинг?”

“Жаннатга ўт қўяман!” – тап тортмай дебди Робия.

“Жинниси чиқибди буни! Ҳой, эшигдингизму, халойик? Шак келтириб, худонинг жаннатига ўт кўймоқчи!” – сурон солишибди қўркувдан кути учган, кўзлари ола-кула одамлар уни тўхтамоққа уринишиб. Шунда бир ёши улуғроқ кария тутоқиб бундай дебди:

“Эй бадбаҳт, тез Оллоҳдан мағфират сўраб зор-у тавалло қил, токим, кофир қавмида кетмагайсан!”

Робия хотиржам жавоб қилибди:

“Зинҳор кофир қавмида кетмагайман! Бандалар дўзах ўтидан қўрққанидан, ёки жаннат саодатидан умидворлигидан Оллоҳни севмасунлар дейман, холос! Барчаси тамадур! Оллоҳга би ruborligi, аввал-у охир қудрати-ю мангу порлоқ жамоли учун тамасиз меҳр қўйсунлар, ибодат этсунлар!..”

Атрофда тўпланган халойик бу сўзлардан анграйиб қолибди...

– Халлоқи безаволга салламно! – деб юборди момо ҳикоясидан мутаасс<sup>2</sup> Амир Темур.

Амир Темур Биби Робия ривоятини жуда яхши кўрарди. Биринчи марта йигирма ёшдалик вақтида Шайх Шамсиддин Кулол Кешдаги чорбогида отасига сўйлаб берганда эшигтан, кейин пири комил Шайх Тайободийдан қайта-қайта тинглаган, сўраб-сuriштирган... Ҳар сафар унга ривоят янгида туюлар, ул авлиёнинг қоронғида бармоқлари нур таратиб туриши, жойнамозда ўлтириб ҳавода учиб юриши ва бошқа мўъжизалари борлигидан хабардор эди.

– Филҳақ, дунёning лаззати, ҳайҳот, моликул-мулк, зулжалоли вал-икром Оллоҳ таолога муҳаббатдадур! Тамасиз

<sup>1</sup> Тамуғ – дўзах.

<sup>2</sup> Мутаассир (арабча) – бирор нарсадан таъсиранган, таъсиранувчан.

мехр күймок асил инсонийлик аломатидур! – деди Амир Темур аллақандай таважжухда.

– Оре, рост! Асил инсонийлик аломатидур, Амир Соҳибқирон! – тўлқинланиб кетди Мир Сайид Барака. – Маккаи мукаррамада ҳали ҳозир бир ривоятни сўйлайдурлар, Оллоҳ таборака ва таоло жамоли ишқида ўзидан кеча олган зот авлиё Робия ал-Адавия ҳаж сафарига отланса, Каъбатуллоҳ ўрнидан кўзғолиб, унинг истиқболига чиқар эмиш!

– О!.. О!.. О!... – деган садолар эшитилди.

– Оллоҳнинг қудратини қарангиз! – сўз қўшди Амир Шоҳмалик.

– Бу қудратга шак йўқ! – тасдиқлади Шайх Нуриддин.

– Ҳа, пири комила рост айтганлар, Оллоҳни севиш ҳар қандай тамадан холи бўлмоғи жоиздур! – мағрур деди Сўфий момо. – Мен уни кўнглимга жо айлаганман!

– Аммо бу ҳақда такрорлай беришнинг ўзи ҳам тамадур... – деб кўйди Амир Темур.

Сўфий момо ялт этиб қаради-ю Соҳибқироннинг зукколигига ичидаги қойил қолди, ҳурмати ортди, гапни тезроқ асил мақсадга буришга уринди:

– Сигирим бор, овунчок, шуни сутини сотиб, тириклик қиласман. Бирорга муҳтоҷлигим йўқ... Лашкарбошиларингдан бири уйимга кириб, сут сўради. Йўқ, деб кўйиппан-да мен муштипар. У зўрлигини кўрсатиб, сутимни тортиб олиб ичди, ризқимдан бенасиб этди... Адолат тилаб келдим, пошвойим!

Амир Темур кўли иягига чўзилганча ўрнидан туриб кетди.

– Бирорга зулм қилинмасун, фуқаро-ю мискинлар ранжитилмасун! Жазога тортиладур, деган эрдим-ку! – деди у. – Зудлик билан ўша фармонни бузган лашкарбоши келтирилсун!

Бироздан кейин япалоқ бурнининг чап томонида бармокдай эт ёпишган гунгурсдай лашкарбоши кирди-ю, ер ўпид таъзим қилди. Фазаб отига минган Амир Темур унга қарамади, сутни ичдингми, деб сўраб ўлтирамади ҳам...

Борлиққа жимлик чўкди.

– Эй, момо! – деди Соҳибқирон. – Қулоқ солингиз! Кўп азият чекибсиз. Бу лашкарбоши сизнинг сутингизни ичиб кўйибди...

– Ҳа, ичиб кўйди...

– Жаллод! Табибни чорла! Курсоғини ёрсун! Курсоғида сут бор ё йўқлигини аниқласун!.. Агар сут чикса, унга жазо берилгай, чиқмаса, тухмат учун бу момонинг тили кесилгай...

Кутилмаган қарордан ҳамма ҳайратда донг қотди.

Сўфий момо аланглаб дам хотиржам ўтирган Амир Темурга, дам табибга, дам турқи совуқ жаллодга қаради.

– Пошшойи олам! Пошшойи олам! – қичқириб юборди кейин момо. – Йўқ, йўқ! Курсоғини ёрмангиз, ёрмангиз! Азобламангиз! Сутимга розиман! Гуноҳидан ўтдим, ўтдим!

– Шундайму?.. Гуноҳидан ўтдингизму, момо? Жуда соз! Жуда соз... – Амир Темур у ёқдан бу ёққа юра бошлади, кейин кутилмаганда буюрди: – Лашкарбоши курсоғи ёриб кўрилсун!

Момо энди йигламсираб ёлворишга тушди:

– Ҳукмингизни бекор этингиз, пошшойи олам! Шафқат айлангиз! Мен эсини еган кампир билмай айтиб қўйибман... Нима килиб қўйдим-а... Бир бандага жабр этмангиз! Жабр бўлса ўзимга бўлсун!

Ўртага сукунат чўкди. Факат момони пишиллаганча чуқур-чуқур нафас олгани эштиilarди.

– Англадим... – момога тикилди Амир Темур пинагини бузмай. – Сутингизни ичиб қўйган лашкарбошини кечирдингиз, бу сиз учун адолатли ҳол. Ёки... Курсоқдан сут чиқмаса, тилингиз кесилишидан кўрқдингизму? Аммо мен адолатнинг тагига етмоғим керак... Ҳеч кимга озор етказмасликни буюрғон эрдим. Лашкарбоши чиришни бузибдур. Курсоқ ёрилса ёрилсун, тил кесилса кесилсун, аммо адолатга жабр бўлмасун! Йўқса ҳукмдорлик ҳимматим мени тинч қўймайдур... Жаллод!

– Қиличим бурро, забоним гўё! – янгради жаллоднинг сўзлари.

– Эй, ҳаким!

– Фармонингизга мунтазирман, Амир Соҳибқирон! –  
кўл қовуштириди табиб.

– Қани, бошла!

Эпкин эssa сезилар даражада атрофга жимлик чўқди.

– Тилимдан айрилсам айрилай, илоё, қурсоқдан сут  
чиқмасун! – деб юборди Сўфий момо...

Ҳамманинг кўзи қўлида ярақлаган тиф тутган табибда  
эди... Ниҳоят, кўзи пакиллаган, дағ-дағ титраган лашкар-  
бошини чалқанча ётқиздилар. Табиб лашкарбоши кемир-  
чагининг тагидан то киндигигача тиф урди! Бу одамни тирик  
сўйиш эди...

Инграб юборган лашкарбоши хушидан кетди. Бурни-  
нинг чап томонидаги бармоқдай эт қони қочганидан оқариб  
кўринди. Табиб қўлини эҳтиёткорлик билан қоринга солди  
ва бир ҳосилани олиб тиф билан ёрди, яшил тусга айланиб  
улгурган ипир-ипир... сут чиқди!

“Ох ! “деган овозлар эшитилди!

Мубашшир баҳодир табибининг бехуш ётган лашкар-  
боши қорнини тикаётганига индамай қараб турарди.

– Жазоси ўзи билан экан-да... – деди кимдир.

Сўфий момонинг оғзи очилиб қолди.

– Кўп подшоларни кўрдим... Султон Аҳмад жалойир,  
Султон Барқук, Шоҳ Шужъоъ, Султон Зайналобиддин, Шоҳ  
Мансур... Адолатга риоя қилмайдурлар. Виждан олдида изо  
тортмайдурлар. Барининг ишлари нопок-у нолойикдур. –  
Момо улардан ихлоси қайтганини яширмади. – Аммо...  
сиздай пошшони умримда илк бор учратишм... Ҳа, ҳаққас  
рост, адолатпеша пошшо эканлар! Тамғаларидахи, рости-ю  
русти, деб ёзиб қўйилғон эркан, чиндан ҳам одил пошшо  
ўзларидурлар! Этагингизни тутғоним чин бўлсун!..

Ўша-ўша, кўк кажавали Сўфий момо Мубашшир  
баҳодир тинғчиларидан бирига айланди...

– Ва алайкум ассалом, момо! – алик олди Амир Темур.

Сўфий момо турли дуоларни ўқиб, азиз-авлиёларга  
илтижолар айлади, кейин нималарнидир пичирлаб чап  
қўлидаги гулдор тасбеҳи билан Соҳибқироннинг сеҳрла-

гандай елкаларига уриб-уриб қўйди. Шарти кетиб парти қолгандай кўринадиган момо, аслида ҳали тетик, бақувват эди.

Умаршайх Мирзо бу аломат феъл-атворли момони ҳайрон кузатиб турарди. Мироншоҳ Мирзо ирганибрөқ қарап, валийнеъмат бузрукворидай одамнинг бечора бир кампирни шоҳчодирга киритиб, сўзлашиб ўлтирганлари унга малол келарди.

“Адолат эмиш, – деб ўйлади Мироншоҳ Мирзо, – парвардигорнинг ўзи беш бармоқни тенг қилиб яратмағонку, адолат қаердан бўлсин?..” У ҳатто гапирмоқчи эди, аммо Амир Темур момога қараб деди:

– Қандай хабарлар бор?

Момо кўп нарсаларни гапириб берди. Амир Темур Шероз билан Козерун йўллари ҳақида сўради, қаерларда қандай тепаликлар, кўприклар борлигини аниқлаб олди. Козерунга етмай, Потила деган жойда баланд тепаликлар борлигига диққатни қаратди. Эшитаётган вақтидаёқ ичидаги ўз фикрларини пиширган, нималарни дир чамалаган Соҳибқирон:

– Халлоқи безаволга салламно!.. – деди охиста...

Хазиначини чақириб, момога минг динор пул, бир канизак, ноёб либослардан катон кўйлак, занданача матодан тикилган мурсак ва яна кўп нодир нарсалардан инъом этишни буюрди.

– Ҳожат эрмас, Амир Соҳибқирон, ҳожат эрмас! – эътиroz билдири Сўфий момо. – Сўзимни тўғри англализ, асло бирор тамани ўйламай, ёлғиз Оллоҳга муҳаббатим ўлида бу йўлга кирганман...

– Канизак сизга ҳамроҳдур, пул ва либослар хайрсадақага ярайдур... – деди Амир Темур. – Бари Оллоҳнинг ўлида...

– Майли, бир сўфий ожизага худонинг илтифоти, сизнинг хайр-садақангиз сифатида қабул қиласин, – розилик билдири ниҳоят момо.

Нафсиlamрини айтганда, Шоҳ Мансурнинг тунги хужуми Соҳибқирон учун ҳам кутилмаган ҳодиса эди. Ҳа, уруш

чиндан ҳам майдон кўрган эрнинг иши. Ҳарбий ҳийла, устакорлик, маккорлик, қувлик, хушёрлик, зийраклик, турли алдов усуллари музafferиятнинг кўмакчилари дидир. Тажрибада бари қўлланилади, барига йўл очик. Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Ал ҳарб-у ҳадиъатун” – уруш ҳийла билан бўлур, деган сўзлари машхур.

Амир Темур фикрича ҳам, майдондаги ҳийла ҳийла эмас, балки заковатнинг намоён бўлиши дидир. Душманни одатда куч билан эмас, ҳийла билан енгадилар. Бунда қўпқон тўкилмайди, балки шунинг учун ҳийлага эҳтиёж бор...

Шуларни ўйлар экан, Амир Темур Шоҳ Мансурнинг барibir саркарда сифатида ҳали анча гўр эканини сезди. Йўқса шаҳзода Муҳаммад Султон қўшинига қарши чиқар экан, унинг ёлғиз эмаслигини, ортида Амир Темур Кўрагондай саркарда турганини, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо лашкарлари ва яна бошқа қўшинлар таянч эканини англаган бўларди. Чин саркарда бир ишга киришишдан аввал чиқиши ўйлаб қўяди, нафакат қўшиннинг жойлашган ўрни, балки душманнинг йўли, лашкарининг чўғи, шамолнинг қай тарафдан эсиши, офтобнинг кўзга тушиш-тушмаслиги, ҳатто иложи топилса, жанг вақтида осмонда учеб бораётган күшлар, кезажак булутларнинг вазиятини, уларнинг жангга ёрдам бериш-бермаслигини ҳам ҳисобга олади, тайёрланади. Ўзи даставвал жангга киришмайди, балки саркардаларни ишга солади, лозим топилганда, ошкора чекинади, вақтида чекиниш иснод ҳисобланмайди...

Амир Темурнинг ўзи ҳам ичидаги тан олди: уни ғафлат босибди. Турон қўшинлари бироз пароканда, бир лашкар Тахти Жамшид томонда, бошқаси Шероз билан Козерун орасидаги лашкаргоҳ қилиб белгиланган майдонга отланган, Амир Шоҳмалик қўшини эса Язддан эртага етиб келади... Барини йиғиш, тартибга солиш учун фурсат керак. Шоҳ Мансур Сўфий момо айтганидан ҳам бироз олдинроқ отини қамчилаб қолибди.

## УН УЧИНЧИ БОБ

### I

Турон қўшини Шоҳ Мансур аскарлари жойлашган Шерозни айланиб ўтиб, шаҳарнинг ғарбидаги Козерун йўлидаги Потила деган ерда баланд тепаликда чодир тикди. Сўфий момо тўғри айтган экан. Бу ердан дунёнинг тўрт томонини томоша қилиш мумкин, узок-яқинни чамалаш осон... Зафарқарин лашкарнинг ҳайбати ноғора ва карнайнинг дабдабали садоларига ўралганди, улуғ сурон шаҳардагиларга баралла эшилиб турарди.

Шоҳ Мансурнинг хужуми, кутилмаганда, тушга яқин бошланди. У қорақўюнлилар сардори Амир Қора Юсуфнинг қудратли лашкар билан етиб келишини интиқ кутиб қолди. Бироқ ҳануз хабар йўқ... Музаффарийларни-ку, оқибатини ўйламай, барини ўзи тумтарақай қилди, ўз қанотларини ўзи кесгандек қатл этдирди, кўзларига мил тортириди, кувди, ғорат айлади... Султон Зайналобиддин ҳам, Шоҳ Яхъе ҳам, бошқалар ҳам йўқ, бири қамоқда, бири кувғинда... Лекин Султон Зайналобиддин уйланган Ирок ҳокими Султон Увайснинг Хуросон-у Форс-у Ирокқа донғи ёйилган ожизаси, ҳурилиқо Дилшод Хотун чиндан ҳам Шоҳ Мансурнинг юрагидан урганди! Бир кўз кирини ташлаган ҳар қандай кишининг ҳам бу маҳликога вола-ю шайдоликда узок кечаларни беором ўтказиши турган гап эди.

Дилшод Хотун гўзалликда, ҳусн-у малоҳатда тенги йўқ, ўз вақтида музаффарийлардан нуфузли Шоҳ Маҳмуд ҳам бу қизга оғиз очтирганди. Музаффарийлар обрў-эътибор учун ўзаро жон олиб, жон бериб курашишар, номи чикқан қизни келин қилиб олиш ҳам шараф хисобланарди.

Ҳаммадан олдин Шоҳ Шужоъ ўзғирикни ўринлатди – ўз ўғлига нодираи даврон малакни унаштиришга эришди. Бу никоҳ Шоҳ Шужоъ шавкатига шавкат кўшди-ю, Шоҳ Мансур қалбининг тубига зил-замбил тошдай ботди, адоксиз изтиробларга солди. Энди аламини олиш учун ашаддий душмани Султон Зайналобиддинни Қальбаи Сафид зиндонига ташлатди, бу ҳам етмагандай кўзига мил тортири-

ди, унинг хотини, кўнгил матлаби дўндиққина Дилшод Хотунни эса ўз ҳарамига киритди... Ҳа, Чингизхон билиб айтган: душманинг отини миниб, хотинини ўпмоқдан ортиқ лаззат йўқ... Шоҳ Мансур бунга иймон келтирди. Биринчи кечадаёқ аёл зоти нима эканини илк бор ҳис этгандай бўлди, тонгда дунё унинг кўзига кечагидан бошқача, бағоят дилрабо ва мафтункор кўриниб кетди...

Сабри чидамаган Шоҳ Мансур энди ёрдамдан умид узиб, ёлғиз ўзи хужумга киришди. У икки қанот сардорларини ёнига чорлатди.

– Беллар маҳкам боғлансун! Отлар айили каттиқ тортилсун! Қиличлар қиндан чиқарилсун! Ё ҳаёт, ё мамот!

Чиндан ҳам, саркарда сифатида унга ҳали кўп нуқсонлар соя ташлаб турарди. Чунончи, савқ-ул жайш ва таъбият-ул жайш<sup>1</sup> борасида етарли билимга эга эмаслиги билиниб қолди. Аслида, шабихун вақтида кўп навкарларидан ажралганидан сўнг, – Амир Қора Юсуфдан-ку дарак йўқ, – ортига чекинмоғи лозим эди. Аммо кўнглига ўрнашиб олган ўринсиз ғуурур, иззатталаблик, калондимоғлик, такаббурлик, алам қадамни тўғри йўлдан четга ташлашга ундали... Бунда инсон ўз ожизлигини сезмай, ҳамиша афсуснадоматларга чулғайдиган кўчага кириб кетади. Буни сардорлар аниқ билардилар, бироқ тажанг подшога, ҳозир чекиниб кетайлик, куч тўплайлик, кейин саваш қурайлик, дейишга журъат этолмадилар.

“Келаман, деб панд берган (балки, атайлаб!) бетайин Амир Қора Юсуфга ҳам Шоҳ Мансур ўзининг кимлигини бир кўрсатиб қўйиши керак!..” – деб ўйлади қайсарлиги тутиб у ва ўзининг ҳам аввалроқ Амир Қора Юсуф мактубига вақтида жавоб қайтармаганини эслади... Эслади-ю жаҳл устида ичидагилари ташига чиқиб кетди: – Кимсан, Шоҳ Мансур кўркиб-писиб ортига чекиниб кета берадирму? Шоҳ Мансур-а? – деб юборди чўқморини салмоқлаб бош узра силкитар экан. – Зинҳор! Зинҳор!.. Агар чекинсам, қундуз телпакли мағрур бошимни кундага қўяман!..

<sup>1</sup> Савқ-ул жайш, таъбият-ул жайш (*арабча*) – ҳарбий атамалар: стратегия ва тактика, маъноларида (*муалл*).

Шоҳ Мансур беш юз чоғли қиличи кескир, тундаги ма-шаълалар ёруғида яраклайдиган заррин мато билан ўралган темир бағтар<sup>1</sup> кийган шиддатли, чақинқадам йигитларни бир жойга йигди. Тағин отлар думига қозонлардан боғлаб олиш буюрилди. Ноғоралар қоқилди, бурғулар чалинди.

Амир Темур чодири тикилған тепагача тахминан иккى фарсахча масофа бор эди. Шоҳ Мансур фавқулодда таваж-жуҳда замон сингари ўзгир оқ тулпорига минди ва ёв томонга от кўйди. Шовқин-сурон, данғ-дунғ садолари душман дилига кўркув солар, беш юз эмас, балки беш юз минглик кўшиндек тасаввур уйғотарди.

Отига шиддат билан қамчи ураётган Шоҳ Мансур ўнг-у чапга қилич сермар, ганим лашкари бас кела олмай ортга чекинар, яна олға ташланар, каллалар шарт-шарт узиларди.

– Эҳ-хе, хе-е-ей!.. Эҳ-хе-е-ей!.. Сабр-тоқат этагидан тутган, савоб-у ёзуклари учун Оллоҳдан эҳсонлар кутган ўша Шоҳ Мансур мен бўламан!!!.. – ҳайқиради Шоҳ Мансур аллақандай жазавада...

Унинг овози жанг сурони ичида узокларга етиб борар, жўровоз ҳайқиришган навкарлар, шу палла агар у осмондаги ойни узиб бер, деса, узиб беришга тайёр эдилар.

Куюндай тезликда от сурган Шоҳ Мансур ҳеч нарсадан ҳайқмай Турон кўшини сафини ёриб ўтди...

– Эҳ-хе-е-ей!

– Эҳ-хе-е-ей! – ҳайқиришарди изма-из келаётган сипоҳлар, саркардалар.

Ўладиган ҳўқиз болтадан тоймас, деган мақол шу ерда тўла-тўқис тасдигини топди. Шоҳ Мансур бағоят қайсар ва бебош ғазаб дулдулига минди, ҳозир уни ҳеч ким, ҳатто меҳрибон онаизори ҳам йўлдан қайтара олмасди!

У беаёв ҳалокатга, тубсиз жарликка бораётганини аниқ билар, ортга ҳам йўл йўқлигини теран фаҳмларди. Ҳа, ортга йўл йўқ! Ўлимга маҳкум одам умри тугаётганини билгач, худонинг инсонга ато этган буюк неъмати интиҳосини сезиб, жасорат томирлари кўзғолади ва илгари йиллар

<sup>1</sup> Бағтар (*форсча*) – темирдан ясалган, усти баҳмал ёки заррин мато билан қолланган уруш кийимли (*муалл*).

давомида амалга ошира олмаган ишларини қолган саноқли дақиқаларда рүёбга чиқарышга интилади.

Шоҳ Мансур ҳозир кўрқоклардек чекиниб, қочиб-букиниб юришни ўзига эп кўрмади, у музafferийларнинг беомон душмани Амир Темурга қарши бош кўтариб чиқишга қарор берди. Музafferий жасур подшонинг ҳаракатида бешафқат мантиқ бор эди...

Вовайлолар<sup>1</sup> бўлсинки, музafferийларнинг ҳеч бири туронлик оддий амир ўғли, лекин аслида дунёning машхур шаҳаншоҳларини кунпаякун қилаётган Темурлангга қарши голибона туғ ҳилпиратиб чиқолган эмас!.. Ҳатто музafferийлар ичидага дунёга машхур Шоҳ Шужоъдай қудратли хукмдор, соҳиби салтанат ҳам юрак ютиб, қилич кўтариб Амир Темурга рўбарў бўлолмади, аксинча, ялиниб-ёлвориб мактуб ёзгани етмагандай, валиаҳд ўғли Султон Зайналобиддинни ҳам Соҳибқироннинг ҳимоясига топширди.

“Наҳотки, замонлар ўтиб, тарих сарҳисобида биронта ҳам музafferий подшоҳ Темурлангга қарши чиқа олмаган, деб ёзсалар? – аламли дерди ўзига ўзи Шоҳ Мансур. – Юз йил давомида у ёғи Ҳамадон-у Хуррамобод, Язд-у Исфаҳон, Рей, бу томони Абаркуху Шероз, Ҳурмуз-у Кирмон сингари музофотларда давр-у даврон сурган музafferийлар шаънига ҳақорат-ку бу! Бас!.. Кимдир чиқиши керак! Кимдир чиқиши керак...” Адади йўқ ноҳуш ўйлар Шоҳ Мансур кўнглини тобора қиймаларди. Форс вилояти тарихида номи олтин зарварақларда ёзиладиган юз йиллик машхур сулола, юрг обруси, шуҳратини сақлаш Шоҳ Мансур назарида, ҳозир унинг зиммасига тушиб турибди. Форс хукмдори буни теран англаб етди ва аллакандай туйғуданми, ғуурданми, ўзини кўкраги баланд кўтарилгандай сезди. Ҳали бу сулола жаҳон айвонида давр-у давронлар суражак!

Кутимаганда, кўнглига даҳшатли фикр келди: майли енгилса ҳам, ўлса ҳам рози, фақат аввал Амир Темурни асфаласопилинга жўнатиши керак! Кейин уни нимталаб ташласунлар, гўштини канорага илсунлар, майли, майли!

– Эҳ-хей!

<sup>1</sup> Вовайло – афсус, аттанг, эвоҳ.

– Эҳе-ҳе-е-ей!.. – садолари эшитиларди ҳар томондан ва гүё ўзи ҳайқириб айтган сўзлар майдонларни оралаб қайтиб келиб, Шоҳ Мансурнинг ўзига мадад бераётгандай туюларди.

Амир Темур лашкарни кўнгилдагидек тартибга солиб улгурмади. Шошилинч Амир Аллоҳдодни коровул фавжига, ортидан Амир Шоҳмаликни ҳировул фавжига тайинлаб, олдинги жабҳани мустаҳкамлаб қўйди. Жавонғорда Муҳаммад Султон, баранғорда амирзода Пир Муҳаммад етагида Шайх Нуриддин каби жанг кўрган баҳодирлар саф тортиди. Умаршайх Мирзо билан Мироншоҳ Мирзо қўшинларини захирада қолдиаркан, фақат фармонни кутишларини тайинлади. Ўзи эса кўлда қарор топди.

Олдинда Амир Темур жойлашган тепаликка йўл очилганди. Кейин Соҳибқирон бу маъшум ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини тажриба тошига уриб текширди. Ҳамиша ҳушёр турадиган қўшин бошликлари вазиятни яхши англамай, ғафлатда қолиб, бир-бирларига ишониб, бепарвонликка йўл қўйибдилар. Урушнинг тақдири лаҳзага боғлиқ эканлигини унутибдилар.

Одатда, кимдир узокдан “ҳай-ҳай” лаб отини шиддат билан ўқдай учириб келаётган бўлса, ҳар ким ҳам беихтиёр йўл беради, жилла курса, ўзини четга олади. Қалқонини елкасига осган, қўлида икки қилич тутган Шоҳ Мансур фурсатни ғанимат билиб, каловланмай Соҳибқиронга яқинлашиб кела бошлади...

Ҳамма қўшин майдонда, Соҳибқирон вазият танглигидан ўзининг хос навкарларини ҳам савашишга юборган, чодир олдида йигирмага яқин аскар бор, холос. Амир Темур хезланган душманга ўқ отмоқчи эди, қараса, садоқни кўтариб юргувчи найзадори – хос аскари ёнида йўқ, қаттиқ қўрқиб кетганидан, жон саклаб ўз жойини ташлаб қочибди!

Шу палла Шоҳ Мансур, – ўзи ҳам Амир Темур Кўрагон билан юзма-юз турганига ишонмади! – бақирганча ҳамла қилди, ҳатто қиличининг учи Соҳибқирон дубулғасига тегиб жарангли садо берди!.. Кейингисида довудий совут Амир Темур жонига оро кирди...

Соҳибқирон шижаат билан жойидан қўзғолмади, кўлида қиличини ўйнатганча қаттол душманни ёнига яқинлаштирмади. Кутимаганди, кимдир, тўпалонда овознинг қаёқдан чиққанини билиш мушкул эди, “Оллоҳумма мансур Темуран<sup>1</sup>!” деб қаттиқ қичқирди! Учкир найза тутган аллақандай номаълум бир отлиқнинг ҳайқириғи ҳаммани рухлантириб юборди!.. Кейин Амир Темур ўша отлиқни чунон излатди, аммо у изсиз ғойиб бўлганди.

Соҳибқирон турли тарафдан хушёр тортган, шижаатлари қўзғолган баҳодирларнинг от солгандарини кўрди! Тангри таоло уни ўз ҳифз-у ҳимоясида саклади, Соҳибқирон буни юракдан туяр, Ҳаққа шукроналар айтарди. Айни шу ҳолат, ғафлат, жасорат, совуққонлик, бепарволик, хотиржамлик ҳайратда қолган Шоҳ Мансурнинг шиддатини синдириди, ғалабага бўлган ишончини саробга айлантириди!

– Хотиржамликни кўрингиз!.. – деб юборди у, Соҳибқиронни назарда тутиб.

Бирдан: “Қоч!!!”, “Қўлингни узиб оламан, даъюс!..”, “Думингни туғиб қўяман!” – дея наъра тортган Амир Шоҳмалик шувуллаган ўқдай етиб келди.

У ҳировулда экан, Шоҳ Мансурнинг йирокда бақирганча, Соҳибқирон чодири томон елиб бораётганини илғади-юраги шув этиб кетди! Дарҳол ўша ёққа от бошини бурди! Шоҳ Мансур учинчи марта Амир Темурга килич урмоққа чоғланганди, ғазабланган, куюқ қошлари чимирилган Амир Шоҳмалик чап қўлидаги қалқонини Соҳибқиронга тутиб улгурди, ўнг қўлидаги кескир қиличини яраклатиб Шоҳ Мансурга солди! Қайдандир Ахий Жаббор баҳодир етиб келди. Шу палла Мироншоҳ Мирзонинг:

– Нокасни журъатини қарангиз! Кимга қўл кўтаришни билиш керак, аbla-а-аҳ!!! – деган сўзлари баралла янгради.

Бирдан Шоҳ Мансур чап билагини қилич чимиллатиб ўтганини фаҳмлади. Қўз қири билан атрофга боқди: ўн-ўн бешга яқин йигити шиддат билан саваш қурмоқда, бошқалар эса турли томонларга сочилиб кетган... Кучлар тенг эмасди. Унинг устига, он ўтган сайин ғаним кўпаймоқда...

<sup>1</sup> Оллоҳумма мансур Темуран (арабча) – Ё Оллоҳ, Темурга зафар ато эт!

У беихтиёр от бошини орқага бурди...

Соҳибқирон қочишни ғанимат билган Шоҳ Мансурнинг оқ отига назар соларкан, Хонўглонни эслади. Бўйни узун оқ тулпор аъло хислатларга эга, насли тоза экани кўриниб турар, сохиби билан бирга жанг қилар, душманни олдидан келса, тишлар; орқадан келса, тепарди. “Асил зотли отлар шундай бўлади!” – деб қўйди ичидা Соҳибқирон.

– Эҳ-хе, эҳе-е-ей! Сабр-тоқат этагидан тутган, савоб-у ёзуклари учун Оллоҳдан эҳсонлар кутган ўша Шоҳ Мансур мендурман! – деган сўзлар янгради яна...

– Шоҳ Мансур ўлдирилмасун! – деб қичкирди Амир Темур кутилмаганда...

Соҳибқирон сўзини тўс-тўполонда бирор эшитди, бирор эшитмади, ўлашга ҳеч кимда фурсат ҳам йўқ эди бу палла...

Сезилар-сезилмас чекинар экан, Форс хукмдори Амир Шоҳмалик билан савашишга киришди... бирдан ўнг биқинига найза қадалганини билмай қолди. Бу Ахий Жаббор баҳодирнинг иши эди. Ногаҳонда бўйнига найза санчилди, иккинчиси елкасига тегди. Юзи тилинган Шоҳ Мансур ҳали ҳам ўнг қўлида қилични ташламай жангни давом этдиарди. Атрофга боқса, ёлғиз ўзи қолибди, жангчилари бари ҳалок бўлибди...

У беихтиёр қаради-ю... шуурида тезроқ ортга чекинмоқ керак, деган аччиқ ҳақиқатни англали! Чекинмоқ керак, чекинмоқ керак... Бутун ниятлардан, ўч-у қасослардан, олийжаноб салтанат тахтидан, доғ тушмаган сулола шарифидан чекинмоқ керак, чекинмоқ керак... Буни ундан кўра олдинроқ оқ тулпор сезгандай шиддат билан ортга ўгирилди ва қуюндай елиб кетди! Ортидан Мироншоҳ Мирзо от қўйди, аммо оқ отга етиш мушкул эди. Шоҳ Мансурнинг оти тездаёқ чанг-тўзон ичидা кўздан йўқолди...

Жанг майдони фиж-фиж ўликлар билан тўлиб ётар, оёқ ости ҳаммаёқ кон эди. Оқ тулпор агар яна шу суръатда елса, ёлга ёпишиб олган эгаси қулаб тушиши мумкинлигини англагандай секинлашди.

Ростдан ҳам, бир неча еридан яраланиб ҳолдан тойган,

мажолсиз Шоҳ Мансур отда аранг ўлтирас, жароҳати каттиқ азоб берар, беаёв ташналик бошқа томондан қисарди. Вужу-ди қакрар, томогини ҳўллашга бир култум ҳам сув йўқ... У чорасиз курол-яроғини ташлаб, кетишни унча истамай тайсаллаб турган оқ тулпорни ҳам ҳайдаб юборди, ўзини ўлганга солиб, мурдалар ичига яшриниб олди... Атрофда бирон одам шарпаси сезилмади. Балолардан кутилдим, деб ўйлаган Шоҳ Мансурнинг хира торта бошлаган кўзлари ўз-ўзидан юмилди...

## П

Амир Темур музafferийларнинг сўнгги подшоси Шоҳ Мансур тақдири нима бўлганини билолмай безовталана бошлади:

– Шоҳ Мансур қочибдиму? – дарғазаб сўради у амирлардан.

– Майдонда борарди, бирдан қарасак, ғойиб бўлди... – жавоб берди Амир Шоҳмалик. – Чамаси, от устида ўлган-у, қулаб тушганми дейман. Қаттиқ ярадор эди...

– Қаттиқ ярадор эди. Тўзон ичида йўқолди. – тасдиқлади Мироншоҳ Мирзо. – От устида аранг ўлтиради. Ўлган, бу аниқ...

– Шоҳ Мансурдай кишилар осонгина ўлиб қўя қолмайди! Ўликлар бирма-бир текшириб чикилсун! Қидирилсун! Топилсун! – амр этди Амир Темур ва қалтис вақтда ўз жойини ташлаб қочган найзадорини туттириб, қатлга тортишни буюрди. Кўрқоқни Мироншоҳ Мирзонинг ўзи саккиз нимта қилиб чопиб ташлади.

Барча амирлар-у навкарлар ҳар қаёққа тарқалиб, шиддат билан майдон оралашга киришиб кетдилар. Ётгандарнинг ўликми, тирик эканини билиш учун найза санчиб кўрадилар. Излаш хийла давом этди.

– Шоҳ Мансур ўлган, излаш бефойдадир... – деди кимдир умидсизланиб. – Тополмай овораи сарсон бўламиз, холос.

– Тўғри, мен юзлаб мурдага найза санчиб чиқдим, биронта тиригини учратмадим... – қўл силтади майманалик

амир ҳам.

Сўзга термизлик амир аралашди:

– Ўлган бўлса, бошини олиб бориш керак. Эмаса, ким ишонади?

Ҳамма ҳориб толди. Кош қорайиб борарди. Энди қайтамиз, деб тургандарида, майдон ичкариогида юрган, яқинда амирлик мартабасига эришган майманалик амир чалқанча ётган мурдада тириклик шарпасини сезди-ю кўзлари қинидан чиқиб кетай деди!

Шоҳ Мансур ухламоқни истар, аммо бунинг иложи йўқ эди. Бирдан хаёллар қўйилиб босиб келди:

“Нима қилиб қўйдинг, эй Шоҳ Мансур? Музаффарийлар салтанати заволга учради! Сен билан тугади... Бари тугади! Афсус, қўлингда саклаб қола олмадинг. Юрtingгағаним оёқ қўйса, курашмоқ керакми? Керак! Сен курашиб тўғри йўл тутдинг. Аммо қандай курашмоқ керак? Беаёв душманга якка-ёлғиз рўбарў чикмоқ тўғрими? Нима учун бутун музаффарийлар бирлашиб юртни қўрикламадилар? Йўқ, улар юртни душмандан эмас, бир-бирларидан қўрикладилар! Шоҳ Шужоъдай подшо ҳам Темурлангга мактублар ёзиб, ялтоқланишдан нари ўтолмади. Ҳатто отасидай улуғ одамнинг кўзларига мил тортириди, ўглини ёруғ дунёдан бебахра этдирди, юртни, салтанатни саклаш учун шундай йўлга кирдим, деганини Шоҳ Мансурнинг ўзи ҳам эшитган. Юртни саклаб қолиш учун отани, укани, қариндошни ўлдирмак лозимми?.. Балки Шоҳ Мансурнинг хатоси Темурбекнинг мактубига қулоқ солмагани-ю жавоб бермаганидадир? Нима дейилганди ўша мактубда? Эсида, эсида... “*Тамойилимиз андоқдурки, кимдаким бизни тан олмаса вилояти талон-торожсга қолур. Кимки эл бўлиб ҳузуримизга келса, азиз тутиб, ўзларимиз бирлан тенг кўргоймиз, вилоятига зиён-захмат етказмагоймиз...*” Ҳа, эсида... Вилоятга зиён-захмат етмаса, азиз тутиб юрса, бунинг нимаси ёмон?

Йўқ, душманга эл бўлиб бормоқ, бош эгиш деган сўздир. Шоҳ Мансур бир умр мағрур яшади, шундай ўтади! Аммо мағрур яшамоқ учун ўзгаларни ўлдирмоқ шарт ҳисобланурму? Султон Зайналобиддинни нобино этдинг,

Шоҳ Яхёни абгор айладинг... Ҳа, сен ҳам юртни, салтанатни сақламоқ учун шундай йўлга кирдим, деб айтишинг мумкин!.. Аммо баридан ёмони – Амир Муборизиддин Мухаммад ибн Музаффар асос солган салкам саксон йил даврон сурган Музаффарийлар салтанати сенинг қўлингда патарат топаётир!!! Сенинг қўлингда!!! Боболар асрабавайлаган салтанатни, аждодларингнинг барини йўқлик чоҳига отдинг. Туғилдинг, ўсдинг, вояга етдинг, тахтга миндинг, даврон сурдинг, дунёларга довруқ таратдинг, лекин бари музаффарийларни гўрга тикиш учун қилинган ҳаракат бўлиб чиқди...”

Шу ерда хаёл бўлинди. Кимdir найза тутганча атрофда тимирскланиб юрарди. Қарай деса мажоли йўқ... Бирдан биқинига найза санчилди, лекин у сездириб қўймай деб, сас чиқармади, аммо иккинчи марта аяган кўзга чўп тушар деганларидай, найза қилич теккан елкасидаги ҳали оғриётган жароҳатига тегиб кетди! Беихтиёр инграб юборганини билмай қолди.

Майманалик амир ҳайратда ортга тисарилди. Олдида, совути қонларга бўялган аллаким ётарди.

– Менга омонлик бер! – тилга кирди “мурда” бирдан. – Мени ўлдирма!!!..

– Кимсан? Отинг нима?.. – сўради жон ҳолатда қўрқиб кетган амир сал ортга тисарилиб.

– Мен... Мен... Шоҳ Мансурман!..

– Шоҳ Мансур?!

Юзи қип-қизил лолага ўхшаб қонга бўялган Шоҳ Мансур тирсагига таяниб туришга уринди.

– Шоҳ Мансурман... Сўзлашга ҳам ҳолим йўқ... Мана, бу дур-у забаржадларни<sup>1</sup> ол! – Шоҳ Мансур кейин чап қўли бармогидан катта ёқут кўзли тилла узук чиқарди. – Буям сенга... Факат мени бировга билдирма! Қўйиб юбор!.. Сен мени кўрмадинг, мен сени...

– Эҳ ланъати! Одамларни юзсизлигини!.. – деди майманалик амир дарғазаб. У рўпарасидаги одам Форс вилоятида узок йиллар давр-у даврон сурган, душманларини

<sup>1</sup> Забаржал (арабча) – шаффоғ сарғиши ёки яшил қимматбахо тош.

зир титратган, музafferийлар сулоласининг сўнгги вакили эканини билди, аммо ўзини танимаганга олди, кўнглини камраган қўркув ҳисларини нари қувиш учун ясама сиёsat қилди: – Шоҳ Мансурман, деб кекирдагини чўзишини қара! Дуруғўй<sup>1</sup>! Ҳамма Шоҳ Мансур бўб кетди! Шоҳ Мансур сенга ўхшаб қоптими? Шоҳ Мансур-а! Уни музafferийлар подшоси Шоҳ Мансур, деб қўйибдилар! Мана шу ётган латта Шоҳ Мансур эмиш! Бу ёқдагиларни пандавақи деб ўйлајсанми? Сен... сендайларни тумшуғини эзib қўйиш керак!..

Майманалик амир Шоҳ Мансурнинг ёқасидан олиб тортқилай бошлади.

– Тўхта, тўхта!.. – инграб юборди Шоҳ Мансур. – Ишонмасанг ишонма, майли... Аммо ўлдирма! Мени ўлдирмай, Амир Темурга олиб бор!.. Обрў топасан! Ўлдирса ўша ўлдирсун! Олиб бор!.. Мана буларни ол-да, мени Соҳибқиронга етказ!.. Етказ!..

Шоҳ Мансурнинг ортиқ гапиришга мажоли йўқ эди.

– Нима, тиллангга зорманму, узук тутасан?.. Атиги битта узугинг бор экан! Ўзимда тўртгаси бор! Майманада ундан ҳам кўп! Шоҳ Мансурман, дейди-я! Вей... жонимни саклаб қолай деб, ўзимни ўликка солиб ётибман, дегин ҳали?.. Аблаҳ!..

Силкилаётган амир жаҳл билан ёқани қўйиб юборди. Шоҳ Мансурнинг боши тақ этиб ерга тегди.

Итифоқо, майманалик амир “Шоҳ Мансур ўлдирилмасин”, деган фармондан бехабар эди. Бирдан фалончи, ҳеч ким тополмай турган пайтда Форс ҳукмдори Шоҳ Мансурни тутиб ўлдирибди, деган шов-шувли гап унга шарафлирок туюлди. Илтижоларга қулоқ солмади...

Шу палла узокдан икки навкарнинг келаётганини кўрди-ю саросимага тушди! Агар улар яқинлашса, баридан қуруқ қолади... Ўлжасини тортиб олишлари аниқ! У шошилганча ўлжасига човут солган бургут мисоли Шоҳ Мансурга ташланди!

Шоҳ Мансур сўнгги кучини тўплаб майманалик амир-

<sup>1</sup> Дуруғўй (форсча) – ёлғончи (муалл).

нинг башарасига мушт туширди, шариллаб бурнидан қон кетган амир “Их!” деганча гандиралаб орқасига тисарилди... Шартта ёнидан ханжарини суғуради-да, шоша-пиша Шоҳ Мансурнинг бўғзига ботирди! Тезликда қон қўли билан каллани кесиб олиб қопга, дур-у забарждадлар-у тилла узукни эса қўйнига солди...

“Шоҳ Мансур топилибди!..”, “Тирик экан！”, “Фалон амир бошини кесиб олибди！”, “Омади бор экан-а！” каби овозалар тарқалди. Эшитганлар Форс ҳукмдорини тутиб олган майманалик амирга ҳавас қилиб қаардилар.

Қопни очганларида, Амир Темур юзи таниб бўлмас даражада қонталаш каллага қараб, Шоҳ Мансурники эканидан шубҳаланди. Майманалик амир сўзларининг ғози йўқдек туюлди-ю Форс ҳукмдори қариндошларидан борми, деб сўради. Шоҳ Яхёнинг дароз бўйли дўнг пешона ўғлини топиб келдилар.

— Бошида сочи йўқ, кал... аммо шумикин? Ҳа-ҳа... шу экан... танидим... Мана, ўнг қулоғи орқасида каттагина қора холи бор... Аниқ, амакимники... Шоҳ Мансур амаким шу... — деди Шоҳ Яхёнинг ўғли йиғламсираб, кўзларига ёш олганча.

Амир Темур индамади. Унинг борлигини қандайдир номаълум изтироб, афсус-надомат чулғагандай эди. Жимлик чўқди. Яқинда ҳаж сафаридан қайтган пири муршид Мир Сайид Барака сўз олишга журъат этди: — Инсоннинг вужуди — яратганинг иморати... Бу иморатда турли ҳодисалар юз берадур. Амир Соҳибқирон, ҳаммамиз ҳам бандалардурмиз, бандасининг кўнгли ҳамиша яrim бўлур. Оллоҳнинг кудратига ҳам, ғазабига ҳам чек йўқ...

Амир Темур босик деди:

— Ҳаллоқи безаволга салламно! Оллоҳнинг қудратини тан олмай илож йўқ. Илож йўқ... Аммо марднинг хор бўлганини кўрсам, у душман эрса ҳам, кўнглим эзиладур. пиrim! Чунки, у ўз номи билан мард! — Мир Сайид Баракага қараб давом этди Соҳибқирон. -. Мардлар мана шундай хор-зор, кўрқоклар қўлида ўлиб кетадурлар... Султон Жалолиддин ҳам бир номард қўлида жон берди.

Кудратли эрлар таҳқирланса пасткашлар қувонанадир. Шуниси алам киладур. Аслида яшашга, давр-у давронлар суришга ўша мардлар ҳақдордурлар! Аммо давр-у даврон суриш ҳамиша номард-у нокасларга қоладур. Сув келтирган хор-у кўза синдириғон азиз. Қаниadolat? Қаерда ўшаadolat?.. Ахир битта марднинг вояга етмаги учун ўттиз-кирқ йил даркор... Мардлар кам, кўркоқлар эса ҳар қадамда... Кўркок бир кунда минг марта ўлади, мард ўлмайди, мард шаҳид бўлади! Аттанг, яхши гапга қулоқ солмади, агар Шоҳ Мансур тирик колганда, Шерозни ўзига тобшургай эрдим...

– Мард – худонинг тухфаси! – деди пири муршид. – Марднинг сўзини айтдилар, Амир Соҳибқирон...

– Майдонда йиқилиб омонлик сўрағон навкар ўлдирилмайдур. Агар ярадор душман омонлик сўраса, сўзига қулоқ солмак керак, у садоқат эгасидур, ўз бегини, юртини деб саваш курди, яраланди...

Орага ноҳуш жимлик чўқди.

– Мамат! – деди босик Амир Темур. – Шоҳ Мансурнинг жасади билан бошини бирга ювсунлар, иззат-икромини жойига қўйсунлар ва музafferийлар даҳмасига дафн этсунлар!

Ҳамма Соҳибқироннинг кенгфеъллилигидан ҳайратда бир-бирига қаради.

Амир Темур бирдан ўзгарди, беихтиёр кўллари иягиға чўзилди.

– Номард!!!.. Нокас!!! – деган сўз янгради Амир Темур тишлари орасидан.

Йиқилиб ҳолсиз ётган Шоҳ Мансурдек мард жангчини ўлдиришдан орланмаган, совға-инъомлар кутиб турган майманалик амирни дарҳол тутиб қатл этишларини, молмулкини эса мусодара қилишларини буюрди...

## УН ТУРТИНЧИ БОБ

### I

Соғинч бика воқеасини эшитган валиаҳд Мұхаммад Султоннинг дунёси қоронғи бўлди. Уни бир неча саволлар кийнарди. Қиз қаёққа кетиши мумкин? Наҳотки, уни ҳалигача қидириб топиша олмадилар? Қиз ўзи қайгадир қочганми, ёки ўғирланганми?..

Суюкли маҳбубасининг қароқчилар қўлига тушганини ўйлар экан, шаҳзоданинг бутун аъзои баданига заҳарли иғналар санчилгандай жойида ўтиrolmas, ўрнидан туриб кетарди. Фақат Согинч бикани шаддод, шижаатли деб эшитганидан, у ўзини хор этишга йўл қўймаслигини сезар, ичида, илоҳи, ўзинг асра, деб парвардигорга илтижолар қиласарди.

Валиаҳд шаҳзода буткул ҳузур-ҳаловатидан айрилди. Кечалари ухломай чиқар, дардини кимга айтишни билмасди. Соғинч бикани топишга қаттиқ бел боғлади, қизни излаб тўрт томонга эпчил кишилардан юборди. Амир Соҳибқирон ҳузурларига кириб, шу ожизани излашга ўзигаёқ ижозат беришларини сўрамоқчи эди, бироқ юзи чидамади. Унинг устига, катта малика шаҳзодани тинчлантириб, бу ҳакда бирорвга оғиз очмасликни тайинлади.

Сароймулкхоним ушбу баайни эртаклардагидек воқеадан ҳайратда ёқасини ушлаб қолди. Шу ёшга кириб шундай ҳодисани эслай олмайди. Соҳибқироннинг бир мақсадлари бор эди. Салтанат сарҳадлари тинч, осойишта бўлмоғи керак. “Агар ёш боланинг бошига бир лаган қўйиб, унга ўн тилла солинса, у бола салтанатнинг бир томонидан иккинчи томонига йўл олса, то манзилга етгунча бир тилла ҳам камаймаслиги лозим!” – дерди Соҳибқирон... Камаймасди ҳам! Энди эса бир тилла эмас, ҳазор-ҳазор тиллалардан-да ортиқ Согинч бикадан айрилиб ўлтирибдилар. Маҳди улё назарида, қиз бадбин одамлар қўлига тушган, вассалом...

– Сизга сўйлағон эрдим-ку, Амир Соҳибқирон... Шаҳзода Мұхаммад Султон жудаям ёқтириб қолғон ожиза ҳақида... – деди катта малика. – Ижозатлари бирлан совчилар юборғон эрдик... Ўшал ожиза...

Сұхбат Козерун йўлидаги Потила деган ерда, баланд тепаликда жойлашган яшил шоҳчодирда кечмоқдайди. Амир Темур Сароймулхонимга қаради:

– Эсимда, эсимда... Ўшал ожиза ҳакида ширин сўзлар айтғондингиз. Ҳўб қувонғон эрдим. Ишкни парвардигор суйган бандасига ато этадур. Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Суйиб олса, киши баҳтини топғай, муродига етғай. Биз ҳам ўзларини... суюб олғонмиз-ку, билурлар...

Соҳибқироннинг юзига ёқимли табассум ёйилди. Сароймулхоним эса ёш қизлардай уялиб ерга қаради.

– Илохи, ҳар кимга ҳам ишқ баҳтини берсун, Биби! – давом этди Амир Темур, маликани хижолат пардасидан чиқармок учун. – Жаҳон шаҳзодасининг ёқтириб қолғонлари, унинг устига, Жаҳоншоҳ ибн Жокудай баҳодирнинг ожизаси эканлиги нуран аъло нурдир. Шаҳзода валиаҳдимдур, унга қандай умидлар боғлағонимдан ўзингиз хабардорсиз. Ўша қунларга етказсун!.. Муҳаммад Султон ғаройиб хосиятли йигитдур, Соҳибқирони муazzзам Чингизхон бирлан Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон қони унинг томирида жўшиб турибдур ахир! Ҳали биздан кейин Турон салтанатини олам-жаҳонга кўз-кўз қиласурғон, миллатни камолга етказудурғон, киндик қони тўкилғон тупроқ шаънини бош узра тутадурғон валламатдур бу!.. Бошқа фарзандларимни асло камситмайдурмен, аммо менинг баҳтимни, иншооллоҳ, Муҳаммад Султон бирла бермишдур! Туron мамлакати жаҳонда барқарор бўлгай, салтанатлар уни тан олгай! Биз қилмагон ишларни шаҳзода Муҳаммад Султон поёнига етказгай! Халлоқи безаволга салламно!..

Сароймулхоним ҳазратни кўпдан бундай рухи яшнаган ҳолда кўрмаганди. У Амир Темурнинг ўз номдор набирасини қанчалар ардоклашини, унинг билан нечоғлик фахрланишини такрор юракдан ҳис этди.

– Валиаҳдимизнинг шаън-шавкатларига муносиб сўзларни дедилар, Амир Соҳибқирон! Камина ҳам бош устида тутадурмен шаҳзодамни... Қайлиқ топамен, деб жонҳалакмен ахир... Биламен, шаҳзодамга айрича таважжуҳингиз бор. Факат ҳамма фарзандлар қаторида қарангиз, демакчи эрдим,

холос, Амир Соҳибқирон! Бошқалардан ортикроқ қўйишингиздан қўрқамен, ҳазратим! Қўрқамен!..

Катта малика, Жаҳонгир Мирзони ана шундай ардоқлаб, алоҳида меҳрга сазовор айлар эрдингиз, оқибатни кўрдингиз, демоқчи эди аслида, аммо ўзини тийди. Рост гапни, ҳар қанча аччик эса-да, Соҳибқирон сабр-тоқат билан эшита оларди. Малика ҳазратнинг бир қараашда замини бўш хаёлларга, рўёдай туюлган орзуларга бутун вужуди билан ишониб қолмасликларини, эҳтиёткорона ёндашишларини истарди, холос.

Амир Темур хаёлга чўмди ва кўп йиллар муқаддам Боги Чинор оқшомларидан бирида Жаҳонгир Мирзони эртароқ валиахд деб атаб, хатога йўл қўйганини, ортиқча эътибор қилганидан – балки, бу тўғри эмасдир! – кўз теккандай бўлганини ўзи Сароймулкхонимга айтгани эсига тушди.

– Бешак-шубҳа, бешак-шубҳа, Биби! –

Соҳибқироннинг чимирилган қуюқ қошлари бир-бирига туташиди. – Худонинг ўзи кечирсун! Ўзи асрасун! Фарзандларимнинг бари хосиятли! Бирини биридан зинхор устун қўймағаймен!..

Катта малика куллук бажо келтириди. “Максадга ўта қолай.. “- ўзини ўзи даъват этди у.

– Сизга сўйлағон эрдим... Ўшал ожиза...

– Нима дедилар?.. Ҳа, ҳа, шаҳзодам ёқтиргон ожиза...

– Сизга айтмағон эрдик...

Сароймулкхоним воқеани яширмай-нетмай гапириб бермоқчи, маслаҳат ва қўмак сўрамоқчи эди. Аммо шартта ўйлаган ўйидан қайтди: “Амир Соҳибқироннинг минглаб ташвишлари бор, шуни ҳам юк қилиб ўтирумайин, бу – биз хотинларнинг иши...”

Амир Темур нимадир демоқчи-ю, тортиниб айтолмаётган катта маликага қаради. Унинг катта-катта кўзларида балқиган меҳр нуридан Сароймулкхоним дадилланди:

– Амир Соҳибқирон, ўшал ожиза... ўшал ожиза... онаизори мусибатини кўтара олмай қаттиқ дардга чалинибдур... – усталик билан сўзни буриб юборди ерга тикилганча!

– Ҳай, афсус... Лекин ёш нарса тез соғайиб кетадур, ин-

шооллох!.. Құли енгил табибларга күрсатсунлар. Шаҳзо-дам буни эшитмадиларму? У куни бироз хаёли паришонроқ қўринди қўзимга.... Билмағонлари маъқул.

– Айтғонимиз йўқ, Амир Соҳибқирон! Билмайдурлар...

Сароймулхоним таъзим этди ва вазиятдан шубҳа-гумонларсиз чиқиб олганига ич-ичидан суюнди.

Форс ҳукмдори Шоҳ Мансурга қарши шиддатли жанглар шаҳзода Муҳаммад Султонни ростакамига чалғитди. Вақт ўтганини ҳам сезмади. Ичи сирга тўлиб кетганидан Искандар Зулкарнайнинг сартарошидай дардини кимга ёришни билмасди. Сартарош сирини айтгани одам тополмай, сахрога чиқиб: “Искандарнинг шохи бор! Искандарнинг шохи бор!” – деб қудукка ёрилган экан.

Шаҳзода Муҳаммад Султон ҳам бир қудук излаши керак, шекилли. Унинг сир айтадиган бир дўсти йўқ. Дўст бўлишни истаганлар бордур. Аммо валиаҳдга ҳамма ҳам яқин келолмайди, салобати босади.

Назариди, ўша бир ойлар аввал Қалъаи Сафид қамалида жасорат кўргизган Арғуншоҳ деган сипоҳ бошқача йигит. Қандайдир кўнглига ўтириб колди... Лекин, ажабо, уни ортиқ кўрмади, у жуда тортинчоқ, андишали эканми, доим ўзини четга олиб юради. Яқинроқ танишиши керак. Нимага шундай интилаётганига ўзи ҳам ҳайрон. Сипоҳлигига қарамай, аллақандай амирлардан, беклардан ортиқрок туюлади. Ҳатто, шаҳзоданинг фикрича, унинг билан сирдош ҳам бўлиш мумкиндай... Қолаверса, ўша Сафид қалъасидаги жасорати учун унга миннатдорчилик билдириб қўйиш ҳам керак, тош агар шаҳзода бошига тушганда, уни тепадан ерга қулатиши аниқ эди.

Шаҳзода бирон кун ўша сипоҳ билан Шероз жанубидаги хушманзара қир-адир аралаш яйловларга чиқиб айланаб келишни ўйлаб қўйди – уни фактат бир марта кўрган бўлса ҳам, қўзига иссик қўринди, негадир эскидан танишдай эди. Бироқ шаҳзода кўқкисдан Язд йўлида пайдо бўлган бузғунчиларни бартараф этгани Ҳумоюн ўрдудан фармон олди-ю. ўша ёкка жўнаб кетганидан ният ниятлигича колди.

Иккинчи мартасида Ирок юришига бағишлиланган оши-

ғич чақирилган машварат халал берди.

Ажабки, фурсат топилмасди. Шаҳзоданинг бошида ўн икки минг аскар ташвиши... Арғуншоҳ эса лашкарнинг ўнг қаноти – баранғорда ҳировул бўлинмасида сипоҳлик қиласи. Аслида, уни ўзига хос навкар этиб олиши керак, шекилли...

Тонг ғира-ширасида чодирдан чикқан шаҳзода, Улуг Амирнинг юз эллик қадамлар наридаги Потила тепалигида тикилган, атрофини ўн икки минг хос навкарлар ўраб ётган, маҳобатли яшил саропардасига қаради. Ҳамма уйқуда, фақат жануб, ғарб ва шимол томонларда тепаликларда қоровулларнинг ёнаётган гулханлари кўринар, шоҳходир олдида эгнига заррин кўк чопон ташлаган Амир Темур, одатicha, ёлғиз оҳиста кезиб юарди.

Бир парча ҳам булат йўқ осмоннинг фавқулодда мусаффо ва тозалиги илоҳий туйғулар уйғотиб, кўнгилни тўлиқтириб юборар, гўё бу ерда яқиндагинада аёвсиз жанглар ўтмагандай, тинч, осуда, шундай бепоён ва хушбахт оламни бандаларга насиб этганидан худога шукроналар айтарди киши...

Шаҳзода мулозимини нариги адирда жойлашган баранғордан сипоҳ Арғуншоҳни чақириб келишга юборди. Сайис аллақачон шаҳзоданинг оқ отини эгарлаб қўйган, топшириқ-қа кўра сипоҳ учун ҳам бир қора отни шайлаганди. Мұхаммад Султон сабрсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юар, тезроқ йўлга тушишни, хушманзара қир-адирларда Тангрининг шоҳидлигида ўз сирларини сипоҳга айта олиши мумкинлигини – нега айни шу сипоҳга, бунга ўзи ҳам таажжубда! – сезарди. Аслида, яқинларидан кўра, мутлақо бегона одамга сирларини очишни яхши кўриши, кўнгил ёзиб олиши бандаси табиатида бор нарса...

Кутилмагандан, Соҳибқиронга узоқда шаҳар ёқдан икки минг чоғлик олабайроқ оломоннинг ёприлиб келаётгани хабарини етказдилар. Ғизиллашиб югуриб қолган қоровуллардан бирининг овози шаҳзодага баралла эшитилди:

– Шерознинг улуғлари, содоту куззот, казо-казолар, хотин-халаж-у бола-бақралар Амир Соҳибқирон хузурларига келмоқдала-а-а-ар!

– Амир Соҳибқирон ҳузурларига келмоқда-а-а-р! – қичқирди иккинчи овоз.

– Келмоқда-а-а-лар!.. – бақирди учинчиси.

Ҳали момақалдироқ бошланмай, олислардан унинг шов-шуви қулоққа эшитилганидай оломоннинг суст сурони аста-секин кучайиб борарди.

– Шерозликлар биздан нима истайдурлар? – сўради Амир Темур саропардага шошилинч яқинлашаётган хондан. Султон Маҳмудхон: “Жавоб бер!” дегандай ортидаги вазири аъзам Муҳаммад Жалдга назар ташлади.

– Коровуллар хабар бердиларким, Шероз аҳли зор-у таваллога келмакда, Амир Соҳибқирон! – таъзим қилди вазири аъзам сўлқиллок ўнг қўлини кўксига қўйиб.

Шу палла тепаликнинг пастидаги қоровул навкарлар рўпарасида тўхтаган оломон ичидан: “Арзимиз бор！”, “Соҳибқиронга арзимиз бор！” деган овозлар қулоққа чалинди. Вазири аъзам саропардадан узоқлашди-да, тепаликнинг четида гувуллаган оломонга қараб турган Амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин баҳодирларга ишора қилди:

– Арзчиларга айтилсун! Вакиллари чорлансун!.

– Жойингизда тўхтангиз! Вакилларни юборингиз! Вакилларни!..

– Вакилларни юборингиз!!! – қўшилишди коровуллар ҳам.

Муҳаммад Султон Шайх Нуриддин баҳодирнинг йўғон овозини таниди. У сайисга беихтиёр: “Отни келтирингиз! “-деб қичқирди ва сипоҳни ҳам кутмай ўша ёқقا от бошини бурди.

Шероз улуғларидан ўттизтacha одам ажралиб чиқди ва навкарлар орасидан шоҳходир томон йўналди. Олдинда муаррих Фиёсиддин Али кўринди. Вакиллар йигирма қадамча нарида тўхтаб тиз чўқдилар ва Соҳибқирон ҳайъати томонга қараб саждага бош қўйиб таъзим бажо келтирдилар.

Вакиллардан бирига туришга ижозат берилди. Саропарда олдида издиҳомни жим кузатаётган Соҳибқирон ўсиқ кошларига битта-ярим оқ оралаган, юzlари япалоқ, барваста Фиёсиддин Алини таниди.

– Ҳазрати олийлари! Агар яна беш йил аввалгидек, музafferийлар юрт бошида қолсалар, боз адолатсизлик япроқ ёзгай! – деди Ғиёсиддин Али қошларини бир күтариб қўйиб. – Кулингиз ўшанда ҳам шубҳа-иштибоҳлар ичра мустағриқ<sup>1</sup> эрдим, аммо мўътабар даргоҳларида салобатлари босиб, бу ҳақда оғиз очмакка журъатим етмади... Самарқанди фирмавсмонандга борғонимда батафсил айтмакка фурсат тополмадим... Музafferийлар ягона мамлакатда ҳар бири ўз шаҳрида ўз номига танга зарб этдириб, хутба ўқутдилар, бир-бирларининг қони-ю номусига қасд килиб, тажовуз таҳликаларидан қутула олмадилар. Авомуннос эл, содот-у куззот, катта-ю кичик бизга ёлвориб, ҳузурларига таъзимга келишимизни ўтиндилар...

– Ҳакқаст рост! Музafferийлар элу юртни

хонавайрон этдилар! Низолардан гулбоғлар кул бўлди! Бутун нондай кишварни ҳар бири бутунича ютишга уриндилар, оқибатда парчасидан ҳам қуруқ қолишларини билмадилар!.. – деди Шероз қозикалони.

– Агар уларнинг жабр-зулм қўлларини халқ устидан қисқа айламасалар, эл-юрт вайрон, халқ ҳоли забун бўлғусидир! – кўшилди кимдир.

– Бошқа чора йўқ! Бошқа чора йўқ! Хонумонимизни куйдурдилар! Музafferийлар кирдикорларидан озурдамиз! Даф этилсун!

– Музafferийлар йўқолсун! Бизга тинчлик керак! Тинчлик! Тинчлик! – қабилида овозлар ёғилди.

– Амир Соҳибқирон, ҳимматингиз васфида тилимиз қисқа, хома<sup>2</sup> тўмтоқдур. – такаллуф қилди Шероз қозикалони. – Ҳазрати олийларига элчи юбориб мактуб йўллағон эрдик бир йил аввал. Дуруст англата олмадик, шекилли...

Ғиёсиддин Али, гуноҳкор бандадурман, дегандай бош эгди.

Орага бир неча лаҳзалик жимлик чўкди. Барча Амир Темур нима дер экан, дея илҳақ эди.

– Раҳматли Шоҳ Шужоъ, ўз вақтида ўғиллари Султон

<sup>1</sup> Мустағриқ (арабча) – ўйга толган, чўмган.

<sup>2</sup> Хома (форсча) – калам.

Зайналобиддин билан Мужоҳиддин Шиблини паноҳимизга олишни тилаб мактуб битғон эрди... – деди шошилмай Амир Темур. – Иккисининг ҳам кўзларига мил тортилғон, ожиз-у нотавондурлар. Самарқандга юборсунлар, деб буюрдик...

– Раҳм-у шафқатлари бекиёсдур! – дарров маъқуллади вазири аъзам Мухаммад Жалд.

“Бекиёс!”, “Бекиёс!” сўзлари тарапди.

Мухаммад Султон бобосининг раҳмдил ва бағрикенг эканлигини биларди, ҳозир буни яна бир бор кўрди. Кошкийди, дерди бобоси хос машваратларда, кимсани жазолашни ўйламасанг, арқонни узун ташласанг, ҳар кимга жазони худонинг ўзи берсун. Шахзоданинг негадир Соҳибқиронга ичи ачиди. Мухтарама волидаси Хонзода хоним ҳам ҳамиша отаси Жаҳонгир Мирзонинг шундай ҳолатларга тушганларидан кўп ҳикоя сўйлаганлар.

Амир Темур тинчиб қолган оломонга диққат билан тикилди:

– Ҳадиси шарифда шундай нодир ҳикмат бор экан: “Мен шундай худоманки, подшоҳлар подшоҳидурмен. Подшоҳлар дили, ҳатто ҳар бир туки ҳам қудратим сояси-дадур. Кимда-ким амримга бош эгса, унга подшоҳлар дилини меҳрибон қилғаймен. Кимки фармонимға қулок осмаса, подшоҳларнинг қаҳр-у ғазабига дучор этғаймен. Тавба қилингизлар, топинингизлар...” Кўрдингизму? Бас, жаҳон ҳалқига ошкор бўлсунким, одамлар ўз қилмиш-кирдикорлари учун жазоланғай, мусибат тортғай. Бу Оллоҳ таолонинг жорий айлағон суннатидур. Ким унга қарши бора олгай эркан? Қуръони каримда шундоқ битилмишдур: “Ман амила солиҳан фалинафсиҳи ва ман асоа фаалайҳо<sup>1</sup>...” Кимда-ким яхшилик қилса – ўзи учун қиладур, кимда-ким ёмонлик қилса – бу ҳам унинг ўзига қайтадур...” Халлоқи безаволга салламно!

Шундай паллаларда Соҳибқирон: “Худо, ғазаб отига минишдан асрагин! Асрагин!..” дер, ўзига ўзи тўзим тиларди.

У беихтиёр Султон Маҳмудхонга ўгирилди...

<sup>1</sup> Қуръони карим. Фуссилат сураси. 46-оят.

Турон хони тушунди: яратганинг айтган фурсатлари етибдур, музafferийларга жазо буюрилибдур, қандайлигини хон ўйламоги керак...

– Амир Соҳибқирон! – деди, отасига ўхшаб кетадиган, ўрта бўйли, қирқларга борган Султон Маҳмудхон ҳаяжондан юзлари қизарип. – Музafferийлар кирдикорлари бағоят таҳликалидурки, одамийлик шаънига асло тўғри келмас. Элчилар рост дерлар. Асли аввалги юриш даврида улуғ жазога мустаҳиқ эрдилар. Фармон ҳам хон қўлида эрди, аммо фақат ҳазратларининг олий ҳимматлари туфайлигина улар бошига бало тошлари ёғилмади... Ўзларини олам устуни деб ўйлағон музafferийлар эса ҳануз бебошвоқлик исканжасидан чиқа олмайдурлар...

– Фармонингизга мунтазирмиз, хон ҳазратлари! Барчасига жазо бермак лозимдур! – сўзга қўшилишга журъат этди акобирлардан бири.

– Жазо! Жазо! – ҳаприқди вазири аъзам Муҳаммад Жалд.

Султон Маҳмудхон Соҳибқиронга қаради: Амир Темур узокларга тикилганча соқолининг учини эзғилай бошлаганди.

Хон дадилланди:

– Турон хони сўзимиз: музafferийлар хонадонига мансуб барча маликларнинг катта-кичиги тутиб банди этилсун ва ясоққа етказилсун!

– Ясоққа етказилсун!!!

– Ясоққа! Ясоққа! Ясоққа-а-а-а!..

Охириги сўзлар пастда ғалаёнга шай турган оломон орасидан келарди<sup>1</sup>.

Ўша куни оқшомда Муҳаммад Султон дафтарига шундай ёзиб қўйди:

<sup>1</sup> Ясоққа етказилганлар ичida музafferийлардан – Язд волийси Шоҳ Яҳё ибн Шарафиддин (Шоҳ Мансурнинг акаси), икки ўғли Султон Муҳаммад ва Султон Жаҳонгирлар билан, Кирмондан Султон Аҳмад ибн амир Муборизиддин икки ўғли Султон Муҳаммад ва Султон Сулаймоншоҳ билан, Сиржондан Абу Исҳоқ, Султон Алоуддин ибн Шоҳ Шужоъ, Султон Фазанфар ибн Шоҳ Мансур, Султон Али ибн Муҳаммад, Шоҳ Боязидлар бор эди (Мужмали Фасихий).

“... Шоҳ Шужсоъ, Шоҳ Маҳмуд, Шоҳ Яҳё, Шоҳ Мансур... Қандай подиоҳлар эдилар! Музаффарийлар подиоҳлиги поёнига шошилди... Салтанат таназзул остонасига бош урди. Давлатдорликлар кунпаяқун бўлди, шон-у шавкатлардан ном-у нишон қолмади. Подиоҳ-у подиоҳзодалар шоҳона қасрларга қаноат айламай, ўзларини қабрларга урдилар. Осмон-у фалакларга етамен, деган мағрур бошлар ўзларини оёқлар остида забун ҳолда кўрдилар. Тахтни назар-писанд этмағонлар тобут таҳтасидан паноҳ тиладилар. Саркаш бўйинларга эгилмоқдин ўзга чора топилмади. Барчаси завол мартабасига миндилар, йўқлик чоҳига қуладилар... Бир рисолада шундоқ сўзларни ўқугон эрдим: “Бемеҳр дунёга меҳр қўймоқ на ҳожсат? Э, дод, меҳр қўйгон Искандари Зулқарнайн нима топди? Тупроқ кўчанинг дарчасиз кулбасига қўллари қуруқ қайтди-ку! Дунёга кўнгил бергон салжуқий подио Алл Арслон дунёсидан мосуво бўлди-ку! Чингизхон мулк-у молидан ажралди-ку!..” Ҳайхот! Оламда қандай салтанат борки, унинг манглайига охир-оқибат хорлик ва таназзул битилмагон бўлсун? Не учун кишилар беҳуда кибр-у гуурларга бериладурлар ва дайри дунга подонлик, ҳавойшилик ила боқадурлар?..”

## П

Шерозда музаффарийларга жазо берилаётган пайтда Амир Темур қўшинининг ҳировули аллақачон Шуштар ва Дизфул шаҳарларидан ўтган, Бағдод шарқида чодирлар тикиб, олачуқларни ёзиб улгурган эди.

Бир замонлар Халифа ал-Мансур бунёд қилиб, “Мадинат ас-салом” – Тинчлик шахри деб номласа ҳам, Бағдод мудом низо-ю жанжаллар, иддаолар, ўзаро кирғинбарот урушлар, бесаранжомликлар макони бўлиб келади. Соҳибқирон биринчи бор ташриф буюриши эса-да, ушбу узукка қўйилган кўздай Дажла соҳилига бежиримгина ярашиб тушган қадимий пойтаҳт, хусусан, Аббосийлар саройи, Зубайда мақбараси, мухташам жоме масжидлари ҳақида эшитган, баъзан дарёning баҳорларда тошадиган одати борлигини ҳам биларди.

Аср намозига хийла вақт бор эди. Амир Темур билан Мұхаммад Чуроға додхоҳ күхна Бобил тупроғида, узок-узоклардан Бағдод шаҳри кўринадиган баланд адирда, шоҳчодирнинг чап томонидаги нақшин – нигор сўрида сұхбатлашиб ўлтиришарди. Пастда шимолга чўзилган Шаҳризур шаҳри кўзга ташланади. Жануб тарафдаги кечагина кўкариб турган адир аралаш ерлар ёзниг жазира-масида сарғайиб, олатарақ тусга кира бошлаган.

Бундай холи сұхбатларда улар ўзларини Соҳибқирон-у мулозим эмас, балки қурдош дўстлар сифатида ҳис қилишар, бундан иккиси ҳам баҳра олар, яйради.

– Ана Бағдод, улуғвор шаҳар!.. – деб юборди Амир Темур узокларга тикилиб. Олдинда шукухли манзара касб этган Бағдод ястаниб ётарди. Чекка-чеккаларда қачонлардир Ҳулокухон қўшинлари томонидан вайронага айлантирилган бинолар ҳали кўзга ташланарди.

– Таажжубки, Ироқ ҳокими Султон Аҳмад жалойирга ҳали ҳам эс кирмабдур! – гижинибрөқ деди Амир Темур. – Чиндан ҳам арқонни узун деб ўйлайдур, шекилли, эркалик қиласидур... Ҳар қандай арқоннинг ҳам охири бор. Ахир аввалги сафар, одатимизга кўра, ҳиммат қилдук, иззатини ўрнига кўйдук, хуш сўз бирлан ҳузуримизга чорладук... Ўзинг шохиддурсен, Мамат. Келмади....

– Келмади ўшанда, Амир Соҳибқирон, келмади... – тасдиқлади Мұхаммад Чуроға додхоҳ.

– Кўргинки, тағин юборғон одамимиз қуруқ қайтибдур... Ақлли одам йиртиқларини кенгаймасдан аввал ямаб оладур...

– Машҳури замон шайхни элчиликка юборибдир-ку? Ҳар нечук, ушмундоқ аҳволда шайхнинг ташрифи ёмон қадам эрмас... – эътиroz билдириди Мұхаммад Чуроға додхоҳ.

– Ёмон эрмас, ёмон эрмас... – рози бўлди Амир Темур. – Аммо эгри кўнгилнинг найранглари эмасми бу? Улар дилидаги сирини пинҳон тутмақдалар, харакатлари эса сўзсиз ўзларини фош этадур... Бамисли қочиб, эски маҳсининг ичига яшириниб олғон айёр мушукдек: думи чиқиб қолғони

эсида йўқ, кўз олдингда: “Яшириниб олдим, қани топ-чи!”  
дэя думини ўйнатадур...

Мухаммад Чурога додҳоҳ сергакланди.

– Улар ҳайиқмайдурлар... Такрор Багдодга оёғига хат боғлаб кўкарчин йиборингиз!

– Йиборилди, Амир Соҳибқирон! Ҳатто қаптар қайтиб ҳам келди...

– Мақбул... – Амир Темур оғир тин олди. Уни гоҳида Ироқ билан Турон салтанати ўртасидаги чигал муаммолар мана шу муштдеккина оқ патли қаптарнинг сўнгги парвози билан ҳал бўлиши ҳам мумкинлиги ўйлантириди. – Жалойир инсоғ этагини тутар...

Шероздаги воқеалар Бағдод ҳокими Султон Аҳмад жалойирни жуда ташвишга солиб қўйди. Амир Темур уни ҳузурига чорлаб киши юборди, лекин у Шахризурга боришдан чўчиди. Унинг устига, Мосулдаги дўсти, қорақўюнлилар сардори Амир Қора Юсуфдан мактуб олди. У вазият нозиклигидан зорланиб, Румга Боязид Йилдирим ҳузурига отланаётганини айтибди. Бироз ваҳимачи эканини билса ҳам, унинг хати Султон Аҳмад жалойирнинг ўзи титраб турган юрагини баттар кўркув хисларига тўлдирди:

“... Темурланг ўз ҳузурига чақирмоғи аниқдур... Шубҳасиз, бу унинг алдоқчи одати, ҳийласидур. Музаффарийлар қисматига боқингиз! Кўз олдимизда юз бериб турибди-ку! Сабоқ эрмасму? Эсингизда борму, музаффарийларнинг энг шавкатлиси Шоҳ Шужсоъ Темурланга нома юбориб, ўзича дўст-ёр тутуниб, ҳатто қуда-қариндош ҳам бўлғон эрди. Оқибатда-чи? Улугидан ушогигача тигдан ўтказдилар, қудачилик ҳам иши бермади... Агар дунёдан умидлари бор бўлса, музаффарийлар куни бошга тушмасун десалар, жалойир жаноблари, қадам боса кўрмасунлар! Қарши қурол кўтмармак ўзингизга қурол кўтмармак ила баробардур. Кўриб-билиб, тўфонга ўзни урмоқ ақлсизликдур. Шоҳ Мансурни кўрдингиз-ку! Бас, чекиниш чорасини қилсунлар! Қочиш эрмас, чекиниш! Чекиниш!.. Ўзлари учун, фикримча, қулай ўйл – Миср соридур...”

Аммо фаросати ўткир Ироқ ҳокими қараб турмай, бир

ой олдин тўққиз-тўққиз пешкашлар қилиб, Амир Темур хузурига элчи жўнатганди. Фурсатдан ютиш, чалғитиши маъносида қўйилган бу қадам Соҳибқиронни алдай олмаслигини билса-да, ноумид – шайтон, деганларида иш тутди. Шу палла иккинчи кўкарчин хат олиб келди. Дарғазаб Султон Аҳмад жалойир, гўё ҳаммасига худди мана шу беозор куш айбордай уни қанотларини юлиб ташлаш учун, дарҳол тутишларини буюрди. Аммо жониворгина аллақачон учиб кетган экан...

– Шайх келтирган жами ҳадя-ю тансуқот, тўққиз-тўққиз пешкашларнинг бирортасига ҳам кўл урмасунлар, аксинча, Султон Аҳмад жалойир элчисининг ўзини сарполар билан сийлаб, ортига қайтариб юборсунлар, деб буюрдим, – деди Амир Темур.

– Амир Соҳибқирон, энг тўғриси ҳам шу эди ўзи, – маъқуллади додхоҳ, – ахир табаррук номлари намози жумада хутбага қўшиб ўқилиши, танга зарб қилдирилиши шарт, тансуқот шунга безак сифатида юборилиши лозимда...

– Расму русумга риоя этилмағонига назар сол! Султон Аҳмаднинг калласида ўз фикри йўқ. Бундай ҳолда икки оёққа қийин, киши ўзгалар ноғорасига ўйнайдур... Аввалги сафаримизда уни хузуримизга чорлағон эрдик, у эса майнабозчиликка бир ашъор юборибдур... Илон чақмайман, деб тилини чиқармоқда, аммо унинг заҳари тилида эрмас, тишидадур, буни эсда тутайлик!.. – ғазабланган Амир Темур сўридан пастга тушиб у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Осмоннинг фавқулодда тип-тиниқлиги ҳам унга татимади.

– Кимки, ниятимизни тўғри англаса, ўзига эрмас, юртига ҳам, элига ҳам, бизга ҳам нафи тегар эрди. Қайси юртга борсам, даставвал, куда-анда, қариндош бўлайлик, деб тилак билдирамен, чопар йўллаймен, қайта-қайта элчилар юборамен! Уруш бўлмасин дейман-да. Нима кераги урушнинг?.. Бизнинг бирорлар юртига муҳтоҷлигимиз йўқ, ўзимизнинг дунёга бергисиз гўзал юртимиз бор! Менинг юртимга етадурғон юрт қайда?.. Худонинг ўзи алқағон юрт! Халлоқи безаволга салламно! Бирорнинг мулки зинҳор мулклик

қилмайдур! Бизга, құдратимизни тан олиб, божини түлаб қўйса кифоядур, химоямизга киргайлар, эмин-эркин ҳаёт кечиргайлар. Менга обрў-эътибор керак, эҳтиром керак... Ҳа, дунёда уруш отини ўчиришга бел боғлагонмен, Мамат! Ажабо, бел боғлағон сарим уруш чиқадур, бу қандай сир-синоат?.. Наҳотки, қилич аралашмай қадам ташлаш мушкул бу оламда! Ҳа-а-а... Эсингда борму, Ҳирот малиги Ғиёсиддин Курт, унга ялинғондек кўп элчи жўнатдик. Келди, гуноҳидан ўтилди. Кейин Самарқандда қатл этилди, бунга ўзи айбдор: пинҳона фитналарини тўхтатмади...

– Феъли ўнгланишини сабр билан кутдингиз, Амир Соҳибқирон. – Муҳаммад Чуроға додҳоҳ бош тебратди. – Самарқандга келгандан кейин ҳам, Мубашири баҳодир тингчилари уни кўп бор ёзуқ устида тутдилар-да.

– Мана Гуржи султони Букротни қара...

– Саховатингизни кўрди.. Сояи давлатингизда эмин-эркин юрибдур. Худо пошшо эгам, деганлар...

– Арзинжон амири Тахуртан-чи? Ҳали биз бормай туриб, узроҳлик қилишга тиришадур. Чопарлар йўллайдур...

– Шубҳа йўқ, Амир Соҳибқирон! – гап қўшди Муҳаммад Чуроға додҳоҳ. – Садоқат-у ихлос этагидан маҳкам тутғон амирдур. Тангасида ҳам исмингизни ирод этибдур. “Банда ва хизматкор ва давлатҳоҳи Ҳазрат Амир Темур Кўрагондурмен!” дея мактуб юборибдур...

– Ҳа-ҳа, ихлос қиласидур, ихлос қиласидур. – тасдиқлади мамнун Соҳибқирон. – Ихлос – халос ахир...

– Тахуртangа ҳимматлари бирлан ҳукумат нишони буютиридилар, ол тамға бостиридилар, хусравона либослар лойик кўрдилар...

– Ёдимда, ёдимда... Ширвон султони Шайх Иброҳимчи, Дарбандий?... – давом этди Амир Темур ўйланганча. – Ул ҳам биз чопар юбормай ўзи ташриф буюрди. Кўп оқил йигит эркан. Чин турк ўғлони, иззат-у хурматдадир. Ўғлим дедим... Таги тоза, насаби Нўширвони Одилга бориб улана-дур. Олийқадр, номдор, қутлуғ хонадондан бўлғони сабаб, хушахлоқдур, подшоҳлар ичида ҳам мумтоз-у мукаррам...

Бундан етти йил аввал “тутинган ўғил” Тұхтамишхон Табризни босиб олганида, Қазвина турған Туран қүшини уни Дарбанд ортига қувиб юборди. Қочиб кетаётган Олтин Үрда лашкари Дарбандда Темир Қапуғ<sup>1</sup> оғзида түпланиб тиқилиб қолди.

Агар юқоридан қаралса, узунлиги беш чақирим атрофидаги энсиз дара худди ини бузилиб уймалашған минг-минг чумолиларни әслатарди – ҳаммаси уйига киришни истар, бири бирига халал берганидан бунинг иложи йўқ, бақириқ-чақириқ, бирор бирорга кулок солмас, ит эгасини танимас, нақ қиёмат қойимнинг ўзи эди. Дарвозага энг аввал Тұхтамишхон ўзини урди... Ширвон султони Шайх Иброҳим тоғ тепасидан бунинг барини кузатиб туарди. “Олтин Үрда каби қудратли мамлакат хоқонини танг аҳволга солған қўшинга ким teng кела олади?” – деган ўй хаёлидан кечди унинг.

Шайх Иброҳим йигирма саккиз-ўттизларга борган, за-бардаст йигит эди, катта-катта кўзлари, бир-бирига туташған қоп-кора қошлари кўркига кўрк қўшар, калта қалин қора соқоли юзларига яна ҳам окроқ тус берарди. Соҳибқирон яқинлашаётганидан қаттиқ ташвишга тушиб, яқин маслаҳат-гўйи, қози ул-куззот Абу Язидни хузурига чақирирди.

– Туран салтанатини тан олайинму, ёки Дарбандни мустаҳкамлаб уруш санжоғини кўтарайинму? Ёки қочайинму?.. – дабдурустдан сўради султон қозидан.

– Тұхтамишхондай подшо қочиб қолди-ку!.. Қочмок керак, султоним! – деб юборди кутилмаган саволдан ҳангманг Абу Язид, гавдаси йирик, қўллари узун, юзининг ярмини қуюқ мошибиринч соқол эгаллаган эллик ёшлардаги шижоатли киши. – Бизга худои таоло дунёning устуни бўлган тоғларни берган. Баланд тоққа чекиниб, қўрғон тикиб олгаймиз! Бандасини чиқишга қурби етмайдур! Темир Қапуғни маҳкам тутсак кифоя! Бу ёғи – тог, у ёғи – денгиз...

Унинг сўзлари Шайх Иброҳимга ёқмади:

– Бу макбул қадам эрмас! Ўзим жонимни саклаб авомуннос элни, ёш-у кари раиятни бало-офатлар домига

<sup>1</sup> Темир Қапуғ – Темир дарвоза.

ташласам, худога не деб жавоб қылғайман? Ким ёнимни ола оладур? Фалакиктидор<sup>1</sup> ғанимга қарши мүкотал бошлаб эса ғолиб чиқолмасман, бу кундай равшандур...

Абу Язид индамади.

– Кўп ўйладим... ўйладим... Амир Темурга бориб амрига бўйсуниб, қуллук этаман... – деди кутилмаганда Шайх Иброҳим. – Аминманки, у мартабамни тортиб олмайдур, улуғ подшоҳда эзгулик фазилатлари, олийжаноблик хислатлари бисёр, деб эшитганман. Тўхтамишхонни ҳам кўп сийлаганлар... Борди-ю, мени ўлдирса, унга ҳам розиман, ўлимим раиятни қатли омдан, юртни талон-торождан саклаб қоладур...

Қози ул-куззот шоша-пиша деди:

– Султоним!.. Султоним... Ҳали ёшсиз, салтанат курганингизга эндиғина ўн йил бўлди. Бу қандок сўзки... Ўзингизни ёниб турган ўтга уриб...

Шайх Иброҳим қозини гапиришга қўймади ва муҳрдорни чакириб буюрди:

– Фармонимни еткурингиз: лашкарни тарқатсунлар, ҳар ким ўз вилоятига борсун, тоғлик – тоққа, қўллик – кўлга, шаҳарлик – шаҳарга... Ҳар ким шаҳрини зеб-у зийнат ила безасун, кўркам кийинсун, хотиржам ўзгалар билан ширин муомала қилсун... Минбарларда Соҳибқирон исми билан хутба ўқитилсун, динор-у дирҳамлар зарб этилсун!..

Орага жимлик чўқди. Қози ул-куззот ҳайратда лол, султоннинг қатъий қарорига бирон эътиroz билдиришга ботинолмас, фақат ерга қараб пичирлаганча: “Мошолло... Мошолло...” дерди, холос. Унинг даҳшатли ёвга нисбатан қандай йўл тутиш ҳакида ўз фикри бор, ичиди султонни катта хатога йўл кўяётириб, деб ҳисобларди.

–... Ноз-неъматлар йигилсун, нодир-у ноёб, қимматбаҳо ашёлардан, тансик ҳадя-ю тухфалардан, хурилиқо канизаклардан, учқур отлардан тўққиз-тўққиз тухфалар тайёрлансун! Фақат куллардан саккиста олинсун! – янгради султоннинг хотиржам овози.

Абу Язид Шайх Иброҳим ҳаракатлари каттиқ хавф ол-

<sup>1</sup> Фалакиктидор – фалакдай катта ёки фалакдай кенг кўламли.

дида каловланиб ўзини йўқотиб қўйган одамнинг пала-партиш қадами эмас, балки узоқни ўйлаб иш кўрган зукко инсоннинг қатъий азм-у қарори эканига ишона бошлади.

– Соҳибқирон Амир Темурга ҳадя-ю тухфаларни бирга инъом этгаймиз, қози ул-қуззот жаноблари! Шайлансунлар!

– Фармонингизни қабул айларман, султон ҳазрати олийлари! Айтган сўзингиз биз учун отилган ўқдур! Филҳақ биздан кўра ўзларига олислар тиникроқ кўринур! Каминада ҳам шундай таклиф бор эрди ўзи... Оллоҳга шукрки, муддаомиз бир чиқди! – деди Абу Язид сира иккиланганини билдирамай.

Амир Темур билан Шайх Иброҳим учрашуви Табриз-нинг Давлатхона ҳовлисида юз берди. Соҳибқирон кўнглига қандайдир илиқлик юрганини сезди, Шайх Иброҳимга қараб, ҳатто таҳтдан тушиб пешвоз юрди. Бу камдан кам учрайдиган ҳодиса эди. Муҳаммад Чуроға додҳоҳ Тўхтамиш ўғлон илк бор ташриф буюрганда Кўксаройда шундай ҳол кечганини эслади.

– Соҳибқирон ҳазрати олийлари! – таъзим қиларкан, Шайх Иброҳим ёнидан тангалар олиб Амир Темурга тутди.

– Муборак номлари ила Шамоҳада зарб қилдурдум. Кўп ўрнида кўрсунлар...

Кумуш тангалар тўққизта эди. Соҳибқирон шошилмай тангалардан бирини олиб томоша қила бошлади. Юзида: “Ло илаҳа илаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ” калимаси ёзилган, тўрт бурчагида эса чорёларнинг исмлари кўринарди. Орқа томонига қараганди, чиройли нақшланган: “Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон халладаоллоҳу мулкуху ва султонху” сўзларига кўзи тушди. Турон султонининг кўнгли ёришгандай бўлди, аммо индамади.

Аъёнлар кўз ўнгига қози ул-қуззот Абу Язид Ширвон султонининг йигирма хачирга ортилган тухфаларини топширишга киришди.

Одатда, армуғонларни Соҳибқироннинг ўзи назардан ўтказиб оларди. Амир Темур шундай совғалар билан келгандарига жуда мамнун бўларди. Совға эмас, у – катта ҳурматнинг белгиси, аломати. Ўша совғадан ҳам кимсанинг

хурмат-у иззат даражаси, самимий ёки сохани аён билинади, дерди Соҳибқирон.

Тилла ва фил сүяклари ишлатилган чинорий сандиклар, гуллари лов-лов ёнган эроний гиламлар, мамлакатнинг бир йиллик хирожига teng олтин узуклар, кўзи Яман ақиқидан ишланган тилла балдоқлар бир томонда... Бу ёқда Сарандиб маржонлари, Московиядан олинган шоҳона пўстинлар, зардўзи тўнлар, кимхоб лиbosлар, занданача матодан тикилган кўйлаклар, хачирлар, йўрга отлар, нақшланган эгар-у узангилар... Ҳар бир совгадан, қадимий турк одати бўйича, тўккиз сидрадан тайёрланганди. Ора-орада: “Аҳсан! Аҳсан!”, “Бебаҳо!”, деган оғарин сўзлари янграбди.

Амир Темур тухфаларга бепарвороқ қаради, аммо саманларни олиб кирганларида, ўридан туриб отларга яқинлашди, бўйниларига уриб-уриб, сағриларини силар экан: “Ғўононлар экан-да, ғўононлар... яхши!”, деб кўйди.

Отлардан бири, дуторбўйин араби саман Соҳибқирон томонга қараб, худди эркалангандай гувраниб кишинаб юборди. Бунга дикқат қилган Амир Темур хос сайисга буюрди:

– Тўдадан чиқар-чи, унда бир хосият бор! Кўриниб турибди, у хоса тулпор, зотдор от...

– Бош устига, Амир Соҳибқирон! – сайис дарҳол саман ёнига яқинлашди.

– Отни зотдор эканини билиш учун айрим жиҳатларга боқмоқ жоиздир. – деди Соҳибқирон аъёнларга қараб. Унинг от ҳақида сўз борса, кўнгли бўшлиги сезилиб қоларди. – Аввало, отнинг бўйни узун бўлади. Танасининг айрим жойлари гоҳ оҳуга, гоҳ тозига, гоҳ кийикка, туйқуш, товушқон<sup>1</sup>, тая, бўри, тулкига ўхшайди. Оҳуга ўхшашлиги – болдири сүякларининг узунлиги, пайларининг чайир ва бақувватлиги, сағрисининг бўлиқлиги, кўзларининг катта-катталиги ва қоралиги. Жағининг кенг, ўмганининг кучли, тилининг эса узунлиги – тозидан, түёкларининг нозиклиги – товушқондан, чопоғонлиги – бўридан, йўргалиги – тулкидан...

<sup>1</sup> Товушқон – қуён.

Ҳамма саманга қарап, Соҳибқирон айтган хислатларни топишга уринарди.

– Саманда бир хислат бор. Қани, сув олиб келингиз! – буюрди Соҳибқирон.

Дарҳол бир тоғорада лиммо-лим сув келтирдилар. Амир Темур давом этди:

– Боқингиз! Тиззасини букмай сув ичиши, насли тозалиги аломатидур.

От тоғорага яқинлашди ва тиз букмай бемалол сув ича бошлади! Ҳамма Соҳибқироннинг синчил<sup>1</sup> эканлигига дикқат қилди. “Хонўглонга ўхшар экан...” – деди ичида маъюс Амир Темур. Саманни сайисга топшираркан, алоҳида назоратда тутиб туришни тайинлади.

Шайх Иброҳим қўл қовуштирганча, тухфаларни Соҳибқирон қандай қабул этаётганини зимдан кузатар, совғалар ёқаётганидан кувонар, айниқса Соҳибқирони муаззамга саман хуш келганидан мамнун эканини яширишга юзида кучсиз уриниш сезиларди. Абу Язид ҳурилиқо канизакларни назардан ўтказдиргач, қулларни намойишга чорлади.

Қуллар саккизталигини кўрган Амир Темурнинг куюқ қошлари чимирилди:

– Нега удум бузилди? Тўққизинчиси қани?..

Абу Язид: “Энди нима бўлади?” дегандай ташвишда Шайх Иброҳимга қаради! У Дарбандда эканларидаёқ, қулларнинг битта камлигини билганди-я, нечундир сабабини сўрамаганди. Лекин шу палла Дарбанд сultonининг топқирлигига тан берди! Шайх Иброҳим қўлини қовуштириб, тиз чўқди: – Тўққизинчи қул қани, деб сўрадилар, Соҳибқирон ҳазратлари! Тўққизинчиси... мана қаршиларида турибди. Тўққизинчи қулингиз ўзимдурмен... Қабул айласунлар!

– Мошолло!

– Зукколикни кўрингиз! – Муҳаммад Чуроға додхонинг ҳайрат сўзлари эшитилди.

Амир Темур бироз тикилди-да, кейин:

<sup>1</sup> Синчил – синчков.

– Иўқ, асло! Сен қул эрмас, қуллар бошқа ерларда юрадилар, сен менинг ўғлимдурсен, ўғлим! Ўрнингдан тур!  
– деб юборди фавқулодда кўнгли жўшиб. – Ширвонда менинг халифамсен, эътимодли фарзандимсен! Бутун Озарбайжон мулки сенинг тасарруфингга берилур! Сарпо келтирилсун!

Бу воқеа бутун салтанатга ёйилди...

– Шайх Иброҳим каби оқиллар кам, Амир Соҳибқирон! Таги тоза, насаби улут... Султон Аҳмад жалойирнинг отаси Султон Увайсни ҳам золим ўтган дейдилар. Қазисан, қартасан, асли наслингга тортасан, деганлар-ку...

Соҳибқирон индамади.

– Элчиси кайтгач, – давом этди Мұхаммад Чуроға доддоҳ Соҳибқирон кўнглидаги ғашликни юмшатиш ниятида, – ўйлаб қолади, албатта... Ўйлаб қолади. Ўзи бош уриб келадур, келадур Султон Аҳмад! Босиб келаётган селга қарши турмок, ғазабланган шерга панжа урмок оқилнинг иши эрмас, дейдилар. Салобатли тоққа қарши кум, кумнинг ҳам бир гардгинаси, ҳеч нарса қилолмаслиги аён-ку ахир! Жужукнинг ҳам бунга ақли етадур.

– Кум, дейсанму? Кум эмиш... Йў-ў-к, Султон Аҳмад кум эмас, юргонда йўлни мушкуллаштирадурғон, тогнинг бағрига сифмай ситилиб чиқиб кетғон чақир киррали тош... Уни жойида эзиб янчиб ташлаш керак...

Султон Аҳмад жалойирдан хабар кутиб туришарди, аммо унинг эмас, Бағдоддан Мироншоҳ Мирзонинг чопари этди. Қаттиқ савашишдан кейин жалойир амирзода қўшинига талофатлар етказиб, тунда кўч-кўронини йиғиштириб, Ҳилла<sup>1</sup> томон чекинибди. Шу паллалар Фурот дарёси соҳилларида эмиш...

Амир Темурнинг кўли иягига чўзилди:

– Кўшинга талофат етказишлиқ, шунга йўл қўйишлиқ азбаройи нўноклик алматидур. Бу нарса Мироншоҳ Мирзода бор. Афсус... Султон Аҳмад жалойир тағин думини хода килиб қочибдирум? Яхшилик килмакчи эрсанг-у, кадрига

<sup>1</sup> Ҳилла – Ирокнинг тарихий шаҳри.

етмасалар, гуноҳлари ўз бўйнидадур!.. Занжирини ечай, бушатиб юборай, деб узатилган қўлни тишлайдурғон махлук, кўпрак-да! Худонинг ўзи шоҳид, яхшига яхшидурмен, ёмонга – ёмон... Фақат яна қон тўкиладур, яна бузгунчига қўшилиб бегуноҳлар нобуд бўладур. Шундоқ экан-да. Бот-бот эсимга Ҳадид сураси тушадур...

– Китоб, тарозу ва темир, демакчисиз... – эслатди доддоҳ.

– Ҳа, ҳа.... Ҳаллоқи безаволга салламно! Пири муршид ҳам кўп марта таърифлаб берғонлар. Парвардигорнинг юборғон пайғамбарлари даставвал кишиларни китобга суяниб, самовий оятлар-у руҳоний далолатлар билан Оллоҳнинг итоатига даъват айлайдурлар. Барча қилмиш-у кирдикорларни тарозига солиб, ҳисобини оладурлар. Наф келтирмаса, темирдан ёрдам сўраладур, қилич яланғочланадур... Раҳматли Амир Жоку барлос айтғон эрдики, малҳам фойда бермаса, ярага тиғ урилғай эрмиш...

– Урилгай, урилгай... Исфаҳондаги каби... Сабзавордаги каби... Худо пошшо эгам, деганлар.

– Тағин Исфаҳон-у Сабзавор воқеасини айтасен-а... Менинг мақсудим недир ўзи? Агар тинчгина юртимда юрсам, бир корним тўймай қоладурму? Мақсудим – авомуннос эл тинч яшасун, ўзини баҳтиёр сезсун, факат юрт эрмас, дунё обод бўлсун, деймен... – Амир Темур, чалғиши учунми, майдоннинг четига бориб олдинда ястаниб ётган Шахризурга беихтиёр назар ташлади. Шаҳарнинг қок ўртасидан кесиб жанубдан шимолга қараб ўтадиган, охири бориб ям-яшил адирлар оша юқорилаб осмонга чиқиб кетаётгандай кўринган йўл ҳайратланарли даражада адил ва ўқдай тўғри эди.

“Салтанат йўли шундай адил, тўғри бўлмоғи керак! Нечоғлик тўғри экан-а! – кутилмаганда хаёлидан кечди Соҳибқироннинг. – Лекин шу йўлда юрғонларнинг қалби, кўнгиллари ҳам тўғримикин?.. Асли қалб аталгувчи нарса санобар баргидеккина бир парча этдур, холос, аммо у Ҳақ субҳонаҳу ва таоло зикри бирлан банд бўлса оламдек кенглиқка етишгай... Ана инсоннинг қалби! Шунга йўллағонингга шукр. Салтанат, миллат иши деб куйиб-ёнасен...

Аммо ёнингга кириб ёнгувчи оташин қалблар кам... Сен ўйлағондек ўйламайдурлар. Салтанат мулкига кўз олайтурғувчилар бор. Ёлғиз ўзи учун дунёга келгон, нафсиға қарши эрмас, нафсини ёқлаб қилич кўтарғонлар... Ришваҳўрлар, талончилар, ўғрилар, хоинлар... Икки қўлини кессанг тили билан пора олғайлар..."

– Ҳа, Амир Соҳибқирон, мақсадлари улуғдир, биламан, барчасини биламан... – бош тебратди Муҳаммад Чурога додхоҳ.

– Жанг-у муҳорабаларга қарши эканимни билармусен? Ахир давлат ишларининг тўқиз улушкини кенгашга қўйғонмен-ку, бутун олам билади, бир улushi қиличга қолгон, холос... Чорасизлиғимдин қиличга суюнурмен. Ҳа-ҳа, яширмаймен, суюнурмен! Ўзга иложини тополмайдурмен! Уруш уруш экан, ўз оти билан... Кимсани тан олмайдурғон русумлари бор экан. Саркардадан майдонда энг биринчи сўраладиган нарса жасорат, ботирлик. Аммо саркардани саркарда деб ҳисоблаш учун биргина жасорат кифоя эрмас. Унинг қалбида қаҳр-у ғазабга ҳам жой топилмоғи шарт. Шарт будурки, қаҳр-у ғазабни вақтида жиловлай ололсун. На чораки, ҳамма нарса ҳам бандасининг измида эрмас. Шу ёшга кириб англаб етдимки, одамлар яхши гапни тушунишлари мушкул, уларни умид ва кўркув орасида тутмак шарт! Кўрқитмасанг, кўрқитадилар... улардан кўрқулик...

Амир Темур бироз ўйланди-да, кейин давом этди:

– Аммо мен саркарда эмас, Турон султонимен, султон! Майдон сохиби эмас, мамлакат сохибимен! Вайрон қилғувчи эмас, обод этғувчимен!

Муҳаммад Чурога додхоҳ Амир Темурда фавқулодда сўзлаш ҳавоси баландлигини кўрди. Бундай танҳо сухбатларга жанг-у жадаллар, сафарлар, салтанат юмушлари-ю ташвишлар орасида жуда кам вақт топиларди.

– Исфаҳон воқеасидан дилинг кўп озурда

юрдинг, Мамат. Сезамен... Ўзим-чи, ўзим? Ўзим ҳам шундок ҳолатдамен. Бандаси хатога йўл қўйдум, ўтди-кетди, деган хомхаёлга борадур. Йўқ, ҳеч қачон, ҳеч нарса унугилмайдур. Исфаҳон воқеаси эсимдан чиқғони йўқ... Хатога йўл

кўйдим, тан оламен. Хатойим шулки, исфаҳонликлар лафзи-га ишондим, бандасига ишондим. Ҳа-а... ишондим. Ҳали келажакда Амир Темур қон тўқди, каллалардан минора қўпарди, шаҳарларни бузди деб маломат сангларини отгувчиликлар ҳам топилса керак... Бунга ҳайрои қолмаймен. Тонгла қиёматда халлоқи безавол олдида жавоб бермагим бор, шу эсимдан чиқмаса бас... Мени ҳам тушунишларини истардим, холос...

Амир Темур оҳиста чап томондаги заррин тўшаклар солинган нақшиннигор сўрига бориб ўтирди.

– Жоним сизга курбон, Амир Соҳибқирон! Тушунаман... яхши тушунаман, эй, Амири муazzам!.. Тушунаман... – ўз фикрини изхор этди Мұхаммад Чуроға доддоҳ. – Сиз ҳамиша донгил йўлда адолат билан қадам ташламоқни истайсиз, аммо қадамингиз тушаётган бу ер – тошли, ўрчақир, нотекис, одамнинг оёғини синдирадур... Сиз Туронгина эмас, балки бутун дунёда худонинг бандаси баҳтли яшасун, дейсиз, бироқ бадбаҳт замон қонунлари бунга йўл бермайдур, сиз бунёд айлашни хоҳлайсиз, лекин зинҳор қўймаслар, аксинча вайрон қилмакка мажбур этгайлар...

Мұхаммад Чуроға доддоҳнинг қўнглида: “Э, бу дунё бедаво-ку, шуни ҳам билмайдиларму?..” деган маъно яшринган эди.

– Шундок... Биламен... Мен сенга айтсан, Мамат, ёмон хулқ, иллат-у гуноҳлар бандасининг қисмати эмас, балки унинг учун юборилғон бир синов экан. Худойи таоло бандаларга икки йўлни кўрсатадур, бандаси ёки хайрлик, эгилик ишларга қўл уриб савоб-у ажрларга мұяссар бўладур, бари қиёматда ҳисобга олинадур ёки қабоҳатга юз тутиб гуноҳга ботиб худонинг қаҳрига учрайдир...

– Аммо парвардигор бандаларга фақат хайрли, эзгу ишларнигина буюргай, камолот даражасига чиқишига даъват этгай, ғайри шаръий қадамлар қўйиш эса банданинг ўзидан, Амир Соҳибқирон, банданинг ўзидан!..

– Рост айтасен, агар мардум тўғри йўлдан юриб, шариатнинг амри-фармонларига риоя килса, олам осойишталиқ либосига чулғангай, жумла жаҳон фароғат уйқусида

ётгай... Борди-ю эл-улус йўлдан озса, шариат ахкомларини инкор айласа, димоғини ноўрин ғуур, кибр-у ҳаво шиширса, ёмонлиқларга ўзини урса, ундейларни ўз ёмонлиқларига тобшурмак керакдур. Тангри таоло шундайларни жазоламакни, тўғри йўлга солмакни, бу бекарор дунёни идора этмакни подшоҳлар дилига жо айлагай. Дунё эса бир нозанин келинчак, карашмали ҳурилиқо, ишвакор, дилдор, маккор, ҳар оқшом янги хуштор оғушига ўзин отадур. Қучоғингда шакаргуфторлик айлаб туриб, ўзгага дил берадур... Оҳ, бу дунё! Дунё!.. Шундоқ... Бекарор дунёнинг ҳам ҳеч қарори бормикин?

Соҳибқирон бир хўрсиниб кўйди-да, узокларга тикилди. Жануб ёқда хушманзара тоғ ёнбағрида икки нарса унинг диққатини ўзига тортди. Бири – шамолда чайқалиб ястаниб ётган хурмозор боғлар... Уч йил аввал Самарқанддан чиқаверишда Тахти Қорача йўлидаги Боғи Давлатободда хурмо кўчатларидан экдирди, бу йил ҳосилга кириши керак... Ҳар ўтганда тог тепасида тўхтаб, томоша килишни ёқтиради. Яхши мева бердимикин? Богбонга тайинлаган, агар кўнгилдагидек чиқмаса, улар ўрнига бошқа мевали дараҳтларни мўлжаллаб қўйишни уқтирган...

Хурмозорлардан куйида биланглаб оқаётган Дажла дарёси бўйида қачондир қурилиши бошланган-у, битмай колган каттагина қаср кўзга ташланди. Аркнинг пештоғи тикланган, аммо усти ёпилмаган... Шу заҳотиёқ Кешда бунёд этилаётган Оқсарой эсига тушди. У ҳам бошланган, ҳали битгани йўқ. Қурилиш қандай аҳволда экан? Амир Сайфиддин некўз назарида экани уни бироз хотиржам қиласди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳам унинг ёнида. Ўн икки йилдирки, машҳури замон меъмор Уста Хоразмий Оқсаройни тиклаш ишлари билан банд... Муҳаммад Юсуф Табризий ҳам бирга. Ҳозир сарой атрофлари очилиб чиройли бўлиб кетгандир. Кошкийди, ҳозироқ Оқсарой қурилишини бориб кўрса!..

– Йўқ! – деб юборди Амир Темур. – Мамат! Билсунларким, мен қатл-у горат учун дунёга келғоним йўқ. Одамларнинг жонини худо беради, худонинг ўзи олади. Нега мен

шундай нохуш қадамлар босишига мажбурмен? Эй, азиз авлийёлар, буни англатиб берингиз! Эй, пири муршид, буни тушунтириб берингиз!.. Ҳар сафар елкамга садокни осиб, кўлга ёй тутғондан бошлаб майдонга тушсан, ўзимдан кечамен, қонимни тўкилғон, бошимни кесилғон санаймен!..

– Ох, ох, ох!.. Ундоқ демасунлар! Жоним сизга курбон, Амир Соҳибқирон!.. – зорланди Муҳаммад Чуроға додхоҳ, – Умрингиз узоқ бўлсун! Худонинг ўзи сақласун!

Унинг назарида, Соҳибқирон фоний дунё жумбокларига жавоблар излар, ортга боқиб, босиб ўтилган қадамларни ўзича сарҳисоб айлаб хайрлисига ҳам, ножӯясига ҳам таскин берарли сабаблар топар, кўнглини хотиржам этишга тиришарди. Лекин бу уринишлар замирида, қанчалар шаъншавкат-у шукуҳга, куч-қудратга эга бўлмасин, барибир, бандасининг дasti қисқалигини, унинг ёлғиз банда эканини инкор қилиш қийин, деган ҳақиқат ётишини Соҳибқирон ҳам, додхоҳ ҳам ўз-ўзича фаҳмлардилар.

– Буни фақат бирубор Тангри биладур, бандаси англашдан ожиз, Амир Соҳибқирон! Худо пошшо эгам, деганлар...

– Муҳаммад Чуроға додхоҳ Соҳибқиронни чалғитишга уринди. – Иншоллоҳ, шундоқ.. Аммо бир нарса мени жуда ҳайратга соладур. Ҳазрат Оллоҳнинг жамоли-ю жалолини ўзида намоён айлагувчи, коинотнинг тожи деб ҳисоблангувчи халифа, инсон зоти шу қадар ожизмидурки, гуноҳкормидурки, худонинг қаҳр-у ғазабига қолгай?

Амир Темур ялт этиб додхоҳга қаради.

– Не тилайдурсен, Мамат? Авомуннос эл мендин не тилайдур? – ўпкалагандек оҳангда деди Амир Темур додхонинг гапини ўзига олиб. – Биламен, бандай ожиз бесабр хилқатдур, факат оқибатга қараб хулоса чикарадур, ҳеч қачон сабабини қидириб ўлтирумайдур... Афсус. Пайғамбар эмасмен, деб сенга айтғон эрдим, шекилли! Мен ҳам бир бандадурмен, билдингму?.. Не-не мамлакатларни тасхир этғон эрсам ҳам, дasti узун, қудрати чексиз, аммо ўз фарзандини баҳтли қила олишга қурби келмағон бир шўрликмен, холос! Шўрликмен! Билдингму? Худонинг бир ногирон-у афтода бандаси!..

– Амир Соҳибқирон... Нечун шўрлик экансиз? Бундоқ дейишингиз Оллоҳни ранжитиш ила баробардур...

– Нималар деяпсен? Оллоҳни ранжитишдан ўзи асрасун! Шукр, минг бор шукр... Эй, Мамат! Менинг ожиз-у нотавонлигимга қара, умр бўйи жисм-у жоним озурда, аъзоси ногиронмен. Жаҳоннинг илгидан тутай десам, кўл йўқ, дунёнинг тагига етай десам, чопмоққа оёқ қани? Агар ўзими ни ёлғиз қолдирсалар, жоним азобларга гирифтор бўладур, дардманд, кимсанинг ёрдамига таянган эҳтиёжманд бир одаммен, холос. Бир ашъор ҳам битибдурлар-ку:

*Яримжон киши, ажаб, жаҳон мулкига соҳиб!  
Кўзинг оч! Худойимнинг қудратини кўр, бокиб:  
Оёги йўқ ва лекин таҳт оёғи остида,  
Қўли йўқ, аммо очун узугида, дастида...*

Бу ҳикматни кўргилки, парвардигор қандоқ қилиб жумла жаҳонни, ўз бандаларини қошимда ҳозир-у муҳайё этди? Турфа мамлакатларни фармоним қабзасига киритди, не-не гарданкаш паҳлавонларнинг, мана мен деган ҳукмдорларнинг бошларини ҳузуримда ҳам, қўлимни узун, ногирон оёғимни чопқир қилди, нотавон бандасини азизу мукаррам айлади?.. Халлоқи безаволга салламно! Мен шўрлик, нотавон бир банда шундоғ мартабага қандай қилиб муносиб кўрилдим? Ушмундоқ сир-синоатга ақлим етмай қийналамен... қийналамен... ох, қийналамен!...

– Бари ҳеч кимга муҳтоҷлиги йўқ, азалий ва абадий, қаҳри қаттиғ-у кечиримли зот, оламларни яратғон эгамнинг ишидур, эгамнинг инояти, муруввати, карамидур, Амир Соҳибқирон! Бунга шак келтириб бўладирму?.. – юпатгандай деди мулозим.

Амир Темур шу топда Тангри улуғлигининг нақадар бесарҳад-у теранлигини, ниҳояси йўқлигини, дунёни титраби турган ўзининг эса унинг олдида зарранинг зарра-часидан ҳам кичик эканини туйди-ю, тўлиққан дили ҳаприқди...

– Оллоҳим! Оллоҳим!.. Бандангни кечиргил!

Кечиргил!... – илтижо айлади Амир Темур аллақандай

таважжуҳда...

Мұхаммад Чуроға доддоҳ эслади: беш йил аввал Самарқандда Боғи Биҳишт меҳмонхонасида ҳам худди шундай воқеа юз берганди. Иккиси танҳо сұхбат қуришди, ўшанда ҳам, Соҳибқирон ожиз-у нотавон ҳолатда дунёдан, одамлардан нолиб гапирдилар. Ўшанда ҳам, ҳозиргидек қаршисида қақшатғич зарбалар билан душманлар юрагини зириллатган саркарда эмас, худонинг ожиз бандаси турганди. Кейин Хоразмга юриш хақида фармон берди. Мұхаммад Чуроға доддоҳ ўша Соҳибқирон билан ҳозирги Соҳибқирон ўртасида фарқ борлигини сезди... Амир Темур ҳозир ўшандагидан кўра-да ожизрок туюлди. Қандайдир сўзларида ҳам шиддат йўқ...

Бирдан доддоҳнинг вужуди титраб кетди! Наҳотки?.. Наҳотки, дунёни бир қайириб қўйган Соҳибқирондай улуғ зот кексаликни бўйнига олаётган эсалар?.. Салкам олтмиш... Дейдиларки, охират яқинлашган сари, кўнгиллар юмшаб, зукколик, донишмандлик фазилатлари безаб борар эмиш кишини...

Аввалги сафар Амир Темур дарҳол ўзини ўнглаганди. Ҳозир эса бошқача кечди. Ниятлари амалга ошавермаганиданми, афсус-надоматми ё қўнгил бўшлигими – узокузокларга тикилганча хийла жим қолди. Султон Аҳмаддан яхши жавоб келса, салтанатимизни тан олса, Бағдодни ўзига топшириб тезроқ юртга қайтгаймиз, деб ўйлаганди. Самарқанд ва Кеш боғларини соғинганини айтганди. Мұхаммад Чуроға доддоҳ билади, ҳар боғда ўзининг бекаси интиқлик билан Соҳибқиронини кутиб яшайди...

Ҳозирги фармон ҳам аввалгиларига ўхшамади.

– Амирзода Мироншоҳ қўшини шитоблик ила Султон Аҳмад изидан борсун... Тириклай тутсунлар. Бир мўйига ҳам заҳмат етказилмасун! Ҳа-а... Сафар чўзиладурғонга ўхшайди, юмушларни икки йилда уҳдалаб қайтгоймиз, деган умидда эрдим. Самарқанд ўрнига Бағдодга бормоққа мажбурмен. Ажабо, сени нимадир тутиб оладир-да, зинхор қўйиб юбормайдур. Кўринмас занжирни пора-пора қилиб ташлай дерсен, қудратли эрсанг-да, чорасизсен, ожизсен...

“Гулшани ҳазойин” деган сирли сандиқни топсам эрдим, топсам эрдим... Бу қандай замондурки, юртнинг султонидурсен, аммо эркинг ўз кўлингдамас, Мамат...

Соҳибқироннинг сирдош мулозими ҳам бу нарсани тушунмайди, бирон сўз қўшишга ўзини ожиз фаҳмлайди. Назарида, ҳозир рўпарасида кенг дунё деб аталган, аслида тор қафасга қамаб қўйилган, ёриб чиқишини истаб, ўзини у ёқдан-бу ёқка ураётган ҳайбатли занжирбанд шер туради...

Амир Темур қўшини ўша куннинг эртасига чошгоҳга қолмай, Бағдод шаҳрига қараб йўналди.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

### I

Ниҳоят, шаҳзода Муҳаммад Султон фурсат топилганидан қувониб кетди, кеча Ҳумоюн ўрдуда бўлган машваратда қўшинга бир ҳафта ҳордик берилиши маълум этилди. Шаҳзода сипоҳ Арғуншоҳни чорлатиб, бугун албатта қўришишга, Дажла соҳилига боришга аҳд қилди. Шаҳзоданинг оқ дулдули ўйноклаб, ер тепиниб борарди. Осмоннинг чеҳраси очик, офтоб чараклар, об-ҳаво кишининг баҳридилини яшнатиб юборар даражада ёқимли эди.

Ўтган куни Муҳаммад Султон лашкари Курдистон томонларни айланиб, Ҳумоюн ўрдудан олинган “Ҳар кишики тобе эрса, омон берингизлар, бўйин товлафонларни даф қилингиз, молларини талангизлар!” деган фармонга биноан, музофотни қароқчи-йўлтўсрарлардан тозалаб, кўп асиirlар-у мол-у манол<sup>1</sup> билан Соҳибқирон хузурига етишиди.

Амир Темур машварат чоғи, мамнун-у масрурликдан суюкли набирасини кучоқлаб манглайдидан ўпди:

– Не баҳтки, сизнинг қилич чопиш, саваш қуриш вақтингиз етди, шаҳзодам! Лашкарингизни ҳамиша тартибга солингиз!.. Душманларни тиз чўқтиришни яхши ўрганингиз! Етти кундан кейин Басрага Халифа Усмон

<sup>1</sup> Манол (арабча) – бойлик, дунё (муали).

разияллоҳу анху Куръонини олиб келмакка жўнамоғингиз лозим. Бошқа нодир китобларни ҳам фаромуш этмағайсиз. Китоблар – парвардиғорнинг бандасига берғон буюк неъматлариданур. Билурсиз, дунёнинг энг бебаҳо китобларини Кўксарой кутубхонасиға жам этиб келадурбиз... Токи амирзодалар, бекзодалар, баҳодирлар, алломалар, фузалолар, муаррихлар, толиблар, жами аҳли илм уларни ўқуб ўргансунлар, кўзларига тўтиё қилсунлар. Юрда илм-маърифатни даражай камолга етказсунлар! Зеро, илм кўнгиллар боғини равшан этадурғон, миллатнинг улуғ йўлини ёритадургон чароғдир, нурдир!..

– Куллук! – таъзим билан бош эгди шаҳзода. – Китоб чиндан ҳам бебаҳо неъматдир, чароғдир, нурдир, Амир Соҳибқирон!

Муҳаммад Султон Соҳибқироннинг илм-маърифатга чанқоқ, зиёли инсонларнинг қадрига етадиган зот эканликларини яхши биларди. Ҳали бола экан, бобосининг қиссаҳон Мавлоно Убайд ривоятларини қизиқиб эшитганларини кўп кўрган. Бобоси кўпроқ подшолар ва олимлар тарихларини, чунончи, ҳукмдорлар ҳаёти, жанглари, олимларнинг китоблари, саргузаштларини ёқтиради. Бир куни муаллими ас-соний Абу Наср Форобий ҳақидаги ҳикоядан сўнг, бобоси алломанинг “Фозил шахар кишиларининг қарашлари” номли рисоласини ўқимоқчи эканини билдириб, олиб келишларини сўраганди.

Шаҳзода бутун машварат аҳли олдида унга диққат қаратилганидан бироз изо тортди, чунки бобоси эл кўзида фарзанд ва набираларига меҳрини бунчалар ошкор айлашдан тийилардилар, бунга ҳамиша ўзларида куч топардилар. Бу сафар нечундир кўнгилбўшлиқ килиб қўйдилар-да. Каттанинг назари ҳам катта, унинг мақтов сўзини кўтариш ҳам оғир...

Туни билан ухлолмади. Уни Соғинч бика тақдирни қийнарди. Ўйлангани ўйланган... Бўш қолди дегунча, Хотира дафтарини очади ва Жўйи Зар тафсилотларини ўқишга тушади-да, кўнгли бироз таскин топади. Ҳозир ҳам дафтарни олиб ёза бошлади:

*“Не ёзугим борки, парвардигор мени бундай ўтларга отадур? Ошиқлик-ку, худодан... Валиаҳд бўлсам, шаҳзода эрсам, суйган ёримга, дилимдаги гавҳаримга етишолмасам! Севиклигим бошига кулфат тушса, ундан хабар ололмасам! Айтай десам, бирорга айтмолмасам... Ўзим излаб борай десам, боролмасам... Шундай давом этса, пайт ўтиб, валиаҳд Муҳаммад Султон савдои бўлибдур, десалар ҳам ажаб эрмас... Тун-у кун хаёлимда дилдорим... Таърифи – бесарҳад, сифати – жамол бирлан жалол ўртасидадур. Аммо у олис, жуда олисларда... белгисиз ёқларда... Не чорам бор? Кўлимдан ҳеч нарса келмай турадур... Кудратлидурмен, ёраббий... аммо ожиздурмен!..”*

Давом этдиришга чиндан ҳам ўзини ожиз сезди. Факат иккита гул расмини ёнма-ён чизиб кўйди, бирининг боши ҳам эди, иккинчисининг эса япроқлари тўзгиган...

Сипоҳ шаҳзодани жуда ҳорғин, шахти паст ҳолатда кўриб ўнғайсизланди, аммо билдирамди.

– Дажланинг кўпириб оқишига назар қил! – деди шаҳзода сипоҳга дарё бўйига борганларида. Кўнглидан яна: “Нега бу сипоҳни ўзимга яқин олаётирмен?.. “- деган иштибоҳ ўтди.

– Жуда ғаройиб, шаҳзода жаноби олийлари! Суви кўпайибдур... – деди бошига дубулғани бостириб кийган, совутга чулғанган сипоҳ дарёга тикилганча. “Нега мени ўзларига яқин ола ётилар?..” – ўйлади ичидা.

Олий мартабали мулозим бориб, шаҳзода чорлаётганини айтганида... “сипоҳ” имизни хаяжон босди. “Шаҳзодамни узоқлардан кўриб-кўриб юрибмен, худога шукр, шунинг ўзи кифоя!.. – ўйлади у. – Мени бир-икки марта чакиртиридилар. Хайриятки, кўришмадик... Козерунда Амир Соҳибқирон ёнларида лашкар олдидан ок отда ўтганларида, бошим осмонларга етиб, учинчи қатордан кузатиб турдим!.. Мана, ул зот яна ўзлари чорлаб турибдурлар. Нечун? Бу ҳам таҳликали, ҳам сурурли... Кошкийди, кочиб кетиб бўлса! Бормаслик мумкин эмас, боришлиқ хатар... Лекин... нега менга бунчалар эътибор қилмакдалар? Ё... таниб қолдилар-

му?.. Худо сақласун!”

– Кўпириб, гирдблар ясаб оқяпти. Унинг дарди бор... Дардини кимга айтишни билмай бўғриқиб оқяпти... – деди хаёлчан Муҳаммад Султон, йўртаётган отининг жиловидан тортиб-тортиб кўяркан. Шаҳзода жуда маъюс эди. – Буралиб-буралиб оқяпти, бечора. Худди ўз бағрини ўзи ўйғондек, тўлқинлари аламдан тўлғониб ичига уриб кетмакда... У ҳам ошиқму, дейман...

– Ҳа, дарёning мавжи юқори экан...

Нариги кирғокда бир-икки одам балиқ тутиш билан овора, ёnlарида қайиқ турар, ундан ҳам нари узокларда у ёқдан-бу ёққа чопиб юрган отлар уюри кўринарди. Отлар гоҳ дарёга яқинлашар, кейин яна ортга қайтар, бу ҳол такрор-такрор давом этарди. Дарё ўртасида юк ортилган кема эса Мосул шаҳрига қараб борарди.

– Бу дарёмас, менман, Арғуншоҳ, мен, мен! Анови гирдоб, гирдоб эмас, юрагимдаги ўйиклар! Тўлқинлар тўлқин эмас, қалбимга сифмаётғон түғёнлар... Ох!...

“Нега бунчалар очиқ сўйламакдалар?” – хавотирланди сипоҳ...

– Ўзингизни уринтириб қўймангиз, шаҳзода жаноби олийлари! Дардниям худо давоси билан берадур...

– Ҳов, анови чопиб юрғон отлар ҳам ошиқлар, шекили... – узокларга тикилди шаҳзода. – Завқ-шавқдан ўзларини тўхтата олмайдурлар...

Ҳаво айниб, кўк бирпасда кулранг тусга чулганди. Булатли осмоннинг залвари кўнгилларни эза бошлади.

– Сен ҳам ҳеч севғонмисен? – сўради бирдан шаҳзода сипоҳдан. – Жуда чиройли йигит экансен! Сендай тамтам йигит севмаслиги мумкин эмас... Жилла қурса, сени севадилар...

– Менми? Ие... Мен... Мен ҳам...

Сипоҳ нима дейишини билмай саросимага тушди, лекин шаҳзода унинг сўзини кесди-ю жонига оро кирди:

– Севиб қоласен ҳали, эй сипоҳ!!! Бошингга тушади... Ох, шундай тушадики!.. Йўқ, севгансен! Севганинг бор!

Яширяпсен, холос. Тортинма! Кел, иккимиз ҳам севғонимиздан сүзлайлик! Сен бошла!

— Вой!.. — деб юборди сипоҳ қизлардай, кейин дарров ўзини ўнглади: — Йў-ўқ!.. Шаҳзода жаноби олийлари, сиз турганда мендай кулингиз... оддий сипоҳ бўлсам... Ҳаддим борми? Йўқ, бу одобсизликдур. Каминада севги нима қиласди?..

“Кулингиз...” деганда қиз аллақандай туйғудан ширин энтикиб қўйди ва беихтиёр жилмайди.

Шаҳзода сипоҳга яхшироқ тикилди-ю таажжубланди: мўйлаби майсадеккина, хиёл чўзинчоқ юзи занжиларники сингари қорамтири йигитнинг бир текис оппоқ тишлари, икки юзидаги кулгичи ҳосил қилган ўймоқчалари, унча йигитларнига ўхшамаган ингичка овози негадир танишдай туюлди, аммо эътибор бериб ўтирмади, хаёли мутлақо бошқа нарсалар билан банд эди.

— Ох, Арғуншоҳ! Менинг сўйғоним...

Сўйғоним... — тоқатсизланарди Муҳаммад Султон, у, чамаси, сипоҳдан ҳам кўра кўпроқ ўз дардини тўкиб ташлашни хоҳларди. — Тўхта... Сўйғоним қандай эди ўзи? Таърифлай олмаймен. Жуда мушкул. Ана! Осмонни қара! Унинг Офтоби бор, Офтоб билан дийдорлашса, бағри нурга тўлади. Офтоб ғойиб бўлғонда, чехраси тундлашади, суюклиси ҳажрида алам тортиб, кўз ёшларини яширмайди... Мана, ҳозир ҳам унинг сўйғони ғойибда, жамолини кўрсатмайди, шундан қовоғи солиқ, дили озурда... Йиғлаб юборай дейди. Йиғлаб юборай деб турғон уми ёки менму?.. Осмон ва Офтоб... Одам Ота билан Момо Ҳаво онамизга ўхшаб, уларни ҳам парвардигор бир-бирига муносиб яратғон...

Муҳаммад Султон ширин хаёллар оғушида осмонларга қаради.

— Ҳаммани ҳам шундай яратсун... шаҳзода жаноби олийлари... — сўз қўшди Соғинч бика.

Шаҳзода ўзи билан ўзи оворалигидан, хаёли паришон эди.

“Осмон бир вужуддир, Офтоб эса ундаги жон... — деди ичиди қиз. — Сен осмонимсан, султоним, кошки, мен

куёшинг бўлсам... Бизларни ҳам худо бир-биримизга муносиб яратғон..."

Улар соҳилни эгаллаб ётган, сайрок кушлар бозорига айланган, сарғая бошлаган сўлим ўрмонзорга қараб юрдилар. Куз фаслининг охирлари экани дараҳт баргларининг заъфарон тусга кириб бораётганидан билинар, қарғалар осмонда гала-гала бўлиб учарди.

Соғинч бика эслаб кетди. Бир ойдан ошди, неча марта-лаб тун-окшомлар ёлғиз чодирига киради-да, ўзини жойга ташлаб йиғлаб-йиғлаб олади. "Нималар қилиб юрибмен ўзи?.." – дейди ўз-ўзига... Шаҳзода севадими, йўкми, деган саволга ҳали жавоб тополгани йўқ...

Хайриятки, Қалъаи Сафид қамалидан кейин унда бир чўри пайдо бўлди. Қалъани талашга ижозат олинди ўшандা. Улжалардан умидвор лашкар аҳли бундай дамларни интиқлик билан кутишини яширмасди. Талаш – кенгашларга қулоқ солинмаган жойларда душманга қўлланадиган оғир жазолардан бири. Амирлар-у навкарлар қўлига тушган нарсаларни ўзиники қилиб олади, биринчи қўл узатган одам унинг эгаси ҳисобланади.

Гарчи "сипоҳ" имизга ҳеч нарса керак эмас – лекин у Арғуншоҳ! – қалъага чиқиб атрофга назар солди. Ҳар ёқда йиғи-сиғи, тўс-тўполонда ит эгасига боқмайди. Иттифоқо, соchlари елкасига ёйилиб тушганидан яна ҳам сулувлашиб кетган ўн тўрт ёшлардаги Парвона деган гўзал бир қиз: "Хожам! Хожам! Паноҳингизга олинг! Парвонангиз бўлай! Чўрингиз бўлай! Мени қутқаринг!" деганча, у томонга қараб қочиб келарди. Тоғликларнинг қизлари бағоят чиройли, деб эшитганди Арғуншоҳ. Эллик қадамлар орқада барзангидаи навкарнинг қораси кўринди. Чўкаётган илонни ушлар, деганларидаи, қиз андишага бориб ўтирмай, жонҳолатда Арғуншоҳни қучоқлаб олди! Бу – қизнинг сипоҳ чўрисига, мулкига айланганини, дахлсиз эканини билдирарди. Сипоҳ "йигит" лигини кўрсатиб, бошқаларда шубҳа уйготмаслик учун канизакни қабул килиши кераклигини англали... У дарҳол барзангига қараб қичкирди:

– Кимки тоза гулга биринчи қўл узатса, гул ўшаники!

Дўлта қиздан умидингни узавер, эй навкар!

Барзанги навкар йигирма қадамлар нарида тўхтади-да, ортига қайтди, энди унинг иддаосида маъни қолмаганди.

Парвона қалъа доругасининг қизи экан, отаси қамалда ҳалок бўлибди. Илк боқишданоқ, бу соҳт-сумбатли, чакмокдай йигит қизни ўзига маҳлиё этди қўйди, у ўла-ўлгунча сипоҳнинг хизматида бўлай, худо шунга етказсин, деб ният қилди.

Бироқ чўрининг севинчи кўпга чўзилмади. Кечга бориб негадир маъюслиги ортди. Тақдир ҳукми ўзгача эканлигини ҳис қилган шўрлик, пешонасининг торлигидан йиғлагудай ҳолда эди.

Биринчи кечада Арғуншоҳ Парвонанинг бўйнига қўл солди...

Қиз хийла тил-жағликини экан, қўлни оҳиста нари сурди:

– Мени балолардан қуткарғанингиз учун сиздан бир умрга миннатдор-у қарздорман, хожам... – Тиз чўкиб сипоҳ қўлини олиб ўпаркан, давом этди: – Савоб иш қилдингиз. Аммо...

Чўри нимадир дейишга иккиланарди.

– Хў-ў-ўш?.. Айт!

– Аммо... менга қўл узатганингизга ҳайрон-у лолман...

Пешонам қурсин...

– Ҳайрон-у лолман? Нимасига ҳайронсен? Тушунмайдурмен...

Чўри тумтайиб олганча индамасди.

– Оғзингга толқон солиб олдингму? Сендан сўраябмен?..

– Майли, айтай... Қачон... – минг истиҳолага бориб деди чўри. – Қачон... икки япалоқ бир-бирига эш бўлипти? Ожиза ожизага жуфт бўлибди?..

Арғуншоҳ худди баданига тиф теккандай сесканиб кетди-ю ўзини тутди, кейин чўридан зуғум билан сўради:

– Нима-нима? Нима дединг?.. Мени ожиза деяпсенму ҳали? Ожизалигимни исботлаб берасен, ножинс!

– Ишқий ўйин эмас, сочбоғ солиб ўйнасак ярашар экан

бизга... – тарсиллатди Парвона.

– Вой... Ие! Уятсизнинг гапини!.. Вой, беадаб!..

Аммо чўрининг кейинги гапи ҳаммасидан ошиб тушди:

– Отнинг қўйруғи бўлади, деб эшитганман.. – ерга караганча, уялинқираб деди Парвона...

Софинч бика барига чидаб турганди, чўрининг бетакал-луфлигидан қаттиқ жаҳли чиқди ва тарсаки тортиб юборганини билмай қолди.

– Вой, от қўйруғини билғон бетавфик! Кўйрук керакми сенга? Бетинг курсин сени!

Кафтлари билан юзларини беркитган чўри йигламсиради:

– Урманг, хожам! Ахир... мендай ожизасиз-ку, сиз ҳам! Ожизалигинизни, кўркиб кочиб келиб сизни қучоқлаб олганимда юрагингизнинг тез-тез уришидан сездим... Отам табиб эдилар, эркакларнинг юраги секин уради, заифалар юраги тез, деб айтгандилар. Сўнг, ўшанда дубулғангиз тагидан гажагингизнинг учгинагинаси чикиб колибди. Яширишни унутибсиз... Шунда ҳам ишонмай турғон эрдим. Майда қадам ташлаб юришингизни кўриб, ожиза эканлигинизга батамом ишондим, хожам... Яна нима дей?..

– Вой, балога йўлиқмагур зумраша-ей!

Чўрининг худди дунёни кўриб қўйган кайвони аёллардай гапираётгани, кузатувчанлиги чиндан ҳам Арғуншоҳни таажжубга солди. Шу чўрики, унинг ожиза эканлигини фаҳмлабди, бас, “сипоҳ” жуда ҳушёр юриши керак экан. Сири очилиши ҳеч гапмас.

– Парвона! – буюрди ҳамон пиқиллаб ўтирган чўрига. – Кулок сол! Йигингни йифиштир! Жуда зийрак бир балонинг ўзи экансен. Хожангни ҳам болладинг... Менинг ожизалигимга ҳали ҳеч ким шубҳа билан қарамағонди, сен зумраша буни фаҳмладинг, балога йўлиқмагур!.. Бу сирни бирорга сира гапирма! Ҳеч ким билмасун! Одамлар олдида мен хожангмен, сен чўримсен! Уқдингму? Кўз ёшингни артиб ол!

– Катта сирингиз борлигини билдим, хожам. Аммо... нега шундай “Йигит” часига кийиниб, яшириниб юриши-

нгизга тушунмадим...

– Тушунмайсен ҳам! Ҳар нарсага бурнингни сукаверма!  
Ўз ҳаддингни бил! Тилингни тий!

– Хўп! Хўп! Мени ўзингизга канизак қилиб оласиз-а? –  
суйкалди чўри “сипоҳ” га, чехраси бироз очилиб. – Доим  
ёнингизда юрай, дейман... Менга ишонингиз, оғзим қаттиқ,  
ҳеч кимга айтмайман...

Шу кеча икки “нотавон” ўз тақдирларидан сўйлашиб  
ҳасратлашиб чиқдилар...

– Анови қушларга қара, эй сипоҳ! – деб юборди бирдан  
шаҳзода Муҳаммад Султон Арғуншоҳ хаёlinи бўлиб.

Согинч бика бир-бирини қувиб сарғая бошлаган дараҳт-  
лардан дараҳтларга учиб ўтаётган заргалдокларга завқ билан  
тиклидди. Икки хил ранг бир-бирига мутаносиб қушларга  
фавқулодда гўзаллик бағишлаган, эркаги оч сариқ, қанот-  
лари билан думи қоп-қора, яшил-кулранг модаси эса қандай-  
дир назокатли, қанот қоқишлиари нафис, майин, ҳар бир  
ҳаракатида ноз-у истиғно...

У беихтиёр модаси ўрнига ўзини қўйиб кўрди, нарини  
Муҳаммад Султон кузатарди... Модаси “биёв-биёв” деб  
кўйдириб қочади, ортидан учган эркаги дараҳтнинг катта  
шохида унга етиб олади, атрофида гирдипалак париллайди,  
кейин қизғиш тумшуқларини бир-бирига уришиб шодлик-  
дан чучут отишади, дунё билан ишлари йўқ, кимнингдир  
уларга қараб турганидан бехабар апок-чапоқлашиб, ўзлари-  
ни баҳтиёр сезишади. Оламни сув олса, тўпиқларига  
чиқмайди, фараҳларга чулғанган, саодатли лаҳзаларга ғарқ,  
ҳаётнинг лаззатига маст-у мустағриклар... Кейин яна бири  
атай қочади, иккинчиси жониқиб қувади...

“Қандай баҳтли қушлар-а!..” – ўзича ҳавас қиларди  
Муҳаммад Султон кўзлари порлаб.

“Ўшаларнинг бири бўлсайдим!..” – дея орзиқарди  
Согинч биканинг кўнгли...

Ҳар иккиси қушларни кузатар, ҳар бирида ёқимли  
туйғулар уйғонарди.

– Ахволим кўп турфадур, эй сипоҳ! – деди афтодаҳол  
шаҳзода.

Улар отларини бир дарахтга боғладилар-да, аста юра бошладилар. Шу палла фалакда офтоб булутларни ёриб балқиб чиқди-ю, нурлари дарахтлар аро чилпарчин бўлиб шаҳзода билан қизнинг йўлларига тўшалди.

– Мен сенга айтсам, суйғонимни таърифлаб беролмаймен... – Мұҳаммад Султон бошини чайқади. – Сўз йўқ... Пешонасининг чап томонида ломга ўхшаган чиройли гажаги кўз олдимда, холос. Аммо тақдирни кўргинки, уни севибмен, севгимни кимсага айтишга журъат йўқ. Унинг ўзига ҳам айта олғоним йўқ... Хонимойим сезибдурлар, ки набираси Соғинч бика деган бир пари пайкарни суюб қолибдур. Маҳди улёга ҳам ёқди... Кулзум денгизи ёнидаги оролда Йилбоши байрами вақтида бир нарсани эшитиб аклим шоҳди! Бошимга фалокат тушди!...

– Қандай фалокат? Йў-ғе! Худо сақласун!.. – кўркиб кетди, шаҳзоданинг “Уни севибмен...” – сўзларидан юраги потраган сипоҳ...

– Билармусен, хонимойим ҳазрати олиялари Тошкандга Соғинч бика қўлини сўраб совчи юборибдурлар!

– Совчи?.. Совчи юборибдурлар?.. Вой, яхши-ку!.. – юраги қинидан чиққудай бўлиб сўради киз ҳайратда ўрнидан туриб кетганини сезмай... – Ие... Ие... Фалокат деганингизга тушунмайдурмен, шаҳзода жаноби олийлари. Совчи юборсалар ёмонму! Ёки рози бўлишмабдиму?..

– Бу ёгини эшит! Совчилар борғонда қизнинг отаси Жаҳоншоҳ ибн Жоку жаноблари Оқсарой қурилишига мутасаддиликка тайинланибдурлар, Тошкандан Самарқандга жўнағон эканлар. Совчилар Самарқандга боришибди ва...ва...

Мұҳаммад Султон катта умид боғлаган нарсаси амалга ошмай қолган содда боладай чуқур хўрсинди. Соғинч бика йигитнинг нозик лаблари пирпирашини, дардли нигоҳларини чорасиз кузатиб туради. Кошкийди, иложи топилса, у ҳамма сир-асрорни шартта-шартта очиб ташласа, ўша сизни куйдурган авбош мендурмен, ўзим сизни излаб юрибмен, шу ерда, ёнингиздамен, деса, кўнглининг чигилини ёзса!..

– Хафа бўлмангиз, шаҳзода жаноби олийлари!.. – дея

олди, холос, қиз.

– Энди сүйғонимдан айрилиб ўлтирибмен...

Айрилиб ўлтирибмен! – кўзларига ёш тўлди шаҳзоданинг. – Сирли ғойиб бўлубдир. Қаердалигини бирор билмайди! Билмайди... Ҳеч ким тополмайди. Тополмайди... Соғми, тинчми...

“Во ажаб! – хаёлидан ўтди кизнинг. – Агар сен, баҳти юришмағон қиз, Тошкандан Самарқандга келишларинг биланок, шошилиб жўнамағонингда, совчилар борар экан, падари бузрукворинг албатта розилик билдирадилар... Бунчалар қийналиб юрмасдинг ҳам. Пешонада бори шу экан. Вой, бечора Соғинч, Соғинч! Совутнинг ичидан пахталик чопон кийиб оласен, бошингдан асло иякларинггача қоплағон дубулғани туширмайсен. Бир хаёлинг доим “мўйлаб” ингда – тушиб кетмасин дейсан, тишингнинг оқини бирорга кўрсатмайсен. Доим игнанинг учида юргондай юрасен. Шаҳзодага кўринишдан қочасен... Ишқилиб, шаҳзода жаноблари сени таниб қолмасунлар-да... Худо сакласун!..”

Дилгир ва маъюс шаҳзода сипоҳ олдида андишага бормай, унсиз йиғлай бошлади. Уни кўрди-ю, Соғинч бика ҳам ўзини тута олмай қолди, ўксиш навбати унга етди. Мусоғир ерларда хор-зор-у музтар юрганлари аламиданми, беомон кувонч аралаш фифон портлаб чиқди! Овозини чиқармай пиқ-пиқ йиғлар экан: “Хафа бўлмангиз, шаҳзода жаноби олийлари!.. Хафа бўлмангиз!..” дер, ундан ўзининг дили ҳам таскин топар, аччик кўз ёшлари юзларидан окарди.

Қанча фурсат ўтди, билишмади, ҳар иккиси бошлари ерга эгилганча ўз-ўзлари билан овора эдилар.

– Шаҳзода жаноби олийлари! – деб юборди беихтиёр ҳаяжонланган Соғинч бика. – Кўнглингиз чўкмасун! Сүйғонингизни жондан ҳам, дунёлардан ҳам ортиқ кўрар экансиз. Мажнун сиздан сабоқлар олсун! Оллоҳ сүйғонингизни насиб этсун, илоҳи!

– Оҳ, Арғун, Арғун!.. – бошини тебратарди, холос, кўзлари юмук бехуд Мухаммад Султон бу сўзларни эшитмагандай. – Энди қайдин топамен?.. Жудо бўлдим! Жудо

бүлдим!..

Күнгли вайрон, эзилган шаҳзодани оғир тушкун кайфият, руҳий зиқлиқ занжири маҳкам боғлаб олган, ўзи чорасиз, сиқилиб йиғлаганидан чиройли кўзлари қизарган, вужуд-вужуди сиркирарди. У шамолда йиқилиб ер багирлаб колган дарахтга ҳолсиз ўтириди.

“Ахир Самаркандан чиқишда, шаҳзодамни кўрамен-у қайтамен, деган эдинг-ку!. – таънаомиз деди шу палла ўзига ўзи қиз. – Қирқ кунда қайтамен, дегандинг... Падари бузрукворинг сени излаб ҳориб-толғондурлар. Канизак Сарвиноз опа қайдалигингни айтиб, Жаҳоншоҳ ибн Жоқу кўнгилларини хотиржам этғонига гумон йўқ... Бас энди, ўзинг шоҳиддурсен, ки шаҳзода сени жони-дилидан ортиқ суръ эканлар! Суръ эканлар!!! Йигитдай бўлиб юриш юриш қиз болага осонми? Ортиқ чидай олмайсен. Худонинг ўзи ғамингни еб, йўл кўрсатиб турибди: сирим очилмасин, десанг, бирон баҳона топғилу тезроқ Кешга равона бўл!..”

Қизнинг карори қатъйлашиб, кўнглидаги мақсадини айтишга энди оғиз жуфтламоқчи эди, улгурмади:

– Нега рангинг оқарив кетди, Арғуншоҳ?.. – худди уйқудан уйғонгандай сўради бирдан кўзларини катта-катта очиб “сипоҳ” га бокаркан шаҳзода. – Касалмусен?..

Софинг биканинг юраги шув этиб кетди, юзидағи бўёқ эсига тушди-ю бутун аъзои баданига зириллаган ноҳуш титроқ кирди! Сири очилганига унда сира шубҳа қолмади! Нозик табиатли, хиссиётли шаҳзода аниқ сезди! Ахир юзига суртгани маҳсус Ҳўтан бўёғи, лекин унга намлик тегиши керакмас, шундан чехрасини мумкин қадар дубулғаси билан беркитиб юришга тиришади.

“Нима қилиб кўйдим? Касални яширсанг иситмаси ошкора этар... – ўйлади қиз ичиди апил-тапил юзларини ишқаларкан. – Энди ўлдинг, Соғинч! Шарманданг чиқди!..”

Лекин қиз бола зоти қув бўлади, лозим жойда карашма ишлатади, лозим жойда ширин ҳийла... Ҳар иккиси ҳам ярашимли, кечиримли. Соғинч бика ҳам бундан мустаено эмасди.

– Оҳ, шаҳзода жаноби олийлари! Сизга куйиб ёнғоним-

дан юзларимдан қон қочибди, чамаси... Дардингиз жуда оғир экан, чидай олмадим. Күнглим бүш... Қаттиқ изтироб чексам, одатим бор, шундай ҳолга тушамен. Болалигимдан шунака. Рангим оппоқ օқариб кетади. Онаизорим ҳам доим гапирадилар... Мени кечирсунлар, шаҳзода жаноби олийлари! – деди апил-тапил юзларини ишқаларкан, шум киз...

У зимдан боқиб, шаҳзоданинг бу сўзларга эътибор берган-бермаганини билолмади. Рұксиз Мұхаммад Султон атрофдаги воқеаларга мутлақо бепарво, хуши ҳам ўзида йўқдай, “Энди қайдин топамен?.. Топаменму? Топаменму?...” – дерди, холос.

Кутилмаганда яна зарғалдокларнинг “биёв-биёв” и эшитилди-ю, Соғинч бика жонига оро кирди:

– Анови кушларга қарангиз, яна келишди, шаҳзода жаноби олийлари! – қичқириб юборди Соғинч бика. – Ошиқ маъшук қушлар! Биздан хабар олғони қайтиб келишди, шекилли!

– А-а. -а... Бахтли қушлар!.. Ўша қушлардай ҳам эмасмен!

Зарғалдоклар жуфт бўлишиб, кувалашиб юришар, ишкӣ ӯйинлардан тўйишмаган, модаси қочар, эркаги унинг ортидан эргашар, уларнинг ҳаракатларида ҳали ҳануз ўша идда, замзама, ўша ноз-истигно...

Бир-бирига ошуфта беозор жониворлар яна икки ёш дилнинг хаёlinи ўғирлади... Шаҳзоданинг хуши ўзига келиб, қушларга маҳлиё қаттиқ тикилди.

– Ошиқ-маъшуклар... – деди ҳолсизгина.

Соғинч бика бир томондан суюклисида кечаётған руҳий изтироблар сабабчиси ўзи эканидан ичидан мамнунлик ҳиссини туярди, иккинчи томондан, худо уларга шундай ишқий саргузаштлар насиб этганига шукрлар қиласар, айни чоғда ёнгинасида кўра-била туриб, жон-у жаҳони шаҳзодасига кўмак кўлини чўза олмаслигидан қалби ўрганарди.

– Шаҳзода жаноби олийлари! Худо шоҳиддурки, Соғинч бика деган ожизага меҳр-у муҳаббатингиз баоят кучли экан, билдим, билдим...

– Эҳ, Арғуншоҳ, Арғуншоҳ! Энди қайдан топамен? То-

паменму?..

Шу палла чақиндай бир фикр Соғинч бика күнглини ёритиб ўтди!

– Топасиз!... Йўқ! Агар ижозат берсалар... Мен топамен, шахзода жаноби олийлари! Мен! – деб юборди бирдан қиз.

– Тошбағир қиз экан! Шундай шахзодани куйдириб, ўзи тинч юргонини кўрингиз! Топамен уни, ернинг остидан бўлсаям, устидан бўлсаям! Аммо топамен-у роса уялтирамен!

Шахзода ёқимли сўзларни айтаётган сипоҳ йигитга ҳайратда тикилди:

– Сен жуда зукко ва аклли йигит экансен! Яхши сўзларни топдинг... – хаёлчан шахзоданинг ишонмаётгани кўриниб туради. – Кўлингдан келди... Соғинч биканинг ўзини хам тополсанг эрди...

Қиз қувонганини, ҳаяжонини яширишга уринар, суйганининг аҳд-паймони мустаҳкам эканидан ўзини қўйгани жой тополмасди. Охири ўйлай-ўйлай, жиддий деди:

– Агар... агар ижозат берсалар... Агар... Бир ниятим бор, шахзода жаноби олийлари! Ўзларига кўмак берсам дейман. Йўқ демасалар, чопарингиз бўлиб Самарқандга борсам...

– Самарқандга борсам? У ерда нима ишинг бор? Ёки... Соғинч бикани Самарқандда дейсанму? Эшитдингму? – шахзоданинг чиройли кўзларида умид учқунлари кўринди. – Самарқандда... А?..

– Самарқандда... Керак эрса, Кешга борурмен, тоғматоғ-у чўлма-чўл кезурмен... Турон юргига ҳалигача борматонмен, таърифини кўп эшиттонмен, ота-боболарим ҳам асли Турондан эканлар, баҳонада улуғ пойтахтимизни зиёрат этамен. Орзуйим-ку бу!.. Мени Арғуншоҳ, дейдилар! Суйғонингизни излаб, шубҳасиз, топурмен ва дарҳол хабар килурмен!

Сипоҳнинг гапларида мантиқ бор эди. Шахзода Мухаммад Султон ялт этиб унга қаради:

– Топсанг, кошкийди!.. Топсанг-у, тез қайтсанг! Аммо йўқолғонини бировга зинхор айтма! Шаънига номуносиб гапдур, Арғуншоҳ! Уқдингму?.. Худо сенга ёр бўлсун!

Мұхаммад Султон, сипоҳ билан илк бор сұхбатлашиб туришганига қарамай, эски танишлардай бўлиб кетишганига ҳайрон қолди. Бу ерда қандайдир сир бор, аммо шаҳзода буни билмайди. Қалъаи Сафиддан кейин, йигитнинг сипоҳ эса-да, айрим бек-у амирлардан кўра ортиқроқ туюлганини эслади. Ҳа, насли тоза, ажойиб йигит экан Арғуншоҳ, аклли, фаросатли!

– Миннатдормен, шаҳзода жаноби олийлари!.. Яхши-лигингиз мендан қайтмаса, илохи, Оллоҳдан қайтсун!

– Тўхта... – деди бирдан шаҳзода...

Соғинч бика, Мұхаммад Султон қароридан қайтиб қолдилармикин, дея қўркиб кетди! Ҳадик остида аста қаради.

– Ҳа, майли... – чамаси шаҳзода сирдош бўлиб қолган сипоҳдан ажралишни истамасди. – Майли. Йўлинг оқ бўлсин...

Сипоҳ уч марта эгилиб таъзим бажо айлади. У ўзини, баайни, дўзахнинг қилқўпригидан эсон-омон ўтиб олгандай ҳис этди.

– Салтанат юмушини адо этмагим учун мени

Турон элига жўнатгайлар... – деди Соғинч бика Парвонага саҳар, бомдоддан кейин. – Кани, ёнимга ўлтири-чи. Чўрим эдинг... Чўрини озод қилмак катта савоб эрмиш. Менга савоб керак. Энди ҳурсен, хурилиқо, эркинг ўз қўлингда!..

Ажойиб хушхабардан беҳад қувонган Парвона шу заҳотиёқ оёгимга йиқилиб миннатдорчилик билдиради, деб шубҳа қилмаган Соғинч бика, аксинча, ҳайратга тушди: чўри қиз етти ухлаб тушига кирмаган янгиликни эшитиб, хўнграй бошлади.

– Ҳай-ҳай! Секин... Овоз ташқарига чиқмасун!.. – ташвишланди Согинч бика.

Парвона кеча оқшомдаёқ сипоҳнинг тутумларидан бироз таажжубланганди. Одатда, оқшомлар сұхбатлашишга вакти йўқ, чўрининг майда-чуйда саволларига қарамай, тездагина уйқуга кетарди. Бироқ бу сафар жуда хушчақчак қайтди, ҳатто шу пайтгача бирон марта ҳам чўридан, кимни

севгандинг, севгамисан, деб сўрамаганди!

Кеча эса Парвонанинг офтоб нури тушмайдиган қоронғи кулбадай қалбини ёритиб юборган қизик-қизиқ саволларга кўмиб ташлади, каттиқ уйқуга чўмган туйғуларини уйғотиб кўйиб, ўзи ухлади-қолди...

– Йў-ў-ўқ, йўқ, маликам! И-и-и... хожам! Ҳур, эркинликдан кўра, кўлингизда канизаг-у қулдай юриш менга афзал! Мениям олиб кетингиз! Олиб кетингиз-и-и з!..

– Парвона, эсинг бор, йиғлама! Жим! Жим... Ҳеч қачон чодиримиздан йифи овози чиқмаган, биласен-ку, чиқмасун ҳам!..

Кейин ёлғондакам сиёsat йўлини тутди:

– Биласанму... Бу салтанат русумларига сифмайдур. Тобшурилғон вазифани адо этмок учун ёнимда чўри ёки бошқа хизматкор керакмас. Ҳозир ўзим ҳам ўзимга огирилик килиб турибмен. Бошқа бир юкни кўтаришга эса қурбим етмас. Бахтингни худо берсин, Парвона! Тушундингму?..

Парвона ерга тикилганча оҳиста бош тебратди, кейин ёш тўла чиройли кўзлари билан Соғинч бикага қаради-ю кучоқлаганча яна йиғлаб юборди.

## П

Адолатли ҳукмдор Ҳорун ар-Рашид ҳукмронлик қилган, Чингизхондай хоқоннинг оёғи етмаган заминда турганидан Амир Темур аллақандай мажҳул туйғулар оғушига чўмди.

У Султон Аҳмад жалойирни тутиш ишлари билан шахсан ўзи шуғулланишга бел боғлади. Қайсар ҳукмдор, албатта, жиловланиши керак! Яхши гапга кўнмаса, ёмонини топиш қийин эмаслигини билиб кўйиши зарур.

Улкан қўшинни, одатдагидек, ташқарида хотиржам-у саранжом қолдириб, хос лашкар билан шаҳарга кирган Амир Темур даставвал Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ал-Куфий, улуғлиги эътироф этилиб, “Имоми Аъзам” – “Буюк имом” унвонига сазовор бўлган табаррук зот мозорини тавоф этишга йўналди. Ҳанафия мазҳабига асос солган, кирқ йил

мобайнида хуфтон таҳорати билан бомдод намозини ўқиган, эллик беш марта ҳажга борган улуғ имомнинг аянчили кисматини яхши биларди. Ҳали Самарқанддалик вақтидаёқ ўйлаган ниятини амалга оширишга буюрди – табаррук қадамжой ёнидаги хонақоҳда бир жонлик сўйиб факир-у мискинлар, етим-есирларга ис чиқарди, Соҳибқироннинг ўзи куръон тиловат қилди.

Кайтар экан, катта майдон олдидан чиқиб қолди. Шаҳарнинг машҳур Хон Маржон карвонсаройи рўбарусидаги сайхонлик игна ташланса ерга тушмайдиган даражада одамга тўлиб кетган, денгиздай тўлқинланарди. Соҳибқирон тиқилинч оломонни кўрсатиб: “Булар кимлар? Жалойирнинг одамларими?..” деб сўрамоқчи эди, шу палла эгнига елвагай оқ ҳирқа ташлаган, мисқоли дока салласи шолғомдай силлиқ ўралган сипо бир киши оломондан чиқиб яқинлаша бошлади. Мулозимлардан тўрт киши – Мубашшир баҳодир йигитлари унинг кимлиги, нима мақсадда келаётгани билан қизиқдилар.

Ташрифга ижозат берилди.

– Худонинг ожиз бандаси Низомиддин Шомий жаноблари! Muаррихурлар! – янгради мулозимнинг овози.

– Чорлангиз!

Низомиддин Шомий қирқ беш ёшлар чамасидаги, нозиккина мўйлаби бор, соқоли калта қирқилган истараси иссиқ одам эди, у от устида турган Соҳибқиронга ўн беш қадамча қолганда эгилиб таъзим этди, сўнг йўрға юриш килиб Соҳибқирон отига яқинлашди, узангига лаб қўйиб, Амир Темур тўни пешини ўпди.

Бағдод халқи Турон султони Амир Темурнинг фозил-у фузалолар, саййид-у шайхларга ҳурмати баландлиги ҳақида эшитишганди. Бир неча йилдан бери шу ерда яшаётган муаррих Низомиддин Шомийдан Ҳумоюн ўрдуга шахар ахли вакили бўлиб боришини, авомуннос элнинг Султон Аҳмад жалойирга сира алоқаси йўклигини батафсил тушуниришини ва, энг муҳими, қирғинбаротга учрамайлик, афв айласунлар, Соҳибқирон ҳазратлари кўнгилларини ҳар хил шубҳа-гумонлардан фориғ тутсунлар, сўраб берингиз, деб

ўтиндилар.

– Амир Соҳибқирон! – Низомиддин Шомийнинг найга ўхшаш майин ёқимли овози, ҳаяжонданми бироз титраб эшитилди. – Шаҳар дарвозасидан Дажлага назар солдим, юзиб ўтаётган чақиндай тез аскарларни, бу дарёмидур ёки сахромидур, дея фарқлай олмай якомни тутдум! Ҳайратим ҳаддин ошиб дедимким, бу шижаат соҳиблари шахт-у шиддатда Рустами достондан ўтадурлар, баҳодирлиг-у жавонмардликда ўзга халкларга устодликка муносибдурлар! Бас, улар Оллоҳ-таолонинг ўзи қўллаган Амир Соҳибқирон бургутлари эканига иймон келтирдим!

Завқ билан айтилган бу сўзлардан Амир Темурнинг кўнгли сув ичгандай бўлди.

– Оллоҳ таоло мартабангни бундан ҳам баланд қилсун, – деди чеҳраси ёришган Амир Темур. У арзи ҳол ёки узроҳлик сўраган ҳар қандай одамни дарҳол, миннатсиз қабул этарди. – Қандай манглайи ёруғ киши экандурсенки, шаҳардан энг аввал йўлимга пок ният бирлан чиқиб турубдурсен. Сен ёмон одамлардан йироқдурсен. Палос ўпиш русумини ўринлатиб қўйдинг. Яхшиликни ўйлағонинг шундан аёндур...

Орқадаги амирлар-у баҳодирлар Соҳибқирон кўнгли-нинг ҳиммат қопқолари очилишга мойил эканидан енгил тортдилар.

Чиндан ҳам:

– Тила тилагингни! – деган олий шон сўзлар эшитилди.

– Оллоҳга шукрки, пойингизни ўпмак шарафига этишдум... Жумла жаҳон шон-шуҳратингиз-у довруғингиздан нурларга чўмилғонда каминаи камтаринга дийдорлашиш насиб этгонига беадад шукр... Барча иш ўз вақти соатида, дейдилар. Мана бу халойик, Бағдод аҳли муҳтарам ҳазратларини деб қўлларини дуога кўтармишлар... – майдонни тўлдирган одамларга қараб кўйди Низомиддин Шомий. – Музаффарийлар додини берғонингиз барчани хушнуд айлади. Ноинсоф хокимлар, инсон конини она сутидек ичадурғон золимлардан эл озурда... Ҳимматларини дариг тутмасалар, Султон Аҳмад жалойирдан азиятлар чеккан бу

бандаларга омонликни раво кўрсалар, деб ўтина дурмиз... Ушбу гуноҳкор бечораларнинг ёзуклари устидан афв чизигини тортсунлар деб...

Аллома сўзларидағи қандайдир сехр, жозибадан Амир Темур у билан сухбат қуриб, атроф музофот, кечмиш-у келажак борасида кўп нарсаларни билиб олиши мумкинлигини фаҳмлади, аммо буни кейинги кунларга қолдирди. Ҳозир эса вақтни бой бериб, ашаддий душманни қўлдан чиқармаслиги лозим.

– Бағдод ахли жалойирдан озор чекканму?..

Соҳибқирон одамларга синчков назар ташлади. Ҳеч ким бирон нарса дейишга ботинмади, барча боши эгилган ҳолда таъзимда эди. “Сукут розилик аломатидур”, деб ўйлади Амир Темур ва буюрди:

– Бағдод халқига омонлик берилсун! Аммо шаҳар ахли омонлик молидан<sup>1</sup> озод этилмайдур!

Гало-ғовурда кимдир дуо қилар, майдоннинг ҳар бурчагидан “Тўлаймиз!”, “Тўлаймиз!” деган овозлар эшитилар, бирор қичкирар, кимдир йиғлар, бари одамларнинг розилигидан далолат берарди.

Амир Темур Султон Аҳмад жалойирни қувиш учун шитобан Бағдоддан чиқди ва Дажлага от солди. Узоқдан караган одам чумолидай уймалашган нўёнлар-у амирлар, баҳодирлар-у аскарларнинг ўзларини бирин-кетин дарёга отганларини кўрарди. Дарёни ажабтовур маҳлуқларга, наҳангларга ўхшаб сузиб бораётган отликлар босиб кетди.

Нариги соҳилга чикишлари биланоқ, кичик тепаликда машварат чақирилди. Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо билан Амир Сулаймоншоҳлар даврага кўрк-у безак бағишлидилар. Амир Шоҳмалик, Айбож ўғлон, Шайх Нуриддин ва бошқа амирлар чап томондан жой олдилар. Ҳамма Соҳибқирон ўтирган олтин ўмилдириклари офтобда ялтираган, ҳали пуштанидан сув томчилаётган тулпор томонга тикилди...

<sup>1</sup> Омонлик моли (моли омон) – эл-юргта омонлик бағишлангани учун олинадиган ўлпон (муалл).

Ахий Жаббор баҳодир қисқа вакт кечган бу машварат тафсилотини Айбож ўғлондан кейин эшилди, у қуйироқда лашкари ёнида эди. Соҳибқирон, Султон Аҳмад жалойир бундан беш йил олдин ҳам қочиб кутулганди, бас, энди ўзим Карбалони оралаб борғаймен, деган қарорни маҳкам тутиб олибдилар.

Бу душманни қўлдан чиқариб юборган амирлар-у навкарларга қаттиқ дашном эди. Барча уни бу фикридан қайтаришга уринибди. Умаршайх Мирзо билан Мироншоҳ Мирзо бошлиқ амирлар-у нўёнлар, баҳодирлар ялиниб-ёлвонриб, ўтга кир деса ўтга, сувга кир деса сувга киришга тайёр ўғиллари, жонфидоликка шай минг-минг куллари турганда, ўзларининг бу юмушга овора бўлишлари Турон султони шаънига номуносибдур, дейишиб, шаҳарга қайтишларини ўтинибдилар.

Шу палла Басрадан олам аҳлининг шаҳзодаси, салтанат дийдасининг нури валиаҳд шаҳзода Мухаммад Султон етиб келганини билдиришибди:

– Ассалому алайкум, валинеъмат Соҳибқирон! Фармонларини адо этмак мақсадимиз эрди. – таъзим қилибди шаҳзода. – Аммо бир қошиқ қонимиздан кечадурлар, Куръони каримни ул ердан топа олмадик... Суриштириб билдукким, юз йиллар аввал Миср султони Бейбарс жаноби олийлари Халифа Усмон Куръонини бу ердан олиб Олтин Ўрда хони Беркахонга тухфа этиб юборгон эканлар. Ушбу дамларда Сарой Берка шахрида хон саройи кутубхонасида эрмиш. Яна билгувчи Оллоҳнинг ўзи.

– Сарой Беркада?.. – маъноли сўрабди Амир Темур.

– Худди шундоғ, Амир Соҳибқирон! Бир қошиқ қонимиздан кечсунлар, “Гулшани ҳазойин” сандигидан дарак топмадук. Аммо бир неча нодир китобларни қўлга киритдук. Мамнун бўлгайсиз деган умиддабиз. Иккитасини – “Саҳихи Бухорий” бирлан Аз-Замахшарийнинг “Кашшоф” ини суюнчилашга ошиқадурбиз... Тағи. “Мажмуат расоил ал-ҳукамо” отлиғ бир кўп рисолалар жам бўлғон ҳазина ҳам илгимиздадур. Валинеъмат Соҳибқирон бу китобни Кўксарой кутубхонасида кўрмакка кўп орзуманд эрдилар...

– Шундоғ... Орзуманд эрдик... Балли, шаҳзодам!

– Тарих 580-хижрийда Дамашқда китобат этилмиш. Санаб чикдум: жами бир юз еттита рисола мужассамдур. Улар ичида Арасту, Ал-Форобий, Бу Али Сино рисолалари бордур.

Соҳибқироннинг кулфи диллари очилиб кетибди, шаҳзоданинг манглайидан ўпиб, ҳаммага бир-бир қараб дебдилар: – Аждодларимизнинг нодир китобларини келтирибдурлар шаҳзодам! Кўксаройда мавлоно Саъдуддин Тафтазоний Усмон разияллоҳу анҳу Куръонини Басрада эрмиш, дегандилар. Мавлонога бу гапни Ҳазрат Али масжидида ўз кўзлари бирлан кўрғон мўъминлар айтишғон эканлар. Энди билдукким, улуғ китобнинг Сарой Беркада эркани маълум бўлди... Азалдан кўнглимизни ул дурданаи бебаҳо ила Кўксарой кутубхонасини безамак нияти нурлантириб туради. Ишооллоҳ, шундоғ кунларга етғойбиз!

Соҳибқирон бироз тўхтабдилар-да, кейин давом этибдилар:

– Олий шон фарзандларим! Қадри баланд амирларим! Сўзларингиз ихлос пардасига ўралғони, садоқатингиз давлатхоҳлик туйғулари ила зийнатланғони бизга мақбулдир. Миср сultonи Баркуққа элчи жўнатилиб, орада ҳеч қандай ихтилоғга ўрин йўклиги, тожир<sup>1</sup> аҳлига бемалол йўл очилиши таклифи билдирилсун! Сulton Аҳмад жалойирни кувиб тутишни Мироншоҳ Мирзо жанобларига тобшурдук! Умаршайх Мирзо аскарлари шимол тарафни тўсмок учун ён томондан йўлни кесиб чиқмоқни уҳдаласунлар!

– Фармонингиз бош устига, Амир Соҳибқирон! – таъзим килибди Мироншоҳ Мирзо.

– Жонимиз омода, Амир Соҳибқирон! – бош эгибди Умаршайх Мирзо.

Амир Темур буюрибдурлар:

– Бағдодни майга мустағриқ шаҳар деб эшитғондик, афусуски, шундоғ экан. Шаҳардаги жами хумлар бўшатилиб, майлар Дажлага оқизилсун! Байт ул-латаф-у бобилхоналар<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Тожир (арабча) – савдогар.

<sup>2</sup> Байт ул-латаф, бобилхона – фохишахона, маъносида.

эшиклари танбалаб ташлансун! Уста-ю ҳунармандлар, меъмор-у мунахжимлар Самарқандга юборилсун!

Шундан сўнг, барчага ўз жойига тарқалишга рухсат берилибди. Соҳибқирон мамнун шаҳарга қайтишларини билдирибдурлар. Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султонни ўзларига ҳамроҳ килибдурлар.

Машварат тугагач, Мироншоҳ Мирзо билан Айбож ўғлон лашкар олдига келишибди...

Ахий Жаббор баҳодир машваратда қатнаша олмаганидан афсусланди.

– Султон Аҳмад жалойир Дамашққа йўлланибдур! – қуюқ қошларини чимирди Мироншоҳ Мирзо. – Қочиб кутулмакчи. Амир Соҳибқиронни, Турон салтанатини кўзга илмай, оёқ учиди кўрсатиб, жонини сақлаб қолмакчи! Ана энди келдик мақсадга! Яхши сўзга, муомала-ю муросага кулоқ солмайдургон икки наҳс кимса бор – Амир Қора Юсуф билан Султон Аҳмад жалойир. Улар билан Амир Соҳибқирон эмас, балки ўзим машғул бўлғаймен! Ҳа-ҳа!.. Ахий Жаббор баҳодир! Айбож ўғлон! Карбалода унинг изига тушғайсиз! Кўлға олғайсиз! Аммо бир тукига ҳам заҳмат етказмагайсиз!

Амирзода сўzlарида комил ишонч, кибр-у ҳаво сезилиб турарди.

Ахий Жаббор баҳодир кувониб кетди. “Омадимиз чопибди! Соҳибқироннинг назарлари бизларга тушибди!.. Катта ишонч билдирибдилар... – деди Айбож ўғлонга қараб. – Бари, албатта, Мироншоҳ Мирзонинг ҳиммати, доим Ироқ ҳукмдорини ўзимиз тутамиз, дерди, Соҳибқирондан ҳам ўзи тилаб олган, чамаси...”

Айбож ўғлон бош ирғаб қўйди.

Улуғ Амир ҳар бир жангда босиладиган қадамни пухта ўйлар, кимни қайси жангга юборишни белгилар, қальани олишда, ё дарёдан ўтишда, ё тоғларга чиқища, ё жанг майдонида жасорат кўргизган мард аскарми, амирми, баҳодирми кўз остига олиб қўяр, сийлаш вактида уни ёддан чиқармас, ҳамманинг олдида мақтаб кўнглини кўтарарди. Бебаҳо жонини дунёнинг омонат молига сотаётган бундай

мардларни мансаби-унвонидан қатъи назар, ўзининг дўсти деб биларди.

Кўрқоқларни эса жуда қаттиқ оларди. Кимки жангда кўрқоқлик қилса, душман ҳайбатидан ҳайиқиб ортга чекина бошласа, лашкарга парокандалик солса, ундейларни оғир жазо кутарди. У Соҳибқироннинг “Тузуклар” ида қуидаги сўзлар битиб кўйилганини валиахд шаҳзода Мухаммад Султондан эшитганди: “Қайси сипоҳий, душман қаршисида қилич чопиб, яраланса, уни тақдирлаб инъом берсунлар. Борди-ю, яраланғондан кейин қочса, унга таҳсин ўқиб, яраланғонини назарга олсунлар. Чунки у ғанимга ҳужум қилмағон тақдирда ҳам, ёв ҳамласи вақтида яраланғондир, жароҳати бунинг гувоҳидир...”

Ахий Жаббор баҳодир ўз кўзи билан кўрган: Амир Темурнинг Хоразмга биринчи юриши пайтида Кот шаҳрига етганларида ғалати воқеа рўй берди. Амир Темур лашкарга қальъани ўраган хандақни ўтин-у хас-хашак билан тўлдиришини тайинлади ва Кўча Малик деган амирга қўли билан ишора қилиб:

– Туш! – деб буюрди. Аммо қўрқувдан қалтираган амирнинг оёги тортмай, ортга чекинди.

Буйруғининг адo этилмаганлиги Соҳибқироннинг нафсониятига тегди, бошқалар олдида хижолат бўлди:

– Бадбахт! Ўзингга-ку майли, лашкар шаънига иснод келтирдинг-ку?.. Салтанат шаънига иснод – ку бу?!..

Дарғазаб Амир Темур буюрди:

– Кўча Малик чўби ясоққа етказилсун! Кейин эшакнинг думига боғлаб, сахро орқали Самарқандга ҳайдалсун!

Ахий Жаббор баҳодир Амир Халилнинг аянчли қисматини эслади: жанг майдонида қўрқоқлиги учун Амир Халилни соқолини қириб, аёллар кўйлагини кийдириб, юзига упаэлик суриб шаҳар айлантиришган. Кечаси шармисорликка чидай олмай, ўзини харига осиб қўйган... Яна бир навкар қўрқоқлик қилгани, унинг устига ғаним аскарига ғажарчи<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ғажарчи – йўлбошловчи (муалл).

бўлгани учун, кўл-оёклари кесилиб, юм-юмалоқ тулум холида тошлокда сув ёнида ташналиқ домига ташланган...

Шу пайт дашт томондан аввалроқ коровулликка юборилган Учқора билан Яналтекинларнинг шитоб от солиб келаётганлари кўринди.

– Амирзода жаноблари! Амирзода жаноблари! Ижозат берсунлар! Ижозат берсунлар! – ҳаприққанча яқинлашди Учқора, отдан тушар экан.

– Секин! Секин! Ўпкангни қўлтиқламай гапиришни ўрган! – деди Ахий Жаббор баҳодир.

– Сўзласун! Сўзласун! – куюқ қошларини чимирганча буюрди Мироншоҳ Мирзо. Амирзода бу содда йигитларни ёқтирас, уларни гапиртиришга ишқивоз эди.

– Султон Аҳмад жалойир Дажладан шитоб ўтиб олгач, кўприкни бузиб юборишни буюрибди, амирзодам... – ҳаприқди Учқора.

– Ҳа, бузиб ташлабди, отангни арвойи. – тасдиқлади Яналтекин ҳам. – Дарёни у ёғида катта қўшини кўриндиям!

– Аммо черигимизни кўриб, кути учди-ёв, дастингдан кетай... Бурғу садолари янграгач, Ҳилла шаҳри томонга караб отини бурди-ю..

– Ол-а!.. Ҳиллагамас, Дамашққа дегин! – тўғриламоқчи бўлди Учқорани Яналтекин. – Дамашққа жўнади!

– Ҳиллага! Ҳиллага! Аниқ айтилди-ку!

– Дамашққа!.. “Дамашқ-қа-а! Дамашқ-қа-а!..” деганларини ўз қулоқларим билан эшиздим-ку!

– Ҳиллага, дедимми, Ҳиллага! – гажирлиги тутди Учқоранинг.

– Вей... Э-э... Доим шундай қиласан-а, Учқора! Бир нарсани ушлаб оласан-да, қоққан қозикдай тураверасан. Ҳеч қимирлай демайсан-а, отангни арвойи!.. – ўпкаланди Яналтекин.

– Менам эшиздим-ку ахир, Ҳиллага қочди, деб!.. Вой қайсаrlигингдан кетай-а! Мана шу қулоқларим билан эшишиб турибман-ку! Ўзимни қулоқларим ўзимни алдайдими?...

Учкора, бехуда тортишиб юрма, мен ҳакман, гап тамом, дегандай тескарига қаради-да минғирлаб қўйди:

*Ер тўймайди ёмғирга,*

*Хотин – эрга... тўймайди-и-и....*

Ахий Жаббор баҳодир кулди:

– Иккингизники ҳам тўғри – Ҳилла ҳам, Дамашқ ҳам!

– А?.. Битта йўл икки ёққа оборадиму?..

– Нима-а?.. Султон Аҳмад жалойир бир пайтда ҳам Ҳиллага қочди, ҳам Дамашққа... Шундайму?

– Каллаварамлар, ахир йўл бигта-ку! Карбалодан ўтиб, Дамашққа Ҳилла орқали борадилар!

Бироз аввал рақиблардай қаттиқ баҳслашган дўстлар энди бир-бирларига тикилиб колдилар.

– Вой, дастингдан кетай! – Учкора Яналтекиннинг кифтига бир уриб қўйди. – Аравани қуруқ опқочасан-да ўзингам!

– Ол-а! – ҳайратини билдириди Яналтекин. – Менми, сенми?.. Шунақа опқочасанки, қани етиб бўлса!...

Уларнинг соддаликларини кўриб лашкарда кулгу кўтарилди.

Хижолатдан чиқиш учун Учкора гапни бошқа ёққа бурди:

– Биласанму, Янал! Бир нарсани ўйладим-да! Ҳали Фурот дарёсига борамиз-ку. Дарё жуда ҳам кўпириб оқар эмиш. Бирам чиройли оқар эмишки!.. Бирам чиройли оқар эмишки!.. Кўрган одам ўзини сувга отаркан... – гапга кавуш кийдиарди Учкора. – Пайғамбар набиралари Имом Ҳасан, Имом Ҳусайнларнинг, азиз-авлиёларнинг қадамлари етган жойлар-да... Сувидан ичганлар. Эсингга соб қўйяпман, холос. Қара, дегин, Фуротга чўкиб ўлганлар шаҳид бўлар эмиш... Шаҳид! Буни тушунасанми? Тўппа-тўғри жаннатга тушармиш-да! Тағин киёматда хеш-у акраболаридан етмиш кишини шафоат килиб жаннатга ҳақдор этиб қўярмиш! Кулай фурсатдан фойдаланиб қомайсанми, дастингдан кетай? Сенинг баҳонангда қариндош-уруғларинг ҳам жаннатга кириб қоларди. Дўстимсан, жигаримсан, қайиш-

ганимдан айтаман-да... Яна қачон йўлинг тушади-ю бу ёкларга, худо билади. Тушадими, йўқми...

– Ол-а! Оҳ, меҳрибон дўстимдан айланай-е!

Қайишганингга шукр!.. Жигарим экансанки, илинасан. Илинмай кўр-чи. Шу... десанг, дегин... – бошини қашиди Яналтекин, – ёлғиз шаҳид бўғим кемаяпти-да, унинг устига, биринчи шаҳид, отангни арвойи! Ёлғиз зерикиб қоламанми... Сенга ҳурматим жуда баландлигини биласан-ку... Насибангни тортиб олгим йўқ. Ке, сен бошлаб бера қол. Кейин, сени биринчи шаҳид дейишади...

Тағин кулги кўтарилиди.

Ахий Жаббор, етти йилдирки, белини қамишдан боғлаб Мироншоҳ Мирзо ҳукуматида хизматда. “Султониядан Самарқандга, Самарқанддан Султонияга кўп бор ўтдим, – деб ўйлади у, – аммо Ироқнинг бу томонларига, айникса, номи дунёга машҳур Карбало даштига сира ҳам йўлим тушмаган. Бир замонлар расулуллоҳнинг набиралари Хусайн ибн Али етмиш жангчиси билан шу ерда душман халифа Язиднинг катта лашкарига дуч келиб, шаҳидлик шаробини ичган экан. Унинг табаррук қабрини зиёрат этмоқ мен учун ҳам суннат, ҳам фарз... Савобга қоламан...”

– Йўлда бир одамдан эшитдик, Султон Аҳмад жалойир Хилладан ҳам ўтиб Фурот дарёсига етиби. У ерда ҳам кўприкларни сувга оқизиб юборган эмиш!.. – жиддий кўшиб кўйди яна Учқора.

Энди ҳеч ким кулмади.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

### I

Айбож ўғлон билан Ахий Жаббор баҳодирга қирқ бешта сараланган йигитни олиб Фуротга от солиб ўтиш, ғанимни қувиб нотаниш Карбало даштининг ичкарисига кириб бориш буюрилди. Дарёдаги бузиб кетилган кўприкларни кўриб Айбож ўғлоннинг ғайрати қўзғолди-ю, туза-тишга фурсат йўқлигидан қўнгли олинди. Султон Аҳмад

жалойир, худди изимни йўқотишмасин, дегандай, йўлларда ҳар жой-ҳар жойда оту хачир, хиргоҳ<sup>1</sup>-у олачук, турфа молу манол ташлаб кетганди, чамаси, душман қўлига тушмай деб, шошилганидан йигиштиришга ҳам улгурмаган, шекилли.

Сунбуланинг ўрталари эканига қарамай, ҳали ҳаво саратондагидек иссиқ, дим, нафас олиш оғир, айниқса, бу нарса дашт ичига кириб борган сари қаттикроқ сезиларди.

– Иссиғ-а! – деб қўйди пешонасига дурра танғиган Айбож ўғлон, унинг чап қошидаги чандигида ҳамишадагидек бир томчи тер лимиллаб туради.

– Унчаликмас... – жавоб берди ҳар куни киртишланадиган бежирим шоп мўйлови-ю соқолига бир неча кундан бери қайчи тегмаган Ахий Жаббор баҳодир, жазиранинг фавқулодда ҳарорати уни энтикириб юбораётган эса ҳам. Мағриб томонда поёнсиз бедаво дашт юзини коплаб олган дўзахий алангадан ҳолсизланган уфқ жимир-жимир ёнади...

Офтоб тобора олов пуркар, ташналиқдан томоқлар какрарди, сувдонларнинг эса таги кўриниб қолди. Одамларнинг чанқоқликдан тиллари осилар даражага етди. Тез сув топиш керак эди. Ҳолсизлана бошлаган Ахий Жаббор баҳодир кўкка тикилди: офтоб тиккада ҳароратнинг зўридан қимирлашга мажоли йўқ, нафаси етмай ҳаллослаётгандай туюлди унинг назарида. Воажаб, нақ жаҳаннамнинг ўзи...

Бирдан йирокда шаркираб ётган бир эмас, бирнечта булоқ кўринди! Ахий Жаббор баҳодирнинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

– Ана, худога шукр, сув кўринди! Булоқка етдик! Булоққа-а-а!.. – қичқириб юборди ҳаммани қувонтириб. Ҳамма ўша ёққа қараб чопди. Аммо боргандарида булоқнинг алдамчи сароб, рўё эканини билдилар.

– Султон Аҳмад атай шу йўлга кирдиким, дашти биёбонда бизларни сувсизлик балосига йўлиқтирай деб... – секин деди Айбож ўғлон. – Бундоғ иссиқни ҳеч кўрмагандим.

<sup>1</sup> Хиргоҳ (форсча) – подшоҳ, чодири.

– Ҳа... дашти биёбон ҳам биз билан курашадир. Ул билан кураш тушмоқ бизларга ярашадур... Жалойир кутулиб кетди. – эринчоқ отини никтади Ахий Жаббор баҳодир. – Сувимиз тугади. Одамларни ҳар томонга юборайлик, шамол каби елишсун, сув қидириб келишсун.

– Юборайлик! Топиб келишсун! Топиб келишсун! – жон кирди Айбож ўғлонга.

Кутилмаганда, навкарлардан бири қизиқ гап айтди. Эмишки, навкарлар бигта “тил” тутибдилар, уни гүё амирзода Мироншоҳ Мирзога жўнатибдилар. Унинг айтишича, Султон Аҳмад жалойир йўлни Дамашққа эмас, Басрага қараб бурибди... Буни кимдан эшитдинг, деган саволга, Хиллада бир одамдан, деб жавоб берганмиш.

Ташналиқдан томоқлари қақраган, сўзлашга ҳам мажоллари йўқ Айбож ўғлон билан Ахий Жаббор баҳодир иккиланиб қолдилар:

– Қайтамизму?.. – сўради умидсизликка тушган Айбож ўғлон.

– Зинҳор! Амирзодадан ҳеч қандай фармон йўқ.

Бундай сўзни оғизга олмаймиз, йўлни давом этдирамиз!

Уфқда олов ўз ёғига қоврилганча жимир-жимир қиласарди.

Кўп йиллар аввал Соҳибқирон бир воқеани мажлисда сўзлаганда, иттифоқо, баҳти чопиб Ахий Жаббор баҳодир ўз қулоғи билан эшитганди. Йигитлик паллалари экан, Хоразмдан қайтаётганларида душман ис олиб қувишга тушибди. Қизилкум сахроси. Ҳаво иссиқ.... Сув йўқ... Кучлар teng эмас, ғаним кўпчилик...

“Агар душман шамоли қаттиқ эсишга турган бўлса, – деганди Соҳибқирон ўшанда. – У ҳолда тавозега юз тутган маъқул, дердилар пирим...” (“Ахийларнинг русуми ҳам шу.” – деб қўйганди Ахий Жаббор ичиди). Отларга бир-икки қамчи ортиқроқ урилди. Сув йўқ... Душмандан ҳам кўра ташналиқ қаттиқроқ қийнарди. Соҳибқирон иккита кичкина силлиқ юмалоқ тошни тилининг тагига ташлабди-да, айлантира бошлабди, айлантирган сари куриган оғзида бир-икки томчи сўлак пайдо бўларкан. Шу билан жон саклаб, душман-

га ҳам тутқизмай кетган эканлар...

Ахий Жаббор баҳодир ҳам ўша йўлни тутди, тошларни тили билан айлантириди, ростдан ҳам, оғзида уч-тўрт томчи сўлак чиқди! Шоша-пиша ютганди, томогини қайноқ симбодай жазиллатиб куйдириб ўтди. Айбож ўғлонга ҳам топиб берди. Лекин бор умид сув кидирувчилардан эди.

Карбало даштида сув азалдан анқога шафелиги маълум нарса, шундан чор атрофга йўл олган одамлар излаб-излаб, икки ичимча сув билан қайтдилар, холос. Вужуди қақраган Айбож ўғлон дарҳол бир ичимини сипкорди, бироқ барваста йигитга юқ ҳам бўлмади, қайтага ташналигини багтар кучайтириди.

– Сувсоқликдан ҳолим хароб, баҳодир жаноблари. Қонмадим... – тамшанди Айбож ўғлон. – Бу аҳволда дунёдан кўз юмсан ҳам ажаб йўқдир.

– Йўғ-е, шундоқ иссиқ ҳавода нафасни совуқ қилиш ярашмайдир, ундоғ демасунлар! Ҳар нарсаниям гап деб сўзлаш ақлданмас...

Баҳодир шундай дерди-ю ўзининг кўнглини ҳам бундан баттарроқ машъум хаёллар камраб олганидан кўз юмолмасди.

– Ўз ҳолим ўзимга аён... – сўзланди яна Айбож ўғлон ҳолсиз.

Дунёда худонинг шундай газаблари бор эканидан иккиси ҳам ҳайратда эдилар, куш учса қаноти куядиган бу саҳро-да отлар тили осилганча токатсизланиб, юрайми-юрмайми деган алпозда тўхтаб-тўхтаб қолишар, тўпифидан қумга ботгани юришни яна ҳам оғирлаштиради. Йўл-йўлакай, жизғанаги чиқиб ўлиб ётган илонлар, калтакесаклар кўзга ташланарди.

– Ёняпман, жигарим сув бўлиб оқяпти, оҳ... – мунгсиради оташнок Айбож ўғлон. – Баҳодир жаноблари... Майлими, сўрасам? Агар... энди-да... оҳ... агар, борди-ю... ўз ичимингизни менга илинсангиз, тирик қолишим аниқ, йўқ эса ўламан... Қулогимга тушмиш эрдиким, битта ноннинг ярмини муҳтоҷга берганни сахий дерлар. Ўзи оч-у ноннинг ҳаммасини муҳтоҷга берганни ахий деб улуғлайдурлар...

Сиз ахийсиз, ахий, Ахий Жаббор баҳодир... Жавонмардлардан эканингиз ҳақида эшитганман...

Баҳодир ҳолсиз жилмайди-ю расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яқин саҳобалари Салмон ал-Форсийни эслади, бошига қийин дамлар тушган паллаларда доим ўшал зот ёдига тушади... Футувват ва ахийлик тарихида биринчи марта белбоғ боғлаган комил инсон Салмон ал-Форсий ўзи Ироқда, Мадоин шахрида ҳоким ҳолида, бўйра тўқиб сотиб, ўз меҳнати эвазига тирикчилик ўтказиб, маошини мухтожларга садака қиласа экан. Ана, ахийликнинг зийнати!

Ахий Жаббор баҳодир унинг ахийлар-у жавонмардлар орасида машҳур ушбу сўзларини ҳамиша такрорлаб юради: “Футувват – жумла элга инсоф-у мурувват кўрсатишdir, аммо эвазига ҳеч нарса тиламаслиқdir, яна ҳам аникроқ дейилса, барча камчилик, етишмовчиликлар, гуноҳларни ўзига олиш, аммо барча юз берган воқеалардан ўзини ихрожда деб ҳисоблашdir.” Ҳа, ҳар бели bogланган кишики, мард ва комилdir, бас, илдизи Салмон ал-Форсийга бориб уланадир...

Ахий Жаббор баҳодир дадилланди:

– Ҳаққаст-рост... Жавонмардларданман. Яхши сўзлари учун куллук. – деди у тилини баъзўр айлантириб. – Амир Соҳибқирон сўйлаб берган эдилар-да... Бу ҳазратнинг ҳикоятлари... Эмиш, бир Араб билан бир Ажам сафарга чиқибдилар. Айни шу Карбало дашти экан... Ажабки, уларнинг бошларига ҳам бизниги ўхшаб қаро кунлар тушибди, сувсизликдан чора топа олмай, бошлари қотибди, ҳалокат ёқасида тургандарини сезибдилар. Ажам бор сувини ичib тутатиб қўйибди, Арабда ҳали озгина бор экан.

“Араблар саҳоватли, олийҳиммат-у сермурувват экандари, тантиликлари билан оламга ном таратгандар... – дебди Ажам ҳамроҳининг сувдонидан кўз олмай. – Ташналиқдан ажал домига гирифтдордурман, арабга хос саҳоват кўргизиб, сувингдан марҳамат айласанг, девдим...”

Араб сира ҳам ўйланмай жавоб қилибди: “Бағоят ҳақ сўзладинг, ҳамсоя!.. Сувимни берсам, ўлишим аниқдур. Аммо... жонимни сақлаб, арабларнинг олийҳиммат-у саҳо-

ватпеша деган шарафли номига соя тушишини зинхор истамасман! Майли, ўлсам ўлгумдур, аммо арабнинг номи, шаъни деб нафсимнинг хиссасидан кечгумдир, сенга ўз ризқ-у насибамни бахшида этгумдир... Токи арабнинг яхши номи боқий қолгай!”

– Кизиқ ҳикоя экан.. Кейин нима бўлди? – ташналикни ҳам бироз унутиб сўради Айбож ўғлон.

– Кейинми?.. Араб ўз сувини шеригига тутибдур... Мен ҳам Арабдан улги оламан, Айбож ўғлон жаноблари, – жавонмардлик томирлари қўзғолди Ахий Жаббор баҳодирнинг. – Ўлсам ўламан, аммо туркнинг мардлиги-ю ҳиммати, шаънини юксак тутаман, токи унинг сахи-ю ахий экани, яхши номи жаҳон юзида боқий қолсун! Сизга ўзимнинг бир ичим сувимни раво кўргайман! Фақат бир ўтинчим: борди-ю насибам тугаб, шу ерларда ўлсам, Соҳибқиронга албатта билдириб қўйгайлар!..”

– Зинхор ўлмағайсиз, зинхор, баҳодир жаноблари! Сиз сабр-тоқатлисиз... Мен бесабрман, мен! Не қилай, сира чидамда йўқман...

Айбож ўғлон титраган қўллари билан сувдонни олди ва унга ютоқканча лаб босди! Ташналиги сал таскин топди, шекилли, роҳатланиб: “О-о-оҳ!..” – деди-да, намланган лабларини ялаб қўйди.

Оғзида қизиб кетган икки силлиқ тошни тинимсиз айлантира ётган Ахий Жаббор баҳодир ҳолсиз жилмайганча қараб турарди.

Шу палла олдинга юборилган қоровуллар қайтиб келдилар. Султон Аҳмад жалойирдан дарак топа олмабдилар. Фақат хотинлари, бир ўғли ва ғанимат нарсаларни қўлга киритишга эришибдилар. Уларнинг фикрича, жалойир саҳро ичига кириб йўқолган ё жазирамада жони узилган, аниқ бир нима дейиш қийин эмиш.

Бағдодга қайтишга фармон берилди.

Бағдодда Мироншоҳ Мирзо бошчилигига Айбож ўғлон билан Ахий Жаббор баҳодирларни саройга чорлаган Соҳибқирон, дарҳол вазиятни тафтишдан ўтказди. Айбож ўғлон-

нинг Карбало дашти ҳақидаги ҳикояси жуда таъсирли чиқди.

Соҳибқирон кайсар жалойирнинг яна кутулиб қолганидан афсус чекканини яширмади. Аммо Ахий Жаббор баҳодирдига мақтov сўзларини айтди:

— Бизга кўп эзгуликлар қилдинг, баҳодир! Уларнинг ичиди Айбож ўғлонга қилган яхшилигинг ҳаммасидан ҳам кўра улуғроқдир! Шундок, турк бўғини ана шундай саховатликлар ва олийҳимматликлар, тантиликлар билан оламни мусаххар айлагувсидир. Бизлар расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мурувватпеша тоифасига талпинамиз. Бу тоифа, каломуллоҳда айтилгонидек, ўzlари эҳтиёжманд бўла туриб, ўзгалар мухтожлигини юқори қўядурлар...

Ахий Жаббор баҳодир Соҳибқирон қошида ўлжомиший<sup>1</sup> йўсинда тиз чўkkанида ўзини оламда баҳтиёр сезди...

Шу палла мұхассиллар омонлик моли йиғилганини билдириллар. Соҳибқирон дафтари олиб эринмай вараклаб чиқди. Каноатланди, шекилли, буюрди:

— Бари лашкар аҳлига тақсимлаб берилсун!

Амир Темур руҳида қандайдир енгиллик сезди. Энди Султон Аҳмад жалойирдан умидни узиши лозим, уни саҳрома-саҳро, дарама-дара қувиб юриш номуносиб иш...

У ўзининг Самарқандга қайтиш фурсатлари яқинлашаётганини фаҳмлаб, кўнгли ёришиб кетди. Кўз олдидан Самарқанди фирдавсмонанд, она шаҳри Кеш, мұхташам-у маҳобатли Оқсарой, сўлим дилтортар боғлар, моҳиталъят маликалар, ардоқли ўғлон-ушоқлар... бир-бир ўтди, юраги согинчдан орзикди.

Юрга қайтиш тарааддудини кўриш керак, олис сафардан келаётиби, Сароймулхонимга, бошқа маликаларга, келинларга совфа-саломлар олиш ҳам эсдан чиқмаслиги лозим.

“Оллоҳга шукрки, Форсда Умаршайх Мирзо муқим тур-

<sup>1</sup> Ўлжомиший – ҳукмдор ҳузурига кирганда таъзим қилиш расми, “Тобуг” ҳам дейилади (муалл).

гай, Ҳулокухон тахтини Мироншоҳ Мирзога тобшурдум, Ҳурсонни Шоҳруҳ Мирзоға илтифот этсам... – деб ўйлади Амир Темур. – Форс-у Ҳурсон, Ироқ-у Озарбайжонлардан кўнглим тўқ бўлади. Дориломонлигини энди фарзандлар ўзлари ўйласунлар. Биздан кейин ҳам юртларни бошқар-сунлар, авлод-авлодларига ҳам шундоғ толе буюрсун. Айниқса, Умаршайх Мирзодан умидим катта... Гарчи шартаки, бироз қўрс, кўполлиги бор бўлса ҳам, кўнгли тоза, мард йигит, ёмонликни ўйламайди... Мироншоҳ Мирзо ҳам жасорат соҳиби, худо инсоғ берсун. Шоҳруҳ Мирзо ҳам оқил йигит, унга ишонамен. Энди юрт эмин-у омонлиги билан ҳам, Султон Аҳмад жалойир билан ҳам, Амир Қора Юсуф билан ҳам улар машғул бўлсунлар. Мен эсам, юртимга қайтай ва тезроқ Чинга сафар ташвишини чекай..."

Аммо кутилмаган воқеалар Амир Темурнинг қўл-оёғини ипсиз боғлаб, Ватанга қайтишга имкон бермасди. Бугун-эрта Самарқандга отланаман, деб қатъий турган Соҳибқирон ҳали қисмат унинг пешонасига Тўхтамишхон билан яна бир тўқнашиш борлигини, ўрус вилоятларига, табиати совуқ олис Масков томонларгача боришни битиб қўйганини, фақат уч (!) йилдан кейингина юртга қайтиш насиб этажагини билмасди.

## П

Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳар қанча сўраб-сuriштирса ҳам Соғинч бикадан бирон хабар топа олмади. У мудҳиш хаёлларни ўзидан қувишга уринар, иложининг борича яхшиликини ўйларди. Қиз Зарафшонга ўзини отибди, деган гапларга эса у асло ишонмайди.

Амир Аллоҳдод Тошканд ҳокими этиб тайинлангач, – Ҳумоюн ўрдудан шундай фармон олинди, – Жаҳоншоҳ ибн Жоку даставвал Самарқандга кўчиб келди. Орадан икки ҳафта ўтгач, уғрукни шайлаб Шаҳрисабзга жўнайман деганда, бирдан Соғинч бика воқеаси юз берди.

Кўзлари киртайган гўзал канизакнинг айтишича, Соғинч бика ўша куни кечаси алламаҳалгача ухламабди,

одамлар бир уйқуни уриб қўйган паллалар чамаси экан, канизак унинг бўлмасига қараса, жойнамоз устида узок тиловат тушириб ўлтирганмиш. Ҳеч қачон қизни бундай ҳолатда учратмаган экан. Шам ёруғида кечагина Камонгарондан сотиб олинган совуту дубулғанинг хона бурчагида турганини илғабди. Илгарилари унинг нақшинкор дубулғани бостириб кийиб, совутга чулғаниб олиб ҳовлида кезиб юрганларини бир неча марта кўрган экан...

Гафлат уйқуси босибди-ю, канизак қўзлари юмилганини билмай қолибди. Эрталаб қараса, Соғинч бика жойида йўқ эмиш! Жаҳоншоҳ ибн Жоқу кеча пешиндан кейин вафот этган Амир Довуд дуғлатнинг дағн маросимида қатнашиш учун Шоҳизинда мозорига кетганди.

Шўрлик ота дабдурустдан ўзни йўқотиб қўяй деди... Унинг жаҳли чиқканда суйри бурни қизарар, учли ияги билинар-билинмас титрай бошларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Боши қотди. Шу лаҳзадаёқ шаҳар ҳокими Амир Оқбуға найманга бориб аҳволни тушунтириш, навкарларни турли томонларга юбориш лозим, деб ўйлади. Бошқа шаҳарларга чопарлар жўнатишлари керак, ҳаммани оёққа турғизиш зарур... Ўзи ҳам излашга киришади, барча мулозимларини ишга солади. Соғинч бикадан бирон дарак топилса зора...

Аммо тезда бу фикридан қайтди. Бундай йўл тутиш, аввало, инсофдан эмас, бир ташвишинг деб, ҳаммани безовта-ю нотинч қиласан, иккинчидан, ўз сирингни ўзинг дунёга ёясан, ўз хашагингни ўзинг очасан, бу оқил инсонларга ярашмайдиган тутумдир.

Шу палла дўсти Амир Сулаймоншоҳ келиб қолди.

– Қандай ёрдам керак, биродар? – сўради овози яна ҳам дўриллаб.

Афсуски, Жаҳоншоҳ ибн Жоқу қандай ёрдам кераклигини билмасди.

Бирдан унинг фикри тиниқлаша бошлади-ю канизак Сарвинозни ҳузурига чақиртирди.

– Соғинч билан сирдош эдингизлар... Нега қарамадинг? Нима қилиб қўйдинг? Мен-ку, кўч-кўч овораси бўлиб,

Софинч бикани назардан қочирибман кейинги кунларда... – забтига олди Жаҳоншоҳ ибн Жоку. Кейин жавоб ҳам кутмай давом этди. – Чоғимда... билсанг керак-а, Соғинчнинг қаердалигини?

Чехраси сўлгин канизак ҳеч нарса демади, унинг сўзлашга ҳоли йўқ, факат ерга тикилганча чиройли кўзларидан ёш тўкарди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку “Ҳм-м...” деб қўйди-да, сўради:

– Сенга... ҳеч нарса демаганмиди? У ёқка бораман, бу ёқка бораман, деб... А?.. Бир нарсадан хафамиди ёки?..

– Йўқ... – ердан кўзини олмай жавоб берди мунгсираганча Сарвиноз. – Қандай кунлар бошимизда бор экан, амирим... Оппоғойим бекачим доим қизимнинг ҳолидан хабар олиб тур, деб тайинлаган эрдилар... Энди қиёматда дийдор кўришганда...

– Э, нафасингни иссиқ қил! Худди ортиқ кўришмайдигандай гапирасан? Худо сақласун! Келади Соғинч бика, келади! – деди ишонч билан амир, канизакдан ҳам кўра кўпроқ ўзини тинчлантиришни истагандай. – У ботир ва жасур қиз!

– Мен гўлни кечиринг, амирим! Нима деб қўйдим-а! Эсим ҳам кирди-чиқди бўп қолди ўзи... Кечиринг, амирим! – йиғламсираганча бошини эгди канизак.

– Сен биласан-а Соғинчнинг қаердалигини?.. – сўради яна Жаҳоншоҳ ибн Жоку, бу гал синчковлик билан канизакка тикиларкан.

– Йўқ, йўқ... амирим... Мен шўрлик қайдан билай? Билмайман... – кўзларини ердан олмасди канизак. Негадир унинг ўнғайсизлангани сезилди.

Сафарберган бошлиқ совчилар айни шу кунларда Самарқандга етиб келишди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку уларни ҳурмат-иззати билан кузатиб юборди-ю, бирдан даҳшатли ҳақиқатни англаб етди! Ҳали ҳам бу воқеа унга тушдай туюларди. Ҳа, кизи йўқ... Йўқлиги энди аниқ бўлди!.. Амир Соҳибқироннинг ишонган баҳодирларидан бири, салтанатнинг нуфузли арбоби бўлса-ю, ожиз-у нотавонлик қилиб, жигаргўшасидан айрилиб турса!..

Амир фарзандлар, ҳарам аҳли-ю мулозимларни шитоб чорлашларини буюрди.

– Соғинч бика дилбандим бирон дугонаси镍ига кетдими ё бошқа... Тошканд ёкларгами... айтмай кетибди, дарё бўйида ҳарбий машқларда қатнашарди. Оллоҳ ўз паноҳида арасасун! – деди жиддий. – Энди, барчангиз қулоғингизга қўйиб олингиз! Соғинч биканинг йўклиги ҳакида ҳеч ким оғиз очмасун, бирор бирор билан гаплашмасун! Сўраганларга сўз қотилмасун! Гап шу ердан чиқмасун! Кўзингизни очингиз! Эл-халқ билса, не дейдир? Испод-ку бу? Бу номусга тегадиган нарса... Англадингизму?..

Ҳамма саросимага тушди.

Минг бир хил хаёллар оғушида оромидан айрилган кўзлари гирён бечора ота уйда ўтиrolмади. Бир пайт қараса, ёлғиз ўзи Зарафшон бўйларида юрибди. Соғинч бикадан бирон хабар топиларми, деган умидда неча бор Чўпон ота адири атрофларини айланиб чиқди, дам Оқдарё бўйига борди, дам Корадарё бўйига... Юрганда беихтиёр: “Соғинч бика қизим-а! Соғинч бика қизим-а!..” деб қўярди.

Шу орада кимдир, қизни жинлар йўлдан оздириб олиб қочган, деб қолди. Тиқ этган сасга маҳтал турган одамга, бу ҳам бир нажот дараги бўлиб туюлди. Нужум ва рамал амалларидан хабардор Амир Сайфиддин некўз ёшлигига соҳиб кароматлар ҳакидаги машҳур китобда ўқиган бир ривоятни Жаҳоншоҳ ибн Жокуга гапириб берди.

– Хў-ў-ўш... – бошлади сўзини Амир Сайфиддин некўз.  
– Қишлоқда бир одам ёлғиз қизига томга чиқиб ўтин олиб тушишни тайинлабди. Бироз фурсат ўтганига қарамай, қиз, ажабо, томдан ўтин ҳам ташламасмиш, овози ҳам эшитилмасмиш, тушмасмиш ҳам. Шу-шу, дом-дараксиз кетибди. Ҳанг-манг ота кутб ул-қутб пири комил Фавсул Аъзам ҳузурига бориб арзини айтибди. Пир унга: “Далага боргину, кенг жойда жинлар ҳужумини даф этувчи мандал (катақ) чиз ва унинг ичига кириб, юз бир марта “Оят ал-Курси”ни ўки. Ўқийверасан-ўқийверасан, ўқишинг билан, отлик жинлар гурсса-гурсса ёнингдан ўтаверади. Аммо сенга тегишмайди. Охирида жинларнинг подшоҳи пайдо бўлади.

Шунда менинг исмимни айтиб, унга дардингни тушунтиргил!” – дейди. Ҳалиги одам пирнинг айтганини адо этади. Хўй-ўй-ўш... бир пайт жинлар подшоси фармони билан икки жин қизни олиб келишади. Тафтиш чоғида маълум бўладики, иккита жин бу сулув қизни хуш кўрганларидан узоқ вақт пойлаб юришган экан. Подшо ҳар икки жинни қатлга буюради. Ота эса қизини олиб қайтади...

Бечора ота кўзларida умид учкунлари чақнади.

– Далага борингиз, баҳодир жаноблари! – тугатди сўзини Амир Сайфиддин некўз. – Шояд жигарпорангиз топилса!..

Жаҳоншоҳ ибн Жоку Соғинч бикадай гўзал қизни бандаси тугул, жинлар ҳам ёқтириб колишига асло шубҳа килмасди. У даставвал Амир Сайфиддин некўзнинг сўзларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмади. Кейин аллақандай умидда: “Ё Ғавс!..” деди-ю, шартта далага жўнади, муносиб жой топиб, мандал чизди, катакка кириб қиблага қараб ўлтириди-да, “Оят ал-Курси” ни ўқишга турди...

Етмишинчи мартада, қандайдир отларнинг дупур-дупури эштилгандай бўлди, кўзини очса, отлар йўқ, бошида турли қушлар ғужғон ўйнаб учиб юришибди. Яна ўқища давом этди, юздан ҳам ошириб юборди. Кечгача мандал ичида қимирламай ўтириди. Бошқа ҳеч қандай садо эштилмади. Ҳеч қандай жиннинг пошшоси ҳам, жин ҳам, қиз ҳам кўринмади...

“Демак, Соғинч бика жинларга учрамаган... Эх, Соғинч, Соғинч! Қайданам сенга соғинганимиздан шу исмни қўйғон эканман! Мана энди, ростакамига соғинтириб кетдинг!..” – деб ўйлади ҳориб-эзилган ота.

Шаҳарга қайтгач, Амир Сайфиддин некўзни излаб топди, воеани баён қилди ва Куръони каримдан фол очиб беришини сўради. Унга юпанч керак эди. Фолда қуйидаги оят чиқди: “Фа-инна маъа-л-усри йусран инна маъал-усри йусро”.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Куръон. Шарҳ сураси, 5-оят. Маъноси: “Албатта ҳар бир оғирлик – машаккат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир.”

Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг кўнгли бироз таскин топди, ҳа, машаққатлар битгай, шубҳасиз хурсандчиликлар юз очгай... Худо ноумид қўймагай, қаломида айтиб қўйибди ахир. Бу изтироблар ортида баҳт-саодат кутиб тургани аён...

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

### I

Мосулда турган Амир Темур кетма-кет элчилар борганига қарамай, муросага кўнмаётган Миср ва Шом мамлакатларига юриш бошланаётгани сабабли, Самарқандга қайтишини кейинрокқа сурди-ю, бутун шаҳр-у қасабаларга, амирзодалар-у саркардалар, ҳокимларга лашкарлари билан етиб келишларини буюриб, фармон юборди. Фақат Мордин сultonидан ҳеч қандай сас-садо бўлмади. “Ортимиздағанимни қолдириб кетиш русумимизда учрамайди”, – деди Амир Темур ва қўшинини Мордин қальласи томон бурди.

Форс ҳукмдори Умаршайх Мирзо баъзи беклар уриниб ололмаган метиндай Сиржон қальласи қамалини охирига етказаётганда, олийнишон фармон қўлига тегди. У дарҳол ўғли Пир Муҳаммад Мирзони ёнига чорлатди ва қишининг қорли-қировли кунида сафар ёқмаса ҳам, лашкарни жамлаб, Мосул томонга жўнади.

Ўн беш ёшли амирзода кейинги уч ойдан бери отасининг ёнида юради. Умаршайх Мирзо унинг бўй тортиб қолганини, савашларни кўриб ҳарб сирларини ўрганиши лозимлигини айтиб, Боғи Биҳиштга киши юборди ва малика Туман оқадан сўраб олди. Пир Муҳаммад Мирзо келишган, акли ва уддабуррон эди, жангларда кўркмай қатнашарди, лекин табиатан кўнгли юмшоқ, ишонувчан, гоҳи керагидан ортиқча сермурувват бўлиб кетиши одамни ташвишга соларди.

Форс ҳукмдори ўз ўғлини кўркмас саркарда сифатида кўришни худодан тиларди, шу ҳақда бир неча марта гурунг ҳам курди.

– Амирзодам, ботир ва жасур саркарда бўлишингиз ке-

рак. Замон, салтанат ташвишлари, атрофдаги душманлар кишининг шундай йўл тутишини тақозо этадур. – насиҳат қилди Умаршайх Мирзо. У отининг жиловини тортиб-тортиб кўяркан, хийла олдиндаги ўттиз чоғли сипоҳдан иборат қоровул сафининг охиргиси олачалпок қор босган адир ортида кўринмай кетганини илғади. Орқада турнақатор тизилган йигирма минглик қўшин келмоқдайди.

– Куллук, отажон... – қўл қовуштириди Пир Муҳаммад Мирзо. – Саркардалик нима ўзи?..

– Ботир саркарда унга юкланадиган вазифани яхши англаб олмоғи лозим. Саркардалик... бу ҳам қисмат...

Умаршайх Мирзо шундай деди-ю бир лаҳза келажақда суюкли ўғлини салтанат тепасида деб хаёл қилди ва шу ондаёқ негадир хижолат тортди. Амирзода ҳали ёш... Майдон ва даврон сирларини ўрганиш, подшолик русумларини теран билиш ташвишини чекиб ўтирумайди. Чунки бошида бир соябон Умаршайх Мирзо, иккинчи, ундан ҳам улкан соябон – Соҳибқирон турибдилар... Нима ғами бор? У ўғлининг келибоқ, салтанат нима, саваш нима, амаки амирзодалар ўртасидаги ҳasad, қитмирлик ва ҳоказолар ҳақида саволларга кўмиб ташлайди, деб ўйлаганди. Йўқ, бирон марта ҳам булар ҳақида сўрамади. Аввалги сухбатларда ўғлига бу гапнинг учини сал чиқариб қўярди-ю шу кифоя деб ҳисобларди ўзича. Энди билдики, унга яхшироқ тушунтириш керак экан. Унинг ўн бешга кириб, ҳали ҳам ёш боладай эканидан кўрслиги тутди, аммо жаҳлини босди:

– Жасур саркарда бир сўзли, қатъият соҳиби, агар жангга кириш керак деб қарор этган бўлса, хатолигини кейин фаҳмлаб қолса ҳам, қайтмайдиган киши... Амир Соҳибқирон айтадиларки, бир ишга киришишдан олдин чиқишни ўйлаб қўй...

Амирзода жиддий қулоқ сола бошлади.

– Жасур саркарда фақат бир нарсани ўйлайди, – давом этди Форс хукмдори, – фақат душманни мағлуб этишни! Олдида фақат ғаним, майдон бор, ғалаба эса унинг ортидадир. Зарур эрса, қўл билан тифни тутишга тайёр бўлиши керак! Саркарда сахрода лолакизғалдоқни от босиб

кетди, майсалар эзилди, деб куйиниб юрмайди, ҳеч кимга, ҳатто ўзига ҳам шафқат кўргизмайди. Чумолининг уяси бузилди, деб хижолат чекмайди, бу – қисмат. Хаёлпарамастлик ундан йироқ, У куни қиссаҳондан эшитдик-ку, Султон Жалолиддин ҳакида... Султон Чингизхон аскарларидан қочиб, ночор Синд дарёси бўйига келди. Онаси, хотинлари, ҳарамидаги аёллар, бизларни ўлдир, душманга хор бўлиб асир тушишдан қутқар, деб ёлвордилар... Султон жасоратли саркарда эди, у бари Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси эканини англади ва... онаси-ю хотинларини дарёга чўктириб юборишиларини буюрди...

– Қандай... отажон... чўктириб юбориш мумкин? Онасини-я? Шундай... қараб туриб-а? Демак, саркарда бешафқат одам экан-да?

– Дунёнинг ўзи бешафқат килиб яратилғон.

Ҳаммамиз ўшанинг қўлида ўйинчоклармиз! Раҳм-у шафқатни унутиб қўямиз. Кўнглимиз тошга айланган. – Умаршайх Мирзо давом этди. – Жуда кўп саркардаларда шу хислат бор, шафқатсизлик... Бу саркарда табиатига ҳам боғлиқ. Саркарданинг фикр кенглиги жанг пайтида ҳарб майдонига тенгдир, дейдилар Амир Соҳибқирон. Ёнингда олов ловуллаб, рўбарўнга душман қилич ўқталиб, жонингни оламен, деб ғазабнок турса, ўлдирмайми-ўлдирмайми, ё “Тўхта, бу феълингдан қайт!” дея инсофга чакирайми, мабодо ўлдирсам, адолатдан бўладими ёки адолатсизлик қиласменму, деб ўйлаб ўлтириш гумроҳликдур.

– Отажон... – сўзни кесди амирзода. – Етти-саккиз йил аввал Самарқанддаги зиёфатда амаким амирзода Мироншоҳ Мирзо Ҳиротнинг валиаҳди менинг адашим Пир Муҳаммадни шундоқ қулиб қараб туриб қилич билан бошини узиб ташлаган эканлар. Биз, ёш амирзодалар бу ҳақда кўп гапирамиз, мардлик деб, мақтаб юрамиз...

– Бу мардлик эмас! Мардлик жангда, майдонда билинадур! – Ота ўғлининг хаёли бошқа жойда эканидан бироз ранжиди. – Шафқатсизликка мисол, холос, бу. Мен киммен, деб манмансираш, бошқаларга қўрқув солиш, куруқ олифтагарчиликнинг нақ ўзи, холос!

Умаршайх Мирзо ўғлининг олдида гапи ғийбатга чиқиб қолишидан қўркиб, мавзуни бошқа ёққа бурди:

– Амир Соҳибкорон саркардалик борасинда кўп сўйлагонлар, амирзодам! Чин саркарданинг кучи-куввати даставвал уруш майдонини танлашда қўринади, дейдилар ҳазрат, уруш майдони олди очик, кенг, душман қўшинидан баландроқда жойлашсин, офтобга рўбарў бўлмасин. У майдон тарзини, душманнинг қай йўсинда жангга кириши ва чиқишини кузатади, то ғанимнинг ўзи уруш бошламагунча чидайди. Чунки, расулуллоҳ айтганларидаи, шошқалоқлик шайтоннинг кирдикоридур. Зинҳор қоча бошлағон душман изидан қувмайдур, уларнинг ортида катта қўшин турганига фаҳми етадур...

– Агар лашкари енгила бошласа, нима қиласди?

– У ҳолда саркарданинг ўзи майдонга тушсин, деганлар валинеъмат бобонгиз. Аммо ўққа учса ўрдуга бадномлиг-у иснод келтирадир, деб огоҳлантирадилар. Шу сабабдан ўзини эҳтиёт қилсун...

– Биласизми, отажон, укам-чи, Рустам Мирзо, катта бўлсам, саркарда бўламен, роса одамларни қийратамен, дейдир...

– Саркардалик одамларни қийратиш эмас! Саркардалик...

Шу палла оти қаттиқ қоқинганидан гапи оғзида қолган Умаршайх Мирзо мункиб йиқилиб тушай деди! “Даъюс!..” – сўкингандан отига қамчи урди Форс ҳукмдори. Қилган ишидан хижолат бўлгандай от бошини эгганча яна йўртиб кетди.

– Ботир ва мард саркарда, ақлли, орқа-олдига караб қадам босадиган, юрт бошқаришнинг уддасидан чиқа оладиган сардор бўлиб, қўркмас, валламат сифат вояга етингиз, амирзодам! Бошқа амирзода амакиларингиз, укаларингиз олдида уялиб қолищдан худо сақласун!.. Катта ўғлимсиз, яратган сизга насибани ҳам катта беради. Токи барча амирзодалар ўзбошимчаликка бормай, ҳурматингизни қилиб, кудратингизни тан олсунлар, машваратингиз тепасида ўлтурсунлар, сўзингизга кулоқ солсунлар, сиздан bemas-

лаҳат бирор ишга қўл урмасунлар. – давом этди Умаршайх Мирзо. – Худо ҳоҳласа, Амир Соҳибқирон марҳаматлари билан, сизга Исфаҳонни, Рустам Мирзога Хуррамободни, Искандар Мирзога Ҳамадонни тобшуришни мўлжал қилдум. Аҳмад Мирзо энди бешга кирди, унга Язд вилоятини бағишлаб қўйдум...

– Оллоҳ умрингизни зиёда айласун, эй падари бузруквор!

Адирликдан ошиб туша бошладилар, олдинда яна оппок қорга чулғанган водий ястаниб ётарди. Ҳаёлларга ботган Пир Муҳаммад Мирзо энди индамасди.

Умаршайх Мирзо Соҳибқирон ҳузурига борар экан, кўнглида мамнунлик туйғуси гупиради. Вилоятдаги муҳолифларни бартараф қилиш унинг кўп вақтини олди. Нафсилаамрини айтганда, иш осон кечмади. Ҳумоюн ўрдудаги сўнгги машваратда ҳам Соҳибқирон Форсда ҳали ҳануз нотинч вазият кўпчиб турганини яна таъкидлаб ўтдилар, Умаршайх Мирзо бошини кўтаролмай ўтириди.

“Кўрагон” ликдан гердаядиган одат чиқарган Мироншоҳ Мирзо ер остидан оғасига караб-қараб қўиди, ичидаги мамнун эканини яширмади. Ҳа, оға билан ука – тарозининг икки палласи: бирининг нуфузи қанчалик пасайса, обруси тушса, иккинчисиники шунчалик ошади. Мана энди, унинг олдида бузғунчилар уясига айланган Гармсирдаги Шаҳриёр, Фадак, айниқса мустаҳкамлиги, қаршилик яловини баланд кўтаргани билан Соҳибқироннинг ҳамиятига теккан Истаҳр каби қальялар фатҳ этилгани, – унга Сиржон ҳам қўшилди, – Форс вилоятининг дориломонлик замонларига етишгани ҳақидаги хушхабарни Соҳибқиронга етказишдек шарафли вазифа турибди.

Бу сафар машварат бошқача ўтади. Мироншоҳ Мирзо ҳам қойил қолиб, ерга бокиб ўлтирса керак. Ўтган йили ёздаги Исфаҳон машваратида Амир Соҳибқирон унга Ҳулукхон мулкини топширишларини айтган эдилар, укаси ортиқча манмансирашга берилиб кетди. Уни ўйлагани сари ичидаги хижолат чекади.

“Форс вилоятида бесаранжомликлар ҳозир йўқ.. – Умар-

шайх Мирзо укаси ҳақидаги хаёлларни ўзидан қувишга уринди. – Энди бориб Амир Сохибқирондан ижозат сўрамак, ёрдам тиламак мумкин! Бас, кўпдан кўнглимда саклаб юрган ниятимни амалга оширамен! Тингчиларим хабарларига кўра, Олтин Ўрда хоқони Тўхтамишон тап тортмай Дарбандга чангол солибдур. Амир Сохибқироннинг шу ерларда юрганларини билиб туриб, журъат этибдур, нокас!

Сифноқ томонда ҳам ўша бадбаҳтнинг гала-гала аскарлари изғиб юраркан. Неча йилдирки, Ҳазрат ундан озурдалар... Мироншоҳ Мирзо ҳам Тўхтамишонни қочириб юбордингиз, деб ҳар гапида теккизиб ўтади, жаги ёпилмайди. Иншооллоҳ, зафарқарин қўшинимни унга томон бурамен ва енгиб, ўзини қўйдек ҳайдаб, валинеъмат Сохибқирон ҳузурига олиб келамен! Бу ниятимни амалга оширгагунча, дунёдан кетмасмен!..”

Ҳали Багдодга тўрт манзил йўл бор эди, Курдистондан ўтиб, Хармотур деган қалъага етдилар. Қўшинга уч кунлик ҳордик буюрилди. Ҳар бир бек ўз юмуши бошини тутди. Фавқулодда бежамали курилган, тепаликда бамисли узукка кўз қўйгандек чиройли жойлашган, теврак-атроф кафтдек қўриниб турадиган ғиштин қўхна қалъа амирзодага, Кешнинг Оқсаройидай бўлмаса ҳам, ҳар қалай улуғвор, фариштали, дилтортар, шинам бир маскан бўлиб туюлди.

– Оламда шундай чиройли жойлар ҳам бор-а! Қишида шунчалик, баҳор-ёзда жаннатнинг ўзи бўлар экан-да!.. – деб юборди ҳайратда амирзода. – Кеш музофотига жуда ўхшаб кетаркан! Бирам Кешни соғиндимки! Бу ерда толеи баланд одамлар яшаса керак...

Унда сайр этиш, кўнгил очиш, ичкарига кириб айланиб чиқиши истаги туғилди, агар вакт изн берса, ов уюштириш ҳам мумкинлигига дикқатни қаратди. Ҳаво ҳам мўътадиллашиб қолган, ёқимли эди. Отдан тушди-да, ўзини масъуд-у мамнун сезди-ю, атрофни ёлғиз томоша қилгиси келди.

Оппок қорга чулғанган борлиқ кўзни қамаштиради.

Кўхна қалъанинг девори жуда қалин, устида нақ бир арава юра оларди, баландлиги ўттиз беш газ чиқади, тошдан

ишлиңган пойдеворининг ўзи етти газча бор. Ҳар йигирма қадамда шинак – дарчалар қўйилган. Аммо қалъада ҳеч ким йўқ, атрофда бирон тирик жон нафаси сезилмасди.

Фавқулодда завқ-у суур օғушида оҳиста-оҳиста қадам ташлар экан, Умаршайх Мирзо: “Қалъа тепасига чиқамен-у, ўша чиройли шинаклардан олис-олисларга тўйиб-тўйиб қараймен!..”, – деб қўйди ўзича.

Иттифоқо, шу палла қалъада қандайдир бир одам бекорчиликдан, ўйнаб ҳар томонга ўқлар отиб, ўз вақтини чог қиласди. Кутимаганда, маталларда айтилганидек, ўйиндан ўқ чиқди: қазойи ногаҳонда отилган ўқлардан бири Умаршайх Мирзонинг қулоғи тагига санчилди! Қалъанинг нариги томонида юрган Пир Муҳаммад Мирзо бирдан отасининг: “Воҳ!” деб қаттиқ қичкириб юборганини эшилди! Шошилганча югуриб келиб қараса, Форс ҳукмдори оғзидан қон оққанча, ерда инграпиб ётибди! Ҳанг-манг ўғил ўзини отасига отди:

– Отажоним! Падари бузруквор!..

– Куним битибдур... Амирзодам, қулоқ солингиз... Тўнғич ўғлимсиз, билиб қўйингиз... Онам Тўлун оға, момонгиз... Амир Соҳибқироннинг канизакларидан эканлар. Бу ҳам қисмат... Шундан валиаҳд бўлолмадим... Иҳ-м!.. И-и-им-мм!.. – Кўзлари ола-кула Умаршайх Мирzonинг нафаси қисганидан зўрга гапиради. – Билиб қўйингким, сизларга ҳам насиб этмайдур...

– Нега?.. Нега?.. Нега ахир?..

Пир Муҳаммад Мирзо бу саволига жавоб ололмади. Отасининг узоқ йиллар кўнглида саклаб юрган армонини илк марта эшитиб, худди ота-онаси бағрида ўсиб вояга етган, ақли тўлишган паллада бирдан даҳшатли ҳақиқатни – боқиб олинганини билган фарзанд ҳолига тушди, тили тутилиб қолди. Чархи фалакнинг икки аёвсиз зарбаси – отасидан жудо бўлаётгани ва валиаҳдликка ҳакки йўқ экани – уни батамом эсанкиратиб қўйди.

– Ўғлим... ўғлим... Хоким бегона ерларда қолиб кетмасун... Кешга элtingизлар... – Умаршайх Мирzonинг гапириши тобора қийинлашиб борар, сўzlари узуқ-юлук чиқар,

дам-бадам қон тупуарди. – Тұхтамишхондан... қасос оласен!..

– Отажоним!..

– Оласен... Йүқса, гүримда тикка турамен!.. Қасос... қас... Лоилоҳа...илаллоҳу-у-у...у...

– Отажон!.. Отажон!.. Ҳой, амирлар!!! Беклар!!! Бу ёқ-қа! Бу ёққа!.. Отажон!!! – қичқириб юборди жон ҳалпида Пир Мұхаммад Мирзо. У барини тушда күраётгандек, жудолик мусибатини ҳали түлиқ анграб етмаган эса-да, күнглиниң бир четидан беихтиёр: “Энди Форс вилоятининг хукмдоримен!”, деган фикр бир қалқиб үтди..

Умаршайх Мирзо калима қайтарғанча, жон таслим қилди. Беклар саросимада гунг-у лол қотиб қолдилар:

– Амир Соҳибқиронга не деймиз?..

– Нақ бошимиз кетади, Соҳибқироннинг қаҳрлари қаттиқ... Асраб қололмадингизлар, бепарво бўлдингизлар, деб жазо беради...

– Бизнинг не ёзуғимиз бор?..

Ҳалигина оламнинг гўзалликларидан завқланиб-шавқланиб турган хукмдорнинг шундоқ кўз олдиларида жон омонатини ўз эгасига топшириши ҳеч ақлга сиғмасди. Улар, худонинг хоҳиши-да, дея ҳам амирзодани, ҳам ўзларини юпатишдан ўзга чора тополмадилар.

– Бадбаҳт қалъани ер билан яксон қилинсун! – қичкириди кўзлари қонга тўлган Пир Мұхаммад Мирзо. – Биронта тирик жон қолмасун, бари қиличдан үtkазилсун!

Қиргин-у талотўп авжга чиқди. Қорлар қонга бўялди...

Умаршайх Мирзо жасадини пойтахт Шероз шаҳрига жўнатдилар.

Айни бу паллаларда Амир Темур Мординга борар экан, чакалакзордан ўтиб тўқайзорга етганда, қўшинга тўхташни буюрди.

– Шикор солинсун! – деган фармон содир бўлди. “Шикор!”, “Шикор!” деган садолар янгради лашкар ичра.

– Пиёдалар чап томонга сойлиг-у сайхонларга, суворийлар ўнг томонга қишлоқларга, дала-дашtlарга тарқалсунлар, токи сахро ҳайвонлари халқага олинсун! – деди

Соҳибқирон. – Ҳар тарафдан ноғоралар қоқилсун, карнай-сурнайлар чалинсун, уларга бурғулар қўшилсун!

Ер-у осмон даранғ-дурунғга тўлиб, нақ қиёмат қойим бўлди. Катта майдонни қамраган улкан қора ҳалқа сурони кўкни қоплади, кишини жунбушга келтирадиган ҳайқириқлар борликни тутди. Ваҳимага тушиб, инларидан отилиб чиқсан ҳайвонлар ўтакаси ёрилганча, у ёқдан-бу ёққа чопишар, бўкиришар, маърашар, чийиллашиб увлашарди. Тўсатдан ёприлган бало-қазодан қандай қтулишни билмай, ўзларини унутиб, бир-бирининг пинжига киришга уринишарди. Қоракийик урғочи шерга ҳайиқмай ёндашди, шақол куён болалари орасига ўзини урди, бўри охулар ичидан паноҳ излади, йўлбарс кийик билан топишди, кулон шерга сифиниб борди, сайғоқ – тулки дўст бўлди... Кўк суғун-у тяқушлар, айик, кўтос, мугузи билан нақ отни кўтара оладиган, терисига ўқ ўтмас, қилич кесмас каркидонлар қаёққа боришни билмай гарангсиб, сехрлангандай жойларида қотдилар...

Тог тарафда узоқларда икки отлик, учкур този итларга ҳам еткизмай бораётган жайронлар тўдасини қувиб борарди. Улардан бири – оқ от минган Мироншоҳ Мирзо (овни тақлиф этган шу амирзода эди) эканини Амир Темур аниқ илгади. Оқ от қорда бамисли йўқдай кўринмас, кора пўстинга ўралган амирзода худди ўлжа кетидан ер багирлаб учиб бораётган қора бургутга менгзарди. Айрим амирлар иловасин излаб, жануб томондаги каттагина кўл бўйига йўл олишган. Чап томондан эса: “Ушла! Олдини тўс!.. Ана! Қочди! Қочди!..” деган овозлар эшитилади. Баланд тепаликдаги шохона чодирдан чиқиб кузатаётган Соҳибқироннинг бор дикқати тобора торайиб келаётган улкан ҳалқада экан, кала-патра ҳайвонлар тутумига боқиб, ўзини кулгидан тўхтата олмасди.

У қўлидаги қарчигайни овга солишига ҳали фурсат бор деб ҳисоблади. Хаёлининг бир четида йўлда келаётган Умаршайх Мирзо турарди. “Амирзодам овнинг додини бермоги ўщубҳасиз эди! У моҳир мерган...” – ўйлади нечундир ўғлининг қадамларига интизор бўлиб. Умаршайх

Мирзо Мординга ўхшаш баланд тоғ устига қурилган қалъаларни забт этишни ҳамиша ёқтиради. Келса, Мординни қамал қиладилар-у Миср ва Шомга жўнаб кетадилар.

Бу орада эрталабдан олис-олисларда ҳай-ҳайлаб ов излаб юришган бек-у лашкарбошилар бир-бир қайта бошлишиди.

Ҳамма Соҳибқирон олдида ўзининг шижоатини намоён этиб, олий назарга тушиш учун бек-у навкарга Оллоҳнинг инояти-ю яратган имконияти бўлган шикордан унумли нафланиб қолишини истарди.

Чап томондан яқинлашаётган Амир Шоҳмалик олдига бир тирик олкорни ўнгарганча, атрофга хотиржам боқар, ўнг томонда эса Шайх Нуриддин баҳодир ўнта тустовуқни бўйнига шода монанд осиб олган, эгар орқасида отиб ўлдирилган бўри танаси бояланган, маҳлукнинг қўл-оёқлари дам-бадам от қорнига тегиб шалпилларди.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку билан Муҳаммад Чуроға додхоҳлар каттагина қоракийикни тўрт оёғини бир қилиб боғлаб, ёғочга илишиб, навкарларга кўтартириб олишганди. Валиаҳд Муҳаммад Султон, Ахий Жаббор баҳодир, Айбож ўғлон, Амир Сулаймоншоҳ, Мирзо Алибек, Султон Ҳусайн Мирзолар қора ҳалқани бошқаришарди.

Шу палла ҳайқирганча, Мироншоҳ Мирзо етиб келди! Эгарнинг олдида отга ўнгарилган жайрон кўзга ташланди. Ҳамма жайроннинг бўғозлигини кўриб: “Оҳ!” деб юборди. Ўқ ўмганидан тегибди. Юмилмаган чиройли кўзлари худди Соҳибқиронга: “Менинг айбим нима?..” деб маломат қилиб зориллаб, тикилиб тургандай туюлди. Соҳибқироннинг юраги титради. “Қорнида боласи бор экан, шуни ўлдирибди-я! Амирзода Мироншоҳда шафқат камрок-да...” – деб ўйлади афсус билан.

– Амир Соҳибқирон! Амир Соҳибқиро-о-он! – деган овоз эшитилди бирдан. Юз қадамлар наридан бир чопар отдан тушиб, тиззалаб фарёд айлаб кела бошлади.

– Бир қошиқ қонимдан кечингиз!.. Умаршайх Мирзо... Умаршайх Мирзо... амирзодам... Бир қошиқ қонимдан... Энди нима қилгоймиз?.. Қонимдан кечингиз...

Чопар ҳаллослар экан, бошқа сўз айтолмасди.

Амир Шоҳмалик ва Жаҳоншоҳ ибн Жоку бир томондан, Муҳаммад Чуроға додҳоҳ, Шайх Нуриддин баҳодирлар иккинчи ёқдан чопар ёнига югуриб бордилар-да, кўлтиғидан тутиб кўтардилар.

– Нима бўлди? Ўзингни бос!

– Тушунтириб сўзла! Секин!..

Чопар ҳамма нарсани тушунтириб бергунча, хотинлардай пиқиллаб йиглашдан ўзини тиёлмади... Изтиробга тушган амирлар ҳеч яшириб бўлмайдиган бу ҳақиқатни айтмаслик чораси йўклигини билишарди. Барчаси тўпла нишиб келиб, Соҳибқирон тўнининг пешларини кўзларига суртиб, гуноҳларидан кечишларини сўраб, тавоғ айлаб ўраб олдилар, ётиғи билан мусибатдан арз қилдилар ва сабр-тоқат тиладилар...

Жаҳонгир Мирзодан сўнг суюкли шаҳзода даражасига кўтарилиган Умаршайх Мирзо ҳалокатидан Амир Соҳибқироннинг қадди букилмаса эди, деб қўрқардилар, холос.

Кўзлари юмуқ Соҳибқирон қаттиқ тишини тишига босиб иягини кўтарганча жим туриб қолди...

– Албатта... биз Оллоҳнинг бандаларимиз ва албатта ул зотга қайтгувчилармиз... – босик деди кўзларига тўлган ёшдан бир томчисини ҳам ерга туширишга кўймай Амир Темур. У ҳамиша оғир дамларда ўзини кўлга олиб, Оллоҳнинг каломига суянар, жунбушга тушган кўнглига шундай таскин топарди. – Бешак-шубҳа... Кўлимдаги қарчигайимни овга солмокқа шайлангон эрдим. Қарчигайимнинг ўзини мерғанларнинг мерғани овлаб кетди, бургутга бергисиз қарчигайимни!.. Не қилса, ҳаллоқи безаволнинг ўзи қилур...

Орага ноҳуш жимлик чўқди.

– Ўқдек тўғри бўлмоқлик, кибр-у ҳавога йўл очмаслиги лозим. – негадир ўйланиб қолди Соҳибқирон. – Умрнинг ўзини ҳам ўқдек ўтаётганини билмайди-да киши. Амирзодам барига қўл силтаб кетди...

Амир Темурнинг юрак ҳоври сал пасайиб турганди, етиб келган дийдаи гирён Пир Муҳаммад Мирзонинг ўзини Соҳибқирон оёғига ташлаши дардни янгилади. Амир Темур-

нинг бардоши чидамади, набирасини қўлтиғидан кўтариб турғизгач, бағрига босаркан, ичидаги дард “Уф-ф-ф!..” шаклида отилиб чиқди. Кейин дарҳол ўзини ўнглади:

— Ўксинма, ўксинма... Ношукр бўлмайлик. Ҳа... Бири кам дунё деб шуни айтадилар. Тўқис дунё қайда бор, ҳайхот! – Амир Темур Шероз тарафларга кўз тики. – Аввали, парвардигор мени бало-қазолардан асрани, менга отилган не-не захри қотил ўқларни бартараф этди, ҳифз-у ҳимоясига олди, аммо... фарзандлардан қисди! Иккинчи ўғлимдан ҳам айрилиб турибмен... Бу ҳам парвардигорнинг илтифоти. Мени синади, катта синовларга ташлади мени... Ўзининг суйган бандасига шундай ташвиш-у мусибатлар юбориб туради. Беадад шукр!.. Илоҳи, ҳамиша ўзи ёдида сакласун, ҳеч бир бандасини фаромуш этмасун! “Худо сабр берсун!”, “Худо сабр берсун!” деган овозлар эшитилди атрофдан. Ҳамманинг боши эгик, ҳалигина ширкорнинг суронларидан қанотланган кўнгиллар энди мусибат юкидан чўкиб қолгандай эди.

— Ҳа... Иккинчи ўғлимдан ҳам айрилдим... – деди яна Соҳибқирон ва, иттифоқо, назари Мироншоҳ Мирзо отига ўнгарилиган бўғоз жайронга тушди. Бугун-эрта болалаши мумкин жайрон ҳали-ҳануз юмилмай қолган чиройли кўзларини тикканча, гўё: “Менинг айбим нима?..” дея маломат қилиб турарди. Соҳибқироннинг увалган юраги тағин эзилди, ичидаги амирзодадан ранжиганини билдирамади, Муҳаммад Чуроға додҳохга қаради-ю буюрди:

— Умаршайх Мирзонинг ўғли Пир Муҳаммад Мирзо Форс вилояти ҳокимлигига лойик кўрилсун! Амирзодани Шерозга элтсунлар!

Амирлар Шерознинг янги хукмдорини дабдурустдан кутлашга журъат этолмасдилар.

Соҳибқирон оҳиста ортига ўтирилди, кўзларига тўлиб, ана тўқиламан, мана тўқиламан, деб турган ёшлар энди унга бўйсунмай қўйишди. У ҳеч кимга бокмай, шоҳходирга кирди... Лахза ўтмай, бир марта ўқраган овоз эшитилди. Чамаси, борлиқ-вужудини тўлдириб юборган ғусса отилиб чиққанди.

## П

Мордин қамали қарийб икки ойга чўзилди. Икки ой давомида жувонмарг ўғлиниң сиймоси Амир Темур кўз ўнгидан кетмади. Шартаки, бироз қўрс табиатли, юмалоқ юзли, кўзлари онасиники – Соҳибқирон канизак Тўлун оқани жайронники сингари чиройли чашми шаҳлоси туфайли дилдан суряди. Исмига муносиб тўлин ойдай гўзал аёл эди Тўлун оқа!

Кўнгли бесаранжом Соҳибқирон ҳар уч кунда Султонияга чопар йўллар, янгиликлар борми, деб сўратар, келишини кутмай, яна янгисини юборар, Сароймулхонимдан хабарлар тиларди. Кенжа келини, Шоҳруҳ Мирзо хотини Гавҳаршодбегимнинг ой-куни етиб турибди... Оллоҳ қандай набира ато этар экан? Берса, умри билан берсин ишқилиб...

Умаршайх Мирзонинг дастлабки маросимларини ўтказган Сароймулхоним, Шероздан Султонияга тезроқ қайтиш чорасини излади. Унинг ташвиши ҳам ўша... ўн беш ёшли келинчак Гавҳаршодбегим...

Тарих милодий 1394-йил Наврӯз кунлари бутун Турон мамлакати учун кутлут келди:

– Соҳибқирон келиnlари, малика Гавҳаршодбегим салтанатга паҳлавон ўғил ҳадя этдилар! – суюнчилади чодирдан чикқан доя хотин.

– Вой, ўғил!.. ўғил!.. Оҳ-оҳ! – Сароймулхоним қичқириб юборди. У ўзидан кўра ҳам, Соҳибқироннинг қанчалар кувонишини хаёлидан ўтказди.

Маҳди улё суюнчисига тайёрлаб қўйган попукли гулдор ҳамённи узатди. Чақалоқнинг қулоғига аzon айтдириб, Турон тупроғидан олдириб турпоклатди. Ирим қилиб, кичик чилласини ўтказгачгина, Соҳибқиронга чопар йўлламоқни кўнглига тугди. Кейин ўйлаб-ўйлаб, хушхабарни Ҳазратга бирор орқали эмас, ўзи етказиши лозимлигини англади. (Софиниб қолган-ку, бу томони ҳам бор, баҳонада дийдорлашувга имкон туғилур!) Ўзи бориб қутласин. Соҳибқироннинг Умаршайх Мирзо мусибатидан нурсизланган кўзларида шодлик учқунлари чақнаганини кўриб, ўзи ҳам

қувонсин. Чакалоққа исм айтсунлар, суюнчисини ҳам узатиб қўйсунлар... Кейин, бошқа зарур гапи ҳам бор катта маликанинг...

Мордин қалъаси эса ҳамон бўй бермасди. Баланд қоядаги шоҳчодирда машварат чақирилди. Кечагина Андхойдан қайтган пири муршид Мир Сайид Барака, валиаҳд Муҳаммад Султон, Мироншоҳ Мирзо, амирлар, саркардалар Соҳибқирон сўзларини эшитишга муштоқ эдилар.

– Оллоҳ шоҳиддурки, инсофга чорлаймиз, деб шунча вактни бой бердик. Сабр этагини тутдук. Қалъа бамисоли бокира қиздек ёнига кимсани яқинлаштиришни истамайдур... Ўзларига бино қўйиб, катта кетиб, қўргонимиз мустахкам, энг баланд қояда жойлашган, бировнинг қўли етмайди, деб хомтама бўлғонлар, шекилли. Энди ўзларидан кўрсунлар! Қалъа таг-тугидан қўпорилсун! Мордин ҳам, ичиндағи Қалъаи ал-Боз ҳам! Манжаниклар ишга солинсун! Кўчма миноралар тиклансун! Шафқат қилинмасун!

Дарғазаб Амир Темурнинг қарори қатъий эди. Худди Умаршайх Мирзонинг ўлимига Хармотур қалъасидагилар эмас, балки мординликлар айбордрай туюлди Соҳибқирон назарида... Шу топда ўзи ҳам жангга отиладигандай алпозда, сабрсизланганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

– Ҳали улар бизни яхши билмайдурлар, билғонларида кеч бўладур! – деди қалъа ёққа тикиларкан Соҳибқирон.

Гарчи ҳукмдорнинг айтган сўзи отилган ўқ эканини, ортга йўл йўқлигини билса ҳам, Муҳаммад Чуроға додҳоҳ ноумид-шайтон, қабилида иш тутиб, бир уриниб, Соҳибқиронни ниятидан қайтармоқчи бўлди. Аммо Амир Темурга боқиб даҳшатга тушди! Ҳамиша Соҳибқирон чехрасини безаб турадиган мулойим нигоҳлар йўқ, аксинча қўзлар қисилган, қўл соқол учида, газабдан ҳукмдор фавқулодда жунбушга келган... Шундай ҳолатлар Исфаҳон воқеасида, даставвал исфаҳонликларнинг тунда туронлик уч минг солиқчини ноҳақдан ўлдирганларини билганида, кейин эса ўлганлар калласидан минора ясаганларини эшифтанида юз берганини Муҳаммад Чуроға додҳоҳ ўз кўзи билан кўрган.

Хар икки ҳолатда ҳам Соҳибқирон пурғазаб ҳукмдор сифатида намоён бўлганди.

Додхоҳнинг кўнглини, шубҳасиз, амирзодалардан кимдир, узоқни ўйламайдиган Мордин ҳокимининг беадаблиги туфайлигина шундай мустаҳкам қалья бузилиб ташланадирму, ахир Турон салтанатига мустаҳкам қальялар ҳам керак-ку, афв этсунлар, дея сўрайди, деган умид илитиб турарди. Балки пири муршид сўзга оғиз очарлар?

Аммо ҳеч ким сўз қўшишга ботинмади. Ўзи энди гапирмокқа тараффудлана бошлаган ҳам эдики, Соҳибқирон буюрди:

– Мамат! Фармон қўшинга етказилсун!

Ортиқча гапга ўрин йўқ эди. Машварат тутагач, барча қиличига мағрур бўлиб, қалья тараф йўналди.

Амир Темур шоҳчодир олдидаги муваққат таҳтда асаби таранглашган ҳолда ўлтирас, кенг пешонасидаги тириш сира кетишни истамасди. Мир Сайид Барака таҳтнинг ўнг томонида, Мухаммад Чуроға додхоҳ чапда ёзилган тўрт қават ипак кўрпачаларга тиз чўқдилар.

Бурғулар ўқраб, ноғоралар чалиниб, карнайлар садо берди. Даҳшатли жанг бошланди. Одатда, навкарлар қалья рўпарасига тўрт қаватли даббаба – кўчма миноралар ўрнатишар, уни юрувчи қалья ҳам дейишарди, жасоратли навкарлар кўркмасдан маҳсус мустаҳкам сандикларда қалья оғзигача кўтарилишар, мардона жангга киришишарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Қальанинг тўрт томонида қўкка бўй чўзган адил тераклардай ўсиб чиққан миноралар мординликлар юрагига кўркув солди. Тепаликларга ўрнатилган арродалар<sup>1</sup> тинимсиз ёғдирган тошлардан қалья деворларида раҳналар кўпайиб борар, ҳар жой-ҳар жойда шотини шотига улаб, деворга тирмашаётган жасур жангчилар кўзга ташланарди. Борлиқни чанг-тўзон қоплади, сурон кўпди.

Қальани кузатар экан, Соҳибқиронни хаёл чулғади: “Мордин ҳокими Исо нимасига ишонадур? Бундан етти йил

<sup>1</sup> Аррода – жангда, қалья деворини бузишга, катта тошларни узоқка отишга мосланган маҳсус курилма (муалл).

аввал Табризда туриб чорлагонимизда, ҳамма келди, у эса, ҳузурларига боришимга Миср султони Барқуқнинг олий ижозати керак, деган баҳонани рӯкач қилди. Барқуқнинг не алоқаси бор? Ҳа, унинг суянғони султон Барқуқ...”

– Мамат! Миср султони Барқуқ “хе” йўқ, “бе” йўқ, ҳали бунинг жавоби бор, деб ўйлаб ўлтирумасдан, Бағдоддан юборилган элчимизни қатл қилдирибдур, элчилик русумида бу окланмайдур... Сабаби нимада эркан? – сўради босик Амир Темур. – Мактубларимизга жавоб юбормайдур. Фулемимиз Отламишбек бир йилдан ўтди, ҳамон зинданда ётибдур... Наҳот яхшилик йўли бирлан буни ҳал этиш мумкин эрмас?

– Тингчиларнинг хабарлари рост чиқди, Амир Соҳибқирон! – вазиятни изоҳлашга уринди Муҳаммад Чуроға доддоҳ. – Миср султони Барқуқ Рум султони Боязид Йилдирим билан тил топишган, шекилли. Бир-бирларидан ис олишгани аник. Шунга ишониб, ножӯя хатти-ҳаракатлар килмоқда. Йилдирим Миср билан дўстлашиш баҳонасида қўшинларини ҳамма чегараларни бузиб, Мосулгача бориши буюрибди. Синжар ва Қайсария ҳокимлари султон Барқуқка элчи юбориб, ўзларининг тобе эканликлари ва унинг номи хутбага қўшиб ўқилаётгани ҳакида суюнчиладилар... Султон Барқуқ Султон Аҳмад жалойирни тағин Бағдод таҳтига ўтқазиш ниятидадур...

– Оқил кенгашингизга кулоқ солмаса, бу уларнинг яхши-ёмоннинг фарқига бормай қолғонларидан далолатдур, Амир Соҳибқирон! – деди хаёлларга берилган Мир Сайид Барака.

Жимлик чўкди. Амир Темур қалъя томонга бир назар ташлади-да, пири муршидга юзланди:

– Миср султони душманимиз Султон Аҳмад жалойирга бошпана берди, уни ўз мамлакатидан чиқариб юбориш ҳакидаги талабимиз ҳам бежавоб қолди...

– Амир Кора Юсуф-чи? – Муҳаммад Чуроға доддоҳни хаяжон чулғаганди. – Ўзларининг Хоразмда эканларидан фойдаланиб, десангиз, Султон Барқуқ ёрдамида тағин Табризни эгаллади. У дарҳол Миср султони номига танга –

бор-йўти эллик дона танга! – зарб қилдириб, Қохирага жўнатиби, хутбаларни Миср султони номи билан бошлар эмиш...

– Биламен, биламен... У баттолдан сўз очма!..

– Кеча сўнгти мактубимизга Султон Баркуқдан жавоб олдик, Амир Соҳибқирон...

– Шундайми?

– Билдиришга журъатимиз етмади... Бу бадҳоҳ элчи-ларимизни ўлдиртирадур, зиндонга ташлатадур, ўзини осмон фаҳмлайдур, борган одамларимиз олдида: “Мен бу чўлоқдан қўрқмайман, чунки барча подшоҳлар мени қўллаб турибдурлар. Мен фақат Боязид Йилдиримдан қўрқаман!” – дер эмиш ҳар гапида...

– Ҳай-ҳай, оғзига тош! Оғзига тош! – қарғади пири муршид.

Амир Темур кескин тарзда деди:

– Кимса бирлан баҳсда ракибининг бирон аъзосигами, кусуригами ишора қилмак, чорасизлик, ожизлик белгисидур... Бирордан қўрқиш-қўрқмаслик ҳар кимнинг кўнгил хоҳиши, аммо ҳурмат айламоги шарт! Хатни ўқи-чи...

Муҳаммад Чуроға додҳоҳ мактубни ўқишга тутинди:

“Худосиз (жоним сизга омода, ҳазрат, узр, бу ерда шундоғ ёзилган) Темурлангга жавобимиз: *Биз парвардигор инояти бирлан ўзимизни дини ислом ҳомийси деб ҳисоблайдурмиз ва, хомтама бўлмасунларким, ёлгиз Оллоҳнинг расули Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобларига ва амир ал-мўминин, яъни халифа зоти олийларига итоат айлайдурмиз!* Ўзгаларга итоат айлайдурганлар ҳали бизда тугилмаган... Яна шуни маълум қиласизки, усмонли султон шавкатли Боязид Йилдирим бизга мактуб йўллаб, агар Темурлангга қарши курашсак, ўз қўшинидан икки юз минг яничарни бершига тайёр эканини билдирибдурлар... Султон Аҳмад жалойирни эса Багдоддаги ноибимиз этиб тайин қилдук...”

– Бас! – деб юборди Амир Темур. Кейин

ўйланганча қўшиб қўйди: – Ҳа, улар бизни билмайдурлар, аммо билганларида кеч бўладур...

Жангнинг боришини кузатар экан, Амир Темурнинг кўзи, иттифоқо, кунчикар томонга, Кўкча дengиз йўлига тушди. Олисда катта уғрук қораси кўринди. Туя устида маҳобатли яшил тахтиравон чайқалиб келарди. Юраги бир қалқди-ю, ўрнидан туриб кетди ва ўша ёкка қаттиқ тикилди. Наҳотки, бу, ўша азиза-ю мукаррама маҳди улё Сароймулхоним маофаси?! Йўғ-е! Аммо туғи, ранги ўхшаб турибди. Ўшамикин?.. Султониядан йўлга чиқишлираги не зарурат туғилди экан?

Соҳибқироннинг юраги гурс-гурс ура бошлади.

Шу палла мулозим Муҳаммад Чуроға додҳоҳга Ширвон султони Шайх Иброҳимдан чопар етганини билдириди. Додҳоҳ мактубни икки кўллаб Соҳибқиронга тутар экан, ташвишланганини яшира олмади:

– Тинчлик бўлсин, ишқилиб... Худо пошшо эгам, деганлар...

– Савоғини еч-да, мактубни оч! – буюрди хотиржам таҳтга ўтиаркан, Амир Темур.

Соҳибқирон мактубни ўқий бошлади, у қисқа ва лўнда ёзилган эди:

*“Соҳибқирони комкор Абулмузаффар Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийларига етиб маълум бўлгайким, Оллоҳнинг паноҳида тўрт кўз тугал юрибдурбиз. Юрт-у эл омонда... сарҳадлар тинч-у дориломон... эрди. Бутун фикр-у хаёллари, саъй-у саботлари Оллоҳнинг бандаларини баҳтли айламак янглиг оламжаҳон ташвиши бирлан банд валинеъмат Соҳибқирон фарогатларини бузмакка журъат этганимдан багоят озурдаман... Бир ой аввал Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон оқибатини ўйламай, Ширвон тупрогига оёқ қўйшига журъат эт ди... Иddaоси кучли, қатли ом қилмак аниг мақсуди эрди. Юртга адашиб кириб қолган дайди шамолга төгдек рўбару бўлдук. Оқибат ул бадбахт Тарак суйи ортига чекинди. Нобакорнинг тутумини кўрсунларким, Шайх Иброҳим Дарбандийнинг Соҳибқирони муаззам ўғли ва тобесини, Ширвоннинг эса сояи давлатларида эрконини била туриб, писанд этмай бадкорлиқ йўлини танлаббур.*

*Тингчиларим сўзларига қараганда, Тўхтамишон, Ироқ поишоси Султон Аҳмад жалойир, қорақўюнлилар қабиласи ҳокими Амир Қора Юсуф ва Миср султони Барқуқ, Рум султони Абу Язидлар бирлан, бир қошиқ қонимдан кечсунлар, ўзларига қарши от сурмакчи эрмишлар... Хаёл қилурбизки, ростдан ҳам ул бебошвоқнинг танобини тортиб кўймак фурсатлари келибдур! Балони қанчалар тез даф қилинса, шунчалар савобдур, дейдилар. Агар ўзларининг табарруқ қадамлари тупрогимизга етиб, муборак нафасларидан қувватлансак эрдик, суюнган тогимиз ёнимизда эрконидан ўзимизни нақ осмонларда сезиб, қувватимиз бағоят ортиб, садоқат-у ихлос камарини белимизга яна ҳам қаттиқроқ болгаган бўлур эрдик..."*

– Икки қилич бир қинга сиғмайди-ю, булар тўрттаси бир қуюшқонга сиғмоқни ўйлабдурлар!

Амир Темур заҳархандали кулди, кўли эса иягида чўзилди. Додҳоҳ унинг кенг пешонасида яна тириш кўрди.

– Эшитдингизму, ҳазратим?.. Бандаси кўрнамак эрса, унинг чораси йўқ эркан-да... Ҳадисда айтилмиш, ёмон одам ўзига яхшилик қилган одамга то ёмонлик билан жавоб бермагунча бу дунёдан кетмайди, деган ҳикмат нечоғлик ҳақ.... Душманларни ҳам дўстга айлантиришга тиришмок керак, бунинг учун мол-дунёни аямасмен, ҳамиша кечиримлик мақомини маҳкам тутамен, муросага борамен, урушнинг олдини олиш учун элчилар юборамен, кенгашамен...

– Бор саъй-ҳаракатларингиздан Оллоҳнинг ўзи шохид, Амир Соҳибқирон. – деди пири муршид. – Кўнгулни кенг тутсунлар!

– “Тузуклар” да битгон эрдингизки, Амир Соҳибқирон, – эслатди Муҳаммад Чуроға додҳоҳ Соҳибқиронни чалғитиш максадида. – Мана ўша сўзлар: “Менга ёмонлик кўргизиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказгонларни ҳам илтижо билан тавба-газарру айлаб келгач, килмишларини юзига солмадим, ҳурматлаб ёмон кирдикорларини хотирамдан ўчирдум, мартабаларини оширдум, улар билан муомалада шундай йўл тутдумки, хотираларидаги

менга нисбатан бор шубҳа-ю кўркувлар унут бўлурди...”  
Тўғри, лекин қандайдир чегара бўлиши керак-ку!

– Бу – рост. Бироқ Тўхтамишон бошқача хилидан чиқди. Ўғлим деб атағонимдан кейин тўрт марта кечирибмен, нон-туз ҳурматини ўрнига қўймагон “ўғлим” нинг инсофга келишига ишониблар юрибмен мен содда... Ё раббий! Камина ҳали қафасда бўронни тутмоққа умид боғладимму? Ғалвирда сув оламен деган хаёлга бордимму ҳали?.. Аммо бирор марта ҳам унинг ношудлигини юзига солмадум, бу Тўхтамишоннинг йигитлик, эркаклик шаъни ни ерга урғон бўлурди. Эркакнинг шаънини ерга урмоқ энг даҳшатли нарса. Эр кишининг бор давлати – унинг шаъни. Агар эркак шаъни поймол эрса, у ҳолда унда нима қолади?..

Муҳаммад Чуроға доддоҳ Соҳибқироннинг кенгфеъл-лилигидан яна ҳайратланди. Ўзи шамшир ўқталиб, душманлик кўргизиб турибди, бундай мурдорликни, қабиҳликни унинг бетига очик айтиш шаънини ерга уриш эмиш. Астағ-фурилло! Қанака шаън? Шаъни борми ўзи?.. Худо пошишо эгам, деганлар!

У бари ҳақида Соҳибқиронга бир-бир айтмоқчи, уни кескин чоралар кўришга чакирмоқчи эди, аммо фикридан кайтди ва сўради:

– Турон салтанати шаъни-чи?.. Амир Темур Кўрагон шаъни-чи?..

Доддоҳ назарида булар рад этиб бўлмайдиган далиллар эди.

– Кечиримлилик расулуллоҳдан умматларга мерос, бунга қаттиқ риоя қиладурлар Амир Соҳибқирон. – сўзга кўшилди пири муршид. – Оре, рост. Адолатингиз жазо-ю сийловдан иборат, ғазабингиз шафқат-у лутфга ёндашиб келади, меҳрибончилигингиз қаҳрингиз билан ёнма-ён. Лекин доддоҳ жанобларининг куйиб-ёнғонлари ўринли. Ҳар қандай тутумнинг ҳам чегараси бор...

– Чегараси бор, бор... Андишанинг оти қўрқокка чиқмаслиги лозим. Мақсадларини англадим, пиrim! – деди Амир Темур. – Агар Тўхтамишонга қарши юрилса, унинг Султон Барқуқ, Амир Қора Юсуф, Султон Аҳмад жалойир,

Боязид Йилдиримлар каби иттифоқчилари билан бирлашишига йўл қўймай, амалга ошириш лозим. Барчаси бирлан баробар курашиш бу телбаликдур. Биз яkkама-якка жанг қурғоймиз. Тобакай Олтин Ўрда бор экан, Туронга тинчлик келмас... Тинчлик учун урушмак лозим... Турон турса бўрон бўлишидан, афсуски, ганимлар ғофилдурлар, билганларида кеч бўладур...

Тингчиларнинг янги хабарлари ҳам бор эди, Муҳаммад Чуроға доддоҳ уларни ҳозирча айтмасликка қарор қилди. Чиндан ҳам, хабарлар юқоридаги сўзларни исботларди: Султон Аҳмад жалойир Боязид Йилдиримга паноҳ излаб борганимиш, ундан султон Баркуқ сари йўл олганмиш, Маранд атрофларида Амир Қора Юсуф билан учрашганимиш. Тингчилардан бири, ҳатто Тўхтамишхонга шу ҳақда чопар юборилганининг шоҳиди ҳам бўлибди...

Муҳаммад Чуроға доддоҳ “яkkама-якка жанг” да ким назарда тутилганини сўрамоқчи эди, журъати етмади.

Амир Темур яқин орада Самарқандга қайтиш фикридан энди аниқ умидини узди. Самарқандни, унинг боғларини, Ургут тоғларини, Тахти Қароча йўлларини, Шахрисабзни соғинди, осмонўпар Оқсаройни кўргиси келиб кетди, жулдуровоқига ўралиб пинҳона дарвеш сифат шахар кезиш одати эсига тушиб, кўнгли орзиқди.

Оҳ, шундай эмин-эркин юрмоқ баъзан пошшоликдан минг бор афзал қўриниб кетади! Ажабо, салтанат маснадига ўлтирибдики, мамлакат осойишталигини асраш муаммоси олдида кўндаланг туради. Тўхтамишхонни ҳам ана шу ниятда “ӯғлим” деб атаганди. Аслида Тўхтамишхон ёмон бола эмас, лекин унинг бузғунчилар йўлига юриши ёмон! Йигирма йилдирки, бундай хавфнинг олдини олиш керак бўлган “ӯғил” нинг ўзи энди балойи оғатга айланиб ўлтирибди!..

Соҳибқирон яна Кўкча денгиз йўлига қаради: яшил тахтиравон хийла яқинлашиб қолганди. Ҳа, бу Сарой-мулкхоним уғруки экан! Унинг кўнгли ёришиб кетди!

Шу палла мулозим Сафарберган виқорли малика маҳди улё Сароймулкхоним ташрифидан хабар етказди. “Не боис,

қанчадан қанча мулозимлар бор эса-да, шундоғ узоқ йўлга катта маликанинг ўзлари отланибдурлар?.. – деган ташвишли фикр кечди Амир Темур хаёлидан. – Соғинибдилар, шекилли... Очигини айтсам, ўзим ҳам кўргим келиб қолғонди...”

Тахтиравондан худди ёш қизлардек чаққон ва назокат билан тушган Сароймулхоним юзидағи ҳарир пардасини хиёл кўтариб, Соҳибқиронни тавоғ этди, тўнининг пешини уч марта ўпиб, кўзларига суртди. Қалкиб чикқан кўз ёшларини заррин чопон барига оҳиста артиб олишга улгурди. Амир Темурга хуш ёқадиган сириб кийилган тўқожигарранг кимхоб тўн, маликанинг хушбичим қадди камолини бўрттириб турарди.

– Суюнчи берсунлар, ҳазратим, суюнчи!.. – деди маҳди улё сал ортига чекинар экан таъзим қилиб.

Соҳибқирон шошилганча ёнчиини қидирап экан, излаганини дабдурустдан топа олмас, “Ие!”, “Ие!..” дерди, холос. Муҳаммад Чуроға доддоҳо кўрди: Соҳибқироннинг ҳалигина ғазабдан чўяндай қорайиб кетган юзларига нур иниб, чехраси очилди. Пешонасидаги тириш ҳам ғойиб бўлибди.

– Суюнчи сиздан айлансун, Биби!..

– Шоҳруҳ Мирзо хонадонида ўғил туғилди! Ўғил туғилди, ҳазратим!

– Кутлаймиз, Амир Соҳибқирон! Умри билан берсун, илоҳи! – дуога қўл очди пири муршид. – Набира муборак, маҳди улё ҳазрати олиялари!

Сароймулхоним “Куллук” дегандай бош этди.

Амир Темур мамнун таҳтда ўтирган жойидан турди.

Халлоки безаволга салламно! Ахир кечагина эди, Шоҳруҳ Мирзо туғилганида суюнчилар улашиб юргани! Энди эса ўғли ўғил кўрибди! Ё раббий! Замон елдек ўтмоқда!.. Кувончдан кўзларига ёш қуйилиб келар экан, қўлларини очиб, худога шукрлар қилди. Аммо бир сўз демади. Дархол мунаҗжим-у донишмандлар чақиртирилди:

– Кутлуг амирзоданинг толе мавлудини кўздан кечирсунлар! – буюрди Соҳибқирон.

Мунажжимлар кенгаша бошладилар. Аввал чакалок туғилган пайтдағи буржларнинг жойлашиш ўрнини аниқладилар, толе жадвалининг ҳолати, қуёшнинг қайси буржга бosh күйгани, саодатли кунларга тұғри келиш-келмаслиги ва хоказолар ҳақида баҳс кетди.

– Болагинамнинг боласи, қандак ўрикнинг донаси! Данагидан мағзи шириң, деганлари рост. Вой, бирам шириңки, ҳазратим, күрсангиз! – деди күнгли ийиб Сароймұлхоним.

Умаршайх Мирзо фожиасидан ҳануз дилгир юрган Амир Темурни фавқулодда қувонч чулғади. Оллоқ бандаларига берган умрнинг ҳаммаси ҳам кулфатдан иборат эрмас! Фароғатлари-да бор!.. Бир пайт әгачиси раҳматли Қутлуғ Туркон оға, нима берса үзи беради, үзи олади, деганди. Шукрким, мана, үзи олиб, яна үзи берди...

– Амир Сохибқирон! – башорат қылди нихоят ёши улуг мунажжим. – Толе мавлудидан аёндурки, шаҳзодаи олийна-саб дунёга подшоҳ бўлғай ва хат-у илм бобида беназири жаҳон аталғай! Ҳукумат русумида замон Луқмони мартабаси анинг насибасидур!..

– Насибасидур! Насибасидур! – деб қичкиришиди бошқалар ҳам.

– Оғзингизга бол! – бosh тебратди Сохибқирон. – Мамат! Газначига буюргил, мунажжим-у донишмандлар сарполар ила сийлансын!

Сароймұлхоним маъноли жилмайди:

– Энди исм күйиб берсунлар! Тайёрлаб күйгон отлари бор-ку...

– Оталар, боболар умрини фарзандлар, набиралар давом этдиражаклар! – деди мамнун Амир Темур. – Оллоҳдан умидимиз шулдур, иншооллоҳ! Кеча... тонғта яқин бир туш кўрибдурмен, Биби. Падари бузрукворим бирлан юргонмишмиз. Нечундир гапирмас эмишлар. Ташвишларга ботиб андак фаромуш этдик, шекилли... – хижолат чекди Амир Темур. – Набирамизни эски удумларга кўра, отамизнинг исмлари бирлан атағоймиз! Токи ул зот рухлари шод бўлсун,

хар лаҳза, ҳар он ёдланиб турсунлар! Бас, унинг номи Муҳаммад Тарагайдур!

– Муҳаммад Тарагай!

– Муҳаммад Тарагай!

– Бирок уни чорлағонда табаррук исмни улуғлаб, уринтираслик лозим, шу сабабдан, лақабини “Улуғбек” деб танладук. Оллоҳ таоло анга улуғлик, улуғ мартаба ато этсун!

– Ал-асмоу танзилу минас-само<sup>1</sup>, Амир Соҳибкирон! – деди Мир Саййид Барака. – Қўйилғон от азалийдур. Улуғ бекнинг манглайини ёруғ қилсун!

“Улуғ бек бўлсун!”, “Улуғ қилсун!” “Оллоҳу акбар!”, деган сўзлар эшитилди.

…Мордин қамали давом этарди.

Пастдан шу палла Ахий Жаббор баҳодирнинг шоҳчодир томон югуриб чиқаётгани кўринди. У ўн қадам нарида тўхтади-да, тиз чўкди:

– Амир Соҳибкирон! Чериклар тўрт тарафдан сурон солиб, итоб айлаб қалъа устига чиқдилар! Шаҳар тарафга йўл очилди, душман ҳар томон сочилди! Энг аввал қалъага шимол ёқдан валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон лашкари қадам кўйди! Ганимлар чекиниб тогнинг камарларига қочдилар. Навкарлар уларни изма-из кувиб топдилар, қилич бирлан чопдилар, кўп одамлар отлар оёғи остида колди... Қалъа аҳли раҳм-шафқат сўраб ёлворишга тушди, сонсаноқсиз ҳадялардан тўққиз-тўққиз юборишга тайёрдурлар, ниёз йўлини тутиб, хирож-у мол-у манол тўлашга ҳозир эканликларини билдирилар! Шавкатли амирзода Мироншоҳ жаноблари ушбу хабарни муборак кулоқларига етказиб қўйишимни буюрдилар!

Амир Темур хушнуд-у масъуд, охиста кезиб юаркан, чанг-у тўзон ичидан қолган қалъа томонга каради, одамларнинг қичкириғи, хотин-халаж фарёди аниқ эшитиларди.

– Оллоҳ таоло бизга набира ато этди! – деди Соҳибкирон Мордин тарафдан кўз узмай. – Ҳак ўз бандаларига раво кўрган яхши одатлардан бири, шукр айламакдур.

<sup>1</sup> Ал-асмоу танзилу минас-само(арабча) – исмлар осмондан инади.

Алҳамдилуллоҳ, шукр қиласи, шукронасиға Мордин элининг жони-молидан кечамен! Улуғбек Мирзо шарофатидан Мордин аҳлининг гуноҳларидан ўтамен! Қатли ом тўхтатилсун, барчага омонлик берилсун!

– Оллоҳ умрингизни узоқ қилсун, Амир Соҳибқирон! – қувониб кетди пири муршид.

Кийкириқ атрофни тутди. Айникса, бу Муҳаммад Чуроға додхоҳга жуда хуш келди. У Амир Темурнинг узугига пинҳона қараб, силаб қўйганини фаҳмлади.

– Амир Соҳибқирон салтанатлари бардавом бўлсин, илоҳи! – дуога қўл кўтаришди елкаларига сарполар ташланган муナжжимлар. – Дориломон замонлар келганига шукрлар этайлик!

Мунажжимлар таъзим-ла аста ташқарига чиқдилар.

– Баҳодир! – Ахий Жаббор баҳодирга қаради Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Шитоб бу фармонни черик аҳлига етказайлик! Токи бандалар қони тўкилмасун! Ажаб толеи очик манглайи ёруғ банда, жавонмардурсанки, ўлим ҳақида хабар эвазига ҳаёт ҳақида мукофот била қайтаётирсан!

– Қуллук! Қуллук! Яратганинг буюргани... Кўнглими очик, додхоҳ жаноблари!..

Улар шитоб Мордин томонга йўналдилар.

Кўп ўтмай қалья деворига чиқкан, подшонинг омонлик ҳақидаги фармонини жаранглатиб ўқиётган жарчиларнинг ўқтам овозлари борлиқни тутди. Йиғи ва кулгу овозлари эшитила бошлади.

Амир Темур катта маликани бошлаб шоҳходирга кирди. У масрур эди, худди Улуғбек Мирзо туғилиб, салтанати умрини абадиятга улаб қўйгандай туюлиб кетди.

Олам гўзал, ҳаёт шириң, кутлуг мұжда еткизган Сарой-мулкхоним офтобдай балқиб чодир ичини ёритиб юборгандай бўлди. Беихтиёр суюкли хотинини қучоғига олди, унинг гул япроғидек нафис юзларига соколини ботириб маликанинг ҳамиша бўсаларига муштоқ чап юзидағи чиройли қора холидан ўпиб-ўпиб қўйди. Сароймулхонимнинг вужудига шириң титроқ югарди, ўзини хушбахт туйғулардан беҳол сезди...

Подшо ва малика муваққат таҳт пойидаги ипак кўрпачаларга ўлтиридилар.

– Ҳазратим...

– Биби... Кулогим сизда...

Маҳди улёнинг одатдагидек Соҳибқиронга айтадиган гаплари кўп. Мироншоҳ Мирзо билан Хонзода хоним орасидаги совуқчиликлар... Туман оқа ва Чўлпон Мулк оқа можаролари... Амир Шоҳмалик билан Шайх Нуриддин ўрталаридағи эски қадр талашишлар... Вазири аъзам Муҳаммад Жалд кирдикорлари, у Ироқдан олинган қиммат-баҳо ўлжаларни хазина ҳисобига киритишда саҳвга йўл қўйибди, тўрт дона дурри лаънни “фаромуш” айлаб, рўйхатга киритмабди, яъни ўзиники қилиб олибди, буни маликага мулозим Сафарберган етказди... Қай биридан сўз бошланса ҳам хийла чўзиши турган гап. Катта малика бари ҳақида ҳозир ҳеч нарса демайди.

Сароймулхоним Соҳибқироннинг ногирон оёғини нозик қўллари билан уқалай бошлади.

– Ҳазратим... Ижозатлари бирлан, набирамиз Улуғбек Мирзо қошига тезроқ борсам, муборак исм хабарини волидасига етказсам дейман...

Амир Темурнинг анчагина толган оёқлари ором ола бошлади.

– Бу кеча чодиrimизни обод этурсиз, ҳимматларига муштоқдурбиз, Биби...

Катта маликанинг юзларига қон югурди. У ҳозир нимани тиласа, айтгани муҳайё бўлишини биларди.

– Ҳазратим... Бизлар заифалардурмиз, рад этмакка не кудратимиз бор эркан?.. – Малика ноз-истиғно аралаш жилмайиб ерга қаради. Кейин мавзуни ўзгартириди: – Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон тўйини ўйлағондик. Малика Хонзода хоним иккимиз бир қайлик топғондик...

– Шундайми?..

– Ҳа, топдик... – Сароймулхоним Соғинч бика ҳақида эсламаслиқка уринди. – Аникроғи, бу Хонзода хоним ҳимматлари. Марви Шоҳижон ҳокими Амир Алибек Жоникурбонийнинг жигаргўшаси Хон Султон оқа, гўзал ва

окила қызы эрмиш. Едингиздадур, шаҳзодамга қалинлиқ ҳам қилинғон эрди. Ардоқли Мироншоҳ Мирзо Марви Шохижәхонга меҳмонга боргонларида, Хонзода хоним ҳам кўриб кўз остига олибдурлар. Раҳматли Менгли бика оқа шул уруғдан эдилар, ҳазратим. Тағин қариндошлиқ ришталари боғлангай... Бу янгилик Амир Темур кўнглини яна ҳам нурлантириб юборди. Эзгулик ортидан эзгулик келмакда! Улуғбек Мирзо туғилди, Мордин қальасига омонлик берилди, энди эса тўй хабари етиб турибди.

Соҳибқирон тўйлар уюштиришга жуда моҳир эди, ўзи бош бўлиб Конигилда бирваракайига амирзода ва малика-ларнинг бирнеча тўйини қўшиб ўтказдиради. Тўй ҳафталаб давом этарди. Амирзодалар туғилганларида эса карнай-сурнайлар чалинар, дарҳол чодирлар-у боргоҳлар<sup>1</sup> тикилиб, кўнгилочар жойлар ҳозирланар, баҳтли шаҳзодалар, олийна-саб беклар тўпланар, вилоятлардан чорланган саййидлар ва машойихлар Соҳибқирон шаънига дуолар ўқиб, санолар айтардилар. Сарой мулозимлари хизматда чарх уриб юришарди. Тўйнинг поёнида чақалоқни тарбиялагувчи малика билан отабек тайинланиб, уларга сарполар буюриларди...

Соҳибқирон назарида дунёда тўйдан ортиқ элни мустаҳкам бирлаштирадиган, кўнгилларни яйратадиган, эзгулик уруғини сочадиган байрам йўқ.

– Ундан бир ёш кичик Шоҳруҳ Мирзо ўғил кўрдилар, шаҳзодам эса ҳали уйланмағонлар... – деди Амир Темур шаҳзодадан ғойибона ўпкалагандай. – Майли, Муҳаммад Султон хосиятли йигит. Тўйни, Мозандарондаги Хонзода хоним учун қурилғон сарой ёдингиздаму, ўша ерда ўтказумиз, Биби... Сарой келинимизга жуда маъқул келмиш эрди ўшанда. Ёдимда... Оллоҳ шу кунларга етказсун!

– Ёлғиз бошлари тошдан бўлсун, ҳазратим!

.. Тарих милодий 1394-йил кузида Кулзум денгизига яқин ердаги муҳташам сарой тўй кошонасига айланди.

<sup>1</sup> Боргоҳ (форсча) – подшоҳ саройи, кабулхонаси; подшоҳ чодiri.

Беғараз таърифига киришилса, хийла саҳифалар ороланиб, безаниб, холис кўзларни яшнатган бўлурди.

Валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон икки ўт ўртасида қолди. Уйланишни кетга суравериш йигитлик шаънига бориб тақалиш хавфини келтириб чиқарди. Онаизор Хонзода хоним сўз орасида шулар ҳакида ҳам гапириб, кўз ёшилар қилиб юриб, ниҳоят шахзода розилигини олишга эришди...

Аммо хаёли севгилиси билан биргайди... Соғинч бика қисмати денгизга тушиб кетган дурдай номаълум, ҳалигача Арғуншоҳдан дарак йўқ. Кун ўтган сари юраги сикилади, дарди ичида... Ёр соғинчи кучайгандан кучаяди. Гоҳ-гоҳда дармони қуригани сезилади. Савдойи бўлиб қолмасам, деб қўркади... Шундай ҳодиса юз берди ҳам.

Гуржистон кофирлари билан ғазо қилмакка отланган қўшиннинг бир қаноти Мироншоҳ Мирзога, иккинчиси Муҳаммад Султонга топширилганди. Ўз аҳволини бирордан сир тутган, номус кучидан чидаб юрган валиаҳд Муҳаммад Султон Тифлис шаҳрига кирганда, ўзини бехол туйди, кўп кунлардан бери давом этиб келаётган ишқ дардининг меваси – руҳсизлик ҳолати уни батамом йиқитди...

Борлиғи соғинчдан қақшаган мажнунваш шахзоданинг турарга дармони йўқ, қўнгли таом тиламас, дунё эса қўзига қоронгидан коронфи кўринарди... Мироншоҳ Мирзо қўшинидаги Ахий Жаббор баҳодир фавқулодда шахзодадан хабар топиб қолди, – гапнинг сирасини айтганда, ўзи ҳам қўзқулок бўлиб юрарди, буни Хонзода хоним унга тайинлаганди, – хушёрлик кўргизди-ю дарҳол беморни бир ховлига олиб кириб ётқизди...

Ошуфта шаҳзода энтикканча: “Аҳволимни... сир сакласунлар, баҳодир жаноблари, ҳеч ким, ҳеч ким... айниқса, валинеъмат Соҳибқирон бирлан хонимойим жаноби олиялари билмасунлар!... “- деб буюрди баҳодирга...

Ахий Жаббор баҳодир андишли шахзода тутумини тушунди: у аввало жондан азиз бобосини безовта қилмоқчи эмас, қолаверса, ўзининг ҳам эл аро достон бўлмогини истамайди.

— Англадим, шаҳзодам! Хотиржам бўлсунлар! Сир сақлагайман!

“Бу не кўргилик бўлди?.. Шаҳзодамга кўз тегдиму?!?” – йиғламсиаркан, Ахий Жаббор баҳодир бир навкарни ошиғич табибга жўнатди. Табиб келгандা, шаҳзода гоҳ худ, гоҳ бехуд ётар, алаҳсираб қандайдир “Соғинч... Соғинч...” деган сўзларни такрорларди, холос, саволларга жавоб бермасди.

Табиб дарҳол bemорнинг томирини ушлаб кўрди, идтифоко, вужудида бирон бир дарднинг аломати, белгиси сезилмади. Бироз хаёлга чўмди. Кетар экан, саросимага тушган Ахий Жаббор баҳодирга деди:

— Шаҳзодам соппа-соглар, худога шукр... Фақат... кўнгиллари bemордур...

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

### I

Ростдан ҳам, Тўхтамишхон Амир Темурнинг Қофқозда кўр тўкиб юрганлигини билган ҳолда, Дарбандни босиб олди, Олтин Ўрда қудрати ҳақида ҳар хил овозалар, шовшувлар тарқатди. Бу Соҳибқирон сабр косасини тўлдирган охирги томчи бўлди. Эл-улус ҳам Тўхтамишхоннинг чегарадан чиқадиган бир неча нолойик ҳаракатларга бош урганилиги ҳақида гапира бошлади.

Қаттиқ жаҳли чиққан Амир Темур тағин шайтонга ҳай берди, аллақандай умид этагини тутиб, Олтин Ўрда билан изғирини эсиб турган урушнинг олдини олиш мақсадида, тагин бир элчи юбориб кўрмоқчи бўлди.

Кимни номзод қилиш ҳақида узоқ мулоҳазаларга боргандан кейин, нотиқликда донг чиқарган сўзга чечан, ақлли, хушёр, босиқ феълли Амир Сайфиддин некўзни Кешдан чорлатди ва Сарой-Беркага элчи қилиб жўнатди, зора некўзнинг уддабурролиги туфайли тутинган “ўғил” инсофга кирса! Бу пайтлар бир юз ўттиз йил аввал Олтин Ўрда хони

Баракахон томонидан Идил бўйидаги кафтдек текис ерда барпо этилган Сарой-Берка шаҳри Европада машхур пойтахтлардан ҳисобланарди. Тўхтамишхон Амир Сайфиддин некўзни хурмат-иззатида ҳашаматли Давлат саройининг каттагина Ичкихонасида кутиб олди.

Тахт атрофида Қозончи баҳодир, Султон Маҳмуд ибн Кайхисров, Ўқтой ўғлон, Кунча ўғлон, Довуд сўфи, Сулаймон сўфи, Элайғмиш ўғлон сингари донғи чиққан валламатлар, қорақўюнлилар қабиласи сардори Амир Қора Юсуф, олти марта Соҳибқирондан “калтак” еган Муғўлистан хони Қамариддинлар ўлтиришарди. Амир Тармочук ҳам бир чеккада тиз чўкканди.

– Хоқон ҳазрати олийлари! – сўз бошлади Амир

Сайфиддин некўз кўл қовуштириб. У хоннинг буткул Амир Темур душманлари қуршовида қабул қилишини сира кутмаганди, бу уни янада ҳушёр торттириди. – Худойи таоло ҳар биримизнинг манглайимизга неки ёзган эрса, ундан қочиб кутулиш қийин... Хў-ў-ўш... бизга мўътабар ота хузуридан ардоқли ўғил қошига элчиликни раво кўрибдурки, бунга шуқрлар этгаймиз. Зеро Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон жаноби олийларининг ўзларини суюб, “ўғлим” деб атаганларини Кўксаройда шу гуноҳкор қулокларим бирлан эшитганман... Ота-болалик рутбаси Оллоҳнинг суйган бандасига тенгсиз марҳамати аломатидур. Рутба ўз йўлига, бу кишиларнинг инон-ихтиёриду, хоҳласа ота-ўғил бўлсунлар, хоҳламаса – йўқ, бу икки кишигагина маҳсус ҳодиса... Аммо дунёга машхур салтанатларнинг бирбирига иддаолар қилмоғи, шаънга ярашмайдурган ишдур, демакка журъат этаман, хоқон жаноби олийлари! Маъзур тутгайлар. Бунда дунё тақдири турибдир, уни сизлардек бузургворлар ўйламаклари лозим...

Саройга жимлик ҳукм сурар, Тўхтамишхон тингларкан, хиёл бош тебратиб қўярди.

– Қўшнинг тинч, сен тинч, деганлар. Соҳибқиронга факат тинчлик лозим. Ҳар доим шундай дейдилар. Амир Темур ҳазратлари ўз салтанатларида, Хоқон жаноби олийлари ўз салтанатларида, эмин-у омонлиқда яшашларингиз

биз фукароларга, барча улусға Оллохнинг улуғ инояти бўулур эрди...

Амир Темурнинг элчиси, латиф сўзлари билан барчани ўзига маҳлиё айлади. Қизиғи, айтганлари бари жўяли, бирортасига эътиroz билдиришнинг иложи йўқ.

— Амир Соҳибқирон сизни жуда ардоклайдурлар. Самарқанддаги гўзал ва шинам боғларда бирга кезсам, дейдирлар. Кошкийди, ўғлим бирлан бу боғларда дунёning ишлари хусусинда сухбатлар курсам, биргалашиб, баҳти қаро ножинслар илдизларини қуритмак чораларини изласак, деган орзудалар... Тўй-ҳашамларда тўрда ўтиришингизни кўрмоқни истайдурлар, Тўхтамишон ўғлим бирлан бағрим тўлган эрди, демакдан чарчамайдурлар. Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг жаноби олийларини унинг ўрнига қўйиб, “Қайтиб келган ўғлим!” дея ғурурланиб юрганларига ҳам ўзим гувоҳдурман... Шахрисабзда қурилаётган ҳашаматли Оқсарой ҳам қадамингизга мунтазир. “Ўтғон ишға ўқинмаймен, ютуқлардан шодланмаймен” дегувчи Амир Соҳибқироннинг ўтган ишларни эслаб ўлтиришлик одатлари йўқ. Туронга ҳужумингиз, Кундузча бўйидаги жанг, бари-бари устидан афв чизигини тортганлар! Банда ўз хатосини англаса, у оқил одамдур, дейдилар Амир Соҳибқирон. Парвардигорнинг каломида: “Сулҳ хайрлидур” дейилганини унутмайлик. Бас, энди... Урушнинг оти ўчсун! Сулҳ бўлсун, сулҳ!

Элчи шундай дегач, Амир Темурнинг дуои салом хатини хоқонга узатди. Чучук ва холис сўзлар беихтиёр Тўхтамишон қалбининг туб-тубига бориб етди-ю гумонлар кўмилган кўнглини эритиб юборди. Оҳиста мактубни ўқий бошлади. Мактубда таъсирчан сўзлар элчи айтгандан ҳам аъло иншо этилганди, хоқоннинг кўнгли юмшади, ўзини бошқача сезди. Самарқанд боғлари, Боги Нақши жаҳон қасри, Кешда қурилаётган дунёning энг катта иморати Оқсарой бир-бир кўз олдидан ўтди...

“Не қилаётиман ўзи? Яхшилик яхшилик қайтаришим керак-ку? Бас, ярашмоқ йўлини тутай, узр сўраб, Соҳибқирондан кечирим тилай, сулҳ тузилсун! Мен ҳам

Сарой-Беркада, Ҳожитархонда мухташам иморатлар бунёд этдирай, саройлар қурай!..” – хаёлидан кечирди Тўхтамишхон... У Олтин Ўрда шаън-шавкатини тиклашдан ҳам воз кешишга (ҳозирча, кейинроқ уни албатта рўёбга чикаради!) тайёр, кўрганлари бамисли тушдай эди, инсоф этагини тутишига бир баҳя қолди...

Шу палла аклли ва ҳушёр ярғоқбош амир Идику ҳамма ишни чалкаштириб юборди! У зийраклик билан хоқоннинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришни пайқади! Буни ёркин кўзларнинг катталашганидан, чеҳранинг ранж-у норизоликлардан холи, масъуд-у мамнун тусга кирганидан билди. Фурсат жуда қалтис, фурсат кетса ҳамма нарса қўлдан кетади, дамғаниматдур!

“Олтин Ўрда хонининг ўз кучига ишончи йўқ, ҳеч қачон бўлмаган ҳам! Қалбida иккиланиш-у тебранишлар бор, дадил Амир Темурга қарши қурол кўтаришга ботинолмайдур... Неча марта уринишлари зое бўлганидан шахти қайтиб, чорасиз чиндан ҳам “ўғил” дай ўзини Амир Темур кучогига отиши мумкин! У ҳолда Турон салтанати дунёдаги энг кучли, кудратли салтанатга айланадур! Бунга эса йўл қўйиш мумкин эмас!..” – деб ўйлади амир Идику...

Аслида, амир Идику кўнглида икки кўчкорнинг боши бир қозонда қайнамаслигини билса-да, қайнатишга бел боғлаган... Бир-бирларига дуч килиб қўйиб, томошасини кўришни жуда-жуда истайди. Беш-олти йил аввал Тўхтамишхон кўнглига гулу солиб Туронга от сурдирган ҳам, Занжирсаройни ёндириб юборишни айтган ҳам шу... Кундузча ёнидаги жанг байроқдори ҳам амир Идику эди. Амир Темурга ғажарчи бўлиб, ғаним ичига кириб олиб, Даشتি Кипчок чўлларида сувсиз ерларда овораи сарсон қилиб, йўлларда адаштириб бошлаб борар экан, кўнглининг бир четида Олтин Ўрда қўшинининг кучизлигини, шубҳасиз мағлубиятга учрашини ҳис қилас, иккинчи томондан Турон қўшинини ҳолдан тойдириш, пароканда килиш, охир оқибатда қолган-қутганларини янчиб ташлашни ўйларди.

Амир Идику хокон кўзини хиралаштира бошлаган гумонларни тарқатиш ниятида ошиқканча деди:

– Хоқон ҳазрати олийлари! Сабр этсунлар!

Қаноат йўлидан борғон киши кам бўлмас, ажрига хурсандлик, шодлик олғусидур! Ахир дур ҳам садафда қаноат туфайли мартабага эришди... Сабр этсунлар, хоқоним! Сабр этсунлар! Дунёга донғи кетган Олтин Ўрда, кимсан Чингизхони Соҳибқирони муаззамнинг авлоди, сиздек шавкатли хоқон не юз бирлан дашт қўйнидаги овлоқдаги қишлоқда, қишлоқнинг ҳам бир четида туғилган, фақатгина амирлик рутбасига эга бир кимсага бош эгадур? Унда не чора қилгаймиз? Сулҳнинг асло кераги йўқ! Амир Темур билан сулҳ – салтанат учун ўлим!

Қозончи баҳодирнинг дили ғашланди: “Бадбаҳт, хоқоннинг бошини айлантиришдан мақсади нима ўзи?..” Амир Идику Кунча ўғлоннинг қирғий қарашини, Элайғмиш ўғлоннинг ижирганиб қўйганини сезди, аммо билдирамди. У: “Гапни шу ерга келтириб қўйдим. Нега жим ўлтирибсан? Қўрқма, гапир! Темурлангни элчиси ҳам эшитиб қўйсун!” – дегандай Амир Қора Юсуфга пинҳона қаттиқ тикилди.

– Чингизхон авлодидан ёлғиз сиз қолдингиз, хоқон ҳазратлари!... – деди салмоқли Амир Қора Юсуф элчига еб қўйгудай қараб. – Даشتдан чиқкан бир оқсоққа сифиниб борамизму энди? Қандай бош кўтариб юрамиз? У куппа-кундузи уялмай Чифатойхон таҳтини босиб, ўзиники қилиб олган бир зўравон, холос! Хоқоним, уни танобини тортиб қўйиш керак! Танобини ёлғиз сиз торта оласиз! Сиз унинг кушандаси, ха! Бизнинг эса қўлимиз қисқа. Агар бизни тутиб олса гўштимизни нақ канорага иладур! Ёлғиз паноҳимиз ўзингиздур, хоқоним! Сулҳ, деб алдайдур! Мана, биз бормиз! Сулҳга рад жавобини берингиз!

– Туроннинг кўзга кўринган амирини, отамни сўйдириб таҳтга минганд, таҳтга минганд бу золим! – ҳаприқди тупук сачратиб Султон Махмуд ибн Кайхисров, унинг оғзидан бадбўй хид тараларди. – Отам кўрагондир, кўрагондир! Унда отамнинг хуни бор! Хунимни олмай қўймайман! Қўймайман!

Ёнгинада ўлтирган Ўктой ўғлоннинг кўнгли ағдарилгудай бўлди.

– Баттодан яхшилик кутиш мумкинмас! Жуда ёвуз! – амир Қамариддининг хиралашган кўзларида ўт чақнади, у картайган эса-да, Амир Темурга қахри-газаби ҳали ҳам ёшларницидан ўтарди. – Исфаҳонда, Сеистонда каллалардан минора ясади! Ҳатто гўдаклар устига от солган эмиш, баттол! Унга ҳам худонинг жазоси бордур. Умримда олти марта саваш қурдим, олти мартасида ҳам сувга обориб суформай опкелдим! Мени тутаман, деб роса уринди. Ҳар сафар отимни учуриб қолганман! Унга Боязид Йилдирим ҳам, Султон Барқұқ ҳам тенг эрмас! Сизнинг йўриғингиз бошқа. Амир Қора Юсуф тўғри айтди, унга ёлғиз сиз бас кела оласиз, хоқон ҳазратлари! Ёлғиз Олтин Ўрда тенг кела олади! Шунинг учун сизга сифинамиз, олампаноҳ!

Бошқалар ҳам ўzlарича нимадир дейишга тушдилар. Даврада Амир Темур ҳақида тап тортмай айтилган ҳақоратомиз сўзлар жарангларди. Амир Сайфиддин некўз худди игна устида ўтиргандай, элчилик мақомида индамай тишни тишга қўйиб эшлишишга мажбур эди. Ҳозир жангчи эмас, у – элчи! Эҳтиётсизлик кўрсатилса, бирон кор-ҳол юз бериши ҳам мумкин. Сабр қилиш керак...

Бирдан ҳамма жимиб қолди. Тўхтамишхон худди уйқудан уйғонгандай атрофга қаради.

“Ана, Султон Маҳмуд ибн Кайхисров, унга Мўгулистандай юртни топширди, аммо Амир Темурдан зириллаб қочгани қочган... – ўйлади хоқон. – Амир Қора Юсуфнинг оёқлари чаққон, қочища биринчи, амир Қамариддин... Жанг бошланмай, қочиб қутулади... Ўқтой ўғлон... Кунча ўғлон... Қозончи баҳодир... Сулаймон Сўфи... Элиғмиш ўғлон... барчаси югурек амирлар. Бари жуфтакни ростлашда бири биридан ўтади, Амир Темур жангчисига асло етказмайди...”

Тўхтамишхон мазахсингандай жилмайди ва бирдан ғазабланиб, кўзлари чақчайиб кетди! Тан олмай иложи йўқ, ўйлаб қараса, ўзи ҳам мана шу номдор амирлардан туб ўзга эмас, ўзи ҳам жангда Амир Темурга дуч келолмай, қочиб қутулганлар сирасига кирап экан!..

Шу палла:

– Ҳозир дунёда Темурлангдай оғатни йўқота оладиган ҳукмдор бор бўлса, бу – Олтин Ўрда хони, хоқонлар хоқони, олампаноҳ Тўхтамишхондурлар! – дея қичкирди вазиятни чуқур анлаган, Олтин Ўрда хонидаги иккиланишни ҳис этган амир Идику фурсатни кўлдан бермай. – Айтингиз, улуғ хонимиздан бошқа пуркудрат ким бор? Ким бор бу оламда?.. Борму ўзи?!..

– Ҳеч ким йўқ!

– Ҳеч ким! Ҳеч ким!..

– Хоқонимиз жаҳон тургунча турсун! – қабилида олқишлиар янграб, деворлари нақшланган, зийнатли ичкіхонани умидбахш сасларга тўлдирди.

Қозончи баҳодир яна фурсатни бой берганини фаҳмлади, танасига номутаносиб каттароқ калласи кизиб бораётганини сезди. У хоқонни яна ҳам бўрттириброк мақтаб, нохуш йўлдан қайтарай деб оғиз жуфтламоқчи эди, кутилмагандা:

– Темурлангга дўст бўлолмайман! Бў-лол-май-ман!.. – деб юборди ўрнидан туриб кетган Тўхтамишхон. – Билингизким, токи томчи қоним бор экан, курашаман! У менинг ғанимим, ғанимга эса шафқат эшиги очилмайдур!.. Асло очилмайдур! Табриз билан Ширвонга юриш бошлансун!

Амир Идикунинг қисиқ кўзларидан пинҳона қувонч ёшлари йилтиради.

Нўён-у баҳодирлар индамай бир-бирларига қарадилар. Амир Тармочук ичida амирларнинг иддаоларига қўшилмас, у сулҳ тарафдори эди.

– Амири вожиб!.. – деб қўйди Қозончи баҳодир. – Поишсолик не деса шу...

Ичida қаттиқ афсусланган Амир Сайфиддин некўз, атрофдагилар ҳар қанча чирансалар ҳам, Амир Темурга бас кела олмасликларини фаҳмлар, уларга ачинарди. Гарчи елкасига заррин чопон ташланган эса-да, у “курук” ортига қайтишга мажбур бўлди. Аслида бошиданоқ бу қадамни бехуда кетишини идрок этганди, аммо буни Соҳибқиронга айттолмади.

Орадан уч ой ўтди.

Ҳар ернинг ўз бўриси бор, деган ҳикматни сал ўзгаририб, ҳар замоннинг ўз зўрлари бор, дейиш мумкин. Замона зўрларининг лат еган иззат-нафс ва иддаолари туфайли урушлар юз беради. Бу ерда куч-кудрат ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бир жиҳати, бари тарихнинг ҳеч кимга бўйсунмас, ўзига хос қонуниятларига боғлик.

Аксарият подшоҳлардан бирда-ярим иморат ёки унинг харобаларидан бошқа ҳеч асар йўқ, гўё улар бутун умр бўйи бугунги кунда қомусларда ёки тарих китобларида беш-олти жумла, балки бир-икки сахифа жой олиш учунгина курашган, елган, жон олиб жон берган, жанг қилиб, сурон солган, урушган-талашганга ўхшайди.

Машҳур саркардалардан бири Искандар Зулқарнайн айтмоқчи, дунёга ҳоким бўламан, деб отга мингандар, аслида кўп эмас, бармоқ билан санаарли. Борди-ю Искандари соний лақабини олган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Ўтрордаги ноиби Имолчиқ Чингизхон савдогарларини қатл этдирмаганда, ким билсин, мўғулларнинг Турон, Хурсон, Эрон ва Европага юришлари бўлмасмиди... Ёки Рум императори Боязид Йилдирим Амир Темурга кўп заҳматлар еткизган Амир Қора Юсуфни Турон салтанатига топширганида ёки лоақал ўз мамлакатидан чиқариб юборганида, балки милодий 1402-йилдаги замонанинг энг буюк Ангора жанги юз бермасмиди... У ҳолда Европа ва Хитойнинг тақдири қандай кечишини, дунё ҳаритаси қандай рангларга бўялишини тасаввур этиш қийин эмас.

Тўхтамишхон ҳам шундай сиймолардан бири. Ахир у Соҳибқирон ҳимоясида хотиржам Олтин Ўрдани бошқариб давр-у даврон суриши мумкин эди-ку. Тарих – қисмат. Урушлар – дунёning қисмати, қисматдан қочиб бўлмайди. Лекин унинг оқибатлари учун бир-икки Шахснигина гуноҳкор ҳисоблаш, улар шаънига тинимсиз тош отавериш, албатта,adolatdan эмас. Ширвон забтидан сўнг Олтин Ўрда хони пойтахтга қайтаётib Дарбандда тўхтади. Дарбанд мустаҳкам қалъа сифатида доим унга ёқарди. Улуғворлик баҳш этган баланд миноралар, уйлар, масжидлар, саройлар

бари тошдан ясалган. Жоме масжидининг салобати ўзгача.

Денгиз бўйида, юз газ баланд қоядаги қасрда ўлтирган Тўхтамишхонга узок-узоқлар кафтдагидек намоён эди. Денгиз дунёда ҳеч нарса юз бермаётгандай бепарво ястаниб ётарди, тутғёнлари ичида, изтироблари пинҳон, на тўлқинлар кўринарди, на мавжлар... Тўхтамишхон эса унинг акси: ҳаяжони юзига тепган, алам-у азияти ошкор, яширишга уринмайди ҳам...

Тўхтамишхон Ширвон ҳокими Шайх Иброҳимни қўлга туширишга қаттиқ қасд қилганди, авваллари ҳам кўп уринган, лекин иложи топилмаган, – бироқ у олтин ўрдаликларнинг шиддатли хужумидан чекиниб, валинеъмати қошига қочиб жон саклади. Олисдаги Самарқандни ёнгинасидаги Сарой-Беркадан яқинроқ билди... “Олтин Ўрдада шердай керилиб юриш ўрнига, Амир Темурнинг лайчаси бўлиш Шайх Иброҳим Дарбандийга афзал кўринибди-да...” – ўйлади хоқон фижинганча.

Тўхтамишхон лимиллаб турган мовий денгизга назар ташлади. Ногаҳон уни денгизнинг кучоги оҳанрабодай ўзига торта бошлади. Ўзини сувга отса-ю, шўнғиганча Қулзумнинг нариги томонидан – болалиги кечган Мангқишлиқдан чиқса!.. Болалик пайтларида олам-жаҳонни кучиб ётган денгизни, кирғоғи йўқ, дунёнинг чеккаси, деб ўйларди. Ундоғ эмас, дунё кенг, мамлакатлар кўп экан, усмонийлар империяси, Миср сultonлиги, Полша, Литва, Московия князлиги, Фаранг ерлари, Чин хоқонлиги... Лекин уни ташвишга солган нарса худди ногаҳонда ердан ўсиб чиққан тоғдай бўй чўзиб, Олтин Ўрдага соя ташлаётган Турон салтанати! Ажабо, қаерга қадам босса, Амир Темурнинг кўлагаси унинг йўлини тўсгани тўсган...

Кирклардан ўтган Олтин Ўрда хонининг енгил гижимланган қофоздай ажин туша бошлаган юзларига қоп-қора мўйлаби-ю, унга ярашган бежирим қирқилган кичкина учли соқолигина чирой бағишилаб турарди.

– Тармочук! Тарма!..

– Хузурингиздаман, хоқоним! – Бироз тўлишган эса-да, чаққонлигини йўқотмаган биткўз Амир Тармочук шу лаҳза-

даёқ остоңада пайдо бўлди.

— Мулозимларга буюр! Машваратга чорласунлар!

— Аллақачон чорлаб қўйганман, хоқоним! Бекор туриб бўлама? Барча аъён-у акобирлар пастдаги саройда фарменингизга мунтазирлар!

Амир Тармочук хоқонинг тобора руҳияти чўкиб бораётганини сезарди. Сарой-Беркада Турон элчисини қабул қилганида ҳам Тўхтамишхоннинг асаблари шундай таранг ипдай тортилдики, Тармочук ип ана узилади-мана узилади, деб жон ҳовучлаб турди. Ҳа, у аввалги хоқон эмас, ўйлангани ўйланган, кўпинча хушчақчақлик ҳам унга ёқмайди, айш-ишратга майли суст, шаробга интилиш эса кучайиб бормоқда. Кейинги пайтларда қадди букилиб, сал елкаси чикиб қолгандай, хиёл эгилиброқ юрадими-ей ўзиям...

Амир Тармочук барини билади. “Хоқонимни унинг шериклари алдаб қўйишмаса бас... – ўлади у. – Ишониб бўлама? Ўзини яқин дўст деб ҳисоблаган Полша ҳокими Ягайло узокда, биргаман, деган аҳд-паймони бор, аммо айтган гапида турاما? Миср султони бетоб, Султон Аҳмад жалойир билан Амир Қора Юсуфлар бамисоли сув юзидағи ҳашамли пуфак, гердайиб бўй кўргизади, аммо таянаман десанг, сувга ботади-ю ирғиб чиқади, тутаман десанг тутқизмайди. Усмонли император Йилдирим Боязид улкан тоғдек – яқинлашган саринг йироклашади... Хоқоним уларнинг сўзларига эътимод қўйиб, адашиб қомайма? Барчаси бирлашса ҳам Темурбекка бас кела олама?.. Темурбекка-я?..”

Кўп ўтмай амирлар-у нўёнлар, баҳодирлар қасрни тўлдира бошладилар. Гангир-гунгир овозлар тинди.

Хоқон қасрдан денгиз томонга узоқ-узоқларга тикиларкан, хаёлидан кўп нарсаларни ўтказарди. Бирдан ичиди бирбирига душман икки одам ўзаро баҳс бошлаб юборди. Ҳар гал шундай, ўтган кунларини эслади дегунча, улар даҳанаки “жанг” га киришиб кетишарди.

“Амир Темурга ёлғиз ўзинг ҳеч қачон teng келолмассан! Кундузча жангидан кейинок ёнлаганман... – деди Биринчи. – Ҳа, “тутинган” ўғилга валламат “ота” га етишга йўл бўлсин!”

“Етаман! Етаман! – ҳаприқди Иккинчиси. – Ҳали ўтаман ҳам! Шундай ўтайки!.. Амир Темурнинг мамлакатда йўқлигидан фойдаланиб, Туронга гоҳ Сирдарё томондан Қамариддинни йўлладим, гоҳ Хоразм ёқдан Сулаймон Сўфини жўнатдим, Озарбайжон тарафдан Табризга ўзим ҳужум килдим, бир кунлик босқиндаёқ ҳамма жойни талонторож этиб, ўлжаларни кўлга киритиб, саноқсиз кулу чўрилар олиб қайтдим...”

“Бу ҳужумларинг бари филга игна санчишга уринишдек бир гап, холос...”

“Мен сенга айтсам, авваллари ўзим ёлғиз майдонга кириб, катта хатога йўл қўйган эканман...”

“Ўз хатосини тан олмоқ ҳам мардлик, жасурлиқдур. Хатоларга боқиб хулоса ясамоқ оқилнинг иши. Аммо ҳали хулосага узоқ... Энг катта хатойинг, биласанму, нима – кўрқоқлигингдур!” – деди Биринчи.

“Ие! Ие!.. Кўрқоқ одам, Олтин Ўрдадай мамлакат таҳтига минадурму? Московиядай шаҳарни ёндирадурму? Ундан душманлари титраб туришадурму?..” – саволлар ёғдирди Иккинчи.

“Кўрқоқсан, деганимнинг сабаби, Қундузча ёнидаги урушда Амир Темурдан кўрқиб, шу ергача қочиб келдинг...”

“Қочиб эмас, ортга чекиндим, холос... Сўзни тўғри ишлатмоқ керак. Ҳарбий ҳийла бу, шундай усул бор...” – ўзини окларди Иккинчи.

“Усул эмиш... Сен яхшиликни билмайдурган одамсан. Бу усулни нима дейдилар?...”

“Тагин эски гапми?.. Тағин ўлган илонларнинг бошини кўзгаяпсанму? Мен Чингизхон авлодиман, кандайдир чўлдан чиққан бир амир фармонига қараб туролмасман! Улуғ бобом гўрида тик турадур!”

“У ҳолда, нега чўлдан чиққан амирга сигиниб бординг? Борганингда улуғ бобонг гўрида тинч ётдиму? Нега Темурбекни алдадинг?..”

“Алдаганим йўқ. Ўзи қўшин берди. Чунки шимолда мендай подшонинг кўкрак кериши, менга эмас, унга керак!

Тўхтамишхондай чингизийзоданинг қўрғон бўлишига Амир Темурнинг ўзи зор, билдингму? Менга меҳрибончилик кўргизмади, бу ўзи учун керак эди...”

“Ахир тўрт марта мустар-у хор борганингда, Амир Темур ҳар гал бошингни силади-ку? Инсофни ҳам эсдан чиқармасун-да киши...” – ўпкалади Биринчи.

“Инсоф? Ким у, инсоф? Нима у, инсоф деганлари?.. Қаерда яшайди? Бир бориб салом берайлик! Инсоф эмиш!” – масхараомиз кулди Иккинчи.

“Бу нима деганинг?”

“Кимда бор экан ўша инсоф? Хўш, айт-чи? Валламат Темурлангда борми ўша инсоф? Инсоф бўлса, Турон қолиб Хурросон-у Эронга бостириб борадурму? Ирок-у Мозандарон, Озарбайжон-у Гуржистонни вайрон этадурму? Олтин Ўрдага кўз тикадурму? Хоразмни босиб олди-ку, Олтин Ўрданикини, у менинг таянчим эрди. Менам Озарбайжонни босиб оламан, бу қасосимдур. Табризга ҳам шу сабабдан чопқун ясадим. Дарбандга ҳам! Амир Темурга мумкин, менга мумкин эмасму?..”

“Жаҳонгирликнинг шарти шу-да...”

“Ахир бу мамлакатлар қайси жаҳонгирники? Чингизхон бобомнинг мулки-ку! Эгаси менман!”

“Ха, эгаси сенсан!..”

“Устимдан куладурмусан?”

“Кудратлилар, зўрлар дунёси бу! Нега ахир тушунмайсан? Нукул Чингизхон бобом, Чингизхони Соҳибқирони муazzам, дейсан. Чингизхон бобонг сенга кўмак бера оладурму?”

“Шунинг учун шериклар, дўстлар кидирдум... Дунёning манаман деган марди майдонлари бари!”

“Агар шерикларинг ҳам сенга ўхшаш ялқов бўлсалар, иш қийин экан...”

“Сенга гап уқтириш мушкул... Ҳеч бунинг уддасидан чиқа олмадим...”

“Жилла курса, кўп марта бошингни силаган валинеъмат отангга тиф кўтартмагин эрди...”

Ҳар сафар баҳс шу нуқтага етганда, ўз-ўзидан тўхтар,

яхшиликка – ёмонлик ҳамма замонларда ҳам бир хил баҳога – лаънатга лойик эканини тан олишга тўғри келар, бу аччиқ ҳақиқат Тўхтамишхонни ғазаб отига миндирап, кўнглини бадтар тошга айлантиради.

– Кечакиңида “қиблагоҳимиз” бир элчисини юбориб, ўртада тинчлик бўлсин, деб таклиф этибдурлар... – деди бирдан ҳоқон. Бу машваратнинг бошланганини ва у нимага бағишлиланганини аниқ кўрсатиб туарди. – Элчининг сўзлари га боқингиз! Дунёда Амир Темур Кўрагон салтанатига teng давлат йўқ эмиш, бирор қалъа унга дош беролмасмиш, кесадиган қилич-у, бас келадиган шаҳар, енгадиган лашкар йўқ экан! Хо-хо-хо!

Тўхтамишхоннинг бир пайтлар ёрқин, энди қонталаш тусга кирган кўзлари қандайдир аламданми, қисилиб кетди.

– “Қиблагоҳимиз” – худонинг балоси! Ҳа, балоси... Ё раббий! Бу қандай куч, қудрат, иқтидор! Буни тан олмоқ бирлан ҳеч қачон кам бўлмайдурмиз... албатта... Оҳ! Кўксаройга биринчи марта борганимда, олтин таҳтда ўлтирган, мени “ўғлим!” деб, – ўғил эмиш! Хо-хо-хо! – атаган Амир Темурга кўз қишимни ташлаб, ўша лаҳзадаёқ шу қаршимда турган нақшинигор заррин таҳт меники бўлур, деб ўйлаган эрдим. Билингизким, мақсадимга етаман! Бобокалон Чингизхон Соҳибқирони муazzамнинг шон-шавкатини тиклайман, бешак-шубҳа тиклайдурман! Самарқанд-у Бухоро, Турон кўл остимга кирмоғи керак! Кирмоғи кера-а-а-ак! Билдингизму? Кирмоғи керак!!! Икки Дарбанд ораси менинг дастимда бўлсун! Ҳинд-у Хурросон, Ироқ-у Мисрлар ҳам! Қундузча жангиди Дашиб Қипчоқ чўлларида лошини оч қузғулар, қирғийлар ейди, деб ўйлагандим. Йўқ! Йўқ! Йў-ў-ўк...

Ҳоқон тўхтади. Ҳеч ким сўз қўшмас, ҳоқон жазавада эканидан аъёнлар агарда биронта сас чиқса, бутун заҳар-закқум ўша сўз айтган одамга қаратилишини, бошига бало ортиришини яхши билардилар.

– Билингизким, факат макр-хийла ёрдамида енгиш мумкин, холос, бу каттол душманни! Қум-у тошларга ўрганган Темурланг навкарлари Ўрусијанинг зимиистон

Үрмөнларида, жаҳаннамдай ботқоқларида от-поти билан чўкиб ўлсунлар, дейман... Максадимиз – гўё жанг, аслида уларни ўша ерларга эргаштириб бориш! Токи йирокларда улокиб, хор-зор ўлсунлар! Чалғитишга ўчоқларда ўчмаган ўтларни қолдирамиз, чекинамиз, чекиниб, Темурлангнинг тинкасини қуритамиз, адаштириб, юртидан йирокларда ўраб олиб, янчиб ташлаймиз! Янчиб ташлаймиз! Қандай чиройли сўз, янчиб ташламоқ!..

Хоқоннинг сўзлари Султон Маҳмуд ибн Кайхисровга жуда ёқиб кетди, кўнглининг тубида қисиниб ётган туйғуларини аллалаб ўтди, нимадир демоқчидай, ўтирган жойида бир қўзғолиб қўйди.

Нўён-у баҳодирларнинг кўпчилиги Турон салтанати билан савашишга қарши эдилар, бу, уларнинг назарида, тоғ билан бўйлашишга уринган адирнинг чираниши эди, холос. Ўзаро сухбатларда гапиришса-да, буни хоқонга айтишга чўчирдилар. Улар ҳатто Олтин Ўрда қўшинининг Ширвон мамлакатига бостириб киришини, Дарбандни ишғол этишини ҳам истамагандилар, шимолга Московияга қараб юришни хоҳлардилар.

– Кудратли ва маккор душманга teng келишимиз мушкул, – ёзғирди Кунча ўғлон бир кун олдин пинҳона сухбатда баҳодирларга қарат. – Биламан-ку, Амир Темурнинг кучини, шиҷоатини! Хонавайрон бўламиз, бекорга ўлиб кетамиз!..

– Хоқоннинг ўзида ҳам урушга унчалар рўйхушлик йўқ, деб юбординг кеча... Индамадим. – Ўқтой ўғлон қандайдир иддаоси бордай Кунча ўғлонга тикилди: – Сал ўйлаб гапир, ҳой Кунча! Хонавайрон деганинг нимаси? Биз киммиз ўзи? Бизлар-а, Чингиз авлоди!..

– Кекирдагингни чўзма! – хотиржам жавоб қилди Кунча ўғлон. – Биламан сени...

– Нима-нима?..

Қозончи баҳодир ғазабга тўлган кўзларини хезлана бошлиған Ўқтой ўғлонга тикиди:

– Худди кундошларга ўхшайсизлар-а, майда гапни яхши кўрасизлар... Сен ҳам Кунча ўғлонмас, Кундош ўғлон-

сан, Кундош ўғлон!

Үқтой ўғлон Кунча ўғлонга қаради-ю тилини тийди. Кунча ўғлон бир гезарип қўйди.

– Ҳамма ишни бузган ана бу сийқаси чикқан кал, яроқбош, маккор амир Идику!.. – тап тортмади Элийғиши ўғлон муштумини қисганча – Туронга эмас, Московияга юриш керак, Московияга!.

– Идикудан ҳам олдинроқ анови келгиндилар ишни бузяпти! – сўзга қўшилди Довуд Сўфи. – Қамариддин, Султон Махмуд, Қора Юсуфлар!.. Хоконни қулоғига қурт бўлиб, гиж-гижлаб ҳол-жонига қўймайдурлар! Бари хоқон қўмагида ўз тахтини эмас, баҳтини қайтариб олмокчи!

– Тўғри! Агар хоқон бошига бир иш тушса, бари шу заҳоти ўз жонини саклаб, думини гажак қилиб ташлаб қочади! Ҳеч қайсиси дўст эрмас! – деди Кунча ўғлон. – Қозончи баҳодир, ўртага тушмасалар бўлмайди, хоқонимизни бу йўлдан қайтарсунлар! Хоқоннинг энг ишонган киши-сидурсиз, фақат сизни сўзингизга кирадурлар, чора топингиз!..

Ҳамма ўша илинжда Қозончи баҳодирга кўз тикди. Баҳодир ҳам буни идрок этарди. Қабарик кўкракли, паҳлавон келбат, энгагидаги худди омонатгагина ёпишириб қўйилгандай тикрайган, ок оралаган уч-тўрттагина соқоли Қозончи баҳодирга салобат бағишлар ва кишида унга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотарди.

Қозончи баҳодир ўзини дадилланган сезди, одатдагидек, Тўхтамишхон сўзининг тугашини кутди. У билади, вакти келиб, Тўхтамишхоннинг ўзи: “Гапир! Нима дейсан?..” дегандай, Қозончи баҳодирга кўз ташлайди. Ана ўшанда у нима деса ҳам, гапи тош босади. Унгача жим турсин.

Машваратларда ўзғирлик қилиб аравани қуруқ опқочадиган, ишни чалкаштирадиган, Турон салтанатига юришларнинг ҳамиша тайёр илҳомчиси амир Идику, хайриятки, даврада йўқ. Тўхтамишхонга, Амир Темур ким, оддий бир амирнинг ўғли, унинг устига оқсок, сиз-чи, хоқоним, жаҳонни титратган Чингизхони Соҳибқирони муazzам авло-

ди эрурсиз, Чингизхон авлодлари ичидә сиздан улуғи ҳали дунёга келмади, келадими, йўқми – номаълум, деган гапини неchanчи бор айтиб, хоқоннинг ақлини ўғирлаб, Қозончи баҳодирничув тушириб, улоқни илиб кетарди. Лекин шуниси кизиқки, амир Идикунинг бир хил гапи ҳар сафар айтилганда, янгича маъно ва мазмунда жаранглар, доим маъқул келиб Олтин Ўрда хонини ўзига ийдириб олар, Қозончи баҳодирнинг бунга ақли етмай ҳайрон қолаверарди.

Қозончи баҳодир ичидә ўзининг узокни кўра олишидан, хушёрлигидан мамнунлик ҳиссини түйди. Мана, яқинда устомон ва мунофик душманини саройдан йироқлаштира олди-ку. Азалдан гапга нўноқ эса-да, лекин бу сафар хоқонга моҳирона хабар етказди: Нўғой ёқларда исён чикибди, бундан ўн йиллар муқаддам Кафа шахрига қочиб борган жойида, Тўхтамишхон одамлари томонидан ўлдирилган туманбоши амир Мамоқ ўғиларидан кимdir номдор отасининг мартаба-ю мавқенини тиклаш мақсадида, атрофига одам йифиб хоқонликка қарши бош кўтарибди, хун талаб қилаётган эмиш, ажralиб чиқмоқчи экан, ёмон жойи, бу исён чор атрофга ёйила бошлабди...

Турон салтанати томонидан бало-офат ёғилай деб турганда, Олтин Ўрда учун шундай хатарли вазиятда уни бостириш фақат зукко, ақлли, ишнинг кўзини биладиган донишманд-у сертадбир амир Идику жаноблари қўлидан-гина келиши мумкинлигини хоқонга тушунтириди ва ишонтира олди.

Гапининг охирида, Мамоқнинг ланъати ўғли Амир Темурдан кўмак сўраб, элчи юборишга ҳам ботинган эмиш, Турон салтанатига қўшилмоқчиймиш, деган гапни қистириб ўтгани хоқонга, балки, энг қаттиқ таъсир этди, шекилли. Аслида, воқеа ростдан ҳам шундайми, йўқми, – Қозончи баҳодир аниқ билмасди, буни ичидан қўшди. Амир Идику боришни истамаса-да, хуфиёна бадбаҳт Қозончи баҳодирдан ёзғирганча, иложисиз жўнаб кетди.

Тўхтамишхон назар ташлаб аъёнлар ичидан кимнидир кидира бошлади, ҳамма, айниқса, Қозончи баҳодир буни энтикиб кутарди. Хоқон эндиғина унга тикилиб, нимадир

демоқقا өзгөләнді, шекилли... Бирдан шу палла... Амир Идикунинг Нұғой ёқлардан қайтганини билдирилар! Измаза из Миср султони Барқұқдан ҳам бир чопар останада турған маълум қилинди.

Хоқоннинг чехраси ёриша бошлади. Унинг бундай хабарларга илхаклиги билинди. Қисик күзлари чакнаган амир Идикунинг дадил кириб келаётгани Қозончи баҳодирга ёқмади, күнглидан: “Қайнаган қозоннинг ичига ташласаңг тирик чикадир, тегирмондан бутун чикадир! Бу балога учрагурдан үлим ҳам құрқадир!“ - деган сўзлар ўтди. Унга амир Идикунинг манглайи мамнунликдан яна ҳам дүнграйиб кетгандай туюлди.

– Фитначиларни жазоладим, хоқоним! – деди тиз чўкканча, Тўхтамишхоннинг енги калта оқ авра тўни этагини ўпар экан, амир Идику. – Мамоқнинг барча ўғилларини, қариндош-уруғларини ҳибсга олдирдум, ҳазратларининг олий фармонларини битта қолдирмай адо этдим – каттасидан гўдагигача барини қатлга буюрдим! Оқнўғай-у қоранўғайлар, барчаси тобеликка рози! Барини тавбасига таянтирдим! Чучварани хом санаган қизигарлар Нұғай Ўрда бўлиб ажралиб чиқмоқчи, Турон салтанатига қўшилмоқчи эканлар...

– Энди маҳшарда қўшилади! – деб юборди Султон Маҳмуд ибн Кайхисров.

– Олампаноҳ! Аслида Амир Темурга карши от суришимиз лозим! Ҳамма ишни лойқалантираётган ўша бадбаҳтдур! Шу кунларда Мордин қалъасини забт этғон эрмиш... Лекин эшитдимки, лашкарлари сочилиб ётибдур, пароканда, бири Шерозда, бири Исфаҳонда, иккинчиси Самарқандда-ю, бошқаси Ашпарада, Термизда... Авомунносда ўша томонга оғиш бор! Ҳа... Фурсатни чўзмок ҳатарлидур! Бу кунларга етиш учун, хоқоним, озмунча тер тўқдикму?.. Ҳамма ухлаб ётади, аммо сизни мизғиганингизни билмайман, хоқоним! Чакинқадам қўшинингиз қорасини кўриши билан, черик йиғолмай сичқондай қочмоғи аёндур, мучали сичқон-ку ахир! Хе-хе-хе... – Озгина кулишга ҳам уринди амир Идику. – Бари қудратингиз олдида титраб турибдур! Бутун Туронни

қўлга киритурсиз, Хурносон-у Ҳиндистонга ҳам йўллар очилгай, дунё оёғингиз остида бўлғай! Турон султонини енгмоқ – дунёни олмоқ бирлан баробардур, эй хоқонлар хоқони!

Баҳодирлар-у нўёнлар Тўхтамишхонга дунёни бус-бутун нақд қилиб қўйган амир Идику сўзларини эшитишиб, даҳшатли қиргинарот уруш манглайдага бор эканини, ҳатто шу тобда хоқон ҳам қазо-ю қадарни<sup>1</sup> бартараф этишдан ожизлигини фаҳмлаб етдилар-у шишиб турган, ногаҳонда пичок учи тегиб дами чикқан пуфакдек бўшашиб қолдилар.

Қозончи баҳодирга Турон салтанати билан жанг бошлаб юборишга амир Идикунинг сўзлари етарли эмасдай туюлди, буни исботлашни дилига тугди. У муҳим гапни айтишда яна фурсатни бой берганидан ичидагаттиқ койинди, бошқа томондан, нўғойлар Турон салтанатига қўшилишмоқчи эканлар, деган тахмини тўғри чиққанига таажжубланиб қўйди.

Тўхтамишхон лимилаган денгиз оша узоқларга, нариги кирғокка, она юрти Мангқишлоқ томонларга тикилди. Хоқон ҳеч нарса демаса-да, ҳамма унинг қўнглида нималар кечайётганини, кейинчалик жаҳон тарихида улкан муҳорабалардан бири деб аталадиган саваш режаларини чизаётганини аниқ сезиб турарди.

## П

Оқсарой қурилишига боғланган Жаҳоншоҳ ибн Жоқу Ҳумоюн ўрдудан олий фармон олди. Салтанат туғросига айланган уч ҳалқа тагида “Абулмузаффар Абулмансур Амир Темур Муҳаммад Баҳодирхон сўзим” деб бошлангувчи, охирида “Амир Темур Кўрагон ибн Тарағай” сўзлари ярқираган муҳр босилган фармонда, унга Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан бўладиган катта жангларда амир улумаро мансаби топширилгани, зудлик билан Қорабоғга етиб келиши лозимлиги аниқ битиб қўйилганди.

У даставвал Соҳибқирон ишонч билдирганидан қувон-

<sup>1</sup> Қазо-ю қадар – бу ерда: тақдирда ёзилгани, Оллохнинг иродаси билан бошга келиб турган беадад ғам-ғусса, маъносида (муалл).

ди, иккинчидан, ўша ёкларда кизи Соғинч бикани кўриш имкони туғилганидан ичидан суюнди...

Кизининг воқеасидан бир хафта чамаси вакт ўтганди, умиди ёниб тугаётган шамдай сўниб бораётган, хориб-чарчаган Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳовлида гўзал канизак Сарвинозни учратди. Даставвал канизакка термилиб: “Сен биласан-а, Соғинчни қайдалигини?..” деб сўраганда, канизакнинг апил-тапил: “Билмайман... қайдан билай, амирим?.. Йўқ!.. Йўқ!..” деб ўнгайсизлангани сезилди. Унда шубҳа колмади: канизак Соғинч бика қаердалигини билади! Кейинги пайтлар канизакнинг ўзини опқочадиган одат чиқаргани, иложи борича, кўзга ташланмасликка уриниши ҳам буни тасдиқлаб турарди. Канизакда бир сир борга ўхшарди.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку дарҳол Сарвинозни хузурига чорлатди ва Соғинч бика ҳақида сўраб, итобга олди.

– Биласан-а? Яширгансан-а? – маъноли сўради жигарсўхта ота...

– Йўқ! Йўқ, амирим! Билмайман, билмайман...

– Шундайми?.. Бўлмаса, менинг ҳам сабр-тоқатим тутади! – деди жиддий Жаҳоншоҳ ибн Жоку, ўзини қаттиқ жаҳли чиқкан қилиб кўрсатиб. – Айтмасанг... айтмасанг... билиб қўй: шу одобсизлиги учун Соғинч бикани оқ қиласман! Тамом юз ўгираман, менинг ундай қизим йўқ, дейман! Воз кечаман, тамом!

Сарвинознинг кўзлари даҳшатдан катта-катта очилиб кетди, шўрликнинг бардоши тутади ва хўнграганча, ўзини хожасининг оёғига ташлади:

– Йўқ, йўқ! Ундай қиласман! Жуда ақлли қиз! Гуноҳ бўлади! Бир қошиқ қонимдан кечингиз, амирим!.. Қонимдан кечингиз! Яширдим... яширдим...

– Кечдим, кечдим!..

Сарвиноз чиройли юзини кўк ҳарир рўмоли билан яrim тўстанча гапиракан, ўксиниб йиғларди. Соғинч бика шаҳзодага меҳр қўйибди, ундан бошқа ҳеч кимни ўйламас, ўйлай олмас ҳам экан. Оппоғойим бу сирни хожамнинг ўзларига айтмоқчи эканлар, бироқ улгурмай жон омонатини

эгасига топширибдилар. Шайх Нуриддин баҳодир жаноблариникидан совчилар қатнови тезлаша бошлагач, киз шартта йигитчасига кийинибди, ўзини билдирмай валиахд шаҳзода Мұхаммад Султон хузурига боришга, иложи топилса, сипоҳ бўлиб, унинг қўшинида жангларда катнашишга аҳд-у паймон этибди, кейин тезда қайтиб келишга ваъда берибди.

– Соғинч биканинг исми “Арғуншоҳ”. Сирдарёнинг бўйидаги ҳарбий машқлардаёқ ўзига шундай исм танлаганди баҳодир киз... – тутатди сўзини Сарвиноз кўз ёшларини артаратса.

Жаҳоншоҳ ибн Жоқу турган жойида қотиб қолди! Нега аввалроқ айтмадинг, юракларни кон қилдинг-ку, эси йўқ, тентак, дея нарида бошини эгиб, мунгсираб ўлтирган канизакни боплаб койиб ташлай деди, кейин бу фикридан кайтди. Канизакда не айб?

Бари айб – ўжар ва талтанг қизида!.. Авбош бика! Безори киз! Ўзига куёв излаб кетибди, бетавфик! На отани ўйлайди, на ор-номусни! Йўқ, йўқ, хамма айб ўзида – қизини роса эркатой килиб қўйди, битта киз, доим айтгани – айтган, дегани – деган... Тошканддаликларида “Арғуншоҳ” деган ном қўйиб олганини ҳам биларди. Ахир, қўзи олдида Камонгаронга бориб янги совут ясатиб келди, нимага керак бу, деб ўйламабдур-а, лакалов!.. Шиҷоатли қиз кичикилигиданоқ нуқул дадасидан қаҳрамон ва жасур аёллар ҳакида сўрарди, саволлар берарди, хуллас, бошқача эди. Бекорга эмас экан-да...

– Шафқат қўрсатганингга шукр, Оллоҳим! – деб юборди бечора ота...

У дарҳол ишонган бир навкарини Соғинч бика изидан жўнатиб, тезда бирон дарак билан қайтишни тайинлади. Йигирма бир кун деганда қайтган навкарнинг айтишича, валиахд шаҳзода қўшинида, чиндан ҳам, Арғуншоҳ деган жасур йигит бор экан. Аммо Маранд шаҳри учун жанглар кетаётганидан йигит билан қўриша олмабди.

“Шунисига ҳам шукр!” – деди ичида Жаҳоншоҳ ибн Жоқу қувончдан ўзини қайга қўйишини билмай. Гоҳ

кизининг тутумидан қаттиқ жаҳли чиқар, гоҳ гуурланиб кўярди.

Софинч бикадан қандай хабар олиш керак, бориш лозимми ёки киши жўнатиб аҳволни билиш кифоями, деб боши қотиб турганда, Ҳумоюн ўрдунинг олий фармони жонига оро кирди. Энди ўзи боради, ўзи “Аргуншоҳ” билан учрашади!..

Жаҳоншоҳ ибн Жоку тонг отиб-отмай Уста Хоразмий ва Табризийлардан хабар олгани Оқсаройга жўнади. У саройни йироқдан томоша қилишни ёқтиради.

Оқсарой кундан кун ороланиб боради. Жаҳоншоҳ ибн Жоку назарида, агар кенглиги йигирма қадамлар чиқадиган, ён томондан буржлар билан мустаҳкамланган, ранг-баранг нақшлар-ла безатилган дабдабали улкан пештоқ равоғига боқиб, худди осмон тоқининг кераги йўқ, деб ўйлади киши. Икки тарафдан бўй чўзган, бурама ислимий гириҳлар ва қадама безаклар билан нақшинланган, мавж усулида терилган ғиштли белбоғлар bogланган гулдасталар<sup>1</sup> пештоқ салобатига салобат қўшади.

Деворларда қатъий ҳандасавий андозада моҳирона терилган пардозланган қизгиш-жигарранг ғиштчалардан нақшлар отилиб-отилиб чиқсан. Тўқ кўк рангдаги адил чизиқлар сиркор парчинлар жилолари аро аниқ ажралиб туради. Ранглар юқорига қараб қуюқлашиб боради, уларда ҳам кўк-нофармон тус устувор. Кўламдор нақшлар, муборак ояти карималар ва ҳикматли иборалар билан зийнатланган ранг-баранг кошинлар ҳашам чекиб, саройга хориқулодда бир виқор, улуғворлик бағишлийди...

Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳар сафар мана шундоқ қасрдан узоқ-узоқ кўзини ололмайди ва ҳар сафар Уста Хоразмийнинг улуг меъмор эканига ичидаги тан беради. Бари, бари унинг иши-амали.

Уста Хоразмийнинг куни шу ерда ўтади. У кўпдан шаҳрисабзлик, аникроғи, “оқсаройлик” бўлиб қолган. Пештоқни кошинлар билан безашдан олдин “Уста Матпано Хоразмий” сўзларини энг тепадаги деворнинг ич томонига,

<sup>1</sup> Гулдаста – минор(а)нинг бир хили (муалл).

ғиштлар орасига яширишни буюрганди, шогирд таажжуб-ланиб сўради: – Устод!.. Муборак номлари ичкарида бўладирму, ҳеч ким уни кўрмайдирму?..

– Ховва, ичкарида... Бу ота-боболар удуми, эй шогирд, – жилмайди Уста Хоразмий. – Агар бино курсанг, номингни сир тут, йўқса бу даъво ғаразга айланадур. Мен яратдим, мен яратдим, деб бандаси манманликка бериладур, худони унтиб қўядир. Оламда яратгувчи ёлгиз Оллоҳнинг ўзи. “У сизларни ердан пайдо қилиб, унга жойлаштириди” дейилган каломуллода. Унга мувофиқ, иморат қуриш дунёда матлуб ва марғуб саналгай. Йўқ, биз маъбути барҳақ Оллоҳнинг дилимизга солганини адо этғоймиз, холос. Биз сидкидилдан тер тўкамиз, ҳеч нарсага даъвойимиз йўқ, ғараздан йирок-дурмиз... Буни ёдингда тут, эй шогирд!

Ёш уста бунчалар хокисорлик сирини англаш мушкулигидан ўйланиб қолди.

Хоразмда қанча бино курсалар-да, аммо меъмор исмини билдирамай гиштлар орасига яширадилар. Уста Хоразмий бунга кўп шоҳид бўлган. Шоҳмеъмор бобокалонининг кўп йиллар аввал айтган сўzlари ёдида. Гурганждаги Кутлуғ Темур Бўлдой минорасини тиклаганида, ўз номини минаранинг ич томонига бир чеккага ёздирган, ташқари куйи қисмида эса ҳукмдор Кутлуғ Темур Бўлдой билан Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг номларини куфий ёзуvida чиройли битиб қўйган экан. Кутлуғ Темур хотини, Олтин Ўрда хони қизи Тўрабикахонимнинг кулоҳий гумбазли макбарасида ҳам меъмор исмини қидириб хийла уриниб қолади киши.

Уста Хоразмий Сарой Беркадаги катта ўглига ҳам шундай йўл тутишни уқтирган. Ўгиллари, ширин набирали билан айри тушганига ҳам, мана, ўн беш йилдан ошибди...

Ховлида уймалашиб ишлаётган одамларнинг сон-саноғи йўқ. Баланд ҳавозаларга чиқиб олган, пастдан қараганда муштдек кўринадиган усталар ичкаридаги сарой пешона-

сига ғиши териб, чиройли шарафа<sup>1</sup> ва аракилар<sup>2</sup> ясадилар. Кошинкорлар пештоқдаги шер сурати атрофларига гүё хайвонлар подшоси муҳофазада бўлсин дегандай, ложувард кошинлар қоплардилар.

Ховлининг ўртасида бир кўп одам ганч кориш, гишт саралаш, тош йўниш ва ҳоказолар билан машғул. Баҳаво айвонлар ҳам одамларга тўла. Ўнг томонда бурчакда ёлғиз йигит аллақандай қўшикни хиргойи килганча, бир неча кун аввал ёпиштирилган кошинларнинг қирраларини силликлаб, артиб чикмоқда. Кунчикиш тарафда боғ-у хиёбонни оралаб ўтадиган айланана йўлкада ҳам кимлардир ивирсиб юрибди.

Устанинг чехраси очиқлигини кўрган Жаҳоншоҳ ибн Жоку, салом-аликдан кейин деди:

– Ноҳуш хабар келди... Тўхтамишхон билан катта жанг бошланар эмиш, ёшулли... Фармон олинди.

– Олтин Ўрда хони билан-а?.. – синчков сўради Уста Хоразмий сийрак соқолини беихтиёр силар экан.

– Ҳа...

Табризий гапга қўшилмас, факат сезилар-сезилмас бош чайқаб ўтиради. Меъмор ҳеч нарса демади. У хаёлга чўмди. Ўн беш йилдан бери Кешида яшайди, уруш-у жанг садоларини эшитгани йўқ. Гоҳ-гоҳда Мисрда, Шомда, Ироқда, яна аллақаёклардадир савашлар юз бераётгани ҳақида хабарлар қулогига чалинади, холос.

Шундай пайтларда Гурганждаги Хоразм ҳукмдори саройини бузганларини эсларди-ю дили титраб, қурч жуссаси яна ҳам кичик тортиб кетгандай туюларди. Соҳибқирон уруш-у вазият тақозоси билан баъзи вилоятларни бузар, ўзгасини тузар, шаҳарлар бунёд этарди, Уста Хоразмий буни тушунади. Чунки ўша қалъа бузилмаса, яна тез кунда фитначилар ва душманлар уясига айланиб, салтанатга таҳдид солиши мумкин, бу аниқ.

Дашти Қипчок жангидан қайтгач, Соҳибқирон томонидан Гурганжга маҳсус киши юборганини, қайтадан тиклан-

<sup>1</sup> Шарафа – бинонинг девор, шифт ва шу каби жойларига одатда ганчдан қуйиб ёки ўйиб ишланган накш, безак.

<sup>2</sup> Араки – шифтнинг гир айланасига, бўғот остига, эшик, дераза тепасига ишланган ёғоч накш; карниз.

ган шаҳарнинг кўркам-у обод эканини эшитганида кувонгани ҳозиргидек устанинг эсида.

Аммо Олтин Ўрда хони билан жанг бўлса, у ҳолда Сарой-Берка босиб олиниши, харобага айланиши аниқ. Уста Хоразмий чамасига қўра, Тўхтамишон Амир Темурга бас келолмайди, Соҳибқирон чангалига чангол соладиган кудратли подшо ҳозир жаҳонда йўқ. Қирғинбаротда, – хотини-ку, оламдан ўтибди, – катта ўғли, яна икки ўғли набиралари ҳоли нима кечади?..

Хос лашкарига олис сафар тадорикини буюриш лозимлиги, эрта тонгда йўлга отланиш зарурлиги сабабли Жаҳоншоҳ ибн Жоку безовталаниб турарди. У кетаркан, ортидан Уста Хоразмийнинг ўзига ўзи дегандек, айтган сўзлари қулоғига чалинди: – Э, аттанг. Кошкийди уруш бўлмаса... Оти ўчсин урушни! Аттанг!..

Кун бўйи сафар тадорики юмушлари кўл-оёғини боғланган Жаҳоншоҳ ибн Жоку коронғи тушгандагина хайрлашгани Оқсаройга йўналди. Ўзаро боғлик уч кисмдан иборат Оксарой тун коронгисида бошқача манзара касб этарди.

Тимлар билан ўралган ҳовли суви йўқ улкан ҳовузни эслатади. Саломхона, турли-туман хоналар, сарой ва боғ хиёбонлари қоронғилиқ пардасига чулғанган. Ҳориб-чарчаган қурувчилар бари ҳужраларда қаттиқ уйқуда маст...

Ҳовли сукунат қўйнида. Ой шуъласи ҳовлини ғирашира ёритар, турфа соялар, кўлкалар ижод қиласарди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку факат бир одамнинг ухламай юрганини илғади, у кўзи хиралашса ҳам, саройнинг ич-у ташини коронғида кўзи ўткирдан ҳам яхши қўра оладиган Уста Хоразмий эди. Ана, у гоҳ сарой соясида кўринмай қолади, бироздан кейин яна ёруғликка чиқади-да, кенг елкаси кўзга ташланади. Яна йўлида давом этади. Аҳён-аҳёнда “Э, аттанг. Уруш-а... Оти ўчсин урушни!” деган сўзлари эшитилади-ю тун қаърига сингиб кетади...

## УН ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

### I

Маҳди улё Сароймулхонимнинг Султонияга ташриф буюраётгани хабари Хонзода хонимни бағоят қувонтириб юборди, энди бемалол хонимойим ҳазрати олиялари билан мириқиб-мириқиб сұхбатлар қуради, диллар чигили үз-үзидан ёзилади. Ахир улар Султония билан Самарқанд орасида бир-бирларига мактублар ёзиб, күкарчиннинг йўлига қараб кун ўтказишади-да.

Кеча Султониядаги баъзи воқеалар, ўзининг ташқаридан қараганда дабдабали, лекин аслида нурсиз ҳаёти, амирзода Мироншоҳ билан муносабатлар, Муҳаммад Султоннинг тўйи, унинг... (Хонзода хоним шу пайтгача буни бошқалардан яшириб келди) Хон Султон оқага кўнгилсизроқ экани... ва ҳоказолар ҳақида батафсилгина мактуб ҳам ёзиб қўйди.

Кутимагандан, мулозим Ахий Жаббор баҳодирнинг салтанат юмуши билан Гуржистондан келганидан хабар етказди.

– Ассалому алайкум, маликам! – эгилиб таъзим бажо айлади у. – Шавкатли Мироншоҳ Мирзодан, шахзода Муҳаммад Султондан саломларни қабул айлангиз!

– Хуш келибсиз, баҳодир! Шаҳзодам тузукмилар? Хой, Оқ!.. Бойинг келди, қара!..

Ийманган Оққиз бегим шуни кутиб турганди, дарҳол бориб баҳодирнинг оёқларига бош қўйиб тавоғ қилди, кейин совутнинг совуқ пешига нозик лабларини босди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Ҳай, ҳай!.. Қўйингиз, айб бўладир! Маликам кўрмасунлар... – хотинини қўлтиғидан ушлаб турғизди баҳодир. – Худога шукр, дейлик, тинчлик...

Хонзода хоним Ахий Жаббор баҳодирнинг иззатини жойига қўяр, уни Хоразмга борган вақтларидан биларди, бундай ўз аҳдига содик, хожасига вафодор инсон камдан кам учрайди. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин, маликанинг бир оғиз сўзи билан хизмат русумини ўзгартирмади.

Хозир баҳодир нимадир демоқчидай туюлди, унинг ўнғайсизланганини кўрган Хоразм маликаси эр-хотинни холи қолдириб, саройдаги меҳмонхонага йўналди.

Ахий Жаббор баҳодир ўйга чўмди. Муҳаммад Султон воқеасини маликага қандай айтсин? Шаҳзода-ку, ўн кунча ётиб, оёққа туриб кетган, ҳозир унинг қўшини Ширвонда. Ишқнинг изтиробларини баҳодир ҳам тортган, лекин... Ё раббий! Шаҳзодаларнинг ишқи ҳам шаҳзодаларчасига бўлар экан! Мажнун ҳолига тушиб қолди-я! Табиатан бақувват, кучли Муҳаммад Султон охири чидамади... Табиб, унинг кўнглига даво топмак керак, деди. Ҳеч қандай дору-дармон, муолажа кор килмас эмиш.

Ўшанда шаҳзоданинг бошини уқалаб, оёқларини силаб ўлтирас экан, баҳодир қачонлардир худди шундай ишққа мубтало жигарсўхта Жаҳонгир Мирзога ҳар хил эртаклар, афсоналар, “Турўғлон ва Онабўри” киссаси, ҳатто ўзининг ҳам қалбини титкилаб, сарбадорлар пошшосининг қизи Жаҳон бикага пинҳона муҳаббати хақида сўйлаб берганларини эслади... Мана, Жаҳонгир Мирзонинг ўғли ҳам шундай бедаво ишққа мубтало бўлиб ўлтирибди.

– Соғинч бика... Соғинч бика... – ўзига-ўзи айтгандек, сўзланди Ахий Жаббор баҳодир атай. – Шундай шаҳзоданини ўзига маҳлиё этиб, телба ҳолига солибдими, оламда ягона қиз экан-да!..

– Нима-нима?.. Соғинч бика?.. – бирдан юмуқ кўзлари очилиб кетди шаҳзоданинг. – Қани Соғинч бика?... Соғинч... Соғинч... Келдингму?

Баҳодир тушунди. Шаҳзодага энг аъло шифо – унинг маҳбубаси хақидаги сухбат, дилтортар сўзлар... Бемор ошиқ кўнглига маъшуқаси хақидаги бир оғиз калом ҳам малҳамлар малҳами бўлур. У Соғинч бика хақида Оққиз бегимдан эшитганди, унинг чиройи, зебойи ҳусни, гўзаллиги, латофати, шаддодлиги хақида... Худонинг ўзи кечирсин, деди ўзига-ўзи, овозини баланд кўтарганча, гарчи қизни кўрмаган эса-да, кўргандан ошириб мактай бошлади:

– Соғинч бикани Туронда эмас, балки дунёда якка-ю ягона деб ҳисоблайман! Шу ёшга кириб, не-не диёрларни

кездим-у, ҳали бундай ҳусндор, кўрқда тенгсиз, баодоб соҳибжамол ҳурилиқони учратмадим, шаҳзодам! Агар ўхшатсам, фақат назокатли маликам Хонзода хонимнинг ёшликларига қиёс этсам жоиздур...

Ахий Жаббор баҳодир яширинча шаҳзодага қаради-ю ҳайратда қолди! Ё раббий! Муҳаммад Султоннинг чиройли катта-катта кўзлари фавқулодда нурланган, тош котган вужудга бамисли жон киргандай эди!

– Сиз... Сиз... – ютоқди тирсагига таянаркан шаҳзода.  
– Соғинч бикани кўрганмисиз?..

Ахийлар ҳеч қачон ёлғон гапирмайдилар. Аммо Ахий Жаббор баҳодир ҳозир кўнглида ўзи билмаган, танимаган бир ожиза ҳакида гапирав экан, ростларнинг ростини айтаёт-ганига имон келтирди ва шаҳзодага жавоб берди:

– Шубҳасиз! Ахир бир маҳаллада яшар эдик-да!  
– О. қандай бахтлисиз! – деб юборди шаҳзода. –

Ҳар куни кўргансиз! Мен эсам фақат икки марта..., холос!... Энди у ғойиб бўлган. Энди йўқ. Арғуншоҳдан ҳам дарак йўқ...

– Жоним шаҳзодам! – ҳаприқди Ахий Жаббор баҳодир Муҳаммад Султоннинг ҳуши ўнгланиб, тетиклашаётганидан bemisл кувониб, бошларини силаркан. – Камина падари бузрукворингиз Жаҳонгир Мирзо навкариман! Жаҳонгир Мирзони деб маликам Хонзода хоним юртига, Хоразмгача борганман! Худо хоҳласа, маъшуқангизга етишгайсиз! Сизнинг Соғинч бикага чўғдай муҳаббатингизни кўриб Мажнун-у Вомиқлар ёқасини тутиб қолурлар!..

Муҳаммад Султон кўзларida умид учкунлари чақнади.

Ахий Жаббор баҳодир шаҳзода воқеасини Хоразм маликасига ёки, жилла қурса, Оққиз бегимга билдириб кўйишга карор қилди. Бироқ шу палла шаҳзоданинг: “Аҳволимни сир сақласунлар, ҳеч ким, айниқса, валинеъмат Соҳибқирон билмасунлар!...” деган сўzlари ёдига тушди ва бу ҳодиса ҳакида ҳеч нарса демади. Иккинчидан, маликаларни катта таҳликага солиб кўйиши мумкин экан. Яна бир жиҳати, бировларнинг сирини очиш ахийлар вазифасига кирмайди.

Ахий Жаббор баҳодир Султонияда икки кунгина туриб, Дарбандга жўнаб кетди. Оққиз бегим шавҳарини кузатиб қайтганда, кўзлари ҳали нам эди. Хонзода хоним индамади.

Тиниб-тинчимас маликалар ҳарбий жабҳа ёқдан хабарлар эшитишга ҳамиша муштоқ бўлишади. Ахий Жаббор баҳодирдан юртда, Соҳибқирон лашкарида тинчлик, эмин-у омонлик эканини эшитиб, Хонзода хонимнинг кўнгли бироз таскин топди. Шунисига ҳам шукр.

Султонияда малика ҳеч ким билан сирлашиб-дардлашмайди. Кундошлари билан сўзлашишлари юзаки, чунки бари нуфузи баланд маликадан тортинишади, ёндашишга ҳайиқишиди. Бунга имкон ҳам кам, чунки ҳарамда катта малика мақомидаги Хонзода хоним шаҳарнинг шимол тарафидағи Чаманбоғда яшаса, бошқалари ҳар турли узокъяқин боғларга жойлашган, тўйларда, катта йиғинлардагина кўришадилар, холос. Ҳулокухон мулки топширилгандан кейин Мироншоҳ Мирзо ҳамма хотинларига ва жорияларига Соҳибқирондан улги олиб алоҳида-алоҳида кўркам боғлар бағишлиди.

Хонзода хоним катта маликани Чаманбоғда, икки тарафифда кўкка бўй чўзган, узоклардан кўзга ташланадиган кўш минорали қасрда кутиб олди. Эртасига маҳди улёга эҳтиром кўргизиб катта зиёфат берди, амирлар, саркардалар, бекларнинг хотинлари оламнинг улуғ маликаси, доврукли Бибихоним билан дийдорлашиш насиб этганидан мамнун, турли совға-саломлар ҳадялар билан зиёратга келдилар. Чаманбоғ пари-ю гулрухсорларни оғушига олганидан яшнаб кетди, айни пайтда мунглуг аёлларнинг кўнгиллари чаманчаман бўлиб очилди.

Икки олийқадр малика ўз дилларида, зиёфат тезрок тугаса-ю, икковлари холи сухбатга киришсалар, деган мақсадда бир-бирларига илтижо или қараб-қараб кўярдилар. Нихоят, гўзаллар анжумани якунига етиб, соchlари мушк таратувчи гўзаллар, кўз олар ранг-баранг лиbosларга бурканган ҳурилиқолар гангир-гунгир ичида зиёфатдан кайта бошладилар. Дарвоза олдида қаторлашиб, интиқ кутиб турган ароба-ю маофалар боғнинг ра什кини келтириб,

кушлардай учмоққа шай нозик-ниҳол паричехраларни ўз кучокларига олдилар. Бағри бүшаган боғ сассиз, хомушланиб қолди...

Хонимойимни боғнинг этагидаги нақшинкор кўшкка бошлар экан, Хонзода хоним атрофга синчиклаб қаради. У куз кирганини ҳам сезмаган экан, бодга сарғайиш мавсуми ўзининг заъфарон кўрк-у ҳуснини намойиш этарди. Айрим дараҳтлар сарғайган, ўзгалари яшил баргларини бағрига яшириб бостириб келаётган хазон сипоҳига қаршилик кўрсатишга тиришарди.

Тепасида саккизта туғ елга бар уриб ҳилпираб турган, саккиз устунли баланд ҳаворанг кўшк худди тилла узукнинг бўртиб чиққан кўзига ўхшарди. Унда салтанатнинг икки номдор маликаси бамисли узук кўзидағи ёқут-лаъллардек балқиб ўлтиришар, ҳарир пардаларнинг шокилаларини у ёқдан-бу ёққа отиб ўйнаётган шаббода уларнинг атрофида айланиб ўргилай деб, ўзини дам-бадам гўзал кўшк ичига урар эди.

– Уч йилдирки, Соҳибқирони муazzам Самарқандда йўқлар, маликам... – сўз бошлади Сароймулхоним. – Худди Самарқандда ҳеч ким йўқдек... Ҳеч ким! Унинг устига, ўzlари ҳам бу ёқдалар...

– Куллук, хонимойим ҳазрати олиялари! – оҳиста бош эгди Хонзода хоним. – Тақдир экан... Мендан сўрасангиз-ку, ёнингиздан сира ҳам жилмай дердим.

– Юрагинг торс ёрилиб кетай, дейди баъзан... Ёпирај! Ўй босади... Чиганоқда қисилиб-қимтиниб яшаётғон дурмен, деб ёзғондилар мактубларида... – Сароймулхоним беҳол жилмайди-да, ёқимтой қарап қилди. – Ўша... сиз эмас, балки мендурмен. Мен ҳакимда ёзғондингиз, шекилли, фаҳмим етмай англамадимму...

– Вой, нималар деяпсиз, хонимойим ҳазрати олиялари? – самимий таажжубланиб сўради Хонзода хоним. – Нега ундоғ дейсиз? Сиз ҳақингизда эмас, зинҳор! Нега сиз ҳакингизда бўлар экан?..

Хонзода хонимнинг дунёда бирдан бир ёриладиган одами Сароймулхоним. Хоразм маликасининг айтадиган

гаплари кўп. Соҳибқиронга ҳам айта олади, у – эрка келин, йўқ, – қиз, йўқ, – Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин “ӯғил” бўлиб қолган.

Амир Темур Хонзода хонимни жуда авайлайди, ўйлаб куйиб-ёнади, унга боққанда оталик меҳри жўш уриб туради, тақдиридан юрак-бағри эзилса-да (малика буни Соҳибқироннинг қараашларидан сезади!) билдирамайди. Қизи Султон Бахт бегимдан кўра ҳам зиёда кўришини малика қалбан сезади. Аммо ўзининг икир-чикир дардларини айтиб, валинеъмат Соҳибқирон оромини бузгиси келмайди, аяди. Ҳазратни ранж-у изтиробларга солиш на ҳожат? Малика бутун салтанатга юқ бўлиб, етти йил тул ўтириди, етти йил Соҳибқирон чеккан руҳий азобларнинг ўзи бир умрга етса керак... Буни ким тушунади?

Доим от устида юрадилар, юзлари сафар шамолларидан қорайган, бошларида бутун дунё ташвиши, юрт камоли, фарзанд-у набиралар тақдири, улар орасидаги турфа иддаолар (Соҳибқирон барини билиб билмаганга оладилар), дунёнинг турли жойларида бораётган қурилишлар, мамлакатлар фатҳи, айниқса, маликанинг нури дийдаси, келажакда улуғ салтанатни етовга оладиган мард ва баҳодир валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон тақдири...

Буларнинг бари Соҳибқирон хаёлини банд айлаган. Хитой сафаридан қайтгач, салтанатни Муҳаммад Султонга топшириб, ўзлари озгина роҳат-фароғатда яшашни ўйлаб қўйганларини малика билар ва ичиди Соҳибқирондан миннатдор бўларди. Бир марта Самарқандда Боғи Чинорда ўлтирганларида Соҳибқирон шу ниятини айтиб қўйди, факат салтанат ва мамлакат шаъни-шавкати, нуфузи учун бебаҳо саналадиган Хитой сафарини амалга оширгач, бу юз беради. Тайёргарлиг-у тадорик аллақачон бошлаб юборилган... Ўшанда Сароймулкхоним ҳам бу фикрни маъқул топганди.

Умаршайх Мирзо юлдузи сўнганидан хиралашган қўнгиллар осмони Улуғбек Мирзо офтоби балқиб чиққанидан ёришиб кетди. Иброҳим Султон таваллуди подшолиқ бўстонида ногаҳон барқ уриб жамол кўргизган гулдек, барчани қувонтирди. Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад

Султон билан Хон Султон оқа түйлари эса барига чиройли безак бўлди. Ҳа, ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ экан.

– Энг ёқтирмағон нарсам – уруш, маликам!.. Уруш деса, сафар деса, юрагимни ҳовучлаб турамен. Урушни оти ўчсин, илоё! Бирон фалокат чиқмасун, бирон дайди ўқ тегиб-нетмасин, деб жоним ҳалакда... Тағин мустарликлар, айриликлар, мамлакатлар оша дийдорга шошилиш, меҳмонда юрғондек юриш, тўйиб-тўймай, қайтишни ўйлаш, яна узок йўл... маҳди улё эрсанг-да, бир лаҳза ҳам хотиржамлик йўқ, осойишта яшаш йўқ...

– Хафа бўлмангиз, хонимойим ҳазрати олиялари...

– Соҳибқирони муаззамнинг умрлари жанг-у жадалда, сафарларда ўтмакда... Ахир бир жонларига нима керак? Тирик жоннинг куни ўтмай қоладирму? Ўйлаб ичим ачидир...

– Рост айтадилар... – тасдиқлади Хонзода хоним. – Хоразм, Мўғулистон юришларининг саноғи йўқ... Аввалги Эрон сафари уч йилга чўзилди. Мана уч йилдирки, яна сафардалар... Валинеъмат Соҳибқироннинг бошларини тошдан қилсун, илоҳи! Бахтимизга, Оллоҳ ўз паноҳида сақласун!

Катта малика ўнг қулоғи остидаги чиройли қайрилган қора гажагини нозик қўли билан оҳиста силаб қўйди.

– Соҳибқироннинг энг ёқтимармайдурғон нарсалари, бу – уруш, билсангиз... Тоқатлари йўқ. Лекин бошингда қилич ўйнатсалар, ёнингдаги қилични олмай иложинг ҳам йўқ-да... Хоразмга ҳам ўzlари бордиларму? Йўқ! Ўзингиз гувоҳсиз. Саваш бўлмасин, деб сизларнинг тўйингизни салтанат ҳужжатига айлантиридилар, икки севишфон қалб ҳам муддаосига етди... Ҳамиша урушнинг олдини олиш чорасини излайдилар. Куда-анда бўлсак, дейдилар. Кейин қайси-дир мамлакатда зулм ошса, у ернинг кадхудолари ўzlари Соҳибқирондан мадад тилаб, элчи юборадурлар... “Инна жаалнока халифатан фил арз” ояти бор Қуръони каримда, сизларни ер юзида халифа қилдук, деган. Ўзимни халифа хисоблаймен, қудратим изн берса, бориб ўша ерда адолат ўрнатмасам, гуноҳга ботамен, дейдилар Ҳазрат. Кечиримли

эканларини айтмайсизми. Тўхтамишхоннинг тўрт марта узри қабул этилди...

– Ҳали шаҳзодам ҳаёт эдилар, – эслаб кетди Хонзода хоним. – Амир Соҳибқирон ҳамиша ўғил-қизларини, келинларини йигиб, улар билан сухбат қуришни яхши кўрадилар. Шундай даврада ўлтириш унга жуда ёқарди. Оқа бегимни, айниқса, озрок касалмандлигиданми ёки катта қизлари эканиданми, ёnlарига ўтқазиб ардоқлардилар. Бошқа ёнларида мен ўлтирадим, ҳар иккимизни ҳам қизим, дердилар. Суюб пешоналаримиздан ўпиди кўярдилар. Ана шундай кунларнинг бирида, Боги Чинорда айтган гаплари ёдимда: “Кошкийди, бутун умрим худди шундай сиз жигарларим даврасида хушчақчақликда ўтса!.. Аммо салтанат ишлари билан банддурмен, вақтим йўқ, чорасизмен-да... дегандилар...

– Маликам! Амир Соҳибқиронга осон эрмас. Салтанат улкан ва муazzам... Яқинда Қорабоғдалигимда айтдимки, катта ниятингиз бор – Хитойга юриш... Амалга ошса, жаҳонда бундан улуғроқ музafferият бўлмагайдур. Яна Тўхтамишхон тарафга юриш зарурмикин?.. Қайтармоққа уриндим. Соҳибқирон дедиларки: “Иложим йўқ, Бибижон... Худодан қўркамен. Айрим ношукр бандаларни жазолаб, танобини тортиб ҳам қўйиш керак... Ўғлим, дедим, мени чув тушириб кетди-ку, кўрнамак! Устимиздан кулиб ҳам юргондир... Мард писиб юрмайдир, у ҳайиқмасдан майдонга чиқадир. У эса юртда йўқ пайтимни топиб исён кўтарадур, босқин уюштирадур, майдондан қўркиб қочадур... Дилемизга яқин, Биби, айниқса иқингиз сужурғон ҳашаматли Занжирсаройга ҳам ўт кўйибдур ноинсофлар! У ерда қишлоқ солишини, ҳордиқ олишини, шикор қилишини ёқтирадим, сизни ўн яшарлик вақтингизда ўша ерда учратғондим, ёдингиздаму?.. Баридан бебаҳра этди, ножинс! Ҳар бир босилғон қадамга жавоб бордур бу дунёда.” дедилар Ҳазрат яна...

– Биз ҳам тўйимизнинг иккинчи йили шаҳзодам билан Занжирсаройга борғондик, хонимойим ҳазрати олиялари.

– Бирга эдик-ку, маликам...

– Бирга эдик, бирга эдик... Валинеъмат Соҳибқирон олиб кетгандилар. Валиаҳднинг шикорда қатнашишларини истадиларми... Умрларида сўнгги марта шикорга боришлари экан шаҳзодамнинг, энди ўйласам... – Хонзода хонимнинг кўнгли тўлиқди. – Шаҳзодам шикорда жуда чаққонлик кўргизибдурлар, Амир Соҳибқирон ёш боладай ҳамманинг олдида (мен ҳам бормен): “Валиаҳдим менинг, валиаҳдим!” – деб мақтандилар... Тескари қараб, йиғлаб юборибмен ўшанда.

– Эсласам, эсласам... Ўн гулидан бир гули ҳам очилмағонди шаҳзодамнинг... – Сароймулхоним оғир сўлиш олди ва гапни бошқа ёққа бурди: – Ҳа, Занжирсарой ажойиб қаср, падари бузрукворим Қозон Султонхон ҳазратлари курдирғондилар. Ёш қизалоқ эрдим, отажонимнинг курувчилар ичидаги ўзлари ҳам ишларга аралашиб, гишт кўтариб, кимгадир буюриб, куйиб-пишиб юрғонлари ҳозиргидек кўз ўнгимда...

Гурунг тобора қизиб борарди. Кўшкдан атроф баралла кўриниб турар, Табриз тараф кенг далалардан иборат, ҳов олисларда йилки уюрлари ўтлаб юрарди. Шарқ томонда Қулзум денгизи бўйларидағи кичик тоғларни элас-элас илғаш мумкин. Осмон эса тип-тиниқ, уфқ этагида ивиришиб юрган бўлтак-бўлтак булувлар кўзга ташланарди.

Шу палла Оққиз бегим Соҳибқирон чопари кутаётганини билдиримоқ учун кўшкка яқинлашди-ю, бироқ ширин сұҳбатни бузишга ботинолмади. Уни бирор сезмади. Маликалар гурунг билан андармон хонтахтадаги таомларга кўл ҳам урмадилар, фақат ташналиклари ортиб, оз-оз гулобдан хўплаб кўйишарди. Хонзода хоним ўз дардларини айтмас, агар айтса нолиш бўлади, деб ўйлар, шу сабабдан, бу мавзуда маҳди улёнинг ўзлари сўз очиб қоларлар, деб интиқарди.

– Тўрт ўғилдан иккисини тупроққа қўйдилар... – маъюс деди Сароймулхоним. – Ота учун бундан оғиррок мусибат бормукин? Лекин хайриятки, худои таоло Ҳазратга тўзимдан берғон экан, чидадилар. Энди Амир Соҳибқироннинг таянчи, суюнғони шаҳзода Муҳаммад Султон! Шаҳзодам,

мен сизга айтсам, кўз олдимда вояга етди-ку, жуда ҳам бошқача йигит-да! Амир Соҳибқирон, мендан кейин, салтанатни бошқарғонда қийналмасун, деб ҳозирдан жонлари ҳалак! Ундаги ақл-у идрок, кўрк-у хусн, нозиккўнгиллилик, инжа табиатлилик, пок сийрат, шижаат, тантилик, мардлик хислатлари улуғ бобосига жуда ўхшаб кетадир. Худо раҳмати Султон Ўзбекхоннинг шижаоти ҳам унда мужассам...

Сароймулхоним қараса, Хонзода хоним пиқиллаб йиғлаяпти. У шошиб қолди:

– Ие... маликам! Нима қилди?..

– Ўзим... шундай...

– Йиғламангиз, маликам! Кўз ёшингиздан айланай ўзим! – Маҳди улё чинни пиёлага гулоб қуиб узатди: – Хўплангиз. Бир қултум хўплангиз! Енгил тортасиз.

Шу пайтгача чидаб қимтиниб турган Хонзода хоним энди ўқраб юборди!

– Вой!.. Вой... Ана холос!.. Маликам! Маликам... Айб бўладир, маликам, йиғламангиз...

Оққиз бегим дарҳол юпатай деб кўшк томонга чоғланди-ю талпиниб қўйди, аммо жойидан жилмади.

Хонзода хоним ингранганча деди:

– Хурсандлигимдан йиғлаётирмен, хонимойим ҳазрати олиялари! Хурсандлигимдан... Мен йиғламай, ким йиғласун. Мунча пешонам тор экан! Сизга айтмасам, кимга айтамен, мен бечора! Ахир Хоразмда эканимда ҳамма менга ҳавас қиласди-ку, дунёда энг баҳтли қиз, малика, ақлли, гўзалликда ягона, хонлар қизи дейишарди-ку?.. Ақлли, дунёда энг баҳтли бўлмай, мен ўрай! Кибр-у ҳаво нималигини билмағондим, бирорга ёмонликни тиламағондим. Не айбим борки, парвардигор шўрлик жонимни ўтларга отди? Баҳтсизларнинг баҳтсизига айлантирди? Бу дунёning расамади бормикин ўзи? Ахир айбдор киши жазосини олиши керакми? Ёки, бегуноҳ бир бандани қайта-қайта жазолайвериш лозимму? Жаҳонгир Мирзодек ёримни худойим кўп кўрди, кўп кўрди!.. Энди амирзода Мироншоҳ Мирзога ортиқча юкмен... Ўтирсам ўпокмен, турсам сўпоқ... Бор-е,

деб кўч-кўронимни йигиштириб, Самарқандга жўнайин ҳам дейман...

– Ҳай-ҳай! Ундоғ килмасунлар, маликам! Амир Соҳибқиронни ранжитмоқчимулар?.. – деди шоша-пиша Сароймулхоним маликанинг қўлларидан ушлаб, худди Хонзода хоним ҳозироқ йўлга тушадигандек.

– Ўзим ҳам шундан қўрқамен, йўқ эрса... Аммо бардoshim тугаб боряпти. Вой, худо! Мендан анови канизагим Оққиз баҳтлироқ... Ҳа, ҳа, у баҳтли, ардоқда, суйғони ёнида! Севин бика эрмиш, Севин бикамас, Алам бикамен, Ситам бикамен! Дард бикамен! Мен ҳам одам боласи эдим-ку, хонимойим ҳазрати олиялари?.. Эдим-ку?..

Хонзода хоним ўқсиб-ўқсиб йиғларди. Ўн икки йилдирки, у Мироншоҳ Мирзо хасми, дил-дилини қийнаб ётган аламларни дамни ғанимат билиб Сароймулхонимга тўкиб солиб, бир йўла қутулиб олмоқчи эди чоғи... Нур билан чайилгандай оксариқ юzlари, иринининг ўнғ томонидаги мўъжазгина қора холи кўз ёшларда чўмилар, қирмизи лаблари нозиккина титрарди. Маҳди улё аста Хонзода хоним ёнига ўтиб, бошидан силаганча меҳр билан бағрига босди:

– Ўзим айланай сиздан! Ўзим айланай, маликам! Сира баҳтсизмен, демангиз-а! Ғанимларга ҳам баҳтсизликни раво қўрмасмен! Ундоғ демангиз! Ношукурчиликка чиқиб қолмасун! Суксурдай икки ўғлингиз бор ахир! Муҳаммад Султон, Халил Султон... Фарзандни ҳам худо берғонга берадур, маликам, сизга берибдур... – Сароймулхоним жим қолди, унинг ўпкаси тўлиб келаётгани сезилиб турарди. Агар шу палла унга, э сизга не бўлди, ўзингизни қўлга олингиз, кўнгилни чўқтирмангиз, деб ҳол сўраганларида, шубҳасиз ўкраб юборарди. – Мен... мен... маҳди улё... Бибиҳоним... Бибијон... катта малика... хонимойим... Баҳтлиларнинг баҳтлисидурмен бошқалар назарида... Аммо бефарзанд ўтаётирмен-ку? Бир тирноқ билан худойимни мулки камайиб қоладурму? Зорим бор-у, зўрим йўқ яшаётирмен бу дунёда. Ҳа, сиз эрмас, чифаноқдаги дур мендурмен, лекин дурнинг ҳам каттаси, ҳам бедавоси! Тавба

деб гапирай, шукрлар қиласенким, Ҳазрат Соҳибқироннинг ёнлари дадурмен, набираларимиз қошимда, бу сизнинг шаддод ўғилларингиз, менинг ўғилларим... Худо, мана, Улуғбек Мирзони берди... Гоҳо ўй босадур, агар ўғлим бўлганда ҳам, унга Мухаммад Султонгачалик меҳр кўя олар эдимми йўқми, билмаймен... Шукр айлангиз, маликам.

Сароймулхоним ўзини ўнглаб олди. Хоразм маликаси хонимойимни шунчалар қийнаб кўйганидан хижолат тортди.

– Кечирингиз мени, билмай сизни изтиробга солиб кўйдум, хонимойим ҳазрати олиялари! Кўнглим тўлиб кетди негадир... – йигламсиради Хонзода хоним. – Тавба дейман, худога шукрлар дейман, Мухаммад Султондай ўғлим бор. Буниси – шавҳарим, униси – ўғлим... Не чорам бор? Нединки, сен набира ҳолингда валиахд аталдинг, мен эсам ўғилдурмен-у шундай мартабага эришмадим, деган ғараз бор амирзодамда. Очик айтмасалар ҳам хатти-ҳаракатларидан, ўзларини тутишларидан билиниб турадир. Ахир бунда Мухаммад Султоннинг ҳеч гунохи йўқ-ку? Ҳа... Амирзодам ўзларини бағоят оламда танҳо сезадурлар ҳам мансаб-у мартабада, ҳам ақл-у идрокда...

– Мироншоҳ Мирзодан ҳар нимарсанни кутиш мумкин... – ўйланиб деди Сароймулхоним. – Майли ўксинмангиз, жоним маликам!

– Ҳамма уни Соҳибқироннинг эрка ўғли, дейдир. Кимса бир нима дейишга ботинмайдир. Салтанат ишлари ўлда-жўлда... Буларга вазири аъзам Мухаммад Жалдинг ҳам алоқаси бор, шекилли... Тез-тез кўришадилар...

Хонзода хоним чиройли шаҳло қўзларини рўмолининг учи билан оҳиста арта бошлади. Сароймулхоним маликанинг бошини силаганча, багридан кўйиб юбормас, ўзининг ташвишини унутиб, ич-ичидан унга ачинар, вафосиз дунёнинг кирдикорларидан дод, дод дегиси келарди.

Хонзода хоним Мироншоҳ Мирзонинг беадаб қилиқлари, маишатга каттиқ берилгани ва ҳоказолар ҳакида ҳам кўп гапларни айтмоқчи эди, Сароймулхонимдан уялиб индамади.

– Тўйиб ҳам кетасен, баъзан... Яшаётирмен, хонимойим, шу ўғилларимни деб, айниқса Муҳаммад Султонни деб, ишончим, суюнчим, имоним, кувватим валиаҳд ўғлимни деб яшаймен. Маъзур тутсунлар...

Оққиз бегим оламга бергисиз маликаларнинг ўз турмушларидан нолиганлари, норизоликларини эшитиб, хаёлидан, салтанат чечаклари шундоғ изтироб чексалар, унда биздек печаклар не чора килсунлар, деган ўксиниш кечди. Бирдан чопарнинг иши шошилинч эканини эслаб қолди ва оҳиста томоқ қиришга журъат этди.

– Оқ... Тинчликми?.. Нима гап? – ўзини ўнглаб пастга қаради Хонзода хоним ранжиганнамо. Маликанинг овози ҳали йифи оҳангидан ариб улгурмаганди. Сўзларидан, интиқ бўлиб эндинга бир-бировимизга етишган пайтимизни ҳам кўп кўрдингму, деган маънони укиш мумкин эди. – Чик-чи, бу ёққа...

– Гуноҳкор канизакни кечирсунлар, маликам! Қорабогдан чопар етди. – чиройли эгилганча деди Оққиз бегим. – Маҳди улё хонимойим жаноби олияларига муҳим хабар бордур...

Сароймулхоним сергакланди, ўнг юзидағи гажагини силаб қўяркан, сўзла, дегандай канизакка бокди. Оққиз-бегим бурролик билан дона-дона қилиб деди:

– Амир Соҳибқирон Тўхтамишхонга қарши уруш очибдурлар... Элбурз тоғи домонаси лашкаргоҳ бўлибдур. Барча амирлар-у амирзодалар ўз қўшинлари билан боришлари шарт эмиш. Шоҳруҳ Мирзо мамлакатни бошқаришга Фарбий Эрондан Самарқандга жўнашлари лозим эркан. Маҳди улё Сароймулхоним ва Туман оқаларнинг ҳам амирзода бирлан боришлари айтилибдур, вазири аъзам Муҳаммад Жалдга барчасини кузатиб, пойтахтга омон-эсон етишларини таъминлаш топшурилибдур.

Мушфиқ маликалар шу лаҳзадаёқ ўз дардларини унудилар.

– Ох!.. Тағин урушми! Уруш... Айтғон эрдим-а уруш бўлмасун деб! – бежирим ёқут лаблари қимтинди Сароймулхонимнинг. Бироздан кейин қўшиб қўйди: – Оққиз, тез

Сафарберганга айт, тараддуудга тушсун, эртагаёк йўлга чиқурбиз!..

Хонзода хонимнинг кўз ўнгидаги эса дарҳол шавҳари Мироншоҳ Мирзо ва суйған ўғли Муҳаммад Султонларнинг ҳар бири ўз қўшини бошида Элбурз тоғига қараб илдам от йўрттириб бораётганлари гавдаланди.

– Худо сақласун... – деб кўйди оҳиста...

## II

– Кўрикка-а! Кўрикка-а-а-а!.. – сўзлари янгарди Элбурз тоғи этакларида.

– Кўрикка-а! Кўрикка-а-а-а!.. – садолари эшитиларди Самур дарёси бўйларидан.

Бир ҳафта аввал, Олтин Ўрда хони Тўхтамишон сари ҳарбий юришга тайёргарлик маъносидаги “Черик яроғини шайласунлар!” деган ҳукми олий содир бўлди. Фирдавс монанд пойтахт Самарқанддан тортиб Султониягача, Шероз-у Исфаҳон, Балх-у Термиз, Гурганжу Андижонгача юкори доираларда, саркарда ва амирлар давраларида, авомуннос орасида шундай юриш ҳақида миш-мишлар кўпдан айланиб юради. Демак, энди аниқ: Турон султони билан Олтин Ўрда хони ўртасида дунёда ҳали тенги учрамаган улкан муҳораба юз беради!

Ҳамма ана шундан қўрқарди.

Тумонот черик, беадад лашкар, интиқомга ўч қўшин ўрнидан қўзғолди. Баҳор нафасидан яшилланана бошлаган тоғ ёнбағрида ёмғирдан сўнг бодраган қўзиқоринлардек, чодир-у олачуклар, боргоҳлар қўзга ташланди. Қуйироқда амирзодалар, беклар, лашкарбошилар ҳар бири аллақандай таважжухда қўшинларини ўз жирғасида сафга тизиб, кам-кўстини тўлдириб, орқа-олдига қараб, қайта-қайта қўздан кечириб чиқишарди.

Ҳамма Соҳибқирон черикни синчковлик билан эринмай

юриб назардан ўтказишини, истаган навкардан улуфа олдингми, укалко<sup>1</sup> билан сийладиларми, арра олдингми, ўқдан нечта, отинг борми ва яна ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган турфа хил саволлар бериши мумкинлигини билишарди.

Тоғ ёнбағирлари бамисли маҳшаргоҳга айланди. Муборак яловлар балқиди. Яраклаб чикқан офтоб нурлари майдоннинг ҳар жой-хар жойида қиличлар тифида, найзалар учиди учқун бўлиб кўринди. Боқсанлар, Чингизхондан буён бундай ороста ва мукаммал зафарқарин лашкарни бандаси кўрмаган эрди, дердилар.

Бошига йирик ёкутли олтин тож қўндирган, эгнига зар чопон ташлаган Амир Темур учаман, деб ер тегиб турган гижинглаган тулпор – бу ўша Шайх Иброҳим тухфа қилган отлар ичида Соҳибқирон назарига тушган дуторбўйин саман эди – жиловини тортиб-тортиб қўяркан, олис-олисларни, кўз илғамас кенгликларни тўлдириб ётган буюк лашкар маҳобатидан кўнгли яшнарди.

Тинғчиларнинг хабарларига қараганда, Тартария<sup>2</sup> императори қўшинининг чўги баланд эмиш, шу нарса сал Соҳибқирон кўнглига хавотир соларди. Амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жокуга уруш олдидан тумонот лашкарга бир йиллик улуфа, хазинадан ақчалар улашишларини, хоҳ кексадир, хоҳ ёш, биронта ҳам навкарни назардан қочирмасликларини буюрди.

– Барчасини назорат этасен! – деди Мухаммад Чуроға доддоҳоҳга.

Шер ўйнатувчи оловли ҳалқадан сакрашдан олдин шерга қанд егизиб ийдирган каби, Амир Темур ҳам айқириб, душманни парчалайман, бурдалаб таштайман, деб шайлланган майдон шерларига дирҳам-у инъомлар улашиб ҳаммасининг кўнглини тўқ килиб кўйди.

У ёнидаги бурул от минган, одатдагидек оппок ҳирқа кийиб олган Мир Сайид Барака ҳазратларига охиста ўгирildi:

<sup>1</sup> Укалко – аскарларга пул ином килиш, мукофот бериш (муалл).

<sup>2</sup> Тартария – Монголия.

– Ижозат айласалар, черик яроғини күришни бошласак...

Пири муршид от устига ёприлиб тушган хирқа барини йифиштириб такимиға босди-да, дуога құл күтарди:

– Илоҳи, о-ов-мин, музafferият ўнг томонларида-ю шахт-у шижаат чап ёқларида, олам итоатда-ю фалак адолатда бўлсун! Алҳамду лиллоҳи раббили оламин!

– Черик яроғи салтанат камолидур! – қўллаб-кувватлади Муҳаммад Чуроға додҳоҳ. – Худонинг ўзи ярлақасин!

– Муборак назарларидан бошимиз осмонга етгувсидир, Амир Соҳибқирон! – деди амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жоқу. – Ов-мин!

Кўрикда, одатда, кўшинлар худди жангга кираётгандек курч сафларга тизилишарди.

Қўлни эгаллаганидан мамнун валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон жавшанга чулғаниб олганидан салобатли кўринарди, у тўрт йил олдин Қундузча ёнидаги жангда кўшин манглайида саваш қурганини, бу билан бошқа амирзодалар қитик-патига текканини эслади. Ўшанда ўн тўрт ёшли шаҳзода Тўхтамишхоннинг қочиб кутулиб кетишига йўл қўймаслик зарурлигини, бу нарса ҳали кўп ташвишлар орттириши эҳтимоли борлигини ички шуур билан фаҳм этганди. Рост ўйлаган экан. Бу сафар ҳам манглайда саваш куришга Соҳибқирондан ижозат сўрамоқ-чи эди-ю, бироқ амакилари Мироншоҳ Мирзо, Шоҳруҳ Мирзоларга ёқмаслигини билганидан, отилиб чиқишига истихола йўл бермади. Энди анов-мановмас, нақ йигирма етти кўшин савашишга шайланмоқда.

Амир Темурнинг келаётганини кўрган Муҳаммад Султон ҳаяжонга туша бошлади, сўнг икки ойдан бери дийдорлашмаган бобосининг истиқболига ошиқди, фавж сардори Ахий Жаббор баҳодир уни орқарокда кузатиб бораради.

Тифлисда хийла ўзига келгач, шаҳзода Муҳаммад Султон машқлар билан овунишга тиришди, қилич чопди, найза сўқди, кўшинни бирма-бир назардан ўтказди.. Бу орада, худо ўзи қўллаб, омади чопиб, Ҳумоюн ўрдудан ҳам чақириб

безовта қилмасалар бўладими! Бетоб-у бехудлик воқеасини эса қаттиқ сир тутдилар. Шундай паллада Тўхтамишхонга уруш очилиши хабари тарқалди.

Шаҳзода эллик қадам қолганда, отдан тушиб, яёв борди ва юкунганча сўзга оғиз очди:

– Эй парвардигорнинг ўзи алқаган Улуг зот, табаррук бобожоним, валинеъмат Соҳибқирон! Тобакай арзу само эмин-у омон, ҳукмингизда бўлсун жумлаи жаҳон!

– Ҳукмингизда бўлсун жумлаи жаҳон!!! – ҳайқирди ортда турган Ахий Жаббор баҳодир. Майдонга киришга отланаётгандай ясол<sup>1</sup> тортган, түғ-аламларга чулғанган сабрсиз кўшиннинг: “Соҳибқирон! Соҳибқиро-о-он!..” деган наъраси осмонларга ўради.

Муҳаммад Султон Соҳибқирон узангисига лаб босди. Согиниб қолган Амир Темур набирасининг нақшинкор дубулғасини силаганча, валиаҳдни мақтаб қўйди, офарин сўзларини дуо билан якунлади:

– Асло камлик билмағайсен бу замонда, илоҳи, ёмонлик кўрмагайсен сен жаҳонда, илоҳи!..

Жаҳоншоҳ ибн Жоку кўнглида ғуур туйди... Муҳаммад Султон билан илк бор кўришганда, шаҳзодада фавқулодда ҳаяжон изларини илғади, аммо бирон нарса сўролмади. Сўрай оладирму ўзи?.. Эҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку дўст-душманлар олдида оламнинг олий шаҳзодаси қайнатаси бўлиб кўкрак керса!.. Орқаваратдан Арғуншоҳ деган йигитни суриштириди, унинг Самарқандга жўнаб кетганини билди. Демак, “авбош” қизи энди Самарқандда экан...

Кўп ўтмай, чопар унга қисқа бир мактуб тутқазди. У бир неча қатордангина иборат эди:

“Муҳтарам амиримиз, соябонимиз Жаҳоншоҳ ибн Жоку жсанобларига, тўрт кўз-тугал эканлигимизни билдириб ёз-гуви гуноҳкор канизагингиз Сарвиноздумран. Кутлуг хабарни етказишга шошилурман: Оллоҳнинг инояти бирлан, “авбош” Согинч бика қизимиз, худога шукр, соғ-саломат уйи-

<sup>1</sup> Ясол (туркӣча; сафга тизиши) – Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осиёда кўшиннинг ҳарбий сафар ҳамда жанг майдонида эгаллаган жанговар тартиби (муалл).

*мизга қайтиб келди!.. Қайтиб келди! Бўм-бўш бағримизни тўлдирди! Оллоҳнинг паноҳида тўрт мучаси соғ... Ўзи афсус-у надоматда... Икковлон сиздан узр сўрайдурмиз..."*

Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг юраги ҳаприқди, ўзини қўйгани жой тополмай қолди...

– Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон баҳшида! Фидойи фарзандингизиз, валинеъмат Соҳибқирон! – қичкиришди Муҳаммад Султоннинг навкарлари шу палла. Ўн икки минглик лашкарнинг садоси Элбурз билан бўйлашиб қўкларга ўрлади. Унга бурғулар овози қўшилди.

– Халлоқи безаволга салламно! Рост, улар менинг дилбандларим, фидойи, падари бузрукворига содик фарзандларимдур... – деди руҳланган Амир Темур чайқалиб турган қўшиннинг қурч сафларига тикилиб. – Ўтга кир десам ўтга кирадурлар, сувга кир десам – сувга... Қўшиннинг ҳар бир қанотини, ҳар бир навкарни, бир тандек сезамен, бамисли қўлимдек, қўзимдек, қулогимдек, тилимдек... Лашкар хараткат қилса, қўлим харакат қилгандай бўлади Ҳар бир сипоҳ фавжи бамисли уруш аслаҳаларидан бири... Лашкар – менинг вужудим... Навкарга санчилган найза навкарга эмас, менга санчиладур!

Соҳибқирон шундай дегач, бир аскардан сўраб қолди:

– Чодирларинг борму? Улуфа тегдиму? Садокда ўқ борму? Совут-чи?... Дубулға... Шамшир... Аппа... Бигиз?...

Жавоб олгач, амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жокуга ўгирилди:

– Черикдаги ҳар бир аскар бир йиллик овқатини ғамлаб олсун, ҳар бирида ушбу яроғлар бўлсун: ўқ-ёй, садокда ўттиз ўқ, қалқон ва ёйга албатта ғилоф, қилич, гурзи, пичноқ ва ханжар. Ҳар икки одамнинг бирида дулдул от, ўн кишига бир чодир, икки белкурак, бир омоч, бир ўрок, бир аппа, бир болта, бир теша, бир чўкич, бир бигиз, юзта игна, тери, бир қозон, чилвир бўлсун. Отлардан етарлича олинганму? Чунки навкар отига шикаст етса, дарҳол отни алмаштирингизлар!

– Валинеъмат Соҳибқирон! Айтилғон нарсалар барийбари муҳайёдур!

Амир Темур шаҳзодага бокаркан, бевакт кетган ўғиллари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзолар ёдига тушди. “Агар ўлим омонлик берганида, ҳар бири қўшинимнинг бир томонини оларди...”, деб ўйлади у.

Соҳибқирон йўлида давом этди. Кутимаганда Мироншоҳ Мирзо Дарбанддан ўтаётган вактда, қўқкис ҳуркиб кетган отдан йиқилиб, қўли қаттиқ мертилиб қолди. Одатда, катта муҳораба дарагини эшилди дегунча, барча амирзодалар, лашкарбошилар дарҳол ўз қўшинлари билан кўрик жойига етиб келадилар. Тавочилар буни алоҳида уқтиришади. Соҳибқирон Мироншоҳ Мирзони аяб, уғрук билан бирга бўлишни тайинлади ва жанг майдонларидан йирокроққа, Озарбайжоннинг Шеки шаҳрига қайтариб юборди.

Жавонгорда, чап қанотда Амир Сайфиддин некўз лашкари қилич ва ўқ-ёйларини тартибга солиб тўра<sup>1</sup>-говсипарларга<sup>2</sup> чулғаниб, олий назарга ярашиқли тарзда кўртўкиб туради. У Тўхтамишхон олдидан бесамар қайтгандан сўнг, Амир Темур ишнинг тўққиз улуши тугаганини, энди оқибат қиличга қолганини англади ва уруш бўлишига имон келтирди.

Барангorda, ўнг қанотда Амир Шоҳмалик ва барангор ҳировули Шайх Нуриддин қўшинлари ёнма-ён жойлашганди. Икки нуфузли амирнинг ўзларини қалин дўстлардай тутишларини, бир-бирларидан айрилмасликларини, аммо пинҳона обру талашиб юришларини ҳамма биларди-ю ҳеч ким бу ҳақда гапирмасди.

Тўрт йил аввалги жангдан кейин Кундузча дарёси бўйида майдонда фавқулодда баҳодирлик кўргизган амirlар-у навкарлар турли мукофотлар ила сийландилар. Ўшанда Амир Темур қўшинлар олдиди Амир Шоҳмаликни олқишлиб деди: – Жасоратли амир тархонлик унвони бирлан сийлансану!

Қийқириқ кўтарилди. Муҳаммад Чуроға додҳоҳ дарҳол тархонлик имтиёзларини ўқиб эшилтириди:

<sup>1</sup> Тўра – одам бўйи келадиган калкон (муалл).

<sup>2</sup> Говсипар – хўқиз терисидан ясалган одам бўйи калкон (муалл).

– Тархонлик унвонини олган бахти чопган кас саройда Амир Соҳибқирон ҳузурига хоҳлаган пайтда кира олиш хукуқига эгадур. Тағин. Тўққизта гуноҳ қилмагунча, уни ва фарзандлари сўроққа тутулмайдур. Тағин. Тегишли ўлжаси тақсим этилмайдур, барча соликлардан озоддур! Амир Шоҳмалик жанобларига парвоначи мансабининг хос муҳри тобшуриладур!

Қошлари қуюқлигидан қовоқлари йўқолиб кетгандай туюладиган Амир Шоҳмалик кўзларини ерга тикканча таъзим қиларкан: “Куллук! Куллук! Оллоҳга шукр!.. Сийловни ошириб юборибдурлар... Холис хизматимиз...” дерди, холос.

Шайх Нуриддин унга ғаши келиб тикилар, шундай мартабалар унгамас, бошқаларга насиб этаётганига астойдил ҳайрон қоларди.

Соҳибқирон ташрифига ҳали бир кун борлигини билган беш-олти қўшин нарида жойлашган, Тошкандан чақириб олинган, ҳировулга қўйилган Амир Аллоҳдод сипоҳлари хуш кайфиятда эдилар. Сипоҳлардан бири қиличини текширап, қинидан суғурар, мақтангандай ҳавода бир-икки ўйнатиб қайта солар, иккинчиси ихлос билан ўқларни ўткирлар, санаб садоққа қайта жойлар, учинчиси астойдил отининг ёлини тараш билан овора. Тўртинчиси эса кўлларини бошининг тагига қўйиб:

“Бўғмача-ю бўғмача,  
Бўғмачада тугмача-ё...  
Олмача анорингга балли,

Донаи холингга балли!..”, – дея минғирлаганча, осмонларга тикилиб ётарди. Кимдир “Бухорони йўлида рўмольча топиб олдим...” – деб чиройли хиргойи қиларди.

Дароз бўйли сипоҳ ёнидагисига жиддий дерди:

– Сенга Шероз ҳокимлигини топшираман, тайёр тур, агар менга Ҳалакаҳон таҳтини берсалар...

– Ҳалакаҳонмас, овсар, Ҳулокухон де!

– Ҳўп, Ҳулокухон бўлса, Ҳулокухон-да!

– Ҳў-ӯ-ш... Шерозни қўя қол, Ҳамадонга ҳам кўнавераман! Аммо бир шарт бор: ёнимда хизматкорлик қилсанг,

хўп-хўп, эмаса йў-ў-ўқ! – бўш келмасди бошқаси.

– Ўх-хў!.. Ўзим кал, таъбим нозикни қаранглар-а!

– Туркка салом бер, тўрт танга товон бер, дегин!

– Камина сенларга қараб ҳимматингни кутиб ўтирамайди! Мен худога-ю ўзимга ишонаман! Ҳали жангда қаҳрамонлик кўрсатиб, сийловига Исфаҳон ҳокимлигини кўлга киритаман! – дам уради ўрта ёшлардаги учинчи сипоҳ уларга қараб.

– Ўшанда девонбегиликни менга топширасан! – гап отди ёнидагиси.

“Ўтиришга бизни ҳам чақир, ҳой Исфаҳон ҳокими!”, “Эсдан чиқмасун!”, “Қоп кетмайлук!” қабилида ялтоқланган овозлар эшитилди.

Кулги кўтарилди.

– Худо хоҳласа, – сўзга аралашди йўғон овозли ҳазилкаш кўсанамо сипоҳ. – Тўхтамишхонни енгиб қайтганимиздан кейин, ҳокимлик-покимлик билан ишим йўқ, барчанизни ўзим бўза билан сийлайман, ҳа, ҳа! Бўзамисан бўза! Сен косагул бўласан, ҳой такасалтанг!

Қўсанамо сипоҳ барваста аскарга ишора қилди. Сурон кўтарилди.

– Косагул бўмасун! Бўмасун у!

– Ҳаммасини ўзи ичиб кўяди!

– Ановиндаям ризқимизни қийиб, барини бир ўзи куритди!

Қийқириклар янгради.

– Вей... нега ўзим ичарканман? Ортса, сизларга ҳам бераман-ку ҳамиша, валакисаланглар! Ҳеч яхшиликни билишмайди-я! – деди такасалтанг барваста аскар.

– Ана, кўрдингларму?

– Инсофсиз!

– Эй, эй! Оғзингга қараб гапир-е!..

– Тўхтанглар! Тўхтанглар! – сўзни кесди кўсанамо сипоҳ. – Биласиларму? Тўхтамишхонни бурнидан буров ўтказиб обкеламиз-ку! Ўшанда, Тўхтамишхонни ўзини косагул қиб кўямиз, ўзини! Бўза қуйиб бериб туради.

– Оббо сен-ей! Топдинг аммо! Қойил!

– Уҳ-хў! Катта кетворди-ку!..

– Тўлдириб қуй, деймиз!

– Бир тўлдиртиб ичамиз!

– Ичамиз-у, хумордан чиқамиз!..

Кий-чув ичида ана шундай садолар, қаҳқаҳа овозлари эши биларди.

– Аммо сизларга айтсам, бўза ичиш кўп яхши нарса-да!

– Гапга аралашди шу палла Яналтекин билан катта хировул томонга ўтиб кетаётган Учқора, ҳамманинг дикқатини ўзига тортиб. – Бундай роҳат оламда йўқ, дастингдан кетай! Бир кун, денг, базмда, ичаверибман, ичаверибман, арпаси яхши димланган экан, даюс, беш косадан кейин кайфим ошибдими, уйимга кеб киролмай осто нада йиқилиб қобман... Хотинга айтдим, нега турғизмадинг, ўтиравердингми, турса ўзи кириб кетар деб!

Қаттиқ кулги кўтарилиди.

– Ол-а! – астойдил ҳайрон қолди Яналтекин. – Шу ёшга кириб, ҳечам маст бўлганинг эсимда йўғ-а, отангни арвойи!

Унга бирор эътибор бермади.

– Вей... агар ташқарига югуриш демаса, ўн мешиングни бир ўтиришда ичиб кўяман экан! Хо-хо-хо! Роса чоптирида ўшанди... эҳ! ё – Гапга пишанг берди яна барваста аскар.

– Тарифи яхши димланмаган денг, кўкати чиқмаёқ шошиб келига собди-да, хумпар!

– Бўзани гули-чи, икки косасиданоқ чаккангни қизитади!.. – деди кўсанамо навкар лабларини ялаб.

– Докаси ҳам тешик эканми, валакисаланг, ичида бутун-бутун тариклар яйраб юрибди...

– Ичавер, дастингдан кетай, ичингда бўза бўлади, ичингда! Хо-хо- хо!

Кулги овозлари қўшни лашкарларга ҳам эши биларди.

Амирзодалар Пир Муҳаммад Жаҳонгир билан Рустам ибн Умаршайхлар фавжлари бири чоповул<sup>1</sup>, бошқаси чоповулнинг хировулида бўй чўзган, чап қанотда Амир

<sup>1</sup> Чоповул – баранғор бўлинмалари олдига қўйилган уч сипохий фавжнинг умумий номи (*муалл*).

Сулаймоншох, ўнг қанотда Худойдод Ҳусайнин лашкарлари сафланган...

Кўрик тўрт кун давом этди. Соҳибкирон ҳар бир фавж олдига борганда, ноғора-ю карнайлар чалинар, уларга сурнай, бурғу кўшилар, бу салобатли шукухли садолар дунёда бундан ортиқ қудратли қўшин йўқ, деяётгандай туюларди.

Амир Темур чақмоқдай аскарларга рух бағишлиагувчи сўзлар айтар, кўнгилларини кўтарарди. Олис-олисларда гоҳгоҳда: “Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон бахшида!” сўзлари тоғлар бағрини жаранглатиб юборарди.

Худди шу кунларда шимолроқда Сунжа дарёсининг чап соҳилидаги хушманзара сайхонликда – жойни Тўхтамишхоннинг ўзи танлади – Олтин Ўрда қўшинларининг кўриги бошланди. У душман нафасининг яқинлигини сезарди. Хоқон ясолнинг чўғидан кўнгли тўлмаганми, тажанг эди. Қозончи баҳодир буни икки ой аввал бузғунчи унсурларни тинчитиш учун катта қўшин билан Сифноққа юборилган амир Идикунинг ҳали қайтмаганига йўйди.

“Эҳтимол, – ўйлади Қозончи баҳодир. – Ўша ёқларда ўзини саваш қураётгандай кўрсатиб, баҳона қилган Идику Амир Темур муҳорабасида қатнашишни истамас? Балки кейин... Амир Темурга қарши урушда қатнашмаганман, урушни истамаганман, демоқчиидир?.. Жангга бадбаҳтнинг ўзи гиж-гижлади-ку!..”

Қозончи баҳодир пайқади: ясол тортган, жангларга шайланган Бек Ёрук ўғлон, Кунча ўғлон, Ўқтой ўғлонларнинг териб қўйилгандай сафга тизилган жангчиларини кўриб, хоқон чехраси ёриша бошлади. Замон жонбозлари майдонга отиласман, деб турардилар. Хоқон яқинлашиши билан, Султон Маҳмуд ибн Кайхисров, Исабий ва Бахти Ҳожанинг тиш-тирноғигача қуролланган аскарлари ёппасига гуруллаб:

– Фармонингизга мунтазирмиз, эй хоқонлар хоқони! – деб ҳайкирдилар.

Ўзини бошқалардан кучли ҳисоблайдиган пахлавон кел-

бат жасур йигит Яғлибий баҳрин<sup>1</sup> баҳодир таъзим айлаб, чаққонлик билан Тўхтамишхонга пешвоз чиқди. Қозончи баҳодир билади, Яғлибий баҳрин ҳеч нарсадан кўркмайди.

Табризга юришда, шартта отидан тушиб, ҳайиқмай: “Хоқон аскариман!..” дея ўзини душман ичига урди! Овози ҳам кучли, узоқларга етади. Душман лашкари паҳлавонга кўзи тушиб, худди бўрини кўриб тирақайлаган қўйдай қочиб қолди. Адирликда турган хоқон ҳазратлари уни олқишилди ўшанда.

Ҳозир Тўхтамишхон бир қўлида чўқмор, бир қўлида гурзи, шашпар<sup>2</sup>, ўқ-ёй, камон, шамшир, қилич билан қуролланган салобатли Яғлибий баҳриннинг кокили аралаш елкасига уриб-уриб қўйди. Унинг миннатдорчилиги шу ҳаракатида мужассамлигини хоқон ҳам, оркароқдаги Қозончи баҳодир ҳам, паҳлавоннинг ўзи ҳам англаб етди.

Шу палла хоқоннинг куёви, совутга ўралиб чорпаҳил йигитлардай салобат касб этган амир ул-умаро Довуд Сўфининг:

– Тарак дарёсига! Тарак дарёсига<sup>3</sup>! – деган сўzlари янгради тўлқинланиб турган беадад лашкар узра...

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

### I

Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон Тўхтамишхон кўшини билан бўлажак шиддатли саваш манзараларини ўзича хаёл оиласида кўришга уринар, бу сафар, албатта, Олтин Ўрда хонини батамом енгиб, ўзини асир олишларига ишонарди.

Унинг фикрича, бу ерда айб бешак-шубҳа Тўхтамишхон тарафида. Валинеъмат Соҳибқироннинг ниятлари мутлақо бошка, ул зоти олийлари кўпдан Чин сафарига отланмакни кўнгилларига тукканлар. Иложининг борича тезроқ Самар-

<sup>1</sup> Баҳрин (Барин) – ўзбек халки таркибиға кирган қабилалардан бирининг номи.

<sup>2</sup> Шашпар (шашвар) (форсча) – олти учли (киррали) чўқмор гурзи.

<sup>3</sup> Тарак – Терикнинг ўрта асрларда талаффуз килиниши (муалл).

қандга қайтиб, кейин машриққа йўл солиш кераклигини айтдилар бобоси Дарбаннадаги машваратда. Туз-намак ҳақини ўрнига қўймаган “ўғил” нинг ношуқрчилиги барчани ранжитмоқда. Ногаҳонда ўгай отаси Мироншоҳ Мирзонинг ҳам нуфузли амирзодага ярашмайдурган турфа кирдикорлари, кеккайиш, эрка-талтанглик, манманлик, ўйламай гапириб юбориш каби нолойиқ одатлари Муҳаммад Султоннинг эсига тушди. Бундай гаплар салтанатда ҳаволаб юрибди, бобосининг ҳам қулогига етиб борса боргандир.

Хаёлининг бир четида Соғинч бика ташвиши турарди. Сипоҳ Арғуншоҳдан интиқлик билан хабар кутаркан, негадир яқин орада тақдир томонидан суйгани борасида аллақандай тансик мужда билан сийланишига қаттиқ ишонарди.

Шундай паллада, дарҳақиқат, мўъжиза юз берди, парвардигор валиаҳд шаҳзодага бемисл илтифот кўргизди: қўшин йўлга чиқай деганда, чопар Арғуншоҳ мактубини унга етказди! Худди шундок: “Арғуншоҳдан мактуб олиб келдим”, деди.

Мактубда олам-олам қувончни яширган сирлар ечими, дунёning ғаройиблигидан ҳайрат, пушаймонлик, алам оҳанглари – барча-барчаси мужассам бўлиб қоришиб кетганидан валиаҳд ошиқ ҳали бехабар эди.

Манглай бошлиғи Ахий Жаббор баҳодир чопарнинг кимдан эканини билди-ю, вужудини заифгина ҳаяжон коплади, Султонияда рафиқаси Оққиз бегимдан эшитган тафсилотлар хаёлида жонланди.

Неча кунки, Амир Темур қўшини шимол сари одимлайди. Гоҳ-гоҳда карнай-сурнай, ноғора овозлари эшитилиб колади. Тарак дарёси йўлидаги Манглай деган катта довон муҳофазасига илк қўшин юборилганига беш кун бўлган, қўшинлар маҳобатли карвондай узоқ масофага чўзилганди.

Ардокли нарсани кўришдаи, ҳақиқатни билишдан кўра, уна кўраман, биламан, деб деб ширин хаёллар суриш бафоят ёқимли. Шаҳзода дабдурустдан мактубни очишдан чўчи эди, ким билсин, нималар ёзилган унда?.. Карвонни тўхташи мумкин эмас, сал тинчрок жойга борай, ўшандা

ўқийман, деб ўзини овутарди. Лекин ҳаяжондан юраги ҳаприқаверган шаҳзоданинг сабри чидамади. Қўниш жойигача ҳали анча бор... Нега Арғуншоҳнинг ўзи келмади? Нега?.. Ўзи келмай, чопардан мактуб юборишга журъат этибди. Ҳай... Шаҳзоданинг қўнгил дардларига малҳам топа олдимикин? Жони жаҳони Соғинч бикани кўрдимикин? Кўргон эрса, қаерда экан?..

Дам-бадам пишқириб бораётган тулпор отини ўз кўйига қўйди, чиройли найчадай ўралган мактубни авайлаб очаркан, хаёлидан Арғуншоҳнинг ўзи ҳам қайтиб қолар, деган сўзлар кечди:

*“Ассалому алейкум, жаҳонларга бергисиз шаҳзода жаноби олийлари! – деб бошланарди мактуб... – Аввалан, бир қошиқ қонимдан кечгайсиз. Кўп хаёлларга чулганиб, дунёнинг у четидан бу четига бориб келдим, ўз ёғимга ўзим қовурилдим, куйдим-ёндим, охир қўлимга қалам олиб, ҳасби ҳолни баён этишга ботиндим. Ўзга қандай чорам бор эрди?.. Оллоҳга шукр!*

*Орада каминани гуноҳи азимга ботургон бир сир бордур, шаҳзода жаноби олийлари. Бас, сирни очишни узоққа чўзиб, интиқ қўнгилларини ортиқ ташна қилмакчи эмасдурмен. Гуноҳкор бандасини Ҳақнинг ўзи ўз ҳимоясига олсун. Бас... Мактуб биттаётгон кимса... Арғунишоҳ, зукко ва ақлли йигит, ситоҳ... аслида Арғунишоҳ эрмас, йўқ, йўқ, жанобларининг сўйгонлари... шундай дея олурменму, афв этгойсиз... бир бечора, шўрлик, ўксиз, афтода, нотавонлар нотавони Соғинч бикадур...”*

Ҳайратланган шаҳзоданинг қўлидан мактуб тушиб кетай деди! Ё раббий! Ё раббий! Ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмас, “Йўғ-е!”, “Йўғ-е!..” дер, кутилмаган янгиликни қандай англаш, шарҳлашга ақли етмасди. У мажолсиз: “Эй, Оллоҳим! Ўзингга шукр! Ўзингга шукр!..” деб юборди фавқулодда таважжуҳда... Кейин ютоққанча мактубни ўкишда давом этди:

*“Ҳа, ўша сиз Жўйи Зар кўприги ёнида кўргон, қишлоқда хайр-у эҳсонлар пайтида катта малика Сароймулхоним ҳазрати олиялари қошида қизарғон Соғинч бика... Ўзини*

бамисли, йигитчасига кийиниб олиб бир замонлар Қалъаи Сафида жанглар қурғон “Шоҳнома” да таърифланмиши баҳодир қиз Гурдофарида менгзаб, худди шу Қалъаи Сафида савашларда қатнашишига журъат этгон бир мүшфиқ, ожиза... Ёлғон сўйлаб юргоним учун худо олдида, жанобларининг олдиларида беадад гуноҳкордурмен. Минг бор узримни қабул қилгойсиз.

.. Ёлларида му, Дајсла дарёсининг кўпиреб, камарлар ясаб, буралиб-буралиб оқишини, тўлқинлари багрини ўйиб-ўйиб, аламдан ичига уриб кетишини кузатдилар... дарё ҳам ошиқму, дедилар ҳайратда ва ўзларига ўхшатдилар... Йўқ, шаҳзода жаноби олийлари, ўзлари эмасдилар, ўша дарё аслида мен эрдим, жанобларини суюб кўра олмай, жанобларига интилиб шу кўйларга тушгон суйгонингиз... Дарёнинг камарлари эмас, менинг юрагимдаги ўйиқлар, тўлқин эмас, менинг қалбимдаги түгёнлар эрди...

Кейин... кел, севгиларимиздан сўзлашайлик, сен ҳам севганмусен, деб сўрадилар шу палла... Юрагим потраб, қафасидан чиқиб кетай деди! Мен ҳам... севганменму? Ётирай! Ҳеч ўйламагон эканмен! Севаменму... Бу – офтобни кўриб, шу офтобму, деб сўрагонлариdek туюлур.

Мен... ҳа, севамен! Сизни, сизни севамен!!! – деб юборишимига оз қолди! Овозимни баланд кўтариб ҳайқирай дедим, токи овозимни ана бу дарё тўлқинлари-ю қиргоқлари билан, мана бу ўрмон вижир-вижир қушлари-ю дарахтлари, дарахтларининг япроқлари, илдизлари билан, борлиги билан эшиштсун, чор атроф, жумла жаҳон эшиштсун! Ариши аълога етиб борсун! “Мендай қулингиз...” деганимда, ёнингизда тупроқ бўлишига тайёр хокисор чўрилари тургонини сезмадингизму?..

Тўда-тўда булулардан қовоги солиқ осмон хаёлларини ўгирлади. Осмон жанобларига гамгин, изтиробда қолгондек туюлди. Унинг офтоби бор, дедилар, аммо офтоби гойибда... Ўша гойиб... – аммо ёнингизда тургон (шундай дея оламенму?.. Мени кечирсунлар!)офтоб мен эрдим.

Икки заргалдоқнинг бир-бiri билан қувалашиб юргони эсингиздаму? Эркаги жуда-жуда чиройли эрди!

Яшил-кулранг модаси қандайдир назокатли, қанот қоқишилари нафис, майин, ҳар бир ҳаракатида ноз-у истигно... “Биёв-биёв” деб күйдиреб, атай тутқизмай қочгони қочгон, эркаги етиб борса, опоқ-чапоқ бўлғон, сўнг яна сиргалиб чиқиб, бошқа шохга қўнғон... Ўша заргалдоқ, қуш эмас, балки суйгонининг ёнида яширин унинг ёргу дийдоридан баҳраманд бўлиб, қараб тўйиб-тўймай юргон баҳтиёрларнинг баҳтиёри – мен эрдим...

Самарқандга совчи юборгонларини эшишиб, баҳти юришимагон, нега жойимда ўлтирмадим, деб аламга ботгон, сизга қўшилиб йиглагон ўша шўрлик ожиза мен эрдим...

Ўзимни билдириласликка уриндим, ўзимга истаганча жафо қилдум, ёлгиз мақсудим – ўлсам жанобларининг ёнларида ўлмак, қолсам жанобларининг ёнларида қолмак эрди, шаҳзода жаноби олийлари мени севадиларму йўқми, шуни билмакчи эдим, холос... Оллоҳга шукрки, билдим, билдим! Ахир ўзимга, унинг учун – мен учун! – жонимни беришга тайёрмен, дедилар! Ўшанда, бу сўзларни эшишиб, оёқларига бош урай дедим, сирим очилиб қолишидан қўрқдум, қалбларининг нечоглик мусаффо, шикаста, меҳр-у мурувватга, муҳаббатга тўлуг эрконига тан бердим, шаҳзода жаноби олийлари!.. Беадад миннатдорчилигимни қабул этгайлар...”

.. Мұхаммад Султон ўқир экан, нафас олиш ҳам эсидан чиққандай бир алпозда сезди ўзини! Боёкишни уч-куйруксиз ўйлар кисти-бастига олди. “Севамен!” “Севамен!” деб юборди бирдан ва ортига бир караб кўйди. Лашкар ўн беш қадам оркада келарди. Демак, “Арғуншоҳ”... – йигитчасига кийиниб олган Соғинч бика... Йўғ-е! Наҳотки! Наҳотки, фаҳмламаган бўлса?.. Ҳеч хаёлига келмабди. Гўл, анков ошиқни кўрингиз, баҳти шундок ёнгинасида юрғон экан-у, билмабдур!..

Рост, сипоҳда қандайдир ожизаларга хос назокат бор эди, кам кулиб, кам гапирди. Жилмайганда, кизларникидек оппоқ тишлари кўриниб кетди ўшанда... Негадир жуда таниш туюлди. Эсида, бир марта гап орасида “вой” деб юборди... Йигитлар бундай сўзни ишлатмайдилар. Нега

ернинг тагида илон қимирласа фаҳмлайдиган туйғун, сезгир шаҳзода бу нарсаларга унчалар дикқат қилмади экан?..

Тулпори гоҳ-гоҳ пишқириб қўяркан, гўё: “Яхши эмас, яхши эмас...” дегандай бош тебратиб борарди.

“... Ожиза бошим бирлан нималар қилиб қўйдим, ўзим ҳам билмаймен, шаҳзода жаноби олийлари. Тутгон тутумим бандасига ярашиқму ёки йўқму? Жанобларини ранжитиб қўймадиммукин? Икки йил аввалги бир ҳодиса эсимда. Самарқандда, bogimizda гуллар чаман-чаман очиларди. Бўйимга тенг оқ гуллар ўсади, улар муаттар ҳидлар таратарди.

Ҳар куни тонг билан гулларни томоша айлардим. Раҳматли аямлар: “Гул гулнинг ёнига борди...” деб ҳазиллашишарди. Бир кун қарасам, қандайдир кулранг капалак оқ гулга жуда чиройли қўниб тургон экан. Текким келди, ушлаб учириб юбормоқчи бўлдим-у... Ё раббий! Капалак гулга ётишганча... ўлиб қолган экан! Кўнглим увишиб кетди! Оҳ, Самарқандга юбораётгонларида, эсларида, Дажла бўйида, қувонгонимдан, мен – “Аргуншоҳ”, жанобларига эгилиб уч марта таъзим этдим... Афсус, суйгонига етишгон капалакнинг саботи менда топилмади – пойларига бош қўйганча, ўлиб қолса бўлмасмиди ўшанда, деб ўксинамен!..

Аямларнинг канизаги Сарвиноз опа айтиб берди, отамларни ҳам мен эси паст кўп изтиробларга қўйиб-дурмен... Борибоқ, оёқларига йиқилиб узр сўрайдурмен, деган умид этагини тутгондим. Аммо... Ҳумоюн ўрду фармонига кўра, мендан бир кун аввал Корабог тарафга жўнағон эканлар...

Хурмат ва эҳтиромимнинг тоғи бўлғон, шаҳзода жаноби олийлари! Мазкур сўзим зинҳор ёзмиишга таънамаломат ёки нолиш эрмасдур. Тақдир экан... Малика Хон Султон оқа бирлан тўйларингиз ўтибдур... Муборак бўлсун, дейман. Дунёда ёлгиз умидим – Амир Соҳибқироннинг ардоқли дилпораси, жаҳон шаҳзодаси, салтанат валиҳади, кўнглимнинг султони бўлғон ҳазратимнинг тинч, сог-саломат юришларини Оллоҳдан тилагондан тилармен. Илоҳи,

жумла мўъминлар қаторида ўзи паноҳида асрасун!..  
Кечирсунлар мени, тақрор кечирсунлар...

Аддои хокисор чўрингиз...  
Согинч бика."

Шу палла Ҳумоюн ўрдудан чопар ошиғич хабар етказди-ю шаҳзоданинг хаёли бўлинди:

– Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон жаноби олий-ларининг Манглай довонига зудлик билан етиб боришлари ҳақида олий фармон олинди!.. Машварат ўтказилур эрмиш!..

Шаҳзода худди уйқудан энди уйғонган одамдай чопарга бир лаҳза ҳайрон қараб турди, кейин дарҳол ўзини ўнглади. У шу палла нима қилишни билмас, бамисли ер-у осмон ўртасида муаллақ, туш билан ўнг орасидаги сирли парда ичида туарди...

Шаҳзода мактубни охиста ўраб ёнига солиб қўйишга ўзида куч топди ва узокларга, яшиллана бошлаган адирларга тикилди, аммо кўзлари дабдурустдан ҳеч нарсани илгамади. Назарида, олам ўз қиёфасини йўқотган, ҳамма нарса қоришиб, буткул ўзгариб кетгандай эди...

Тўхтамишхон қўшини, одатдагидек, чекиниб Тарак дарёсида кечув орқали бехавотир жойга ўтиб олибди. Аммо ортидаги барча қўприкларни, кечувларни бузиб кетибди. Биттагина қолған кечув ҳам кучли қўриқчилар назоратида, йўғон харилар-у шох-шаббалар билан шиббалаб ташланган... Амир Темур худди ана шу кечувни душмандан олдин эгаллашни ният қилганди. Аммо кеч қолибди...

Асабий вазиятда кечган машварат охирида Амир Темур ўрнидан турди-да, бундай деди:

– Олий шон амирларим, бургутдай олғир баҳодирларим! Жаноблар! Тинғчиларим хабар бердиларки, Тарак дарёси у томонини Тўхтамишхоннинг лак-лак чериги тутиб кетибдур, бамисоли олам лашкардан иборатдай эрмиш. Бизнидан бисёр кўп... Черигимизда эса озук туганиб қаҳатчилик хавфи пайдо бўлди. Амир Шоҳмалик тархон ўз лашкари бирлан атроф қишликларга борсун, шикорга чиксун, озук топиб фароғат ила қайтсун!

– Бош устига, Амир Соҳибқирон! – кўл қовуштириди

## Амир Шоҳмалик.

– Аслида дунёдаги барча инсонлар гўёки бир бутун тандур, барча – худонинг бандаси. Улардан кимда-ким бошқасига хужум қилиб, бало келтирса, бу инсон ўз танасини ўзи чопғони бирлан баробардур. Бироннинг бирорга нисбатан ҳар кандай душманлик ҳаракатлари ўта маъни-сизлиқдур, урушнинг ҳеч лузуми йўқ... – Амир Темур эпкинда сезилар-сезилмас тебранаётган шоҳчодир чангғарофидаги уч ҳалқа тасвири туширилган ҳаворанг байроққа қараб қўйди. – Аммо уруш – катта ўйин, ўргага тушғоннинг ўйнамоқдан ўзга чораси йўқ... Уруш, бамисли ана бу шамол туғни ўйнатғондек, саркардаларни ақлини олиб ҳар кўйга соладур, салтанатларни тўқнаштирадур... Муборак ҳадисда айтилмишки: “Уруш макр ва хийладан иборатдур”. Макр-хийласиз уруш йўқдир. Урушдаги макр, макр эрмас, ақлдур... Бас, биз ҳам қўшинимизни кўз-кўзламакчидурбиз. Душман кузатиб туур...”

Соҳибқирон яна байроққа тикилди. Саропарданинг олдида ярим ёй шаклида тиз чўккан амирлар-у лашкар-бошилар ҳам беихтиёр ўша ёққа қарадилар. Шамол кучай-ганидан, байроқ балқиб лопиллаганча хилпирай бошлаганди.

– Ҳар бир навкар ўз отидан бошқа яна бир от етаклаб олсун, коронғилиқ тушгач, сездирмай ортига қайтсун, кундузи ваҳшат солиб такрор ўтсун... Шундоқ уч кун давом этсун. Бори аёллар, хонимлар ва оғалар, саркарда ва навкарларнинг заифалари, жориялар, қуллар ҳам бошдан оёқ совутларга ўралсунлар, дубулға кийсунлар, яроғлансунлар, от бошини тутиб жон олар жангчилардай соҳилдан мағрур ўтсунлар! Тунда қайтсунлар ва боз ўтсунлар. Курка-ю ноғоралар, бурғулар, карнай-сурнайлар садоси осмонларнинг кулоғини кар қилсун! Уч кундан буён тугамаётган черигимизни пурқудрат ва беададлигини ғаним кўриб, юрагига озгина кўркув, вахима тушса, кифоя. Душман юрагидаги озгина кўркув, вахима минг лашкарнинг кучидан кудратлироқдур, жаноблар!..

## П

Замонанинг икки фалакиқтидор улкан лашкари бир-бирини кўздан қочирмай уч кеча-уч кундуз дарёни юқори-лаб юрдилар. Тепадан кўрган одам, улар Кулзум денгизи соҳиллариға чиқишга йўл излаб юрибди, шекилли, деб ўйларди. Гоҳ-гоҳда икки томонда ҳам сабрсиз навкарларнинг ҳавода ўйнатган қиличлари офтобда ярақлаб қоларди. Бу савашни согинган майдонга отиласман деган аскарлар учун диққинафас, жонга тегар даражада зерикарли ҳол эканини кўрсатарди. Лекин Амир Темур учинчи куни душманни ғафлатда қолдирди – тунда уч кунлик йўлни бир кунда босиб, қўшинини шиддат билан ортга, кечувга бошлаб келди ва сездирмай ғаним соҳилига ўтиб олди!

Тўхтамишхон беадад Турон қўшинига назар соларкан, ростдан кўнглига ҳадик ғимиirlаб кирди. Эрталабдан то кечгача лак-лак аскар ўтиб ётибди, уч-кети йўқ, охири йўқ, ҳеч тугамайди... Тўхтамишхон тинғчиларининг айтишларича, Элбурз этагидаги кўрикда йигирма етти қўшин қатнашган экан, холос. Кўз олдида ўтган лашкар эса нақ эллик қўшинча бор! Қай бирига ишонмок керак?..

Баногоҳ шури, зеҳни унга тезгинада қаттиқ саваш бошланишидан хабар бергандай туюлди. Бор вужуди аллақандай қўрқув аралаш роҳатдан жимиirlаб кетди.

– Тарма!

– Жоним омода, хоқон ҳазратлари! – тиз чўкди ҳамиша ҳозир-у нозир Амир Тармочук.

– Амир Идикудан хабар борму?

– Йўқ... хоқон ҳазратлари!

– Қозончи душманни тўхтатиш учун манглай бўлиб жангга борганди, қайтмадиму?

– Қайтди, хоқон ҳазратлари!

– Қайда у?

– Кирмоққа... тортинаидур.

– Чорла!

Қозончи баҳодир тез юриб келиб, ўзини хоқон оёғига ташлади-ю, турмай ётаверди:

– Гуноҳимдан ўтингиз, хоқон ҳазратлари! Гуноҳимдан

ўтингиз!

Энг ишонган, садоқатли одамларидан бирини шундай алпозда кўриб, Тўхтамишхоннинг кўнгли олинди.

– Тур ўрнингдан!

– Айтмоққа тилим бормас... – қийналиб деди Қозончи баҳодир ўрнидан турмай. – Устимизга баҳайбат лашкар шиддат билан ёприлдики, омон қолмасам керак, деб қўрқиб кетдим...

– Бу гапларни айтиб ўлтиргунча, омон қолмаганинг дуруст эди! – ғазаб билан сўзни кесди Тўхтамишхон.

Хоқон ўйга чўмди. “Ажабки, одамзоддай бетайин, бекарори йўқ экан дунёда! Ваъда қилади, ваъдасига вафо йўқ, аҳд айлаб, шу заҳоти аҳдини унугади. – хаёлидан кечди унинг. – Миср сultonига ишонгандим, у аскарлар юбормоқчи эди, лекин Амир Темур маккорлик қилиб йўлини тўсиб кўйди... Полша қироли Ягайлонинг қўшин жўнатаман, деган сўзи бор. Аммо ҳали дарак йўқ. Амир Қора Юсуф кўп оғиз кўпиртиради, қани унинг лашкари? Ўзи қаерда?.. Султон Аҳмад жалойир-чи? Ўзи йўқ, бир тутамгина сипоҳ юборибдур. Сивас султони Қози Бурҳониддинни кўрингиз! Тухум кўймоқчи бўлиб қақағлаб олам-жаҳонни бузган товукдек, ҳаммадан қўп дод-вой солди, “манфур Темурга” қарши курашиб ҳақида мактублар ёзил ҳар ёққа йўллади, қўшинлар юборишни ўз зиммасига олди... Аммо қани, у қўшин? Шундай субутсизларга ишониб Амир Темур салтанати сарҳадларига, Туронзаминга хужумлар килдингму, Занжир-саройни ёндиридингму, Турон шери билан ўйнашдингму?..

Ҳа... ўзингга муносиб балои оғатни орттириб олдинг! Рост, Амир Темурга фақат сен бас кела оласан!.. Замонанинг улуғи ўзингсан, худога ва ўзингга суюна бер, Тўхтамишхон! Ўзингга ишон, ўзингга!..”

Олтин Ўрда хонининг қарори қатъий эди:

– Қозончи! Тарма!.. Зудлик бирлан қўшинлар саф тортсун! Билингизким, мушук-сичкон ўйнаш жужуқлар ишидур! Шерларга ярашмайдур! Токайгача “отамиз” бирлан довлашиб<sup>1</sup> юрамиз? Вақтимиз йўқ! Йў-ў-ўқ!.. Ҳали ит куни-

<sup>1</sup> Довламоқ – ҳақ-хукуқ талаб қilmok, талашиб олмок; даъво қilmok.

ни кўрсатаман уларга-а!.. Ит кунини-и!.. Туғилғонига пушаймон бўладур!

Тўхтамишхоннинг чинқириқ овози узокларга ҳам эшитилди.

– Бўладур, хоқоним! Пушаймон бўладур! – деди ўзини сал ўнглаб олган Қозончи баҳодир. – Сичқонни инини минг тангага сотаман ҳали!

Амир Тармочук ҳам ўзича нимадир деб минғирлади.

Шу палла хоқон, ичида яшайтган икки одамнинг яна бир-бирларига иддаолари борлигини сезди. Қизифи, агар ўша икки одам баҳсга киришишса, хоқон тўхтатишдан ожиз қоларди. Аммо чопиб кирган мулозим ҳамма нарсани ўзгартириб юборди:

– Хоқоним! Хоқоним! Амир Темур кечувдан ўтиб дарё ёқалаб катта қўшин бирлан бостириб келаётир экан!..

– Нима-нима?! Ким кечувни ташлаб кетди?! – бакирди хоқон. – Ким?!.. Ким деяпман?!.. Тарма! Бари қатл этилсун!..

Жанг бошланишидан бир кун олдин, Амир Темур черикка чукур хандақлар қазишини ва уларни шох-шабба-ю хас-хашаклар билан ёпиб чиқишини буюрди. Шаҳзода Мұхаммад Султоннинг назарида, эрта-индин даҳшатли жанг юз бериши муқаррар бир вазиятда, қандайдир хандақлар қазиб вақтни ўтказиш кераксиз ишдай туюлди. Ҳатто ўз фикрини айтмоққа чоғланди ҳам. Лекин ичида, подшо амри – вожиб, деб қўя қолди.

– Ҳошияларга сипоҳлар қўйилсун! Кечаси ҳеч киши ўз ўрнидан қимирламасун! Ўт ёқилмасун! – деган сўзлар янгради қўшинлар узра...

Туннинг икки палласи ўтиб, тонг ёришар-ёришмас, Тўхтамишхоннинг катта қўшини душмандан ис олиш маъносида, сутдек ойдинда шабихун уриб, бостириб келди. Ноғора-ю карнай ва кўрагалар<sup>1</sup> садоси жумла-жаҳонни суронга тўлдирди. Орада хандақ борлигидан бехабар илгарилаётган ғаним аскари Турон қўшинининг ёприлаётган душманни кўрса-да, жойидан жилмай бамайлихотир турганидан ҳайратланди ва... хандақка кулай бошлади!

<sup>1</sup> Кўрага – сурнайнинг бир тури (муалл).

“Хандақ бор! Хандақ!.. Қоч!!!..” деган овозлар эшитилди. Кутылмаган балодан құрқиб кетген лашкар дархол калапатра бўлиб орқага қайтишга турди.

“Душманга хандақ гўр қилиб қазилган экан-да! “- деди шахзода ва бобосининг ҳеч қачон, ўйламай қадам босмас-лигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Турон лашкари ўткир тиғли ханжарларни маҳкам тутгувчи, кескир қиличларни ҳаволарда ўйнатгувчи, осмонларни учувчи ўқлар билан тўлдиргувчи, жон оламан деган

найзаларни санчгувчи, ўзи ва Ватани шарафини асрой оладиган баҳодирлар, уруш денгизининг қўрқмас ғаввосларидан иборат эди. Соҳибқирон лашкар сафларини назардан ўтказиб, бир қўшин қўлини ўзи учун хос қилди, бошқа муҳим қўшин қўлини кейинги вақтларда сал хаёлчанроқ бўлиб қолган шахзода валииҳд Муҳаммад Султонга топширди.

Согинч биканинг мактуби шахзода хаёлларини нурлантириб юборди. Мактубни юрагининг устида сақларди. Ичиди айтаман деган гаплари кўпайиб кетди, кимга ёрилишни билмайди. Хайриятки, шахзоданинг хотира дафтари бор... Мактубни олган куни тунни Қулзум бўйида ўтказдилар, ҳамма ҳориб-чарчаб уйқуга кетди. У беихтиёр доим сақлаб юрадиган зарҳал сандиқча ичидан хотира дафтарини топди ва вараклашга тушди. Шахзода ҳамиша кўнглидаги қувончини ҳам, изтиробларини шу дафтарга тўкиб солар, юрагини бир бўшатиб оларди. Ҳозир бошидан ўқиб чиқиши истарди-ю, дарди янгиланишидан қўрқди. Дафтарнинг хийла аввалги саҳифасида бирининг боши ҳам, иккинчисининг эса япроқлари тўзғиган иккита гул расмини чизганди... Энди чизгани бошқача чиқди – иккита яшнаган, бошларини ғоз кўтарган гул ёнма-ён бир-бирига интилиб турибди!

Шахзода нималарнидир ёза бошлади, афсус-у надоматлари, вужудини гоҳ яйратиб юборган, гоҳ титратиб азоблаган кечинмалар, согинч туйғуларидан саҳифалар рангоранг бўлди.

“... Кошки эди, имкони топилса, ҳозироқ Самарқандга

жсўнасам... йўқ-йўқ, аввал онаизорим *Хонзода* хоним поиига бош уриб борсам, бир оғиз ҳам сўз айтмай, секингина мактубни тутқазсам, кифоя... Йўқ-йўқ, онаизоримга қандоқ айтамен? Яхиси, яқингинада *Самарқандга* қайтган хонимойим, маҳди улё ҳазрати олияларини зиёрат этайин... Жўйи Зарда “Шу ожизани шаҳзодамга унашириб қўйсаммикин?..” деган сўзларни хонимойим айтгонлар-да! Лекин бормоғим мумкин эрмас, бир лаҳза ҳам фурсат йўқ.

Ҳадемай катта муҳораба бошланиб кетса ажабмас. Замонанинг икки қудратли ҳукмдори ҳарб майдонида от сурадир. Бундай танг паллада, йўқотган ёримни топдим, согинганмен, бас, *Самарқандга* унинг ёнига боришига ижозат берсунлар, дейиш валиаҳд шаҳзодага муносибмикин?.. Савашлар тугашини кутмоқ керак. Оллоҳ сабр берсун... Йўқотгонимни топиб турибмен-ку... Беадад, беадад шукр...

Яқинда Низомий Арузий *Самарқандийнинг* “Чаҳор мақола”сини кўчурраб, Амир Соҳибқиронга тақдим этдум. Дуо қилдилар. Ҳазрат бобомлар тагин, “Куръони карим” ни ул зот учун китобат айлашимни эслатдилар... Киришгонмен, рагбатим бор, аммо журъатим ҳам фурсатим етмай турибдур...”

Туни билан шаҳзода ва липиллаган шам иккиси бедор ўтириб чиқдилар,

Бирдан субхи содик палласи, оламни тутган “Оллоҳу акба-а-ар!”, “Оллоҳу акба-а-ар!” садолари унинг хаёлини тарқатиб юборди. Изма-из: “Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон баҳшида!” садолари янгради. Шаҳзоданинг майдонга отилгиси келиб кетди. Аммо Амир Соҳибқирон унга маҳсус фармонни кутиб, жойидан жилмасликни буюргонлар, сабр этагини тутмоғи керак... У тобора тўзонга чулғаниб бораётган майдонни интиқдлик билан кузата бошлади.

Борлиқни аёвсиз жанг шовқини қоплади. Ҳеч ким ён беришни истамасди. Бирпасда Туроннинг ҳам, Олтин Ўрданинг ҳам худди кўл билан чиройли териб қўйилгандай зич сафли қўшинлари кучли зилзилада дарз тушиб кулай

бошлаган улкан иморатлардай тарҳи бузилиб, ҳамма нарса аралаш-қураш бўлиб кетди.

Душман шиддат билан ҳалқага олишга уриниб, Турон лашкарини ҳар томондан кисиб келарди. Олтин Ўрда жангчилари ҳам жасорат соҳиблари сирасига кираарди, улар ичида найзаларни бука оладиган, юракли, ёвқур, раъйларни синдиришига қодир, камон отишда мерганлар мергани, моҳирликларидан бирон отган ўки зое кетмас, ёй тортиб, мўлжалга олсалар, қўзланган нишон турибдими, ётибдими, учайтириши, фарқи йўқ, албатта бориб тегарди.

Тўхтамишхон сўл қанот сардорлигини Кунча ўғлонга топширди, Бек Ёрук ўғлон, Ўқтой каби лашкарбошилар унинг қўл остида эдилар. Баранғорда қилич яланғочлаган Рустам Мирзо ибн Умаршайхга: “Дарёга такя қилиб саваш курилсун!” деган фармон етказилди. У Амир Сулаймоншоҳ, Шайх Нуриддин ва Худойдод Ҳусайннийлар билан бирга душманинг сўл қанотидан ёриб ўтишга уринишган Кунча ўғлонларга юзма-юз чиқди.

Тўхтамишхон чоғроқ тепаликдаги чодирдан майдонни назорат қиласиди. Хоқоннинг кўнгли тўқ: қўшини етарли, хонликнинг ҳамма вилоятларидан аскар тўпланган, кўмакка етиб келганлар бор, яна келаётir. Ғалаба унинг тарафида бўлмоғига асло шубҳа йўқ, чунки Тўхтамишхон ўз юртида майдонга кирган, Амир Темур эса ватанидан йирокда, жуда йироқда... Хоқон атай шуни уюштириди. Ҳатто чап томонда баҳор тошқинларини жиловлай олган, аммо ўзининг қутқуга тушган ёш, асов тўлкинларини тиёлмай ҳайқириб оқаётган Тарак дарёси ҳам ўз хоконига ён босади...

У ўнг қанотдаги вазиятга назар солди-ю қувониб кетди! Айниқса, Бахти Ҳожа билан Исабий арлот ўлар-тириларига қарамай савашишмоқда, майдонга жасорат оёғини қўйиб, мардона жанг килаётган Яғлибий баҳриннинг лашкари Амир Сайфиддин некўз фавжини шошириб қўймоқда. Жанг равиши унинг ўйлаганидай кечмоқда.

– Фанимга ит кунини сол, Яғлибий! – дерди ўз-ўзига айтгандай Тўхтамишхон, чодир олдида у ёқдан бу ёкқа юаркан.

Улкан жанг майдони Амир Темур кўз олдида бамисли кафтдагидек ястаниб ётарди. Соҳибқирон жавонгорда иш чатоқлигини пайқади, у ёқдан гоҳ-гоҳ ғолибона янграётган бегона суронни эшитиб ўнгайсизланар, ўзини гўё билак баҳсида енгилаётганидан ўнг қўли қучсизланиб бораётган одамдек ҳис этарди. Душманнинг жангари бир бўлинмаси, чамаси Яғлибий баҳрин, балки Исабий арлот, қаттиқ ҳамла килганидан Амир Сайфиддин некўз фавжининг шиддати кесилиб қолди. Ганим унинг ортига ўтиб куршовга туширмоқ пайида. Амир Сайфиддин некўз пиёда бўлиб олди, унинг сипоҳлари ҳам шу йўлни тутдилар. Амир дарҳол қалқонларини маҳкам тутиб, камон қабзасига ёпишиб, ёвга ўқлар ёғдирди. У куни битганини билди...

– Хў-ў-ўш!.. – деди аламда. – Бахташ таваккал! Худо бор, не ғамим бор?! Умрим битса, битиби... Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон баҳшида!..

Шундай дегач, у дадилланди, ўлимга тик боқиб, тагин жангга кирди. Кутимаганди, Яғлибий баҳринга Бахти Ҳожа лашкари ёрдамга етиб келди-ю Амир Сайфиддин некўз сипоҳларида чекинишга мойиллик пайдо бўлди, фавж сийраклаша бошлади. Пир Муҳаммад Жаҳонгир, Амир Шоҳмалик ва Амир Аллоҳдодларда ҳам вазият ночорлашиб борарди.

Кўнгли кўтарилган Яғлибий баҳрин, иттифоқо, шаҳзода валиаҳд Муҳаммад Султон вазиятни билиш учун қўлдан жўнатган шоп мўйлов Ахий Жабборни (Мироншоҳ Мирзо жангда қатнашмаётгани учун, унинг сипоҳлари шаҳзода ихтиёрига берилган эди) кўрди-ю баҳодирлардан бири деб ўйлади ва қирқ қадамча наридан қилич ўйнатганча хайқирди:

– Ҳой, мен кимман, билмасанг билгил! Кейин ўзинг холис фикр қилгил! Билгил, мен Яғлибий баҳринмен! Кўрсатай нақ худо қаҳрин мен! Тоғларни пора-пора қилурман, лошингни канорага илурман! Шерларга айтгилки, менга дуч келмасунлар, қўрқоклар-чи, қўрқоклар, ҳеч келмасунлар!.. Хо-ҳо-ҳо!

Азалдан ҳангома излаб юрадиган, яккатозлик кураш-

ларини яхши күрадиган Ахий Жаббор баҳодирнинг қитик патига нимадир тегиб кетди, мақтанчоқ ғанимга масхаромуз кулиб қаради:

– Худо уриб қўйибди-ку сени! Ҳеч танимас экансен-да мени! Мени Ахий Жаббор дейдилар... Кудратимни филча бор дейдилар! Худо урган менга дуч келади, бад ниятинг сени пуч келади! Эй сен, хайз кўрганинг боласи, туққанда бормиди чоласи? Эс борида эсинг йифиб ол! Жонинг сакла, тездан қочиб қол!

Икки қайсар бир-бирига юзма-юз бўлди. Яғлибий баҳрин мазахлагандай қаҳ-қаҳ урди:

– Хо-хо-хо!.. Жигар тешувчи ўқларимни ҳали кўрмагансан, шекилли! Эҳ-ҳе!.. – баланддан келди у. – Қарағай найзам қалтирап, шамширим тифи ялтирап! Саккиз ботмон гурзим бор, девдай даҳшат тарзим бор! Тўхтамасдан ўтсангчи, жон фойдага, кетсанг-чи!

Ахий Жаббор баҳодир қаттиқ кулиб юборди:

– Хо-хо-хо!.. Қиличим нақ тош кесар, қарқарали бош кесар! Қинга солсам, қилт этар, суғуриб олсам йилт этар! Етти аъзонг бир-биридан жудо этай, Соҳибқирон дея жоним фидо этай! Бир яхшилик қиласенга, қулок сол: эс борида қочиб қол-у, қочиб қол!

– Ер билан бир бўларсан! Галварс!!! – қичқирди Яғлибий баҳрин.

– Кафан кўрмай ўларсан! Эси паст!!! – ҳайқирди Ахий Жаббор баҳодир.

– Лошинг қолар ерларда!!!

– Танинг чирир гўрларда!!!..

Яғлибий баҳриннинг сабри чидамади, найзасини тўғрилаганча от бошини Ахий Жаббор баҳодирга қараб бурди. Баҳодир ҳам қўлида залварли чўқморини ўйнатиб, отига қамчи солди. Йигирма қадамча наридаги баҳрин найзасини тўғрилаб, баҳодирнинг юрагини мўлжалга олганди. Баҳодир моҳир чавандоз эди, ўзини бепарво, гўё хабарсиздай тутди, баҳрин найза ўқталишидан бир неча лаҳза аввал от ёлига қапишиб олди, найза ҳавога санчилди! Баҳодир пайтдан фойдаланиб, қўлидаги чўқморни қарсил-

латиб, найзасини ўнглаб улгурмаган баҳриннинг бошига туширди! “Занғар!!!” – деган сўзини ўзидан бошқа ҳеч ким эшифтади.

Баҳодир ўз зарбасидан ғанимининг отдан қулашига ҳеч шубҳа қилмасди. Аммо дубулғаси қаттиқ букилган баҳрин, бақувват экан, бир чайқалди-ю эгарда маҳкам турди, куламади. Олтин Ўрда мамлакатида мохир қиличбоз деб донг таратган баҳрин: “Аҳ-а-а!..” деб қичқириб юборди, қаҳр-у ғазабда зулфиқор қиличини ишга солмоққа шайланди. Баҳодирнинг кўлида эса тили “жонингни оламан!” деб сўйлаётган найзанинг учкир тифи офтобда ялтирарди. Жангга кирмасдан олдин, Дарбанддан топган қайроқ билан кеча боплаб ўткирлаб олганди, энди корига ярайди. Камон дастасига кўл уришни эса кейинга қолдирди.

Шу палла баҳодир билан баҳриннинг қулокларига яқинлашаётган пуршиддат бошқа бир фавжнинг кучли сурони эшитилди! Улар алаҳсиб, беихтиёр ўша ёққа қараб қолдилар.

Хумоюн ўрду фармонига кўра, Амир Сайфиддин некўзга мададга келган амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жоку тумани душманга тўфондай ташланди ва дунёси қоронги бўлган Амир Сайфиддин некўзнинг жонига оро кирди! Икки соҳибдавлат амир дарҳол камонларини маҳкам тутиб, бирбирига суюниб, шердай наъралар чекиб ғанимга юзландилар!

Душман лашкарининг шахти сингандай эди, сўл қаноти парокандаликка юз тутди. Яғлибий баҳрин аҳволни кўрди-ю, Ахий Жаббор баҳодирни ҳам қўйиб, ҳайқирганча мададга ташланди! Худойдод Ҳусайнининг жанталаб фавжи чап ёқдан юзма-юз чиқди. Яна қатли ом жанг бошланиб кетди. Тўхтамишхон бесабр ў ёқдан-бу ёққа юрар, баъзан майдонга узоқ тикилиб қоларди.

Ўнг қанотда жанг суст, Ўқтой ўғлон дадил савашга кирмас, ниманидир кутиб тургандай тайсаллангани сезилади. Гўёки майдонни ташлаб қочмоқчилик туюлди хоқонга...

– Олга бос!!! – бақирди Кунча ўғлон... – Бек Ёруқ ўғлон! Баракалла, шоввоз! Жангга кир, Ўқтой! Нега сўлжаясан?!

Ўқтой ўғлон негадир жойидан кимиirlамасди.

Кунча ўглоннинг иш буюришлари, у-бу деяверишлари ғашига тега бошлади, ичиди унга эмас, балки рақибига сардорликни топшириб қўйганига хоқондан ўпкаланди, интиком ўти алангаланди.

Безовталанган Тўхтамишхон ўзи майдонга тушди. От жиловини тортиб тўхтатаркан:

– Нимага қараб турибсан, сўтак? – қичкирди у Ўқтойга.  
– Жангга кир, жангга!!!..

– Хоқоним! Кунча ўглонда хун қасдим бор! Хун довлайман! Кунча ўғлон суюкли жиянимни ўлдирган! Кунча ўглонни менга беринг! Қасосимни оламан, уни ўлдираман! Кейин майдонга тушиб душманнинг тит-питини чиқариб ташлайман! Йўқса жангга кирмайман! – деди кескин Ўқтой ўғлон. Унинг ортида бус-бутун лашкар, баҳс нима билан тугаркин, деб кутарди.

– Билингизким, ҳаёт-мамот жангни пайтида, хун талаб этмоқ. нодонни иши! – жиғибийрони чиқди хоқоннинг. У биларди: хун сўраганни ҳатто хоқон ҳам дўқ-пўписа билан бу йўлдан қайтара олмайди. Яхши гап билан инсофга чақириш керак, холос. Тутингизлар, деб юборса, ўзаро жанг-у жанжал чиқади. “Чамаси, Амир Темур унинг кўнглига фитна уругини солибдур..”, – деган сўзлар кечди хоқоннинг хаёлидан.

Тўхтамишхоннинг овози юмшаб чиқди:

– Розиман! Фақат саваш тугасун, кейин дилозорингни сенга тобшураман, қасос олиб муродингга етгайсан!

Кунча ўғлон қиличини маҳкам ушлаганча, хушёр кузатар, ҳар эҳтимолга қарши ҳимоя чорасини ўйларди.

– Йўқ! – кескин жавоб қилди Ўқтой ўғлон. – Аввал ҳам олампаноҳдан сўрадим, кейин, деган жавоб олдим... Энди Кунча ўғлон урушда ўлиб-нетса, маҳшарда хун оламанму?.. Хозир шу ишни адо этмасам, унда итоатдан чиқаман!

Тўхтамишхон тажанг деди:

– Бошимизга кулфат тушиб турибди, қулоқ сол! Худди қўзи ожиз-у, жардан нажот қидирган одамдай бўлма! Билгилки, ҳеч қачон бироннинг ҳаки бирорда қолмайди.

Рұбарұмиздаги беомон ғам-ғүссадан ўтиб олайлик, ниятинг-га етгайсан! Сабр айла, Үқтой ўғлон!

– Эй, навкарлар! – бақырди бирдан қайсар Үқтой ўғлон ўз фавжига қараб. – Талабимиз инобаттаға олинмади! Жангни ташлаб кетамиз! Кетди-и-и-ик!

Лашкар ўридан құзғолди. Пайт пойлаб, баҳона излаб турған құрқоқ хиёнаткорлар, жангдан ўзини тортган сотқину муртадлар ҳам чекка-чеккадан Үқтой ўғлонга эргашдилар. Олтин Үрда құшинининг бир томони ўпирілгандай бўлди.

– Тарма! Қозончига айт, захирадан қўшин олиб ўнг қанотга мададга етиб борсун! Сўл қанотни Довуд Сўфининг ўзи эгалласун!

Бирдан ҳар томондан:

– Соҳибқирон жангга кирдилар!!!

– Соҳибқирон жангга кирдила-а-ар!!!

– Соҳибқирон майдон ичинда-а-а-а!. – қабилида садолар янгради. Турли пучмоқлардан эшитилган: “Оллох, Ватан ва подшохга жон бахшида!” сўзлари уларга эш бўлди.

Чошгоҳ маҳали жанг суръатидан унчалар қониқмаган Амир Темур безовталанди, ёнидаги баҳодирларнинг ҳайхайларига ҳам қарамай, карнай-сурнай, ноғора садолари остида наъра тортганча, ўзини майдонга урди!

Даҳшатли хабар Тўхтамишхон аскарлари ўртасида чақин тезлигида тарқалди! Душман юрагига қўрқув оралади, аммо аёвсиз савашишни тўхтата олмади. Уруш олови баттар алангаланди.

Шу палла қаёқдандир, Соҳибқирон билолмади, Тўхтамишхоннинг чақмоқдай бир қўшини майдонга ёриб кирди! Йўлидаги сипоҳларни чопиб, ўлдириб, янчиб, хас-хашакдай четга суриб, атрофидаги хос сипоҳларни йирокларга юборганидан ўзи ёлғиз қолган Амир Темурга яқинлаша бошлади! Тўхтамишхон “тишининг каваги” да саклаб турған лашкарини жангга ташлади! Унинг нияти Турон султонини бирон зиён-заҳмат етказмай, тириклай қўлга олишдан иборат... Соҳибқиронни ўлим шарпаси чулғаб олди... Дарҳол қўлдаги

шахзода Мұҳаммад Султонга чопар жүннатди ва ялтираган қиличини суғуриб ғаним аскарларига юзланди!

– Шу ердаман, Ҳазрат Соҳибқирон! – деган гулдираган овоз эшитилди бирдан. – Ёнингиздаман! Йўқ! Йўқ! Зинхор жойларидан жилмасунлар! Савашишни бизга қўйсунлар! Боплаб адабини бергаймиз!

Жон ҳалпида ўз навкарлари билан ўқдай етиб келган Шайх Нуриддин баҳодирнинг қисик кўзларида ёгийга нисбатан ғазаб ўти чақнарди.

– Анови аробалардан уч-тўрттасини Амир Соҳибқирон-нинг олдига қўйингизлар, душмандан ихота қилсун! Ҳушёр бўлингизлар! – аёвсиз жангга киришар экан, буюрди баҳодир ўз сипоҳларига.

У ўйланиб ўлтирумай жонини ҳалокат гирдобига отиб, тангри таоло, маъбути барҳаққа таваккал қилиб, шартта отдан тушди, номуснинг зўридан беомон найза-ю шамширларга рўбарў келди! Шундай имкон яратгани учун худога шукрлар айлади. У Соҳибқиронни деб лозим эса жонини ҳам аямайди, зеро ўзининг шахт-у шиддатини дўст-у душманга, хусусан, Амир Шоҳмаликка бир кўрсатиб қўймоғи ҳам керак!

– Оллоҳу акбар! – ҳайқирди у ёвга хезланар экан.

– Оллоҳу акба-а-ар! – ҳайқирди қўшин майдон узра...

Изма-из Амир Аллоҳдод, Амир Мизроб ва бошқа баҳодирлар, сипоҳлар ҳам пиёда бўлиб жангга кирдилар. Ўнг-у сўл қанотлар бир-бирига аралашиб кетди. Шамол қўтарилиб, ер-у осмон орасини чанг-у тўзон, гирдибод қоплади. Бақириқ-у чакириқ саслари, вадаванг гўсноғора садолари, сурон овозлари борликни тутган, таранг тортилган камонлар, дўлдай ёғилган ўт тилли ўқлар, офтобда ялтираган қиличлар шу қадар кўп эдики, игна ташланса ерга тушмасди.

.. Олтин Ўрда такдирини узил-кесил ҳал килган жанг охирлаб борарди..

Майдон жаҳаннамга айланди. “Уруш” деган бозорда энг арzon нарса одамнинг жони эди. Дарё-дарё қонлар оқди, узок йиллар сувсиз шўр босиб, окариб ётган ташна саҳро тўйиб қон ичди, юзи қип-қизил рангга бўялди. Чанг-у қонга

беланиб ётган ўлганларнинг хисоби йўқ, ҳар қайда узилган бошлар, кесилган кўллар, жасадлар, лош-у мурдалар ётар, ўнг-у сўлда ерга санчилган найзалар, синган қиличлар, гурзилар, уюлган курол-аслаҳалар кўзга ташланарди. Суронлар ичидаги кайга боришни билмай, у ёқдан бу ёкка чопиб юрган эгасидан айрилган отларнинг зорли кишинашларига хеч ким эътибор бермасди.

Шу палла амир ул-умаро Довуд Сўфи сардорлигига душманнинг катта қўшини жангга кирган эмиш, деган хабар таркалди.

– Пурқудрат валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон лашкари!!! – деб қичкириб юборди кимдир. Дарё тарафдан мухолифларни даҳшатга солиб от кўйган улкан черик наъраси эшитилди! Соҳибқирон шахзода қўшинининг чап томондан хужумга кирганини кўриб турарди.

Зафарқарин лашкар бирпасда майдон тархини ўзгартириб юборди!

Кўп ўтмай кутилмагандаги:

– Ёв қочди!!!

– Ёғий мутафарриқ ўлди!..<sup>1</sup>

– Тўхтамишхон қочди!!! Кунча ўғлон қочди!

– Яғлибий қочди!.. Қочди!!!

– Ур-ҳо-о! Ур-ҳо-о-о!!!.. – садолари қулокларга чалинди! Турон лашкарларининг қудратли суронлари янгради. Барча валиаҳдни олқишлиарди.

Баҳодирлар ва аскарлар бундай жанглардан сўнг яхши сийланишларини билардилар. Ҳозир ҳам шундай бўлди: иш кўрсатган амирлар, беклар, баҳодирларга зарбоф тўн, мурассасъ камар, олтин эгарли отлар ҳадя қилинди. Айрим шижаот соҳиблари туман, вилоят ва ўлкалар билан сийландилар. Ҳамма бир-бирини қутларди.

– Ҳар кишига нақд хирмонидан юз минг олтун кепакий инъом этилсун! – фармон қилди Амир Темур.

Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон орзулари поймол бўлаётганини сезар, салтанат ҳудди ҳовучдаги қумдек, сиқим-

<sup>1</sup> Мутафарриқ ўлди – пароканда бўлди (муалл).

лаган сари, бармоклари орасидан сирғалиб оқиб тушарди. У Жўжи шаҳзодалари билан бирга қочишдан бошқа чора то-полмади. Энди Турон лашкарининг ғолибона саслари пой-тахт Сарой-Беркага ҳам етиб бориши муқаррар экани юра-гини қаттиқ сиқарди.

Азалдан Амир Темур Муҳаммад Султонни ҳамма нарсадан ортиқ кўрарди. Аммо ҳозир шаҳзода Соҳибқиронга бамисли ширин жондай азиз, рухи қудсдай ардоқли туюлиб кетди.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

### I

Московиядан қайтар экан, валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон қўшин билан тантанавор Олтин Ўрда пойтахти Сарой Беркага бурилди. Ҳали Ҳожитархонда эканида Соҳибқирон шаҳзодага бундай тайинлаганди:

– Ўшал баҳти чопмағон Тўхтамишхонни қўлга туширмак (бир мучасига ҳам тегилмасун), муборак-у мубин, азиз-у мажид, башир-у назир муқаддас Усмон Куръонини хон саройи кутубхонасидан олмак, “Гулшани ҳазойин” сандуғи-ни дараклатмак, сўнг шаҳарга ўт қўйиб кулини кўкка совурмак. вазифангиздур! Тўхтамишхон биз йўқ пайтимизда бостириб бориб муҳташам ва суюмли Занжирсаройимизни шафқатсизларча ёндириб юборғони эсимизда турибди. Ал-қасос-у минал-ҳақ!”

Шаҳзода шаҳарга кирганда, Амир Темурнинг хон саройида эканини унга етказдилар. Шаҳзода хон кутубхонасида юрган бобосини тавоф этаркан, хижолатомуз деди:

– Ганимни Московиягача қувиб бордик... Лекин тутолмадик. Летува деган мамлакат тарафларга жуфтакни ростлаб қочиб қолди.

– Ҳа... Тўхтамишхон чопағонлардан...

Соҳибқирон бошқа сўз қўшмади.

Амир Темур мулозимларга кутубхонанинг пастки қабатини синчилаб кўриб чиқишини, Халифа Усмон Куръони

топилиши билан хабар беришни ва Самарқандга олиб кетишига китобларни яхшилаб саришталашни буюрди. Ўзи пири муршид Мир Саййид Барака, Амир Сайфиддин некўз, Муҳаммад Чурога додхоҳ ва мулозимлар кузатувида иккинчи қабатга кўтарилди ва ўнг томондаги хоналар томон юрди. Муҳаммад Султон эса чапга бурилди.

Иттифоқо, рўпарадаги салобатли жигарранг китоб жавони шаҳзода диққатини ўзига тортди. Унда бўйи уч қаричдан ортиқ, эни икки ярим қаричча келадиган бежамали катта бир қора кути турарди. Обнус ёғочи ва фил суюгидан ишланган, кумуш билан ороланган кути багоят чиройли, томоша қилса арзийдиган даражада яракларди. Оҳиста очаркан, негадир юраги дукиллай бошлади. Бежиз эмас экан: унда... ўша Басрадан излаб тополмаган кирмизи атлас муқовали, кийик терисига ёзилган Мусҳаф, Халифа Усмон<sup>1</sup> Куръони турарди!

– Бобожон! Бобожон! – деб қичкириб юборди беихтиёр.  
– Мўътабар Мусҳаф! Мўътабар Мусҳаф! Халифа Усмон Куръони!..

У дарҳол залварли Мусҳафни олиб уч марта ўпидувончдан ёшланган кўзларига суртди.

Кутубхонани айланиб юрган Соҳибқирон дарҳол шаҳзода ёнига келди:

– Хайрият! Хайрият! Оллоҳга шукр!..

Амир Темур Мусҳафни эъзозлаб уч марта ўпидувончдан кўзла-рига суртди-да, худди оғир юк елкадан ағдарилгандай енгил хўрсинди. Пири муршид, некўз ва додхоҳлар ҳам каломуллони суюб тавоф этдилар. Муқаддас китобни, қутини томоша қилиш фараҳли эди. Ана, кийик терисидан бўлган саҳифаларга сачраган шаҳид Халифа Усмоннинг кутлугу-конлари... Кутининг қора силлиқ қопқоғида оқариб маржондай тизилган фил суюгидан қилинган нақшлар...

– Энди улуғ китоб Кўксарой кутубхонасининг дурри яктоси бўладур! – ғуурурланди Соҳибқирон.

<sup>1</sup> Усмон ибн Аффон (таксминан 575-656) – дастлабки тўрт халифадан учинчиси 644-656-йилларда халифалик килган.

– Муборак бўлсун! – кутлади пири муршид. – Оре, рост... Кудратингизга қудрат қўшадур!

– Шахзодам! Ёнига ўзлари китобат этаётғон “Куръони карим” ни қўйгумиздур!

– Йўғ-е... Қуллук, валинеъмат Соҳибқирон! – юкунди шахзода ўзини бундай улуғ шарафдан ўнгайсиз сезиб. – Оллоҳ ўшал кунларга етказсун, илоҳи!

– Узукка кўз кўйгондек бўлур, жоним сизга қурбон Амир Соҳибқирон!

– Некўз жаноблари! Буюрингизким, “Гулшани хазойин” сирли сандуғини ҳам қидиришдан толмасунлар, ҳали ҳануз топилмайдур... – эслатди Амир Темур.

– Бош устига!

– Китобларни сандуқларга солиб, алоҳида аробаларға, туяларга ортсунлар! – деб амр этди валиаҳд шахзода мулозимларга.

Шаҳардан ташқарида турган қўшинга Сарой Беркани уч кун талашга ижозат берилди. Салтанат хазинасиға ҳам, қўшинга ҳам жуда кўп бойликлар, қимматбаҳо моллар, буюмлар, чўрилар, ўлчаксиз ғаниматлар насиб этди.

“Шаҳарга ўт кўйилсун!..” – деган олий фармон содир бўлди. Ўйлар, саройлар ланғиллаб ёнар, олов тили билан осмонни тозаламоқчи бўлгандай ялаб-юлқарди. Кўкка ўрлаган алангана эмас, балки лат еган кўнгил пучмоқларини ёритган интиқом, ўч ўти ёлқинидай туюларди...

Зафарқарин Турон қўшинининг Олтин Ўрда мамлакатини фатҳ этгани, валиаҳд шахзода Мұхаммад Султоннинг Тўхтамишхонни қувиб Московиягача боргани ва зафар қучгани, Сарой-Берка, Ҳожитархон шаҳарларининг кули кўкка совурилгани тўғрисида шахзода номига битилган фатҳномаларни олган чопарлар кечани-кеча, кундузни кундуз демай Самарқанд-у Хоразм, Озарбайжон-у Форс, Ироқ-у Хурросон, Зобулистон-у<sup>1</sup> Сеистон, Мозандарон-у Табаристон томонларга қараб елдилар.

Айни фатҳнома олинган паллалар, масъуд кунлар эди,

<sup>1</sup> Зобулистон – ўрга аерларда Афғонистоннинг жанубий кисми билан Балужистоннинг шимолий кисмидан иборат худуд номи.

борлиқда куз фаслининг аломатлари сезиларди. Туман оқа арафа куни чошгоҳда турфа тухфа-ю инъомлар олиб Бөғи Чинорга ташриф буюрди. Катта малика қаср олдидаги панжарагулчин сўрида ўлтиради.

– Рамазон ҳайитингиз қутлуг бўлсун, хонимойим ҳазрати олиялари!

– Шукр... Ўзингни ҳам қутлаймен, Туман...

– Амир Соҳибқирондан... хабарлар борму? – пастга қараб ийманганча сўради Туман оқа сўрига чиққач. Кейин маъноли деди: – Тушимга кирибдурлар...

– Доим ўйлағонингдан бу... Кутлаймен! Сенга насиб этибди. Султониядан Хонзода хоним ҳам табриклаб мактуб юборибдурлар...

– Тинчмиканлар?.. Хайрият... Кошкийди, эгачи маликам билан тез-тез дийдорлашиб турсак... – Туман оқа бироз сукутга чўмди. – Хонимойим... сизга айтадурғон бир янгилигим бор. Аммо аввал сўрасам: шахзода Мухаммад Султон... билан қайлиғи Хон Султон оқа ўртасида илиқлик йўқ эмишму? Шундай сўзлар эшитамен...

– О, нимасини айтасен, Туман! Йўқ... йўқ-да... – бош чайқади Сароймулхоним. – Хонзода хоним ҳам шундан ёзғурадурлар. Якинда мактуби келғонини айтдим-ку. Хон Султон оқа иккиқат эмиш. Шаҳзодам шу сабабдан бирга олиб кетмабдурлар. Фарзанд туғилса, зора бир-бирларига меҳр уйғонар, деб ёзибдилар.

Маликалар бир муддат ўйга чўмдилар.

– Шаҳзодам... яна бир қизни... қаттиқ севғон эканлар... му?

– Ҳа... Севғон эдилар... Севиш ҳам гапми!.. Соғинч бика шаҳзодага узукка кўз қўйғондек муносиб қиз эрди. Бирам муносиби! Бир-бирларига талпинишларини кўриб қувонардинг... Ўзинг биласен, Мозандаронда эканимизда унга совчи юбордик. Жаҳоншоҳ ибн Жоқу қизлари..

– Биламен, биламен...

– Ул ожиза дом-дараксиз кетғон... Соҳибқирон салтанатидай бир мамлакатда одам йўқолиб турса, уни излаб тополмасалар-а! Чидаб бўладирму?

Ажабки, ҳануз бир изи чиқмади. Умидим бор, чиқадур, тириккина қыз эрди. Билармусен, шаҳзода набирамга ичим ачийди. Қиздан ҳам кўра, у кўпроқ севарди... Не аҳволда юргон эркан?.. Ростакам мұхабbat ожизаларда эрмас, эрларда бўладур! Биз ожизаларнинг меҳр қўйишимиз осон – бизга иссиқ меҳр, ширин сўз, ардок бўлса севиб кета берамиз, Туман!..

Туман оқа ёш келинчакдай қизариб кетди.

– Қисматимиз шундоқдур. Бошқа на иложимиз бор? Аммо ҳамма сир ўша “меҳр қўйишимиз осон” лигининг жуда қийинлигидадур, маликам!

Бу сўзлар маъноси Туман оқага сал туманлироқ туюлди. Хонимойим, биз ожизалар севиб қолишимиз ҳам, севиб қолсак, узилишимиз ҳам қийин деган фикрдамилар ёки севишга мажбур-у маҳкум бандалармиз демокчимилиар, тушунолмади. У янгиликни айтишга шошилди:

– Хонимойим! Мен ҳам уларнинг бир-бирларига мұхабатлари хақида эшитғон эрдим. Ҳамма билади-ку. Совчи юборилғонидан ҳам хабардормен. Ул қизнинг гаройиб воқеасидан ҳам... Суюнчини дариф тутмасунлар, мен... мен... ўша қизни бугун ўз кўзим билан кўрдим!..

Сароймулхоним ўлтирган жойида котиб қолди! Қирмизи оқ юзларига қизиллик югурап экан, кўли беихтиёр ўнг чеккасидаги гажагини силашга чўзилди, чиройли кўзлари кувонч аралаш хайратдан катта очилиб кетди. Чап юзидаги кичкина қора холи, нима бўляпти ўзи дегандай, атрофга ҳайрон боқарди. У шу топда ўлган одам гўрдан чиқиб келибди, десалар, Соғинч бика қайтиби, дегандан кўра кўпроқ ишонарди.

– Нима-нима? Кўрдим, дейсанму? Нималар деяпсен ўзи, Туман!.. Балки ўхшатгандирсан?.. Наҳотки!.. Наҳотки!.. Суюнчигина сендан айлансун!

– Кўрдим, кўрдим... Бизнинг Боги Биҳишт маҳалламиизда бир тўйга бордим, – ҳикоя қила бошлади Туман оқа.

– Давлатшоҳ баҳши, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин баҳодир қизлари ичидаги қиз кўзимга ўтдай кўринсами! Ёшиям ўн олти ё ўн еттида... Дарров қизиқдим, ким у,

қаердан, нега авваллари учратмағонмен?.. Сұраб билдім. У амир Жаҳоншоҳ ибн Жоку ожизаси Соғинч бика экан! Яқында келибдур...

Туман оқанинг сүзи ҳали тугамаганди, дарвоза тарафдан қий-чув садолари эшитилди. Сафарберган кириб, ҳарам ахли ташриф буюраётганини билдири. Совга-саломлар күтаришган малика Чўлпон Мулк оқа, жориялар Рухпарвар оқа, Парвиз Жаҳон баҳт оқа, Нигор оқа, келинлар – Мироншоҳ Мирзо хотинлари Давлат Келди оқа, Ўрун Султон Хоника, Шоҳруҳ Мирзо завжалари Гавҳаршод бегим, Тўти Хотунлар канизаклари билан сўрини ўраб олдилар.

Салом-аликдан сўнг, ўтган-кетганлар ҳақига тиловатни тутатган ҳам эдиларки, чопар кириб, Турон қўшинининг Олтин Ўрда устидан қозонган зафари фатҳномасини катта маликага тутқазди. Бу қувончили хабар дийдорлашувдан чароғон қўнгилларни яна ҳам руҳлантириб юборди. Ҳамма бир-бирини табрикларди, маликалар ва хонимлар қий-чувидан Боғи Чинор ҳам яшнаб кетгандай бўлди.

– Ҳаммамизга улуғ зафар кутлуғ бўлсун! Бахтимизга Амир Соҳибқирон дунё тургунча турсунлар! – деди Сарой-мулкхоним. Маликалар қўл қовуштириб таъзим қилдилар.

– Ҳайитингиз муборак! – давом этди маҳди улё. – Амир Жаҳоншоҳ ибн Жоку заифасининг сўнгги ҳайити... Ҳозир Оҳанин ёққа борғайбиз, ундан Арк кўчасига, бонуий кубро Кутлуғ Туркон оқа хонадонига ўтғойбиз, мухтарам Амир Довуд дуғлат ҳақларига фотиха ўқиб қайтғойбиз... Ифторлик, худо хоҳласа, Боғи Чинорда...

– Бош устига, хонимойим! – таъзим бажо келтиришиди маликалар.

Маликалар чиққан турфа хил матоларга чулғанган ўн бешга яқин рангоранг маофалар пойтахт кўчаларига маржон бўлиб тақилди.

Соғинч бика Самарқандга қайтгандан кейин, қийналиб-қийналиб ўзи шаҳзодага, канизак Сарвиноз эса – бу гап Соғинч бикадан чиқди – отасига мактуб битдилар. Шаҳзода ҳам, падари бузруквори Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳам Олтин Ўрда муҳорабасида юрибдилар. Сароймулкхонимни зиёрат

қилишдан эса гүё алланиманингдир, балки қандайдир марҳаматнинг илинжида боргандек туюлмасин, дея тортинди.

Иттифоқо, маликалар ташрифидан олдин Соғинч-биканинг дугоналари Зубайдабону, Робия бегим, Билқис бегимлар келиб қолиши. Соғинч бикага қаттиқ иддао қилиб юрган “войвойхон” Зубайдабонунинг акаси ҳам уйланибди! Энг қизиги, “Шалпангқулоқ акангга ким ҳам тегарди?”, деб масхаралаб юрадиган Робия бегим, Амир Шоҳмаликнинг қизи, тақдир экан, ўзи ўшангга келин бўлиб тушибди! Сарвиноз, буни пешона дейдилар, дея кула-кула айтиб бериди.

Дугоналар бир-бирларини соғинишган экан, роса чақчаклашиб ўлтириши. Суҳбат қизиди.

– Тўйинг бўлмадиму? – сўради гап орасида Соғинч бика Билқис бегимнинг ҳамишадагидек икки ўрим бўлик соchlарига қараб.

– Вой, бизларни эр олмайди!.. – жавоб берди ҳаммани кулдириб бўлагина Зубайдабону, ўзи билан тиқмачоқдек Билқис бегимни кўрсатиб. Келинлик салтанатининг маликаси Робия бегим, “Ажаб бўпти!” дегандай чиройли жилмайди. Соғинч биканинг икки юзидаги кулгичи ўймокчалар ҳосил қилди.

– Вой, Соғинч ўлгур, роса ҳаммамизни кўркитиб юбординг-ку! Қаёққа йўқолдинг? Шундан гапир! Бирор Зарафшонга тушиб кетди дейди, яна қочиб кетди дейишадими... Авбош бика деганлари ҳам бежиз эмас экан-да.

– Жўгилар кўлига тушган, деб эшитдим... – Билқис бегим сочининг учини ўйнаб ўлтирар экан, гапга аралаши.

– Жўгилар олиб бориб, бошқа ҳиндистонлик жўгиларга сотишар экан-да... Кейин бошқа жўгилар...

– Вой, нималар деяпсан, Билқис ўлгур?.. Йиғиштир жўги-пўгингни! Доим шунаقا гапларни топиб юрасен! – Зубайдабонунинг аччиғи келди.

– Ҳа-да! Жўгилар борлиги аниқ. Бор-да...

– Ҳе, жўгинг билан қўшмозор бўл! – сўзни кесди Зубайдабону.

Соғинч бика бамайлихотир жавоб қилди:

– Умрага<sup>1</sup> бориб келдим...

– Вой? Умрага? – сўради Зубайдабону ишонишини ҳам ишонмасликни ҳам билмай. – Шу бошинг билан-а? Тўқимай ўл!

– Тўқифоним йўқ. – жилмайди Соғинч бика. “Ёлғонни худонинг ўзи кечирсун!” деб кўйди ичиди. – Эҳромга чулғаниб олиб, Каъбатуллоҳни тавоф айладим...

– У ерда нима қилдинг? – сабри чидамади Билқис бегимнинг.

– У ердами?.. Маккай мукаррамага борган мусулмон не қилса шуни амалга оширдим. Бир киши бир неча бор ўзига, отасига, онасига, яқинларига, дугоналарига умра қилиши мумкин. Мен Ҳазрати Ойша масжидига бориб, сизлар учун ҳам умра қилдим... Илоё, жондай дугоналаримвойвойхон Зубайдабону бирлан дўмбокқина Билқис бегимларга кўчкордай куёвлар ато эттил, деб...

Қах-қах отиб кулишдилар. Кулги садолари ичиди Зубайдабонунинг йигитча овози ажралиб турарди. Бу гап ҳаммадан ҳам Робия бегимга ёқиб тушди:

– Ато қилсан! Ато қилсан!

– Вой, ўл, меҳрибон бўмай! Мана, ўзинг акамга тегмай ноз қилиб қочиб кетдинг, қурук қолдинг. Робия бегим, илдам экан, илиб кетди!

– Тақдир экан-да, Соғинч... – деди Робия бегим.

– Робия бегим хўб қибди, ували-жували бўлишсин, қариб-чуриб юришсин! – кайвонилардай тилак билдириди Соғинч бика ва ичиди қизларни бир чандиб кўяй деди. – Сенлар-чи! Ҳадеб бирорларнинг ташвишини чека бермай, бундай ўзларингга ҳам қарангизлар, Билқис икковинг ҳалиям эгар кўрмағон отдай гижинглаб юришибсен!

– Ўша эгар йўқ-да, эгар! – тарсиллатди Билқис бегим.

Беғубор кулги овозлари янгради. Ора-орада: “Ўзинг-чи, ўзинг?, “Ўзинг-чи?..” сўзлари эштиларди.

Бирдан олийнасаб маликаларнинг келаётганиларини эштиб, қизлар дархол ўринларидан турдилар ва кенг-

<sup>1</sup> Умра – кичик ҳаж.

мўлгина ҳовлида меҳмонларни кутиб олишга тўпланган маҳалла аёллари сафига қўшилиб олдилар.

.. Маҳди улё Сароймулхоним ва маликалар кириб келганларида аёллар узоқдан эгилиб, таъзим бажо келтирдилар.

Маликалар каттагина сўрига тиз чўкишди. Куръон туширилди, кўнгил-ҳол сўралди. Туман оқа Оппогойим пайтида ҳовлининг жуда ҳам фариштали эканини эслади.

Катта малика сўридан тушиб, қўлини кўксига қўйиб салом берган Соғинч бика билан қучоқлашди. Шу алпозда улар, ўзлари англамаган ҳолда хийлагина туриб қолдилар. Сароймулхонимнинг юраги бўшаши, бағоят иродалиман деб юрган Соғинч бика эса бошини маҳди улёning кўксига қўйиб: “Хонимойим! Хонимойим... Сиз онам ўрнида онамсиз!..” деганча, ўзини унсиз йиғлашдан тўхтата олмас, айтмоқчи сўзлари кўз ёшига айланарди.

– Кўйингиз! Кўйингиз!

Соғинч бика мамлакатнинг энг иззат-икромли аёли кўнгил сўраганигина эмас, балки маликанинг уларни боғланган кўзга кўринмас омонат ипни йўқотиб қўймагани, аксинча, асраб-авайлагани, боши қотган музтар-у нотавон, бечора Соғинч бикани йўқлагани уни тўлиқтириб, йиғлашга ундарди.

Сароймулхоним Соғинч бикага яхшилаб назар солди. Рўбарўсида парвардигор меҳр билан яратган дурри якто турарди. Оқ юzlари тип-тиник, йигидан қизарган кўзлари яна ҳам гўзаллашиб кетган, икки юзидағи кулгичи ўзига ярашган, қадди ниҳоли даражай камолга етган, балоғат остонасидаги пуркуч ожиза...

– Ифторликка келингизлар! – тайинлади Сароймулхоним Соғинч бика билан канизак Сарвинозга, оқшом батафсилроқ сухбат қуришни кўнглига тутиб қўяркан.

Ростдан ҳам, кечкурун меҳмонларни қузатишгандаридан сўнг катта малика ва канизак Сарвиноз ўртасида гурунг бошланди:

– Вой ўлайин-ей, бу қиз... – сўзга оғиз очди канизак Сарвиноз... – Хонимойим ҳазрати олиялари, достони жуда

КИЗИК...

Софинч бика боғни айланиш баҳонасида маҳди улё канизакларидан бири билан атай ташқарига йўл олди.

Кизнинг худди афсонадай қиссаси ҳайит куни эрталаб жами маликалар Шоҳизиндага бориб, Кусам ибн Аббос мозорини зиёрат этганларида ҳам, Туман оқанинг ўзи учун тиклатган мақбараси олдидан ўтиб Шодимулк оқа, бонуий кубро Қутлуғ Туркон оқа руҳларини шод айлаганларида ҳам, бағоят мутаассир бўлган маҳди улё хаёлидан чикмади. Ҳали бундай ҳодисани учратмаганди. У бир томондан Соғинч бика жасоратидан ҳайратланган бўлса, иккинчи томондан фидойи қизга раҳми келиб кетди. Йўқ, ожизаларнинг муҳаббати ҳам эркакларнидан қолишмас экан! Соғинч бика буни исботлаб қўйибди!

Катта малика Боги Чинорга қайтгач, ёлгиз хаёлларга чулганганча, боғни узок айланиб юрди. Сўнг бир қарорда тўхталди-ю хонага кириб, дарҳол Хонзода хонимга мактуб ёзишга ўлтирди.

*“Ассалому алайкум ва баракотуҳ, дийдорлари ҳамиша қўзимизнинг нури дурри якто маликам! Даромаддан сўнг: келинимиз Хон Султон оқа юкли бўлғонини мактубингиздан билиб, бағоят қувондик. Амир Соҳибқиронга ҳам хабар бермакка шошилдим. Шаҳзодамнинг зурриётлари ахир! Ё раббий! Кеча яқинда ўзлари гўдак эдилар-а! Бугун эса Олтин Ўрда бирлан муҳораба фатҳномаси валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон номларига ёзилиб турубдур, бу жуда катта сийлов, мукофотдур, эҳтиромдур. Ушбу мужда ўзларига қутлуғ бўлсун!*

Меҳрибон-у мушфиқ маликам! Бизда ҳам фараҳли мужда бордурким, эшишиб ҳайратдан ёқа тутмогингиз аён. Ўзимиз худди шундай ҳолга тушдук. Аччиқ аралаши ширин эртакнинг нақ ўзи.

Мозандарондан Самарқандга совчи юборгонимиз, гойиб бўлғон Соғинч бика, жаноб Жаҳоншоҳ ибн Жоку ожизаси, худога шукрки, тирик эркан! Тирик эркан! Қиссаси гаройибки, киши ишонмайдур! Бу шўх қизни кўрингизким, ўзига “Аргуншоҳ” деб от қўйиб, совуту дубулга кийиб... шаҳзодам

лашқарига құшилмоқни истаб, сипоҳ бұлибдур... Билдирмай савашларга борибдур... Құрқмагонини қүрингиз! Мақсуди – шағзодам уни севадирму, үйқми, билмоқ әркан. Бу ёғи яна қызық. Шағзодам у билан бир марта учрашибдурлар. Ҳатто унға севгани борлигини айтабдурлар, үйқотиб құйғонидан қаттиқ ғамдалигини билдирибдурлар. Соғинч бика, құв, үзини танитмабдур ва... үша гойиб бұлғон қызни топмоқ учун шағзодадан ижозат олиб Самарқандга қайтибдур... Хуллас, бамисоли бир әртак! Уибу гаройиб ҳодисаны, худо хоҳласа, қўришгонимизда тўлиқ сўйлаб бергаймен.

Алқисса. Муродга келсак... Амир Соҳибқирон ва валиаҳд шағзодам Олтин Ўрда муҳорабасидан зафар бирлан қайтишмакда. Хурсандчиликка хурсандчиликлар уланиб кетаверсин, илоҳи.. Бир пайт үзлари ният құлғон эрдиларки, шағзодам тўйларини Султониядаги маҳобатли саройда ўтказсак, деб... Фаришталар омин, деган экан. Йўқса, Амир Соҳибқирон шитобан Хитой сафарига жұнашлари мумкин. Кейинга сурилмасун, дея ташвишдамен. Инишооллоҳ, келин-куёвларнинг чилласи охирлагунча Султонияда бирга бўлгаймен, мириқиб сухбатлар қургоймиз, деган умиддамен. Тез кунларда дийдор қўришгоймиз, маликам...”

.. Ҳар бирига бигтадан кичик манжаник ўрнатиб қўйилган миноралари рангоранг кошинлар билан безатилган, нақшинланган тош деворлари узоқдан ярқираб турадиган шукухли хон саройи чиндан ҳам Султониянинг кўрки эди, Мұхаммад Султон ва Соғинч бикаларнинг баҳт-у иқбол туйғулари улуғ музafferият сурури-ю нашъасига йўғрилиб кетган тўйлари унга ярашикли муҳташам безак бўлди.

Эрталабдан янграган карнай-сурнай садолари қулокларга хуш ёқар, саройнинг ўнг томонида нақшинкор айвонда машхур мутриблар-у машшоқлар, созандалар-у хонандалар хизматда эдилар. Чолғу садолари жўрлигида янграган сохир қўшиклар кўнгилни тўлиқтириб юборарди.

Амир Темур бир кўп аъёнлар даврасида сарой ичидағи жаннатнамо боғда салқин ҳовуз бўйидаги нақшиннигор сўрида ўлтиради.

– Дунёнинг қутлуг ҳодисалари изма-из юриши ажойиб

эзгулик аломатидур, Амир Соҳибқирон! Бари яратганинг бемисл муруввати, лутф-у карами! – деди пири муршид Мир Сайид Барака қўлини дуога очар экан. – Худонинг ўзи бетавфик “ўғил” нинг жазосини берди. Халифа Усмон Қуръонига эришғонимиз қўнгилларни сурурга тўлдириди. Оламни тутган музafferият садолари валиаҳд шахзодам тўйларининг карнай-сурнай сасларига қўшилиб олам уйғунлигини пайдо этмакда: уруш бўлмасун, эсон-омонлик бўлсун, ҳаётнинг неъмати – баҳт-у саодат барқ урсун. Келинимизнинг қадами қутлуғ келсун, илоҳи!

– Куллук, пири, куллук! – миннатдорчилик билдириди Амир Темур.

Амир Темур улуғ бекларга катта зиёфат уюштиришдан олдин Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан Амир Шоҳмаликларни ёнига чорлатди:

– Сарой-Беркадан олинган ўлжа, мол-у манолларнинг барчасини туманбеги, мингбеги, юзбеги, ўнбеги ва сипоҳларга улашилсун! Энг аввал ярадорлардан бошласунлар. Бирор одам назардан четда қолмасун. Отсизлар от олсунлар, молсизлар – мол, пулсизлар – пул... Хазинага бир дирҳам ҳам киритилмасун!..

– Аҳсанта! Аҳсанта! – деб юборди пири муршид.

Султониягина эмас, бепоён салтанатнинг турли музофотларидан ҳам меҳмонлар тўйга етиб келишганди. Аркони давлат кишилари, амирлар, баҳодирлар, лашкарбошилар, ясовуллар, сипоҳийлар, тинғчилар, толиби илмлар, факир-у мискинлар эмин-эркин дастурхон атрофида ўлтиришар, улар орасида қўлида гулдор тасбеҳ ушлаган кажава рўмолли Сўфий момо ва Мубашшир баҳодирнинг бошқа нотаниш тинғчилари ҳам кўзга ташланарди.

Соҳибқирон Муҳаммад Чуроға додхонинг пири муршид қулоғига ниманидир шивирлаганини, пирнинг бош тебратиб қўйганини кўрди.

– Оллоҳнинг буюргон юмушларини адо этмак жоиз... – сўзланди Мир Сайид Барака ва ўрнидан турди. Додхоҳ иккиси шаҳарнинг шимолидаги, келиннинг “уй” и деб қабул

қилинган, ҳар томони минг қадамча чиқадиган мурабба шаклидаги сўлим Чаманбоққа отландилар.

Чаманбоғда тўй қиёмига етган эди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Сайфиддин некӯз, Мир Сайид Барака, Муҳаммад Чурога додхоҳ ва бошқа амирлар бод эшигиде меҳмонларни кутиб олишмоқда, “Куёв қутлуғ бўлсун!”, “Куёв муборак!”, қабилида табриклар тез-тез қулоққа чалинади.

— Куллук!.. Ўзингга шукр! Ўзингга шукр!.. – деб қўярди қизидан айрилиб кўнгли вайронага айланган, энди эса бирданига ҳам ўғиллик, ҳам қизлик бўлаётганидан ўзини осмон-фалакда сезган Жаҳоншоҳ ибн Жоку қутлаганларга.

Сароймулкхоним қизини узатаётган она мақомида, Туман оқа ва бошқа канизаклар унинг ёнида... Куёв томондан шаҳардаги саройдан ўнта дошқозонда дамланган палов келди. Қаср айвонидаги, ҳовлидаги қатор сўриларда дастурхонлар ёзилди. Узоқ-яқиндан меҳмонлар қадами узилмас, ширин таомлардан тановул айлаб чиқишган хушчақча одамлар кетгилари келмай, боғ атрофида гуррас-гуррас кезиб юришади. Айримлар эса тўй ҳақида, шаҳзода билан келинчакнинг аллақачон ёйилиб кетган қиссалари тўғрисида ҳайрат билан гурунглашишади.

Пешин билан аср ораси, ҳаммадан ҳам кўпроқ шовқин солиб юрган болакайларнинг “Куёв келди！”, “Куёв келди-и-и!..” деган овозлари янгради. Шаҳзодалар, амирзодалардан иборат ўттиз чоғли куёвнавкарлар карнай-сурнайлар-у чилдирмалар гижбанги, завқли қийқириклар остида қасрнинг иккинчи ошёнасидаги, атрофига ипак кўрпачалар солинган, ноз-неъматларга тўла дастурхонлар билан безатилган улкан хонтахтали меҳмонхонага йўналдилар.

Қасрнинг нариги томонидаги хонада дугоналари ичидаги ўлтирган Согинч бика мусиқа садоларини эшитар, чилдирманинг ҳар бир садоси унинг қалб тепиши билан жўрликда жаранглар, гўёки чилдирмани бошқа бирор эмас, қизнинг безовта юраги чалдирмоқда эди. Чуғурлашган дугоналарининг сўзлари, турфа маслаҳатлари қулоғига кирмас, умуман нимани ўйлаётганини, нималар бўлаётганини идрок

этмас, на ерда, на осмонда, балки вазнсиз парвозда, қандайдир эпкинлар қанотида учиб юргандай туюларди бу палла...

Янгалар – канизак Сарвиноз билан Робия бегимлар Соғинч бикани иккى ёқдан енгилгина туртишиб:

– Ҳай, жавоб берсанг-чи! Розимен, де!..

Розимен де! Ҳай!.. – деб шивирлашди.

Чимилдикнинг у томонида куёв турар, хутбаи никоҳ бошланган, энтиккан шаҳзода: “Соғинч бика бинти Жаҳоншоҳ ибн Жоку ожизасини ўз никоҳингизга олишга розимисиз?” деган саволга, кутдирмай “Ҳа...” деб жавоб килган, навбат энди келинга келганди.

Соғинч бика шаҳзода валиаҳд Мұхаммад Султонга ўзини баҳшида этишга розиму?.. Сўраб ўлтиришга ҳожат борму? Киз унсиз тўлиб-тўлиб йифлади. Сўз айтишга мажоли ҳам йўқ, бемисл баҳт қувончидан юраги потраб чиқай, дерди.

Пири муршид учинчи марта саволини такрорлади.

– “Ҳа!”, деяпти, пиrim! “Ҳа”, деяпти... Рози... Рози... – жавоб берди овозини ингичкалаштириб янгалардан бири, чамаси, Сарвиноз.

– Товушсиз йиги ҳам изн аломатидур... Илоҳи, қўша карингиз! Алҳамду лиллахир раббил оламин!.. Омин!..

Куёв меҳмонхонага қайтиши биланоқ, куёвжўралар Шоҳруҳ Мирзо ва Соҳибқироннинг набираси Мирзо Алибеклар эски удумларга биноан Сароймулхонимга мурожаат этдилар:

– Хонимойим ҳазрати олиялари! Ижозат берсалар, куёв сарпосини “сотиб” олмоқчи эдик...

Шоҳруҳ Мирзо жавоб кутмай ёнидан тилло тангаларга тўла бир ҳамён олди ва катта маликага узатди. Сарвиноз ишора билан қўшни хонада тайёрлаб қўйилган гулдор тугунни олиб кирди.

– Шаҳзодам! Қиблага юз бурсунлар! – деди Мирзо Алибек куёвни кийинтиришга киришар экан. Унинг корамтири юзи, дўнгпешонасида терлар ялтиради.

– Сарполар муборак! Сарполар муборак! – кутлашди күёвжўралар...

Пиқ-пиқ йиглаган, оппок либосга бурканган, сўз айтишга ҳоли йўқ Соғинч бикани таъзим билан отасининг олдига олиб келдилар.

– Нон-у тузынгизга рози бўлингиз, отажон... – келин тилидан сўради Сарвиноз. Жаҳоншоҳ ибн Жоку бағри увалганча, қизининг пешонасидан ўпиб, елкасидан қучди:

– Розиман, минг бор розиман!..

Ҳамма дуога қўл кўтарди.

Чаманбоғдан бошланган мунгли ёр-ёр садолари то шаҳардаги саройгача тинмади...

Муҳташам сарой остонасидағи поёндозга қадам кўйишаётган келин-куёвларга қараб, кўзлари ёшланган Соҳибқирон ёнида турган Сароймулхонимга оҳиста шивирлади:

– Тахтини мен яратиб берайин, аммо баҳтини

Оллоҳнинг ўзи, илоҳи, ато этсун!

Мамнун-у масрур Сароймулхоним бош тебратиб, тасдиқ ишорасини қилди.

Амир Темур келин-куёвларнинг пешоналаридан ўпиб, баҳт-толе тилади, ёнчиғидан бир сиқим тилло танга олди-да, жаранглатиб бошларидан сочиб юборди. Кейин дур-у жавоҳирга, мушк-у анбарга навбат етди. Ҳамма икки покиза тимсолга интилар, кўлларини дуога очар, нимадир дегиси келар: “Кутлуғ бўлсун!”, “Муборак бўлсун!” деб кичкирарди.

Соҳибқирон Хонзода хонимнинг бошини силаб қўяр экан:

– Келин муборак, онақизим! – деди, Хонзода хоним ҳамиша валинеъматнинг эркалаб айтган ўша “онақизим” сўзини яхши кўрарди; ҳозир эгилиб Соҳибқирон тўнининг пешини ўпиб, кўзларига суртди. Амир Темур кейин ўгрилиб, Сароймулхоним, Туман оқа, Чўлпон Мулк оқа ва Султон Баҳт бегимларга ҳам табриқ сўзларини айтди.

Сочки фасли давом этарди. Мироншоҳ Мирзо билан Шоҳруҳ Мирзолар ҳам шайланиб тургандилар, амирлар, аркони давлат аъёнлари, лашкарбошилар, туманбеги,

мингбегилар ҳам бир-биридан қолмай деб ҳамёнларини кавлашга тушдилар. Айниқса, вазири аъзам Муҳаммад Жалднинг ўки ўзди: унинг сўлқиллок қўллари тинмади – тўрт марта сочки қилишга улгурди. Шамлар ёруғида ялтюлт учкунлар сочган тангалар ёмғирдай ёғиларди. Юрганда оёқ тагида тангаларнинг ғижирлаши оддий ҳол бўлиб қолди.

Сароймулхоним Хонзода хонимни оҳиста кучокларкан, шивирлади:

– Шаҳзодам баҳтини энди топдилар, маликам! Тангри умрларини узоқ айласун! Паҳлавон фарзандлар кўрсунлар! Бизлар боқайлик деб, куймаланиб юрайлик, илоҳи!

Софинч биканинг баркамол ҳусни малоҳати Хонзода хонимни чиндан-да, ҳайратга солди. Маҳлиқо келинчак бир лаҳза ўзининг ёшлигига ўхшаб кетди. Ўзи ҳам қачонлардир шундай зебо ва соҳибжамол эди... Рӯбарӯда – гўё Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хонимлар... Ана, Конигилдаги оқ уйда... ҳозир гўшангага киришади... янгаларнинг тап тортмай: “Келин-куёвлар қовушганда фаришталар улар тепасида қувончдан чарх уриб учишар эмиш!” деган сўзларини эшитишади...

– Ўғлимга жуда муносиб эркан!.. – сўзлари учди беихтиёр қирмизи лабларидан.

Зубайдабону, Билқис бегим, Робия бегимлар бу ўжар, қайсар, авбош Соғинч бика тўйининг табиий шукухли манзарасига қарап эканлар, кўнгилларида ҳавас билан баробар кам-кам ҳasad томирлари ҳам қўзғолишга мойил эканини сезардилар.

“Келин ўрнида мен бўлсан эрди...” – дерди ичиди икки ўрим сочи орқасини тўлдирган Билқис бегим.

Шаҳзода ёнида хаёлан ўзини кўрарди Зубайдабону...

– Куёвтўрам, келинпошша мунтазирдурлар!

Сарвиноз билан Робия бегим шаҳзодани файзи илоҳийдан зийнатланган гўшангага бошладилар.

Заррин чопонга ўралган, бошига куёвлик тожини кийганин Муҳаммад Султон худди ширин туш ичиди юргандек, ҳозир уйғонади-ю баридан айрилиб қоладигандай кўркарди. Худога шукр! Оппоқ келинлик либосига чулған-ган,

чехрасига парда ташлаган дунёнинг пари пайкари, хусни гул-гул очилган Соғинч бика, мана, ёнида...

Улар бир-бирларига тикилиб тўйишмас, шу алпозда тонг оттирмоқчидаи эдилар, шекилли... Тиллардан сўз кочган, асли бунга эҳтиёж ҳам йўқ... Куёв-келин нигоҳларида – балқиган ишқ нашидаси, узроҳлик, шукроналик, ширингина ўпка-гина, норизолик аралаш ризолик, ўкинчга йўғрилган қувончнинг забонсиз туйғулари, толенинг буюк тантанаси – бари, бари намоён...

Ниҳоят, Мұхаммад Султон оҳиста пичирлади:

– Юзингиздан пардани кўтариб... жамолингизга қўрқиб-нетмай... тўйиб тикилмоқ онлари етғонидан бошим осмон-дадур, маликам!..

Соғинч биканинг юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлди, аммо ҳеч нарса демай, ним табассумда бошини эгиб тураверди.

– Қочқоқ кийигим! – сўзланди яна шаҳзода оғатижон қайлигининг ойдай чехрасига тикилганча. Шу палла, баҳт унинг ўнг томонида-ю шодлик чап томонида эди. Оҳиста пардани кўтариб, ўнг юзидағи ўймоқчасига титраган лабларини босди... Кейин дарҳол ортга чекинди ва кўзларини кўзларига тикканча қараб ўтираверди.

Кўзлар сўзлар эдилар, қувончларини, қайғуларини, армонларини, азобларини, ўпка-гиналарини, инсоннинг баҳтини, толе ҳимматини, иқбол шарафини, висол лаззатини... Лекин бу сўзларни Оллоҳдан бошқа ҳеч ким эшитмас, эшитса ҳам англамаган бўларди.

Бир-бирларига тикилганларича тонг отганини ҳам сезмадилар.

Узоқдаги маҳаллада хўроз қичкиргани эшитилди...

Қирқ кеча-кундуз тўй зиёфати давом этди, меҳмонлар оёғи узилмади. Базмларда давраларни чиройли безаган “Ол, ҳа, ол!” каломларининг қадри кўтарилиб кетди. Ҳайхотдай хона нафис матолар, заррин тўнлар, ажабтовур матоларга ўралган бўғчалар билан тўлиб-тошганди. Совға олмаган бирон амир, аркони давлат вакиллари ё сипоҳ-у фуқаро қолмади. Барча чексиз неъматлар, обру бўлгувчи хильяtlар,

багалтоқ-камзул, тож ва зеру зеварлар, жома-ю либослар, салла-ю ҳирқалар билан сийланди.

Тўй поёнига етди, аммо таванхонада ҳали совғасаломлар мўл эди...

Икки ойдан кейин, фирмавсмонанд Самарқанддан чопар етиб, валиаҳд Муҳаммад Султоннинг мухолифат кучлари яна бош кўтарган, устига устак, тўрт йилдан бўён ҳар йилгиси уч юз минг динордан иборат хирожни тўламай келаётган Ҳурмуз вилоятини забт этишга бормоғи ҳақидаги фармони олийни етказди.

Шаҳзода ўзини вазият чирсиллаб турган жойларга юборилиши подшолик йўлидаги тажрибалардан бири эканини, валиаҳднинг чигал муаммоларда кўзи пишиши лозимлигини ва бу Соҳибқирон истаги-ю салтанат манфаатларидан келиб чиқаётганини чукур фаҳмларди.

## II

Сароймулкхоним келинчакка ўзи “она” лик қилаётганидан келин-куёвни йўклиш, куёв мазар<sup>1</sup> юбориш ташвишини чекди. Холдона биби, Оққиз бегим ва Сарвинозни чакиртириб яхшилаб тайинлади:

– Келин-куёвларга ҳар куни нонуштага, тушликка кечки таомга қовурдоқ, қўй гўштидан манти, юпқа шўрва, палов тайёрлангизлар. Ҳамма баковулларга тайинлангизлар. Ейилса-ейилмаса, пармуда<sup>2</sup>, вараки сомса, ширмон, қатлама, жizzали патирлар дастурхондан узилмасун, чак-чаклар безасун. Каклик, бедана гўштилари ҳам жуда хуштаъмдур. Кабобдан, қизил пиёз, анор пўчоғи солиб қайнатилган тўқжигарранг тухумлардан кўйингизлар. Ва, албатта, қазиқарта ёддан чиқмасун. То чилла охирлагунча ўн беш кунда бир марта кулчатой пиширтирингизлар... Шаҳзодам хамир овқатни хуш кўурлар. Тушундингизми?

– Чучундик, чучундик... – жавоб қилди энага Холдона

<sup>1</sup> Куёв мазар (лаҳжас) – келин-куёвларни сийлашга юбориладиган хилма-хил таомлар (муалл).

<sup>2</sup> Пармуда – гўштили кўшалоқ сомса.

биби.

Сароймулхоним билан Хонзода хоним мамнун-у масрур зиёратга келишар, гоҳида яхши таомларни ўзлари олиб киришар, лекин узок ўлтиришмас, келин-куёвлар билан сұхбатлари қовушавермасди. Мұхаммад Султон ҳам, Соғинч бика ҳам ерга тикилиб изо тортишганча сұзға оғиз очишмасди. Валиаҳд шаҳзода ва қайлигининг бир-бирларига жуда муносиб эканларини кўриб қувонишаркан, Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг икки иззатли маликаси, “узукка кўз солгандай” ибораси мана шу жигаргўшалари учунгина яратилганига имон келтиришарди.

Тўйининг йигирма биринчи куни Амир Темур сафар тараддудини қўра бошлади. Тиниб-тинчимас бу одам энди катта муҳорабадан ҳали пойтахтга қайтиб улгурмай, яна бошқа сафар хақида ўйламоқдалар... Самарқандда ҳам кўп турмай отланмоқ пайдалар. Шаҳарга сиғмайдилар, улуғ зотга ҳаво етишмайди чоғи. Унга кенгликлар, завкларга кўмилган майдонлар, бепоён уфклар керак... Буни, хамма билмаса ҳам, Сароймулхоним яхши билади.

– Бошлари, илоҳи, тошдан бўлсун! – деб қўйди Соҳибқироннинг ногирон оёғини уқалаб ўлтирган, ташвишларга чўмган катта малика...

Маликалар Туман оқа, Чўлпон Мулк оқа ва жориялар Соҳибқирон билан бирга тонгда Самарқандга жўнаб кетдилар. Ҳумоюн уғруқ Ҳамадонга бир қўниб ўтади. Сўнг йўл Рей орқали Машҳадга, ундан Ҳирот, Балх, Термизга тушади.

Тўйдан уч кундан кейин Сароймулхоним билан Султон Баҳт бегим қўлларида совға-саломли тугунларни кўтарғанларича саройга, Хоразм маликасининг бўлмасига ташриф буюрдилар.

– Ассалому алайкум! – деди нақшиннигор эшикдан кирап экан Сароймулхоним.

– Ва алайкум ассалом! – таъзим билан кутиб олди Хонзода хоним.

– Энди келин муборак бўлсин, маликам! Тўй ҳам бир чиройли ўтдики!...

– Ўзларига қутлуғ бўлсун, хонимойим ҳазрати олияла-

ри!

Таомлардан сўнг, маликалар гулобдан хўплаб-хўплаб ўлтирилар.

– Атиргул шарбати, танга шифо... – деб қўйди

Сароймулхоним даромад қилиб, кейин маликаларга юзланди: – Шаҳзодам энди бахтини топдилар, Оллоҳга шукур, келинимиз жуда ҳам барно, жуда ҳам фаросатли...

– Қуллук хонимойим, қуллук!

– Мен ҳам, эҳ, йигит эмасмен-да! Шу қизни олардим, деб юборибмен! – сўзни ҳазилга бурди ўттиз тўрт ёшга кирган, аёллик камолига етишган қийик кўзли шаддод Султон Бахт бегим.

Кулишдилар.

– Қуллук, қайнингилжон! Мабодо, сизга тегмаса-чи?

– Чавандозликда барчани енгиб чиқардим! Найза-бозликда ҳам! Барча шартларини адо этардим...

– Бир гап айтайми? – Сароймулхоним икки маликани ўзига қаратди. – Оллоҳни ишига тан бермай илож қанча? Қарангиз: қайнин она билан келин бир-бирларига шундօғ ўхшайдиларки, ҳайратдан ёқа тутамен! Келин қайнанага тортади, деганлар-ку! Қўрк-у жамолда ҳам, акл-у идрокда ҳам улар бекусурдурлар! Ислами ҳам бир-бирига уйқашда: Севин бика, Соғинч бика!.. Ё раббий! Ўша хикматлар китоби Лавҳ ул-Махфуздаёқ<sup>1</sup> сизнинг қайнана-ю, Соғинч биканинг келин бўлиши ёзиб қўйилган эканму дейман!

Катта малика самимий сўзлаётганини Хонзода хоним сезиб турарди.

– Йўқ, хонимойим ҳазрати олиялари, кошки мен ўхшасам!.. Унинг ўзгача фазилати бор. У сипоҳ, савашларда қатнашғон... Яна қаерда денг, нақ шаҳзодам лашкарида! Ўзини билдирмағон. Шаддод киз! – Хонзода хоним кулди. – Мен билдириб қўядим... Унга тенг келолмасмен!..

– Нималар қилган экан келинимиз? Балки куёвни синаш учун боргандир? – самимий кулади Султон Бахт бегим. – Эшишиб тўликиб кетмакдамен...

<sup>1</sup> Лавҳ ул-Махфуз (арабча) – Оллоҳ башариятнинг тақдирларини ёзиб қўйган улкан китоб.

Султон Бахт бегим мутлақо бехабар эканидан оғзи очилиб қолди. Кейинги икки йил ичида унинг шавҳари Амир Сулаймоншоҳга Эрондаги кичкинагина Абаркуҳ деган шаҳар ҳокимлиги топширилганди, малика қарийб ўша ердан ташқарига чиқмади.

– Айтгандай, келинимиз сизга ҳам менгзайди, бегим! Чавандоз, найзабоз, қўркмас, ботир!.. – Султон Бахт бегимга юзланди катта малика. – Суриштириб билиб олдим, отаси Жаҳоншоҳ ибн Жоку жаноблари муҳтарама волидангизнинг Соҳибқирон ортидан от миниб юргонлари, Хоразмдан қайтишда Жайхунга қўрқмай от солғонлари, сизнинг шиҷоатингиз, шаддодлигингиз ҳақида ҳам кўп ҳикоялар сўйлағон эканлар...

– Волидамиз Үлжой Туркон оқа ҳақида-я? Бирор эслар эканму? – ҳайратда сўради бегим. У шу палла, сен қачонлардир нимадир қилишинг мумкин, унтутилиб кетди, деб хисоблайсан ҳам, лекин у кимлардир учун ибратга ярашини, инсоннинг ҳеч бир қадами ҳеч қачон унтутилмаслигини англаб етди. – Оҳ, онаизоримни элас-элас эслаймен, холос... Чодирнинг бир бурчагида ҳамиша падари бузрукворимнинг ва онаизоримнинг совуту дубулғалари, қиличлари ёнма-ён туарди... Кейин ўзимники ҳам кўшилган...

Сароймулхоним маликаларга Соғинч бика ҳақидаги воқеаларни батафсил айтиб берди.

– Келинимиз Соғинч биканинг яна бир фазилати ортиқ: у шаҳзодамни қаттиқ севган, ана шу муҳаббат уни шундай шиҷоатлар кўрсатишга руҳлантирифон... – деди ҳаяжонда Хонзода хоним, кейин ўйланганча қўшиб кўйди: – У ўз муҳаббати учун кураша олғон қиз! Мен... ундей шиҷоатга қобил эмасдурмен! Қўйингиз... Менга ўхшамасун... Сира ўхшамасун!..

Хоразм маликаси бош эгди. Орага жимлик чўкди, ҳамма ўз хаёли билан банд... Айниқса, Султон Бахт бегим ортиқ мутаассир бўлди. “Келинчак шаҳзодани севиб қолиб, муҳаббат деб нак жондан кечишгача борибди... Сен-чи, Бахт? – сўради ўзидан ўзи алам гирдобида. – Худо шоҳид, ичингда Амир Шоҳмалик жанобларини севардинг. Ҳа,

севардинг, аммо севгинг учун курашдингму? Нега сен ҳам йигитдай кийиниб Амир Шоҳмалик қўшинида катнашмадинг? Ўз тақдирингга бировниги қарағондай қарадинг? Жонингга ачинмадинг? Агар курашғонингда, анови ер ютгур малъун телбанинг қўлида эзилган гулдек хор бўлмасдинг-ку?.. Энди Султон Бадбаҳт бегимга айланиб ўлтирибсен!..”

– Амир Соҳибқироннинг бунчалар мамнун-у масрур юрғонларини кўпдан эслай олмаймен. Айникса, шахзода Муҳаммад Султоннинг тўйидан кўнгиллари бирам кўтарилиб кетдики, таъриф ожиздур! Биласиз-ку, тўй деса, валинеъмат жонини ҳам беришга тайёрлар! – жимликни бузди Сароймулкхоним. – Йўлга чиқишиларидан бир кун олдин тағин Хитой юриши ҳақида сўйлаб қолдилар-да... Тинғчилар у ерларда мусулмонларнинг аҳволи оғир деб хабар етказишибди. Коғирлар юз минг мусулмоннинг бошини олғон эрмиш. Дарё-дарё қонлар оқибди...

– Рост. – деди Хонзода хоним. – Мусулмонларнинг азият чекканларини эшитсалар, камоли ғайрати-ю номус кучидан зинҳор чираб туролмайдурлар. Тағин уруш қанот ёзади...

– Валинеъмат Соҳибқирон қарор этсалар, ортга қайтмайдурлар! – қўшиб қўйди кийик кўзлари чакнаб Султон Баҳт бегим. У урушлар тарафдори эди. – Жаҳонни факат урушлар обод этиши мумкин, бу кундай равшан-ку. Салтанатга юрт қўшилади, хазина тўлади...

– Қўйингиз, бегим! Урушни оти ўчсан! – гўё урушларнинг бўлиш-бўлмаслиги Султон Баҳт бегимга боғлиқдек зорланди Хонзода хоним.

– Кўп марта ул зотга, ҳазрат, шундай қадам ташламок балки ноўриндур, деб худони зорини қилдум... – оғринсиниб деди катта малика. – Жета ёқлар ҳам тинчили, Эрон тарафларга уч йиллик юриш бўлди, буниси беш йилга чўзилди, Олтин Ўрданинг қадди букилди, деб гапирдилар Соҳибқирон. Сарой-Берка билан Ҳожитархонга шунинг учун ўт қўйдурдум Тижорат йўллари бехавотир бўлди. Бас, энди Чин мамлакатига борурмен... Ҳа, ҳа, шундок дедилар! Ҳатто

тавочиларга тайинладиларки, уруш жабдуғини ҳозирласунлар, музофотларда құшин йиғишиңга киришсунлар, лашкарға уч йиллик улуфа тайёрлансун, деб. Пойтахти фирмавсмонандға қайтгач, шу хусусда курултой чақыртирумак ниятлари ҳам йўқ эмас...

– Келинимизни чорлайлук, пошшахонни бир кўрайлук, келинбу! – таклиф этди Султон Бахт бегим Хонзода хонимга, мавзуни ўзгартиришиңга тиришиб. – Олдимизда бироз ўлтурсун! Чилласи чиқмаган келинчакдан ҳам гўзалрок аёл йўқдир оламда!

Хонзода хоним уч бор қарсак чалди. Қарсак тугартугамас, худди шуни кутиб турғандай сарой ҳовлисидан кандайдир шовқин эшишилди. Шошиб кирган Оққиз бегим узр сўраб, Хонзода хонимга сўз айтишга шошилди:

– Мұхтарама маликам! Мироншоҳ Мирзо жаноблари Бөғи Эрам базмидан сармаст қайтибдурлар... Атрофларида вазири аъзам Мұхаммад Жалд, надимлар<sup>1</sup> ва мулозимлар барчаси сархуш: “Бопладингиз!”, “Тўртингиси ҳам йиқилди！”, деб қичқирадурлар, сурон соладурлар. Шаҳардаги уч минорани буздурғон эрдилар, энди тўртингисига ҳам навбат етибди. Ўшанинг базми жамшиди экан. Хазинани оч, деб буюрадурлар. Кеча ҳам хазинадан кўп мол-у тухфалар олинмиш эрди...

Хонзода хоним эшитиб бехуд бўлаётди. “Амир Соҳибқирон Султониядан жўнаб кетдилар-да... Энди ҳайика дурғон одам йўқ... – хаёлидан кечди унинг. – Э, худо! Амирзодага ўзинг инсоф бер! Кирдикорларини шунча сир тутдум, чеккан озорларимни кимсага билдурмадум... Энди хонимойим олдида, қайнинглим малика Султон Бахт бегим олдида шарманда-ю шармисор айламасанг, бас...”

Хоразм маликасининг “чеккан озорларимни билдурмадум...” сўзларида жон бор эди. Чиндан ҳам, у кўп нарсан ичига ютар, тоқат айлар, бирон бир гапнинг ҳидини Султониядан нари чиқармасликка тиришарди. Фақатгина Сароймулхоним бундан мустасно. Лекин юрагини тўлдирган зардoblари агар бир уммон бўлса, тубидаги тўлкинларни

<sup>1</sup> Надим (арабча) – улфат, якни, сирдош дўст; ҳамсұхбат.

эмас, факат юзадаги мавжларнигина мактубида акс этдириб, маҳди улёга жўнатар, шаҳзода Муҳаммад Султонга номани мутлақо бошқа одам бўлиб ёзарди.

Мироншоҳ Мирзо, унинг шавҳари, гунохлари – малика-нинг ҳам гунохлари. Шу сабабдан, барини мумкин қадар яширишга уринади. Аммо энди... ташкарида бундай ҳол юз берди... уни қандай яширади? Ҳамма нарса Оллоҳнинг иродасига боғликлигини Хонзода хоним билади ва тан олади. Бари худодан. Бу бандасидан сўралмайдиган ҳолатларки, улар инсон имкони даражасидан четда туради.

Амирзода Мироншоҳ Мирзо бутун лашкарини йиғиб, тез-тез шикорга чикишни хуш кўрарди. Ушбу воқеалардан уч ой аввал Табриз билан Хой шаҳарлари орасида, Нахчирбон мозори ёнидаги кенг майдонда шикор солишни буюрди. Тўхтамишхон муҳорабасига бораётиб, бу ерни кўз остига олиб қўйганди.

У кенглик, ов завқи, қўлга тушажак ўлжалар шавқида оқ тулпорини ҳар ёнга чоптирап, лашкарбоши-ю сипоҳийлари, надим-у мулозимларига қичқириб, нималарнидир тушунтирмақчи бўлар, сўzlари отлар дупур-дупурида эшитилмай қолиб кетарди. Аста-аста шикор ҳалқаси кенгайиб маҳобатли тус ола бошлади.

Шу палла Мироншоҳ Мирзо рўбарўсидан сакраганча, бир нозик-ниҳол оҳу отилиб чиқди! Амирзоданинг кўзлари чақнади:

– Ана энди келдик мақсадга!.. Отилмусу-у-ун! Тирик ушлайме-е-ен!.. – жон ҳалпида кичкирди у.

“Отилмасу-у-ун!”, “Тирик ушлайдила-а-ар!” деган хитоблар атрофга таралди.

Оҳу қулокларини дикрайтириб: “Кўриб қўйинглар, қандай гўзал ва чиройликман!” дегандай, бир лаҳза рўба-рўсидаги оқ отли чавандозга ҳайрату ҳадикка тўла маъсум кўзларини тикиб турди. Амирзода умрида бундай кўркам жониворни учратмаганди. Оҳу чиндан ҳам ўз исмига мос, моҳир ҳайкалтарош ясаган қўғирчоқдай нафис ва хушсурат эди! “Оҳуларни ушлашни, силаб-сийпалашни яхши кўрамен!..” – деди завқи ортиб.

У узун сочли “оху” лар тутмоқни ёқтиради. Ох, ох, узун сочли, кайрилма қош охулар!.. Кейинги пайтларда, Мироншоҳ Мирзо ўзининг хотинлари ва канизаклари билан кифояланмай, бироннинг кўзга яқин қизи, келини, канизаги борми – ёқиб қолса бас, андишасиз тўшакка тортадиган одат чиқарганди.

Шу палла, Эрон шоҳи Баҳром ва Дилором ўртасидаги ишқий мажаролар ёдига тушди. Баҳром Гўр ҳам охуларни овлашни ёқтиради. Бир куни Дилоромни, яъни “оху” ни оху овига олиб боради. Мироншоҳ Мирзо назарида, шоҳнинг бундоқ тутуми хатолиги аён. Мерғанлар мерғани Баҳром Дилоромнинг кўзи олдида бир ўқ билан охунинг икки оёғини “тикиб” кўяди... Кейин...

Бирдан хаёли бўлинди: атрофни қуршаган одамлардан ҳадиксираган жонивор, шарт орқасига қайтди-ю ура қочди! Эс-хушини ўнглаган амирзода унинг изидан от қўйди! Охунинг нозик оёқлари шу қадар чопкир эдики, учқур қанот оқ тулпор ҳам қувиб етолмасди. Оху ариқлардан, уватлардан қуондай учиб ўтар, буталар ортида йўқолар, бироздан кейин ҳув нарида, кенг сайхонликда чопиб кетаётгани кўзга ташланарди. Амирзода бадтар жаҳли чикиб қасдланар, тинимсиз отига қамчи солар, “... отмаймен... тутамен... тирик тутмай қўймаймен!..”, дерди ўзига-ўзи ҳаллослаганча. Тулпор учқурлигини қилди: толиқкан охуга етай деб қолди. Оху буни сезиб, навбатдаги ариқдан сакраб ўтгач, шартта ўнг томонга қайрилди ва чакалакзор ичидагойиб бўлди! От ҳам шундай қилди, аммо буриламан деб чўчанг-лаб кетди, бехосдан Мироншоҳ Мирзони эгардан улоқтириб юборди!

Гурс этиб тушган амирзоданинг боши айланиб, кўз олди қоронғилашди... Ахий Жаббор баҳодирлар этиб келишганда, ёнбоши билан қаттиқ йиқилган шаҳзода беҳуд-у беҳуш ҳеч нарсани билмай ётарди. Шикор бекор бўлганиданbekлар ва мулоғимларнинг қовоқлари тушиб кетди, улар катта базм-у зиёфатга йиғилиб, эндиғина дастурхон атрофига ўлтиришга шайланган, лекин муродига ета олмай бир лукмасиз қайтган одамлар ҳолига тушди.

Мироншоҳ Мирзо ҳозик табибларнинг турли муолажаларига қарамасдан, уч кеча-ю уч кундуз ўзини танимай ётди. Ҳарам маликалари, амирзоданинг хотинлари – Хонзода хоним, Давлат Келди бикалар шавхарлари қошида парвона эдилар. Суюргатмишхоннинг кизи, бетга чопар Ўрин Султон хоника секингина: “Бира тўла ўлиб қола қолмаптида, қутулардик!..” – деди беҳуш ётган амирзодага қараб. Унинг сўзларини ёнидаги маликалар ҳам эшитди. Аммо ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Бир ойлар ўтар-ўтмас, амирзода сажиясида<sup>1</sup> дағалликлар, ноҳушликлар кўзга ташлана бошлиди. Муолажада хатога йўл қўйилгани сабабли, дейишди кейин, димогида ҳалали, яъни савдоилик, васвос белгилари пайдо бўлган эмиш, миясида чалғиши аломатлари бормиши.

Табиатан мард, жасур, кўрқмас амирзода, чиндан ҳам, кекчи, гумонпаст, шубҳаларга бериладиган одат чиқарди кейинги пайтларда. Унинг алами – салтанат валиаҳди этиб аталмаганида! Назарида, валиаҳдлик Умаршайх Мирзо вафотидан кейин уники эди, Шоҳруҳ Мирзо – ёш, ахир подшонинг ўғиллари кўз олдида валиаҳдлик набираға топширилиб турибди-да. Бундай адолатсизликка чидаш мумкинми?

Соҳибқиронга, нега шундай қилдингиз, деб айттолмайди, дарди ичиди... Ҳумоюн ўрду ўчини ёнидагилардан олади. Ўз ҳарамига ҳам тирноқ орасидан кир ахтариб қарайди. Гоҳ бир хотинидан қутилиб, янгисига уйланар ёки бошқасини аллақандай хиёнатларда айблаб, бухтонлар қилар, дилозорликларга йўл очар, шов-шуввлар чиқаради. Ўрин Султон хоника ана шундай тухматга учраб, худо бир сақлаб омон қолди. Бир куни беихтиёр адашиб, ҳарам томонга бурилган мулозимнинг ортидан бориб бошига қилич солди. Бир маликани хиёнатчи деб гумонсираб, отнинг думига боғлатиб сахрога ҳайдатди. Тўртта машшоқ надимлари билан салтанат ишларини ўлда-жўлда қўйиб узлуксиз зиёфатлар ўтказар, ўйин-кулгиларга берилар, кўнгил очар оқшомлар, айш-ишратлар, хурмача киликлар давом этарди...

<sup>1</sup> Сажия (арабча) – тугма сифат, хусусият; хулк, табиат.

Хонзода хоним шуларни ўйлар экан, сабр-тоқати тугаб борар, оқибатда одамликдан чиқай деб қолган амирзода билан бир кунмас-бир кун юзма-юз келиш мұқаррар эканини чукур англаrdи.

Чамаси, амирзода мохир машшоқларни ишга солди, шекилли, ҳовлидаги суронга энди най ва уд<sup>1</sup> садолари ҳам күшилди.

– Чиқайлик-чи, амирзода нега түполон қиладилар, билайлик... – деди Сароймұлхоним. – Зора инсоф йўлини тутса...

– Авваллари ҳам эшитғондим, хонимойим ҳазрати олиялари... – сўз қўшди Султон Баҳт бегим қийик кўзларида газаб учқунлари чақнаб. – Андишанинг ҳам чегараси бор... Интизомга солурмиз...

Хонзода хоним шартта ўрнидан турди:

– Йўқ, йўқ, хонимойим ҳазрати олиялари! Қайнингилжон, ҳозир рўбарў кела кўрмангиз! Йўқ, йўқ!..

– Ношукр эрка-талтанг укажонимнинг таъзирини бериб кўймен! Кўлимдан келади! – эркакшода феъли жунбушга келди Султон Баҳт бегимнинг. – Ўзиям... пайтини топа олмай юрувдим...

Амирзоданинг ушбу беадабликлари, айниқса, хонимойимнинг, эгачисининг шу ерда эканларини била туриб андишасизликка боргани шаддод опанинг қаттиқ иззат-нафсига тегди. “Икки номдор малика олдида Соҳибқироннинг пушти камаридан туғилғон укам масхара-ю кулги бўлиб ўлтиrsa, қандай чидаймен? – ўйлади ичидা. – Бу гапларнинг бир учи ўзимга ҳам тегиб турибди. Амир Соҳибқирон фарзанди сифатида валинеъмат Соҳибқирон шаънига гард тушмаслигига тиришамен ҳамиша! Амирзодалар дашномларимни эшитишса ҳам чидайдилар, оғир олмайдилар, тўғрисўз, шартаки, шаддодлигимдан ҳайикадилар. Ҳайқмай кўрсинлар-чи!..”

– Тўпалон тўхтамайди, шекилли... – ташқарида тинмайтган шовқинга қулоқ соларкан, безовталанди Сароймұлхоним.

<sup>1</sup> Уд (арабча; дарахт, поя, новда) – торли, чертма мусика асбоби.

– Султониядаги түртта миноранинг учтасини, тагига хазина кўмилган деб йиқитгандилар... – сўз кўшди Оққиз бегим. – Тўртингисини ҳам ўzlари тепасида туриб қулатибдилар-да бугун...

Хонзода хоним ҳўмрайганча Оққизга: “Сендан бирор сўрайдурму? Нега алжираисен?” дегандай оғринсиниб қаради. У Сароймулкхоним, айниқса, қайнинглиси Султон Баҳт бегим олдида шавҳари ҳақида ноҳуш гаплар бўлишини истамасди. Канизак тилини тишлаб қолди.

Гапириладиган нарса маликада ҳам бисёр эди-ку, аслида... Амирзода тутумларининг ўзгариб бораётгани, хулқи бузилиб, бекарорлик авжга чиқаётганидан сўзласинму? Ёки бузғунчилик ишларини айтсинму?.. “Ном чиқарай деб ҳамма қурилишларни, мадрасаларниям, масжидларниям, боғларниям, саройларниям валинеъмат Соҳибқирон ўз ҳақларига олдилар, бизга ҳеч нарса кўймадилар. Мен қандай ном чиқарамен? Энг яххиси, элхонийлар<sup>1</sup> тиклағон ҳашаматли данғиллама биноларни буздирамен, уларнинг тагида хазина яшринғони аниқ... Ҳам салтанатни бойитамен, ҳам номим чиқади. Ахир фалон бинони фалончи қурғонди, амирзода Мироншоҳ Мирзо вайрон қилди дейдилар-ку!” – деган ноҳуш сўзларидан десинму? Султонияда ҳам, Табризда ҳам бузиб ташланган бинолар анчагина...

– Йўқ, йўқ! Чиқмангизлар! Ҳозир хоналарига кирадилар. Тинчиди қоладилар. Одатлари шунаقا... – узр сўрагандай деди Хоразм маликаси.

У феъл-атворли, шаддод Султон Баҳт бегимдан чўчирди. Фарзандлар ичиди энг каттаси бўлганидан, Амир Темур ва салтанат шаънини саклашга ўзини барчадан ортиқ масъул сезадиган бегимдан ҳар нарсани кутиш мумкин, жаҳхи чиқса, иниси амирзода билан сен-менга бориб ўлтирумай, улуғ Соҳибқирон отамизнинг обрўйини тўқяпсен-ку, дея ҳамманинг олдида тарсаки ҳам тортиб юбораверади... Бу машмашалар Соҳибқирон қулоғига етса нима бўлади?

<sup>1</sup> Элхонийлар (1256-1353) – XIII-XIV асрларда Эрондаги мўғул хонлари сулоласи.

Сабри чидамаган Султон Баҳт бегим маст-аласт одам билан гаплашиш мумкин эмаслигини билса-да, ўтиrolмади, номусдан Хонзода хонимнинг ҳай-ҳайига қарамай, шартта ташқарига отилди!

Хонимлар жон ҳовучлаганча қараб қолдилар.

Хайриятки, ҳовлида шовқинлар тинчиган, сармаст амирзода гапни тўхтаган жойидан давом этдиргани надимлари билан аллақачон шоҳона дастурхон ёзилган меҳмонхонага кириб кетган экан. Сал ўтмай даврага файз бағишлаб, найнинг сеҳрли навоси тарала бошлади.

Бироқ маликалар сұхбатидан файз кўтарилган эди.

– Ҳазрат Соҳибқиронни Самарқандда кутиб олмагимиз лозим, бегойим! – деди Сароймулкхоним Султон Баҳт бегимга, сұхбат мавзусини тезрок ўзгартириш ниятида. Кейин Хонзода хонимга ўгирилди: – Маликам! Дарҳол йўлга тушмоғимиз даркор. Кеч қолмайлик тағин.

Маликалар кўзғолар эканлар, Хонзода хоним нохуш воқеа юз берганидан хижолат: “Хафа бўлмангизлар!.. Хафа бўлмангизлар!..” – дея нуқул узр сўрарди.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

### I

Милодий 1398-йил баҳори фавқулодда илиқ келди. Ҳамал кириб улгурмай, Турон водийлари яшиллана бошлади. Жануб томонлардан қайтишган турфа күшлар осмонни тўлдириб учади. Усти бошдан оёқ тим қора, кўкраги оппок, томогида малларанг холи бор, тўшига тўқ ранг белбоғ “боғлаб” олган олифта қалдирғочлар ин қўйиш учун ўзларига жой излашади, масжидлар томлари тагига, мадрасалар пештоқларига, айвонлар бурчакларига учеб кириб-чиқиб юришади, валфажри ўқишади. Сойлар тўлиб оқади, ундан тепароқларда қир-адирларда эса ўзларини дунё томошасига солай деб, ер бағридан шошилиб отилиб чиқишган лола-қизғалдоқ ва чучмўмалар бозори қизийди...

Валиаҳд шаҳзода Мұхаммад Султон Мўғалистон сарха-

дига бориб, забтга машғул бўлсун ва Ашпарада қалья солсун, зироат, экин-тикинни йўлга қўйсун, деган ҳукм овоза килинди.

Бир йил олдин кузда Соҳибқирон Шайх Аҳмад Яссавий мозори зиёратига отланганида шахзода Муҳаммад Султонни, унга қўшиб Халил Султон ва бошқа амирзодаларни ҳам ўзи билан бирга Яссига олиб кетди. Ортда йўлни аркони давлат кишилари – вазирлар, амирлар, садрлар<sup>1</sup>, баҳодирлар, тавочи, қўрчи, баковул, ахтачи<sup>2</sup>, қушчи, мунший ва муҳрдорлар тўлдирган, хос лашкар уларни кузатиб келарди.

Шайхнинг кичик мақбараси олдида Амир Темур аллақандай таважжуҳда тиз чўкиб ерни ўпди:

– Пирим!.. – деди ички бир туғёнини аранг босиб. Бошини кўтарар экан, қўллари билан чанглаб олган хас-хашак аралаш тупрокни юзларига суртиб тавоф қилди.

Ҳамма жим кузатарди.

– Азиз зот, қуддиса сирруху, Муҳаммад Ҳанифа ўғлонлариданурлар, Туркистоннинг шайхул-машойихи, пири бузруквор, алайҳи ва ала олиҳи вассалом. – тиловатдан кейин сўзга оғиз очди Соҳибқирон. – Туркистон ота, деб улуғлайдурбиз, шахзодам. Ҳамиша руҳий мададларини сезамен... Олти йил аввал Тўхтамишон мухорабасига бораётib, дилимга туккан эрдимки, бунда бир мақбара бунёд этгойбиз, vale чархи фалакнинг ташвишлари то ҳануз бизга имкон бермай, қўлимизни ушлади. Тушимга ҳам кирибдурлар, пирим, олийхиммат зот, ҳеч нарса демасдан, елкамга уриб-уриб қўйибдилар. Чўчиб уйғонибмен... Ҳаллоки безаволга салламно!.. Бас, мозорга вакф тайин этсунлар, устига иморати олий солсунлар. Ҳожанинг қабрини оқ тош била яса-сунлар. Бамисли гумбази даввор бир улуг ток боғласунлар-ким, қўқ била сўзлашсун!.. Деворларига рангин кошинлар қопласунлар, чиройли безасунлар!..

Тавочи билан девон муншийси дафтарларига нималарнидир ёзишарди.

<sup>1</sup> Садр (арабча; юкори ўрин, олий мансаб; ибтидо; биринчи мисра) – вакф ва дин ишлари билан шутгулланувчи амалдор.

<sup>2</sup> Ахта (мўғулча) – жинсий безлари, мояги олиб ташланган, бичилган. Ахтачи – хайронларни ахталовчи мутахассис.

Шаҳзода улуғ бобосининг ҳар бир тутумини кузатар, Соҳибқирон бу ерга нима учун уни олиб келганини, пирни қандай азизлаганини, буларнинг бари сенга сабоқ бўлсин, валиаҳдсен, салтанат тахтига минсанг, мана шундай азиз-авлиёларни эъзозлашни сира унутмагил, деяётганини англаrdи.

– Ясси эрмас, бунинг номи Туркистондур! – деди бирдан Амир Темур теварак-атрофга боқар экан. – Туркистон!.. Туркларнинг сифинадурғон, зиёратга келадурғон, уларнинг мағрур бошларини бириктирадурғон маскан... Миллат шаънини улуғлағонлар улуғланадурғон маскан... Улус беклари ю авомунноснинг бир-бирларига оқибатлари йўқолғонда айни шу ерда адашғон ақлларини пешлаюрлар. Дунёning танг-у тор ишларидан омади юришмағонда шу ерга келурлар, ўз йўлларини топурлар. Оллоҳ берган ҳаётнинг қадри-қимматини, асил маъносини англамағонлар, уни ардоқлашни унутғонлар бу ерга қадам ранжида килурлар, хушларини ўнглаб олурлар! Миллатни бўлиб юборишга бел боғлағон бетавфиқлар худди шу ерда тавбага юз буурлар. Эҳ, туркларнинг боши кўп ҳам бир жойга қовуша бермайдур! Афсус, унинг фожиаси ҳам шунда!.. Йўқса бугун олам туркники бўлурди! Бор кучим, шижаотим, саъй-ҳаракатимни шунга бахшида этдим. Машриқда то Хитой сарҳадигача, мағрибда то Рум сарҳадигача, шимолда Московиягача ақлимининг зўри, киличимнинг кучи бирлан Турон салтанатига бирлаштирдим. Аммо ҳали тўла-тўқис ниятимга эриша олғоним йўқ... Бу улуғ ниятдур, уни ўзлари ҳам дастур қилиб олғайлар, ҳамиша эъзоз этғайлар, шаҳзодам!

Муҳаммад Султон дарҳол туриб таъзим қилди:

– Бош устига, Амир Соҳибқирон!

Атрофда ҳеч ким йўқ эди. Соҳибқирон ҳамма ҳам билиши шарт бўлмаган, кўнглида асраб юрган улуғ орзуени Оллоҳнинг гувоҳлигига Туркистон ота олдида ёлғиз унгагина айтиётганини валиаҳд шаҳзода юракдан ҳис этар, бехад ғуурланарди.

– Шаҳзодам! – деди Амир Темур қайтаётиб Сайрам шаҳрига кирганларида. – Шу ердан кунчиқишига қараб икки

кун юрсалар, Ашпара шаҳрига чиқурлар. Бу ер – Мұғалистон сархади. Ўзлари бир қалъа қурғойлар, бунёдкорликни ўрганмак керак... Эр киши топғонини уйига сарф қилмаса, нимага сарф этадур? Уйимиз эса – Турун, Туркистан... Зироат майдонларини обод айлағайлар. Егулик захиралар тайёрламак лозим. Мирзо Алибекни Сайхун бўйларига жўнатдик, Амир Сулаймоншоҳни Тарозга юбордик. Уларга ҳам шундок уқтирилди... Бари кейин асқатадур. Худо хоҳласа, Чин мамлакатига қўшин тортгоймиз!

Амир Темур кунчикишга узоқ тикилиб қолди...

Яssi сафаридан олти ой аввал эди, Ҳурмуз шаҳридан қайтиб, Боғи Накши жаҳонда яшай бошлаган келин-куёвлар ўз мулоzимлари ва канизаклари кузатувида Боғи Чинорга меҳмон бўлиб келганларида, соғиниб қолган Сароймулкхоним, қувонганидан ер-у кўкка сифмай кетди. “Вой, айланай-а сизлардан!” дея, дам шаҳзоданинг, дам Соғинч биканинг манглайидан ўпар, ўтқизгани жой тополмасди. Турфа хил совға-саломлар ичиди зар-у забаржад, дур-у жавоҳир, Чин ипагидан тикилган алвон либослар, мушк-у анбарлар, ноёб яшм тошлари, дуркун бўталоқнинг ўркачи-дек ёмби олтинлар бор эди. Соғинч бика хонимойим учун Кирмондан қимматбаҳо шолрўмол олдирди, меҳмонхонага ипак гилам тухфа қилди.

– Чиройли гилам экан. Худо хоҳласа, Самарқанддаги жоме масжиди хонақоҳига, хоналар-у, айвонларга айни ўша Кирмон гиламларидан тўшатамен, деган орзум бор... Ҳм-м... Ҳурмуздан гапириб беринг-чи? – сўрар экан, Сароймулкхоним пинҳона Соғинч бикага караб-қараб кўярди.

Соғинч бика кўрки барқ уриб, ҳуснига ҳусн қўшилиб, бемисл баҳтдан боши осмонда экани кундай равшан эди. Катта малика боқаркан, маликанинг юзида биронта юклими, йўқимилигини билдирадиган доғни излар, аммо чехра доғсиз, ҳатто яна ҳам тиниклашган, офтобжамолнинг бундан бекиёс кўрк-у малоҳати ортганди. – Ҳали у ёқларни кўриш менга насиб этмади... Амир Соҳибқирон ҳам бормағонлар...

Муҳаммад Султон, гапирингиз, дегандай қайлигига тикилди. Соғинч бика шаҳзодага, сиздан олдин гапира-

менму, ўзингиз жавоб бера колсангиз хўб эди, хижолатга қўйдингиз, дегандай ўпкали боқди, яна бир имодан кейин уялибгина сўз бошлади.

– Султониядан Ҳурмузгача олтмиш кунлик йўл экан, хонимойим ҳазрати олиялари. Катта сув шундоқ кўз олдингизда ястаниб ётади. Бутун дунёни сув босганму, дейсиз. Жазирама иссик, ҳавоси намхуш, рутубатли, канизаклар кир ювсалар, куритолмай ҳалак бўладилар. У ерда катта дур бозори бор экан, бирам ажойиб! Бирам ажойиб! Айниқса, Ямандан келтирилган бебаҳо дурри адандар бозорнинг кўрки экан. Ўзларига олиб келдим, хонимойим ҳазрати олиялари! Хонзода хоним онамизга ҳам бирини атадим... – ўрнидан туриб таъзим бажо айлади Соғинч бика ва икки қўллаб йирик тўрт шода дурни маҳди улёга узатди. – Кўп ўрнида қабул этғойлар...

– Ҳимматингиз учун қуллук!.. Бўйнингиздаги дур ўшаларданму?.. – жилмайганча сўради Сароймулхоним ёш маликанинг оқ томогини безаб турган дурни меҳр билан томоша қиласа экан.

– Ҳа-а... Жаҳон шаҳзодаси илтифот айладилар... – қўлини кўксига қўйганча, бош эгди Соғинч бика.

– Жуда кўхна шаҳар экан... – гапни яна шаҳарга бурди Мухаммад Султон. – Сосонийлар қурғон экан минг йиллар аввал. Ҳинддан, Мағрибдан кўп кемалар келаркан. Савдо-гарлар Ҳурросон-у Мозандаронга, Эронзамин-у Туронзаминга моллар элтишаркан. Лекин Ҳурмузнинг отлари зўр деб, таърифини эшиғондим, ростдан ҳам жуда учкур отларни кўрдим! Дунёга машҳур! Бошқа мамлакатлар бу отлардан кўп сотиб олишаркан... Валинеъмат Соҳибқиронга насли тоза отлардан мингтасини совғага шай этибдурмен! Тағин юзта хачир, юз минг кепакий динор, дур-у марваридлар билан ҳошияланган хильъатлар ҳам жам килибдурмен...

Сароймулхоним тинглар экан, кейинги бир йил ичида шаҳзоданинг кучга тўлиб, ҳавас қилса арзийдиган келишган ўқтам йигит бўлиб камолга етганини кўрди. Ҳа, севикли ёр дийдори, меҳри-муҳаббати йигит умрини яшнаган чаманзорга айлантиради.

– Амир Соҳибқироннинг нозик жойларини биласиз-да, от деса ўзларини нак томдан ташлайдурлар! – деди маҳди улё. – Бир қарашдаёқ отнинг яхши-ёмонини фарқлай олурлар...

Шаҳзоданинг юзига табассум ёйилди.

Сұхбат ўзани Ҳурмуз йўлида ғанимларнинг қандай бартараф этилганига бурилди. Мухолифат кучайиб кетибди, шахзода ўзи шоҳид бўлибди. Айниқса, Язд шаҳри мухолифати сулҳни тан олмай, қалъя дарвозасини ичидан беркитиб, ўз бошига бало орттириди. Қамал чоғи, уларда озуқа тугаб, одамлар ит-мушукни ҳам едилар... Охири мухолифат бошликлари шаҳар ичидан лаҳим қазиб чикиб қоцдилар. Черик уларнинг изидан бориб, барини тутди ва тиғдан ўтказди.

“Шаҳар элида сира гуноҳ йўқ, – деди Амир Сайфиддин некўз. – Ул бегуноҳларнинг жонига-ю молига қасд қилма-сунлар, шаҳзодам!”

“Рост, ҳамма айб саркаш мухолифат садрларида! – қўшилди Амир Шоҳмалик. – Гуноҳкорлар ўз жазосини олди-ку...”

Хориган аскарлар, кўзлари аланг-жаланг, қачон дарвоза очиларкин, шаҳарни талаб ўлжаларни, чўриларни кўлга киритамиз, деб горатга шай тураг, хар ким ўз кўнглида энг аввал кириб олиш ташвишини чекарди.

Кутилмаганда шаҳзода Муҳаммад Султон буюрди:

“Шаҳар дарвозасига беклар қўйилсун! Ҳеч ким киритилмасун! Шаҳар аҳлига зиён-захмат етказилмасун! Моли омон сўралмасун!..”

– Кам бўлмангиз, шаҳзодам! – мақтаб қўйди Сарой-мулкхоним эшитиб. – Худди Ҳазратимдек харакат қилиб-дурсиз. Шундок ҳам бўлмоғингиз керак! Валинеъмат Соҳибқирон бундан бешак қувонгайлар, иншшоолло! Чунки, фуқаро-ю мискиннинг ғамини емоқ ҳақиқий одил пошшо вазифасидур, дейдилар Ҳазратим... Якинда хос мунший мавлоно Ҳайбатуллоҳга тузуклар дафтариға ёзиши буюриб, шундай сўзларни айтиб турғон эканлар: “Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичик-

ларини фарзанд ўрнида кўрдим. Золимга қарши мазлум додига етдим... Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик кўргуздим. Ҳокимлар-у сипоҳдан қай бирининг халкка жабр-зулм еткизғонини эшитсан, уларга нисбатан дарҳол адолат-у инсоғ юзасидан чора кўрдим..." Ўзларига ҳам сабоқ-да...

Шаҳзода бош тебратиб мамнунлигини билдириди:

– Шубҳасиз, бизга сабоқдур. Худо хоҳласа, тузукларни ўзим китобат қилғоймен, хонимойим ҳазрати олиялари! Валинеъмат тобшурдилар...

– Буюрсин, илоҳи!

– Хонимойим ҳазрати олиялари! – мурожаат этди Соғинч бика. – Ҳазрат Соҳибқиронни сафардан қайтғонларида қандай кутиб олдингизлар?..

– Таомлардан тановул айлаб ўлтирингиз!

Сароймулхоним шундай деди-ю бир лаҳза ўйланиб қолди.

– Ҳа, ўшанга ҳам ярим йил бўпти-я! Жуда ҳаяжонли ва хушнуд эди у дамлар!.. Ҳозиргидек кўз олдимда...

Соҳибқироннинг Олтин Ўрда муҳорабасидан қайтаётиб Балхда тўхталгани ҳақидаги хушхабарни катта малика Боги Чинорда эшитди. Тўрт ойгина аввал Султонияда учрашганларига қарамай, узоқ юз кўришмаган кишидек юраги увишди, аъзои бадани жимирлашга тушди. Истиқболдаги қутлуғ дийдорлашувдан кўнгли нурафшон бўлишига умидвор малика, Соҳибқиронни сарҳади йўқ муҳаббат билан севишини қаттиқ туди! Бу муҳаббатнинг қандайлигини ўзи ҳам баҳолай олмайди. Худога муҳаббати, кейин Соҳибқиронга... Йўқ, йўқ, бу иккита эмас, аслида бир муҳаббатдир, шунинг учун унинг поёни йўқ!..

Боги Чинор Соҳибқироннинг Самарқанддалик вақтлари ҳамиша файзиёб, обод туюлар, зарҳал темир дарвозадан оқсокланганини ҳам билинтирмас даражада, охиста кириб келганда, боғ тўларди-коларди. Сафарга отланди дегунча, худди эгасиз уйдек ҳувуллаб, юракни сиқарди. Сароймулхонимнинг ўзи ҳам сабри чидамай, гоҳ ўғил-набирашларни кўриш, гоҳ тўй-тўйчик, мушкулкушодлар сабаб,

Хурсонми ё Табризами, Тошкандми ё Кешгами, йўл олади. Барига ана бу чинор тирик гувоҳ. “Ота-бала” чинорларнинг бири қуриган эди, Соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин, ирим қилиб бошқа чинор эктирамади, “ота-чинор” ёлғизланиб қолди. Ажабо, Амир Темур ташриф буюрса, худди билгандек ҳамиша шовуллай бошлайди.

Катта малика дарҳол Шоҳруҳ Мирзо билан Султон Баҳт бегимни ёнига чорлатди:

– Бошимизга хумо қуши қўнди! Ҳумоюн даргоҳдан чопар етди! Соҳибқирони комкор беш йиллик урушдан пойтахти фирдавсмонандга қайтмоқда эканлар! Иншооллоҳ, Хузорда кутиб олгаймиз!

Икки ўғилнинг отаси бўлиб қолган ўн тўккиз ёшли Шоҳруҳ Мирзонинг ҳамиша солиқдай қалин қовоқлари кўтарилиб, кўзларида қувонч нурлари порлади. У бу кунларга интиқ: Соҳибқирон қайтганидан кейин, Ҳумоюн ўрдудан унга Хурсонни ҳокимият нишони билан топширилиши ҳақидаги олий фармон кутиларди.

– Оллоҳга шукр! Оллоҳга беадад шукр! – деб қўйди Султон Баҳт бегим. – Валинеъмат бузрукворимни бирам соғиндимки... Тикилиб тўйиб-тўйиб олсан дейман, аммо бунга имкон қани?.. Султонияда шаҳзодам тўйларида кўрғон эсам-да, жуда узоқдай туюлиб кетди-да...

Барча маликаларга мамлакат султони истиқболига чиқилиши маълум қилинди. Маликалар Туман оқа, Улус оқа, канизак-жориялар Рухпарвар оқа, Дурсултон оқа, Жаҳонбаҳт оқа ва бошқалар хурсандликдан қий-чув кўтариб юборишиди.

Каловланиб қолишган заифаларнинг юзларига қон тепди, нафис вужудларни ҳаяжонлар чулғаб олди. Ҳаёлларида алланималардир ёқимли жонланди. Ҳарам гуллари худди илк марта учрашаётганларидаи, кўрк-у хусн, назокат имтиҳонида ўзларини қандай тутиш, қандай кийинишини ўйлаб тараддулландилар. Ҳар бир гул ўзича бир олам эди, олам офтобидан баҳраманд бўлмак умидини дилининг тубтубида сақларди.

Ўшанда Соҳибқиронни Хузорда кутиб олишган малика-

лар катта карвонга күшилиб Кешга йўналдилар. Иўлда Хўжа Илгор, Дархон қишлоқларини оралаб ўтдилар. Қачонлардир худди шу Дархон кўчасидан бораётиб, катгиқ очикқан Темурбек бир ҳовлида совитишга қўйилган козондаги аталани шарт кўтариб ичган, оғзи куйиб, айвонда елпиниб ўтирган момодан, ҳаётда ҳеч қачон шошилмаслик лозим, мазмунида дашном эшитганди. “Дашном-ку дашном, – деганди кейин Соҳибқирон ўша воқеани эслаб Сарой-мулкхонимга. – Жуда кўп тўкин-оччин дастурхонлар атрофида ўлтиридим, едим-ичдим, аммо момонинг атала-сичалик мазали таомни ҳали кўрғоним йўқ...”

– Кешга етиб келдилар. Тонгда энг аввал пирлари Шайх Шамсиддин Кулол согонаси зиёратига бордилар Кейин оталари ва оналари, Жаҳонгир Мирзо билан Умаршайх Мирзо қабрларини тавоф килдилар. Олис сафар шукро-насига етим-есир, бева-бечораларга хайр-у садақалар улашишлар бошланиб кетди. Ўзим ёнларида юрдим. Самар-қандда дарҳол факир-у мискинларнинг аҳволларини сўратдилар. Бу – одатлари. Тафтишда оғир гуноҳкор бўлиб чиққан, халқнинг ҳакқини еган зулмдорларни жазога буюрдилар, хонумонини талон қилдурдилар, бошқалари-нинг оёқларига кунда солдириб, бўйинларига душоха ташлатдилар ва бари эл орасида шарманда-ю шармисор бўлди...

– Бахтимизга узок яшасунлар! – кўзлари ёнди Соғинч биканинг.

– Бир ишларидан, десангиз, бағоят қувондим. – Катта малика жилмайиб қўйди. – Буюрдиларким, фақат Самар-қанддамас, балки салтанатнинг барча вилоятларида йўқсил-у гадо борми, дарвешу мискин борми, барини бир жойга йиғсунлар, уларни йиллик озиқ-овқат билан таъмин этсунлар, тўну яктак, кафш-у этик, фўта<sup>1</sup>-дастор, қишлиқ-ёзлик чопонлар билан сийласунлар!.. Ахир бечора мискинларнинг дуоси энг аввал ижобатга ўтади-да!

– Тасанно! Тасанно! – дейишарди шаҳзода ва келинчак.

– Гапнинг рости, Амир Соҳибқирон дарҳол Хитойга

<sup>1</sup> Фўта (форсча) – матодан килинган, белга бир неча марта айлантириб ўраладиган узун белбог.

юриш бошлайдилар, деб қўрккан эрдим... – Сароймулкхоним сўлиш олди. – Хайрият, қурилиш ишларига бирам киришиб кетдиларки, ҳайрон қоласен киши! Гўёки Хитой сафари эсдан чиқди-кетди! Ох, шундай бўлса эди-я! Бир куни Ҳазрат Соҳибқирон Кешга бораётиб, йўлда тоғнинг оғзидан шарқираб чиқаётган сувни кўрибдилар. Буюрдиларким, бир боғ қилсунлар, ичида қаср солсунлар, сув бодган оқсун... Меъмор-у муҳандислар ишга тушибдилар. Ҳазратнинг ўзлари-чи, чанг-у ғубор демай, ойлаб ўшандай боғлар бошида куймаланадурлар, курилишлар атрофида кезадурлар, кўшк-у саройларга кириб, хитоб айлаб кенгашлар берадурлар, бу ундоқ бўлибди, буниси пухта эмас, дея мутасадди бекларни итобга оладурлар. Юртни обод этай деб жонлари ҳалакки, ҳеч чегараси йўқ... Кеча-ю кундуз иш тинмайдир! Конигил ёнида Дилкушойи боғи, шаҳарнинг шимолида Боғи Шимол барпо этилди. Гўзал боғ!

Буни эшитган Муҳаммад Султон билан Соғинч бикалар қизиқишиб эртасигаёқ Боғи Шимолга йўл олдилар ва кўришиб ҳайратдан ёқа тутдилар! Хонимойимнинг айтганларича бор экан. Олиймақом қаср кўкка бўй чўзган, ҳар буржида Табриз мармаридан устунлар қўйилган, томлар эса тилла ва ложувард нақшлар билан қопланган, қаср олдидаги майдонга ойнадай мармар тошлардан “гилам” тўшалган. Бирам тиниқки, одамнинг юзи кўринади... Боғнинг келбати, шаҳзода назарида, улар Ҳурмузда яшаган боққа ўхшаброқ кетади, аммо салобатда ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас...

Шаҳзода билан малика қош қорайганда, Боғи Нақши жаҳонга қайтишди. Уларни меҳмонга келишган Соғинч биканинг дугоналари Билқис бегим, Зубайдабону ва Робия бегимлар кутиб туришарди.

.. Шаҳзода Муҳаммад Султон Ашпара далаларида эктирган буғдойлари ўримга кирай деганда, Амир Темурнинг саодатманд ғазо ниятида Ҳиндистонга қўшин тортганлари тўғрисидаги фармонидан таажжубланди. Кейин сабабини билиб олди. Ўзини Султон Маҳмуд Фазнавий салтанатининг эгаси деб ҳисоблаган иниси Пир Муҳаммад Жаҳонгир вило-

ятидаги нотинч вазият, бир пайтлар Тармасирихон замонида Чифатой улусига қўшиб олинган Ҳинд мамлакатидаги мусулмонларнинг бутпараст кофирлар томонидан тазикларга учраётгани Соҳибқиронни аввалги Хитойга юриш ҳақидаги қарорини ўзгартириб, кутилмаган сафарга чиқишига мажбур этган эмиш. Яна билгувчи Оллоҳнинг ўзидир.

## II

Султония бойларидан бирининг жаннатмисол боғини ёқтириб, сотиб олган Мироншоҳ Мирзо уни “Боғи Эрам” деб атаганди. Шаҳар жанубида жойлашган бу боғнинг сўлим ва файзиёблигидан кирганинг баҳри дили очиларди. Табриздаги Гулшанбоғ сал ҷоғроқлигини ҳисобга олмаса, Боги Эрамнинг айни ўзгинаси. Улфатлар мажлисларини, кўпинча, Боги Эрамда ўтказишни хуш кўрадилар.

Баҳорнинг гуркираган палласи... Якингинада жанубдан қайтишган гала-гала кушлар ям-яшил богни тўлдиришиб сайрашар, дараҳтлардан дараҳтларга, гуллардан гулларга ўтиб кўнишарди.

Амирзоданинг надим-улфатлари қаср айвонидаги башсанг дастурхон ёзилган нақшин сўрини эгаллашган.

Тирсагини парку ёстиққа ботирганча ёнбошлаб олган, кейинги пайтларда хийла тўлишиб қолган амирзоданинг ёнида девон ишларини тафтиш этмоққа келган вазири аъзам Муҳаммад Жалд савт-у наволардан роҳатланиб, бош тебратиб ўлтиради. Ораларида ўн ёш фарқ бор эса-да, бу нарса амирзода билан вазири аъзам муносабатларида сира сезилмасди. Улар тенгқурлардай қадрдон-у сирдош эдилар.

Амирзода вазири аъзамнинг калта сўлқиллоқ қўллари хийлагина узун эканини биларди, шу сабабдан унга ортиқча мулозамат қилишга тиришарди. Соҳибқироннинг катта ўғли Мироншоҳ Мирзонинг келажакда улкан салтанат тахтига келиши мумкин, деган умид эса вазири аъзамни хушомадлар қилишга рағбатлантирас, ҳар нарсага тайёр туришга ундарди.

Созандалар сардори сариқдан келган чиройли юзли, сий-

рак қошли, қирқ беш ёшлардаги Хожа Мароғий дуто-рини созлаш учун қулогини узок буради.

— Қулогини бурамасанг, қулоқ солмайдур... — деди жиддий Мироншоҳ Мирзо мутрибга бокар экан.

— Доно сўзларни айтдилар, амирзодам! — хушомад-гўйликни ўринлатаркан, у ёк-бу ёққа қараб қўйди вазири аъзам Мухаммад Жалд. — Бор-йўғи тўрт каломда бутун дунёнинг мазмунини мужассам айладилар-а!..

Даврада қўллаб-куватловчи овозлар эши билди. Хожа Мароғий кулди:

— Ҳа, ҳукмдорим, сас чиқармок учун яхшилаб қулогини бурамак лозим...

Мироншоҳ Мирзо узок йиллар аввал Султон Аҳмад жалойир саройида хизмат қилган, кейинги беш йил ичиди Турон салтанати саройида донг таратган бастакор Хожа Мароғийга орзуманд бўлиб юрарди.

— Овозасини кўп эшилду... Самарқандда довруклари баланд эрмиш.

— Ҳа, ҳа, амирзодам, биламан, — деди вазири аъзам.

— Фазилатларидан сўзлангиз! — буюрди Мироншоҳ Мирзо Хожа Мароғий дўстларидан бири хос ҳофиз Абдулмўмин Гўяндага. — Билийлик-чи. Амир Соҳибқирон ҳам бежизга олиб кетмағон бўлсалар керак... Соҳибқирон билан Хизр Хожаҳон қизи, кичик малика Тўқал хоним момомиз тўйларида сеҳри наволар ижро этиб, қўнгилларни роса сел килибдур...

— Рост, бу унинг қўлидан келади. Дўстимни қўпдан бери биламан. Оллоҳга шукр, хийла фазилатлари бор... — сўз бошлади ҳофиз. — Зинҳор мактаяти, деб ўйламасунлар. Борини айтишга ижозат берсунлар. Хожа даставвал Куръони карим ҳифзи-ю қироат илмига моҳир тенги йўқ ҳофиз, куръонни тўққиз қироат билан ўқийдур. “Ёсин” ни ўқиса, ҳатто фалакдаги булут ҳам тўхтаб қулоқ тутади, қиссаҳондур, билмаган ривояти йўқ, расулуллоҳ жаноблариданми, Хизрданми, Искандари Зулқарнайнданми, Исфандиёри Рўйинтанданми, Абомуслимданми — қиссалар айта оладур. Уни мусиқа илмида пешво ҳисоблайдурлар,

рисола битмишдур, мазкур рисолада уд, чанг, рубоб, ётуғон, күбиз ва ҳоказо чолғу асбобларининг қирқ беш хилини таърифлабдур, қирқ беш хилини! Барини қойиллатиб чала оладур. Чорқирра феъллик: ўзи рубоб ясайдур, ўзи уни чаладур, ўзи куй тўқийдур, ўзи ижро қиласадур! Куйлари тош кўнгилларни ҳам эритиб юборадур. Соҳибқирон ҳазратлари музаффариятига бағишлаб машхур “Фотихий зарб” куйини басталаган... Хонанда, ашуласидан диллар ёришадур, лоф эрмас, муғанийлар ҳомийси Зухронинг биронта анжумани ул зотсиз ўтмайдур, муқаллиддур, шундай овозини ўхшатиб кўя оладики, эшитган одам ўзининг ўзи эканидан шубҳалана бошлайдур... Пазандадур, пиширган таомининг таъми еганнинг оғзида кетадур...

Мироншоҳ Мирзо ҳайратдан ёқасини ушлаб:

– Бус-бутун ҳазинанинг ўзи экан-ку! – деб юборди.  
– Барига ўзим гувоҳман! – деди Абдулмўмин Гўянда...  
– Ўзингиз ҳам кўргайсиз!

Амирзода ниҳоят йўлини топиб, вазири аъзам Муҳаммад Жалд ёрдамида уни Султонияга олиб келишга мусассар бўлди. Нафсиlamрини айтганда, бастакорнинг ўзи ҳам она шахри Мароғага яқинроқ боришга интилганди.

Ўша-ўша, Хожа Мароғий сultonиялик бўлиб қолди, амирзода уни надимлар сардори этиб тайинлади.

Бирдан бошланган кўклам ёмғири борликқа тароват уфурди. Битта-яrim томчилар майдан яхшигина қизарган юзларга ёқимли урилади. Муҳаммад Жалд: “Оҳ-оҳ!” деб қўяр, Ҳабиб Удий умидвор ажин босган юзини ёмғирга тутарди.

Ниҳоят Мироншоҳ Мирзонинг Амир Қора Юсуф устидан қозонган зафарини шарафловчи “Фолибона” куйи янграй бошлади.

Хожа Мароғий одатда ўзи басталаган куйларни чалишни ёқтирамасди. Лекин ҳозир аксинча – унинг бир қўли пардаларда йўргалаб керакли оҳангларни топар, иккинчи қўли бармоқлари эса дутор торларини титратиб чертарди, Қутбиддин Найий найни сайратар, Мавлоно Кўҳистоний гижжакни қийворар, Ҳабиб Удий эса усталигини намойиш

этиб ўнг кўлида уд чалиб, чап кўлида доира чертарп, айни дамда боғни ширали сасларга тўлдириб ашула айтаётган ҳофиз Абдулмўмин Гўяндага жўр бўлишга ҳам улгурап, устод Ардашер Чангий эса барини чангда қолдириб кетарди... Ахий Жаббор баҳодир ва бошқа хос мулозимлар хизматда эдилар.

Хулокухон мулкининг сохиби Мироншоҳ Мирзонинг Хиндистон муҳорабасига таклиф этилмаганини ҳамма ҳар хил сабабларга йўйди. Бирор: “Мамлакатда нотинчлик хукмрон, ғарбий сарҳадларда мўътадиллик йўқ, ашаддий душманлар Ироқ ҳокими Султон Аҳмад жалойир билан Амир Қора Юсуфлар тутқич бермай Миср султонига, Рум императорига бориб уларни урушга қайраб ётиби...”, деса, бошқаси: “Амирзоданинг отдан йиқилиб эс-ақлига халал етгани сабабдир, у савашларга боришга қодир эмас, шундан Амир Темур уни жанглардан аяди”, дерди.

Эл оралаб юрган миш-мишларни Мироншоҳ Мирзога, аввало, ўзининг надим-улфатлари етказишарди. Эшигтан сари амирзода аламини шаробдан олар, ундан мадад тиларди.

– Эл оғзига элак тутиб бўлмас, хукмдорим! – деди Хожа Мароғий юпатганнамо.

– Эл оғзини тикиб қўйиш керак... – кенгашди ўзича сархуш Ҳабиб Удий.

– Кошки эди... – сўзга аралашди Ахий Жаббор баҳодир.  
– Иложи йўқ-да...

– Фақат най пуфлашга озгина жой қолдирилса кифоя...  
– ҳазиллашгандай чикди Кутбиддин Найийнинг сўзи.

– Оғзимни тиксалар, қўлда чалавераман! – гапни илиб кетди Мавлоно Кўҳистоний. Ардашер Чангий ҳам нимадир деб муносабат билдириди. Эмин-эркин айтилган сўзлар даврадагиларнинг амирзодага хийла сирдош, ҳадди сиғадиган улфатлар эканини кўрсатарди.

Сармаст амирзода бу гапларга эътибор беряптими, йўқми, билиш қийин. У Табризнинг нуфузли кишиларидан бирининг ўн етти ёшли нозанин келинига ишқи тушиб, зўрлик билан тортиб олди. Бир ойдирки, амирзода майшат-

гоҳининг гули бўлган заифа энди ҳукмдор амри билан хос даврада юзига ҳарир парда тутиб соқийлик қиласарди.

Амирзода ҳамманинг олдида ғайриоддий тутумларини, ҳам бироннинг ҳавасини келтирадиган, ҳам иззат-нафсига тегадиган қиликларини атайлаб намоён этишни, мактаниши ни ёқтирас, бундан бенихоя роҳатланарди.

– Шароб!.. – буюрди амирзода майкоса тутиб, келинчак ҳаракатларини кўриб вужуди майнингина титрар экан. У маҳбубасига бошқалар ҳавас билан бокса, қаттиқ меҳри ортадиган хушторлар сирасига киарди.

– Бош устига, амирзодам...

Соқий тавозеъ ила май қуяр экан, амирзода унинг гўзал чехрасига бокиб жўшиб кетди, шавқ-у эҳтиросини жиловлай олмай қолди. Нима килаётганини ҳам идрок этолмас даражада маст амирзода бирдан ўрнидан турди, келинчакнинг кўлидан тутиб гандиралаганча қаср ичига йўналди... Чамаси, бундай ҳолат барчага таниш эди, ҳеч ким таажжубга тушмади.

Куй ҳам тугаб, нохуш вазият юзага келди, орага жимлик чўкди.

– Донишманд зотлар фикрига кўра, ҳукмдорнинг ҳар босган қадами, айтган сўзи, барча тутуми, иши узрли, муҳокамалардан холидур! – деб қўйди босик

Хожа Марофий орадаги нокулайликни бартараф этиш мақсадида.

– Оллоҳ таоло ҳукмдор Мироншоҳ Мирзо жанобларига барча нарсани ато этган... – тасдиклади чап қўли билан катта бурнининг майдан қизарган учини силаркан Муҳаммад Жалд. – Бандалар ичидан уни сайлаб салтанат бирлан сийлаган...

– Нафс ҳукмрон эрса, номуснинг ҳолига войдур... – деб қўйди Ахий Жаббор баҳодир секин. – Расулуллоҳ ҳадисларида дейилмишки, бандаларнинг энг қаттол душмани нафсдур, унга қарши кураш энг улкан жиҳоддур!..

– Ҳай-ҳай, баҳодир, ичингиизда айтсангиз ҳам, ўйлаб сўзлангиз! – шивирлади Қутбиддин Найий. – Айтилди-ку, донишмандлар фикри бўйича, пошшо феъл-атвори муҳо-

камалардан холи деб! Баҳо бермак бизнинг юмушимиз эрмас!

– Зинҳор баҳо бермасман, асло бундок демасман! – одоб билан сўзини давом этдири Ахий Жаббор баҳодир. – Камина ўзимнинг эмас, донишмандлар фикрини келтирудум – ахийлар устодининг сўзларини айтдим, холос...

Муҳаммад Жалд унга бир қараб қўйди. Барча дастурхонга юзланди.

Ахий Жаббор баҳодир, чиндан, амирзоданинг мияси бироз чалғиб қолганига ишона бошлади. “Аслида Мироншоҳ Мирзо жасур жангчи, унинг томирида Соҳибқирон кони тепади, ғанимга шафқатсиз, кўпроқ ўз жони хузурини ўйлайдиган одам, маккорлиги ҳам йўқ эмас. – хаёлидан кечириди баҳодир. – Амирзодага нима керак ўзи? Доим ўксигандай юрадилар. Ҳамма нарса бор, оламнинг роҳатфароғати қошида муҳайё. Тўклика шўхлик-да... Наҳотки, амирзодам валиахд деб саналмағонларидан озурдалар?.. Йўқ, йўқ, бунга ишонмайман!..”

– Ҳукмдоримизга ўша оҳу овидаги отдан йиқилганлари таъсири қучли бўлган экан-да... – деди секин Ардашер Чангий сихдан катта жазни курак тишларини кўрсатиб тортиб оларкан.

– Жуда қаттиқ йиқилган... – сўзга қўшилди овози ингичкадан келган Ҳабиб Удий. – Эс кетган, мия айниганд...

– Чалғиган, қолипидан чиқсан десанг-чи...

– Дунёда ўзларини ягона сезадурлар...

– Ҳа... унинг хотирида ўзидан бошқага жой йўқ.

Сўнгги гапни Ахий Жаббор баҳодир айтди.

Бирдан қаср эшигига Мироншоҳ Мирзо кўринди. Ҳамма хушёр тортди.

– Ана энди келдик мақсадфа!.. Раққосани чорлангиз! Мусиқани чалингиз!..

Шўх куй чалинди, ичкаридан гўзал раққоса (аслида аёл кийимини кийиб ясаниб олган, ясама соchlари тақимига тушган, аёлдан ажратиш қийин бачча) чиқиб хиром айлаб рақсни бошлаб юборди.

– Сарвиноз! – амр этди хийла тўлишиб қолган Мирон-

шоҳ Мирзо ҳаллослаб сўрига яқинлашар экан. Уйинга-а-а!.

Кийкирик кўтарилиди.

“Сарвиноз” – Абдулмўмин Гўянданинг даврадаги лақаби. У ўйинни қийворгани, қизлардай эшилиб ноз билан рақс туша олгани учун шундай лақаб олган. Надимларнинг барчасида лақаб бор, чунончи, Хожа Марофийни “Ўйинчи”, Мавлоно Кўҳистонийни “Рақкос”, Ардашер Чангийни “Жилвагар”, Кутбиддин Найийни “Шўхий”, Ҳабиб Удийни “Нозича” деб атардилар.

Абдулмўмин Гўянда қанот ёзган бургутдай шоҳ ташлаб, амирзодага пешвоз юрди, солланиб тураркан:

– Ўзларидан, пошшойим! Ўзларидан!.. Сиздай ўйинчи ҳали дунёда йўқ! Қотириб қўядилар. Ўзларининг олдида, бизга чикора!.. – дея мулозамат қилди.

Кайфияти аъло, чехраси очик ҳукмдор ортиқча такаллувни кутиб ўлтирмай, “раккоса” га эргашганча давра айланниб чарх ура кетди. Амирзода ургуштак<sup>1</sup> тепиб, муқом билан ўйнар, дам-бадам “раккоса” га қошларини учириб қўярди. Атрофда барча қарсак чалар, сурон авжда, ўйин завқи бамисли олам-жаҳонни ўз домига тортгандай эди.

– Офарин! Офарин! – сўлқиллоқ қўлларини кўз кўзлагандай баланд кўтариб қарсак чаларди амирзоданинг чаққон ҳаракатлари, чиройли ўйинларидан ҳайратда Мухаммад Жалд.

– Амирзода жойига ўлтирганда, бутун аъзои бадани, кўл-оёқ бўғинлари зиркираб оғриётганини сезди. Икки йил аввал унга шу “қора оқсоқ”<sup>2</sup> деган бало илашди. Баъзан шу қадар азобланар эдики, агар оёғингни ёки қўлингни кесиб ташлаймиз, десалар рози бўлгудай алпозга тушарди. Ҳозик табиблар муолажалари таъсир этмай қўйди. Фақат шароб ичса, сармастликдан барча оғриклар босилгандай туюлар, амирзоданинг жони ором оларди. Энг яхши дори шароб экан... Майхўрликка ружу қўйиши ҳам шундан, шекилини, буни ўзи ҳам билмай қолди.

– Шаро-о-об!.. Шаро-об келтур!

<sup>1</sup> Ургуштак – кадимги ўзбек ҳалқ рақсларидан бири (*муалл*).

<sup>2</sup> Қора оқсоқ – подагра касали (*муалл*).

Ахий Жаббор баҳодир амирзоданинг чап кўзини қисиб-қисиб гапираётганидан каттиқ мастилигини фаҳмлади. “Амирзодам ўzlари соппа-соғлар... – ўйлади Ахий Жаббор баҳодир ичидан. – Мастдай кўринадилар-у, эс-хушини йўқотмайдилар, айтган гаплари эсларидан чиқмайди. Кўлтиғидан олсангиз, ўzlарини гандираклаб оёқда туролмайдиган кўйга соладилар. Борди-ю кўйиб юборсангиз, йикилмайдилар... Амирзодамнинг бугунги тутумлари мутлақо бошқача. Уни шайтон ўзига оғдириб олганга ўхшайди... Худонинг ўзи инсоф берсун!..”

Ичкаридан чиқмаган келинчак ўрнига энди соқийликни бачча бажара бошлади. Бирданига кетма-кет икки коса ўткир шаробни сипқорган амирзода Қутбиддин Найийга буюрди:

– Шўхий! Чўли Ироқни-и<sup>1</sup>... ча-а-ал, Чўли Ироқни! Кўнгиллар ором олсун! Вазири аъзам ҳам эшитсунлар!

Замонанинг машҳур найчиси Қутбиддин Найий қамишни сайратганда кишилар беихтиёр оғаринга оғиз очар, ғаров найни лабига кўйганда, уд ва най пирлари асбобларини йиғиштириб, томошабин сифат бир четга чиқиб туардилар.

– Устод Қутбиддин найни нафас билан эмас, балки рух билан, жон билан чаладилар, тинглаган киши ўзининг юрагидаги азоб-укубатларидан халос бўлади. – деди Хожа Марофий унга тан бериб. – Най ўзининг сарвдай қоматини кўз-кўзла бадалар таратишга тушиб кетса, чанг тобелик кўргизиб жим эгилганча, унга эргашмай иложи йўқ, ғижжак ўз-ўзини тифлайди, уд бўйнини чўзиб унга қулоқ тутади, доира барининг ортидан югуриб қолади...

Қутбиддин Найийнинг бирон куйни чалишдан олдин албатта ё куй ҳақида, ё най тўғрисида, ё мусика оламидаги ғаройиботлардан нимадир айтадиган феъли бор эди, бу сафар ҳам одатини канда қилмади:

– Қуллук, қуллук!.. Ушбу найим ўз оламидан жудо бўлган бир ғариб-у бечорадур... эй ҳукмдорим! Ичи бўмбўш, ҳар қандай ғийбатдан холи, ҳамиша ошиқнинг нафасига муҳтож. Олтита кўзи бор, Улардан турфа нолалар

<sup>1</sup> “Чўли Ироқ” — Ироқ мақоми бош куй мавзуи асосида яратилган йирик шаклдаги мумтоз чолғу асар.

чиқадур. Бириңчиси – ишқимни, иккинчиси – нафратимни, учинчиси – шодлигимни, тұртингчиси – ғамимни, бешинчиси – орзумни, олтинчиси – армонимни ифода этурлар... Барчаси қүшилгандың күй яралур! Най – ошиқ рамзи... Мавлавий Жалолиддин Румий дерлар: “Тингла, най андок ҳикоятлар қилур, Айрилиқлардан шикоятлар қилур...” Қуръони каримдай әхтиромларға сазовор “Маснавий маънавий” шу сатрлар ила бошланур... Чунки най мусиқада сардорликни қўлдан бермай келадур...

Нағмасоз устоднинг қўлидаги найдан таралган майин садолар кўнгилларга бир малҳамдай тегиб, барчани сел килди. Чуғурлашган қушлар ҳам кўйга қулок тутишган, шекилли, тенглаша олмасликларини сезгандай, жимиб колишибди.

Ҳамма кўй сеҳрида тебраниб ўлтирар, хаёлда турли воқеалар жонланарди. Мироншоҳ Мирзо Султон Аҳмад жалойир қочиб йўқолган бедаво Ироқ чўлини эслади. Ўшанда бадкорни тута олмай доғда қолди, кўп ўтмай Шомда қўлга туширди, яна қочириб юборди. Худо хоҳласа, Мироншоҳ Мирзо яқинда ўзи бориб ашаддий душманлари Султон Аҳмад жалойирни, Амир Қора Юсуфни тутдиради ва ҳамманинг олдида калласини сапчадай узиб ташлайди!..

Ахий Жаббор баҳодирнинг эса Айбож ўғлон иккиси Карбало даштида жазирамада жизғанаклари чиқиб сув излаб саргардон кезганлари ёдига тушди, томоғи ташналиқдан куриб қақрагандай туюлди.

– Оҳ-оҳ!... Баракалла! – эриб кетди мутаассир амирзода, кейин буюрди: – Ғазначи! Устод Кутбиддин Найий елкасига зарбоф хилъат ёпилсун! Минг динор инъом этилсун!

– Қуллук! Қуллук! – кўзлари ёшланди найдининг. – Энди... касбимиз. Зарурати йўқ эрди, бизга илиқ сўзларининг ўзи катта сийлов, хукмдорим!..

Кутбиддин Найий шаънига тасаннолар янгради.

Мироншоҳ Мирзо навбатдаги косани бўшатди, пишқириб кафти билан лабларини артаркан:

– Ҳа-а-а... биламиз... биламиз... – деб қўйди. Май ва кўй таъсириданми, овоз қандайдир синиқ чиқди.

Амирзоданинг эрталабдан бери жиддий бир гап хусусида ўйланаётгани, ниманидир айтишга журъати етмаётгани сезиларди.

– Ҳа-а... – чукур тин олди у. – Биз ҳам ахир одаммиз, тоғдан тушғон эмасмиз. Девор бўлмаса, биз ҳам кўчани кўрами-и-из... Ҳо-ҳо-ҳо...

Хулокухон мулки соҳибининг ҳар лаҳзада кутилмаган қадамлар ташлашини билганларидан, ҳамма сергак тортди.

Хожа Марофий дуторини кучоклаганча, дастурхондаги нақшин гуллардан кўз узмас, Кутбиддин Найий ўзини найни артиб, ичини дикқат билан назардан ўтказаётган қилиб кўрсатар, Ҳабиб Удий созланган уднинг қулогини қайта-қайта бураш билан овора... Ёлғиз Абдулмўмин Гўянда хотиржам, не деркин, дея ҳукмдорга қараб турарди.

– Биламиз, биламиз... – Мироншоҳ Мирзо бирдан сархуш кўзлари билан Хожа Марофийни қидира бошлади.

– Лаббай, ҳукмдорим!

– Мироншоҳ Мирзонинг қўли мертилди, деб Тўхтамишхон муҳорабасига қўймадилар, бизни уғрукда, Ширвонда қолдирдилар... Тўғриму?..

– Тўғри, қўли мертилди, дейишди, ҳукмдорим!... Ширвонда қолдирдилар. Ўзим бордим-ку... – тасдиқлади Хожа Марофий.

– Бордингиз... бордингиз... Хотин-халажга қўриқчилик қилдук. Аёллар либосини киймадик, холос... Ҳе-хе-хе... Тўхтамишхонни Кундузча бўйида қочириб юборғон раҳматли оғам Умаршайх Мирзо, ўзи пошшозода қўлига киshan солмоқчи эди, насиб этмади. Ўшал юмушни амалга оширмокчи эрдим, чунки ёшлигимга бориб оғамни ранжитғон жойларим бор, айбимни ювмолчи, унинг ўрнида Тўхтамишхонни ўзим гумдон қилмоқчи эдим! Савобини оғамнинг руҳларига бағишиламоқчи эдим. Лекин йўл бермадилар. Ўқим ичимда қолди... Тўғриму?

– Жуда тўғри, амирзодам! – тасдиқлади амирзоданинг тикилиб турганини кўрган Ахий Жаббор баҳодир ғайри-ихтиёрий равишда.. – Йўл бермадилар...

—... Чунки йўл берсала-а-р... Мироншоҳ Мирзонинг обру́-эътибори ортиб кетиб, бошқалар унинг соясида қолур эрди... Ҳумоюн ўрдудан эса, аввалдан аниқ ва муайян белги-лаб қўйилмиш эрдики, Олтин Ўрда фатҳномаси валиахд Муҳаммад Султон номига битилғай деб! Тағин қадримиз садафдек камбаҳо бўлди...

— Ҳўрланиш бу! — деб юборди Қутбиддин Найий ҳукмдор илтифотини кутмасдан муносабат билдириб. “Камси-тиш!”, “Менсимаслик бу!”, “Катта ўғил ўз ўрнида бўлсинда!” — деган қўрқа-писа айтилган шивир-шивирлар ҳам кулоққа чалинди.

Мироншоҳ Мирзо худди инграгандай гапиради.

— Амир Соҳибқироннинг Мўғулистан хони Хизр Ҳожа-хон қизи Тукал хонимга уйланғонларида бизни тўйга айтмағонларини ҳам англаймиз... Ҳиндистон мухорабаси бошланди. Салтанатнинг барча ҳурматга лойик эрлари Ҳиндистонга жўнадилар. Биз... бормадик. Тўғриму?

Мироншоҳ Мирзо энди Ҳабиб Удийга қаради.

— Тўғри, ҳукмдорим! Сиз бормадингиз... — янгради Ҳабиб Удийнинг ингичка овози.

—... Куппа-кундузи одамни назарга илмаслик, топташ...

— Мироншоҳ Мирзо сўзларида алам оҳанглари сезилди. — Ахир биз ҳам падари бузрукворимиз шавкатлари деб неча йиллардирки, оёқларимиз чанг-ғуборларга кўмилганча юрибмиз-ку!. Яна салтанатнинг энг катта музофоти Ҳулоку-хон мамлакати сардори-ю қўшини бу мухорабага чорлан-мади... Нима, савашга бизнинг уқувимиз йўқму? Душманни зир титратувчи пахлавонларим борлигини билмайдурларму? Менинг жигартешар ўқлар отгувчи аскарларим, учқур чавандозларим йўқму? Жумла жаҳон олдида қадримизни шунчалар пастга урмак лозимму? Бас, офтобнинг нури барчага баробар тушмаётғонига ўзларингиз ҳам гувоҳсиз... Ҳеч ким мендай камситилмағон! Ҳўш... Камина ҳам Амир Соҳибқироннинг пушти камаридурмен, онам мени кўчадан топғон эрмас-ку?!.. Тўғриму?!

Мироншоҳ Мирзонинг гаплари аклли, паст-баландни чамалай оладиган, зукко инсон мулоҳазалари бўлиб, зинҳор

отдан йиқилиб миясига халал етган одамниги үхшамасди.

– Бағоят тұғри, улуг ҳукмдор! – маъқуллади амирзода таважжухини кутиб турған Абдулмұмін Гүянда. – Сиз Амир Сохибқироннинг энг қадри баланд улуғ фарзандидурсиз! Фарзанди аржумандидурсиз!

– Хүш, айтинг-чи, бу адолатданму? “Куч – адолатда” эмас – адолат күчда экан-да?.. – Күнгли қаттиқ лат еган, иззат-нафси койинган Мироншоҳ Мирзонинг фикрлари жиддий эди. – Бизни валиахд аташни-ку хаёлларига ҳам келтирмадилар...

Амирзода тағин шароб тилади ва нүқли таомсиз бир косани охиригача сипқорди. Ҳеч ким сўз демасди.

Бироздан кейин шундай ҳодиса юз бердики, бу нарса даврада ҳеч кимнинг етти ухлаб хаёлига келмаган, тушига ҳам кирмаганди!

Мироншоҳ Мирзо уч бор қарсак урди ва мулозимга, сарой муншийсини чақиришни буюрди.

Чаққон мулозим: “Мунший! Мунший жаноблари!” – дея ютуриб кетди. Кўп ўтмай, аждодлари қачонлардир элхонийлар саройида котиблик вазифасини бажарган, сал елкаси чиқиб қолган, олтмиш ёшлардаги тийрак кўзли, кўсасоқол мунший кўринди.

– Биз Амир Сохибқиронга бир дуои саломнома битдук... – деди Мироншоҳ Мирзо даврадагиларга, худди аҳамиятсиз нарса ҳақида гапираётгандек хотиржам оҳангда. – Мунший жаноблари, ўқусунлар!

Мунший қўйнидан сифатли султон қоғозига битилган мактубни олди-да, ҳорғин овозда ўқишига тушди. Мактубнинг даромадида, Амир Темур Кўрагоннинг етти иқлим шаҳаншоҳи экани, шавкатли салтанатнинг то абадият қадар бардавом этиши ҳақидаги одатий тилаклардан кейин, кутилмаганда, Сохибқиронга қуидаги ғалати сўзлар билан мурожаат қилинганди:

“... Ҳисобли бу дунёда умрингизнинг бир палласи огиб, ғуруб<sup>1</sup> нуқтасига яқинлашаётгени сабаб, вужудингизни

<sup>1</sup> Ғуруб (арабча; кунботар томон; кун ботиш вакти) – күёшнинг ботиш пайти.

ојкисзлик ва қувватсизлик ўз тўрига тушириб олдики, риёсат-у<sup>1</sup> сиёсат ташвишлари тобора сизга оғирлик қилиб бормакда. Қартайгон чоғингизда эгар қошини маҳкам тутиб, сарҳадма-сарҳад от йўрттириб юришлар энди сизга номуносидур. Жаҳон айвонидаги инсофли кишилар бундай ҳолатда шундай оқил йўл бошини тутадурлар, ки салтанат таҳтидаги соҳта фарогатни эрмас, бирон масжид тўрисида Биrubорга баҳшида сидқидил ибодатни афзал кўрадурлар, дунё юмушларини холи қолдириб, охират ишларига юз бурадурлар.

Аммо баъд: Шаддод мулкига эришсангиз, Фиръавн мартабаси оёғингиз остида бўлса, хазиналари қалилларини лак-лак одамлар кўтариб юрадургон гоят бадавлат ва зангин Қорун ҳам беҳисоб хазинангизга ҳаваси келса, Миср мамлакатини бўйсундуруб, Қуддуси шарифни забт этиб, ўт қўйиб юборгон Бухтанин аср олдингизда бош эгса, Рум қайсарлари, Яман туббаъ (подшо)лари, Чин фагфурлари, Эрон шаҳанишоҳлари, Ҳинд рожсалари гарданкашликни машлаб изингиздан юрсалар, дунёнинг устунига айлансангиз... бу устун... бир кун қулаши мумкинлигини билмайдурмусиз? Камолга етсангиз-у, унинг ниҳояси завол эрканни фахмламайдурмусиз? Наҳотки, гул-гул яшина бтургон ҳаётнинг сўнгги – ўлим, макони эса қабрлигини англамайдурсиз? Ахир бандасига бир савам пахтадан бўлган кийим, бир қултум сув, бир тўйимлик таом керак, холос. Аммо ўладургон кишига шу ҳам ортиқча эрканини кўрмайдурмусиз?..

Хайҳот, Нуҳ қаёқда-ю, Хизр-у Луқмонлар қаёқда? Оллоҳнинг зикрида төглар-у қушилар унга қўшилиб тасбеҳ айтувчи Довуд алаӣиссалому жамики инс-у жин, ҳайвон-у парранда олами подшоси Сулаймон алаӣиссалом каби пайгамбарлар-чи? Жаҳонгирлик даъвосида от сургон, Магрибдан Машриққача юртларга эгалик қилгон Искандар Зулқарнайн-чи?.. Машриқдан Магрибга от сургон Чингизхон-чи?.. Бас, набийлар саййиди, расуллар муҳри, ҳали Одам Ато сув билан тупроқ ўртасида тургонида пайгам-

<sup>1</sup> Риёсат – раҳбарлик килемоқ, маъносида (муалл).

*барликка муносиб топилгон Мұхаммаду мустафо ва Аҳмаду мұжтабо мақомидан ҳайратта туисунлар! Оллоҳнинг инояти бирлан рубъи маскуннинг Машриқ ва Мағриб томонлари унга насиб құлмиши, хазиналар очилиб, ернинг зоҳир-у ботин нарсалари аён күрінмиши. Малоикалар унинг лашкарларига айланмушлар, инс-у жиснелар, маҳлуклар, құрту құмирсқалар имон көлтирмиши, хусраву қайсаляр бир ойлик йұлда туриб, ундан титраб-қақшамишлар... Худои таоло уни деб, бу оламни яратди ва унинг жамоли нури билан мавжудотни нурағышон айлади. Ҳали ҳануз ундан шарафлироқ ва фахрлироқ зотни бу олам күрмабдур...*

*Бас, ўша анбиёлар, азиз-авлиёларга нигоҳ ташласунлар! Мұхаммад алаіхиссаломга назар солсунлар! Оламда энг шарафли ва фахрли зот, ўзи учун яратылғон оламга – фоний дүнёға ҳирс қўйдиларму?.. Унга ишондиларму?.. Кўнгил бердиларму?.. Қиё боқдиларму?.. Йўқ! Йўқ! Боқдилар, факат беписанд ва ибрат назари бирлан боқдилар!*

*Ана энди келдик мақсудга! Ҳазрат мардум устидан ҳукмронликка эга бўлдилар, адолат баридан тутдилар, ҳалқнинг гамини едилар, – лекин қўлларида ўт билан; баланд тоғ чўққиларида олий шон қасрлар қурдилар, бозлар қилдим, деб жар солдилар, лекин уларнинг умри қанча?.. “Гулишани ҳазойин” сандугини излайдурлар, топдилар ҳам дейлик, аммо бундан нечоғлик наф, ахир ундан иккитагина ҳарф соқит қилинса, “ҳазон” га айланишини билмайдурларму?*

*Шаддод бунёд эттурғон Ирам Зот ал-Имод шаҳри ёдларидаму? Ҳудонинг пайғамбари Ҳуд алаіхиссалом сўзларига қулоқ солмай, Шаддод Ер юзида Адан яқинида жаннатга ўхшашибинолари олтин ва кумушдан, қимматбаҳо тошлилар билан безатылғон шаҳар тиклади. Ортиқ меҳр қўйиб, ҳаволаниб, кибр-у гууррга берилғони учун ҳудонинг қаҳрига учради, шаҳар кучли бўронда қумга кўмилиб кетди-ку... Бас, уни кимса эслаб ўлтирибдирум?*

*Оллоҳнинг расули-ю мўмин-мусулмонларга нигоҳ ташлаб турсунлар, токи Ер юзида саъй кўргизиб, фасод келтириши учун ҳокимлик даъво қилғонлар сағиға қўшилиб қолмасунлар. Кибр-у ҳаво туфайли, Иблиснинг жаннатдан бадар-*

га этилгөнини унуттасунлар. Дунёга ҳирс қўймоқ, кибрға берилмоқ хатарликдур... Ҳеч қачон бандасига бундан яхшилик қайтмагон... Айниқса, ёш бир жойга бориб, белдан қувват кетиб, қўл қалтираб, рўшнолиги йўқ кексалик даштига қадам ташлагон сиздай муҳтарам зот бундог таҳликадан қанчалар иироқ бўлсалар, шунчалар мақбул иш бўлур. Сал кам ўттиз йил Турон таҳти маснадида ўлтириб-дурсиз. Йигирмадан ортиқ юртни мусаххар айладингиз. Дунёга ҳирс қўймак, кибр-у ҳавога берилмак бундан ортиқ бўлмас. Расууллоҳ бундоқ ҳирсладан, кибр-у ҳаволардан иироқ эдилар! Унинг ёронлари ўзлари бир нарсага муҳтоҷож бўла туриб, ўзга бир кишининг ўшал нарсага муҳтоҷслигини юқори қўйдилар-а!..

Имоннинг ярми сабрдур, ярми шукрдир, ҳикматига риоя айлаб, шукр айламаклари жоиз: зурриётингиздан аллақачон раоё ва бароёни, элу улусни, юртни, қўшин ила лашкарни идора эта олгувчи оқил инсонлар элнинг қўз ўнгида расида чинорлардай камолга етиб, бўй кўрсатиб турибдурлар... Бас, энди инсоф юзига боқиб, Турон таҳтини, салтанат тизгинини уларга раво кўрсунлар. Бу дунёга ҳирс қўйши эрмас, балки унга беписанд ва ибрат назари бирлан боқиши ўrnаги бўлгай... Жаноби пайғамбаримизга ибрат нарса, умматларига раво эрмасму? Жаҳонларни титратгон Ҳуло-кухон мулкида ҳам душманлар додини бера оладурғон қурч лашкар бордур, баҳодирлар ёвқур, қиличлар ўткир, шамишлар кескир, тулторлар учқур... Гарчи падари бузрукворимизга қурол қўтариши оғирдур, аммо дунёга ҳирс қўяр дара-жасда гуноҳи азим эмаслиги қунглимини бироз овунтирадур... Илоҳи, шундай кунларни бошимизга солмагайсен...”

Жойига боғлаб қўйилгандай қилт этмай ўлтирган давра-дошлар шаккокларча ёзилган мактубдан бениҳоя ҳайратга тушдилар! Кўплар ичиди қаттиқ ғазабга келди. Мироншоҳ Мирзода мастилкдан нишона ҳам йўқ, авзоида падари бузрукворига нисбатан беҳурматликдан орланиш ёки хижолат бўлиш излари ҳам қўринмасди. Барчанинг дикқатини ўзига микнотисдай<sup>1</sup> тортиб олган амирзода, худди мактуб

<sup>1</sup> Микнотис (грекча) – оҳанрабо, магнит (муалл).

нечоғлик таъсир этганини билмоқчидай, синчковлик билан қаттиқ тикиларкан: “Мақбулму?”, “Мақбулму...” деб сұрап, тасдиқ жавобини олгач, бошқасига ўтарди. Ҳеч ким сүз айтмас, фақат бош тебратарди. Кайфи тарқаб кеттган вазири аъзам амирзоданинг ақл бовар қилмас шаккокларча шижоатини кўриб ҳайрон-у лол бўлиб қолди. “Худо сақласун!” деб пичирларкан, берилган саволга: “Ҳа!..” дея олди, холос.

Хожа Марогийдан кейин, амирзоданинг назари Ахий Жаббор баҳодирда тўхтади.

“Хумоюн ўрдуга нисбатан хусуматлари ҳам борми дейман... – кўрқиб кетди Ахий Жаббор баҳодир. – Йўғ-е! Ахир Хумоюн ўрду дегани – Амир Соҳибқирон дегани-ку! Амир Темурга хусумат – Оллоҳга хусумат қўргизишдек гапку! Ё раббий! Ахир Амир Соҳибқирон эшитсалар... нима бўлади?.. Йўқ! Йўқ! Бу, албатта, ношуқрчилик белгиси! Худонинг ҳам ғазабини қўзгайдур... Отдан йиқилишлари бежиз эмас, шекилли, бари ўша баҳтсиз ҳодиса аломати..”

– Баҳодир жаноблари!

– Амирингизга мунтазирдурмен! – дарҳол қўл қовуштири Ахий Жаббор баҳодир.

– Навкарларингизни олиб, Ҳиндистон сари мутаважжух бўлғойсиз! Ва... ушбу мактубни ўз қўлингиз бирлан Амир Соҳибқирон ҳазрати олийлариға еткурғойсиз!

– Бош устига!.. Нима?.. А... бешак-шубҳа!

Еткургоймен!.. – ғайришуурый тарзда жавоб берди Ахий Жаббор баҳодир.

У Мироншоҳ Мирзо тутумларидан озор чекди, Соҳибқирон шаънини ўйлаб, дили оғриди, жавоб бермоқчи ҳам бўлди. Аммо ахийлик шарафи бунга йўл қўймади. Чунки, ахийлик шартларидан бири, ўзгалардан нечоғлик озор-у қаттиклик тортсанг-да, чидамоқдан иборатдир...

Негадир шу палла боғда қушларнинг чуғур-чуғурлари ҳам тўхтаб қолган, фақат боғ девори ортидан, анча наридан қандайдир эшакнинг дам-бадам ҳанграган овози эшитиларди.

## ИИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

### I

Хонзода хоним қайин отаси Амир Темурнинг Ҳиндистон сафаридан тезроқ соғ-саломат қайтишини Оллоҳдан тилаб кун ўтказади. Маҳди улё Сароймулхоним ўз мактубида Ҳиндистонга отланган кўшин сафида беш яшар Улуғбек Мирзо иккиси Кобулгача борганлари ва сафарнинг андозага сифас вазияти, ўзга эллар об-ҳавоси маҳди улё ҳамда подшоҳлик чаманининг гули Улуғбек Мирзога ноҳуш таъсир ўтказиши мумкинлиги назарда тутилиб, у ердан Самарқандга қайтариб юборилганлари ҳакида ёзибди. Ҳамма нуфузли амирлар, беклар, баҳодирлар ўша ерда экан.

Кутилмаганда, кўнгилсиз ҳодиса рўй берибди. Амир Соҳибқирон ўша Ҳиндистонда қандайдир қалъага кирмоқчи эканларида, болохонадан бир малъун қасддан ҳазратга ўқ узибди! Худонинг кудрати билан, ўқ овозини эшитган Соҳибқироннинг зийрак тулпори ҳуркиб кетиб, соҳибини олиб қочибди! Хайриятки, ўқ тегмабди... Хонзода хоним мактубнинг шу жойларини ўқиганда, беихтиёр: “Вой!” деганини билмай қолди ва “Худо сакласун! Худо сакласун!..” деб қўйди. У ҳаётини суюнчиғи, таянчи, ота ўрнида отадан-да улуғ зот бўлиб қолган Соҳибқиронсиз ҳеч тасаввур қилолмас, бу ҳақда ҳатто ўйлагиси ҳам келмасди. Оққиз бегим билан бу борада кўп гаплашишган.

Бир ҳафтадирки, канизак Оққиз бегим қандайдир дардга чалинди. Ранги синиқсан, гапирмайди, факат ерга қарайди. Уҳ торгади, холос. Маликанинг Соҳибқирон-у маҳди улё, фарзандлари Муҳаммад Султон билан Халил Султон ва канизаги Оққиз бегимдан бошқа яқин одами йўқ. Отаси Оқ Сўфи, онаси Шакар бикалар эса оламдан ўтганлар, хозир жаннатда кезиб юрибдилар...

Ашпарада яшаетган Муҳаммад Султон билан Соғинч бикаларга жавоб мактубини ёзишга икки кун вақти кетди. Ҳарамда қадр талашиб бир-бири билан кирпичоқ бўлиб юрган кундошлари Қораҷар нўён авлоди Давлат Келди бика ва Суюргатмишоннинг чиройлигинага қизи Ўрин Султон

хоникаларни ёнига чорлаб яраштириб кўйди. Жанжал яқинда ўғил кўрган Давлат Келди биканинг бефарзанд Ўрин Султон хоника шаънига даврада бехос айтиб юборган “тұғмас”, “бепушт” деган сўзларидан чиқибди.

Хонзода хоним Чаманбоғнинг деворлари нақшланган меҳмонхонасида ўлтиаркан, мулозимга шитоб канизакни ёнига чорлашни буюрди. Ҳарир парда ортидаги деразадан узоқдаги тоғлар кўзга ташланар, оппоқ қорга чулғанган энг баланд гўзал “Қиз сийнаси” чўккиси офтобда ҳамишагидадек, оқдан-да оқ, улуғвор яраклаб турарди.

– Қачондан бери ичингдагини менга айтмайдурғон одат чиқардинг, Оқ?..

Оққиз бегим ўлтиаркан, ерга қараганча индамади.

– Лом-мим демайсен-а! Индамасанг, ёрилиб кетасенку? Афти-ангордингга қара, озиб-тўзиб боряпсен... Не бўлди ўзи?

Канизак бирдан Хонзода хонимнинг тўлғин кўкрагига бошини кўйганча хўнграб йиглаб юборди.

– Ҳай-ҳай!.. Бир-икки ҳафта ичидаги феъл орттирибсен... Аввалги сафар ҳам йифи билан қутулдинг. Ўла қолинг... – малика дугонасининг бошини майин силаб, юпатишга тушди. – Бойинг жангга жўнағонига шунчаму? Дарров согиндингму?.. Ўлинг сиз...

Қирқларни қоралашган малика билан канизак ўзларини ҳануз қизлик замонларида гидек иноқ, аймоқи тутишарди.

– Йўғ-е... ундей деманг-е... соғиниб ўлибманму?.. – уялиб деди пиқилларкан Оққиз бегим. – Бойим... Бойим... маликам...

– Ҳиндистон муҳорабаси ҳам тугаб қоладур... Муждалар бор, – давом этди малика. – Қарагин: ўғлим Халил Султон филга қарши жанг қилибди! Тоғдай филни етаклаб, ҳазрат қошига олиб келибди! Ўн беш яшар йигитча-я!.. Лашкарбошилар-у навкарлар тан беришибди. Энди бу ёғини эшит: маҳди улё Самарқандда Боғи Чинорда мушкулкушод ўтказибдурлар. Уч кун олдин Ўрин Султон хониканинг мушкулкушодида бўлдук... Эртага биз ҳам қилайлик. Ол-

лоҳ күшойишини<sup>1</sup> берсун. Ҳаммани чорлат, амирзода ҳарами Давлат Келди бика, Нигорбону, Фоҳира бика, Рух Парвар, Давлатбаҳтларни айтдир, канизаклар ҳам эсдан чиқмасун. Илохи, дуои фотиҳаларимиздан Ҳиндистон жангида Амир Соҳибқирон мушкуллари осон бўлсун, дейман. Уқдингму?

– Уқдим, маликам... – йиғламсиради Оққиз бегим.

– Хўш... Бойингга нима бўпти? Энди гапир-чи... Кела-дур бойинг... Бир бойингни яхши кўрасен-е... Нима, касалмусен?

– Йўқ, йўқ, соппа-соғмен, маликам, худога шукр, соғмен... Фақат бойим... Бойим... – ниманидир айта олмай қийналарди, кўз ёшларини артаркан Оққиз бегим. – Маликам...

Хонзода хоним: “Хўш... айтавер!” дегандай шаҳло кўзларини канизакка тикди. Оққиз бегим ўнғайсизланганча деди:

– Бойим... жангга кетмадилар... Амир Соҳибқиронга Мироншоҳ Мирзо жаноби олийларининг мактубини олиб кетдилар, холос...

– Мамлакат султонига совға-саломлар юборғонда, унга мактуб ҳам қўшиб қўйиш ҳукмдорлар одатидур... Шунга шунчаму?

– Ҳамма бало шунда, маликам... – кўз ёшларини артаркан, Оққиз бегим ерга тикилди. – Бу мактуб... Эҳ, маликам, сиз жуда ҳам соддасизки, кўз олдингиздаги воқеаларни ҳам кўрмагандай ўтираверасиз...

– Нималар деяпсен? Нималарни кўрмабмен? Ўла қолинг, доно бўлмай!.. Юракларни қон қилиб юбординг-ку?! Аниқ-аниқ гапир!..

– Мени кечиринг... Сизни қийнаб қўйдум...

Оққиз бегим тортина-тортина ҳикоясини бошлади.

.. ўн беш кун аввал Ахий Жаббор баҳодир Боги Эрамдаги базмдан бир аҳволда қайтди. Сархушлиги йўқ, лекин маст одамга менгзарди. Ёнида шайланган қирқ аскар...

<sup>1</sup> Күшойишиш (форсча; очиш, очилиш; ҳал килиш) – бирор кийин ишнинг осон ҳал бўлиши, енгил битиши.

“Қаёкқа, хожам?..” – сұради жон ҳолатда хотини.

“Хиндистон мұхорабасига бормакдаман...”

“Худо шундай шарафға мұяссар этибди. Валинеъмат Сохибқиронга хизмат айламак күнглингиздаги эңг ёруғ орзунгиз-ку ахир! Орзунгизга етибсиз...”

“Шундай... шундай-ку-я... Айтайми, айтмайми...  
Билмайман...”

Канизак ҳеч қачон бойини шундай кепатада күрмаганди.

“Ниманидир мендан яширяпсиз-а...”

Ахий Жаббор баҳодир ўйга чўмди.

“Яширмайман, яширмайман! Мени телба десалар, ишонавер! Мен ҳозир ўзи билмай елкасига оғир юк ортиб олган, юкни ташлаш иложи бўлмаган, кўзланган манзилга элтиш имкони эса йўқ бир шўрликнинг ўзиман... Шамолда қолган хасдекман – на бир жойда тура оламан, на шамолга қаршилик қила оламан!..”

“Вой, қўркиб кетяпман...” – титраб чиқди овози Оққиз бегимнинг.

“Йифлама! Бир бошга бир ўлим. Икки ўлим йўқ. Кулок сол: жангга кетаётганимдан маъюс эмасман. Такдир ўзгача йўл тутди... Амирзода Мироншоҳ Мирзо... Сохибқиронга бир мактуб элтишимни буюрдилар...”

“Мактуб?.. Кўкарчин билан юборар эдилар-ку?..”

“Йўқ, капитар мактубнинг нималигини агар билса, элтишга сира рози бўлмасди... Эҳ, мактуб... ҳозир кўйнимни куйдиряпти... унда ножӯя, андишасиз сўзлар кўп, жуда ноxуш иборалар бор, сен картайдинг, энди масжидга бориб намозингни ўки, тахтни болаларингга бер, деган...”

“Нима? Нима?!.. Вой!.. Шунақа дейиш мумкинму?”

Оққиз бегим машъум мактубнинг бутун мазмунини маликага қандай эшигтан бўлса, шундай ҳикоя қилди...

“... Қурол тутиб, қўшин тортиб бораман, дейилган. Базмда ҳаммага ўқиб берди ва тасдиқлатиб олди... Аниқ билдимки, мияси “кирди-чиқди” бўлибди. Атай ўқиди, ўзини хукмдорлигини, ҳеч нарсадан ҳайиқмаслигини кўрсашиб кўйиш учун ўқиди. Шу мактубни Сохибқиронга олиб

бориш менга топшурдилди! Бундан кўра тоғни ортмоқлаб элтиш осон эрди менга...”

“Мактубни не юз билан топшурғайсиз, хожам?”

“Буни Оллоҳ биладур...”

Ҳанг-манг Оққиз бегим, нима учун шундай нохуш мактубни Улуғ Амирга етказиши унинг бойига топширилади, нимага шундай мактуб битилди ўзи, амирзоданинг ўзбoshимчаликлари қачон йўқолади, бунга худонинг ҳам айтгани бормикин ва ҳоказо қўп нарсаларни сўрамоқчи эди, вақт зиклигидан иложсиз қолди. Ташқарида ошиқкан аскарлар кутиб турар, отларнинг сабрсиз ер тепинишилари эшитиларди.

“Бу дунёда ким нима экса, шуни ўради. Бошига тушганини ёлғиз ўзи кўради...” – деди Ахий Жаббор баҳодир.

– Олти кун бўлди бойим жўнаганларига... Шундан бери менда уйқу йўқ... – Оққиз бегим йиғламсинди. – Маликамга не юз била рўбарў бўламан, ёмон хабарни қандай айтаман, не дейман, нозик кўнгилларини қийма-қийма қиласман-ку, деб ўйларга ботдим... ботдим... Чакирсангиз ҳам қошингизга келолмадим... Кечирингиз!..

Хонзода хонимнинг тили боғланиб қолди, беномус шавҳарининг тутумидан ғойибона Соҳибқирон олдида хижолат чекди, мактубни ёзишда малика бирон жўяли кенгаш беришга ҳам ярамабдур-да, демайдурларму, деган ва яна кўнгилсиз алланималардир хаёлидан кечди.

– Вой, бетавфикс!.. Вой, бетавфикс!.. – деб юборди ниҳоят Хонзода хоним даҳшатнинг тагига чукурроқ етиб. – Бу Ҳазратга... қўл кўтариш-ку, Оқ! А?.. А?.. Вой, худодан қўрқмағон!.. Ноинсоф! Имонини ютғон беҳаё! У... У... одамму?!.. У... У... Оҳ... О-о...

Хонзода хоним бирдан ўзини билмай ҳушидан кетиб ииқилди.

– Маликам! Маликам!.. – дерди шўрлик канизак унинг атрофида гирди капалак бўлганча...

## П

Хонзода хоним куни билан ўзига келмади. Кеча-кундуз ҳақ деб тикилиб ўлтирган Оққиз бегим, эртасига тонгда маликанинг мижжалари сезилар-сезилмас қимиirlай бошлаганини кўрди. Кувониб кетди. Шахло кўзларини очиб атрофга боккан Хоразм маликаси бехолгина:

– Мен... қаердамен?.. – деб сўради.

– Хобгоҳдасиз<sup>1</sup>, айланай маликам! – тўликиб

кетди Оққиз бегим унинг оёқларига бошини кўйиб. – Хобгоҳдасиз! Мехмонхонадан бу ерга кўчирдик... Кўркитиб юбордингиз-ку?.. Нақ саккизта малика туғдим-а!.. Айтмайин дедим-а...

– Менга нима бўлди?

– Кечадан бери бехуш ётибсиз, маликам...

Хонзода хоним тагин кўзларини юмди. У ўтган воқеаларни эслашга тиришди.

.. Агар мактуб етиб борса... етиб борса... Амир Соҳибқироннинг назарлари тушса... ўқисалар... Йўқ-йўқ, у холда олам остин-устин бўлиб кетади-ку! Худонинг ўзи асрасун...

Мижжа қокмаган Оққиз бегимнинг ғафлат босиб кўзи сал илинганд экан, уйку орасида шундай сўзларни эшилди:

– Оқ... Оққиз?..

– Жоним маликам! Шу ердаман... Шу ердаман...

– Амирзодам... мени йўқладиларму?

– Йўқ, маликам... Ҳеч ким сўрамади...

– Шунака дегин? Сўрамади... сўрамади... Ҳа... Керагимиз йўқ, шекилли...

Хонзода хонимнинг шахло кўзлари катта-катта очилди, қирмизи лаблари нозик титради. “Сўрамади... – деб ўйлади аламда. – Ҳеч бир қиликлари одам боласига муносаб эрмас.

... Ҳаммасига тишимни тишимга кўйиб чидаб келаётғон эрдим, бирон гап чикса, Соҳибқирон эшилсалар, уят бўлади, деб... Лекин энди чидаб туролмаймен! Чидаб туролмаймен! Мен-ку, майли, аммо Амир Соҳибқиронга нисбатан андисизлиги тўкилай деб турган сабр косамни тамом тўлдир-

<sup>1</sup> Хобгоҳ – ётоқхона (муалл).

ди! Бу кўрнамакликнинг ўзи-ку! Барини айтишим керак, Амир Соҳибқирон билишлари керак!..”

Қаттиқ газабга келган, ўқинч-у надоматлардан ўтга тушган қилдек тўлғонган Хоразм маликасида қандайдир шиддат пайдо бўлди! Қани, Мироншоҳ Мирзо билан яна бир учрашсин, адолат-у инсофга чакирсын... Балки бари хатодур, тузатилар, Соҳибқиронга бориб айтишга ҳам эҳтиёж қолмас...

Худди шу кунларда Султонияга Амир Темурнинг зафарқарин лашкари Ҳиндистон муҳорабасидан Самарқанди фирмавсмонандга қайтаётгани ҳақида хабар етди. Ҳинд мамлакатининг Катур, Батнир, Дехли, Лаҳовар, Кашмир каби кўп вилоятлари забт этилибди. Энди маликага гапни бошлишга яхши сабаб бор, амирзодани салтанатнинг улкан музafferияти билан қутлайди, кейин ўз мақсадига ўтади...

Чаманбоғдан саройгача уч чакиримча йўл бор эди. Хонзода хоним, Оққиз бегим ва яна уч канизак, уч маофада хос лашкар ва ясовуллар кузатувида, ҳавонинг авзои бузуқлигига ҳам қарамай, маҳобатли миноралари кўр тўйкан саройга қараб йўлга чикди. Олдинда илғор икки қоровул-навкар йўл “очиб” борар, орқада хос навкарлар кузатиб келарди.

Сарой олдидаги майдонда одам кўп, ҳамманинг оғзида “Ҳиндистон”, “Ҳиндистон” калимаси... Кимдир Дехлида бўлган жанг ҳақида оғиз кўпиртириб сухбатлашар, бошқа бирори Соҳибқирон шавкатидан сўз очар, барчада ҳайрат аломатлари сезиларди. Шу пайт майдоннинг чап томонида узоқдан келган ўн чоғлик киши гижинглаган отларидан тушишди, чамаси, улар ҳукмдор ҳузурига киришмоқчи эди.

– Амир Соҳибқирон Ҳиндикушни ошиб ўтиб, баланд қоядан кўрқмай кажавада ерга тушибди-я! – маъкулларди сўзини улардан бири ёнидаги одамга.

– Яшшаворсинг-е! Шунинг учун Соҳибқирон-да! – мактаб кўйди шериги ҳам.

– Биласизларму, набиралари амирзода Пир Муҳаммад Соҳибқиронга шунчалар кўп совға-саломлар олиб келиб-дики, котиблар дафтарни уч кундаям ўқиб тугатолмабдилар!

– деди учинчи одам.

– Вой-бўй! Эҳхе!.. – эшитилди навкарларнинг ҳайрат овозлари.

Нарироқда ота-бола ўртасида шундай сухбат кечарди:

– Шайх Нуриддин баҳодир-чи, ўғлим, йўлбарс билан олишиб, нақ бурнига буров солибди! Мана шундоқ килиб солибди-да! Ҳа, у чиндан ҳам баҳодир! Кўшинида сипоҳлик қилганман! Сен ҳам баҳодир бўл, илоҳи! – уқтиради ота ўғлига.

– Оллоҳ буюрса... – деб қўярди ўғли хотиржам.

– Пў-ўшт! Ҳашматмаоб малика Хонзода хоним жаноби олиялари келмоқдалар! Пў-ўшт!.. – қичқиришди ясовуллар.

Ҳамма эллик қадам нарида саройга яқинлашаётган ҳаворанг маофа томонга ўгирилди. Одамлар шоша-пиша ўзларини четга ола бошладилар. Хоразм маликаси сарой эшиги олдида канизаклар кўмагида маофадан тушди ва мағрур саройга қараб юрди. Ясовуллар сассиз тисланиб йўл бердилар. Юзига ҳарир парда тутган Хонзода хонимнинг дадил қадам отишида қандайдир шижаат, викор ошкор эди.

Кўкда ёмғирга тўйинган, чақмоқлар тўқнашувидан йиртилиб, чок-чокидан сўкилиб увадаси чиққан қора булатлар нимадандир норизодай лапанглаб у ёқдан бу ёққа тентиб юрарди. Офтоб булатлар орасидан кўз ёрган ярадай маюс кўриниб турарди. Малика саройнинг нариги тарафидаги амирзода меҳмонхонасига қараб йўналди.

Мулозим Мироншоҳ Мирзога улуғ малика ташриф буюраётгандлари ҳакида хабар берди. Амирзода гўзал маъшуқа билан шакаргуфторлик килиб ўлтиради. У ижирғанди, тахтдан тушиб, меҳмонхонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Навниҳол маъшуқа ҳам саросимада жойида туриб қолди.

Амирзоданинг катта малика билан сира гаплашгиси йўқ, чунки ундан фактат аччиқ, заҳар-закқум гапларни эшитиш мумкин. Олти ойдирки, амирзода улуғ малика хобгоҳига қадам босмаган... Факат у эмас, ўзга маликалар ҳам шундай кисматга дуч келганлар. Одатда, у Амир Темур мисоли ҳафтанинг маълум бир кунини бир маликага бахш

этар, пайшанба ҳамиша Хонзода хонимни эди. Аммо навниҳол, янги очилмокчи бўлган хушбўй гулчечаклар турганда, амирзоданинг япроқлари сўлий бошлаган райхонларни ҳидлашга фурсати топилмасди...

Мироншоҳ Мирзо бирдан ташқарига йўналди. Эшикни энди очиб чиқаётганди, шахдам кириб келаётган Хонзода хонимга кўзи тушди ва беихтиёр ортга тисарилди.

– Ие?.. Келсунлар... Келсунлар, маликам! Ие! Нечук шамоллар учирди?..

Хонзода хоним сассиз ичкарига қадам қўйди, анграйган маъшуқага шундай тикилдики, шўрлик ўқ теккан оҳудайchorасиз ҳолга тушди, ортиқчалигини сезиб, оҳиста юриб чиқиб кета бошлади.

– Салтанатнинг улуғ зафари билан муборакбод этамен, амирзода жаноблари... Абулмансур Абулмузаффар Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари Ҳиндистон мамлакатини мусаххар айлабдурлар! – чертиб-чертиб гапирди Хонзода хоним. Фазаб руҳига чулғанганидан жиддий чехраси бағоят гўзаллашган эди маликанинг. Мироншоҳ Мирзо худди ilk марта кўраётгандай тикилиб қолди:

– Ҳа-ҳа.. Мусаххар айлабдурлар... айлабдурлар...

– Амир Соҳибқиронга мактуб юборғон эмишлар... Эшитдик... – гапничувалтирмай индаллосидан бошлай қолди Хонзода хоним. – Шундок мактубни улкан муҳораба маҳали, Ҳазратнинг бутун ўй-хаёл жанги жадал билан банд бўлиб турғонда жўнатиш лозиммудур?

– Юборғон эрдик... – кўзлари қисилди амирзоданинг. – Хўш? Нима бўпти? Осмон узилиб ерга тушибдиму?..

– Оҳ-ҳо! Узилиб тушса арзийдиям! – тап тортмай тик қаради малика. – Шундай мактуб ёзишга қандай журъат этдингиз? Қандай қўлингиз борди? Қандай ҳаддингиз сигди?..

– Пушти камарларидурбиз. Журъатимиз ҳам Соҳибқирондан... Ҳаққимиз ҳам бордур, ҳаддимиз ҳам сиғадур... – хотиржам жавоб қилишга тиришди амирзода. – Керак бўлса, ўпка-гинамиз ҳам етарликдур...

– Асил фарзандлар мўътабар оталари гарданига бундай

маломатларни ортмайдурлар... Айникса, ўзлари дай фарзанди аржуманддан шундай тутумни кутиш... таҳлика-ликдур. Катта ўғилдурлар...

– Гапирсунлар, гапирсунлар! Бизга завжа эрмас, она мақомидалар-ку... ёшлари улуғ... Насиҳатларига мушток-дурбиз... – кесатди амирзода.

– Ёшимнинг не алоқаси бор? Вой худо, доим шундай ёшимни юзимга соласиз... Бутун умр бўйи шунака...

Мироншоҳ Мирзонинг ҳам сабр косаси тўлиб бора дри.

– Рост дедилар... Катта ўғилдурбиз... катта ўғил... – мазахомуз жилмайди у. – Шунинг учун ҳам отамизнинг муazzам салтанатида итнинг кейинги оёғи бўлиб юрибдурмиз.

– Ие! Ҳай!.. Уят бўлади-я! Соҳибкiron фарзанди шаънига ярашмайдурғон сўзларни гапирмангиз!

– Ана энди келдик мақсадға! Ярашадурғон сўзлардан дейинму? – пешонаси тиришиб, кўзлари чақчайди амирзоданинг. – Дейинму?.. Катта ўғил эмиш! Ҳамма замонларда ҳам шундай расм-русум борки, уни ҳеч қандай хоқон, шаҳаншоҳ, подшо ўзгартирғон эмас, буни ўйламағон ҳам! Агар подшо таҳтга минса, валиахди, албатта, катта ўғил ҳисобланадир. Бу коида фақат Турон салтанатида ботил<sup>1</sup> бўлди, фақат Турон салтанатида! Катта ўғил ҳали ўлмағон эди, куппа-кундузи набира валиахд деб аталди...

– Подшо амри ҳамиша вожибдур. Бу ёлғиз Улуг Амир ихтиёри доирасидаги юмуш... Киши дахл қилолмайдур.

– Даҳл қилмасбиз... Зор жойимиз йўқ! Аммо бир фарзанд сифатида қадримизни ерга уришларига ҳам жим қараб туролмасбиз!

Хонзода хоним киноя аралаш деди:

– Ҳа, жим қараб турмадилар, бу ҳаммага аён: ҳазина топамен деб, Султония билан Табризда, Қазвин-у Зинジョンда осори атиқа иморатларнинг барини қўпордилар, вайрон этдилар, бир дирҳам ҳам бойлик чиқмади. “Мироншоҳ Мирзо ҳеч нарса қурмади, фақат энг аъло осори атиқа иморатларни бузишга фармон берди!”, деган ном қолди...

<sup>1</sup> Ботил (арабча) – бузилган, бекор қилинган, маъносида (муали).

Табризда Гозонхон вазири, муаррих Рашидиддин макбара-сини буздириб, сүякларини қазиб олиб жухудлар<sup>1</sup> мозорига кўмдирдингиз... Бироннинг мозорини бузиш оқил инсоннинг тутумлари эрмас-ку? Ўз вактида айтғон эрдим....

– Шубҳасиз, сиз ҳамиша айтасиз, бу ёқдагилар адo этишлари лозим! Билсангиз, кофирларга бетма-бет ғазот қилдум, тириги-ю ўлигини йўқотиш гозийлик шарафидур! Мақтovларга лойик юмушларим бор, шунинг ўзи хазиналардан ортиқдур!..

– Ҳа... хазина қидириб, ҳеч қайдан топмадилар... – қизиша бошлади энди малика. – Аламига салтанат хазинасининг ўзини курутдилар... “Ду данга” деган раиятдан олинадургон солиқнинг неча йиллигини, яъни мол, динору дирҳамларниким, девони аълои хоссага, Амир Соҳибқиронга тааллукли эрди, доруссалтана<sup>2</sup> Самарқандга жўнатиш ўрнига, ҳеч гумонга бормай, бир-бир олиб харжлаб юбордилар... Қўрқиб турғон эрдимки, вазири аъзам тафтиш этғонда аён бўлиб қолмаса деб...

– Эҳ-ҳа... Пойтахтдан келганидан кутулдим десам, сизнинг тафтишингиз ҳам борму ҳали? Ҳаммасини билиб, кузатиб юргон эканлар-да? Бас қилингиз!

– Бас қилмаймен! – Хонзода хонимнинг ўжарлиги тутди. – Халил Султон ўғлимиз келсун, Ҳиндистонда жасорат билан филни тутиб ҳазрат олқишиларини олибдур! Менинг сўзим ўтмаса, ўглимизнинг сўзи ўтар...

– Ўтса сизга ўтадур... Халил Султон менинг ўғлим эрмас!

– Ҳай!.. Ие! Вой! Бу нима деганингиз?.. Бу нима деганингиз, деяпмен? Жавоб берингиз! Сизнинг ўглингиз бўлмаса кимники бўлади?.. Вой худо, бу қандай тухмат ахир?.. – фифони чиқди маликанинг.

– Халил Султон... белимиизда асрағон бир қатра дурдан пайдо бўлғон, хонимойим меҳри тафтида вояга етғон... Маҳди улё ўстирғон ўғил менини бўладирму? Султонияда бир кун ҳам яшамағон... Йилда бир кўрсак, кўрамиз, эмаса

<sup>1</sup> Жуҳуд – яхудий.

<sup>2</sup> Доруссалтана (арабча) – султон пойтахти, олий ҳукмдор қароргохи.

йўқ... – Мироншоҳ Мирзо инграб юборди. – И-и-им!.. И-и-им!.. Камситилишлар, иззат-нафснинг ерга урилиши... Онамиз эрта ўтиб кетиб, меҳр туймай, етим ўғонмиз. Маҳди улё Сароймулкхоним меҳрларидан ҳам бенасиб қолғонмиз. Навозиш-у тарбиятлар, меҳрибончиликларни бизга эмас, бошқа амирзодаларга, набираларга қилдилар, килаётирлар... Ҳаммани ўз қанотлари остига олдилар, аммо у ердан биздай етим жўжага жой топилмади...

Мироншоҳ Мирзо бўғимларининг зирқираб оғриётганини сезди. У мағрур чап томондаги нақшинигор жавон ёнига борди-да, эшигини очиб, чинни қўзачадан катта пиёлага шароб қўйди ва намойишкорона сипқорди.

– Мана, Дехлида ҳам хутба аҳд-у замон подшоҳи Амир Темур Кўрагон ва вали ул-аҳд шаҳзода Муҳаммад Султон номлари билан зийнатланди. Ҳали Ҳинд фатҳномасини ҳам ўғлим Ҳалил Султон номига ёздирсалар, ҳеч ажабланмаймен! Жумла жаҳон олдида ўғлини қўкларга кўтариш отани тупрокқа қоришдан бошқа нарса эмас!

– Вой худо!.. – ҳайратдан лол қолди малика.

– Ҳа, маликам... Амир Соҳибқирон сизни жуда ардоқлайдилар... Жавоб беринг-чи: завжам эрурсиз, валинеъмат Соҳибқиронга, менинг қадримни қўтариш лозимлигини, камситилаётғонимни ҳеч айтдингизму?

– Нега камситилар экансиз? Англамадим...

– Англамадингизму? Билиб қўйингиз: қўлимнинг салгина шикастланғонини баҳона қилиб, Тўхтамишхон муҳорабасидан дариф тутдилар... Манамен деган жўмардлар Дашиби Қипчоқ майдонларида от сурғонларида, ўзингиз шоҳидсиз, Ширвонда уғрукда хотин-халажга қўриқчи бўлдим. Соҳибқироннинг ўғли – заифаларга қўриқчи! Хо-хо-хо!..

– Нега ундоғ дейсиз? – оғринсинди Хонзода хоним. – Инсоф билан гапирмак лозим! Озарбайжон забтиға, Аланжук қальласи қамалиға жўнатдилар-ку. Тўхтамишхон муҳорабасидан ҳам сизни дариф тутғонлари йўқ! Ахир қўлингиз мертилғон, жонингиз қийналадур... Шуни ўйладилар-да! Соғайғонингиздан кейин, Жўжи улусини чопқали чорладилар-ку! Рост гапирмак лозим. Ўзим гувоҳмен! Азок

хисорида бўлдингиз, Жаҳоншоҳ баҳодир бирлан Черкасга юбордилар...

– Юбордилар, юбордилар... Оддий навкар қатори саланглаб юрдим... ундан не фойда?.. Э-э-э!.. – Мироншоҳ Мирзо қўл силтади. – Валинеъмат Соҳибқирон Хизрхожа хоннинг ожизаси Тукал хонимга уйландилар, сиз тўйга бориб келдингиз, бизни эса айтдирмадилар... Ҳиндистон муҳорабасига чорламадилар. Ахир жами амирзодалар, салтанат акобирлари, беклар, амирлар, лашкарбошилар Ҳиндикушдан мағрур ошиб ўтдилар. Ҳурсондан Шоҳруҳ Мирзо чакириб олинди. Пир Муҳаммад Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо... Уларни қўйинг, ҳатто беш яшар Улуғбек Мирзо ҳам ўша ерда! Амирзода Халил Султон Ҳиндистон майдонларида от ўйнатиб юрибдур!.. Бизни эса айтдирмадилар...

– Ана, Муҳаммад Султон валиахд бўлсалар ҳам Ашпарадалар-ку? Ҳиндистонга чорланғон эмаслар... Ўпка-гина килмаяптилар-ку! Пошшолик экан-да. Салтанатнинг юки зарур жойда зарур кишиларга юкландур.. – далил топганидан қувониб кетди Хонзода хоним ичида.

– Мени чалғитмангиз! Ашпарада юрса ҳам, у – валиахд! Булар бошка-бошка нарсалар! Ҳа!.. Яна бир ўғлим амирзода Умарни пойтахт Самарқанди фирмавсмонанд забтида, салтанатни идора этишга тайинладилар! Фақат мени эмас! Мени эмас!.. О-о-о... Мени эма-а-ас!.. Бу шаънимга тегиш бўлмай нима экан?.. Нима эка-а-ан?..

– Ие!.. Зурриёдингиз амирзода Умарни пойтахт забтига қўйғон эсалар, ҳурматингиз зермасму?! Бошка амирзодаларнинг болаларини қўймабдилар-ку! Пир Муҳаммад Мирзолардан бирини ёки Рустам Мирзони танласалар ҳам бўларди. Ҳиндистон фатҳномаси Халил Султоннинг номига ёзилғони-чи? Сизнинг ҳурмат-иззатингиз эмасму?.. Билмадим...

– Мени эл-улус кўзида ер билан teng қилғон нарса, валиахдликни менга эмас, ўгай ўғлим Муҳаммад Султонга инъом этилишидур! – зуғум билан деди Мироншоҳ Мирзо.  
– Барига ақлимиз етадур, ҳа... Катта ўғилман-ку!.. Бунинг

сабаби... менинг тагим тоза эмаслиги... яъни онамнинг канизаклиги, ҳа-ҳа, ўйнаш бўлғони! Мен канизакнинг боласимен!..

– Вой, худо! Қандай гапларни гапирадурсиз? Танимай ҳам қоладур одам... Онангиз ҳақида шундай дейишга қандай тилингиз боради?.. Уялингиз! Тўхтатингиз! Эшитиб гуноҳларга ботадур киши!..

Мироншоҳ Мирзо фавқулодда қаттиқ жунбушга тушган эди:

–... Канизакнинг боласи тахт вориси бўла олмайдур. Оғам раҳматли Умаршайх Мирзо ҳам бунга етишолмай, дарди ичиди кетди. Аммо тарихга бокингиз, тарихга! Жуда донишманд маликасиз, биласиз. Иброҳим Халилуллоҳ ўғли Исмоил алайҳиссаломнинг онаси Ҳожар канизак эди-ку!. Ҳалифа ал-Мансур онаси Салома ҳам чўри бўлғон. Ҳалифалар халифаси Ҳорун ар-Рашид онаси Ал-Хайзуроннинг жория экани бизга кифоя эрмасму? Ҳалифа ал-Маъмуннинг Марожил деган чўридан туғилғони-чи?.. Ҳатто Султон Жалолиддиннинг онаси ҳам Ойчечак исмли жория эди! Онаизорим Менгли бика оқани мен туғилғонда “умм валад” – гўдак онаси деганлар... Ҳайхот, менга ҳали тахтга чиқиш у ёқда турсун, валиаҳдлик ҳам раво кўрилмайдур!..

– Ношукрчилик қилмангиз! Тап тортмай, алвон-алвон гапларни гапирадурсиз! Худодан кўрқингиз! Улкан Ҳулокухон тахтини тобшуруб кўйибдилар-ку! Бу камму?..

Мироншоҳ Мирзо телбалардай қаҳ-қаҳ отганча у ёқданбу ёқка юра бошлади.

– Ҳулокухон тахти!.. Ҳулокухон тахти!.. Гапирила-вериб, бечора Ҳулокухон ҳам гўрида тинч ётмади!.. Ҳа, тобшурдилар, тобшурдилар... Аслида Мироншоҳ Мирзони, катта ўғилни, тахтнинг меросхўрини Туронзаминдан йироқроқда юрсун, деб дунёнинг чеккасига, Ozарбайжонга ҳоким этиб тайинладилар. “Ҳулокухон мулкини тобшурдик!” – дея бутун мамлакатга жар солдилар... Беш-олти йилдан буён бу мансабда ўлтирибмен, юргнинг тинчлигини саклаб турибмен, аммо уч йил олдингина фармон олдим, холос. Нима, ишонмадиларму менга?.. Менга-я?.. Ўттиз учга кирдим-ку!.

Ахир йигирмада подшолик тахтига минғон Искандар Зулкарнайн менинг ёшимда аллақачон дунёни олиб бўлғон эди, бўлғон эди!!!.. Камситилишлар қачон қолади, қачон?!..

– Суянғон катта ўғил эрконингиз учун, салтанатнинг ғарбий сарҳадларини ишониб топширдилар-ку? Сиздан бошқа кимга ишонсунлар? Яна камситилиш дейсиз... Ангдамайдурмен, нега камситилар экансиз? Кўрагонсиз ахир!..

– Нима-нима?!.. Менга “кўрагон” лик керакмидийкин ўзи? – малика сўзини чўрт кесди Мироншоҳ Мирзо. – Кўзим учиб турғони йўқ эрди! Ҳазрати аммам Кутлуғ Туркон оқа маслаҳатларини олдилар... маҳди улё билан кенгашдилар, кенгашдилар. Етти йил ўтириб қолғон келинларини чора топмай, бошимизни айлантириб, алдаб-сулдаб бизга узатдилар... Вассалом! Кўрагон эмиш! Валиаҳд бўлмағонингдан кейин, кўрагонлик не даркор? Керак эмас! Амир Соҳибқирон ўз узукларига, давлат тангаларига кибр-у хаво маъносида “Кўрагон” каломини ўйиб, нақш қилдирғонлар. Мен тангалар тутгул, ҳатто узугимга ҳам ёздириғоним йўқ! Ёздирмаймен ҳам! Билсангиз!..

Хонзода хонимнинг дармони қуриди, шавҳарининг юзсизлигидан тили калимага келмай қолди, нимадир дейишга ҳоли ҳам йўқ. Айниқса, “ўтириб қолган” дегани каттиқ ботиб кетди. Шу пайтгача, Хоразм маликаси доим эъзоз-у эътиборда, гапини ҳеч ким кесмаган, камситилишни билмаган, ҳеч қачон “пух сассик” қа чиқмаган, ҳамиша гўзал, ақлли, ҳамиша кишилар нигоҳига безак бўлиб келган... Амир Соҳибқирон “онақизим” деб ардоқлайдиган, кўзининг устида тутадирган, қачон борса, мўътабар Ҳумоюн ўрду эшиги доим очиқ маликанинг қадри шулмиди?..

Хоразм маликаси ўзини тутолмай бирдан ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. Йиғидан тўхтاي дерди, тўхтолмасди.

– Дийдиёнгизни йиғиштирингиз! Сизнинг кўз ёшларингиз ҳеч кимга керак эмас!

“Бирорлар олдида шунчалар хор-у абгор бўлдимму ҳали?!.. – ўйлади ичида, тийиқсиз кўз ёшларини жаҳл билан артаркан малика. – Ўтириб қолғон бўлсам, ўзимдан ўзим ўтирибманму? Ёки бирон айбим ошкор-у ночор ўтириб-

манму? Еки кимгадир юқ бўлиб, ташвиш ортирибманму? Ўтирсам, Амир Темур валинъемат Соҳибқирон шаънига, улуг хонадон обрўсига, салтанат мартабасига бирон доғ тушириб, номусга қўйибманму?.. Тавқи ланъат келтирибманму?.. Вой худо, бу қандай тухмат балоси!..”

– Нечоғлик ҳақорат сўзларини эшитсан ҳам, тақдиридан нолимаймен! – деди кўз ёшлари бирдан қуриган Хонзода хоним мағрур бошини кўтариб. – Мен Хоразм маликасимен, Султон Муҳаммад Ўзбекхоннинг набираси, Амир Темур Кўрагоннинг келинлари бўламен! Неки қилсан, мен учун дунёда энг азиз ва улуг зот муҳтарам Соҳибқирон ҳазратлари учун қилдим! Хор бўлсан ҳам унинг учун хор бўлдим! Улуг Амир қалбини қийнағон фарзанд доғини кетказиши, валиаҳд шаҳзода вафотидан кейин суюкли келини тақдирини ўйлаб, ҳеч кимга кўзи қиймай, ўз бағридан чиқаргуси келмай, чеккан яширин азият-у изтиробларини енгиллатай деб, ўн беш йилдирки, ўзимни шу коп-коронғи зинданга отдим! Била туриб, иложининг борича ўз-ўзимга жабр қилдим! Аслида шаҳзода Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин мен ўлган эдим, ҳа-ҳа, ўлган эдим! Афсус! Ўшанда Оққиз қайтартмаганда оғу ичиб ўлиб кета қолганим яхшийди!..

Тақдир экан, сизнинг хасмингиз бўлғоним сабаб, кўнглим қаърида қутқу солаётғон нафратларимни жиловладим, сизга хурматимни йўқотмадим! Сизни ҳамиша баланд қўйиб келдим-ку? Инсоғизликни кўрингиз! Заҳарзаккум билан бижғифон юрагингизда гина-кудуратларни шунча йил сақлаб юрғон экансиз-да?.. Хўрлаш шунчалик бўладурму?.. Ҳа, худо кимни хароб этмоқни истаса, аввал уни эс-у ақлидан мосуво қиладур!.. Эсиз, бунда ўтган кунларим!..

Хонзода хоним бошқа ҳеч нарса демади. Бошини баланд кўтарганча эшикка қараб юрди. У энди Самарқандга отланса, бор гапни айтиб берса, Амир Соҳибқиронни ранжитмаслигини дил-дилидан сезди...

Мироншоҳ Мирзо беихтиёр ортидан талпинаркан: – Маликам!.. Тўхтангиз!.. Маликам!.. – деганча қола берди.

Сарой эшигидан чиқканда Хоразм маликаси ўзини қандайдир вазнсиз, енгил түйди. Атрофга боқиб юраги орзикди, шунча йил умри кечган Султония шахри унга бирдан бегона кўриниб кетди.

Ёмғир ёғиб ўтибди, осмон мусаффо, ҳалигина безовта кезиниб юрган қора булатлар энди йўқ, ичларини тўлдирган дардларини тўкиб-солиб қайгадир ғойиб бўлишган, уфқка ёнбошлаган офтоб эса ботиш тараддуудида эди.

Хоразм маликаси мулозимлари, канизакларига сафар тадоригини кўришни буюрди, хос лашкарга шай туришни тайинлади.

Муродбахш чоршанба куни подшо келинининг уғруки Самарқандга қараб йўлга чиқди.

### **УЧИНЧИ КИТОБ ТУГАДИ**

**2006-2009**

## МУНДАРИЖА

<i>A. Сайдов.</i> Улуғ салтанат ва улуғвор аждодларимиз тараннум этилган асар .....	
Биринчи боб .....	8
Иккинчи боб .....	29
Учинчи боб .....	48
Тўртинги боб .....	63
Бешинчи боб .....	84
Олтинчи боб .....	97
Етгинчи боб .....	114
Саккизинчи боб .....	135
Тўққизинчи боб .....	151
Ўнинчи боб .....	173
Ўн биринчи боб .....	193
Ўн иккинчи боб .....	205
Ўн учинчи боб .....	219
Ўн тўртинги боб .....	232
Ўн бешинчи боб .....	259
Ўн олтинчи боб .....	284
Ўн етгинчи боб .....	296
Ўн саккизинчи боб .....	324
Ўн тўққизинчи боб .....	348
Йигирманчи боб .....	371
Йигирма биринчи боб .....	392
Йигирма иккинчи боб .....	420
Йигирма учинчи боб .....	426

**МУҲАММАД АЛИ**

**УЛУФ САЛТАНАТ**  
*(роман-эпопея)*

**Учинчи китоб**  
**МИРОНШОҲ МИРЗО**

**Масъул муҳаррир**  
**Тўлқин Ҳайит**

**Нашрга тайёрловчи**  
**Тўлқин ЭШБЕК**

**Иктибослар ва изохларни тайёрловчи:**  
**Эргашбай МАТЯКУБОВ**

**Мусаххих:**  
**Лолаҳон ҚЎЗИБОЕВА**

**Компьютерда саҳифаловчи:**  
**Ферузбек ВОХИДОВ**

**Лицензия рақами АI № 170, 23.12.2009**

Босишига 2019 йил 12.02 да рухсат этилди. Бичими 84/108. 1/32.  
Босма тобоғи 29. Шартли босма тобоғи 32.  
Гарнитура “Times New Roman” оғсет коғози.  
Адади 1 000 нусха. Буюртма № 7.  
Баҳоси келишилган нархда.

“BOOK MEDIA PLYUS” Хусусий корхонасида тайёрланди.  
Манзил: Тошкент, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй.

“ADAD-PLYUS” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, “Бунёдкор” шох кўчаси 28-йй. 100097

ISBN 978-9943-562-91-2



9 789943 562912